


И (Жумта)

№ - 83

07







И (кит)
Л 33

ЛУ СИНЬ

ТАНЛАНГАН АСАРЛАР



БИБЛИОТЕКА КГПИ
 Инв. № 33609
 1959 г.



ЎзССР ДАВЛАТ
 БАДИЙ АДАБИЁТ НАШРИЁТИ
 ТОШКЕНТ - 1959

ХИТОЙ ХАЛҚИНИНГ БУЮҚ ЁЗУВЧИСИ

Ҳозирги замон хитой адабиётининг асосчиси Лу Синь 1881 йил 25 сентябрда Чжэцзян вилоятининг кўҳна шаҳри — Шаосинда туғилди. «Отам илмли киши эди,— деб ёзади у ўз таржиман ҳолида,— онам Лу фамилияли қишлоқи аёл бўлиб, ўқишни ўз ҳолича ўрганиб олган»¹. Ёзувчининг укаси хотираларида дейишича, Лу Синнинг она томонидан буваси иккинчи илмий даража (Цзюйжень)га эга бўлиб, молня министр-лигида хизмат қилган. Унинг иккита ўғли энг қуйи биринчи илмий даража (Сюдай)га эга бўлганлар. Шундай қилиб, Лулар оиласи ўша даврларда қадимий Хитойнинг мансабдор помешчиклар табақасига мансуб бўлган.

Бироқ, уларнинг тўқ ва фаровон ҳаёт кечирishi кўпга чўзилмаган. Лу Синь ўн уч ёшга тўлган чоғда бобоси қамоққа олинган. Орадан кўп вақт ўтмай бўлажак ёзувчининг отаси беморлик тўшагига бош қўйиб, сўнг вафот этган.

Ёзувчининг асл исм-фамилияси Чжоу Шу-жэндир. Лу Синь унинг она фамилияси асосидаги адабий тахаллусидир. Ёзувчи ўзининг дастлабки асари — «Тентакнинг кундалик дафтери» номли ҳикояси босилиб чиққан пайт — 1918 йилдан бошлаб шу тахаллус билан имзо чека бошлайди. Лу Синь ҳозирги замон адабиётига шу асари билан кириб келди.

Лу Синь дастлабки хат-саводни уйда ола бошлайди. Биринчи маротаба тарихий асар «Цзян люэ»ни ёд олади. Бу асар ўша пайтнинг барча китоблари қатори тушуниш қийин бўлган архаик адабий тилда ёзилган эди. У ўн бир ёшида хусусий мактабга ўқишга киради. Барибир у ерда ҳам кўҳна тарихий ёки фалсафий асарлар қуруқ ёдланар эди, холос.

¹ Лу Синь, Собрание сочинений, т. I, стр., 50.

Қашшоқлик ва муҳтожлик уни ўз уйини ташлаб, қариндошлариникига кўчиб ўтишига мажбур қилади. Лу Синь ўн икки ёшида майхонага дастёр бўлиб киради. Бу ерда у эрта тонгдан қоронғу кечгача югуриб-слиб, тинмай хизмат қилади. Лекин бу қийинчиликларга қарамай, Лу Синь ҳақиқий билим олишга интилади. Серғайрат Лу Синь такрор ва такрор ёд олиш билангина қониқмайди. У ўз онаси ва қариндош-уруғларининг кутубхоналаридаги китобларни бир бошдан мутолаа қила бошлайди. XIV—XIX аср тарихий ва фалсафий романлари ҳисобланган. У Чжен-эннинг «Ғарбга саёҳат», Ло Гуань-чуннинг «Уч подшолик», «Тор ва денгиз китоби» сингари адабиётлар унда катта таассурот қолдирди.

Лу Синь ўн саккиз ёшида Накиндаги кема ҳайдаш ўқув юртига киради, бироқ, ярим йил ўтмасданоқ бу ўқув юртини тарк этиб, Тоғтемир йўл ўқув юртига ўтади. Бу ерда у физика, математика, география, тарих, расм чизиш сингари фанлар билан танишади. Орадан кўп вақт ўтмай, Лу Синь илғор ўқувчилар қаторида илм олишни давом этдириш учун Японияга юборилади. Бироқ, Лу Синь у ерда, техника ўқув юртида билим олишни рад этиб, медицина институтига ўтиб кетади. Бу институтда билим олиш ҳам узоққа чўзилмайди, икки йил давом этади, холос.

«Менинг орзуларим жуда гўзал эди,— дейди Лу Синь ўзининг шу даврдаги ҳаёти ҳақида гапириб,— медицина институтини тугатиб, отам сингари беморларни даволамоқ учун ўз ватанимга қайтмоқчи... тўсатдан уруш бўлиб қолган тақдирда ярадорлар тортаётган азобни енгиллатиш мақсадида ҳарбий врач бўлиб ишламоқчи эдим. Бундан ташқари ўз ватандошларимга социал ўзгариш ясашнинг фойдали эканини тушунтирмоқчи эдим...»¹

Бироқ ўша пайтлардаги шиддатли сиёсий воқиялар — социал ўзгариш ясаш учун бўлган ҳаракат, бирлашган кучларнинг империалистларга қарши кўтарган қўзғолонлари, рус — япон уруши, Россиядаги 1905 йил революцияси Японияда яшайдиган хитой миллатларига нисбатан японларнинг ваҳшийларча муносабатлари — буларнинг ҳаммаси Лу Сининг дунёқарашига катта таъсир кўрсатди.

Еш Лу Синь тиббий ва техника фанларини эгаллаш билан бир қаторда, прогрессив адабиётга борган сари кўпроқ қизиқа бошлайди ва миллий-озодлик ҳаракатининг ташкилотчилари билан яқиндан алоқада бўлади.

У келажакда медицина ходими бўлиб, халқига ўзи ўйлаган даражада катта ёрдам бера олмаслигига ақли етади. Шу даврда энг зарур нарса — халқнинг маънавий томони заиф бўлиб қолмаслиги, хитой халқининг миллий ифтихорини кўтариш масаласи эди. «Айрим кишиларнигина тубанликдан тортиб чиқаришнинг фойдаси йўқ эди,— деб ёзади Лу Синь,— оммани юзага чиқариш керак эди.» У бунинг учун энг қулай омил деб адабиётни ҳисоблади. Лу Синь медицина институтида ўқишни ташлаб, Япониядан Хитойга қайтиб келгандан сўнг, унинг адабий фаолияти кенг қулоч ёйди.

¹ Лу Синь Собрание сочинений, т. I. стр. 56.

Лу Синь адабиётга дастлабки марта 1903 йилдаёқ қадам ташлаган эди. У журналларга мақолалар ёзди. Жюль Вернининг «Тўпдан ойга отилиш» деган романини таржима қилади, хитой ёзувчини қунт билан ўрғанади, таржимонлик ва мухбирлик билан шуғулланади.

1903—1911 йилларда Лу Синь муаллимлик қилади. Маньчжурия монархияси емирилиб, революцион ҳукумат ташкил этилгандан сўнг Наңкинда маориф министрлигида ишлайди. «Хонлар династияси тарихи»ни таҳрир қилади.

Лу Синининг адабий фаолияти Хитойда рўй берган 1911 йил революцияси йиллари — Хитой буржуазияси бошқараётган революцион ҳаракат вақтинча ўсиб бораётган кезларда бошланади.

Халқни қулликдан қутулиш учун курашга чорловчи адабиётлар ахтариш Лу Синини Европа ёзувчилари — Пушкин, Лермонтов, Гоголь, Мицкевич, Петефиларнинг асарларини ўқишга олиб келади. Лу Синининг ижодий йўли унинг аста-секин марксизм-ленинизм идеяларига яқинлаша борганини яққол намоён қилади. Лу Синь буржуа маданиятининг тубан ва жирканч эканини кўради. Бироқ, у бунинг социал келиб чиқиш сабаблари ва тағ-томирини керагича тушуниб етолмайди. Кейинчалик жамият тараққиёти қонунларини ўқиб ўрганиш ва тарихий материаллар билан яқиндан танишиш, шунингдек, Октябрь Социалистик революциясининг галабасидан сўнг ёзувчининг кўз олдида қайси жамиятнинг голиб чиқиши ва келажак кимники экани аён бўлади. Лу Синининг ўзи янги жамият қурадиган кишилар пролетариат эканини Октябрь революциясидан сўнггина тушуниб еганини ёзди.

Лу Синь Хитой халқини зулмдан озод этиш учун курашган революцион-демократликдан тортиб, «келажак фақат бош кўтариб чиқаётган пролетариатники!»¹ эканига комилишонч ҳосил қилган социализмнинг қатъий тарафдори даражасигача кўтарилади.

Лу Синининг адабиёт фронтидаги ҳақиқий курашчан фаолияти Хитойда 1919 йил «4 май» феодал ва империалистларга қарши ҳаракат бошланган кезлардан намоён бўла бошлади.

Бу даврдаги асарларида Лу Синининг революцион демократиянинг толмас курашчиси эканлиги маълум бўлади.

1924 — 27 йиллар революцияси даврида Лу Синь педагогик фаолиятини давом этдириб, Кантондаги прогрессив профессорлар ва студентларнинг илғор сафида бўлади. Бироқ у Чан Кай-ши реакция тўдасининг таъқибини остига олингани сабабли Шанхайга кўчиб кетishга мажбур бўлади. Бу ерда у 1930 йилнинг март ойида Сўл ёзувчилар Лигасининг ташкилотчиларидан бири сифатида нутқ сўзлайди. Ёзувчи 1936 йилда бу ташкилот тарқатилиб юборилгунга қадар унга раҳбарлик қилиб келди. Лу Синь Шанхайдалик чоғида унинг революцион руҳ билан сугорилган ва айна мақсадни кўзда тутган ажойиб публицистик асарлари майдонга келди.

Лу Синь, Собрание сочинений, т. III, стр. 198.

Қашшоқлик ва муҳтожлик уни ўз уйини ташлаб, қариндошлариникига кўчиб ўтишига мажбур қилади. Лу Синь ўн икки ёшида майхонага дастёр бўлиб киради. Бу ерда у эрта тонгдан қоронғу кечгача югуриб-елиб, тинмай хизмат қилади. Лекин бу қийинчиликларга қарамай, Лу Синь ҳақиқий билим олишга интилади. Серғайрат Лу Синь такрор ва такрор ёд олиш билангина қониқмайди. У ўз онласи ва қариндош-уруғларининг кутубхоналаридаги китобларни бир бошдан мутолаа қила бошлайди. XIV—XIX аср тарихий ва фалсафий романлари ҳисобланган. У Чжен-эннинг «Ғарбга саёҳат», Ло Гуань-чуннинг «Уч подшолик», «Тоғ ва денгиз китоби» сингари адабиётлар унда катта таассурот қолдирди.

Лу Синь ўн саккиз ёшида Нанкиндаги кема ҳайдаш ўқув юртига киради, бироқ, ярим йил ўтмасданоқ бу ўқув юртини тарк этиб, Тоғтемир йўл ўқув юртига ўтади. Бу ерда у физика, математика, география, тарих, расм чизиш сингари фанлар билан танишади. Орадан кўп вақт ўтмай, Лу Синь илғор ўқувчилар қаторида илм олишни давом этдириш учун Японияга юборилади. Бироқ, Лу Синь у ерда, техника ўқув юртида билим олишни рад этиб, медицина институтига ўтиб кетади. Бу институтда билим олиш ҳам узоққа чўзилмайди, икки йил давом этади, холос.

«Менинг орзуларим жуда гўзал эди,— дейди Лу Синь ўзининг шу даврдаги ҳаёти ҳақида гапириб,— медицина институтини тугатиб, отам сингари беморларни даволамоқ учун ўз ватанимга қайтмоқчи... тўсатдан уруш бўлиб қолган тақдирда ярадорлар тортаётган азобни енгиллатиш мақсадида ҳарбий врач бўлиб ишламоқчи эдим. Бундан ташқари ўз ватандошларимга социал ўзгариш яшашнинг фойдали эканини тушунтирмоқчи эдим...»¹

Бироқ ўша пайтлардаги шиддатли сиёсий воқоалар — социал ўзгариш ясаш учун бўлган ҳаракат, бирлашган кучларнинг империалистларга қарши кўтарган қўзғолонлари, рус — япон уруши, Россиядаги 1905 йил революцияси Японияда яшайдиган хитой миллатларига нисбатан японларнинг ваҳшийларча муносабатлари — буларнинг ҳаммаси Лу Сининг дунёқарашига катта таъсир кўрсатди.

Еш Лу Синь тиббий ва техника фанларини эгаллаш билан бир қаторда, прогрессив адабиётга борган сари кўпроқ қизиқа бошлайди ва миллий-озодлик ҳаракатининг ташкилотчилари билан яқиндан алоқада бўлади.

У келажакда медицина ходими бўлиб, халқига ўзи ўйлаган даражада катта ёрдам бера олмаслигига ақли етади. Шу даврда энг зарур нарса — халқнинг маънавий томони заиф бўлиб қолмаслиги, хитой халқининг миллий ифтихорини кўтариш масаласи эди. «Айрим кишиларнигина тубанликдан тортиб чиқаришнинг фойдаси йўқ эди,— деб ёзади Лу Синь,— оммани юзага чиқариш керак эди.» У бунинг учун энг қулай омил деб адабиётни ҳисоблади. Лу Синь медицина институтида ўқишни ташлаб, Япониядан Хитойга қайтиб келгандан сўнг, унинг адабий фаолияти кенг қулоқ ёйди.

¹ Лу Синь Собрание сочинений, т. I. стр. 56.

Лу Синь адабиётга дастлабки марта 1903 йилдаёқ қадам ташлаган эди. У журналларга мақолалар ёзади. Жюль Верннинг «Тўпдан ойга отилиш» деган романини таржима қилади, хитой ёзувини қунг билан ўрғанади, таржимонлик ва мухбирлик билан шуғулланади.

1903—1911 йилларда Лу Синь муаллимлик қилади. Маньчжурия монархияси емирилиб, революцион ҳукумат ташкил этилгандан сўнг Нанкинда маориф министрлигида ишлайди. «Хонлар династияси тарихи»ни таҳрир қилади.

Лу Синьнинг адабий фаолияти Хитойда рўй берган 1911 йил революцияси йиллари — Хитой буржуазияси бошқараётган революцион ҳаракат вақтинча ўсиб бораётган кезларда бошланади.

Халқни қулликдан қутулиш учун курашга чорловчи адабиётлар ахтариш Лу Синьни Европа ёзувчилари — Пушкин, Лермонтов, Гоголь, Мишкевич, Петефиларнинг асарларини ўқишга олиб келади. Лу Синьнинг ижодий йўли унинг аста-секин марксизм-ленинизм идеяларига яқинлаша борганини яққол намоён қилади. Лу Синь буржуа маданиятининг тубан ва жирканч эканини кўради. Бироқ, у бунинг социал келиб чиқиш сабаблари ва таг-томирини керагича тушуниб етолмайди. Кейинчалик жамият тараққиёти қонунларини ўқиб ўрганиш ва тарихий материаллар билан яқиндан танишиш, шунингдек, Октябрь Социалистик революциясининг ғалабасидан сўнг ёзувчининг кўз олдида қайси жамиятнинг ғолиб чиқиши ва келажак кимники экани аён бўлади. Лу Синьнинг ўзи янги жамият қурадиган кишилар пролетариат эканини Октябрь революциясидан сўнггина тушуниб етганини ёзади.

Лу Синь Хитой халқини зулмдан озод этиш учун курашган революцион-демократликдан тортиб, «келажак фақат бош кўтариб чиқаётган пролетариатники!»¹ эканига коммунистонч ҳосил қилган социализмнинг қатъий тарафдори даражасигача кўтарилади.

Лу Синьнинг адабиёт фронтидаги ҳақиқий курашчан фаолияти Хитойда 1919 йил «4 май» феодал ва империалистларга қарши ҳаракат бошланган кезлардан намоён бўла бошлади.

Бу даврдаги асарларида Лу Синьнинг революцион демократиянинг толмас курашчиси эканлиги маълум бўлади.

1924 — 27 йиллар революцияси даврида Лу Синь педагогик фаолиятини давом этдириб, Кантондаги прогрессив профессорлар ва студентларнинг илғор сафида бўлади. Бироқ у Чан Кай-ши реакция тўдасининг таъқибига олингани сабабли Шанхайга кўчиб кетишга мажбур бўлади. Бу ерда у 1930 йилнинг март ойида Сўл ёзувчилар Лигасининг ташкилотчиларидан бири сифатида нутқ сўзлайди. Ёзувчи 1936 йилда бу ташкилот тарқатилиб юборилгунга қадар унга раҳбарлик қилиб келди. Лу Синь Шанхайдалик чоғида унинг революцион руҳ билан суғорилган ва айни мақсадни кўзда тутган ажойиб публицистик асарлари майдонга келди.

Лу Синь, Собрание сочинений, т. III, стр. 198.

Хитой адабиётида революцион бурилиш ясаган «4 май ҳаракати»нинг асосий шiori империализм ва феодализмга қарши шафқатсиз кураш эди. Ёзувчининг революцион ғоясини мужассамлаштирган дастлабки асари «Тентакнинг кундалик дафтари» ҳисобланади. Бу ҳикояда ёзувчи, ўзининг одамхўрлигини диний нисонпарварлик ниқоби остига яширган феодаллар ва улар зулмидан жабрланган хитой халқининг оғир ҳаёти ҳақида сўзлайди. Ёзувчи ғазаб билан эски Хитойнинг одам севмас урф-одатларини очиб ташлаб, социал ўзгариш рўй бериши лозимлигини талаб қилади.

Кейинчалик 1919 йилда «Син циньянь» журналида босилиб чиққан «Кун И-цзи» ва «Дори» ҳикоялари Лу Синини маърифатпарвар йирик реалист ёзувчилар ва реакциянинг қора кучларига қарши ёрқин келажак учун сабот билан курашувчилар қаторига қўяди.

Лу Синининг типлар яратишининг устаси эканлиги айниқса «Кун И-цзи» ҳикоясида аниқ кўзга ташланади. Бу ҳикояда автор Хитойнинг ярим феодал, ярим колониал мамлакатга айланиш давридаги қашшоқлашиб қолган аҳолилар аҳволини ёрқин чизиб беради. Чириб бораётган тартибга ўзининг бутун вужуди билан чирмашиб олган бу кишилар табақа фахри ва баланд-парвозликни кўлдан бой бермай, ўзгариб турган тартибларга мослаша олмадилар. Лу Синь ҳикоясининг қаҳрамони ўзининг бутун умрини ҳеч қандай маънога эга бўлмаган қуруқ асарлар ўрганишга сарфлаб, маълумот ололмагани сабабли ҳам феодал идеологиясининг қурбони бўлади. Кўҳна Хитойда бундай фожиялар кўплай учрайди. Иродасиз ва ожиз ўғрилиқ билан шуғулланган Кун И-цзи винони эрмак деб билар экан, ёзувчининг бошқа бир қаҳрамони «Жило» ҳикоясидаги Чэн Ши-чэн алоҳида шижоат билан ҳаётда танҳо ўзининг эркин нафас олиши учун имконият излайди. У дастлабки илмий даражага эришиш учун ўн олтинчи марта ҳам давлат имтиҳонини топшира олмаслигига қарамай, бойлик ва тўкин-сочин ҳаёт кечириб йўлларини ахтаради. Китобхонда: «келажакда рўёбга чиқади деб орзу қилиб юрган барча ҳаёт тартиби худди сувдаги қанд минорадай эриб кетган» кишига нисбатан ачиниш туйғулари уйғонади.

«Кичкина инсон» фожияси бир шахсга аталган бойликни роса ахтариб, ниҳоят бемаъни равишда кўлга чўкиб ўлиш билан тугайди.

Лу Синининг «Дори» ҳикояси ғоявий аҳамиятига кўра кучлидир. Бунда ёзувчи ўз халқини жондан севган, ўлим олдида чинакам қаҳрамонлик кўрсатган революцион ҳаракат қатнашчиси Ся Юнинг портретини чизади.

Ҳикоянинг сюжети Ся Юни оғир бемор Сяо Шуан билан боғлайди.

Қадимги Хитойнинг диний ақидаларига кўра қатл этилган кишининг қони ажойиб таъсир кўрсатадиган хусусиятга эгадир. Сяо Шуан қатл этилган кишининг қонига буланган бўғирсоқ ейди, бироқ бу дори уни ҳалокатдан қутқариб қололмайди.

Ҳикояда тўғридан-тўғри революцияга чақириқ бўлмаса-да, автор революционернинг жасоратига тушуниб етмаган кишиларнинг нодонлиги ва хурофотга берилганини танқид остига олади. Автор оммани алдамаслик ва турли-туман дори-дармонларга инонмай Ся Ю ҳамда унинг қабрига оқ ва қизил гуллар қўйган кишиларнинг кетидан боришга даъват этади.

Кишиларнинг хурофотга берилгани ва оми эканлиги «Эртага» номли ҳикояда давом этдирилади. Ҳамманинг назаридан қолган ёлғиз аёл Шан-сининг ҳаёти бир меёрда зерикарлидир. Табибнинг дуо ўқиши ва куф-суфларига қарамай биттаю-битта ўғли вафот этгач, унинг қайғусига қайғу қўшилади, алами зиёда бўлади. Бироқ ҳикояда эртага ёки яқин кунларда порлоқ келажакнинг барқ уриб келишига бўлган ишонч ва Шан-синнинг оғир қисмати учун жавобгар кишиларнинг тўловдор бўлажаги тараннум этилади.

Қамбағал — рикшанинг зиёлидан маънавий устуңлигини тасдиқлайдиган «Кичик воқиа» номли ҳикоя ҳам ғоявий жиҳатдан қизиқарлидир. Бу ҳикояда ёзувчининг янги жамият қурувчи халққа бўлган ишончи мужасамлаштирилган. Бироқ, бу жамиятнинг қандай жамият эканлиги ёзувчи томонидан баён этилмаган. Бу фикр ёзувчининг «Қишлоғим» ҳикоясида ўз ифодасини топган. Автор бунда келажакдаги социал тенглик тузуми ҳақида ишонч билан гапирди.

«А-Кьюнинг асл тарихи» номли повесть ёзувчининг йирик адабий меросларидан бири ҳисобланади. Бу асар ўткир реалистиклиги, образларнинг чуқур талқин этилиши жиҳатидан жаҳон адабиёти хазинасидан ўрин олди.

Автор «А-Кью» деб ном қўйган кулбасиз камбағал ҳақидаги бу повесть 1911 йил революцияси воқияларига оиддир. Бу революция Маньчжурия династиясининг халқни азоблаб келган режимини барбод қилгани билан ҳали тушуниб етмаган деҳқонларга ҳеч қандай фойда келтирмади. Ўзининг озодлиги учун курашда кимнинг орқасидан бориш лозимлигини кўрсатиб беради.

1922 йилда босилиб чиққан «А-Кьюнинг асл тарихи» номли повесть революционерларга илғари йўл қўйилган хатоларни қайта такрорламасликни огоҳлантирди, уларнинг диққат-этиборларини деҳқонларни уюшқоқлик билан онгли равишда курашга отлантиришга қаратди.: А-Кью Вэйшуан деган хилват бир қишлоқдаги омманинг кулгисига, ҳақоратига ва бераҳм эксплуатацияга дучор бўлган батракнинг ёрқин образидир.

Актив қаршилиқ кўрсатишга ожизлик қилган А-Кьюнинг кўнгли хом хаёллар билангина таскин топади. Шу хаёл билан юқори мансабга кўтарилади. Ундаги бу «хислат»лар кейинчалик «Акьюизм» деб ном олади.

«Акьюизм» хавфли нарса. Ёзувчи унинг занф томонлари ва миллий-озодлик ҳаракатига зарар етказиши мумкинлигини кўрсатиб, бу билан у, оммани унга қарши курашга чорлайди. Лу Синь деҳқонларнинг пассивлигини танқид қилиш билан тарихий вазифани бажаради: халқни маънавий томондан уйғотишга ёрдам беради.

Лу Синь ўзининг кейинги асарларида ҳам қулдорлик ва унинг ҳар қандай кўринишларига қарши курашини давом этдирди. Бироқ, ўша даврга келиб барча ёзувчилар икки фронтга — илғорлар ва очиқдан-очиқ реакция лагерига ажралиб кетдилар. Лу Синь меҳр қўйган ёшларнинг бир қисми реакция лагерига суқилиб кирди. Бу ҳол унга таъсир этмай қолмади. Унинг бу кайфияти, шубҳаси ва иккиланиши «Еввойи гиеҳлар» тўпламида ўз ифодасини топди.

«А-Кьюнинг асл тарихи», «Тентакнинг кундалик дафтари», «Кун И-цзи» сингари асарларни ўз ичига олган «Наъра» тўплами жабр-зулм, нодонлик ва хурофот, қўрқоқлик ва разилликка қарши ғазаб билан янгради. Ёзувчи ўз асарида хитой адабиётининг қадимдан одат тусига кириб келган қаҳрамонлари — императорлар, амалдорлар ва гўзал санамлар ўрнига деҳқонлар, рикшалар, ошпаз ва дайдиларни гавдалантиради.

«Қовоқхонада» ва «Марҳуманинг таъзияси» сарлавҳали ҳикоялар ўша давр зиёлиларининг ранжишлари, ҳафсалалари пир бўлгани, умид ва курашидан дарак беради.

«Бахт тилаб сиғиниш» деган ҳикоядаги Сянь Линь феодал урф-одатининг қурбони бўлади. Унинг онласи тушкунликка учрайди. Ўзи барча қишлоқ аҳолиси янги йил арафасида бахт тилаб сиғинаётган пайтда ҳалок бўлади.

Буюк хитой ёзувчиси Лу Синь асарлари Чехов сингари фикрни лўнда қилиб ифода этилиши ва баднийлиги, горькийча серзавқлиги ва мунозарали экани билан яққол ажралиб туради.

* * *

Лу Синь формал жиҳатдан коммунист бўлмаса-да, ўзини революцион кайфияти, ҳаракати ва асарлари билан коммунистик партия сафида эди.

Лу Синь 1936 йил 19 октябрда вафот этди. У реакция лагерини ва душманларининг назорати остида бўлишига қарамай, империалистик агрессия, милитаризм ва сотқин гоминданчилар тўдасига қарши кураш олиб борди.

Лу Синьнинг ҳаёти — ўз халқига хизмат қилишнинг ёрқин тимсолидир. Бироқ, у ўз ҳаракатининг тўлиқ натижасини кўришга муяссар бўлмади.

Хитой халқининг дохйиси Мао Цзе-дун Лу Синьга ёрқин характеристика бериб, шундай дейди: «Лу Синь Хитойдаги маданий революциянинг етакчисидир. У мустақил иродали одам эди, унда қулларча хушомадгўйлик ва лаганбардорликдан асар йўқ эди. Бу ҳол колониал ва ярим колониал мамлакат кишилари учун қимматли сифат ҳисобланади. Лу Синь энг нуқсонсиз, энг қўрқмас, энг қатъий, энг содиқ, кўпчилик халқ малфаатини кўзлаб маданият майдонида душман истеҳкомига ҳужум қилган, ҳозирга қадар кўз кўрмаган оташин халқ қаҳрамонидир.


Лу Синьнинг йўли хитой халқи янги маданиятининг йўлидир»¹.

Лу Синь Совет Иттифоқи билан дўстлик жарчиси, совет халқининг содиқ дўсти эди.

Хитой халқининг буюк ёзувчиси Лу Синь асарлари таржимаси мамлакатимиз халқлари ўртасида кенг тарқалган. Лу Синь асарлари СССРда Совет Иттифоқи халқларининг 16 тилида 1 миллион 200 мингдан ортиқроқ нусхада, 34 марта нашр этилган. Дўст ёзувчининг ўлмас асарлари совет китобхонлари томонидан севилиб, қайта ва қайта ўқилмоқда.

И. Мангутова.

¹ Мао Цзе-дун, Избранные произведения, т. III, стр. 156.





ТЕНТАКНИНГ КУНДАЛИК ДАФТАРИ

Ака-ука Х лар — улар ўз исму шарифларини ҳозирча махфий тутиб туришимни сўрашган — илгари, яни ўрта мактабда ўқиб юрган чоғларимизда қадрдон дўстларим эди. Бир-биримиздан ажралиб кетганимиздан буён кўп йиллар ўтиб кетди, бора-бора алоқамиз бутунлай узилиб қолди. Тасодифан яқинда улардан бирининг бетоб эканини эшитиб қолдим; ватанимга бораётганимда йўлакай уларнинг уйига кириб ўтай деб бурилдим; бахтимга уларнинг бири уйда экан, у менга, укасининг бетоб бўлганини айтди.

«Бизларни кўриш учун шунча узоқ йўлни босиб, бекорга овора бўлибсиз, ахир у аллақачон тузалиб кетган, ҳозир давлат ишига тайинланиш учун Н шаҳрига жўнаб кетган»,— деди. Кейин хохолаб кулиб иккита кундалик дафтар олди-да: «қадимий дўстларни укамнинг касаллик вақтидаги ҳолати билан таништираман чакки бўлмас» деб дафтарларни менга узатди. Кундаликларни олиб, уйимга жўнадим. Ундаги ёзувларни кўздан кечирар эканман, дўстим «таъқиб васвасаси» га ўхшаш касалга дучор бўлган экан, деган хулосага келдим. Кундаликдаги хабарлар бутунлай чалкаш бўлиб, жумлаларда мантиқ йўқ, кўп иборалар бир-бирига қовушмас эди, хотиралар остига ҳатто ой-кунлар ҳам ёзилмаган, фақат қора рангли туш билан ёзилган ҳарфларнинг катта-кичиклиги туфайлигина кундалик бирйўла ёзилмаган, деган хулоса чиқариш мумкин эди. Кундаликдаги бир-бирига озми, кўпми боғланидиган жумлаларни танлаб, уларни врачларга кўрсатиш ва ўрганиш учун шу заҳоти бошқа бир дафтарга кўчи-

риб ёздим. Хатто жумлалардаги биронта сўзни ҳам тузатмадим, гарчи ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмаса-да, одамларнинг фамилияларинигина ўзгартирдим, холос, чунки улар ҳаммаси қишлоқда яшовчилар бўлиб, уларни ҳеч ким танимасди. Дафтарнинг сарлавҳаси масаласига келганда шуни айтиш кифояки, авторнинг ўзи тузалгандан кейин шу номни қўйди ва бинобарин, уни ўзгартирилмади.

Еттинчи йил, тўртинчи ойнинг иккинчи куни

I

Бугун кечқурун ой жуда ажойиб ёғду сочиб турибди. Мен ўттиз йилдан ортиқроқ вақт уни кўрмаган эдим, бугун уни кўриб, кайфим ниҳоятда чоғ бўлиб кетди. Ўттиз йиллик умрим зулмат ичида ўтиб кетганини шу топдагина англадим. Аммо, жуда эҳтиёт бўлиш керак. Бўлмаса Чжаонинг ҳовлисидаги ит нега менга икки марта қараб қўйди?

Мени бундай ваҳима босиши бечиз эмас...

II

Бугун ой бутунлай ёритмади; бунинг яхшилик аломати эмаслигига ақлим етди. Эрталаб эҳтиёт бўлиб кўчага чиқдим. Чжао Гуй-вэннинг кўз қарашлари бежо: ё у мендан қўрқаётибди, ёки мени ўлдиришга тараддулланяпти. Яна етти-саккиз киши ўзаро шивирлашиб, менинг тўғримда гапришяпти. Аммо, айни вақтда бу ҳолни менинг сезиб қолишимдан қўрқишяпти. Йўлда учратган одамларимнинг ҳаммаси ҳам шу тахлитдаги кишилар бўлди. Айниқса улардан биттаси жуда ёвуз одам экан: мени кўрган заҳоти оғзини катта очиб, кулиб юборди. Тўсатдан бошимдан товонимгача бутун вужудим музлаб кетди. Шундан мен уларнинг тайёрланиб бўлишганини сезиб қолдим.

Шунга қарамай, қўрқмасдан йўлимга кетавердим. Олдимда тўдалашиб бораётган болалар ҳам бир-бирлари билан мен тўғримда гаплашиб боришарди. Уларнинг кўзлари ҳам Чжао Гуй-вэннинг кўзларига ўхшаш олазарак, юзлари эса чўяндек қоп-қора эди. «Болаларни нима қилиб хафа қилдим, улар менга нега бундай ёмон кўз билан қарашяпти экан?» деб ўйладим. Ўзимни тутиб туролмай: «Айтсанглар-чи, ахир, ўзи нима гап?» деб қичқирган эдим, улар қочиб кетишди.

Чжао Гуй-вэнни ва бошқа йўлда учратган одамларни нима қилиб хафа қилган эканман, деб ўйладим: бундан йигирма йил илгари «Оқсоқол» жанобларининг эски кирим-чиқим дафтарини оёқларим остига олиб топтаганим учунми? «Оқсо-

қол» жаноблари шунда жуда хафа бўлган эди, гарчи Чжао Гуй-вэнь у билан таниш бўлмаса-да, афтидан бу хабар унинг қулоғига етганга ўхшайди; шунинг учун у «Оқсоқол» жанобларининг қасдини олди. У йўловчиларни ҳам менга қарши гиж-гижлатиб қўйган. Аммо, болалар-чи? У вақтда болалар ҳали туғилишмаган ҳам эди-ку: нима сабабдан бугун улар ҳам менга ўқрайиб қолишдийкин? Ё улар мендан қўрқишяпти, ё бўлмаса, мени ўлдиришмоқчи. Мана шуларнинг ҳаммаси мени ваҳимага солади, ажаблантиради ва шу билан бирга хафа қилади.

Ҳа, тушундим. Уларга бу ишни ота-оналари ўргатишган!

III

Кечаси ҳеч ухлай олмадим. Ҳар қандай ишни ҳам аввал ҳар тарафлама ўйлагандан кейингина яхши билиб олиш мумкин!

Уезд бошлиғи бўйинларига кунда солиб жазолаган, помешчикларнинг калтагини тотиб кўрган, уезд маҳкамасининг миршаблари хотинларини тортиб олган, судхўрларнинг зулми туфайли ота-оналари вафот этган кишилар ҳам бор. Ҳатто ўша жабр-дийдаларнинг юзлари ҳам кеча мен кўрган одамларнинг юзлари сингари даҳшатли ва қаҳрли эмас эди.

Айниқса менга кеча кўчада кўринган бир хотиннинг ахлоқи жуда ғалати туюлди. У ўз ўғлини уришар ва: «Қараб тур ҳали! Сени тишлаб, узиб-узиб олмагунимча, кўнглим тинчимайди!» деб қичқирарди. У ўғлига шундай дерди-ю, аммо ўзи мендан кўзини узмасди. Қўрқиб кетдим ва бу қўрқувни яшириб қололмадим. Бир гуруҳ одам ўткир озиқ тишларини кўрсатиб хохолаб кулиб юборди. Чэнь Лао-у югуриб олдимга келди-да, мени уйимга олиб кетди.

Уйимга олиб келди... Уйимдагилар ўзларини мени танимасликка солишди. Уларнинг кўзлари ҳам худди кўчада кўрган одамларимнинг кўзларига ўхшарди... Кабинетга кирдим, шу заҳоти товуқ ёки ўрдакни катакка қамагандек, эшикни шарақлатиб беркитиб олишди. Буниси ўтиб тушдику, иш борган сари чалкашиб кетяпти, тушуниш мушкул.

Бундан бир неча кун илгари Ланцзицунь¹ қишлоғидан келган ижарачи экин битмаганини маълум қилган эди: у акамга, қишлоқ аҳолиси бир бўлиб, шу қишлоқлик бир ёмон одамни ўлдирганини гапириб берди; бир неча киши ўта кетган даражада ботир бўлиш учун унинг юраги билан жи-

¹ Л а н ц з и ц у н ь — Луғавий маъноси «Бўрилар қишлоғи».

гарини олиб, ёгда қовуриб ебди. Ушанда мен уларнинг гапига луқма солмоқчи бўлган эдим, ижарачи билан акам менга бир неча марта қараб қўйишган эди. Бугун билсам, уларнинг қараши ҳам худди кўчада кўрган одамларимнинг қарашига ўхшар экан.

Шу фикр хаёлимга келган заҳоти бутун баданим қалтирай бошлади.

Ҳамонки улар одам ейишар экан, демак, мени ҳам еб қўйишлари мумкин-да.

Ахир ана у хотиннинг «тишлаб узиб-узиб оламан» деган сўзларини, қоп-қора ўткир озиқ тишли одамларнинг тиржайиб қаҳ-қаҳ уришлари, бундан бир неча кун илгари ижарачининг айтган гапларини эшитдинглар-ку — буларнинг ҳаммаси шунга ишора-да. Уша хотиннинг сўзлари, одамларнинг хоҳолаб кулишлари бошдан-оёқ заҳар, оппоқ, ўткир, йиртқичларники сингари ёғирлайдиган тишлари пичоқ, хуллас ҳаммаси одамларни ейиш учун хизмат қилар экан, тунддим.

Хусусан ўз тўғримда шуни айтмоқчиманки, назаримда, ёмон одамга ўхшамайман, аммо «Оқсоқол» жанобларининг кириш-чиқим дафтари оёқ остига олиб топтаганимдан кейин яхши одам эканлигимни тасдиқлаш қийин бўлиб қолди. Афтидан, улар аллақандай ёвуз ниятда юришибди, аммо нима эканини билолмай гарангман. Шуни айтиб қўяйки, уларнинг жаҳли чиқса ҳам сиз балога қоласиз, буни сиздан кўришади ва сизни ёмон отлиқ қилишади. Бир вақтлар акамнинг қилган насиҳати ҳали ҳам эсимда. «Ҳар қандай яхши одам ҳам, гапига гап қайтарсанг сени албатта ёмон кўради, аммо ҳар қандай ёмон одамнинг эътирозига атайин гап қайтармасанг, у сени: жуда шинаванда, билимдон одам-да, бошқаларга ўхшаган эмас, деб оғзидан қўймайди» деган эди у. Гап одамни ейиш тўғрисида бораётган бир пайтда уларнинг дилида нима ниятлари борлигини қаёқдан билай?

Ҳар қандай ишни аввал ҳар тарафлама ўргангандан кейингина яхши билиб олиш мумкин. Илгари вақтларда одамлар бир-бирларини ейишар экан: қачонлигини аниқ эслолмайман. Буни аниқ билиш учун тарих китобини очган эдим, китобда хронологик маълумотлар йўқ, ҳар бир бетига «инсонпарварлик», «адолат», «ахлоқ», ва «саховат»¹ деб ёзиб ташланибди, шу куни ҳеч уйқум келмай, ярим кечагача китоб ўқиб ётдим ва тўсатдан сатрлар орасига қараган эдим, китоб бошдан-оёқ биргина «одамхўрлик» деган сўз билан тўла эканини кўриб қолдим.

¹ Инсонпарварлик, адолат, ахлоқ ва саховат — Конфуцианлик, хитойдаги уч асосий диндан бири, ахлоқнинг тўрт таълимоти.

Сон-саноқсиз бу сўзлар ҳингиллашиб, гинали кўзларини менга тикиб туришарди.

Мен ҳам одамман-ку, улар бўлса мени еб қўйишмоқчи-я!

IV

Эрталаб эндигина тинчиб ўтирган ҳам эдимки, Чэнь Лао-у нонушта келтириб қўйди. Қарасам, сабзавотлар билан буғлаб пиширилган балиқ экан. Балиқнинг кўзлари оппоқ, қаҳрли бўлиб, очилиб турган оғзи худди одамхўрликни ўйлаб юрган кишиларникига ўхшар эди. Бир-икки бўлак еб кўрдим: шилимшиқ экан, балиқ эканини ҳам, одам эканини ҳам билмай қолдим; шу заҳоти кўнглим айниб, тупуриб ташладим.

Лао-уга: «Акамга айт, жуда зиқ бўлиб кетяпман, боғни айлангим келяпти» дедим. Лао-у ҳеч нарса демай чиқиб кетди-да, тез орада қайтиб келиб, эшикни очди.

Урнимдан қимирламай: қани, нима қилишар экан, деб қараб ўтиравердим; биламан, улар мени ҳеч маҳал уйдан чиқаришмайди. Бу турган гап! Акам қандайдир бир чол кишини бошлаб, аста менинг ёнимга келди. Чолнинг кўзлари ғазабга тўлган; у бу ҳолни пайқаб қолишимдан кўрқди шекилли, ерга қараб, ҳар замонда кўзойнаги остидан менга ўғринча қараш қилиб кўярди. Акам мендан: «Чамамда, бугун ўзингни жуда яхши сезаётганга ўхшайсан-а?» деб сўради. «Ҳа» деб жавоб бердим. Акам гапини давом этдириб: «Сени кўрсатиш учун бугун доктор Хэни чақириб келдим» деди. «Хўп!» — дедим мен: аммо, кошки бу чолнинг бошқача кийиниб олган жаллод эканини билмасам! Ҳеч шак йўқки, томирларимни ушлаб кўриш баҳонаси билан у менинг ориқ-семизлигимни билиб бермоқчи, бу хизмати учун унга ҳам бир парча гўштимдан беришади, албатта. Гарчи одам гўшти емасам ҳам асло кўрқмайман, улардан кўра юраклироқман. Муштимни қисиб, қўлимни чолга узатганча, қани, нима қиларкин, деб қараб туравердим. Чол ўтириб кўзларини юмди, томиримни ушлаб, анчагача хаёл суриб қолди; кейин қув кўзларини очиб: «Хотиржам бўлсин, ҳеч нарсани ўйламасин, бир неча кунгача тинчликда сақланглар, кейин яхши бўлиб кетади» деди.

«Хотиржам бўлсин, ҳеч нарсани ўйламасин, тинчликда сақланглар» дегани қандай гап бўлди? Ҳа, тушундим: семирив жир битгунча ушлаб туришлар, дегани, чунки уларга улуш ҳам кўпроқ тегади-да. «Яхши бўлиб кетади. Бундан менга бирор наф бормиди? Бу одамлар шайтондан ҳам айёр эканлар, улар бутун бошли одамни еб қўйишмоқчи-ю, яна бу ишни билдиришмоқчи ҳам эмас-а! Тўғридан-тўғри иш бошлашга кўрқишяпти — ҳаммадан мана шуниси кулгили-да!»

33609

Ўзимни тутиб туролмаи хохолаб кулиб юбордим. Жуда хурсандман. Кулгимда жасорат ва ростлик борлиги менга аён. Шу жасорат ва ростгўйлик олдида эсанкираб қолган чол ва акамнинг ранги қув ўчиб кетди. Аммо, мен дадиллашган сарим улар жасоратимдан завқланиб, мени тез еб қўймоқчи бўлардилар. Чол уйдан чиқиб, эшикдан сал нарироқ борди-да, акамнинг қулоғига астагина: «Келинг, тезроқ еб қўя қолайлик» деди. Акам рози бўлгандек, бош ирғаб қўйди. «Ҳали сен ҳам шуларга шерикмисан!» Мен бунга гўё тасодифан библиб қолган бўлсам-да, тамомила мантиқийдир. Мени емоқчи бўлиб юрган тўда орасида акам ҳам бор экан!

Менинг акам одамхўр!

Мен одамхўрнинг укасиман!

Мени еб қўйишади, аммо барибир мен одамхўрнинг укаси бўлиб қолавераман.

V

Сўнги бир неча кун ичида ўзимнинг аввалги фикрларимдан бир оз қайтдим: борди-ю, чол кийимини ўзгартириб олган жаллод бўлмай, чинакам врач бўлган тақдирда ҳам барибир у одамхўр. Бу илмнинг асосчиси Ли Ши-чжэнь¹ ўзининг янглишмасам «Илдизлар ва ўтлар» деган аллақандай бир китобида очиқдан-очиқ: одам гўштини қовуриб еса бўлади деган. Қани шундан кейин чол: мен одам гўшти емайман, дея олармиди?

Туғишган акамга келганда, унга ҳам туҳмат қилаётганим йўқ. У менга кўҳна асарларнинг маъносини тушунтирган вақтида «одамлар болаларини бир-бирлариникига алмаштириб есалар бўлаверади» деб ўз оғзи билан айтган эди. Яна шу нарса ҳам эсимда, бир вақтлар иккимиз бир тентак одам тўғрисида гаплашиб қолган эдик, ўшанда акам, уни фақат ўлдирибгина қўя қолмай, балки, «гўштини еб, терисини ерга тўшаб, устида ухлаш керак» деган эди. У вақтда ҳали ёш эдим, шунинг учун қўрққанимдан анча вақтгача юрагимни ҳовучлаб юрдим. Бундан бир неча кун илгари Ланцицунь қишлоғидан бизникига келган ижарачининг «ўлган одамнинг юраги билан жигарини еб қўйишди» деган гапини эшитиб, акам ҳеч пинагини бузмади, ҳатто таажжубланмади ҳам. Аксинча, у ижарачининг гапини маъқуллаб, бош ирғаб ўтирди. Афтидан, у ҳозир ҳам ўша-ўша шафқатсиз бўлса керак. Қолбуки, у болаларни алмаштириб, ейиш мумкин дер экан,

¹ Ли Ши-чжэнь — «Шифобахш илдизлар ва ўтлар рўйхати» деган китобнинг автори, Мин династияси даврида (1368 — 1644), яшаган.

демак, истаган нарсани алмаштириш ва истаган одамни ейиш мумкин-да. Илгари кўпроқ унинг адолат тўғрисидаги фикрларини эшитар ва содда бўлганим учун унинг бу сўзларига ишонар эдим, энди бўлса, у адолат тўғрисида гапирар экан, бу сўзлар одам ёғи билан ёғланган лаблардангина эмас, одамхўрлик ҳисси билан тўлган қалбидан чиқаётганини биламан.

VI

Қоп-қоронғи зулмат, кун эканини ҳам, тун эканини ҳам билолмадим. Чжаонинг ҳовлисида яна ит ҳуриб қолди.

Шер каби даҳшатли, қуёндек қўрқоқ, тулки сингари айёр экан.

VII

Уларнинг ҳийлаларини биламан, тўғридан-тўғри ўлдиришмоқчи эмас, хунук овозалар тарқалиб кетишидан қўрқиб бунга журъат ҳам қила олишмайди. Шу сабабли улар бир-бирлари билан тил бириктиришиб, «ўз оёғидан илинсин», деб ҳамма ёққа қопқон қўйиб, тўрлар ёйиб ташлашган. Кўчадаги эркак ва аёлларнинг кейинги вақтлардаги феъли-атворлари билан акамнинг сўнгги вақтлардаги феъли-атворини бир солиштириб кўрсангиз, гапимнинг ўндан тўққизи тўғрилигига сўзсиз ишонасиз. Энг яхшиси, белбоғни ечиб, бир учини хомага маҳкам боғлаш-да, осилиб ўлиш керак. Шунда улар бўйинларидан гуноҳни соқит қилиб, айни вақтда ўз мақсадларига етганлари учун қувонч билан қаҳқаҳа уриб куладилар. Шундай қилмасам қўрққанамданми ёки ғамданми ўлиб қоламан: у тақдирда анча ориқлаб кетаман, улар бу ҳолга ачинсалар-да, ҳарқалай «яхши бўлди» дегандек бир неча бор бош ирғаб қўядилар.

Улар ўлакса гўштини ейишдан бошқа нарсани билмайдилар! Қитобларда сиртлон деган ҳайвон бор деб ёзилгани эсимда. Унинг кўзлари ва ташқи кўриниши жуда ваҳимали бўлиб, у доим ўлакса гўшти еяр экан: ҳатто энг катта суякларни ҳам ғажиб-майдалаб ютиб юборар экан. Бунга ўйлашнинг ўзи бир даҳшат. Сиртлон бўрилар наслига, бўри эса, итлар оиласига киради. Уч кун илгари Чжао ҳовлисидаги ит менга бир неча марта қараб қўйган эди: итнинг ҳам уларга шериклиги аниқ. Эй кўзларини ерга тикиб турган чол, мени алдаб бўпсан!

Ҳаммадан ҳам акамга ачинаман. Ахир у ҳам одам-ку, нега ақалли заррача ҳам қўрқмайди? Бунинг устига у тўдага мени емоқчи бўлиб қўшилдимми? Бу қандай гап — одам гўштини ейиш гуноҳ деб ҳисобланмайдиган қадимги одатми ёки кўра била туриб қасддан жиноят қилишдек виждонсизликми?

Умуман одамхўрларга, даставвал ўз акамга лаънатлар бўлсин. Одамхўрларни бу йўлдан қайтармоқчиман ва бу ишни акамдан бошлайман.

VIII

Ростини айтганда, бу далиллар ҳозир уларга ҳам мутлақо тушунарли бўлиши керак...

Тўсатдан бир киши келиб қолди: кўринишидан ёши йигирмадан ошмаган эди, унинг қиёфасини яхшилаб кўздан кечиролмадим. У табассум билан менга бош ирғади: Бу негадир ҳақиқий табассумга ўхшамайди. Ундан:

— Одамхўрлик тўғри ишми?— деб сўрадим.

У илгаригидек кулимсираб жавоб берди:

— Очарчилик йилли эмас-ку, нега одам ейлади?

Унинг ҳам шу одамхўрлар тўдасидан эканини шу заҳотиёқ сездим. Сўнг ботирлигим юз барабар ошиб кетди-да, «шу тўғри ишми?» деб туриб олдим.

— Буни сўрашнинг нима ҳожати бор? Ростини айтсам, ҳазилкашликни яхши кўрадиганга ўхшайсан... Бугун ҳаво жуда яхши-я.

Ҳақиқатан ҳам ҳаво яхши, ой чарақлаб нур сочиб турган эди.

— Ахир сендан сўраяпман: шу тўғри ишми?

У талмовсиради. Кейин тисарилиб деди:

— Тўғри эм...

— Тўғри эмас? Бўлмаса нима учун ейишади?

— Бўлмаган гап...

— Бўлмаган гап? Ланцзицунь қишлоғида оппа-очиқ еб юришибди-ку; китобларда ҳам ёзилган, ҳаммаси ҳам шу яқин ўртадаги гаплар!

Унинг юзлари ўзгариб, қоп-қора чўянга ўхшаб кетди. Сўнгра кўзларини менга тикиб, деди:

— Эҳтимол, ҳақиқатан ҳам шундайдир, чунки азалдан шундай бўлиб келяпти-ку, ахир.

— Азалдан шундай бўлиб келаётган бўлса, тўғри экан-да?

— Бу ҳақда сен билан баҳслашиб ўтирмайман. Умуман бундай гапларингни қўй; гапирсанг айбдор бўлиб қоласан!

Кўзларимни чақчайтирганча дик этиб ўрнимдан турган эдим, у одам бир зумга кўздан ғойиб бўлди. Аъзойи баданимдан тер қуйилиб кетди. У акамдан анча ёш эди, лекин уларнинг тўдасида эканини ҳеч хаёлимга келтирмаган эдим. Албатта, уни бу ишга ота-онаси ўргатган. Ўз навбатида у ҳам ўғлини шу ишга ўргатган бўлмаса, деб қўрқаман: ҳатто кичкина болаларнинг ҳам менга қаҳр билан қараётганларининг боиси шу экан-да.

IX

Одамларни еб қўйишмоқчи-ю, лекин ўзимизни ҳам еб қўйишмасин, деб қўрқишади-да, шу сабабли бир-бирларига шубҳаланиб қарашади...

Шу фикрларидан қайтишса-ку, қандай хотиржам бўлишар эди-я, тинчгина ўз ишларини қилишиб, ўйнаб-кулишар, еб-ичишар, тинчгина ухлашарди. Бунинг учун кичкина бир ғовдан сакраб ўтиш керак, холос. Аммо улар: ота-оналар, болалар, ака-укалар, эр-хотинлар, ёр-биродарлар, ўқитувчилар, душманлар ва бутунлай нотаниш одамлар мана шу тўдани тузиб бир-бирларини гиж-гижлатадилар, бир-бирларини шу гирдобга тортадилар-у, лекин ўлсалар ҳам бу ғовдан сакраб ўтишни истамайдилар.

X

Эрта билан барвақт акамни қидирдим. У ҳовлида туриб, табиатни томоша қилаётган экан. Унга яқин бориб, орқасидаги эшик олдида тўхтадим-да, ғоят хотиржам вазиятда мулойимлик билан:

— Ака, сенга бир гап айтмоқчи эдим,— дедим.

— Айтавер,— деди у, шу заҳоти орқасига ўгирилар экан, бош ирғаб.

— Атиги бир неча огиз сўз айтмоқчи эдим, лекин тилим келмаяпти. Ака, илгари ҳамма ёввойи одамлар, гарчи оз бўлса-да, албатта одам гўшти ейишган. Кейинчалик, турли эътиқодлар пайдо бўлгач, баъзилар одам гўштини емай қўйганлар, уларнинг бутун фикри ўзларини камолатга етказишга қаратилган, шунинг учун улар ҳозирги кунлардаги одамларга айланиб қолишган, бошқалари эса, бояги-бояги одамхўрлик билан шуғуллана берганлар. Уларни қуртларнинг ўзгинаси деса бўлади, яъни бир хиллари тадрижий ривожланиб, балиқларга, қушларга, маймунларга ва ҳатто одамга айланганлар, бошқалари эса, ривожланишга интилмай, то ҳозирги кунга қадар қуртлик ҳолларича қолганлар. Аммо, ана шу қуртлар ҳам одамхўрларга қараганда унчалик тубан махлуқ эмас.

И Я¹ ўз ўғлининг гўштини пишириб Цзе билан Чжаоуга² егани берган, бу ўша қадимги урф-одатнинг давоми. Ким би-

¹ И Я — «Чунь Цю» («Баҳор ва Куз») номли Конфушуня йилномасининг тарихий шахси.

² Ц з е в а Ч ж о у — Қадимги Ся ва Инь династияси сўнгги зolim подшоларининг исми (эрамизга қадар икки мингинчи йиллар). Уларнинг исми раҳмсизлик символи бўлиб қолган.

лади, Пань Гу¹ осмонни ердан ажратган пайтдан бошлаб, то И Я нинг ўғлини еб қўйишган вақтгача яна қанча-қанча одамлар ейилиб кетганикин? И Я нинг ўғлини еб қўйишган пайтдан бошлаб Сюй Си-линь² гача яна қанча одам ейилдикин? Сюй Си-линьдан то Ланзицунь қишлоғида қўлга тушган одам ейилган вақтгача-чи? Утган йили шаҳарда бир жиноятчини қатл этишганда қандайдир бир сил қатл этилган одамнинг қонига нон ботириб еган эди.

Улар мени еб қўйишмоқчи; сен ёлғизсан, албатта, бирор чора кўришга ожизсан. Ахир нега уларнинг тўдасига қўшилдинг? Одамхўрлардан асло яхшилик кутма; улар мени ҳам, сени ҳам, ундан ташқари, бир-бирларини ҳам еб қўйишлари мумкин. Тузалишса бас-да, одамлар орасида дарҳол тинчлик, хотиржамлик бўлиб кетади. Яқиндагина худди шундай эди-ку, ахир наҳотки бор кучимиз билан ҳаракат қилсак ўзимизни камолатга етказолмаймизми, гапирсанг-чи, наҳотки шундай қилиб бўлмаса? Ака, бу ҳақда жавоб бера олишингга ишонаман; бундан бир неча кун илгари ижарачи келиб ижара ҳақини камайтиришни сўраганда, унинг илтимосини рад қилган эдинг-ку, ахир.

Шу гапларни айта бошлаган пайтимда аввал у совуққина илжайиб қўйди, лекин гапираверган сарим кўзлари тобора ғазабга тўлаверди, уларнинг сирли қирдикорларини фош қилиб ташлаганимдан кейин эса, юзи қоп-қорайиб кетди. Дарвоза орқасида бир тўда одамлар туришарди: булар орасида иттини эргаштириб олган Чжао Гуй-вэнь ҳам бор эди. Улар тиқилишиб йўлакка киришди-да, синчковлик билан бўйинларини чўзиб, ичкарига қарашди. Баъзи бирларининг афтибашарасини ҳеч ажратиб бўлмасди, худди юзига чиммат тугтиб олганга ўхшарди; баъзиларининг юзлари аввалгисидек қоп-қора, тишлари ўйноқилаб чиққан эди. Улар мийиғларида кулишарди. Ҳаммаси бир тўданинг кишилари эканини, ҳаммаси ҳам одамхўр эканини билдим. Лекин фикрлари бир хил эмаслигини ҳам тушуниб олдим: баъзилари одамни ейиш керак, чунки бу қадимдан одат бўлиб келяпти, деб ўйлашар, бошқалари эса одамни ейиш керак эмаслигини тушунсалар-да, лекин ҳарнечук егилари келарди. Улар ўзларининг сирли ниятлари фош бўлиб қолишидан кўрқишар, шу туфайли гапимни эшитишиб беихтиёр илжайишарди. Шу пайт акамнинг юзида ғазаб аломатлари пайдо бўлиб, бирдан жеркиб берди:

¹ Пань Гу — Хитой афсонасига кўра осмон билан ерни яратган худо.

² Сюй Си-линь — революционер 1907 йилда Аньхуэй провинциясидаги маньчжур губернатори Энь Минни ўлдирган. Уни ўлдириб юрагини олишган-да, Энь Миннинг соқчиларига едиришган.

— Жўналаринг бу ердан! Жиннини томоша қилиш ҳам иш бўлдими?

Шу пайт уларнинг яна бир ҳийласини билиб қолдим. Тузалиш у ёқда турсин, улар мени жиннига чиқаришга тайёрлик кўриб юришган экан. Келгусида улар мени еб қўйишса, ҳамма иш босди-босди бўлиб, туя кўрдингми, йўқ бўлиб кета-верар экан. Яна бунинг устига, бировлар уларнинг бу ишларини маъқуллашлари ҳам мумкин. Ижарачи сўзлаб берган ёвуз одамни ҳам худди шу усулда еб қўйишган. Бу ишларнинг ҳаммаси менинг чўнтагимдан тушиб қолган!

Чэнь Лао-у ҳам ҳаяжонланиб югурганича менинг ёнимга келди. Улар мени гапиртирмасликка қанчалик ҳаракат қилишмасин, барибир ўша одамларга шундай демоқчиман: «Ҳей, халойиқ, тузалинглар ва бу ишга сидқидил билан киришинглар! Шунинг биланги, келгусида ер юзида одамхўрлар қолмайди. Тузалмаган тақдирларингда ўзларингизни битта қўймай еб қўядилар. Қанчалик кўп бўлманглар, ҳаммангизни ҳам овчилар бўриларни қиргандек қириб ташлайдилар. Қурт-қумурсқалардек янчиб ташлайдилар.»

Чэнь Лао-у бу тўдани қувиб юборди. Акам ҳам аллақерга кетди. Чэнь Лао-у мени уйга киришга ундади. Уйнинг ичи қоп-қоронғи зимистон. Тўсин ва харилар қимирлай бошлади: аввал секин қимирлаб, кейин тобора қаттиқ тебрана-верди... сўнгра устимга ағдарилиб тушди.

Оғир юк остида қолдим, қимирлашнинг иложи йўқ. Улар менинг ўлимимни истайдилар. Қарасам, бу оғирлик чинакам юк эмас экан, терлаб-пишиб мушкул аҳволдан қутулиб олдим. Лекин нима бўлса ҳам уларга бундай демоқчиман: «Тезда тузалинглар, бу ишга сидқидил билан киришинглар! Шунинг биланги, келгусида одамхўрлар қолмайди...»

XI

Қуёш ҳам чиқмайди, эшикни ҳам очмайдилар: бир кунда икки маҳал овқат берадилар. Куайцзани қўлга олган эдим, тўсатдан акам эсимга тушиб қолди. Биламан, синглимнинг ўлимига фақат акам сабаб бўлган. Ҳозиргача синглимнинг сиймоси кўз ўнгимдан нари кетмайди. Юзлари ғоятда меҳрибон, ғамгин эди. Ўша пайтда ёши бешда эди. Онам зор қақшаб йиғлар, акам эса уни юпатарди: Балки, синглимни еб қўйган-у, онамнинг кўз ёшлари уни виждон азобига солган бўлса керак-да. Бироқ, у виждон азобини сеза биларми-кан?..

Акам-ку синглимни еб қўйган-а, буни онам биларми-кан?

Билишимча онам буни билган-у. лекин йиғлаётган пайтида айтмаган, чамаси, шундай бўлиши лозимдир, деб ўйлаган бўлса керак. Сал-сал эсимда бор, тўрт ёки беш яшар вақтимда уйимиз олдида салқинлаб ўтирган эдим, акам менга: «Қимники отаси ёки онаси касал бўлиб қолса, ўғли бир парча гўшtidан кесиб, уларга пишириб бериши керак, шундагина у яхши одам ҳисобланади» деган эди. Уша пайтда онам индамаган эди. Ҳамон бир парча гўштни ейиш мумкин экан, демак, бутун бошли одамни ҳам еса бўлаверади-да. Лекин онамнинг йиғлаганини эсласам, ҳозир ҳам юрагим ёрилиб кетгудек бўлади,— нега шундай бўларкин, бу жуда қизиқ-а!

XII

Энди ўйлашга мадорим қолмади. Тўрт минг йилдан буён ҳамма вақт одамларни еб келишаётган ерда узоқ яшаб келаётганимни фақат шу бугун билдим. Акам хўжаликни бошқараётган пайтда тўсатдан синглим ўлиб қолган эди. Акам синглимнинг гўштини овқатга солиб, билдирмасдан бизларга берганини ким инкор қила олади?

Эҳтимол, синглимнинг гўшtidан бир неча бўлагини билмасдан еб юборгандирман, энди эса, навбат ўзимга келиб турибди...

Орқамда одамхўрлик билан ўтган тўрт минг йиллик давр бўлса-ю, илгари билмас эканман-да, ҳақиқий инсонни учратиш ниҳоятда қийин эканлигига эндигина тушуниб етдим.

XIII

Эҳтимол, ҳали одам гўшти емаган болалар бордир?
Болаларни эҳтиёт қилинглар, эҳтиёт!

1918 йил, апрель.

КУНИЦЗИ

Лучжэнь деган жойдаги майхоналар бошқа жойлардагига сира ўхшамайди. Каттакон, тўрт томони ҳам бир газдан келадиган дўкон пештахалари тўғри кўчага чиқиб туради. Пештаха устида ҳар вақт қайноқ сув тайёр, исталган вақтда винони илтиб олиш мумкин бўлади. Тушда ва кечқурун, ишдан кейин ишчилар бирор пиёладан вино ичгани майхоналарга кирадилар; йигирма йил муқаддам бир пиёла вино атиги

тўрт чақа турар эди. ҳозир эса, ўн чақа туради. Мижозлар пештахага суяниб илиқ вино ичишар ва ҳордиқ чиқаришарди. Яна бир чақага закуска учун, шўр сувда пиширилган бамбуқ новдаси ёки зирали лўвия олиш, ўн чақага эса бирорта гўштли овқат буюриш ҳам мумкин эди. Бироқ, камзул кийган оддий одамларда бундақанги пуллар бўлмайди. Чопон кийган бойроқ одамлар панжара орқасидаги кичкина хонага ўтиб вино билан закуска буюрадилар-да, шошилмай виқор билан еб-ичиб ўтирадилар.

Ўн икки ёшимда «Ҳамманинг вақти чоғлиги» деган майхонага дастёр бўлиб ишга кирдим. Бир кун хўжайиним менга:

— Бир оз тентакнамороққа ўхшайсан; чопон кийган мижозларнинг кўнглини тополмассан, деб кўрқаман. Яхшиси, панжара орқасида эмас, пештаха олдида ишлаганинг маъқул,— дегани эсимда.

Камзул кийган мижозлар билан муомала қилиш осон эди, аммо улар ҳаддан зиёд кўп гапирар ва ҳадеб кишини безор қилаверар эдилар. Улар алданиб қолишдан хавфланиб, тариқдан қилинган сариқ винони бочкадан қалай чойнакка қўйилаётганини кўзлари билан кўришга интилишар ва аввало тагида сув йўқмикан, деб чойнакни текширишар эди. Ундан кейин чойнакни қайноқ сувга ботираётганда ҳам кўзатиб турардилар, шундан сўнггина хотиржам бўлардилар. Бундай кўз узмасдан назорат қилинган чоқда винога сув қўшиш жуда қийин экани турган гап. Бир неча кундан кейин хўжайин мени бу ишга лаёқатсиз деган қарорга келди. Толеимга, ёнимда хўжайинга яқин бир кишининг тавсияномаси бор эди, шунинг учун мени дўкондан ҳайдашмай, вино иситувчи қилиб тайинлашди. Бу кишини зериктирадиган иш эди.

Шундан буён кун бўйи дўкон пештахаси орқасида туриб, бу ҳолдан тойдирувчи хизматни бажариб келаман. Бу ишда катта хатолар қилганим йўқ, лекин мени бир тарзли иш ва зериктириш азоблар эди. Хўжайиним ҳамиша дағал муомала қилар, мижозлар ҳам камдан-кам дуруст кайфиятда бўларди. Фақат қовоқхонага Кун И-цзи кириб келган вақтдагина бир оз вақтихушлик бўларди, ана шунинг учун мен уни ҳанузга қадар эслайман.

Чопон кийган мижозлардан фақат Кун И-цзигина дўкон пештахаси олдида туриб вино ичарди. У жуда новча, рангпар, ажин босган пешонаси яра доғлари ва тирналган излар билан қопланган, исқирт, оқ соқолли киши эди. Унинг чопони шу қадар кир ва жулдур эдики, гўё ўн йилдан бери уни ювдириб, яматмаганга ўхшарди. Кун И-цзи гапирган вақтда ўз нутқини кўҳна китоблардан олинган дудмал иборалар билан безаб ташларди, тингловчилар унинг гапларидан ярминигина зўрға

англаб қолар эдилар. Унинг фамилияси Кун эди, аммо кимдир унга Кундан кейин келадиган И-цзи деган ҳеч қандай маънони ифодаламайдиган иккита иероглифни лақаб қилиб қўшиб қўйган эди.

Кун И-цзи майхонамиз олдида пайдо бўлди дегунча, дарҳол шов-шув ва кулги кўтариларди:

— Кун И-цзи, юзингда яна тирноқ излари пайдо бўлиб қолибдими?

Лекин у жавоб бермас, дўкон пештахасининг олдида келиб:

— Икки пиёла вино ва бир товоқ лўвия! — деб буюрарди-да, дарҳол ўн чақа чиқариб қўярди.

Мижозлар жўрттага овозларини баландлатиб, уни масхара қилишда давом этардилар:

— Сен, албатта, яна бирор нарса ўғирлаган бўлсанг керак-а?

Кун И-цзи кўзларини катта очиб:

— Тўғри одамни бекордан-бекорга ёмон отлиқ қилиб бўлармиди? — дер эди.

— Тўғри одам бўлдингми ҳали? Утган куни Хэнинг уйдан китоб ўғирлаганинг учун роса дўппослашганини ўз кўзим билан кўрдим-ку.

Кун И-цзи қизарар, пешонасидаги томирлар бўртиб чиқар ва тажанд бўлиб исботлашга киришарди:

— Китоб олиш — ўғирлик эмас... Саводли кишилар назарида бу энг оддий иш... Ахир, буни ўғирлик деб бўладими?

Шундан кейин у аллақандай тушуниб бўлмайдиган сўзлар гапирар, масалан: «Қамолатга эришган одам қашшоқликда ўзини йўқотиб қўймайди»¹ дерди. Унинг гаплари ҳаммани кулдирар ва майхонамизга файз бағишларди.

Одамлар Кун И-цзининг орқасидан мазақ қилиб, унинг бир вақтлар ўқигани, аммо доим биринчи имтиҳондаёқ йиқилиши ва тирикчилик ўтказиш йўллари яхши ўрганиб ололмагани ҳақида гапиришларини эшитардим. Шунинг учун ҳам у, кундан-кунга камбағаллашиб, охирида бутунлай қашшоқ бўлиб қолибди. Бахтига, хати чиройли бўлиб, овқат топиш мақсадида ҳар хил қоғозларни кўчириб ёзаркан. Афсуски, унинг ёмон одатлари ҳам бор: у ялқов ва ароқхўр экан. Кўпинча, бир неча кун ўтириб ишларкан-да, ишни тамомламай, китоб, қоғоз, ручка ва сиёҳдон билан бирга дому дараксиз ғойиб бўлиб қолар экан. Бора-бора унга иш топширмайдиган бўлиб қолишибди. Кун И-цзи ноилож аҳён-аҳёнда бир ўғирлик қилишга мажбур бўларкан. Аммо, у бизнинг майхонамиз-

¹ Конфуцийнинг ҳикматли сўзлари.

да ўзига гард юқтирмасликка уринар, вино пулини бошқа кишиларга нисбатан дурустроқ ва ўз вақтида тўларди. Ёнида нақд пули бўлмаган вақтларда наснялар ёзиладиган тахтага фамилиясини ёзиб қўйишарди. Одатда, бир ой ҳам ўтмай қарзини тўлар ва унинг номи тахтадан ўчириларди.

Бир пиёла вино ичгандан кейин Кун И-цзининг юзларига қон югурарди.

— Кун И-цзи, сени саводли дейишади... Шу тўғрими?— деб сўрашарди майхонадаги кишилар.

У сенларга ҳам жавобми дегандай энсаси қотиб, уларга қараб қўярди.

— Ҳеч бўлмаса, биринчи илмий даражанинг ярмига ҳам эга бўлмабсан-да?

Шунда Кун И-цзининг хотиржамлиги бирдан йўқолар, ранги бўзарар ва у англаб бўлмайдиган адабий тилда алланималар деб гапирарди. Бирдан қаттиқ кулги кўтарилар, дўконимиз яна шодликка тўларди.

Шундай пайтларда мен ҳам кўпчилик билан бирга қўшилишиб кулишим мумкин эди, бунинг учун хўжайиним мени уришмасди. Кўпинча хўжайиннинг ўзи мижозларнинг кўнглини очиш учун унга доимо шунақанги саволлар берарди. Кун И-цзи баҳсда ҳаммани ютиб чиқолмаслигини англаб, болалар билан гаплашарди. Бир вақт у мenden:

— Сен ўқиганмисан?— деб сўраб қолди.

Дудмаллик билан секин бош ирғаб қўйдим.

— Демак, ўқигансан. Хўп яхши, қани, сени бир синаб кўрай-чи. «Зирали лўвия»нинг биринчи иероглифи қандай ёзилади.

«Ўзи гадо-ю, яна мени синамоқчи эмиш-а!»— деб ўйладим-да, юзимни четга бурдим.

Узоқ жимликдан сўнг Кун И-цзи мулоимлик билан гап бошлади:

— Балки, ёзишни билмассан?.. Сени ёзишга ўргатаман. Бу иероглифларни ҳамниша эсда тут, чунки майхонага хўжайини бўлган чоғингда, ҳисоб-китоб ишлари учун керак бўлади.

Ичимда «менинг майхона хўжайини бўлишимга ҳали кўп вақт бор» деб ўйладим. Ундан ташқари, хўжайинимизнинг ўзи ҳам ҳеч қачон зирали лўвияни ёзиб ўтирмасди. Кулишимни ҳам, аччиқланишимни ҳам билмай, бепарволик билан жавоб бердим:

— Ўргатмасанг ҳам ўзим биламан. Бунда устига «ўт» остига эса «қайтмоқ»¹ ёзилади.

¹ Бу иероглифда «ўт деган белги устига ва «қайтмоқ» деган белги остига ёзилади.

Кун И-цзи жуда хурсанд бўлиб кетди. У икки бармоғини кўтариб, узун тирноқлари билан дўкон пештахасини тикиллатди-да, маъқуллаб бош ирғади:

— Тўғри-тўғри!.. Айтгандай, «қайтмоқ» иероглифининг тўрт шаклда ёзилишини биласанми?

Менинг бадтар жаҳлим чиқди, лабимни қисиб, бир чеккага бориб турдим. Кун И-цзи бармоғини винога ботириб, пештахага иероглифни ёзиб кўрсатмоқчи бўлган эди, лекин унга эътибор қилмаётганимни пайқагач, хафа бўлиб хўрсинди.

Майхонамизда бўлаётган шўх кулгимизни эшитган қўшни болалари югуриб келишар ва Кун И-цзининг атрофини қуршаб олишарди. У болаларнинг ҳар қайсисига бир донадан зирали лўвия улашар эди. Лекин болалар лўвиани тез ютиб юбориб, яна унинг косасига тикилишиб тураверишарди. Кун И-цзи безовта бўла бошлар, косани кафти билан беркитиб, унинг устига энгашган ҳолда:

— Ўзимга озгина қолди...— дерди, кейин қадини ростлаб, бошини чайқар ва лўвияга қараб:— Озгина. Шу кўп бўптими? Жуда озгина-ку!— деб қўшиб қўярди.

Болалар шўх кулишиб, ҳар томонга югуриб кетишарди.

Шундай қилиб, Кун И-цзи одамларни хурсанд қилиб юрарди. Борди-ю, у келмай қолган чоғда ҳам майхонада ҳеч қандай ўзгариш юз бермасди.

Бир кун, куз байрамига¹ икки-уч кун қолганда, хўжайин шошилмасдан насияларни ҳисоблай бошлади. Насиялар ёзиладиган тахтани олиб:

— Кун И-цзи нима учундир кўпдан бери дўконга кирмай қолди. Ахир унинг бўйнида ўн тўққиз чақа қарз бор эди-ку!— деди.

Шундагина ҳақиқатан ҳам кўпдан бери унинг дараги йўқлигини эсладим.

Кимдир мижозлардан бири:

— У қандай қилиб кела оларди?.. Оёқларини уриб синдиришган-ку,— деди.

— Ҳали шундай денг?— деб қичқириб юборди хўжайин.

— Ўғирлик қила-қила, ахири қўлга тушди. У цзюйжэнь² Диннинг уйига ўғирликка кирибди. Бу Динниқидан бирор нарса ўғирлаб бўлсан!

— Хўш, кейин нима бўлди?

¹ Ой тўлиш байрами, қамар йили (ҳижрий йил ҳисобига тенг бўлиб, бир йил 352—353 кунни ташкил этади) календари бўйича 15 август. Хитой одати бўйича ҳар бир катта байрамдан олдин қаранинг тўланишини текширилади; ҳамма қарзлар янги йилгача тўланиб бўлиши керак.

² Цзюйжэнь — вилоятда бирор амални эгаллаш учун ҳуқуқ берадиган иккинчи илмий даража.

— Аввало уни, иқрорман, деб қўл қўйишга мажбур қилишди, кейин роса дўппослашди. Шу қадар ўласи қилиб уришдики, охири оёқлари синиб кетди.

— Ундан кейин нима бўлди?

— Нима бўлар эди? Оёқларини синдиришди-да...

— Ахир, қандай қилиб?

— Қим билади? Ишқилиб, синдиришди... Эҳтимол, ҳозир ўлгандир ҳам.

Хўжайин бошқа ҳеч нарса сўрамади, шошилмасдан насияларни ҳисоблашда давом этди.

Куз байрами ўтиб кетди. Шамол кундан-кунга кучайиб қулоқ-бурунларни ачитар, қиш яқинлашгани сезилиб турарди. Эртадан кечгача олов олдида бўлишимга қарамай, пахтали чопон кийиб олишга тўғри келди. Бир кун тушдан кейин, дўконда биронта ҳам миждоз қолмагач, кўзларим юмилиб, мудрабман. Бирдан:

— Ҳой, бола! Бир пиёла вино илит-чи!— деган товуш эшитилди.

Товуш жуда мулойим, аммо таниш эди. Атрофимга қарадим — ҳеч ким йўқ. Ўрнимдан туриб пештаханинг орқасига кўз ташладим. Кун И-цзимиз пештаханинг таккинасида ерда ўтирар эди. Юзлари қорайиб, ориқлаб кетган, уни мутлақо таниб бўлмасди. Эғнидаги чопони далвай-далвай бўлиб кетибди. У оёқларини букиб қамишдан тўқилган саватда ўтирар ва уни похолдан эшилган арқон билан елкаларидан ўтказиб боғлаб олган эди.

— Бир пиёла вино иситиб бер,— деб такрорлади у.

Хўжайин уни кўриши билан:

— Кун И-цзи!— деб қичқириб юборди.— Ахир сен ўн тўққиз чақа қарзсан-ку!

Кун И-цзи бошини кўтарди-да, иккиланиб жавоб берди:

— Уни келаси сафар... Ҳозир нақд тўлайман... Яхши вино ичким келяпти.

Хўжайин одатдагидек илжайиб сўради:

— Кун И-цзи, яна бирор нарса ўғирладингми дейман-а?

Лекин бу сафар у баҳслашиб ўтирмай:

— Масхара қилманг!— деб жавоб берди.

— Масхара? Агар ўғирлик қилмаганингда оёғингни уриб синдирмас эдилар!

— Тойиб кетиб, синдириб қўйдим, тойиб кетдим, тойиб...— деб пичирлади Кун И-цзи.

У, кўзлари билан гўё бу ҳақда гапирмасликни ёлвориб сўрагандай бўлди. Дўконга бир неча одам кириб келди, улар ҳам хўжайин билан бирга кула бошладилар. Винони иситдимда, олиб чиқиб остонага қўйдим. Кун И-цзи йиртиқ чопонининг чўнтагидан тўрт чақа олиб қўлимга берди. Унинг қўлла-

ри лой, чунки у қўли билан эмаклаб юрар эди. У винони тез ичди-ю, одамларнинг қаҳқаҳаси остида эмаклаб секин чиқиб кетди.

Шундан кейин уни узоқ вақтгача кўрмадим. Йил охири яқинлашганда хўжайин қарздорларнинг фамилияси ёзилган тахтани олиб:

— Кун И-цзининг бўйнида ҳали ҳам ўн тўққиз чақа турибди!— дегани эсимда.

Бир йил ўтгач, кўклам байрами яқинлашган пайтда хўжайин яна:

— Кун И-цзининг бўйнида ҳали ҳам ўн тўққиз чақа турибди деб такрорлади.

Аммо куз байрамида у ҳеч нарса демади.

Кун И-цзи йил охирида ҳам келмади.

Мен уни қайтиб кўрмадим. Эҳтимол, Кун И-цзи ҳақиқатан ҳам ўлгандир.

1919 йил, март.

Д О Р И

1

Куз. Тонг яқинлашиб қолган. Ой ботган-у, ҳали қуёшнинг дастлабки нурлари сочилганича йўқ. Зангори осмоннинг юзида парда бор, холос.

Ҳамма уйқу оғушида, тун жониворларигина одатдагидек қоронғилик қўйнида изғиб юрибди.

Хуа Лао-шуань тўсатдан ўрнидан турди; гугурт чақиб, қора чироқни ёққан эди, шу заҳоти чойхонанинг иккала хонаси кўкиш нур билан ёришиб кетди.

— Дадаси, кетяпсанми?— деб сўради кекса аёл.

Қўшни хонадан бўғиқ йўтал товуши эшитилди.

— Ҳа,— деб жавоб берди Хуа Лао-шуань.

У тугмаларини қадаб бўлгач, хотинининг ёнига бориб қўлини чўзди-да:

— Олиб бер,— деди.

Хуа Да-ма ёстиғининг остини узоқ тимирсклади-да, кумуш юанлар тугилган тугунча топиб, Лао-шуанга узатди.

У пулни чўнтагига солиб, кейин қалтироқ қўллари билан устидан икки марта ушлаб қўйди. Сўнгра фонусни ёқиб, чироқни ўчирди-да, қўшни хона томон юрди. У ердан қаттиқ хириллаш ва кетма-кет оғир йўтал эшитилди. Йўтал тинган заҳоти Лао-шуань астагина:

— Уғлим, сен ётавер!.. Нима? Чойхонани ойингнинг ўзи эплайверади,— деди.

Ўғил индамади; ота, ўғлим тинч ухлаб қолди, деб ўйлаб, кўчага чиқди.

Қўл-қоронғи бўм-бўш кўчада тирик жондан асар ҳам йўқ эди. Қоронғиликда фақат кул ранг узун кўча ғира-шира бўлиб кўринарди.

Фонус нури унинг оёқларига тушиб турарди. Ҳар замонда итлар учраб қолар, лекин биронтаси ҳуримасди. Уйга қараганда кўча анча совуқ эди. Лекин шунга қарамай, Хуа Лао-шуань ўзини жуда тетик сезар, гўё шу бугун у йигитга айланиб қолгандек, одамларга ҳаёт бахш этувчи қандайдир сирга эга бўлгандек эди. У шаҳдам қадам ташлаб борарди. Осмон оқариб, йўл тобора равшан кўрина бошлади.

Олдинда чорраҳа йўл аниқ кўзга ташланиб қолди. Лао-шуань бирдан алланимадан чўчиди-да, бадани жунжикиб кетди. У оқсоқланиб, ўзини ёпиқ дўконнинг томи остига олди.

— Оббо, чол-эй!

— Чол бўлса ҳам бардам экан!

Лао-шуань чўчиб тушди. Унинг олдидан бир неча киши ўтиб кетди. Улардан бири қайрилиб, Лао-шуанга назар ташлади, унинг кўзларида ўт чақнарди. Бундай ҳолат очликдан сирилган одам бирдан овқатни кўриб қолган пайтдагина бўларди.

Лао-шуань фонусига қаради, лекин у аллақачон ўчиб қолган эди. Чўнтагини ушлаб кўрса — пуллари жойида. У бошини кўтариб атрофга қараган эди, иккита-учтадан бўлишиб жинлар сингари санғиб юрган анча-мунча одамларни кўрди. У тикилиб қаради-ю, лекин айтарли ҳеч нарса пайқамади.

Тез орада у узоқда, у ёқдан-бу ёққа юриб турган солдатларни кўриб қолди. Уларнинг кийимларидаги катта оқ доиралар аниқ билиниб турарди.

Яқин келганларининг кийимида эса, тўқ қизил ҳошияларни кўриш мумкин эди.

Мана, вазмин қадам товушлари эшитила бошлади, бир зумда одамлар тўпланиб қолишди. Икки-учтадан бўлиб, у ёқдан бу ёққа юриб турганлар ҳам яқин келишди. Улар чорраҳа йўл олдида тўхтаб, ярим доира бўлишди.

Лао-шуань ўша томонга қараган эди, одамларнинг орқаларини кўрди, холос.

Улар худди ўрдаклар сингари бўйинларини чўзиб бир насага қарашар, гўё аллақандай кўринмас бир қўл уларнинг бошини тепага тортаётгандек эди.

Оломон бир дақиқа жим бўлди, шу пайт даҳшатли қичқириқ эшитилди, бу овоз яна такрорланиб, кейин бўғилиб қолди...

Яна ўша овоз эшитилган эди, ҳамма одамлар орқага тисарилди. Улар тўғри Лао-шуань турган жойга қараб югуриб

келиб, уни туртиб йикитиб юбора ёздилар.

— Эй! Пул берсанг дори бераман.

Лао-шуань олдида қора кийимли бир киши турарди, унинг кўзлари худди пичоқ сингари ялтирарди.

Унга қараб Лао-шуаннинг туклари тикка-тикка бўлиб кетди.

У баҳайбат қўли билан Лао-шуанга нарсасини кўрсатди; кейин чолга қизил томчилар томаётган бўғирсоқ узатди.

Лао-шуань ҳаяжон ичида пулларини ушлаб кўрди-да, қалтираб уни жаллодга бермоқчи бўлди-ю, лекин унинг молини олгиси келмади.

Жаллод унинг иккиланаётганини кўриб, жаҳл билан:

— Нимадан кўрқяпсан? Нега олмайсан?— деб қичқирди.

Лао-шуань ҳамон иккиланиб турарди. Шу пайт қора кийимли киши унинг қўлидан фонусни юлиб олиб, қоғоз абажурини йиртди-да, бўғирсоқни ўраб, Лао-шуанга тутқизди.

Кейин пулни олиб, қўли билан пайпаслаб кўрди-да, қайрилиб кетар экан, бўғиқ овоз билан:

— Вой, қари аҳмоқ-эй!...— деб кўшиб қўйди.

Лао-шуаннинг орқасидан:

— Кимни даволамоқчисан?— деган овоз эшитилиб қолди, лекин у энсаси қотиб, бутунлай жавоб бермади.

Унлаб авлод фақат бир ворисга тикилиб қолгандек энди, унинг бутун диққат-эътибори қўлидаги ўроғлиқ нарсада эди. Бошқа ҳеч нима уни қизиқтирмасди. Энди мана шу янги ҳаётни маҳкам ушлаб, тўғри уйига қайтади-да, катта бахтга эга бўлади.

Қуёш нур сочгандан сўнг тўғри уйига олиб борадиган кенг йўлга кўзи тушди.

Унинг орқасида, чорраҳа йўлдаги бўёқлари кўчган вивескада зархали хира тортиб қолган беш-тўртта белги: «Кўҳна давлатнинг павильонига кириш йўли» деган сўзлар ялтираб кўриниб турарди.

II

Лао-шуань уйига келди. Чойхона аллақачон тозалаб супуриб-сидириб қўйилган эди. Тартиб билан жой-жойига қўйилган столлар ялтирарди. Лекин, ҳали чойхонада ҳеч ким йўқ эди; ёлғиз Сяо-шуань стол ёнида овқат еб ўтирарди. Унинг пешонасидан дона-дона тер томчилари оқиб тушарди. Устидаги иссиқ камзули баданига ёпишиб, кураклари диккайиб турарди.

Лао-шуань, ўғлини кўриб, беихтиёр кўзларини ерга тикди. Ошхонадан шошганча хотини чиқиб келди. Унинг кўзлари чақчайган, лаблари титрарди.

— Олдингми?

— Олдим.

Икковлари ошхонага кириб бир оз гаплашишди. Хуа Да-ма чиқиб, нилуфар гулнинг баргини олиб келди-да, уни стол устига ёзиб қўйди.

Лао-шуань қоғоз орасидан қизил думалоқ бўғирсоқни олди-да, уни нилуфар гулининг баргига ўради. Сяо-шуань нонушта қилиб бўлгач, ойиси безовталаниб:

— Уша ерда ўтира тур: бу ёққа келма,— деди унга.

Лао-шуань ўчоқдаги оловни ковлаб, кўкиш-фируза ранг тугун билан қизил ва оқ нақшли фонус абажурини олди-да, ҳаммасини ўчоққа тикди. Оловнинг тўқ қизил ёғдуси бўғирсоққа тегиши билан чойхона ичида ғалати бир ҳид таралди.

— Жўда яхши ҳид келяпти-я! Нима еяписизлар?

Чойхона остонасида Горбун турарди. У одатда узуқунни Лао-шуаннинг чойхонасида ўтказарди: бу ерга ҳаммадан олдин келиб, ҳаммадан кейин кетарди.

У оқсоқланиб, чеккадаги стол ёнига бориб ўтирди. Унинг саволига ҳеч ким жавоб бермади.

— Хўрди пиширяписизларми?

Яна аввалгидек жавоб бўлмади.

Лао-шуань унга чой дамлаб беришга шошиб, чиқиб кетди.

— Ўғлим, бу ёққа кел!— деб чақирди Хуа Да-ма Сяо-шуанни ва орқадаги кичкина уйнинг ўртасига скамейка қўйди. Сяо-шуань скамейкага ўтирди. Ойиси олдида товоқда аллақандай думалоқ ва қора нарса қўйди-да, астагина, «Шуни есанг, соғайиб кетасан» деди.

Сяо-шуань жуда эҳтиётлик билан усти куйган думалоқ нарсани олиб, худди ўз ҳаётини қўлида ушлаб тургандек, ҳайрон бўлиб унга қаради. Яна аввалгидек эҳтиётлик билан унинг устини арта бошлаган эди, юзига оппоқ буғ урилди. Тезда буғ тарқалиб кетди, шу пайт оқ ундан қилинган икки бўлак думалоқ бўғирсоққа кўзи тушди. Бирпасдан кейин бўғирсоқ қоринга тушиб кетди ва Сяо-шуань унинг мазасини ҳам унутиб юборди. Унинг рўбарўсида фақат қуруқ товоқ қолди.

Сяо-шуаннинг ёнида дадаси билан ойиси туришарди; улар болага шундай тикилиб қолган эдиларки, гўё унинг тана-сига ниманидир киритиб, айни вақтда ниманидир чиқармоқчи ҳам эдилар.

Сяо-шуаннинг юраги гуп-гуп ура бошлади. У кўкрагини ушлаб яна йўталишга тутунди.

— Ухла, ухласанг тузалиб қоласан.

Ўғил гапга кўниб, ўринга ётди, анчагача йўталиб, охири ухлаб қолди.

Қария Хуа Да-ма, ўғлим тинч ухляпти, деган қарорга келиб, астагина устига ямоқ кўрпа ёпиб қўйди.

Энди чойхонада одам кўп эди. Лао-шуань шошиб қолди. У меҳмонлар олдига бориб, катта мис чойнакдан узлуксиз чой қўйиб берарди. Унинг кўзи остида қора чизиклар пайдо бўлган эди.

— Лао-шуань, мазанг қочяптими? Тобинг йўқми?— деб сўради оқ соқол бир миждоз.

— Йўқ.

— Йўқ? Шундай дегин, мен шунчаки ҳазиллашган эдим, сен ҳеч касалга ўхшамайсан,— деди оқ соқол ўзининг аввалги саволини ҳазилга олиб.

— Лао-шуаннинг жуда иши кўп. Агар ўғли бетоб бўлмаганда...

Горбун сўзини тамомлашга улгурмаган ҳам эдики, чойхонага даҳшат билан қора бўз кўйлак куйган, бадбашара бир киши ҳовлиқиб кириб келди. Кўйлагининг ёқалари очиқ, энли, қора белбоғи нари бориб, бери келиб турарди. У остонага қадам қўйган заҳоти қичқириб, Лао-шуанга:

— Ҳа, қалай? Едимми? Енгил тортдимми? Ишинг ўнгидан келиб қолди, Шуань! Омадинг келди, агар арвоҳ хотира қилмаганимда...

Қўлида чойнак ушлаб турган Лао-шуань эҳтиром билан таъзим қилди ва мамнун илжайиб, унинг гапларига қулоқ солди. Чойхонадаги одамлар ҳам маъқуллагандек гапга қулоқ сола бошладилар.

Кўзларининг ости кўкариб кетган Хуа Да-ма илжайиб бир пиёла қуруқ чой келтирди-да, унга зайтун ташлади. Лао-шуань дарҳол пиёлага қайнаган сув қўйди.

— Кафил туриб айтаман, у тузалиб кетади. Жуда яхши дори, фақат бўғирсоқ иссиқ бўлиши шарт, уни иссиқ ҳолича ейиш керак, шундан хабардор бўлиб турсанг бас,— деб қичқирди бадбашара киши.

— Рост, рост, агар Кан амаки ёрдам бермаганда, нима қила олардик,— деб миннатдорлик билдирди Хуа Да-ма кўнгли бузилиб.

— Ишонинг, кафил тураман! Фақат иссиқ ҳолида есин... Одам қонига беланган бундай бўғирсоқ ҳар қандай сил касалини тузатиб юборади...

«Сил» деган даҳшатли сўзни эшитган Хуа Да-манинг чеҳраси бир зумда ўзгариб кетди. У хафа бўлди-ю, лекин зўрма-зўраки илжайиб, уйдан чиқиб кетди. Кан Да-шу бунга сезмай қичқириб гапираверди. Даҳшатли қичқирикдан ҳатто ичкари уйда ухлаб ётган Сяо-шуань уйғониб, қаттиқ йўтала бошлади.

— Уғлингнинг бахти бор экан, Лао-шуань. Унинг касали албатта тузалиб кетади. Лао-шуаннинг кун бўйи хурсанд бўлиб юргани бежиз эмас,— деди оқ соқолли чол Кан Да-шунинг ёнига келиб, кейин ярим овозда қўшиб қўйди: — Кан Да-шу, бугун қатл этилган бола Ся онласидан эмиш-а, у кимнинг ўғли ўзи? Нима сабабдан ўлдиришибди?

— Кимнинг ўғли? Уша Ся тўртинчи хонимнинг ўғли-да. Кўп ёмон бола эди... — Кан гапига ҳамма қулоқ солиб тургани учун хурсанд бўлди. Унинг илжайиб турган бадбуриш юзи қизариб кетган эди. У янада баланд овоз билан гапини давом этдирди: У газанда яшашни хоҳламади, хоҳламаса хоҳламай қўя қолсин. Лекин бу сафар ҳеч қандай ўлжага эга бўлолмадим, устидан шилиб олган кийимларни ҳам қамоқхона назоратчиси Қизилкўз А-и тортиб олди. Лекин, аввало Шуань амакимизнинг омади келиб, дорили бўлиб қолди; иккинчидан, жаноби Ся-сань нақд йиғирма беш кумуш лян мукофот олди.

Сяо-шуань кўкрагини ушлаб, оғир-оғир йўталган ҳолда ичкари уйдан чиқиб келди. Учоқ олдига бориб, бир косага тўлатиб хўрди қўйди-да, ўтириб ича бошлади.

Хуа Да-ма унинг орқасидан келиб аста сўради:

— Тузукмисан? Ёки оч қолиб қийналяпсанми?

— Кафилман, кафилман!— Кан Да-шу шундай деб, Сяо-шуань томонга бир кўз ташлаб қўйди-да, кейин яна тўп-ланганларга қараб:—Жаноби Ся-сань ҳақиқатан ҳам айёр одам-да,— деди.— Агар у олдинроқ бориб ҳукуматга арз қилмаганда унинг бутун онласи қатл этиларди. Энди-чи? Нақд кумуш пулга эга бўлиб ўтирибди! У бола, чинакам газанда эди! Уни қамаб қўйишганда бўлса турма назоратчисини ҳукуматга қарши бош кўтаришга ундабди.

— Ростдан-а, қанақа бало экан у?— деди ҳайрон бўлиб бурчакда ўтирган йиғирма ёшлар чамасидаги бир йигит.

— Ҳа, рост, Қизилкўз А-и ўсмоқчилаб ундан сир олмоқчи бўлган экан, у ўзини балога гирифтор қилиб: «Буюк Цин сулоласи қўл остидаги ерлар унга тегишли эмас, балки бизга, бутун халққа тегишли» дебди. Ахир бир ўйлаб кўринг-а, ақлли одам шу гапни айтадими?

— Биласизми, у Қизилкўзнинг онасидан бошқа ҳеч кимни йўқлигини аллақачон билган экан, лекин камбағал-қашшоқликдан тиниб-тинчиган бўлса-да, жуда баттол, ёвуз одамлигини билмас экан, яъни халқ нақлида айтилгандек, у йўлбарснинг пешонасини силамоқчи бўлибди. Лекин Қизилкўз унинг қулоқ-чаккасига икки тарсаки тертиб юборибди.

— Ҳа, А-и мушт билан ҳам, таёқ билан ҳам уришга жуда уста, икки тарсаки урган бўлса, тили калимага келмай қолгандир, — деди тўсатдан Горбун қизиқиб, .

— Бе, қаёқда дейсан, у жувонмаргга калтак кор қилар-миди? Яна у «Раҳм қил!», «Раҳм қил!» дебди. У аблаҳга раҳм қилиб бўладими,— деди оқ соқолли чол.

Қан Да-шу унга ўқрайиб қараб, шундай деди:

— Гапимни тушунмадинг, у: «А-и, ўзингга раҳм қил!» дебди.

Тингловчилар тўсатдан донг қотиб қолишди, сўз бўлиниб қолди. Сяо-шуань овқатини еб бўлди. У овқатни кўп еганидан аъзойи бадани терлади, ҳатто бошидан ҳам буғ кўтарила бошлади.

— Наҳотки унинг А-ига раҳми келган бўлса? Унинг ақлдан озиб қолганига шубҳаланмаса ҳам бўлади-ку,— деди оқ соқол, бирдан шу фикр миясига келгандек.

— Ҳа, ақлдан озиб қолган,— деди бурчакда ўтирган йигит ҳам. гўё гапга энди тушунгандек.

Чойхонадаги меҳмонлар орасида қайтадан ғовур-ғовур бошланди: улар гаплашиб кула бошлашди. Шовқин орасида Сяо-шуаннинг оғир-оғир йўталиши эшитилди. Қан амаки унинг ёнига бориб, елкасига қоқди-да:

— Қафилман! Энди бундай йўталмайсан. Тузалиб қоласан!— деди.

— Ақлдан озган,— деди Горбун бош ирғаб.

IV

Ғарбий застава ёнидаги шаҳар деворига туташган ер қабристон эди. Йўлни қисқартиришни хоҳлаган одамлар эгри-бугри сўқмоқ пайдо қилишган эди. Сўқмоқ қабристоннинг табиий чегараси ҳисобланар, унинг чап томонига қатл этилганлар дафн этилар, ўнг томонида эса, камбағалларнинг қабрлари тартибсиз равишда дўмбайиб турарди. Сўқмоқнинг ҳар икки томонида ҳам қабр кўп бўлиб, улар туғилган кун шарафига бадавлат хонадонларда пишириладиган бўғирсоқларга жуда ўхшаб кетарди. Бу йил апрель кунларида ҳар йилгига қараганда ҳаво анча совуқ бўлди. Тол ва тераклар атиги гуруч донасидек катталикда куртак чиқарди.

Тонг отиши биланоқ, Хуа Да-ма сўқмоқнинг ўнг томонидаги янги қабр устига келиб, тўрт талинка сабзавот билан бир коса гуруч қўйди-да, кўз ёши қила бошлади. Кейин хушбўй қоғоз ёндириб, худди бир нарса кутгандай ерга қимирламай ўтириб қолди, лекин нима кутаётганини ўзи ҳам билмасди. Енгил шабада унинг ўтган йилдан бошлаб оппоқ оқариб кетган калта сочларини тўзғитарди.

Сўқмоқдан унга томон бир аёл яқинлашиб келарди, унинг ҳам сочлари оқариб кетган, эғнидаги юбкаси жуда

эски эди. Қўлидаги думалоқ саватнинг қизил бўёқлари кўчиб кетган; саватга бир ҳовуч қоғоздан қирқиб ясалган ёлгондакам аталган пул боғлаб қўйилган эди. Аёл уч қадам босгач, бир тўхтарди. Бирдан у Хуа Да-манинг қараб турганини сизди-да, иккиланиб, гоҳ у, гоҳ бу оёғини босиб тура бошлади. Унинг бўздек оқариб кетган ғамгин чеҳрасида уялиш ифодаси пайдо бўлди. Лекин сўқмоқнинг чап томонидаги қабр ёнига келгач, у қўлидаги саватни ерга қўйди. Бу қабр билан Сяо-шуаннинг қабри ёнма-ён эди, уларни фақат сўқмоқ йўл ажратиб турарди, холос. Хуа Да-ма аёлнинг қабр устига тўрт талникка сабзавот билан бир товоқ гуруч қўйгани, кейин ўрнидан туриб йиғлагани ва аталган пулларни ёндирганини кўриб ўтирди. Хуа Да-ма: «Демак, у қабрда ҳам бир фарзанд ётган экан-да» деб ўйлади.

Аёл кўрқиб, атрофига назар ташлади, бирдан қўл-оёқлари титраб кетди, кейин гандираклаб бир неча қадам нари борди-да, ваҳима ичида кўзларини осмонга тикди. Хуа Да-ма, бу аёл куйинганидан жинни бўлиб қоляпти, деб қўрқди-да, чидолмай ўрнидан турди ва сўқмоқ йўлни босиб ўтаб унинг ёнига борди.

— Кўп куяверма, юр бу ердан кетамиз,— деди у.

Аёл бош тебратиб қўйди, унинг кўзлари ҳамон кўкка тикилган эди: у паст овоз билан, тутилиб-тутилиб зўрға гапира бошлади:

— Ийе. Анавини қарагин, нима ўзи?

Шундай деб у қўли билан алланимани кўрсата бошлади. Хуа Да-ма аёлнинг бармоқлари қаратилган томонга кўз ташлаб, хароб бир қабрни кўрди; қабрнинг устига сариқ тупроқ тортилган бўлиб, ҳали гиёҳлар ўсиб чиқмаган эди. У юқорироққа қараган эди, бирдан кўрқиб кетди: қабр устида қизил ва оқ гуллардан безалган чамбар бор эди. Иккала аёлнинг кўзи қариликдан ожиз тортиб қолган бўлса-да, лекин улар гулларни аниқ кўришди. Гуллар кўп эмасди. Улар жуда ҳашаматли бўлмаса-да, лекин кичик доирада бир текис қилиб қўйилган эди.

Хуа Да-ма тезда ўз ўғлининг қабрига ҳам, бошқа қабрларга ҳам кўз ташлади; улар устида совуқча чидаш берадиган кўк ва оқ гуллар яккам-дуккам ўсиб турарди, холос. Тўсатдан у кўнглида аллақандай бир ўксиниш ва бўшлиқ ҳис эта бошлади, лекин бунинг нимадан пайдо бўлганини ўйлагиси келмади.

Аёл яна бир неча қадам ташлади-да, қабрга тикилиб, ўзига-ўзи деди: «Гулларнинг илдизи йўқ, улар ўзи кўкарганга ўхшамайди. Бу ерга ким келади? Болалар бу ерга ўйнагани келишмайди. Қариндош-уруғлар аллақачон келмай қўйишган. Бу қандай муъжиза?»

У кўп хаёл сурди, бирдан кўзларидан ёш оқа бошлади ва баланд овоз билан шундай деди:

— Жигаргўшам, ўғлим, улар сени адолатсиз қатл этишди, бунинг асло унутма. Бугун бир лаҳзагина бўлса ҳам руҳингни кўрсат, мен шунини билиб, тинчланай.

У теварак-атрофга назар ташлаб дарахтнинг яланғоч шохига қўниб турган қора қарғани кўрди, холос.

— Тушундим! Уғлим, сени раҳмсиз равишда қора ер қаърига кўмиб қўйишди. Барибир улар жазоларини тортадилар. Худо ҳаммасини кўриб, билиб турибди. Қабрингда тинч ёт. Сен шу ерда бўлиб, сўзларимни эшитиб турган бўлсанг, мана шу қора қарға қабринг устида парвоз қилсин.

Енгил шабада аллақачон тинган. Қуриб қолган ўтлар таранг тортилган торлардай тик турар: гўё ҳар бир торнинг овози тобора пасайиб, бутунлай тиниб қолаётгандек эди. Атрофга жимлик чўкди. Иккала аёл гиёҳлар устида тик туриб, дарахтнинг учига кўз ташлашди, у ерда худди қўйиб қўйган чўяндек қимир этмай ҳурпайиб қора қарға қўниб турарди.

Орадан анча вақт ўтди. Қабристонга одамлар тобора кўпроқ кела бошлади. Бирин-кетин ҳали қарилар, ҳали ёшлар қабрлар орасидан юриб ўтишар, кейин яна кўздан ғўйиб бўлишарди.

Хуа Да-ма тўсатдан ўзини енгил ҳис этди-да, кетишга чоғланиб:

— Уйимизга кетмаймизми?— деди.

Қари аёл чуқур хўрсиниб, ғам-ҳасрат билан идиш-товоқларини йиғиштирар экан, яна бир оз тараддудланган бўлди-да, кейин кетишга жазм қилди.

— Бу қандай муъжиза ахир?— деб минғирлади у кета туриб.

Улар йигирма-ўттиз қадам юрмаслариданоқ орқаларидан қаттиқ «қарр» деган овоз эшитилди. Қўрқа-писа орқаларига қараган эдилар, қора қарға қанот ёзиб худди ўқдай осмонга кўтарилаётганини кўрдилар.

1919 йил, апрель.

Э Р Т А Г А

— Ёнинг деган товуш ҳам эшитилмай қолди. Гўдакка нима бўлди-кин?— деб ғўнғиллади Қизилбурун лақабли Лао Гун, виноли сариқ пиёлани қўлига олар экан, боши билан қўшни уйнинг деворига ишора қилиб.

Кўк Бадаш лақабли А-у пиёласини қўйиб, кучининг борица Лао Гуннинг орқасига шапатилаб урди-да, мастлик билан:

— Сен... сен... яна хаёл суриб қолдинг шекилли?— деб бақирди.

Лучжень қишлоғи марказдан узоқ, хилват жой бўлиб, бу ерда қадимдан қолган одатга кўра, кун ботди дегунча, одамлар уйлариинг эшикларини беркитиб олиб ухлагани ётар эдилар. Фақат икки қўшни уйдагина кишилар ярим кечагача ухлашмасди: бири улфатлар стол атрофига тўпланишиб, еб-ичиб, кайф-сафо қилишадиган «Сянь Хэн» майхонаси бўлса, иккинчиси унинг ёнидаги, ўзоғ йили бева қолган Шань Сининг уйи эди. У ўзи билан уч яшар ўғлига бир бурда нон топиш учун чарх йигирарди.

Мана бир неча кундан бери Шань Сининг уйида чарх овози эшитилмай қолди. Фақат ана шунинг икки уйдагина одамлар ярим кечагача ухлашмагани сабабли, қўшни уйдаги чарх овозини Лао Гун билан унинг ошналари эшитишарди, холос, энди Шань Сининг уйида чарх йигирилмай қўйилганини ҳам ўшаларгина пайқашлари мумкин эди.

Лао Гун шапати егандан кейин ҳам гўё ҳеч нарса бўлмагандек пиёладаги винони батамом сипқирди-да, хиргойи қилиб ашула бошлади.

Шу вақтда Шань Си каравотнинг бир четида ўтириб ўғлини тебратмоқда эди. Ўз ҳолига ташлаб қўйилган чарх уй ўртасида етимчадек турарди. Чироқнинг хира шуъласи гўдакнинг муъжаз чеҳрасига тушиб гуларди. Шань Си эса: «Фол ҳам очтирдим, азиз-авлиёларга нарсалар ҳам атадим, туркана дорилар ҳам ичириб кўрдим — ҳеч нарса ёрдам бермаётир. Яна нима қилсам экан? Фақат Хэ Сяо-сянга кўрсатишгина қолди, холос. Балки Бао-эр фақат кечаси қийналиб, кундузи бир оз тузалиб қолар, кун чиқиши билан иситмаси пасайиб, нафас олиши енгиллашар? Кўпинча касалларда шундай бўлади-ку» деб ўйларди.

Шань Си саводсиз хотин эди. Шунинг учун ҳам у «балки» деган сўз остида нақадар даҳшатли хавф яшириниб ётишини тушунмасди. Рост, «балки» деган сўздан кейин баъзан ёмон ҳоллар ҳам яхшилик билан тугайди, ammo қанчадан қанча ишлар қайғули равишда тамомланади.

Ёз кечалари қисқа. Лао Гун хиргойисини тўхтатганига кўп вақт бўлгани йў-у, ammo шарқда осмон аллақачон оқариб, дераза тирқишидан тонгги шафақнинг кумуш нурлари туша бошлади. Шань Си бошқалар сўнгари осонлик билан тонг отдирмади. Унинг назарида, тонг ҳаддан ташқари секин отар, Бао-эрнинг ҳар бир нафаси гўёки мангу чўзилаётгандек эди. Ниҳоят, тонг отиб, чироқ шуъласини енгди. Шу вақтда Шань Си Бао-эрнинг бурун тешиклари кенгаётганга ўрди.

У, боланинг аҳволи оғир эканини англаб, оҳистагина қичқирди.

— Вой шўрим! Энди нима қиламан? Уни Хэ Сяо-сяннинг олдига олиб бориш керак — бошқа илож йўқ.

Шань Си ўқимаган бўлса ҳам دادил аёл эди. У қутичадан ўзининг тийинлаб йиққан ўн кумуш ва бир юз саксонта чақа пулларини олди. Уларни чўнтагига солиб, уйининг эшигини беркитди-да, болани кўтариб, шошганича Хэ Сяо-сянникига қараб жўнади.

Ҳали вақт эрта бўлишига қарамай, Хэ Сяо-сяннинг эшиги олдида тўртта бемор ўтирарди. Шань Си чўнтагидан тўртта кумуш пул олиб болани кўрсатишга кириш учун тўлади. Бао-эрга навбат келди. Хэ Сяо-сянь икки бармоғи билан гўдакнинг томир уришини текшира бошлади. Хэ Сяо-сяннинг тирноқлари катта одамларники сингари ҳаддан зиёд узун эди, Шань Си жуда ҳайратланди ва шу оннинг ўзидаёқ «Бао-эр албатта тузалиб кетади» деб ўйлади. Лекин шундай бўлса-да, безовталигини яширишга қурби етмай сабрсизлик билан қўрқибгина:

— Тақсир, айтинг, Бао-эримга нима бўлган? — деб сўради.

— Унга иситма хуруж қияпти.

— Бу хавfli дард эмасми? У...

— Олдин у иккита дори ичсин.

— У нафас олишга қийналяпти нафас олганида бурун тешиклари кенгаяди.

— Бу олов металлни ҳам енгади...

Хэ Сяо-сянь бошлаган сўзини тугатмасдан, кўзларини юмди ва Шань Си яна бирор савол билан мурожаат қилишга ботинолмади. Бу вақт ичида Хэ Сяо-сяннинг рўпарасида ўтирган ўттиз ёшлар чамасидаги киши рецепт ёзиб тайёрлашга улгурди. У рецептнинг бурчагига ёзилган бир неча иероглифларни кўрсатиб:

— Бу хап дорилар болалар учун энг яхши дори ҳисобланади. Буни фақат Цзя хонадонига қарашли машҳур «Цзи-ши» аптекасидан топиш мумкин, — деди.

Шань Си рецептни олиб кўчага чиқди; гарчи у ўқимаган хотин бўлса-да, шу ердан тўғри «Цзи-ши» аптекасига боришнинг ўнғайроқлиги, олдин дорини олиб, кейин уйга қайтиш қулай эканини яхши англаб эди. Шу тариқа Шань Си шошганча аптекага йўл олди. Гумашта ўзининг узун тирноқларини завқ билан томоша қилиб, рецептни узоқ текширди, кейин шошмасдан дорини ўради. Шань Си эса болани кўтариб кутиб турарди.

Бирдан Бао-эр жажжи қўлларини кўтариб, ипак калавасига ўхшаб тўзиб кетган сочларини торта бошлади. У

илгари ҳеч бундай қилмас эли, шунинг учун Шань Си кўрқанидан данг қотиб қолди.

Қуёш тикка келиб қолган, Шань Си уйига қайтарди: унинг қўлида дори солинган пакет билан бола бор эди. У қанча узоқ юрса, юки шунча оғирлашарди. Бао-эр ҳамма вақт ўзини у ёқ-бу ёққа ташлагани учун йўл янада узоқроқ туюларди. Шань Си ҳолдан тойиб, йўлдаги бир уй остонаси тагида дам олгани ўтирди. У терлаб, кийими баданига ёпишиб қолган эди. Бао-эр ухлади шекилли, тинчланди. Шань Си зўрға ўрнидан туриб, оёқларини зўр-базўр судраб яна йўлга тушди. Тўсатдан унинг қулоғи тагида кимдир:

— Шань Си, болангни бер, мен кўтариб олай,— деди.

Бу А-у — Кўк Баданнинг товуши эди. Шань Си бошини кўтариб ҳақиқатан ҳам ёнида А-у келаётганини кўрди. Унинг кўзлари хира ва уйқули эди.

Шу дақиқада Шань Си осмондан бирор фаришта тушиб, менга ёрдамлашсайди, деб орзу қилаётган эди-ю, аммо А-унинг ёрдамини истамасди. Шундай бўлса-да А-у олижаноблик қилиб, ёрдам бермоқчи бўлди. Шань Си аввал кўнмади, у қўймагач, ахири рози бўлди. А-у қўлларини чўзиб ундан болани олди. Шань Си А-унинг қўллари баданига тегиб, кетганини ҳис этгач, юзидан тортиб то қулоқларига-ча қизариб кетди.

Улар бир-бирларидан бир оз узоқроқ масофада, бирга йўлга тушдилар. А-у унга алланималар деб гапирар, лекин Шань Си деярли жавоб бермас эди. Бир оз юргач, А-у тўхтади-да, кеча бир ошнаси билан бирга овқатланишга ваъдалашгани, ҳозир ўша ошнаси кутиб турганини айтиб, болани узатди. Шань Си болани олди. Бахтига, энди уйига яқинлашиб қолган эди. У узоқдан Ван Цзю буви дарвоза тагида ўтирганини кўрди.

— Шань Си, ўғлингнинг аҳволи қалай, тузукми? Докторга олиб бордингми?— деб сўради Ван Цзю буви.

— Олиб боришга-ку, бордим-а... Ван Цзю буви, сен кўпни кўрган одамсан, тажрибали кўзларинг билан ўзинг бир қараб боқ-чи, бунга нима қилган?

— Ҳм...

— Ҳа, қалай?

— Ҳм... — Ван Цзю гўдакка диққат билан қаради-да, хўрсиниб, бош чайқади.

Бао-эр туш пайтида дори ичди. Шань Си диққат билан болани кузатиб турди. Назарида, унинг нафас олиши енгиллашгандек бўлди. Кечга яқин у тўсатдан кўзларини сал очди, онасини чақирди-да, гўё уйқуга кетгандек яна кўзларини юмди. У чорак соатча ухлар-ухламас пешонаси ва бурнининг учларидан маржондай тер доналари чиқа бош-

лади. Шань Си боланинг терларини авайлаб артар экан, бармоқларининг бир-бирига ёпишиб қолаётганини сизди. У довдираб ўғлининг кўксига қўлини қўйди-да, ўзини тута олмай йиғлаб юборди. Гўдакнинг зўрба-зўр олаётган нафаси ҳам тинди. Секин хўрсиниб йиғлаётган Шань Си овозининг борича фарёд кўтара бошлади.

Ҳовлига одам тўпланди. Ван Цзю билан А-у уйга киришди, бошқалар, шу жумладан майхона хўжайини билан Лао Гун ҳовлида қолишди. Ван Цзю буви ишларини бошқора бошлади. У садақа қилинган бир даста ёлғондакам қоғоз пулни ёндириб ташлади-да, иккита курсиси ва баъзи кийимларини гаровга қўйиб, Шань Сига икки юань пул топиб берди, чунки таъзия чоғида ёрдам берадиган кишиларни зиёфат қилиш лозим эди.

Ҳаммадан илгари тобут топиш керак эди. Шань Сига тагин иккита кумуш зирак билан тилла суви югуртирилган тўғноғич сақланиб қолган эди. Уларни тобутга пул топиш учун майхона хўжайинига гаров қўйдилар. Ундан ташқари хўжайин пулнинг ярмисини нақд тўлаб, ярмини қарз қилиб тобут олиб беришга ўртада кафил туриши ҳам керак эди. А-у қўлини чўзиб, бу ишга кўмаклашажагини айтди: Ван Цзю буви унинг қўлини ушлаб мазорга эртага олиб боришгагина рухсат этди. А-у «Оббо, кекса ҳайвон-эй» деб сўкинди-ю, дарҳол қаерда эканини эслаб, қовоғини солиб олди. Кечқурун майхона хўжайини келиб, тобут эртага эрталаб тайёр бўлажагини айтди. У келганида Шань Сига ёрдамлашаётган кишиларнинг ҳаммаси кечки овқатни еб бўлишган ва одат бўйича, кун ботди дегунча ётиб ухлашлари лозим бўлгани сабабли, соат саккизга яқин уй-уйларига тарқалишиб кетган эдилар. Фақат А-у «Сянь-Хэн» майхонасида дўкон пештоқасига суяниб вино ичар ва Лао Гун гўнғиллаб хиргойи қилар эди.

Шань Си ёлғиз қолди. У каравотнинг четида ўтириб, аламзадалик билан хўнг-хўнг йиғларди. Бао-эр шу ерда, ёнгинасида ётарди. Чарх ерда етимчадек жим турарди. Шу зайлда анча вақт ўтди; Шань Сининг назарида йиғлайвериш кўз ёшлари тугагандек бўлди. Унинг кўзлари шишиб кетган эди. У атрофга аллақандай ғалати ҳиссиёт билан назар ташлади: у содир бўлган воқиага ишонмас эди.

«Йўқ, йўқ — дерди у ўз-ўзига, — мен ухлаб ётибман... Эрталаб уйғонаман, ёнимда ухлаб ётган Бао-эрни кўраман. У ҳам уйғонади, «Ойи» деб қичқиради-да, сакраб-сакраб ўйнайди».

Лао Гуннинг қўшиғи аллақачон тиниб, «Сянь Хэн» майхонасининг чироқлари ўчди.

Шань Си кўзларини очди. Хўрозлар қичқиришар, шарқда осмон оқариб, тонгги шафақ нури дераза тирқишларидан ичкарига тушиб турарди.

Кумуш тонг аста-секин қип-қизил алвонга ўралди. Уйга қуёшнинг заррин нури тушди. Шань Си кўзларини катга очиб, қимирламай ўтирар эди. Кимдир эшикни тақиллатди. Шань Си кўрқувни енгиб эшик очгани югурди. Ташқаридан нотаниш одам, унинг орқасида эса, Ван Цзю буви турар эди.

— Вой-дод! Улар тобут олиб келишибди.

Пешиндан кейингина тобутнинг қопқоғини ёпа бошладилар. Шань Си Бао-эрдан кўзини узмай йиғлар ва тобутнинг қопқоғини ёпишга ҳеч йўл қўймас эди. Ниҳоят, Ван Цзю бувининг сабри тугаб, жаҳли чиқди-да, уни бир чеккага олиб бориб қўйди. Бу орада тобутни михлаб бўлдилар.

Шань Си ҳолдан тойиб, атрофда нималар бўлаётганини ҳам фаҳмламай қолди. Керакли ирим-чиримлар қилиниб бўлинди. Садақага аталган бир даста сохта қоғоз пул кеча-ёқ ёқиб ташланган бўлиб, эрталаб жанозада ўқиладиган дуолар ёзилган қирқ тўққизта юмалоқ қоғозни куйдиришди. Бао-эрга бошдан-оёқ янги кийим кийинтирилди. Унинг яхши кўрган ўйинчоқлари: лойдан ясалган одам, иккита кичкина заранг косача ва иккита шиша тобутнинг бош томонида турарди. Ван Цзю буви бармоқларини букиб ҳисоблаб, ёддан чиқиб қолган ирим-чиримларни топа олмади.

Шу кун А-у бутунлай келмади. Майхона хўжайини Шань Си учун ҳар бирини икки юз ўн вэндан¹ байлашиб икки ҳаммол ёллади. Улар тобутни мозорга обориб кўмишлари керак эди. Ван Цзю буви ҳаммани зиёфат қилишда Шань Сига яна бир марта ёрдамлашди. Овқатдан сўнг, қуёш тоғ орқасига ботгач, ҳаммалари кўзғалишди-да, сездирмай секин-аста тарқалишиб кетишди.

Шань Си боши айланиб, кўзи тинаётганини ҳис қилди. Бирпас туриб нафасини ростлади, лекин унга ҳамма нарса бошқача бўлиб кўринарди. У ҳеч қачон бундай бўлмаган эди. У юз берган ҳодисани англашга қанчалик кўп уринса ҳам, ҳодиса шунчалик тушуниб бўлмайдиган шаклга кирарди. У ғалати нарсани кашф қилгандек бўлди: шунча йилдан буён у яшаб келаётган хона бирдан сув қуйгандек жимжит бўлиб қолган эди.

Шань Си чироқ ёқиб, хонанинг бўшаб қолганини янада чуқурроқ ҳис қилди. У беихтиёр эшикни ёпиб, кейин каравотнинг бир чеккасига бориб ўтирди. Чарх ерда етимчадек турарди. Шань Си уйни диққат билан кўздан кечириб, бундай ўтиришга ортиқ тоқат қила олмаслигини сизди. Уй

¹ В э н ь — майда чақа пул.

ҳаддан ташқари катта ва бўм-бўш бўлиб қолган, ундаги буюмлар эса, ўз аҳамиятини йўқотган эди. Шань Сини ҳар томондан бўшлиқ ўраб олган ва кераксиз бўлиб қолган буюмлар уни бўғаётгандек эди. У нафас ололмасди.

Энди у Бао-эрнинг ҳақиқатан ҳам ўлганини англади. Шань Си чидаб бўлмас даражадаги ҳол ўтиб кетди, уйни ортиқ кўргиси келмай, чироқни ўчириб ухлагани ётди. У йиғлар ва ўйларди: «Ахир қандай вақтлар эди-я, мен чарх йиғирардим. Бао-эр эса ёнгинамда зирали лўвия еб, қопқора кўзлари билан менга тикилиб ўтирарди. Бир кунни у ўйлаб ўтириб: Ойи! Отам манти сотарди. Катта бўлсам, мен ҳам манти сотиб анча пул йиғаман-да, ҳаммасини сенга бераман,— деган эди.

Ушанда йиғираётган ипларим ҳам, худди жонланаётгандек бўлган эди. Энди-чи?»

Шань Си бу саволга жавоб топа олмади.

У саводсиз аёл деган эдим-ку ахир, шундай бўлгач, қандай қилиб жавоб топа олсин? У фақат уйнинг ҳаддан ташқари катта ва ҳувиллаб қолганини сезарди, холос. Аммо шунга қарамай, ўлган одам тирилмаслигини ва бундан буён энди Бао-эрни кўра олмаслигини ҳам тушунарди.

У хўрсинди-да:

— Бао-эр, сен аввалгидек бу ерда бўлишинг керак. Ҳеч бўлмаса тушларимда кўринасан-ку. Тўғрими?— деди.

У тезроқ ухлаб Бао-эр билан кўришиш учун кўзларини юмди. У жимжитлик ва ҳаддан ташқари бўшлиқ ичида ўзининг аламли хўрсинишларини аниқ эшитди.

Уйқу сездирмай уни ўз қучоғига олди. Уйга бутунлай сукунат чўкди. Девор орқасида Лао Гуннинг қўшиғи ҳам тинди. У майхонадан чиқиб, баланд овоз билан ашула айтиб кетди.

— Бечорам, сенга раҳмим келади, ёлғиз етимчам...

А-у унинг елкасига маҳкам ёпишиб олди. Улар кулишиб, қоқилишиб ва ҳар қадамда бир-бирларига туртинишиб зўрба-зўр юриб боришарди.

Шань Си ухларди. Лао Гун билан А-у ҳам кетди. «Сянь Хэн» майхонасининг эшиги ҳам ёпилди. Лучжень қишлоғи тўла сукунатга фарқ бўлди. Фақат қоронғи кеча, тезроқ эртаги кунга айланиш учун бу сукунат орасидан жадал ўтиб борар ва аллақерларда, зулмат ичида ёлғиз итлар увиллар эди.

1920 йил, июнь.

КИЧКИНА ВОКИА

Қишлоқдан пойтахтга келганимга олти йил бўлди, бу олти йил кўз очиб юмгандай тез ўтиб кетди. Бу давр мобай-

нида талайгина катта ҳодисалар бўлиб ўтди. Бу ҳодисалар давлат ҳодисалари деб аталиб, мен уларнинг гувоҳи эдим. Лекин уларнинг биронтаси ҳам кўнглимда заррача таассурот қолдиргани йўқ. Агарда уларнинг таассуротлари ҳақида ўйласам, ўзи расво хулқимнинг бадгарроқ расволашганини ва тўғриси айтганда, улар мени фақат кишиларни назарписанд қилмасликка мажбур этганини кўраман, холос.

Лекин мана бу кичкина воқиа менинг учун катта аҳамиятга эга бўлиб, руҳимни паришонлик ва хафаликдан қутқарди, шу сабабли уни ҳозирга қадар унутолмайман.

Бу воқиа бир минг тўққиз юз ўн еттинчи йил қиш фаслида юз берган эди. Шимол шамоли қутурарди, шунга қарамай, муҳим бир иш билан эрталаб уйдан чиқишга мажбур бўлдим. Кўчада деярли йўловчилар йўқ эди, кўп машаққатлардан сўнг зўрға рикша қидириб топишга муваффақ бўлдим. Унга мени С дарвозасига олиб бориб қўйишни буюрдим. Бир оз вақт ўтгач, шамол тинди, тўзонлар босилди, қаршимда тоза, кеиғ йўл ястаниб кўрина бошлади ва рикша тезроқ югуриб кетди. Ҳали С дарвозасига етишга улгурмаган ҳам эдимки, кимдир араванинг шотисига тегиб кетди-да, астагина рикшанинг олдига йиқилди.

Бу сочига оқ туша бошлаган, жулдур кийимли хотин эди. У хотин бирдан йўл ёқасида пайдо бўлиб қолиб, араванинг йўлини кесиб ўтмоқчи бўлди: рикша бурилди, лекин шамол хотиннинг тугмалари қадалмаган пахтали камзулининг барини кўтариб юборди, шунда камзулнинг этаги шотига илиниб колди. Хайриятки, рикша югуришини ўз вақтида секинлатди, акс ҳолда хотин муқаррар майиб бўларди.

Хотин ерда ётар эди: рикша тўхтади. Назаримда, хотин унчалик зарарланиши мумкин эмасди, шунингдек йўлда бу воқиага гувоҳ бўлувчилар ҳам йўқ эди. Рикшанинг ўзи учун алоқаси бўлмаган ишга аралашиб, ўзини-ўзи фалокатга ураётгани ва мени йўлдан қолдираётгани учун ғазабландим.

— Бу ерда ҳеч қандай жиддий нарса йўқ. Юр!— дедим унга.

Рикша сўзларимга эътибор қилмади.— эҳтимол, эшитмагандир,— у коляскани қўйди-да, кампирни авайлаб ердан кўтарди.

Унинг тирсагидан ушлаб:

— Нима бўлди? — деб сўради.

— Қаттиқ лат едим.

«Секин йиқилганингни ўз кўзим билан кўрдим-ку, ахир, қандай қилиб лат ейиши мумкин!— деб ўйладим.— Шунчаки, муғомбирлик қиляпти, холос; бу эса ғоят жирканч иш. Рикша алоқаси бўлмаган ишга аралашиб ўзига беҳуда машаққат ортдирыпти. Энди иложи-корини ўзи қилаверсин».

Хотиннинг жавобини эшитгач, рикша ўйлаб ўтирмай, яна боягидай авайлаб унинг қўлтиғидан ушлади-да, аста олиб кетди. Ҳайрат билан улар кетаётган томонга назар ташлаб, полиция маҳкамасини кўриб қолдим.

Полицайлар эндигина тинган шамолдан кейин ҳали кўчага чиқишга улгурмаган эдилар. Рикша хотинни дарвозага олиб кирди.

Мени бирдан ажойиб ҳиссиёт чулғаб олди, назаримда, рикшанинг чанг билан қопланган гавдаси мендан қанчалик узоқлашса, шунчалик улғайгандек кўринарди. Энди унга қараш учун бошимни юқори кўтаришим лозим эди. Рикшанинг бу одамгарчилиги мени ҳайратда қолдирди ва қават-қават кийимларим ичига яшириниб олган бир «одамча»ни ситиб юзага чиқаргандек бўлди.

Гўё ҳаёт мени тарк этгандай эди. Дарвозадан чиқиб мен томонга келаётган полицайни кўриб қолгунимча, ҳеч нарса ҳақида ўйламай ҳаракатсиз ўтирдим.

Коляскадан тушдим. У менга яқин келиб:

— Бошқа рикша топинг, бу рикша сизни олиб бормайдди,— деди.

Бейхтиёр чўнтагимга қўл солиб, бир қисим чақа олдим-да, полициячига ўзатиб:

— Мумкин бўлса, шу пулни рикшага бериб қўйинг!— дедим.

Шамол бутунлай тинди, лекин йўлда ҳали ҳам биронта одам йўқ эди. Мен хаёл суриб борар ва ўз тўғримда ўйлашга ботинолмас эдим. Юз берган воқиа ҳақидаги фикрлардан ўзимни четлатишга ҳаракат қилардим, лекин, бир қисим чақани нима учун бердим, уни мукофотлаш учунми? Мен рикшанинг бу ҳаракати устидан ҳукм чиқарувчи судья бўла оламанми? Ўз саволларимга жавоб топа олмадим.

Бу воқиянинг хотираси ҳануз калбимдан кетмай, мени кийнайди ва ўзимга нисбатан талабчанроқ бўлишим ҳақида огохлантириб туради.

Шу бир неча йил ичида бўлиб ўтган мансабдорлик ишлари ва жанг қаҳрамонликлари тўғрисидаги ҳамма хотиралар худди ёшлик чоқларимда ўқиган китобларимдаги: «Муаллим деди... Шеърлар шу маънони...»¹ деган сўзлар сингари ёдимдан кўтарилиб кетди. Аммо мана шу кичкина воқиа ҳамон кўз ўнгимдан нари кетмайди, уялтиради, мени яхшироқ бўлишга мажбур қилади; жасоратимни мустаҳкамлаб, умидимни кучайтиради.

1920 йил, июнь.

¹ Конфушунан қончаларидан. Муаллим — Конфуций, қадимги хитой доноси (эрамізгача VI аср), Шеърлар — «Қўшиқлар китоби» (Шинзин).

КОКИЛ ҚИССАСИ

Якшанба кунн эрталаб календарнинг кечаги варағини йиртиб, янгисига кўз ташлар эканман, беихтиёр қичқириб юбордим:

— Ия! Учинчи ойнинг ўнинчи кунн-ку! Демак, бугун Республика кунн, яъни қўш ўнлик байрами¹ экан-да! Календарда бу ҳақда ҳеч нарса дейилмабди-ю!

Шу пайт уйимга улур зотлар авлодига мансуб бўлган жаноб кириб келди. У шунчаки ўзи келган экан, гапларимни эшитиб, норози қиёфада тўнғиллади:

— Улар ҳақ! Уларнинг ёдида ҳам йўқ. Нима ҳам қила олардик? Уни эслаганингиз билан сизга нима фойда?

Жаноб бир оз қайсар, ўзиникини маъқуллайдиган одам эди; у доим порозилик баён қилиб тўнғиллагани-тўнғиллаган ва бўлар-бўлмасга замона кўтармайдиган ҳар қандай сўзларни айтиб юраверарди. Шундай пайтларда кўнглидаги гапларини айтиб бўлгунча индамай қулоқ солиб тураверардим. Кейин у жим бўлиб қолар ва шу билан иш ҳам битарди.

— Ҳаммадан ҳам,— деб гапини давом этдирди у,— Республика кунининг Пекинда ўтиши мени жуда таажжублантиряпти. Эрталаб полициячилар ҳамма уйларга бирма-бир кириб буйруқ беришади: «Байроқларни осиб қўйинглар!» «Хўп, осиб қўямиз!» Қарабсизки, Республиканинг бирон граждани лапанглаб чиқиб бир парча оқариб, ғижимланиб кетган чет эл матосини шошилмай тиккайтириб осиб қўяди. Шу билан бутун кун ўтади, кечқурун эса, байроқларни олиб, дарвозаларни беркитиб қўйишади; баъзан айрим уйларда байроқларни олиб қўйиш эсдан чиқиб, улар то эртаси кун эрталабгача ссилиб тураверади.

Одамлар байрамни унутадилар, байрам эса одамларни. Мен ҳам ана шу байрамни унутадиганлардан бириман. Борди-ю, байрамни эсимга солган тақдирларида ҳам дастлаб эсимга келадиган нарса Республика кунини биринчи байрам қилишга қадар ва байрам қилгандан сўнг юз берган ҳодисалар бўлади, буни эслаш билан бўлса оромимни йўқотар эдим.

Қанчадан-қанча ҳалок бўлган кишилар кўз олдимдан ўтади! Ешлар орасида ўн йилдан зиёд дунё кезиб не-не азоб-уқубат чекканлар бор эди, уларни муюлишдан ўққа тутиб ҳалок қилдилар; шундайлари ҳам бор эдики, улар ўзлари ўқ отиб тегиза олмаганликлари туфайли, қамоқхоналарда қаттиқ азоб ва қийноқларни бошларидан кечирдилар; ана

¹ «Қўш ўнлик» байрами — ўчинчи ойнинг ўнинчи кунн 1911 йилги революциянинг бошланиш байрами.

шундайлари ҳам бор эдики, улар жуда катта орзуларга умид боғлаб, тўсатдан ном-нишонсиз йўқолиб кетдилар, ҳатто уларнинг жасадларини ҳам топиб бўлмади.

Улар ўз умрларини жамиятнинг сиқиги ва хўрлиги остида ўтказдилар, ўз атрофларида фақат истеҳзоли кулги-ю, ҳақоратларгагина дуч келдилар. Эндиликда уларнинг қабрлари аллақачон унутиб қўйилган, аста-аста ер билан теп-текис бўлиб кетяпти.

Буларнинг ҳеч қайсисини эслашга тоқатим йўқ. Келинг, яхшиси бирор кўнгиш очадиган нарса тўғрисида гаплашайлик...

Жансб бирдан кулимсиради-да, қўли билан бошини силаб, қаттиқ товушда гап бошлади:

— Менга ҳаммадан ҳам ёқадигани шуки, қўш ўнлик биринчи марта байрам қилина бошлаган кундан буён кўчаларда бемалол юраман, ҳеч ким мени масхара ҳам қилмайди, сўкмайди ҳам.

Сиз-ку, қадрдон дўстимсиз, биз хитойлар учун кокилнинг ҳам роҳат, ҳам азоб эканлиги ўзингизга маълум. Қадим замонлардан то ҳозирги кунимизга қадар қанчадан-қанча одамлар мана шу кокил туфайли не-не азоб-уқубатларни бошдан кечирмоқдалар.*

Афтидан, ибтидоний одамларимиз кокил қўйиш масаласига бефарқ қараган бўлсалар керак. Жиноят қонунларига кўра одам танасида энг керакли жой бош ҳисобланади, шунинг учун бошни танадан жудо қилиш энг олий жазо бўлиб келган; иккинчи ўринда — жинсий аъзолари, шунинг учун бичиш ва якка ўзини қамаб қўйиш ҳам энг даҳшатли жазолардан ҳисобланади. Сочни устара билан қиртишлаб олиш масаласига келганда, бундай жазони жазо ўрнида ҳисобламаса ҳам бўлади. Ҳолбуки ақлни жойига қўйиб, бундоқ ўйлаб кўрилса, шу биргина сочларини устара билан қиртишлаб олдирганликлари учун қанчадан-қанча одамларимизнинг ҳаёти жамият томонидан жувонмарг қилинган!

Биз революцияларимиз ҳақида гапирганимизда дам манъ-чжурларнинг Янчжоу шаҳридаги ўн кунлик қирғини, дам Цзядин шаҳридаги қирғин ҳақида лоф урамиз*, ҳақиқатда эса, бу шунчаки бир гап, чунки, ростини айтганда, ўша вақтда хитойлар ўз мамлакатлари қулликда қолгани учун эмас, балки уларни кокил қўйиб юришга мажбур қилганликлари учунгина қаршилик кўрсатган эдилар.

Қаршилик қилганларнинг ҳаммасини қириб ташлашган, чолларнинг ҳаммаси ўлиб кетди, шундай қилиб кокил қўйиш расм бўлиб қолди. Лекин яна Ху Сю-цюань билан Ян Сю-

* Белгилар қўйилган сўзлар изоҳи тўплам охирида берилган. (Ред.)

динлар¹ қўзғолон кўтаришди. Бувимнинг гапига қараганда, ўша вақтда халқ ниҳоят мушкул аҳволда қолган: кокил қўймаганларни ҳукумат қўшинлари ўлдириб ташлайверган, кокил қўйганларни эса, тайпинликлар ўлдириб ташлайверган.

Ҳеч кимга оғир-енгиллиги тушмайдиган мана шу соч туфайли қанчадан-қанча хитойлар азоб чеккани, қийналгани ва ҳалок бўлиб кетганини ҳатто тасаввур қилиш ҳам қийин. Жаноб гўё бир нимани эслаётгандек шипга тикилганча, сўзда давом этди:

— Шу соч туфайли менинг ҳам бошимга кулфатлар тушади деб ўйламаган эдим! Чет элга ўқишга кетаётиб, кокилимни кесиб ташладим. Буни бирор мақсад учун эмас, балки, менга кўп ўнғайсизликлар туғдиргани учун қилдим, холос. Бахтга қарши, мактабдошларимдан бир нечтаси кокилини турмаклаб шапкаси остига яшириб юрганини билиб қолдим; улар мени жуда ёмон кўриб қолишди. Назоратчимиз ҳам ниҳоятда ғазабланиб сени ҳукумат стипендиясидан маҳрум қиламан, Хитойга қайтариб юбораман, деб дўқурди.

Орадан кўп ўтмай кимдир назоратчининг кокилини қирқиб қўйибди, шундан кейин у қаёққадир ғойиб бўлди. Унинг кокилини кесганлар орасида «Революцион армия» деган китобни ёзган Цзоу Жун* ҳам бор эди. Шу сабабли у чет элда ўқишни тугатолмай, Шанхайга қайтиб келди. У кейинчалик Жанубий қамоқхонада ўлди. Эҳтимол, сиз бу воқиаларни аллақачон унутиб юборгандирсиз?

Бир неча йилдан кейин оиламнинг аҳволи шу қадар ёмонлашдики, ота-онамнинг очдан ўлмасликлари учун бирор ишга киришим керак бўлиб қолди. Хитойга қайтишдан бўлак иложим қолмади. Шанхайга келган заҳотим дарров ясама кокил сотиб олдим-да, бошимга солиб олдим, у вақтда ясама кокил икки юань турарди, шундан кейин уйимга қайтдим. Онам менга ҳеч нима демади, лекин қўшнилариимиз мен билан кўришганларида даставвал кокилимга эътибор беришди ва унинг ясамалигини билишиб роса масхара қилишди, бошини кесишга ҳукм қилинган жиноятчидек мени қоралашди. Ҳатто биз билан бир фамилияда бўлган бир киши мени ҳукуматга чақмоқчи бўлди-ю, лекин революцион партия уюштираётган тўнтариш муваффақият қозониши мумкинлигидан қўрқиб, бу фикридан қайтди.

Мен ҳар қандай сохталикдан кўра ошкор иш тутишни афзал билдим, ясама кокилимни улоқтириб европача костюмимни кийдим-да, шу алпозда кўчага чиқавердим.

¹ Тайпин қўзғолонининг дохийлари.

Лекин қаёққа бормайин, одамлар мени масхара қилиб сўкишаверди, ҳатто баъзилари орқамдан юриб «Эй, аҳмоқ!» «Сохта ажнабий шайтон!» деб қичқиришди.

Шундан кейин европача костюмимни ташлаб, ўзимнинг миллий чопонимни кийиб юрадиган бўлдим, бироқ бошим бадтар маломатга қолди.

Ахийри, бу гаплар жонимга тегиб, сабр косам тўлгандан кейин қўлимга таёқ олиб, масхара қилувчиларни бошлаб савалай бошладим. Шундан сўнг улар бора-бора мени сўкмай-диган бўлдилар. Лекин, ҳали ҳеч кимса менинг таёғимни татиб кўрмаган жойга боргудек бўлсам, бояги-бояги сўкиш эшитганим-эшитган эди.

Бу машмашалар роса жонимга текканидан ҳозирга қадар ўша ҳолни тез-тез эслаб тураман. Чет элда ўқиб юрганимда фамилияси хитойча Бэньдо деб аталадиган бир профессор жанубий денгиз бўйидаги мамлакатларни ва Хитойни қандай саёҳат қилиб юргани тўғрисида япон газетасида босилган бир мақслани ўқиб қолдим. У хитой тилини ҳам, малайя тилини ҳам билмас экан. Ундан: «Тил билмасангиз қандай қилиб саёҳат қилдингиз?» деб сўраган эканлар, бунга жавобан у қўлидаги таёғини кўтариб: «Уларнинг яхши тушунадиган тили мана бу!» дебди. Уша вақтда унинг бу жавобини эшитиб тутақиб кетиб бир неча кунгача газабим қайнаб юрган эди. Лекин бир вақтлар келиб ўзим ҳам худди шундай қиламан-у, шу билангина одамлар гапимга яхши тушунадилар деган гап ҳатто хаёлимга ҳам келмаган эди.

Маньчжурларнинг сўнгги императори ҳукмронлик қилган Сюань Тун¹ даврининг дастлабки йилида туғилган шахримдаги ўрта ўқув юртининг инспектори бўлиб ишлардим. Мен билан бирга хизмат қилувчилар мумкин қадар мендан ўзларини йироқ тутишга ҳаракат қилардилар, бошлиқларимиз эса, мени мумкин қадар қаттиқ таъқиб этишарди. Кун бўйи ўзимни музхонада ўтиргандек ёки жаллод кундаси ёнида тургандек ҳис қилардим. Буларнинг ҳаммасига бирдан-бир сабаб бошимда кокилим йўқлиги эди, холос, бошқа ҳеч қандай важ йўқ эди!

Бир кун тўсатдан уйимга бир гуруҳ ўқувчиларим кириб келишди.

— Муаллим, биз кокилларимизни қирқиб ташлашга аҳд қилдик!— дейишди улар.

— Қирқманглар!— дедим мен.

— Қандай юрган яхши — кокил биланми ёки кокилсизми?

— Кокилсиз юрган яхшироқ...

¹ Сюань Тун — Маньчжурия династиясининг охириги императори Пу Ининг ҳукмронлик қилган йиллари шундай аталади.

— Нега бўлмаса қирқманглар дейсиз?

— Шундай қилгани арзимаиди... ҳозирча қирқмаганинглар маъқул... сабр қилинглар.

Улар лабларини чўччайтиб, индамай чиқиб кетишди. Лекин, барибир кокилларини қирқиб ташлашибди.

Эҳ-ҳа, шундан кейин роса жанжал кўтарилди-ку! Қанчадан-қанча фисқи-фасод гаплар тарқалди. Мен бўлсам ҳеч нардан хабари йўқ кишидек юравердим, кокилини қирққан болаларни кокилли болалар билан бирга синфга киргизавердим.

Кокил қирқиш юқумли касалдек тарқала бошлади. Орадан уч кун ўтгач, педагогика билим юртининг олти ўқувчиси кокилларини қирқиб ташлашди, ўша куни кечқурун уларнинг ҳаммасини билим юртидан ҳайдаб юборишди. Бечоралар билим юртида қолишни ҳам билишмасмиш, уйларига қайтишни ҳам. «Қўш ўнлик» байрами биринчи марта намоийш қилингандан кейин орадан бир ой ўтгачгина улардан бу жиноят тамғаси олиб ташланди.

Сизнинг тақдирингиз нима бўлди, денг. Мен ҳам худди ўшалар сингари бўлдим. Фақат Республика куни, биринчи байрам қилинган йили қишда Пекинга келдим, бу ерда мени яна бир неча марта қойишди. Кейин полициячилар мени қойган кишиларнинг кокилларини қирқиб ташлашди, шу-шу одамлардан сўкиш ва ҳақорат эшитмайдиган бўлдим. Лекин қишлоққа борпшга ҳам ҳеч юрагим ботинмади.

Жаноби № сўзлаётганда юзида мамнуният ифодаси акс этиб турди-ю, лекин тўсатдан хўмрайиб қовоғи осилиб қолди.

— Энди сиз, идеалистлар, қизлар ҳам кокилларини қирқтирадиган бўлиб қолишди, деб шов-шув кўтара бошладинглар. Яна бекордан-бекорга кўп ғарибларнинг бошига кулфат келтирмоқчисиз!

Кокилларни қирқтирган, шу сабабдан ўқув юртларига киролмай қолган ёки ўқув юртларидан ҳайдалган қизлар камми?

Революция қилиш керак, шундайми? Хўш, қуролни қаердан олиш керак? Техника билимини эгаллаш керак, шундайми? Хўш, завод-фабрикалар қани?

Майли кокилларини қирқтирмасинлар, майли эрга тегаверсинлар, майли бирор эркакнинг хотини бўлиб қолаверсинлар: ҳаммасини унутишнинг ўзигина бир бахт. Аммо улар тенглик ва озодлик тўғрисида бир оғиз гап гапирадиган бўлсалар, бир умр азобга қоладилар.

Ҳаммангизга бир рус ёзувчисининг сўзлари билан савол бермоқчиман: «Сизлар одамларнинг келажак авлодига олтин давр ваъда қилмоқдасиз, лекин ҳозир уларнинг ўзларига нима бера оласиз?»

Ҳа! Ҳозирча оламини яратган ҳақ таоллонинг қамчаси Хитойнинг орқасига тегмаган экан, у ҳамиша шундай бўлиб қолаверади ва ўзини қилча ўзгартиришга асло рози бўлмайди!

Оғзингизда заҳарли тишларингиз йўқ экан, пешонангизга «Кўзойнакли илон» деб иккита катта иероглиф ёпиштириб қўйганингиздан ва заҳарли илонларни тутиб ўлдириш билан кун кечирадиган бечора қашшоқларни алдаб юришингиздан нима фойда?!

У гапирган сари тобора қизишиб кетаверди, лекин гапига истар-истамас қулоқ солиб ўтирганимни пайқаб, бирданига жим бўлиб қолди, кейин ўрнидан турди-да, шляпасини қўлига олди.

— Кетяпсизми? — деб сўрадим мен.

— Ҳа,— деб жавоб берди у,— ёмғир ёғадиганга ўхшайди...

Мен уни эшиккача жим кузатиб бордим.

У шляпасини кийди-да, шундай деди:

— Хайр! Сизга халақит берганим учун кечиринг. Эртага «Кўш ўнлик» байрамини нишонламасликлари ҳам дуруст бўлибди, энди биз ҳамма гапларни унутиб юборсак ҳам бўлади.

1920 йил, октябрь.

ТАШВИШ

Қуёш ўзининг заррин нурларини дарё яқинидаги кенг далалардан аста йиғиб олмоқда. Дарё бўйларидаги иссиқдан мадори қуриган узю¹ дарахтларининг барглари эркин нафас ола бошлади. Дарахтлар тагида очиқ ҳавода чивинлар гингиллаб, ўйнаб юришибди. Дарё бўйидаги деҳқон уйларининг мўрисида чикқан тутунлар аста-секин ғойиб бўла бошлади. Хотинлар ва болалар уйларининг эшиклари олдида сув сепишар, кичкина столлар ва скамейкалар қўйишарди: кечки овқат пайти эканлиги ҳаммага маълум эди.

Чоллар ва ўрта ёшли кишилар табуреткаларга ўтириб, банан дарахтининг япроғидан қилинган елпиғичлар билан ўзларини елпиб гурунглашмоқда эди. Болалар эса, дарахтлар остида сакрашаётир ёки чўққайиб ўтириб ошиқ ўйнашмоқда. Хотинлар димлаб пиширилган қора карам билан буғи кўтарилиб турган иссиқ бўтқа олиб чиқишди. Дарёдан бир қайиқ сузиб ўтди, унинг ичида сайр қилиб, кўнгил очиб юрган энёлилар бор эди. Улардан бири, маҳаллий адабиёт

¹ Узю — мевасидан ёр ишланадиган дарахт.

мухиби, шоирона илҳом билан: «О, фикр ва ташвишлардан озод бўлган қувноқ қишлоқ ҳаёти!» деб хитоб қилди.

Лекин адабиёт мухибининг бу хитоби ҳақиқатга унча тўғри келмасди, чунки, у шу пайтда кампир Цзю-цзиннинг нима деяётганини эшитмаган эди.

У қўлидаги синиқ елпиғичини скамейканинг оёғига уриб, ғазаб билан ҳадеб жаврарди:

— Ёшим етмиш тўққизга кирди. Ёшимни яшаб, ошимни ошадим. Кошки эди бу қашшоқликни кўрмасам!.. Ажал чақириб қўя қолса, кошки эди! Ҳозир овқат олиб келишади, ҳар куни кечқурун бир хил таом, қовурмоч лўвия — гадой овқат.

Унинг қиз эвараси Лю-цзин бир ҳовуч лўвияни қисимлаб унинг ёнига югуриб бораётган эди, лекин жаҳли чиқиб турганини кўриб, зинғиллаганча дарё томонга югуриб дарахт орқасига беркиниб олди. Кейин дарахт орқасидан иккита калта сочи осилиб турган кичкина бошини чиқариб:

— Ху, шум кампир,— деб қичқирди.

Цзю-цзинъ анча ёшга бориб қолганига қарамай, қулоғи оғир эмас эди, лекин эварасининг сўзини эшитмай қолди ва яна ўзича жаврайверди:

— Кун кундан, авлод авлоддан бадтар дегани ҳақ гап экан.

Бу қишлоқнинг расм-русумлари бир оз ғалатироқ эди. Чақалоқ туғилганда уни тарозуда тортиб кўришар ва исмни оғирлигига қараб кўйишарди. Цзю-цзинъ эллик ёшидан бошлаб жаврақи бўлиб қолди; у ҳаммаша: «Мен ёшлик пайтимда об-ҳаво ҳам бунақа иссиқ эмас, лўвия ҳам бунақа тошдек қаттиқ эмас: ҳамма нарса бошқача эди» деб жаврагани-жавраган эди. Мана, масалан, қиз эвараси Люцзинъ туғилганда бувисидан уч цзинъ¹ кам, дадаси Ци-цзиндан бир цзинъ кам туғилган эди. Мана шу ҳолатни у авлодларнинг ёмон бўлиб кетаётганини билдирувчи шубҳасиз далил деб ҳисоблар ва ҳадеб:

— Кун кундан, авлод авлоддан бадтар дегани ҳақ гап экан! — деб такрорлагани такрорлаган эди.

Келини, яъни Ци-цзиннинг хотини стол олдига келиб қўлидаги гуручли саватни стол устига отди-да, жаҳл билан деди:

— Яна ўша гапми, ачиган кампир? Лю-цзинъ туғилганда олти цзинъ беш лян келмаганмиди, ахир? Сизларнинг уйингиздаги тарози бошқачароқ бўлса керак: ўн олти лянни

¹ Цз и н ь — тахминан 600 граммга тўғри келадиган хитой қадоғи. Цзю дэ н ь тўққиз цзинъ; лю-цзинъ — олти цзинъ; ци-цзинъ — етти цзинъ.

Ўн саккиз лян қилиб доим оғир кўрсатса керак. Бундай тарозида менинг Лю-цзиним ҳам ҳой-наҳой етти цзиндан кам келмасди. Бувам билан қайнаманни олганда, сен айтгандек бирларининг тўққиз, иккинчиларининг саккиз цзинь келганларига ишонмайман. Балки уларни ўн тўрт лянлик тарозида гортишгандир.

— Авлод авлоддан бадтар бўляпти!— деди яна кампир.

Ци-цзиннинг хотини жавоб айтишга улгурмаган ҳам эдики, бирдан у кўчадан қайрилиб шу томонга келаётган эрини кўриб қолди-да, дарҳол ғазабини унга соча бошлади.

— Ҳей, ўлимтик!— деб қичқирди у.— Энди келяпсанми? Қаёқда дайдиб юрувдинг? Одамлар сени овқат емай кутиб ўтирсин-да, парвойи-палак юравер!

Гарчи Ци-цзин қишлоқда яшаса-да, лекин у «учқур от Фэй-хуан» ҳақида ўйлаб юрар ва шу сабабли кўпдан бери унинг фикрлари баландда парвоз этарди. Уларнинг уругида бува-сидан бошлаб то ҳозирги уч авлод эркаклардан бирси киши ҳам қўлига мотиға ушлаган эмас эди. Ушалардан ибрат олиб, Ци-цзинь ҳам ёғоч билан пассажир жўнкасини итарарди. У эрталаб Лучжэнь қишлоғидан шаҳарга, кечқурун эса, шаҳардан Лучжэнга одам таширди. Шунинг учун у ҳар нарсадан, масалан, яшин худоси юз оёқли аждарнинг руҳини қаерда хок-тупроқ қилиб юборгани ёки аллақаерда бир қиз дев туққани тўғрисидаги гаплардан яхши хабардор эди. Қишлоқ аҳолиси ўртасида у кўпни кўрган одам деб ном чиқарган эди. Ёз кунларида қишлоқда қадимий одатга кўра, кечки овқатни чироқ ёқмасдан ейишарди: шу сабабдан Ци-цзинь ишдан кеч қайтса, хотинидан балога қолишини биларди.

Ци-цзинь қўлида узунлиги олти чидан¹ортиқроқ трубкани ушлаб турарди, бу трубка ола-чипор бамбуқдан ясалган бўлиб, муштуғи фил суягидан, чўбиқи жездан эди. У бошини қуйи солиб, стол ёнига келди-да, скамейкага ўтирди. Шу пайт Лю-цзинь аллақаердан югуриб келиб, дадасининг ёнига ўтирди.

— Дада!

Ци-цзинь индамади.

— Кун кундан, авлод авлоддан бадтар!— дея яна жаврай кетди кампир Цзю-цзинь!

Ци-цзинь бошини кўтарди-да, бир хўрсиниб:

— Император тахтга ўтирибди,— деди.

Ци-цзиннинг хотини ҳайрон бўлиб қотиб қолди, кейин эсушини йиғиб олиб:

— Жуда яхши бўпти-ку, демак, энди император раҳм қилиб ҳаммани авф этади!

¹ Ч и — 32 сантиметрга тенг ўлчов бирлиги.

Ци-цзинь яна хўрсиниб, деди:

— Менинг кокилим йўқ...

— Наҳот император ҳамманинг кокили бўлсин, деб талаб қилса?

— Ҳа.

— Буни қаёқдан биласан?— деб шу заҳотиёқ сўради хотини ташвишланиб.

— «Сянь-хэн» вино дўконида фақат шу тўғрида гапириш-япти.

Шу пайт Ци-цзиннинг хотини иш чиндан ҳам чаппасига айланиб кетиши мумкинлигини тушунди. «Сянь-хэн» вино дўкони Лучжэнь қишлоғида ҳар хил янгиликларнинг тарқаладиган асосий манбаи эди. У Ци-цзиннинг устара билан қирилган бошига қараб, тутақиб кетди. Аёл ичида эрини қарғади ва ғазабини аранг ичига ютиб, эрининг косасига қайноқ бўтқа солди-да, уни тумшуғи тагига итариб қўйди.

— Тезроқ овқатингни е! Кўз ёши тўкканинг билан кокилинг ўсмайди!

Қуёш ўзининг сўнгги нурларини йиғиб олди ва кўм-кўк сув юзида салқин шабада эса бошлади. Дарё бўйидаги уйлардан коса ва куайцзаларнинг овозигина эшитилиб турарди. Одамларнинг орқасини томчи-томчи тер қоплади. Учинчи косадаги бўтқа еб бўлингач, Ци-цзиннинг хотини бошини кўтарди ва бирдан юраги гуп-гуп ура бошлади, чунки шу пайт дарахт шохлари орасидан устига узун ҳаво ранг чопон кийган пакана, семиз Чжао Ци-ени кўриб қолди. У тахта кўприкдан ўтиб келмоқда эди.

Чжао Ци-е қўшни қишлоқдаги «Мао-юань» деган вино дўконининг хўжайини ва ўттиз ли¹ атрофда кўзга кўринган бирдан бир олим киши эди. У ўқимишли бўлгани сабабли расм-русумларга амал қиларди. Унинг ўн дафтардан иборат «Уч подшолик тарихи»² деган романи бўлиб, бу китобда Цзин Шэн-тань³ изоҳлари бор эди. Чжао Ци-е ҳамма вақт баланд овоз билан шу китобни ҳижжалаб ўқиб ўтирарди. У «Бешта лашкарбоши йўлбарсларнинг»⁴ исму шарифинигина билиб қолмасдан, балки уларнинг лақабларини ҳам айтиб бера оларди, масалан, Хуан Чжун билан Ма Чаони яна Хан-шэн

¹ Ли — узунлик ўлчови, 576 метрга баробар.

² «Уч подшолик тарихи» — III — V асрларда сарой тарихчиси Цзин Чэн-шоу томонидан ёзилган династия тарихи кейинчалик шу асосда «Уч подшолик» деган классик роман ёзилган.

³ Цзинь Шэн-тань — XVII асрдаги адабий танқидчи ва шоир, 1668 йилда маньчжурлар томонидан қатл этилган.

⁴ «Лашкарбоши йўлбарслар» — Шу подшолик даврида долг чиқарган лашкарбошилар; «Уч подшолик» деган тарихий романининг қаҳрамонлари: Гуан Юй, Чжан Фэй, Чжао Юнь, Хуан Чжун ва Ма Чао.

ва Мин-ци деб аташар экан; у, бу гапларни жуда аниқ биларди. Революциядан кейин у кокилини даос монахлари сингари бошига турмаклаб олиб, доим «Агар Чжао Цзилун¹ тирик бўлганда, ер юзида ҳозиргидек тартибсизликлар бўлмас эди» деб юрарди.

Ци-циннинг хотини ўзининг ўткир кўзлари билан Чжао Ци-енинг бугун даос монахига ўхшамаслигини олисданоқ кўриб билди. Бошининг олд томони устара билан қирилган бўлиб, тепасида тим қора кокили диккайиб турарди. Циннинг хотини император тахтга ўтирганини ва энди кокилсиз одамларнинг шўри қуришини дарров фаҳмлади. Демак, чиндан Ци-цинга катта хавф таҳдид қилаётган экан-да. Чжао Ци-енинг узун ҳаво ранг чопон кийиб олгани бежиз эмас экан-да, у бу чопонини бўлар бўлмасга киявермайди. Кейинги уч йил ичида атиги икки марта шу чопонини кийиб кўчага чиқди. Биринчи марта — у билан уришиб қолган чўтир А-си касал бўлганда, иккинчи марта эса, унинг дўконида жанжал кўтарган Ли Да-е ўлганда кийган эди. Мана ҳозир у шу чопонини учинчи марта кийиб олибди, чунки бугун унинг учун байрам, душманлари учун ҳалокат.

Ци-циннинг хотини бундан икки йил муқаддам эри маст бўлиб Чжао Ци-ени муттаҳам деб сўкканини эслади-ю, юраги шув этиб кетди.

Чжао Ци-е столлар олдидан ўтиб кетаётган пайтда овқат еб ўтирганлар ўринларидан туриб, куайзчалари билан ўз товоқларини кўрсатиб «Овқатга марҳамат қилсинлар» дейишди. Чжао Ци-е илжайиб, бош қимирлатди-да: «Цин, цинь»² деб тўғри Ци-цин оиласи ўтирган стол томонга ўтиб кетди. Ҳамма ўрnidан туриб, унга салом берди.

— Цин, цин,— деди у ёқимли иржайиб, стол устидаги овқатларга диққат билан разм солар экан.— Қандай хушбўй резворлар!.. Янгилликни эшитдингларми? — деб сўради у тўсатдан Ци-циннинг орқасида туриб, унинг хотинига тикилган ҳолда.

— Император тахтга ўтирибди,— деб жавоб берди Ци-цин Чжао Ци-енинг юзига қараб. Ци-циннинг хотини зўрма-зўраки илжайиб,— деди:

— Император тахтга ўтирибди, энди император бизларга қачон илтифот қиларкин?

— Император илтифот қилади, тез орада илтифот қилади, албатта. Лекин...— шу сўзларни айтаркан унинг овози даҳшатли бўла бошлади,— Ци-циннинг кокили тўғрисида нима деб ўйлайсиз? Кокил — бу бекорчи нарса эмас. Била-

¹ Цзи-лун — лашкарбоши йўлбарслардан бири Чжао Юннинг лақаби.

² «Ц и н, ц и н» — Раҳмат, безовта бўлманг.

сизми, сочи узунлар! замонида кимки сочини аяса бошидан айрилар, бошини аяса сочидан айрилар эди.

Ци-цзин билан унинг хотини ҳеч қачон китоб ўқишмаган ва тарихнинг бундай позикликларини билишмас, лекин билимдон Чжао Ци-е шундай дегач, демак аҳвол чиндан ҳам жиддий эканини билардилар. Шу сабабдан бу балони даф қилиб бўлмаслигига ақллари етиб, ўзларини ўлимга ҳукм этилгандай сездилар. Қулоқлари остида нимадир шанғиллаб, улар ҳеч нима деёлмай қолдилар.

— Кун кундан, авлод авлоддан бадтар,— деб гап қистирди кампир Цзю-цзинь, шу фурсатдан фойдаланиб, Чжао Ци-ега қараб.— Ҳозирги «сочи узунлар» одамларнинг кокилини қирқиб ташлаш одатини чиқаришибди, пирозардида, одамлар даос монахига ҳам, будда монахига ҳам ўхшамай қолишяпти. Ахир илгари «сочи узунлар» шунақа бўлармиди? Етмиш тўққиз ёшга кирдим, кўп нарсаларни кўрдим. Илгари замонларда «сочи узунлар» бошларини узун қизил шойи билан боғлаб юрардилар, бу қизил шойи товонларигача осилиб тушарди. Князлар бўлса бошларини сариқ шойи билан боғлаб юрардилар. Қизил шойи, сариқ шойи... Эҳ! Мен кўп нарсани кўрдим, ахир етмиш тўққизга кирдим.

Ци-цзиннинг хотини ўтирган ўрнидан ирғиб туриб, эшитилар-эшитилмас овозда деди:

— Оиламиздаги чол-кампирларнинг аҳволи нима кечади? Ахир эрим боланинг таянчику!

Чжао Ци-е бош чайқаб деди:

— На чора. Китобда кокили йўқларни қандай жазолаш кераклиги очиқ-ойдин ёзилган. Гуноҳкорнинг оиласида чоллар ва болалар бор-йўқлиги билан кимнинг иши бор дейсиз.

Ци-цзиннинг хотини, бу ҳақда ҳатто китобда ҳам ёзилган, деган сўзларни эшитгач, бутун умидини узиб қўйди. Унинг ташвиши устига эрига бўлган ғазаби ҳам қўшилиб кетди-да, қўлидаги куайцани эрининг бурни остида ўйнатиб, жаҳл билан қичқирди:

— Э, ўлимтик! Гуноҳкорсан, энди ўзинг жавоб беравер! Ўзгариш бошланган заҳоти: «Қайиқ ҳайдашингни қўй, шаҳарга тумшуғингни тикаверма» деган эдим, бўлмади, албатта шаҳарга боргиси келди. Борди ҳам, нима бўлди кокилини қирқиб ташлашди! Қандоқ кокил эди-я, қоп-қора ипакдек ялтирарди! Мана энди ялло қилганинг бурнингдан чиқди! Ўзинг кимга ўхшаб қолдинг! Буддий деса — буддий эмас, даос деса — даос эмас! Қип-қизил маҳбус! Ўзинг гуноҳкор-

¹ Сочн узунлар — тайпин қўзғолоян (1850—1864) қатнашчилари сочларини елкаларигача ўстириб юрар эдилар.

сан, энди ўзинг жавоб беравер! Нега бизларнинг бошимизни балога кўйдинг? Ўлимтик! Маҳбус!

Чжао Ци-е келгандан кейин деҳқонлар кечки овқатларини апил-тапил еб, Ци-цзиннинг столи атрофига тўпланишди. Ци-цзин ишнинг пачаваси чиқаётганини сизди. Қишлоқда таниғлиқ бу одамни хотини ҳамманинг олдида шарманда қилаётган эди. У бошини кўтариб, оғир-вазмин тўнғиллади:

— Ҳозир тўғри гапиряпсан, илгари бўлса...

— Вой ўлимтик! Вой, маҳбус-эй!

Йиғилган томошабинлар орасида бева Ба-и жуда раҳмдил аёл эди. У эри ўлгандан кейин туғилган икки яшар боласини кўтариб, Ци-цзиннинг хотини ёнида бу можарога қараб турган эди, Ба-и ўзини тутиб туролмай, насихат қила бошлади:

— Ци-цзинь хола, ўлди энди. Ўзинг ўйлаб кўр! Одамлар ҳудо эмас-ку, ахир. Бундай бўлишини ким билибди дейсан? Ўзинг ҳам ўша вақтда кокилсиз юрсаям бўлаверди, деган эдинг. Бундан ташқари, маҳкамадаги ҳурматли бошлиғимиз ҳали ҳеч нарса дегани йўқ...

Ци-цзиннинг хотини унинг гапини бўлди, ғазабдан қулоқларигача қизариб кетди, у Ба-ига қараб, қўлидаги куайцани унинг тумшуғи остига келтириб, бақирди:

— Вой шўрим! Бу нима деганинг? Ба-и хола, сени одам деб юрсам, шуми ҳали! Наҳотки шунақа бемаъни гапларни айтган бўлсам? Ахир ўша вақтда уч кунгача йиғлаб юрдим. Ҳамма кўрди. Ҳатто мана бу кичкина тирмизак Лю-цзинь ҳам йиғлаган эди...

Лю-цзинь катта бир коса бўтқани еб бўлиб, «яна озроқ беринг» деб ҳиқиллаб турган эди. Онаси тоқати тоқ бўлиб, унинг миясига куайца билан туширди-да, дод сола бошлади:

— Ҳадеб ҳиқиллайверасанми, аҳмоқ!

Лю-цзининг қўлидаги бўш товоқ ерга тушиб, ғиштнинг қиррасига тегди-да, чети учиб кетди. Ци-цзинь ўрнидан ирғиб туриб ердан товоқни олди, учиб кетган бўлагини жойига қўя туриб: «Э, башаранг қургур!» деб қичқирди-да, Лю-цзиньни бир тарсаки урди. У ерга йиқилиб чинқириб йиғлай бошлади. Кампир Цю-цзинь унинг қўлидан ушлаб турғазди-да: «Кун кундан, авлод авлоддан бадтар» деб қизни етаклаб олиб кетди.

— Ци-цзинь аччиқ қилиб болани ўлдириб қўясан-ку!— деб қичқирди бева Ба-и жаҳл билан.

Жанжал бошланган пайтда Чжао Ци-е кулиб, бир четга бориб турган эди. Лекин бева Ба-ининг, маҳкамадаги ҳурматли бошлиқ «ҳали ҳеч нарса демаган эди-ку» деган сўзла-

ри уни тутактириб юборди. Шундап кейин у яқин келиб, гапга аралаша бошлади:

— Аччиқ қилиб болани ўлдириш ҳам гапми? Мана ҳали император лашкарлари келганда кўрасиз. Шунинг билан қўйингки, бу сафар императорнинг навқари Чжан И-дэнинг¹ авлоди Янь вилоятлик Чжан бўлади! Найзасининг узунлиги бир чжан² илон тишидек ўткир — учи саккиз чи; доворак, паҳлавонлигини қўяверасиз, бир ўзи ўн минг одамни енгади. Унга ким бас кела олади?

У, гўё илон тиши сингари ўткир найзани ушламоқчи бўлгандек қўлини юқори кўтариб, муштумини қисди. Кейин бева Ба-и томон бир қадам ташлаб бақирди:

— Қани айт-чи, унга бас кела оласанми?!

Бева Ба-и боласини бағрига босиб шундай ҳам титраб турган эди, Чжао Ци-енинг терлаб кетган юзи билан бақрайиб турган кўзларини кўриб яна бадтар қўрқиб кетди. У ҳеч нима демай шошганича жўнаб қолди. Унинг орқасидан Чжао Ци-е ҳам кетди. Бева хотиннинг можарога аралашганига ҳайрсан бўлган оломон чекка-чеккага тарқалиб кетди. Сочларини қирқтирган бир неча киши яна соч қўйишга аҳд қилиб оломон ичида кўздан ғойиб бўлди, чунки улар Чжао Ци-е сезиб қолади, деб қўрқишган эди, лекин у сезмай ўтиб кетди ва дарахтлар олдига яқинлашгач, орқасига қайрилиб қичқирди.

— Унга бас кела оласизларми?!

У тахта кўприкдан ўтиб, тезда кўздан ғойиб бўлди.

Нима қилишларини билмай шошиб қолган деҳқонлар бир-бирларига гап маъқуллай бошладилар: рост-да, Чжан И-дэга ким бас кела олади? Ҳа, энди Ци-цзинь ўлди деяверинг. Ци-цзинь император қонунини бузди. Улар Ци-цзининг гердайиб узун трубкасини тортиб юришини ва шаҳардаги янгиликлардан сўзлаб беришини ичиқоралик билан тилга олдилар. Улар яна кўп ҳангамалашмоқчи эдилар-у, лекин гапирадиган гап йўқ эди.

Чивинлар ғинғиллашар ва одамларнинг қўлларига урилиб тўп-тўп бўлиб дарахтлар остига йиғилишар эди. Секин-аста одамлар уйларига тарқалишди ва эшикларини беркитиб ухлашга ётишди. Ци-цзининг хотини жавраганича идиш-товоқларни йиғиштирди, стол ва скамейкаларни уйга олиб кирди, эшикни беркитиб, у ҳам ухлагани ётди.

Ци-цзинь синиқ косани кўтариб уйга томон юрди-да, тамаки чеккани остонага ўтирди. Бу ҳодисадан унинг шу

¹ Чжан И-дэ — ёки Чжан Фэй — бешта «лашкарбоши йўлбарслар»нинг бири.

² Чжан — 10 чи ёки 3,2 метр.

қадар руҳи тушиб кетган эдики, ҳатто у ўзининг ола-чипор бамбуқдан қилинган муштуғи, фил суюғидан, чубуғи жездан ясалган узун трубкасини ҳам унутиб қўйди ва тамакиси аста-секин ўчиб қолди. Ци-цзинь аҳволи танг эканини билиб, бирор чора ўйлаб топишга ҳаракат қилар, лекин фикрлари чувалашиб кетарди: «Кокил! Бу қандай гап бўлди? Илоннинг тишидек ўткир найза, узунлиги бир чжану саккиз чи... Кун кундан, авлод авлоддан бадтар...

Косани шаҳарда чегалатиш керак... унга ким бас кела олади? Китобларда аниқ ёзилган... Э, башаранг қургур! Эҳ!..»

Эртасига эрталаб Ци-цзинь одатдагидек пассажир жўнка ҳайдаб Лучжэндан шаҳарга жўнади. Кечқурун у ола-чипор бамбуқдан ясалган узун трубкасини тортиб, чегаланган коса билан уйига қайтди. Кечки овқат пайтида у стол ёнида ўтириб, кампир Цзю-цзинга шаҳарда косани чегалатганини, синиғи катта бўлганидан ўн олтита мис чега кетганини, ҳар бир чега уч вэндан, ҳаммаси бўлиб қирқ саккиз вэн сарфлашга тўғри келганини сўзлаб берди.

Цзю-цзинь минғиллай бошлади:

— Кун кундан бадтар, авлод авлоддан... Дунёда кўп нарса кўрдим... Бир чега уч вэн бўпти! Илгари шунақамиди? Илгари чегалар... Ешим етмиш тўққизга кирди...

Ци-цзинь илгаригидек кунда шаҳарга қатнаб турди, лекин онласи билан муносабати жуда танг бўлаверди, шу билан бирга қишлоқ аҳолиси ҳам ундан четдай бошлади ва шаҳар янгиликларини эшитишга келмайдиган бўлиб қолди. Хотинининг қовоқ-димоғидан қор ёғиб юрар ва дамбадам уни «маҳбус» деб қарғаб турарди.

Орадан ўн кун ўтгач, Ци-цзинь шаҳардан қайтиб қараса: хотинининг кайфи жуда чоғ: Ҳатто, хотини ундан:

— Хўш, шаҳарда қандай янгиликлар бор?— деб сўради.

— Ҳеч гап йўқ,— деб жавоб берди Ци-цзинь.

— Император тахтга ўтирибдими?

— Бу ҳақда ҳеч ким ҳеч нарса демайди.

— «Сянь хэн» вино дўконида ҳам-а?

— У ерда ҳам ҳеч гап йўқ.

— Уйлашимча, император тахтга ўтирмаганга ўхшайди... Бугун Чжао Ци-енинг дўкони олдидан ўтган эдим, у илгаридек китоб ўқиб ўтирибди, кокилини яна бошига турмак-лаб олибди; ҳаво ранг чопонини ҳам ечиб ташлабди.

— ...

— Хўш, нима деб ўйлайсан, император тахтга чиқмаса керак-а?

— Менимча тахтга чиқмас...

Ҳозир Ци-циинни хотини ҳам, Лучжэнь аҳолиси ҳам ҳаддан зиёд ҳурмат қилади. Ёзда у одатдагидек уйининг эшиги олдида ўтириб кечки овқатини ейди ва ўтган-кетганлар унга кулиб салом бериб ўтадилар. Кампир Цзю-цииннинг ёши саксондан ошиб кетган, у ҳали бақувват, лекин илгаригидек жаврагини жавраган. Лю-цииннинг иккита калта сочи битта йўғон ўрим бўлиб қолган, яқинда унинг оёқларини бинт билан танғиб қўйган бўлишларига қарамай*, у ҳамон уйда ойисига қарашади ва ўн олтита мис чегали косани қўлидан қўймай, ҳовлида оқсоқланиб юради.

1920 йил, октябрь.

ҚИШЛОҒИМ

Қаттиқ совуқ. Бундан йигирма йил муққадам чиқиб кетган қишлоғимга қайтмоқда эдим. Икки минг лидан ортиқроқ йўл юришим керак.

Қаҳратон қиш эди. Ҳаво тобора қовоғини солар, совуқ шамол маънос ҳуштак чалар ва жонка¹ каютасига ҳам кириб борарди. Бамбуқдан қилинган чий парда орасидан кул ранг, сарғиш осмон ва қирғоқда онда-сонда ҳаёт асари ҳам бўлмаган кичик-кичик кимсасиз қишлоқлар кўринарди. Уларга қараб, юрагим ғам-ҳасратга тўлиб кетди.

Наҳотки йигирма йилдан бери хотираси қалбимда сақланган туғилган ерим шу бўлса?

Назаримда у анча яхшига ўхшаб туюларди, лекин шуниси қизиқки, мен унинг гўзаллигини эсламоқчи ёки у ҳақда бирон нарса гапирмоқчи бўлсам, ҳеч нарсани эслай олмасдим, айтадиган сўз тополмасдим.

Бу ерда ҳеч нарса ўзгармабди. Туғилган жойларим илгари қандай бўлса, ҳозир ҳам худди шундай, менга кўрингани сингари ғамгин эмас экан. Менинг кайфиятим ўзгарган экан, холос. Уйимга қайтишим кўнглимни заррача ҳам хурсанд қилмади.

Қишлоғимга у билан бир умрга хайрлашгани қайтмоқда эдим. Бир неча авлодимиз яшаб ўсган уйимизни бошқа бир оилага сотган эдик. Бу йил уйни бўшатиб бериш муддати тугарди, биз январгача уйимизни ташлаб, оиламиз билан мен хизмат ўтаётган узоқ ва ёт ўлкага кетишимиз керак эди.

Эртасига эрта билан туғилиб ўсган уйимга етиб келдим. Томнинг бўғотига боғлаб қўйилган бир боғ қуриган ўт шамолда силкинар ва бу билан уй хўжайинларини алмаштириш пайти келганини билдиргандек бўларди. Биз билан бир-

¹ Жонка — хитойларнинг елканли кемаси.

га яшаган қариндошларимизнинг ҳаммаси аллақачон кўчиб кетишган, шу сабабдан уй ичи жимжит эди. Мени қарши олгани аввал онам, унинг кетидан эса, саккиз яшар жияним Хун-эр чиқишди.

Онам мени кўриб жуда қувонди, лекин чехрасида чуқур қайғу нишонаси бор эди. У мени ўтқазиб, олдимга чой қўйди-ю, аммо кўчиш тўғрисида гап очишга ботина олмади. Хун-эр бир четда туриб, диққат билан мени кўздан кечирарди. Чунки у билан биринчи марта кўришаётган эдим.

Ниҳоят, кўчиш тўғрисида гап очилди. Шаҳарда уй топганим, баъзи бир мебеллар сотиб олганимни сўзлаб бердим. Оғир буюмларнинг ҳаммасини шу ерда сотиб, у ердан янгиларини олишга тўғри келишини айтдим. Онам фикримга қўшилди, чунки мебелни ташиб юришнинг фойдаси йўқ эди: онам баъзи нарсаларни сотиб қўйгани билан ҳали пулини бутлаб ололмаган экан.

— Бир-икки кун дам ол,— деди онам,— қариндош-уруғларни бориб кўр, кейин жўнаб кетармиз.

— Хўп,— дедим.

— Жунь-туни эслайсанми? У ҳар келганда сени сўраб туради, жуда кўрмоқчи бўлиб юрган эди. Унга келадиган пайтингни тахминан айтган эдим, ҳойнаҳой тезда келиб қолса керак.

Шу пайт кўз олдимдан ажойиб бир манзара ўтди: ложувард осмонда тўлин кумуш ой, қумлоқ денгиз соҳили, кўз илғамас олисларга чўзилиб кетган кўм-кўк тарвуз полизи. Полиз ўртасида бўйнига кумуш ҳалқа осиб олган ўн икки ёшлар чамасидаги бола. Унинг қўлида дастаси узун пўлат найза; у пойлаб туриб шу найзани сассиқ кўзанга санчмоқчи бўлади-ю, лекин сассиқ кўзан лип этиб оёқлари орасидан ўтиб кетади.

Ана шу бола — Жунь-ту эди. У билан бундан ўттиз йил илгари танишган эдим. Уша пайтда у ўн бир ёшларда эди. Отам ҳали ҳаёт эди, биз ҳеч нарсадан толиқмай яшардик. Мен бойвачча эдим. Уша йили хонадонимиз авлод-аждодимизга катта қурбонлик қилиши керак эди. Бундай маросим ҳар онлада ўттиз йилда бир марта бўлиб, катта тантана билан ўтказилади. Қамар йили календарининг биринчи ойида авлод-аждодларнинг исми ёзилган ёки расми солинган меҳроб олдига энг чиройли идиш-товоқларда қурбонликка аталган ҳар ҳил таомлар қўйилади; ибодатга одамлар ниҳоятда кўп келганидан, тагин бирон нарсани ўғирлаб кетишмасин

¹ Бизда қароллар уч тоифа бўлади: доимий — йил бўйи ишловчилар, кунлик ва мавсумлилари — камбағал-деҳқонлар, байрам кунларида ёки ҳосил йиғим-теримида келиб ёрдамлашадилар. (Автор изоҳи.)

деб, эҳтиёт бўлиб туриш керак бўларди. Бизнинг фақат биттагина мавсумли қаролимиз¹ бор эди. У ҳамма ишни бажариб улгурмасди, шу сабабли отам унга қурбонликларни пойлаб туриш учун ўғли Жунь-тунни ўзи билан бирга олиб келишга рухсат берди. Мен жуда севиниб кетдим. Жунь-ту ҳақида илгари ҳам эшитган эдим, у билан тенгдош эканимизни ҳам билардим. У кабиса йили туғилган бўлиб, гороскопда¹ табиатдаги бешта нарсадан биттаси, яъни ер етишмаган экан, шу сабабли отаси унга Жунь-ту² деб ном қўйган экан. Жунь-ту тузоқ қўйиб, қуш тутишга жуда уста эди.

Янги йил байрамини сабрсизлик билан кутардим, чунки шу кунни Жунь-ту келиши керак эди. Ниҳоят онам менга Жунь-тунинг келганини айтди. Ошхонага қараб югурдим.

Жунь-ту кулча юзли, буғдой ранг бола бўлиб, бошида кичик қалпоқ, бўйнида эса ялтироқ кумуш ҳалқаси бор эди. Афтидан, отаси уни жуда яхши кўрса керак, ўғлим ўлиб қолмасин, деб Буддага назир бериб, бўйнига ҳалқа осиб қўйган эди. Жунь-ту мендан бошқа ҳаммадан тортинарди. Иккимиз ёлғиз қолгач, роса гапга тушиб кетдик ва ярим кун ўтмасданоқ дўст бўлиб олдик.

Ушанда нималар тўғрисида гаплашганимиз эсимда йўқ, лекин Жунь-тунинг жуда кайфи чоғ эканлиги, шаҳарга бориб, у ерда турли-туман ажойиботлар кўрганини сўзлаб бергани ёдимда.

Эртасига ундан, мени ҳам қуш овлашга олиб бор, деб илтимос қилдим.

— Ҳозир бўлмайди,— деб жавоб берди у,— фақат қор қалин ёққан пайтда ов яхши бўлади. Уйда озгина қумлоқ жойни тозалайманда, бамбуқдан тўқилган катта саватга қозик тираб қўяман, кейин остига дон сепаман, ўзим узоқда қушларнинг учиб келишини пойлаб ётаман. Қушлар дон еб турган пайтда қозикқа боғлаб қўйилган каноппи тортаман, шунда қушлар сават остида қолади. Бориб қарасам, ҳар хил қушлар: тўрғайлар, мусичалар, читтаклар тушган бўлади.

Мен ҳозирнинг ўзидаёқ қалин қор ёғишини истардим. Жунь-ту эса гапини давом этдирарди:

— Ҳозир жуда совуқ, сен биз томонга ёзда келгин. Кундуз кунни денгиз бўйида қизил, яшил, ҳар хил рангли чиғаноқлар терамиз, ҳатто шайтонларни ваҳимага соладиган чиғаноқлар ҳам бор, баъзан меҳр-шафқат маъбудаси Гуань-иннинг қўли деб аталадиган чиғаноқлар ҳам учраб қолади: ке-

¹ Гороскоп — одам туғилганда слайдраларнинг туришига қараб гўё унинг тақдирини айтиб берадиган жадвал.

² Жунь-ту — қадимги хитой астрологиясига биноан, табиатда бешта нарса: металл, дарахт, сув, олов, ер бор экан. Жунь — кабиса йили, ту — ер демақдир.

чалари отам иккаламиз тарвуз пойлаймиз, шунда сени ҳам бирга олиб борамиз.

— Уғриларни пойлайсизларми?

— Йўқ: Агар бирор ўткинчи чанқоғини қондириш учун тарвуздан узса, биз уни ўғри деб ҳисобламаймиз. Тарвузларни бўрсиқ, кирпи, ча деган ҳайвонлардан сақлаймиз; ойдин кечаларда кўпинча чапиллаган овоз эшитилади — бу ча деган ҳайвон бўлади, у тарвузни ана шундай чапиллатиб ейди. Шу пайт қўлингга найза оласан-да, аста, сездирмайгина пойлаб борасан...

Уша вақтда мен ча қанақа ҳайвон эканлигини билмасдим, ростини айтганда ҳозир ҳам билмайман. Лекин назаримда нима учундир у худди кучукка ўхшаган, жуда баджаҳл ҳайвондек туюларди.

— У одамни тишлаб олмайдими?

— Қўлингга найзанг бўлади-ку, ахир... Кўрган заҳотинг найза санчаверасан-да! Лекин ча жуда ақлли бўлади, у тўғри сенга қараб югуради-да, лип этиб оёқларинг орасидан ўтиб кетади. Унинг юнги силлиқ бўлади, худди ёғлаб қўйганга ўхшайди.

Дунёда бу қадар кўп қизиқ нарсалар бор деб ҳеч қачон ўйламаган эдим, денгиз бўйида турли рангда чиғаноқлар, тарвуз полизда шунақа қўрқинчли ҳодисалар бўлар экан-а. Мен бўлсам, фақат тарвузнинг дўконда сотилишидан хабардор эдим, холос.

— Бизнинг қишлоғимизда сув тошган пайтларда қум устида учар балиқлар тўлиб кетади, уларнинг оёқлари худди қурбақанинг оёқларига ўхшайди.

Эҳ, Жунь-ту шунча кўп ажойиб-ғаройиб нарсаларни билди-я, мен билан ўртоқларим эса, буларнинг биронтасини ҳам билмаймиз! Жунь-ту денгиз бўйида яшарди, биз эса тўрт девор билан ўралган ҳовлида яшардик ва тўрт бурчакка ўхшаб турган осмондан бўлак ҳеч нарсани кўрмасдик.

Афсуски, янги йил байрами ҳам ўтиб кетди, энди Жунь-ту уйига қайтиши керак эди. Хафа бўлиб, қаттиқ йиғладим. Жунь-ту ҳам ошхонага кириб олиб, билдирмасдан йиғларди, чунки бизникидан кетгиси келмасди. Ахир отаси, уни олиб кетди.

Кейин Жунь-ту менга отаси орқали ҳар хил рангдаги чиғаноқлардан ва чиройли қуш патларидан юбориб турди. Мен ҳам унга бир-икки марта совға юбордим, лекин ўшандан кейин сира кўришмадик.

Онам Жунь-ту тўғрисида гапирганда ана шу хотиралар яшин тезлигида миямдан ўтди. Мана, менинг туғилган қишлоғим! Қишлоғимнинг бутун гўзаллиги ҳам худди ана шу хотираларда эди.

— Келса яхши бўларди. Унинг аҳволи қалай?— деб сўрадим.

— Аҳволими? О, аҳволи жуда оғир,— деди онам ва дераза томонга қаради.— Яна келишяпти... Нарса сотиб оламиз дейишади-да, қараб турмасанг, қўлларига тушган нарсани олиб кетишади. Бориб қараб турмасам бўлмайди.

Онам ўрнидан туриб чиқиб кетди, эшик орқасидан хотинларнинг овози эшитилди. Мен Хуан-эрни ёнимга чақириб олдим-да, ундан ўқиш-ёзишни биласанми, бу ердан кетишни истайсанми, деб сўрай бошладим.

— Поездда кетамизми?

— Ҳа, поездда кетамиз.

— Жонкага тушмаймизми?

— Аввал жонкага тушамиз.

Шу пайт аллакимнинг:

— Уҳў! Катта киши бўлиб қолибди-ку. Мўйловининг узунлигини қаранглар-а!— деган ғалати ўткир товуши эшитилди.

Кутилмаган бу товушдан чўчиб бошимни кўтарган эдим, қаршимда турган юзлари кенг, лаблари юпқа, ёноқлари туртиб чиққан бир аёлга кўзим тушди. У эллик ёшлар чамасида бўлиб, қўлларини белига тираб турарди: кўк иштон кийган ингичка оёқлари худди очиб қўйилган циркулга ўхшарди.

Шошиб қолдим.

— Танимаяпсанми? Сени кўтариб катта қилган эдим.

Бадтар саросимага туша бошладим. Бахтимга шу пайт онам кириб гапимизга аралашди.

— Бу ердан кетганига кўп бўлди, ахир ҳамма нарсани унутиб юборибди. Эсингда бўлса керак,— деди онам менга қараб,— бу қўшнимиз Ян Эр-сао-ку. Кўчанинг нариги бетида туради. Лўвия пишлоғи сотади.

Эсимга тушди. У вақтларда ёш бола эдим. Ян Эр-сао эрталабдан кечгача дўконда лўвия пишлоғи сотиб ўтирарди. Ҳамма уни «сузма гўзал» деб атарди. Унинг юзи доим оқ суртилган бўларди, ёноқ суяклари бунчалик туртиб чиқмаган, лаблари бунақа юпқа эмас эди... У доим дўконда ўтиргани ўтирган эди, шу сабабли оёғининг очиб қўйилган цир — кулга ўхшашлигини пайқаманган эдим.

Ушанда ҳамма: дўконда Ян Эр-сао ўтиргани туфайлигина савдо яхши бўлади, дерди. Мен ёш бўлганим учун уни яхши эслаб қололмаган бўлсам керак. «Циркуль»нинг менадан норози экани очик кўриниб турарди, у менга нафратланиб қарамоқда эди. Одатда Наполеонни билмайдиган америкаликка шундай қарашади. У совуққина илжайиб, деди:

— Эсимда йўқ дегин-а? Аслзодаларнинг кўзи аслзодаларни кўради, деган гап чин экан...

— Йўғ-э... мен эсанкираб аста ўрнимдан турдим.

— Гапимга қулоқ сол, укам. Сен бойиб кетибсан, нарса-ларни ташиб юриш осон иш эмас, яна бу эски-тускиларнинг сенга нима кераги бор. Менга қолдир, биз камбағалларнинг кунимизга ярайверади.

— Бойиб кетганимча йўқ, шунинг учун кўчмасдан олдин ҳаммасини сотишим керак, кейин...

— Уят эмасми! Округ бошлиғи бўпсан-ку, яна бойиб кетганимча йўқ дейсан-а. Ҳозир уч хотин олиб саккиз одам кў-тарадиган тахтиравонда юришга ҳақинг бор-у, тагин бой эмасман дейсан-а! Ҳей! Мени алдаб бўпсан.

Унга гап уқдиришнинг фойдаси йўқлигига ақлим етиб, индамай туравердим.

— Тавба! Тавба! Одамнинг пули кўпайган сари хасис бўлади, хасис бўлган сари пули кўпаяверади, деганлари рост экан.

«Циркуль» жаҳл билан орқасига ўгирилди-да, жавраганча эшик томонга юрди, йўлакай онамнинг қўлқопини олди-да, липасига қистириб кетди.

Кейин яқин-атрофда турадиган қавми-қариндошлар ва таниш-билишлар бирин-кетин кела бошлашди. Буюмларни жойлашга зўрба-зўр вақт топардим. Шу алпозда уч-тўрт кун ўтди.

Совуқ кунларнинг бирида, тушки овқатдан кейин, чой ичиб ўтирар эдим, тўсатдан кимдир уйга киргандек бўлди. Бу ким бўлди экан, деб орқамга ўгирилиб қарадим-у, ҳайратланиб ўрнимдан сапчиб турдим.

Бу Жунь-ту эди. У илгариги Жунь-туга сира ўхшамаса-да, уни биринчи кўришдаёқ танидим. У аввалгига қараганда икки баравар ўсибди, буғдой ранг кулча юзи оч заъфарон тус олиб, ажинлар билан қопланибди; кўзлари отасиники сингари қизариб, сал шишибди. Шуниси ҳам борки, доим эсиб турадиган денгиз шамоли, денгиз бўйида яшаган деҳқонларнинг юзини шундай тусга киритади. Жунь-ту бошига эски кигиз қалпоқ, эгнига юпқа пахтали камзул кийиб олган бўлиб, совуқдан бужмайиб турарди; унинг қўлида қоғозга ўралган нарса билан узун трубка бор эди. Бир вақтлар бу қўллар силлиқ ва қизғиш эди, энди бўлса қарағай пўстлоғи сингари дағаллашиб, ёрилиб кетибди.

Жунь-тунинг келганига жуда севиниб кетдим, лекин гапни нимадан бошлашимни билмас эдим.

— Бу сенмисан, оғайни Жунь-ту... Салом!

Миямда аллақанча сўз айланиб юрарди: тўрвайлар, учар балиқлар, чиганоқлар, ча... Назаримда ҳозир шу сўзлар маржондай бирин-кетин сочилиб кетадигандек эди, лекин гапиргани нимадир халиқат берарди.

Жунь-ту қаршимда турарди, унинг юзида қувонч ва маъюслик аломатлари бор эди. У лабини қимирлатарди-ю, лекин ҳеч нарса деёлмасди. Ниҳоят у ҳурмат-тавозе билан аниқ қилиб:

— Жаноб...— деди.

Бошимдан совуқ сув қуйилгандек баданим жимирлаб кетди. Энди билсам, бизни баланд девор ажратиб турган экан, шу сабабдан хафа ёўлиб индамай қўя қолдим.

У ўгирилди-да аллакимга:

— Шуй-шэн, жанобга таъзим қил,— деб орқасида яшириниб турган болани олдинга итарди.

Бу мен йигирма йил аввал билган ўша Жунь-ту эди, фақат юзи сариқроқ, ориқроқ бўлиб, бўйнида кумуш ҳалқаси йўқ эди, холос.

— Бу менинг бешинчи ўғлим... У ҳали ҳеч қаерга борган эмас, шунинг учун уяляпти...

Онам билан Хун-эр афтидан бизнинг товушимизни эшитишган бўлса керак, пастга тушишди.

— Бекам, хатингизни олганимга анча бўлди, тақсиримнинг келишларини эшитиб жуда қувондим,— деди Жунь-ту.

— Нега бунча сертакаллуф бўлиб қолдинг? — деб сўради онам очиқ чеҳра билан. — Ахир илгари ака-укадек эдиларинг-ку. Исмини айтиб гапиравер..:

— Бу нима деганингиз бекам!.. Одобсизлик бўлади-ку, у вақтларда биз бола эдик, ҳеч нимани тушунмасдик.

Жунь-ту яна ўғлига таъзим қилишни буюрди, лекин у отасининг орқасига қайта яширинди.

— Унинг исми Шуй-шэнми? Бешинчи ўғлингми? Уяляпти, ҳечқиси йўқ... У ётсираяпти. Майли, улар Хун-эр билан ўйнаб келиша қолсин,— деди онам.

Хун-эр Шуй-шэнни чақирди, бола енгил тортганидан қувониб у билан бирга чиқиб кетди. Онам Жунь-туни ўтиришга таклиф қилди. У ийманиб стулга ўтирди, узун трубкасини столга суяб қўйиб, қўлидаги қоғозга ўроғлиқ нарсани менга узатди.

— Озгина кўк нўхат олиб келган эдим. Ўзимиз қуритганмиз. Тақсир, қўлимни қайтарманг. Ҳозир қиш, бошқа нарсамиз йўқ.

Ундан қай аҳволда кун кечираётганини сўраган эдим, у бош чайқади.

— Жуда оғир. Энг кичик олтинчи ўғлим ҳам ўсиб, ёрдам берадиган бўлиб қолди, лекин ҳали ҳам овқатга пул етказолмайман... Умуман хотиржамлик йўқ... Ҳамма нарсага пул керак... тартиб йўқ, ҳосил ёмон... Йиғиб олган озгина ҳосилни сотиб бирор кори-ҳолимга яратай деб сотгани олиб борсанг

ҳали у деб пул олишади, ҳали бу деб. Шундай қилиб зарари-га сотиб келасан. Сотмай десанг, чириб кетади.

У ҳамон бош тебратарди. Дўстимнинг ажин босган юзи бутунлай ҳаракатсиздек, худди бир бўлак тошдек кўринарди. Афтидан у жуда кўп ғам тортган-у, лекин ҳаммасини сўзлаб беришга ботинолмасди; Жунь-ту бир оз жим тургач, узун трубкасини олиб чека бошлади.

Онам суриштириб билса, унинг уйида иши кўп, шу сабаб-ли эртага қайтиб кетиши шарт экан. Бугун овқатланмабди ҳам. Бундан хабар топган онам унга дарров ошхонага кириб овқат иситиб ейишни буюрди.

У чиқиб кетди. Онам икковимиз унинг тақдирига ачиндик: оиласи катта, очарчилик, солиқ-тўловлар, солдатлар, ўғрилар, амалдорлар — булар ҳаммаси уни шу қадар эзиб ташлаганидан озиб, худди чўпга ўхшаб қолибди, бечора. Онам, олиб кетолмайдиган нарсаларнинг ҳаммасини унга совға қила қолайлик, нима керак бўлса, ўзи танлаб олсин, деди.

Кечқурун Жунь-ту ўзига иккита узун стол, тўрт стул, кулдон, шамдон, қўл тарози ажратиб олди. У култепадаги кулни ҳам олмоқчи бўлди, биз ўтин ўрнига шоли похол ёқардик. Кулни қумлоқ ерига ўғит қилиб солмоқчи экан. У олган нарсаларини биз кўчадиган кунни келиб, жонкага ортиб кетадиган бўлди.

Кечқурун биз алламаҳалгача у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтирдик. Эртасига эрталаб Жунь-ту ўғлини олиб жўнаб кетди.

Яна тўққиз кун ўтди, ниҳоят кўчиб кетадиган кунимиз ҳам етиб келди. Жунь-ту эрта билан келди, бу сафар ўғлининг ўрнига қайиқни пойлаб тургани беш яшар қизини олиб келибди. Кўчиш тараддуди билан кун ўтди, шунинг учун гаплашишга ҳам вақтимиз бўлмади. Меҳмонлар кўп келди; баъзилари кузатгани, баъзилари нарса олгани, баъзилари бир йўла ҳам кузатгани, ҳам нарса олгани келишган эди. Кечқурун жонкага ўтирган пайтимизда уйимизда ҳеч нарса қўймай эски-туски қақир-қуқир, ҳатто синиқ нарсаларгача олиб кетишди.

Жонкамиз сузиб борарди, дарё қирғоғидаги тоғлар кечки қоронғиликда қорамтир тус олар ва бизлардан оҳиста узоқлашарди.

Хун-эр билан мен жонка деразаси ёнида туриб, кечки манзараларни томоша қилардик. Тўсатдан Хун-эр:

— Тоға, энди қачон қайтиб келамиз?— деб сўради.

— Қайтиб келамиз? Ҳали кетмасдан туриб қайтишни ўйлаяпсанми?

— Шуй-шэн бизларникига келсанг ўйнардик деган эди,— Хун-эр қоп-қора кўзларини катта очиб, ўйланиб қолди.

Онам билан мен ҳам Жунь-туни эслаб қайғуга чўмдик. Онамнинг гапига қараганда, кўчгунимизга қадар бизникига ҳар куни келиб-кешиб турган «сузма гўзал» Ян Эр-сао яқинда кул уюми орасидан ўнтача коса билан тарелка топиб олибди. Бу ишни ундан-бундан гумон қила-қила ахири Жунь-ту қилган деган қарорга келибди. Унинг айтишича, кулни олиб кетгани келганда уларни ҳам олиб кетмоқчи бўлган эмиш. Бу билан Ян Эр-сао гўё бизга катта хизмат қилгандек, «итларни ўчакиштирадиган»¹ ёғоч тоғорамизни олди-да, таг чарми тўрт эллик келадиган туфлисини дўқиллатганча тез чопиб чиқиб кетди.

Эски уйимдан тобора узоқлашиб кетяпман, туғилган жойларим борган сайин мендан йироқлашмоқда, лекин мен бу жойлардан кетаётганим учун ачинмасдим.

Назаримда, мени ҳар томонидан баланд деворлар ўраб олиб, оламдан ажратиб қўяётгандай туюларди; юрагим ғам-ғуссага тўлди. Тарвуз полизида бўйнига кумуш ҳалқа осиб юрувчи кичкина қаҳрамоннинг илгариги равшан сиймоси энди хираланиб қолди. Бу эса юрагимни қаттиқ эзарди.

Онам билан Хун-эр ухлаб қолишди.

Сув шовқинига қулоқ солиб ётар эканман, ҳаётда ўз йўлимни топиб олганимни ўйлардим.

«Жунь-ту билан менинг йўлим бир-бирдан жуда йироқлашиб кетибди,— дедим ўзимга-ўзим,— лекин болаларимиз бир-бирга яқин. Ҳозир Хун-эр Шуй-шэнни ўйламайдими? Уларни баланд девор ажратмаслигига ишончим комил, улар мен сингари мана шундай дарбадарликда яшамайдилар, Жунь-ту сингари онгсиз турмуш кечирмайдилар; уларнинг қалбида бизларники сингари бундай аччиқ ғазаб бўлмайди. Улар биз кўрмаган, билмаган янгича ҳаёт кечиришлари керак...»

Шу пайт бирдан ўз фикрларимдан ўзим қўрқиб кетдим. Жунь-ту мендан кулдон билан шамдонни сўраганда, унинг ҳали ҳам санамга толпинишига ичимда кулган эдим. Ахир, менинг хаёлим ҳам ўзим яратган санам эмасми? Фарқи шуки, Жунь-тунинг хаёли — эртаги кунда, меники эса, туманли келажакда...

Мудроқ босиб кела бошлаган кўзларимга зумрад соҳил, ложувард осмондаги кумуш ой кўрннар ва хаёлга чўмардим: «Хаёл — бу ҳозир йўқ нарса эмас, лекин бўлмайдиган нарса

¹ Бизнинг ватанимизда устига панжара тутилган темир тоғора шундай дейилади. Бу товуқларнинг донини ит еб қўймаслиги учун атайлаб қилинган. Товуқлар тумшуқларини тиқиб донни бемалол еяберадилар, итлар бўлса ҳеч нарса ололмай жаҳллари чиқади, холос. (Автор изоҳи.)

ҳам эмас, Бу худди йўл йўқ ердан одамлар юравериб йўл ҳосил қилганидек бир нарса».

1921 йил, январь.

А-КЪЮНИНГ АСЛ ТАРИХИ

I

Муқаддима

А-Къюнинг асл тарихини ёзмоқчи бўлиб юрганамга мана ҳозир бир-икки йилдан ҳам ошиб кетди-ю, аммо ҳанузгача иккиланаман: биргина шунинг ўзи менинг сўз мероси қолдирадиган одамлар жумласидан эмаслигимни кўрсатади. Ҳамиша шундай бўлади: ўлмас кишиларнинг қаламлари ўлмас кишилар ҳақида ёзади: ўлмас асарлар туфайли кишилар мангу яшайдиган бўлиб қоладилар; ўлмас кишилар туфайли асарлар абадий яшайдиган бўлиб қоладилар. Натижада аста-секин қайси нарса қайси нарсага боғлиқ экани аниқ бўлмай қолди. Мана ниҳоят А-Къюнинг биографиясини ёзаётирман, гўё аллақандай бир шайтон миямга кириб олиб, мени шу ишни қилишга мажбур этаётганга ўхшайди.

Лекин бу тез унутиладиган асарни ёзиш фикрига тушиб, ҳали қўлимга қалам олишга улгурмасданоқ, бирданига қаршимда бартараф қилиб бўлмайдиган қийинчиликлар пайдо бўлиб қолди.

Биринчиси — асарга қўйиладиган сарлавҳа масаласи. Бир вақтлар Конфуций: «Агар сарлавҳа нотўғри қўйилса, сўзлар ҳам бўйсунмайдилар» деган эди. Бунга алоҳида эътибор бериш керак бўлади. Бундай тарихий асарлар учун сарлавҳа жуда кўп: биография, автобиография, ғайри расмий биография, расмий биография, хусусий биография, оилавий хроника, қисқача биография... Бироқ, афсуски, уларнинг бирортаси ҳам менинг асаримга мос келмайди.

«Биография» десаммикан? Аммо асарим машҳур кишилар биографияси билан бир қаторга қўйишга мўлжалланган эмас ва у тарихда қолмайди ҳам. «Автобиография» десамчи? Мен А-Къю эмасман-ку, ахир. Агар бу асарни «Ғайри расмий биография», «Расмий биография» десамчи? бе, қаёқда дейсиз! Борди-ю, ҳар нечук «Ҳаёт ҳақида қисса» деб сарлавҳа ҳам қўяйлик, ахир бундай асарлар азиз-авлиёлар ҳақида ёзилди-ку, А-Къю эса азиз ҳам, авлиё ҳам эмас. Оддийгина «Таржимаи ҳол»чи? Аммо А-Къю давлат фармонига биноан тарих ёзиш комиссияси ташкил этилиб, унинг «насабномаси» тузиб чиқилсини деган шарафга ҳеч қачон муяссар бўлган эмас.

Гарчи, Англиянинг тарихий йилномаларида қиморбозлар биографияси ёзилмаган деб таъкидласалар-да, ҳар нечук,

отоқли ёзувчи Диккенс қиморбознинг таржимаи ҳолини ёзган эди. Шуниси ҳам борки, отоқли ёзувчи ёзиши мумкин бўлган нарсани менга ўхшаган кишининг ёзиши асло мумкин эмас-да.

Яна «Оилавий хроника» деган ном ҳам бор. Аммо, ота-боболарим А-Кьюнинг ота-боболари билан қариндош-уруғ бўлганми, йўқми, бунисини билмайман. А-Кьюнинг авлодлари эса ҳеч қачон унинг таржимаи ҳолини ёзишимни илтимос қилган эмаслар.

Эҳтимол, асаримга «Қисқача таржимаи ҳол» деб сарлавҳа қўйиш мумкиндир? У ҳолда А-Кьюнинг бошқа тўлиқ таржимаи ҳоли бўлган эмас-ку, ахир. Борингки, ҳаммадан кўра тўғрироғи — «Шахсий таржимаи ҳол». Аммо, асарнинг мазмуни ва менинг услубим билан тилимнинг «аравакаш ва чайқовчилар»¹ тили сингари қўпол бўлгани туфайли ўз асаримни ҳатто шундай деб аташга ҳам ботина олмайман.

На уч диний мактабга ва на тўққиз фалсафий оқимга² мансуб бўлмаган ёзувчилар одатда: «Бекорчи сўзларни бас қилиб, асл тарихга ўтайлик!» деб ёзадилар. Мен ҳам кишилар яхши кўрган жумладан «Асл тарих» деган иккита сўзни олиб, шунини асаримга сарлавҳа қилишга жазм этдим. Борди-ю, буни ҳам қадимги вақтларда бошқа жанрлардаги асарларга қўйиладиган сарлавҳалар билан олмоштириб юбориш мумкин бўлса, масалан: «хуснихат санъатининг асл тарихи» дейиладиган бўлса, у ҳолда бошқа чора йўқ.

Иккинчи қийинчилик шу эдики, урф-одат бўйича, ҳар бир таржимаи ҳол «Фалон лақабли фалончи фалон ерда туғилган...» деган жумла билан бошланиши керак эди. Мен бўлсам А-Кьюнинг ҳатто фамилиясини ҳам билмас эдим!

Бир куни унинг фамилияси Чжао бўлса керак, деб ўйлаган эдим, аммо эртасигаёқ, шубҳаланиб қолдим. Воқиа бундай бўлди: муҳтарам Чжаонинг ўғли ниҳоят сюцай³ илмий даражасини олишга муваффақ бўлди ва бу ҳақда занг чалиб бутун қишлоққа расмий равишда хабар берилди. Эндигина икки пиёла сариқ вино ичиб олган А-Кью қулоч ёзиб, бу менинг ҳам ҳурматим, чунки аслида мен ҳам муҳтарам Чжао билан бир фамилиядаман, агарда қариндош-уруғчиликни яхшироқ текширилса, у ҳолда даража жиҳатдан сюцайдан уч даража юқори тураман, деб эълон қилиб қолди. Бу

¹ Бу сўзлар янги адабиётнинг ашаддий душмани, реакцион адабиётчи Линь Шуга тегишли.

² Уч диний мактаб — конфуцианлик, даосизм ва буддага сенишлик. Тўққиз фалсафий оқим — қадимий адабиёт ва фандаги оқимлар.

сўзларни эшитганлар шу оннинг ўзидаёқ, А-Кьюни ҳурматлай бошладилар. Эртасига қишлоқ оқсоқоли А-Кьюни муҳтарам Чжаонинг уйига чақиртириши ва муҳтарам Чжао уни кўриши биланоқ, тутақиб кстиб қичқиритиши ҳеч ким хаёлига ҳам келтирмаган эди-да.

А-Кью, ярамас махлуқ!.. Биз билан бир фамилиядаман, деб мақтандингми-а?

А-Кью индамади.

Унга қараб муҳтарам Чжао бадтар тутақиб кетди, у ириб ўрнидан турди-да, А-Кьюнинг олдига бориб бўкирди:

— Бундай бемаъни гапларни айтишга қандай, ботиндинг? Қандай қилиб мен сенга ўхшаш бир ярамас махлуқ билан қариндош бўла оламан? Сенинг фамилиянг Чжаоми, ахир?

А-Кью бир илож қилиб бу ердан сездирмай чиқиб кетиш-ни ўйлаб, жим турарди, лекин шу пайт муҳтарам Чжао унга томон яна бир қадам ташлади-да, юзига бир тарсаки туширди.

— Чжаонинг қариндоши бўлишни хаёл қилибди-я! Шундай фамилияга арзийдиган одаммисан?

А-Кью ҳақиқатан фамилияси Чжао эканини исботлашга уринмай юзини ишқалаб қўя қолди. Охири оқсоқол уни кўчага олиб чиқиб қўйди. Бу ерда у оқсоқолдан керакли панднасихатларни эшитгач, унга вино учун икки юз вэн тутқизиб, миннатдорчилик билдирди.

Бу ҳодисадан хабар топган кишиларнинг ҳаммаси тентак А-Кью тарсакини ўзи тилаб олди, унинг фамилияси Чжао бўлмаса керак; борди-ю, шундай бўлганда ҳам — барибир, қишлоқда муҳтарам Чжао бўлгандан сўнг, бу ҳақда сафсатабозлик қилиб ўтириш бемаънилик-ку, деган хулосага келди. Шу воқиядан кейин ҳеч ким А-Кьюнинг ҳақиқий фамилиясини аниқлашга қизиқмади ва шу куйи у номаълум бўлиб қолаверди.

Учинчи қийинчилик шу эдики, унинг исми қандай ёзилишини билмасдим. Ўзи тириклигида ҳамма уни А-гуй дегучи эди, ўлгандан кейин эса ҳеч ким номини тилга олмай қўйди. Унинг номи «Бамбуқ ва шойнга ёзиладиган қадимги ёзувлар»¹ да сақланиб қоладиган номлардан эмасди-да!

А-Кью ҳақида дастлаб асар ёзишга киришган мен бўлдим, шу сабабли ҳам, табиийки, бирданига мазкур қийинчиликларга дуч келдим.

А-Кью сўзи қандай ёзилиши устида жуда кўп бош қотирдим: «ой гули» деган маънони англатувчи «гуй» иероглифи

¹ Иероглифи шажара китоблари, улар бамбуққа ўйилган ёки туш билан шойига ёзилган бўларди.

билан ёзиш керакми, ё бўлмаса «олижаноблик» деган маънони англлатувчи «гуй» билан ёзиш керакми?

Агарда уни Юэ-тин — «ойдин шийпон» деб атаганларида, ёки у «ой дарахти» гуллайдиган август ойида туғилган бўлса эди, албатта «ой гули» деган маънони англлатувчи «гуй» иероглифини ёзар эдим. Лекин унинг лақаби ҳам йўқ эди, балки бўлгандир ҳам, аммо буни ҳеч ким билмасди. Шунингдек унинг қачон туғилгани ҳам номаълум эди, чунки ҳеч қачон ёзувчиларга шу кун шарафига бирор мадҳия тўқиб бериш ҳақида илтимоснома юборилмаган, бинобарин, А-Кьюни «ой гули» деган маънони англлатувчи «гуй» иероглифи билан ёзиш мутлақо ўзбошимчалик бўлар эди.

Агар унинг А-фу, яни «бойлик» исмли акаси ёки укаси бўлганда эди, у вақтда «олижаноблик» деган маънони англлатувчи иероглифга монанд қилиб «гуй» деб ёзиш мумкин бўларди. Лекин у ёлғиз ўғил эди, демак, бундай деб ёзишга ҳам асос йўқ.

«Гуй» товушига ўхшаш бошқа иероглифлар янада асоссизроқ эди.

Кунлардан бирида бизнинг сюцай, муҳтарам Чжаонинг ўғли билан бу ҳақда гаплашиб қолдим. Аммо шундай ўқимишли кишининг ҳам бундан беҳабар бўлиб чиқишини ким ўйлабди дейсиз?

Тўғри, у «Янги ёшлар»¹ журналида баъзи сўзларни чет тил ҳарфлари билан ёзишаётганини ва шу сабабли маданиятимизнинг ўзига хос хусусияти ҳалок бўлганлиги натижасида мени қизиқтираётган масалани текшириш имконияти йўқ эканини эътироф этди.

Шундан сўнг энг охири чорани қўлладим — ҳамшаҳарларимдан бирига А-Кьюнинг ишига доир суд ҳужжатларини текшириб чиқишни топширдим. Саккиз ойдан кейин у, бу ҳужжатлар ичида «А-гуй» деган одамнинг номи-нишони ҳам йўқ эканини айтди.

Билмадим, ҳақиқатан ҳам у ерда шундай исм йўқми ёки у шунчаки уни топишнинг уддасидан чиқа олмадими, — ҳар ҳолда буни билиш учун бошқа чорам йўқ эди.

Жуда уяламан, ҳатто сюцайимизки қандай иероглиф ёзиш кераклигини билмаганидан кейин, мендан нимани ҳам талаб қилиш мумкин.

Ҳали бизда оҳангли алифбе² кенг тарқалмаган бўлса керак, деб қўрқаман, шунинг учун чет тил алифбесига ҳарф-

¹ «Янги ёшлар» — Хитой прогрессив журнали, 1915—26 йилларда чиққан. Лу Синининг биринчи ҳикоялари шу журналда босилган.

² Оҳангли алифбе (чжуннь цзиму) хитойда 1918 йилда жорий қилинган. У, иероглифларни ўқишни осонлаштириш учун хизмат қилади.

ларга мурожаат қилишга тўғри келади: мен бу исмни англиз транскрипцияси бўйича — A — Quei, қисқартирилган ҳолда эса — А-Кью деб ёзаман. Бу шубҳасиз «Янги ёшлар» журнаliga кўр-кўрона тақлид қилишга ўхшаб кўринади, бунга ўзим ҳам афсусланаман, аммо бу ўринда сюцаймиз ҳам бирор маълумотга эга бўлмагандан кейин менинг иложим қанча, қўлимдан нима ҳам келарди?

Тўртинчи қийинчилик — А-Кьюнинг ватани масаласи эди.

Агар унинг фамилияси Чжао бўлса, фамилияларни вилоятларнинг номи билан солиштириб чиқиш одатига асосланиб, вилоятлардаги фамилияларни қайд қиладиган, масалан: «Тянь-шуйлик Лун Си» деб ёзилган дафтардан унинг қаерда туғилганини аниқлаб олиш мумкин бўлар эди. Афсуски, А-Кьюнинг фамилияси аниқ эмас, шунинг учун унинг ватани қаерда эканини аниқлаш ҳам мумкин бўлмайди. У кўпроқ Вэйчжуан қишлоғида яшади, лекин бошқа жойларда ҳам тез-тез бўлиб турар, шу сабабдан уни вэйчжуанлик дейиш ҳам мумкин эмас эди. Агарда «вэйчжуанлик» деб ёзадиган бўлсак, бу аниқ тарихий методга зид бўлиб чиқади.

Кўнглимни тинчитадиغان нарса фақат шуки, ҳеч бўлмаганда «А»¹ олд қўшимчасининг тўғрилигига тўла ишонса бўлади. Унда ҳеч қандай хатолик йўқ, у ҳеч қандай шубҳа туғдирмайди. Қолган барча қийинчиликлар масаласига келганда шуни айтиш мумкинки, менга ўхшаш бирор соҳага оид маълумотни чуқур эгалламаган кишига бу қийинчиликларни бартараф қилиш қийин. Ёлғиз биргина умидим бор, у ҳам бўлса, эҳтимол, жаноб Ху Ши² нинг шогирдлари каби «тарих ва археология ҳаваскорлари» бу масалага оид кўп янги маълумотлар кашф эта оларлар, аммо унга қадар менинг асарим «А-Кьюнинг асл тарихи» ҳамманинг эътиборидан кўтарилиб, унутилиб кетар деб кўрқаман.

Юқорида айтилганларнинг ҳаммасини муқаддима деб ҳисобласа бўлади.

II

Порлоқ галабалар ҳақида қисқача маълумот

А-Кьюнинг фақат фамилияси ва туғилган жойигина эмас, балки ўтмишдаги «фаолиятлари» ҳам қоронғи эди. Вэйчжуан қишлоғининг аҳолиси уни фақат мардикор қилиб ишлатар ва мазақ қилиб кулар эди; унинг «фаолиятлари» билан ҳеч ким

¹ «А» олд қўшимчаси хушовозлик учун ишлатилади.

² Буржуа реакцион тарихчиси ва адабиётшуноси. Хитой маданиятига америка таъсирини ўтказганлардан. 1949 йил Буюк Хитой халқ революцияси вақтида АҚШ га қочиб кетган.

қизиқмасди. А-Кью эса ўзи ҳақида ҳеч қачон гапирмас эди; фақат бирор одам билан сўкишиб қолган вақтларида кўзларини чақчайтириб:

— Менинг ота-боболарим сеникидан кўра машҳурроқ! Сен ким бўлсан?— деб бақирарди.

А-Кью оиласиз бўлиб, Деҳқончилик ибодатхонаси¹ да яшаб юрарди. Унинг маълум бир ҳунари йўқ, шунинг учун у ҳар кимларнинг уйида мардикорлик қиларди. Бугдой ўриш керак бўлса, ўрар; шоли янчиш керак бўлса, янчар; йиғиштириб бир ерга тўплаш лозим бўлса, йиғар-тўплар эди. Агар иш кўпроқ бўлса, ёллаб олган кишининг уйида вақтинча яшар, аммо иши тугаши биланоқ, дарҳол жўнаб кетарди.

Шунинг учун қизғин йиғим-терим кезларида, яъни А-Кью керак бўлган вақтларда уни эслашар — тўғрироғи уни эмас, балки ҳар ишни удалайдиган қобилиятли қўлларини эслашар, йиғим-терим тугагандан кейин эса, уни дарҳол унутар эдилар. Шундай бўлгач, унинг «фаолиятлари» ҳақида яна қандай гап бўлиши мумкин, ахир? У ҳақда ҳеч ким ўйламасди ҳам.

Елғон бўлмасин кунлардан бирида аллақандай бир чол белигача яланғоч, ориқ ва ҳолдан тойган А-Кьюга қараб: «А-Кью чинакам омилкор» деб мақтаб қўйди. Бу гапнинг ҳазиллигини ҳам, чинлигини ҳам ҳеч ким тушунолмади, аммо А-Кью жуда хурсанд бўлди.

У ўзини жуда баланд олар, Вэйчжуанда яшайдиган бошқа одамларнинг ҳаммасини, ҳатто иккита маҳаллий саводхонни ҳам назар-писанд қилмасди: А-Кьюнинг фикрича, улар ҳатто масхаралашга ҳам арзимайдиган одамлар эдилар. Бу саводхонлар келгусида сюдай бўлишлари мумкин эди. Улардан бири муҳтарам Чжаонинг, иккинчиси эса муҳтарам Цянининг ўғли эди. Чжао билан Цянь ҳамқишлоқлари томонидан фақат бойликлари туфайлигина эмас, балки ана шундай саводхон ўғиллари бўлгани учун ҳам ҳурматланар эдилар. Фақат А-Кьюгина саводхонларни ҳурматламас ва ичида «Менинг ўғлим бўлса улардан ҳам илмлироқ бўларди» деб ўйларди.

А-Кью бир неча марта шаҳарда бўлган ва шу сабабли ўз назарида янада билармон бўлиб қолганга ўхшарди. Шунга қарамай у, қизиқ табиатли бўлганликлари учун шаҳарликларни назарга илмасди. Узунлиги уч газ, кенлиги уч вершок ёғочдан ясалган курсини вэйчжуанликлар шунчаки «лавка» деб аташар, А-Кью ҳам шундай деб атарди, шаҳар

¹ Деҳқончилик ибодатхонаси — бу ибодатхоналарда деҳқонлар муқаддас деб атайдиган Ер худоси (туди) ёки Деҳқончилик худоси (тугу)нинг тасвири бўлади.

аҳолиси эса бунн «скамейка» дерди. А-Кью бўлса: «Нотўғри айтишади-я... вой афандилар-эй» деб ўйларди. Қовурилган балиқ бошини вэйчжуанликлар ярим вершок қилиб тўғралган кўк пиёз билан, шаҳарликлар эса майда тўғралган пиёз билан қўшиб ердилар, А-Кью яна: «Нотўғри қилишади-я... вой афандилар-эй» деб ўйларди. Аммо унинг назарида вэйчжуанликлар ҳеч нарсани билмайдиган сўтак-гўл қишлоқларга ўхшаб кўринардилар. Ҳатто улар шаҳарда балиқни қандай қовурилишини ҳам кўрган эмаслар!

А-Кью ўзининг «машҳур ота-боболари», ортиқ даражадаги билимлари ва бунинг устига «чинакам омилкорлиги» билан деярли «камолатга эришган одам» эди. Афсуски, унинг баъзи бир жисмоний қамчиликлари бор эди. Айниқса қачонлардир чиққан темирўткининг ўрни, яъни бошидаги бир оз жойнинг ялтираб туриши унинг кўнглини беҳузур қиларди. Гарчи бошининг каллиги рост бўлса-да, лекин ўз фикрича, бу унинг фазилатларини, қадр-қимматини ҳеч бир оширмас эди. Шунинг учун у ўзи бор жойда унга ёқимсиз киноя бўлиб тегадиган «кал» ва шунга ўхшаш сўзларни ишлатишни ман қилиб қўйди. Аста-секин ман қилган сўзларининг сони ошиб бораверди: «офтоб», «ялтироқ» кейинчалик ҳатто «чироқ» ва «шаъм» деган сўзлар ҳам ман қилинадиган бўлиб қолди. Кимки ман қилинган сўзларни қасдданми ёки тасодифанми оғзидан чиқаргудек бўлса, А-Кью ғазабдан калигача қизариб кетар ва ҳақорат қилувчини ё сўкар, ёки, агар у киши ўзидан кучсизроқ бўлса тутиб олиб урарди. Бироқ нима учундир оқибатда А-Кьюнинг ўзи калтак еб қоларди. Шу сабабли у аста-секин ўзининг тактикасини ўзгартира бошладди, у душманларини фақат ғазабли боқишлар билан енгадиган бўлди.

Бу ғазабли боқишлар вэйчжуанлик бекорчилар учун бадтарроқ эрмак бўлишини ким ўйлабди дейсиз?

Улар А-Кьюни кўришлари биланоқ:

— Ййе! Ана қаранглар, офтоб чиқди-ку!— деб хитоб қилардилар, жўрттага ўзларини ҳайронликка солиб.

А-Кью аччиқланиб, уларга ғазабли назар ташларди.

— Ахир, бу чироқ-ку,— деб давом этишарди улар тап тортмасдан.

— Сен ана шунга ҳам арзимаёсан,— деб нафрат билан жавоб берарди А-Кью, гўё унинг бошидаги кали оддий бўлмай, қандайдир бир асл нарсасдек.

Юқорида А-Кьюнинг фавқулодда доно одам экани ҳақида айтиб ўтилган эди: у бир зумдаёқ агар «кал» деган сўзни оғзимдан чиқаргудек бўлсам, у вақтда шартни ўзим бузган бўлман деб ўйлаб, ўша сўзни талаффуз қилмай жумлани тамомлаб қўя қоларди.

Аммо бекорчилар тиниб-тинчимас, уни ўз ҳолига қўймай, тегажоқлик қилишар, охирида ишни муштлашишгача олиб бориб тақашарди. Четдан қараган одамга А-Кью мағлубиятга учраган, калтак еган бўлиб кўриниши мумкин эди, чунки душманлари уни кокилидан маҳкам ушлаб, бошини бир неча марта деворга урар ва ўзларидан мамнун бўлиб жўнаб кетардилар. А-Кью яна бир минутча туриб: «Майли, ноқобил ўғлим мени урди, деб ҳисоблайман-да...¹ Қандай бемаъни замон бўди-я!» деб ўйлар ва шу фикр билан ғалаба қозонганига тўла ишониб, аввалги кайфиятида жўнаб кетарди.

А-Кью нимаки ўйласа, охирида оғзи бўшлик қилиб, ҳаммасини айтиб қўярди. Шунинг учун унга тегажоқлик қилдиган бекорчилар тезда унинг «ғалабаларини» билиб олишарди. Шундан кейин улар А-Кьюнинг кокилидан тортиб, унга ўгит беришарди:

— Бу сафар ўғил отасини ураётгани йўқ, балки одам ҳайвонни ураётир. Қани: «Одам ҳайвонни ураётир», деб такрорла-чи?

А-Кью икки қўли билан ўз кокилини маҳкам ушлаб:

— Ўзинг ўйлаб кўр, чивинни уриш яхшими? Ахир мен чивинман-ку, бўлдими, энди қўйиб юборасанми? — дерди.

У ўзини чивин ҳисоблаган бўлса-да, бекорчилар уни дарров қўйиб юборишмас, балки кетиш олдида яна бир марта дуч келган нарсага бошини уриб, хумордан тарқашга ҳаракат қилишарди. Шундан кейин улар А-Кьюни тавбасига таянтирдик, шарманда қилдик, деган хаёл билан мамнун бўлиб жўнар эдилар. Лекин орадан ўн секунд ҳам ўтар-ўтмас тагин у, мен ғолиб чиқдим деган фикр билан ўзини овутарди. У кўнглида ўзини хўрланганлар ичида энг биринчиси деб билса-да, аммо фикран «хўрланиш» деган сўзни тилга ҳам олмас, шундай қилиб, «биринчи» бўлиб қолар эди.

— Ахир, Чжуань-юань² энг яхшиларнинг ичида биринчиси эмасми? Сизлар нима бўпсизлар? — деб қичқирарди у хафа қилганларнинг орқасидан.

Шундай маҳорат билан ашаддий душманлари устидан янги ғалабага эришган А-Кью севинчга тўлиб майхонага югурарди; у ерда бир неча пиёла вино ичиб олгандан кейин ҳазиллашар, сўқишар (ундан сўнг яна бир ғалабани қўлга киритишга тўғри келарди), ахири хурсанд бўлиб Деҳқончилик ибодатхонасига қайтиб, уйқуга кетарди.

¹ Хитой оилаларида кичиклар томонидан катталарнинг, ўғиллар томонидан ота-опанинг ҳақоратланиши ёшлар учун жуда ҳам уят бўлиб катталарни кибрлантиради. Бу ерда А-Кью бемаъни ўғилнинг ҳурматли отасидан деб, ўзига тасалли беради.

² Чжуань-юань — император саройи ҳузурида илмий даража олишга имтиҳон топширганлар ичида биринчиси.

А-Къюнинг қўлига пул тушиб қолгудек бўлса, у дар-хол қимор ўйнагани жўнарди. Қиморбозлар давра қуриб, бир-бирларига зич ёпишган ҳолда чўққайиб ўтиришарди. Терга ботиб кетган А-Къю ҳам ўртага суқилиб кириб оларди. Қичқирган вақтда овози ўқдай чиқарди:

— «Яшил аждарга» тўрт юз чоҳ! Ҳа!.. Қани, оч-чи!

Худди ўзига ўхшаб қизишиб кетган рақибни ошиқ соллин-ган қутнчани очиб, баланд товуш билан:

— «Осмон дарвозалари» ва «бурчаклар»! «Одам» ва «Шамол», Қани, А-Къю, пулларингни чиқар!— деб хитоб қиларди.

— «Шамолга» юз!.. Йўқ, юз эллик тикаман!— деб қичқир-рарди А-Къю.

Ана шундай хитоб садолари остида А-Къюнинг пуллари қизишганидан терга тушиб кетган қиморбозларнинг чўн-такларига бирин-кетин ўтаверарди. Пули тугагач, А-Къюни доврадан четга чиқаришарди. У орқада ўтирарди-да, бош-қалар учун жон куйдириб ҳамма уй-уйига тарқалгунча то-моша қиларди. Кейин ҳафсаласи пир бўлиб, ибодатхонага қайтар, эртасига эса, кўп ухлаганидан кўзлари салқиб, ишга жўнарди.

«Чол отини йўқотди, ким билади, балки бу яхшиликка-дир» деган мақол тўғри экан. Бир кун А-Къю ютган эди, сал бўлмаса мағлубиятга учрай деб қолди.

Бу воқиа маҳаллий ҳайит кунини кечқурун юз берди. Одат бўйича, шу кеча қишлоқда театр қўйиш учун сахна ўрнати-либ, худди шу одатга кўра, унинг ёнига қимор столлари қўйилди. Аммо театрда даранглаётган гонг ва дўмбира садолари А-Къюнинг қулоқларига узоқ-узоқдан келаётганга ўхшаб эшитиларди: у фақат банкачининг қичқирган овозини-гина эшитарди, холос. Унинг қўли келиб, кетма-кет ютарди. Чақа пуллар кумуш тангаларга, кумуш тангалар — юанларга айланди. Сал вақт ичида пуллар хирмондек уюлиб кетди. А-Къюнинг шодлиги еру-кўкка сиғмас, жон-жаҳди билан:

— «Осмон дарвозалари»га икки юань!— деб қичқирарди.

У ким-ким билан ва нима сабабдан муштлаш бошланиб кетганини англай олмади. Сўкишиш, муштлашиш, тепки-лаш — ҳаммаси унинг бошида аралаш-қуралаш бўлиб кетди. У ҳушига келган чоғида, атрофида на стол ва на одамлар бор эди; у бутун баданининг зирқираб оғриганини сезди, гўё уни оёқ остига олиб узоқ тепкилаган эдилар. У бир нар-сасини йўқотгандек гангиб зўрға қадам босиб ибодатхона-га келди. А-Къю ўша ердагина тамоман ўзига келди-да, бир уюм юань ғойиб бўлганини эслади. Ҳайитга келган қимор-бозларнинг деярли ҳаммаси бу ерлик одамлар эмас эди. Уларни қидирган билан топиб бўлармиди!..

Эсиз, ялтироқ, шалдироқ бир уюм пули ғойиб бўлди! Энди нима десин? Уни ноқобил ўғлим ўғирлаб кетди деса, бу билан кўнгли таскин топмасди; энг кичкина ҳашаротман, чивинман деса, бу ҳам юпатмасди. Мана шу сафар А-Кью мағлубиятнинг аччиқ аламини ҳис қилди.

Аммо узоқ вақт эмас. Мағлубият яна ғалабага айланди: у ўнг қўли билан юзига икки шапалоқ урган эди, юзи ловиллаб кетди ва шундан кейин кўнгли бутунлай таскин топди, гўё у ўз ичидаги бошқа бировни ургандай ва бу «бошқа биров» ундан ажралиб, бегона одам бўлиб қолгандай бўлди. А-Кьюнинг юзлари ҳали ҳам ловилларди, аммо у ғалабасидан мамнун бўлиб, тинчгина ётиб ухлаб қолди.

III

Порлоқ ғалабалар рўйхатининг давоми

А-Кью ҳамма вақт ғойиб чиқиб юрган бўлса-да, лекин унинг ғойиблиги муҳтарам Чжаодан тарсаки еганидан сўнггина шуҳрат топди.

Уша кунни А-Кью оқсоқолга вино учун икки юз вэн санаб бергандан кейин хафа бўлиб ўрнига ётди-ю, аммо шу заҳотиёқ: «Қандай расво замонлар бўлди, ёш болалар чолларни урадилар-а...» деган фикр билан ўзини юпатди. У муҳтарам Чжаонинг даҳшат солувчи обрўси ҳақида ўйлаб, бир лаҳзагина уни «ноқобил ўғлим» деб тасаввур этди. А-Кьюнинг кайфияти яхшиланиши учун шунинг ўзи кифоя эди. Эрталаб хушчақчақ бўлиб ўрнидан турди-да, «Ёш бева қабрда ётар»¹ деган қўшиқни куйлаб, майхонага жўнади, йўлда кета туриб нима учундир хаёлидан, ҳар ҳолда муҳтарам Чжао бошқалардан бир поғона юқори туради, деган фикр ўтди.

Қизик, муҳтарам Чжаодан тарсаки егандан бошлаб вэйчжуанликлар А-Кьюни жуда ҳурматлайдиган бўлиб қолишди. А-Кьюнинг ўзи бу ҳолни, муҳтарам Чжаонинг отасидек бўлиб қолганим учун шундай бўлса керак, деб туншунтирарди. Аслида эса бунинг сабаби бўлак эди.

Вэйчжуанда агар А-еттинчи А-саккизинчини калтакласа ёки Ли-тўртинчи Чжан-учинчини тутиб олиб урадиган бўлса, бу нарса ҳеч қачон ҳодиса деб ҳисобланмас, фақат иш муҳтарам Чжао сингари отоқли шахсларга тааллуқли бўлган тақдирдагина бу муштлашиш бутун қишлоқда гап-сўз бўларди. Ушанда урган кишининг шуҳрати туфайли калтак еган одам ҳам шуҳратга шерик бўлиб кетарди.

¹ Кенг тарқалган хитой пьесасидан олинган қўшиқ.

А-Кью айбдор эди деб ўтиришининг ҳожати ҳам йўқ. Нима учун? Шунинг учунки, муҳтарам Чжао мутлақо айбдор бўлиши мумкин эмас-да, ахир. Хўш, агар А-Кью айбдор бўлса, нега уни ҳамма жуда ҳурмат қиладиган бўлиб қолди? Буни тушунтириш қийин. Эҳтимол, у ўзининг Чжао фамилиясига мансуб эканини айтгани учундир. Гарчи бунинг учун уни бошлаб адабнинг берган бўлсалар-да, аммо барибир ҳамманинг кўнглида: борди-ю, бирдан унинг сўзларида бир қадар ҳақиқат борлиги билиниб қолса-чи, унда нима бўлади? Яхшиси, ҳар эҳтимолга қарши уни сал ҳурматлаш керак, деган шубҳа пайдо бўлди. Эҳтимол, А-Кьюнинг ҳаётида рўй берган ҳодиса ҳам худди Конфуций ибодатхонасидаги қурбонликка аталган сигир воқисига ўхшаш бўлгандир: ҳазрати руҳоний қўлидаги чўқасини сигирга тегизгандан кейин, гарчи у ҳам чўчқа ва қўйлар сингари оддий ҳайвон бўлишига қарамай, конфуциячилардан биронтаси унга қўл тегизишга журъат этолмайдиган бўлиб қолган.

А-Кью муҳтарам Чжаодан тарсаки егандан кейин, у ўзининг ғалабаси билан кўп йил роҳат қилиб юрди.

Беғубор баҳор кунларининг бирида А-Кью ғирт маст келаётиб, кўчанинг офтобрўя томонидаги девор тагида Серсоқол Ванни кўриб қолди. Ван кўйлагини ечиб, бит боқиб ўтирарди. Шу онда А-Кьюнинг ҳам бутун бадани қичишиб кетди. Ван ҳам кал, ҳам серсоқол эди. Шунинг учун ҳамма уни Кал, Серсоқол Ван деб чақирарди. Маълумки, А-Кью «кал» сўзини ишлатмасди, шу билан бирга, Серсоқол Ванни ўлгундай ёмон кўрарди. А-Кьюнинг назарида, Ваннинг калига ҳайрон қолмаса ҳам бўларди-ю, аммо унинг манави куракдай соқоли кишининг ғашини келтирадиган, мутлақо чидаб бўлмайдиган ярамас нарса эди. А-Кью Ваннинг ёнига келиб ўтирди. Агар унинг ўрнида бирор бошқа одам бўлганда, А-Кью ҳеч вақт бемалол унинг ёнига бориб ўтирмасди. Аммо, Серсоқол Ваннинг ёнига-чи!— эй, бунинг нимасидан қўрқади? Аслида А-Кьюнинг ёнма-ён ўтириши Ван учун обрў деса бўлади-ку.

А-Кью ҳам жулдир камзулини ечиб, қарай бошлади. Камзули яқиндагина ювилгани учунми, ёки диққат билан қарамагани учунми: ҳар ҳолда, ҳаммаси бўлиб атиги уч-тўртта бит топди, холос. Серсоқол Ван эса, кетма-кет тутиб уларни оғзига солар ва тишлари орасига олиб кирсиллатарди.

Дастлаб А-Кью бир оз хафа бўлди, кейин жаҳли чиқиб кетди. Наҳот кишининг ғашини келтирадиган соқоли бўла туриб, Ванда бит кўп бўлса-ю, унда оз бўлса-я! Бу қандай номақбул аҳвол. У уч-тўртта катта бит топишни орзу қилса-ю, атиги биттагина топилса-я, яна у айтарли катта ҳам эмас.

У жаҳл билан битни эзган эди, Серсоқол Ванники сингари қарсилламай қирс этди, холос.

А-Кьюнинг кал боши қип-қизариб кетди, у камзулни ерга отди-да, тупуриб:

— Сержун қурт!— деди.

— Ит кал! Сен кимни сўкаётирсан?— деб жавоб берди Ван газабланиб.

Кейинги вақтларда вэйчжуанликлар унча-мунча ҳурматлай бошлагани учун А-Кью жуда кеккайиб кетган бўлишига қарамай, ўзига ҳужум қилиб юрадиган бекорчилардан ҳали ҳам кўрқиб юрарди. Аммо бу сафар унинг жуда ботирлиги тутиб кетди. Бу сержун ҳайвонни вайсашга нима ҳаққи бор?

— Жавоб қайтарган кишини сўкаётибман!— деди у ўрнидан туриб ва белини ушлади.

— Қалтак егинг келяпти дейман-а?— деб сўради Серсоқол Ван, у ҳам ўрнидан туриб, кўйлагини кияркан.

Ван қочиб кетмоқчи шекилли, деб ўйлаган А-Кью муштини тугиб унга ташланди: аммо мушт туширишга улгурмасданоқ, Ван тўсатдан унинг қўлини ушлаб, силтаб ўзига тортиди. А-Кью мункиб кетди. Шу лаҳзада Серсоқол Ван унинг кокилидан тутиб, расм бўлган қоидага мувофиқ, унинг бошини деворга ургани судраб қолди.

— Мард киши қўл билан эмас, тил билан уришади,— деди А-Кью бошини буриб. Бироқ, Серсоқол Ван, афтидан, «мард киши» эмас эди. У А-Кьюнинг сўзларига эътибор қилмай, унинг бошини дўқиллатиб деворга урди-да, кейин шундай зарб билан итариб юбордики, А-Кью бир неча қадам жойга учиб тушди ва кейин кўнгли тинчиб жўнаб қолди.

А-Кью умрида ҳеч қачон бундай шармандаи-шармисор бўлмаган эди. Ван кишининг гашини келтирадиган соқоли билан ҳамма вақт А-Кьюнинг эрмаги, масхара қилиб юрадиган одами эди. Бас, шундай экан, Ваннинг унга қўл тегизишга журъат қила олиши ҳақида сўз бўлиши ҳам мумкин эмас эди-да, албатта. Қарабсизки, бирдан журъат қилиб қолса-я! Бу ҳеч ақлга тўғри келмайди-ку, ахир! Чамаси, бозорда тўғри гапираётган эканлар-да: император имтиҳонларни тўхтатиб қўйибди, бундан буён сюцай ва цзюйжэнлар чиқишини истамас эмиш; эҳтимол, шунинг учун Чжао оиласининг ҳурмати пасайиб кетгандир. Э, эҳтимол, шунинг учун энди А-Кьюга менсимаслик назари билан қарай бошлагандирлар?

А-Кью нима қилишини билмай турар эди.

Узоқда бир одам кўринди. Яқинлашиб келаётган одам унинг бошқа бир душмани, яъни муҳтарам Цяннинг А-Кью ёмон кўрадиган катта ўғли эди. У бир вақтлар шаҳарга ке-

тиб, у ерда ажнабий мактабга кирган, сўнг қандай йўл биландир Японияга бориб қолган эди. Ярим йилдан кейин уйига кокилсиз бўлиб қайтганида, худди ажнабийга ўхшаб қолган эди. Унинг онаси узоқ йиғлади, хотини эса қайғуриб уч марта ўзини қудуққа ташлади. Кейинчалик онаси ҳамма жойда:

— Аллақандай муттаҳамлар ўғлимни маст қилишиб, кокилини қирқиб олишибди. У катта амалдор бўлиши мумкин эди, энди эса кокили ўсиб чиққунча кутиб туришга тўғри келади,— деб гапириб юрди.

Аммо А-Кью бу гапларга ишонмас ва сиртдан уни «сохта ажнабий шайтон» ёки «чет давлатнинг махфий агенти» деб атар ва одатда уни узоқдан кўриши биланоқ ичида сўкина бошлар эди.

Конфуций ибораси билан айтганда, А-Кью муҳтарам Цянь ўғлининг сохта кокилидан «жирканар ва чуқур нафратланар» эди. Ҳатто кокили ҳам сохта бўлгандан кейин, демак, унда ҳеч қандай одамгарчилик йўқ, деган сўз-да! Хотини ўзини тўртинчи марта қудуққа ташламаганлиги эса унинг ёмон хотин эканини исботларди, холос.

«Сохта ажнабий шайтон» яқин келиб қолди.

— Яғир эшак!— А-Кью буни ҳамиша ичида айтарди, у хафа ва ўч олишга ташналиги туфайли бу сафар беихтиёр оғзидан чиқиб кетди.

«Сохта ажнабий шайтон» қўққисдан, А-Кью «мотам ҳассаси»¹ деб юрадиган локланган сариқ таёгини кўтариб, катта қадамлар билан унга томон йўналди. Унинг урмоқчи эканини фаҳмлаган А-Кью елкаларини бир оз кўтариб, ҳужумни кута бошлади. Ҳақиқатан ҳам бошига таёқ ёғила кетди.

А-Кью нарироқда турган бир болани кўрсатиб:

— Мен ановини сўккан эдим!— деб баҳона қила бошлади. Аммо калтак ёғилаверди.

А-Кью ҳаётимда иккинчи марта шармандаи-шармисор бўлдим, деб ўйлади. Бахтига, локланган таёқ зарблари гўё уни азоблаётган фикрдан қутқаргандай бўлди. У энгил тортиди, кейин эса шарманда бўлганини унутди. Унутиш ота-боларимиздан мерос қолган қимматли нарсадир. А-Кью шошилмасдан майхонага жўнади. У майхона эшигига етиб келганда вақти чоғ ва беғам эди.

Бу ерда Хотиржамлик ва Тозалик монастирида яшовчи кичкина монах қизнинг ёнидан ўтиб кетаётганини пайқаб қолди. Одатда, у йўлда монах аёлларни учратган чоғида, сў-

¹ Мотам ҳассаси — Кишининг ота ёки онаси вафот этган чоғда ўғиллар бу ўлимдан қаддим букилиб қолди энди, деган маънони англиш маъсадида тобут орқасидан ҳасса таяниб борадилар.

кинар ва тупурар эди, аммо умрида иккинчи марта шармандаи-шармисор бўлганидан кейин энди нима қилиши керак?

«Бугун нега омадим келмай қолди, деган эдим-а, рўпарамдан сен келаётган экансан-да!»— деб ўйлади, у.

У қиз томонга қараб юрди-да, жаҳл билан тупурди.

Кичкина монах қиз бошини қуйи солиб, унга яқинлашди. А-Кью тўсатдан қизнинг устара билан қирилган бошига қўл тегизди.

— Ҳай, сочи қирилган қиз! Тез бор, сени монах кутиб ўтирибди!— деб қичқирди у ва хохолаб кулиб юборди.

— Қўлингни чўза берма!— деб қип-қизариб, гижинди монах қиз ва қадамини жадаллаштирди.

Майхона мижозлари қийқиришиб кулишди. Жасорати уларга ёққанини сезган А-Кью жуда талтайиб кетди.

— Монахга мумкин-у, менга мумкин эмасми?— деди-да, у қизнинг юзидан чимдиб олди.

Ҳамма янада баландроқ хохолаб кулди. А-Кью ўзидан ғоят мамнун бўлиб томошабинларга кўпроқ ёқиш мақсадида монах қизни қаттиқроқ чимдиб олганидан кейингина қўйиб юборди.

Бу жангда у, Серсоқол Ванни ҳам, «сохта ажнабий шайтонни» ҳам тамоман унутди, гўё барча мағлубиятлари учун бир йўла қасос олгандай бўлди. Шуниси қизиқки, бирдан унинг бутун вужуди учиб кетай-учиб кетай деб турган укпардай енгил тортиб қолди.

Қочиб кетаётган монах қизнинг:

— Ҳе, фарзанд кўрмагур А-Кью!— деган истеҳзоли товуши эшитилди.

Ўз қилмишидан мамнун А-Кью хохолаб кулди. Майхонадаги томошабинлар ҳам ундан қолишмай хохолашарди.

IV

Севги фожияси

Кимдир бундай деган экан: шундай ғолиблар ҳам борки, улар ўз душманларини йўлбарс ёки лочин сингари кучли бўлишини истайдилар, фақат ўша вақтдагина улар ғалабанинг севинчини ҳис қиладилар. Агарда душман қўй ёки жўжага ўхшаган ювош бўлса, у вақтда ғолиб ўз ғалабасини бемаъни деб билади.

Яна шундай ғолиблар ҳам борки, улар ҳаммадан зўр келиб, ўладиганлар ўлиб, асирга тушадиганлар тушиб бўлганини кўргач, камтарлик билан: «Каминангиз чиндан ҳам

қалтирамоқда. дарҳақиқат қўрқди. Айбим ўлимга лойиқ»¹ деб қўя қоладилар. Улар учун дўстлар ҳам, душманлар ҳам, рақиблар ҳам йўқ, улар ҳаммадан устун турадилар. Сукунат ва шавқсиз ёлғизликда севинч ўрнига ғалабанинг аччиқ аламини ҳис қиладилар.

Бизнинг А-Кьюда бунга ўхшаш камчиликлар йўқ, у ҳаммаша ўзидан мамнун эди. Эҳтимол, бу ҳол Хитой маънавий маданиятининг жаҳондаги барча мамлакатлардан устунлигини исботловчи далилларнинг бири бўлиб хизмат қилар!

— Қаранглар! У учиб кетай-учиб кетай деб турган уқпарга ўхшайди-я!

Бироқ, бу сафар А-Кьюнинг ғалабаси одатдагидан бир мунча бошқачароқ бўлиб чиқди. У руҳий осойишталигини йўқотди, кун бўйи қушдек роҳатланиб юриб, Деҳқончилик ибодатхонасига хурсанд кайфиятда қайтди. Одатда у ётиб ухлаш ва хуррак отиши керак эди. Бу кеча унинг кўз юмиши қийин бўлишини ким ўйлабди, дейсиз! Унинг қалбида ажойиб туйғу бор эди, гўё ўнг қўлининг башмалдоғи билан кўрсаткич бармоқлари анча майин ва нозик бўлиб қолганга ўхшарди. Балки бу кичкина монах қизнинг упали юзларига қўл тегизгани учун шундай бўлгандир, буниси номаълум.

Қизнинг «фарзанд кўрмагур А-Кью» деган сўзлари унинг қулоқларида қайтадан жаранглай бошлади. «Тўғри... эр кишига хотин керак,— деб ўйлади у. Бефарзанд киши ўлганидан сўнг ҳеч ким унинг арвоҳини бир товоқ гуруч билан йўқламайди. Эр кишига хотин керак! Ундан ташқари, «ота-оналарни беҳурмат қилишнинг уч тури ичида энг ёмони бефарзандликдир» дейилган. Шунингдек, «Жо Ао руҳи оч қолади» деган ҳикматли сўз ҳам бор. Ҳақиқатан ҳам бефарзандлик инсон учун энг оғир қайғудир». Шундай қилиб, А-Кьюнинг фикрлари донишмандларнинг насиҳатларига мос келар эди. Афсуски, кейинчалик у ўзини яхши тута билмади.

«Хотин... Хотин-халаж...— деб ўйларди у;— монахга мумкин... Хотинлар... Хотинлар... О, хотинлар...»

А-Кьюнинг шу кеча қай вақтда хуррак торта бошлаганини аниқ айта олмаймиз. Аммо, кичкина монах қизнинг юзларидан чимдиб олган лаҳзадан бери бармоқларида аллақандай мулойимлик ҳис қилар ва роҳатланиб хотин ҳақида ўйларди.

Шу ҳодисанинг ўзи исбот этадики, хотин жинси — зарарли зот экан.

Агар эркакларни хотинлар йўлдан урмаганда Хитойдаги эркакларнинг ярмидан кўпи авлиёга айланиб қоларди. Шан династияси Да Цзи туфайли ҳалок бўлди, Чжоу династияси

¹ Одат тусига кириб қолган сўзлар. Одатда омалдорлар императорга доклад қилганларида сўзларини шундай тамомлардилар.

Бао Си туфайли барбод бўлиб кетди. Цинь династияси..: гарчи тарихда бунга аниқ далиллар бўлмаса-да, лекин у ҳам хотинлар туфайли ҳалок бўлган, десак тахминимиз хато бўлмайди; ҳар ҳолда Дун Чжо Дяо-чаннинг «илтифоти» билан қатл этилган эди.

А-Кью ғоятда ахлоқли одам эди. Унинг қандай маърифатли устозда таълим олгани бизга маълум бўлмаса-да, аммо «жинс ажратиш» нуқтаи назаридан ҳамиша ғоят қаттиққўл ва кичкина монах қиз ёки «сохта ажнабий шайтон» сингари турли йўл билан конфуциячилик диний ақидаларига хилоф иш қилувчи кишиларни қаттиқ қоралайдиган одам эди.

Унинг таълимотича: ҳар қандай монах аёл, шубҳасиз, бирор монах билан ишқий алоқада бўлади; уйдан эшикка чиққан ҳар бир хотин албатта ўзига ўйнаш орттиришга интилади; хотин киши бирор эркак билан гаплашиб турган бўлса бас, улар ўртасида софлик йўқ. У хотинларни қоралаш мақсадида уларга нафратли назар ташлар, ёки уларни аччиқ истеҳзоли танбиҳлар билан таъқиб этар, ёки зимдан уларга майда тошлар ирғитар эди.

Конфуций айтгандек, киши ўттизга кирганда, «эсини йиғиб олади», А-Кью эса кичкина монах қиз туфайли оромини йўқотади, деб ким ўйлабди дейсиз? Ахир, қадимги маросимлар, одоблар бизни хотиржамликка ўргатади-ку. Ҳақиқатан ҳам хотинлардан нафратланмоқ керак. Агар монах қизнинг юзлари ғоят латиф бўлмаганида, А-Кью албатта гуноҳга ботмаган бўларди. Агар у ҳеч бўлмаганда юзини бирор нарса билан яшириб юрганида ҳам А-Кью васвасага берилишдан ўзини тийиб қоларди. Бу воқиядан беш-олти йил муқаддам А-Кью бир кун очиқ саҳнанинг олдидаги томошабинлар орасига кириб қолиб, бир хотиннинг оёғини чимдиб олган эди, аммо унинг кийими бўлиб шу нарса уни беқарорликдан сақлаб қолган эди. Кичкина монах қизнинг юзлари очиқ бўлгани сабабли иш чаппасига қараб кетди... Мана шу ҳолат хотинларни ҳалок этувчи зот эканини исботламайдими ахир?

«Хотин»!— деб хаёл сурарди А-Кью.

У «шубҳасиз ўйнаш орттиришга интиладиган» хотинларга синчиклаб қарай бошлади, аммо улар бунга жавобан ҳатто тишларининг оқини ҳам кўрсатмасдилар. У хотинларнинг гапларига диққат билан қулоқ сола бошлади, лекин уларнинг сўзларида ҳеч қандай ахлоқсизлик нишониси йўқ эди. Хотинларнинг ҳаммаси «сохта эзгулик» ниқобига ўралиб оладилар; улардаги мана шу нарсадан ҳам нафратланиш керак.

Бир куни А-Кью муҳтарам Чжаонинг уйида шоли янчиб кечки овқатдан кейин ошхонада трубкасини чекиб ўтирарди. Агар бу иш бошқа бирор уйда бўлганда, кечки овқатдан сўнг

кетиш мумкин эди. Чжаонинг оиласи ҳам бошқа уйлардагига ўхшаш кечки овқатни барвақт ерди, аммо одат тусига кирган тартибга мувофиқ, бу уйда чироқ ёқишга рухсат этилмасди; овқатни еб бўлдингми — бас, ёт, ухла! Фақат айрим вақтларнигина мустасно қилиш мумкин: биринчидан, муҳтарам Чжаонинг ўғли ҳали сюцай унвонини олмаган вақтида китоб ўқиш учун баъзи-баъзида чироқ ёқарди; иккинчидан, А-Кью кунбай ёлланиб шоли янчиш учун келганда, кечки овқатдан сўнг ҳам ишлаш мумкин бўлсин деб, чироқ ёқар эдилар. Шундан фойдаланиб, А-Кью ошхонада трубка чекиб ўтирарди.

У-ма муҳтарам Чжао хонадонининг бирдан-бир оқсочи эди. Қозон-товоқларни ювиб бўлгач, у ҳам скамейкага келиб ўтирди-да, А-Кью билан сафсата сотиша бошлади...

— Бойвуччамиз икки кундан бери ҳеч нарса емаяптилар, нега деганда хўжайинимиз яна бир ёш хотин сотиб олмоқчи... «Хотин-халаж... У-ма ҳам, албатта, жувон»— деб ўйлади А-Кью унга қараб.

— ...Кичик бойвуччамизни бўлса августда кўзи ёрийди...

«Об-бо хотинлар-эй!»— деб ўйлади А-Кью. У оғзидан трубкасини олиб, ўрнидан турди.

— Кичик бойвуччамиз...— деб тинмай бидирларди У-ма:

А-Кью бехосдан унинг олдида тиз чўкди-да:

— Кел, бирга ётамиз!— деди.

Бир лаҳзагина ошхона ичини жимлик босди. У-ма шошганидан ҳайрон бўлиб қотиб қолди, кейин «вой-дод» деб қичқирди-да, югуриб ошхонадан чиқиб кетди. У югурар экан, чамаси ҳам қичқирар, ҳам йиғларди.

А-Кью довдираган ҳолда тиз чўкиб, бўш скамейкани қучоқлаб ўтирарди. Охири у қандайдир чатоқ иш юз берганини пайқаб, секин ўрнидан турди. Унинг юраги қаттиқ урарди. У хижолат билан трубкасини белбоғига қистириб, энди ишга киришмоқчи бўлиб турган ҳам эдики, кимдир унинг бошига бехосдан қарсиллатиб тушириб қолди. У дарҳол ўгирилди. Олдида бамбуқ таёқ ушлаган сюцай турарди.

— Сенга нима бўлди, қутурдингми?.. Хў, ўша сени!..

Узун бамбуқ таёқ А-Кьюнинг бошига яна тушди. У бошини қўллари билан тўсган эди, калтак бармоқларига тегди. Бу бадтарроқ оғриди. У эшикдан ўқдай отилиб чиқаётганда, таёқ елкасига ҳам теккандек бўлди.

— Ҳа, «саккизинчи қондани унутган»¹ ҳайвон,— деб олимчасига сўкиб қолди сюцай.

¹ «Саккизинчи қондани унутган» — Хитойда кўп тарқалган «тошбақа тухуми» деган сўкиш билан бир хил айтилиб, «ҳароми» деган маънони англатади.

А-Кью хирмонга келиб тўхтади, бормоқлари ҳали ҳам зирллаб оғрирди. У ичида янги эшитган «саккизинчи қонидани унутган» деган сўкишни такрорлади.

Вэйчжуанлик деҳқонлар бундай сўкишни ҳеч қачон ишлатмас эдилар. Бу сўкишни фақат амалдорлар билан танишлиги бўлган эътиборли шахсларгина ишлатишарди. Шунинг учун бу сўкиш жуда даҳшатли бўлиб эшитилди ва унга ниҳоятда қаттиқ таъсир қилди. Шу лаҳзадан бошлаб унинг «О хотинлар» деб оқ тортишлари йўқ бўлди. Сўкиш эшитиб, калтак егандан кейин эса, ҳатто назарида, хотинлар тўғрисидаги хаёллари ҳам гўё бутунлай чиппакка чиққандай туюлди. Кўп ўтмай А-Кью тинчланиб, яна ўзини бепарво ҳис қилди ва ҳеч нарса бўлмагандек, яна шоли янчиш учун ошхонага қайтиб келди. У бир мунча вақт ишлагач, терлаб кўйлагини ечиб ташлади.

Шу пайт уйда шовқин-сурон эшитилиб қолди. А-Кью бутун умрида турли-туман жанжалларнинг ҳаваскори бўлиб келгани учун дарҳол ўша ёққа боришга шошилди ва муҳтарам Чжао уйининг хотинлар яшайдиган ичкари ҳовлисига аста кириб олди.

Аллақачонлар қош қорайган бўлса-да, лекин у тикилиб қараб, тўпланганларнинг ҳаммасини таниди, бу ерда: икки кундан бери овқат емаган бойвучча, қўшни хотин — Цу-еттинчи хола ва яқин қариндошлари — Чжао Бай-янь ва Чжао Си-чэнлар бор эди.

Кичик бойвучча У-мани бошқа бўлмадан судраб чиқармоқда эди:

— Бўлди, чиқ! Яширинишнинг ҳожати йўқ...

— Сенинг номусли, тўғри қиз эканингни ҳамма билади... Узингни ўлдираман деганинг, мутлақо бемаъни гап,— дер эди Цу-еттинчи хола.

У-ма йиғлар ва бир нарсалар деб пичирларди, аммо унинг сўзлари яхши эшитилмасди.

«Ҳм, қизиқ, нима сабабдан бу кичкина бева жувон шу қадар ғалва кўтардикин?»— деб ўйлади А-Кью.

У, Чжао Си-чэндан ҳамма гапни билиб олмоқчи бўлди.

Шу чоқ, муҳтарам Чжаонинг катта бамбуқ таёқ кўтариб унга томон келаётганини кўриб қолди. А-Кью шу шовқинга алоқадор бир нарса сабабли ошхонада сюцайдан калтак еганини пайқаб, дарҳол чиқиб қочмоқчи бўлди-ю, лекин бамбуқ таёқ йўлини тўсди. Шу лаҳзада у бошқа ёққа бурилиб, орқа дарвозадан отилиб чиқди-да, кўп вақт ўтмай ибодатхонага етиб олди.

А-Кью нафасини ростлагач, совқатганини сезди, эти худди чумоли ўрмалаётгандек жимирлашиб кетди; тўғри, баҳор келган эди-ю, аммо кечалари ҳали совуқ, яланғоч юр-

гани ҳали вақт эрта эди. Бирдан кўйлаги Чжаонинг уйида қолгани А-Кьюнинг ёдига тушиб, олиб келиш учун бормоқчи бўлди-ю, лекин сюцайнинг таёғини эслаб, бу фикридан қайтди.

Кўққисдан ҳужрасига оқсоқол кириб келди.

— Ҳа, ярамас ҳайвон!.. Ҳали сен муҳтарам Чжаонинг оқсонига ҳам тегишадиган бўлиб қолдингми? Бу қабоҳат, исён! Сенинг дастингдан тинчлик йўқ, кечалари мени ухлагани кўймайсан, хў, ўша сени...— деб оқсоқол ғазаб билан сўқинди-да, А-Кьюни яна койиб кетди. А-Кью эса бошини қуйи солиб, ғинг деёлмай қолди.

Ниҳоят вақт алламаҳал бўлиб қолганини назарга олиб, оқсоқолга ҳар сафаргидан икки баравар ортиқ, яъни бутун бошли тўрт юз вэн вино пули ваъда қилишга тўғри келди. А-Кьюнинг пули йўқ эди. У кигиз қалпоғини гаровга берди. Бундан ташқари қуйидаги бешта шартга рози бўлиши лозим эди.

Биринчидан, эртагаёқ муҳтарам Чжаонинг уйига бориб ундан узр сўраши, тегишли таъзимни адо этиши, бунинг устига ҳар донаси бир қадоқдан келадиган иккита қизил шам ва бир қути хушбўй шам олиб бориши керак.

Иккинчидан, Чжао оиласидан ўз-ўзини ўлдиришга ундовчи шайтонни қувиш учун даос монахига сарф қилинадиган харажатлар А-Кью ҳисобидан бўлиши лозим.

Учинчидан, бундан буён А-Кью муҳтарам Чжаонинг уйига қадам босмаслиги керак.

Тўртинчидан, мабодо, келгусида У-ма бирор фалокатга учрайдиган бўлса, бунга А-Кью жавобгар.

Бешинчидан эса, А-Кьюга на иш ҳақи ва на кўйлаги учун пул талаб қилишга рухсат этилмайди.

А-Кью ҳамма шартларни қабул қилди, албатта. Афсуски, унинг пули йўқ эди. Бахтига, баҳор келган, кўрпасиз ҳам кун ўтказиш мумкин эди, шунинг учун у ўз мажбуриятларини бажариш мақсадида кўрпани икки минг вэнга гаров кўйди. У кўйлақдан ажралиб, муҳтарам Чжао оиласига шамлар олиб бориб, шу билан бирга тегишли таъзимни адо этиб бўлгач, унинг ёнида ҳаммаси бўлиб фақат бир неча вэн қолган эди, холос. Аммо кигиз қалпоғини қайтариб олиш хаёлига ҳам келмади, пулларини эса, ичиб тугатди.

Муҳтарам Чжаонинг оиласи шамларни асраб қўймоқчи бўлди: уларни бойвучча ҳар йили бориладиган зиёратга жўнаганида олиб кетиши мумкин эди; А-Кьюнинг кўйлагидан август ойида туққан кичик бойвуччанинг ўғли учун йўртақ бичиши, қолганга эса жабр кўрган У-ма туфлисига батак қилиб олди.

Ҳаёт учун зарур бўлган воситалар масаласи

Чжао уйида талаб қилинган ҳамма маросимларни адо этгач, А-Кью одатдагидай, ибодатхонага қайтди. Кун ботганда у атрофда аллақандай ажойиб ҳодиса бўлаётганини сезди. Уйлаб-уйлаб, бу сезгининг сабаби — баданининг ярим яланғочлиги эканини пайқаб қолди. Жулдур-жулдур бўлиб кетган камзули борлиги ёдига тушди. Уша камзулни олиб устига ёпди-да, ётиб ухлади. Уйғонгач, қуёш ғарбдаги деворнинг чеккаларини ёритиб турганини кўрди. У ўрнидан туриб, обдан сўкинди.

Кейин, ҳар галгидай, лақиллаб юргани кўчага чиқиб кетди. Камзул кийиб олган бўлишига қарамай, тагин атрофда қандайдир ғалати ҳодиса юз бераётгандек туюлди. Гуё бугундан бошлаб Вэйчжуандаги барча хотинлар ундан ўзларини четга тортаётгандек эдилар. Улар А-Кьюни кўриб, шошганча дарвозалар орқасига яширинишарди. Ҳатто ёши элликка яқинлашиб қолган Чжоу-еттинчи хола ҳам ундан ўзини яширишга ошиқар, яна бу камлик қилгандек, ўн бир яшар қизини ҳам олиб қочарди.

Буларнинг ҳаммаси А-Кьюни ҳаддан ташқари ажаблантирарди. «Нега бу махлуқларнинг ҳаммаси бирдан ифбатли қизларга тақлид қиладиган бўлиб қолдилар? — деб ўйлади у. — Вой аблаҳлар-эй!»

Бундан бир неча кун кейин бўлиб ўтган воқналар уни дунёда қандайдир ғалати нарсалар бўлаётганини янада кучлироқ ҳис этишга мажбур қилди. Аввало, майхонада унга насияга вино бермайдиган бўлиб қолишди: иккинчидан, Деҳқончилик ибодатхонасини кўриқловчи чол А-Кьюнинг ибодатхонадан жўнаб қолиш вақти етганига шама қилгандай жаврай бошлади, учинчидан эса, кўпдан бери ҳеч ким уни ишга чақирмас эди. Майхона хўжайинининг насияга вино бермаганига чидаш мумкин, чол жавраса-жаврайверсин, аммо ишсиз ўтириб оч қолишчи? Йўқ, бу асло тоқат қилиб бўлмайдиган нарса!

А-Кьюнинг сабри тугаб, илгари ишга чақирадиганлардан нима воқна юз берганини сўраб билмоқчи бўлди; у фақат муҳтарам Чжаонинг кўзига кўринмаслиги керак эди. Аммо қизиқ! Ҳамма жойда унинг олдига фақат эркакларгина чиқар ва худди гадойга хайр беришни рад қилгандай зарда билан кўлларини силтаб:

— Йўқ! Йўқ! Йўқол! — дер эдилар.

А-Кью ҳайратда қолди. Яқиндагина шу одамларнинг нақ ўзлари уни ўз хўжаликларига ишга чақиряшарди, энди бир-

дан ҳеч кимнинг уйида унга иш топилмай қолди. «Бу ерда қандайдир бир чатоқлик бор»,— деб ўйлади А-Кью. У ҳозир ўзининг ўрнига Кичкина Дэнни ишга чақираётганларини билди. Кичкина Дэн камбағал, ориқ ва заиф одам эди; А-Кьюнинг назарида, у ҳатто Серсоқол Вандан ҳам тубанроқ турарди. Бу тирмизак А-Кьюнинг оғзидан ошини тортиб олишга журъат қилади, деб ким ўйлабди дейсиз? Бу сафар А-Кью жуда ғазабланиб кетди. У кўчада жаҳди жадал билан қадам ташлаб борар экан, қўлларини силкиб ашула айтарди:

Қўлда пўлат қамчиним бор,
Сени ўлдирмоғим даркор...

Бир неча кун ўтгандан сўнг А-Кью ниҳоят Цянь уйининг жин ўтказмайдиган девори¹ ёнида Кичкина Дэн билан учрашиб қолди.

«Рақиблар бир-бирлари билан учрашиб қолган кезларда уларнинг кўзлари косасидан чиққудек бўлиб чақчайиб кетади». А-Кью олдинга отилди, Кичкина Дэн тўхтади.

— Ҳайвон!— деб қичқирди А-Кью рақибига ғазабли назар ташлаб.

— Ахир, мен чивинман-ку... Тўғрими?— деди унга жавобан Кичкина Дэн.

Бу мўминлик А-Кьюнинг ғазабини бадтар ошириб юборди, унинг қўлида пўлат қамчини бўлмагани учун бирданига олдинга сапчиди-да, Дэннинг кокилидан маҳкам ушлаб олди.

Кичкина Дэн бир қўли билан кокилини ҳимоя қилиб, иккинчи қўли билан А-Кьюнинг кокилидан тутиб олди, натижада А-Кью ҳам бўш қўли билан ўз кокилини ҳимоя қилишга мажбур бўлди. Илгари А-Кью бу Кичкина Дэнни ҳали она сути оғзидан кетмаган гўдак, бир урсам пачоқ-пачоқ қилиб юбораман, деб ўйлаб юрар эди. Аммо, ҳозир оч қолиб ориқлагани ва ҳолсизланиб қолгани сабабли кутилмаганда хавфли душманга айланиб қолган Дэн билан олишиш у қадар осон бўлмади. Улар тўрт қўл билан икки кокилга ёпишиб, букилганлари ҳолда муҳтарам Цянь уйининг оқ деворига ёйсимон тўқ кул ранг соя солиб, роса ярим соат бир-бирларига қараб турдилар.

— Бўлди! Бўлди!— деб қичқиришарди баъзи томошабинлар, гўё уларни ажратишга урингандай.

— Офарин! Офарин!— деб қаттиқроқ қичқиришарди бошқалари, бир-бирига ёпишиб олган рақибларни на маъқулламай ва на гиж-гижламай. Лекин, жангга киришиб кетган рақиблар уларнинг сўзларини эшитмас эдилар. Афтидан,

¹ Хурофотчи хитойлар уйларининг дарвозаси ёнига махсус девор уришарди, гўё бу девор жинларни ўтказмас эмиш.

улар бир-бировларидан устун келолмасдилар. Бир вақт А-Кью ўзини ўйглаб олиб, уч қадам илгари босишга муваффақ бўлган эди, Кичкина Дэн уч қадам орқага чекиниб, ҳар иккаласи турган жойида тўхтаб қолди; кейин Дэн уч қадам илгари босган эди, А-Кью уч қадам орқага чекинди, яна иккаласи жойида қотиб қолди. Тагин ярим соатча вақт ўтди. Вэйчжуанда соатлар жуда кам, шунинг учун анигини айтиш қийин, эҳтимол, атиги йигирма минут ўтгандир.

Уларнинг сочларидан буғ кўтарилиб, пешоналаридан йирик тер томчилари оқиб туша бошлади... Ниҳоят, А-Кьюнинг тугилган муштлири ёзилди, худди шу лаҳзада Кичкина Дэннинг ҳам муштлири ёзилди. Улар бир вақтда қадларини ростлаб, бир вақтда орқага тисарилдилар-да, оломон орасидан чиқиб олдилар.

— Ҳали кўрсатиб қўяман сенга!..— деб елкаси оша қичқирди А-Кью.

— Мен сенга кўрсатиб қўяман!— деди Кичкина Дэн ҳам елкаси оша қичқириб.

Гўё бу «йўлбарс билан аждаҳо жангида» ғалаба ҳам, мағлубият ҳам бўлмаган эди; аммо томошабинларга манзур бўлдим, йўқми, бу томони номаълум — улар бу тўғрида ўз фикрларини айтмадилар! Фақат шуниси маълумки, бу воқнадан кейин ҳам ҳеч ким А-Кьюни ишга чақирмади.

Келаётган ёз нафасини димоққа уриб эсаётган енгил шабадали илиқ кунларнинг бирида бехосдан А-Кьюнинг эти қаттиқ увишди. Бунга бир илож қилиб чидаш мумкин эди-я, бироқ қорин қурғурда ҳеч вақо йўқ эди! У кўрпаси, кигиз қалпоғи ва кўйлагидан аллақачонлар айрилган, кейинчалик пахталик чопонини ҳам сотган эди. Фақат иштонигина қолган бўлиб, уни ечиб сотишнинг ҳеч иложи йўқ эди. Туфлига патак бўлишдан бошқа нарсага ярамайдиган эгнидаги йиртиқ кўйлагини эса бировга бергани билан эвазига ҳеч ким ҳеч нарса бермасди. А-Кью кўпдан бери сафарга чиқиш учун пул топишни ўйлаб юради-ю, лекин шу вақтга қадар бу нарса унга насиб бўлмади. Ҳамма вақт, у ўз фақир ҳужрасидан пул топиб олишни хаёл қиларди, аммо атрофга қанча тикилмасин, барибир ҳужраси илгаригидек бўм-бўш эди. А-Кью китобларда айтилгандек «очдан ўлмаслик чорасини изламоқ учун» йўлга чиқишга қарор қилди.

«Очдан ўлмаслик чорасини излаб» кетаётганда синашта бўлган майхона ва ширмон кулчаларга кўзи тушди, аммо тўхташ у ёқда турсин, ҳатто улар тўғрисида ўйламасданоқ ўтиб кетаверди. У бутунлай бошқача «очдан ўлмаслик чорасини» ахтарар ва нима ахтараётганини ўзи ҳам билмасди.

Вэйчжуан — кичик қишлоқча эди, А-Кью тез фурсатда

унинг нариги чеккасига чиқиб олди. Қишлоқ ташқарисидан қониб сув ичаётган шоликорлик бошланар, кўм-кўк бошоқларга қараб кишининг кўзи дам оларди; узоқда қора нуқталар қимирлар,— булар шоликор деҳқонлар эди. А-Кью бу меҳнатсевар деҳқонларга эътибор ҳам қилмай ўтиб кетди. У бошқача усулда тирикчилик ўтказишни ўйларди. Ниҳоят, у Хотиржамлик ва Тозалик монастирининг атрофини ўраган панжаралар олдига етиб келди.

Атроф ўша-ўша шоликорлик эди, қулф уриб ётган кўм-кўк шолилар ўртасида оқ панжаралар яққол ажралиб турарди. Монастирь орқасидаги пахса девор билан ўралган жой сабзавот экилган ер эди. А-Кью секин атрофга кўз югуртирди — ҳеч ким йўқ эди; у деворга тирмашди, аллақандай бир ўсимликка осилиб деворга чиқди, аммо кесаклар уваланиб кетди, у қайтиб тушди. Охири тут шохига тирмашиб девордан ошди-да, сабзавот экилган майдонга тушди.

Бу ерда хилма-хил экинлар кўкариб ётар, аммо жўякларда: вино ҳам, кулча ҳам — ҳеч нарса йўқ эди. Фарбий девор ёнида бамбуқлар ўсиб ётарди: улар сершоҳ эдилар-у, аммо афсуски шохлари ҳали думбил бўлмаган эди¹. Полизда сабзавот кўп, аммо хантал энди гуллаган, карам ўрай бошлаган, қоҳу эса пишиб ўтиб кетган эди.

А-Кью гўё император ҳузурда имтиҳондан ўта олмагандек маъжусланиб, дарвоза томон йўл олди ва бирдан шодликдан турган жойида қотиб қолди: у тўсатдан шолғом экилган жўяк қаршисидан чиқиб қолган эди.

Аммо чўққайиб ўтириб шолғомни энди суғурмоқчи бўлиб турган ҳам эдики, дарвозадан бир думалоқ бош суқилди-да, шу заҳотиёқ кўздан ғойиб бўлди. Шубҳасиз бу кичкина монах қиз эди. А-Кью монах хотинларни бегона ўтлардек ёмон кўради. Лекин ҳаётда ҳушёр бўлмоқ керак. У шошиб-пишиб тўртта шолғом суғуриб олди-да, баргларини юлиб, ўлжасини камзулининг этагига яширди. Шу онда қўққисдан монах кампир пайдо бўлиб қолди.

— Амитофо, амитофо...² Сен нега бизнинг полизимизга тушдинг? Шолғом ўғирлашгами? Бай-бай-бай! Ахир, гуноҳ эмасми?— деб жоврай кетди кампир.

— Қачон полизингга ўғирликка тушибман?— деб сўради А-Кью жўнаб қолиш мақсадида орқасига тисланиб.

— Ҳозирнинг ўзида...— деди кампир камзулнинг этагини кўрсатиб.

¹ Ҳитойларнинг кенг истеъмол қиладиган овқати.

² Будданинг бир исми бўлиб, уни монахлар ҳаминша тилга оладилар.

— Бу сеники бўптими? Буларнинг ўзидан сўраб кўр-чи, нима деб жавоб беришаркин. Вой сени қара-ю!..

А-Кью сўзини тамом қилмай, катта-катта қадам ташлаб эшикка йўналди. Ҳамиша ташқари ҳовлида ётадиган катта қора ит полизда пайдо бўлиб қолди.

Ит А-Кьюнинг орқасидан қува кетди, аммо бахтига, эгагидан битта шолғом тушиб қолди. Ит қўрқиб тўхтади... Бир лаҳзада А-Кью лип этиб тутга чиқиб олди, ундан деворга ўтиб, шолғомлар билан бирга пастга ағанаб тушди... Тутга қараб ҳураётган қора ит билан «Амитофо, амитофо» деб мингиллаётган монах кампир деворнинг нарёғида қолиб кетди.

А-Кью тўкилган шолғомларни тераётиб, қўлига бир неча тош ҳам олди. У, кампир тағин орқамдан қора итни қўйиб юбормасни, деб қўрққан эди. Лекин ит кўринмади. Шундан кейин А-Кью тошларни улоқтириб, йўл-йўлакай шолғом кавшаб шошилмасдан кетаверди. Шу вақтда унинг миясига ялт этиб: энди Вэйчжуанда бошқа қиладиган ишим йўқ, яхшиси шаҳарга бораман, деган фикр келди.

Учинчи шолғомни еб тугатар экан, у шаҳарга кетишга қатъи аҳд қилди.

VI

Тикланишдан илқирозга

А-Кью Вэйчжуанга куз байрамидан кейингина қайтиб келди. Унинг қайтганини билиб, ҳамма ҳайрон бўлди ва қачон кета қолган экан, деб эслай бошлади. Илгарилари А-Кью шаҳарга бормоқчи бўлган кезларида севиниб, ҳаммага гапириб юрарди, аммо бу сафар унинг кетганини ҳеч ким пайқамай қолган эди. Эҳтимол, у ибодатхонадаги чолга бирор нарса деб айтиб кетгандир, лекин вэйчжуанликларда шундай бир одат бор эди: улар фақат муҳтарам Чжао, муҳтарам Цянь ёки жаноби сюцайга ўхшаш муътабар шахсларнинг шаҳарга борганларини воқиа ҳисоблардилар, холос. Ҳатто «сохта ажнабий шайтон» ҳам улар жумласига кирмас эди. Шундай бўлгач, А-Кью ҳақида гапириб ўтиришнинг ҳожати ҳам йўқ! Шунга кўра чол бу янгиликни ҳеч кимга овоза қилмади, натижада Вэйчжуан аҳолиси бундан беҳабар қолди.

Лекин А-Кьюнинг бу сафарги қайтиши ўтган сафаргиларга ҳеч ўхшамас ва чинакам ҳайратланишга арзирди. У уйқули қиёфада майхонага кириб келганида, аллақачон қоронғи тушган эди. У чўнтагидан бир ҳовуч танга, чақа олиб, дўкон пештоқаси устига ташлади-да:

— Нақд тўлайман! Винолаи қуй!— деди.

Унинг эгнида янги камзул бўлиб, маҳкам боғланган бел-боғида ичи лик тўла катта ҳамён кўриниб турарди. Одатда вэйчжуанликлар тўсатдан бойиб кетган одамларга нисбатан ишончсизлик билан қарасалар-да, лекин уларни ҳурмат қилардилар. А-Кьюни ҳамма танирди, албатта, бироқ, илгариги йиртиқ камзул А-Кьюга бутунлай ўхшамаслигини дарров пайқадилар. Қадимгилар: «Олим киши туғилган қишлоғидан уч кунга чиқиб кетган бўлса ҳам, уни албатта ҳурмат билан кутиб олмақ керак» деганлар. Шунинг учун ҳамма хўжайин ҳам, хизматкор ҳам, майхона мижозлари ҳам, ўткинчилар ҳам, А-Кьюни ҳурматлай бошладилар. Ростини айтганда, бу ҳурматга бирмунча гумонсираш ҳам қўшилиб кетган эди.

Хўжайин аввал бош ирғаб саломлашишга шошилди-да, кейин у билан гаплашишга тутунди:

— Салом А-Кью, қайтдингми?— деди у.

— Ҳа, қайтдим.

— Бу дейман, бойиб кетибсан-ку! Қаердан ордирдинг?

— Шаҳарда эдим.

Бу янгилик эртасигаёқ бутун қишлоққа ёйилди ва ҳамма А-Кьюнинг аҳволи қай йўл билан яхшиланганини билишга қизиқа бошлади. Ахир, у пулдор бўлиб янги камзулда қайтган эди-да! Буни билиш учун майхонага ҳам, чойхонага ҳам, ибодатхона дарвозаси олдига ҳам одамлар келадиган бўлди. Натижада одамлар А-Кьюни ниҳоятда ҳурмат-иззат қила бошлади. Айниқса, унинг жаноби цзюйжень уйда хизмат қилгани маълум бўлгач, барча вэйчжуанликлар уни кўкларга кўтара бошладилар. Бу цзюйженнинг фамилияси Бай эди; лекин бутун шаҳарда фақат битта цзюйжень бўлгани учун унинг фамилиясини айтиб ўтирмаса ҳам бўларди, чунки «цзюйжень» деганнинг ўзи унинг номини аташ деган гап эди. Бу фақат Вэйчжуандагина эмас, балки юз ли масофадаги теварак-атрофда ҳам шундай эди. Ҳатто кўп одамлар, жаноби цзюйжень унинг исми ва фамилияси деб ҳисоблар эдилар. Шундай одамнинг оиласида хизмат қилиш! Ёлғиз шунинг ўзи учунгина А-Кьюни ҳурматлашга арзирди.

Шундай бўлса-да, А-Кьюнинг сўзича, у, цзюйжэнникида хизмат қилишни хоҳламай, ташлаб кетибди, чунки цзюйжень ҳаддан ташқари сўкағон экан. Буни эшитган тингловчилар чуқур хўрсиндилар, бироқ, айти вақтда хурсанд ҳам бўлдилар: бир томондан улар, А-Кью, албатта, ҳурматли цзюйжэннинг уйига лойиқ хизматкор эмас, деб ҳисоблар, иккинчи томондан эса, аттанг, у ердан бекор кетибди, деб афсусланар эдилар.

А-Кьюнинг гапига қараганда, Вэйчжуанга қайтишининг яна бир сабаби шу эканки, шаҳар халқи унинг таъбига ёқ-

мабди, уларнинг эски афандиликлари, яъни «лавка»ни «ска-
мейка» дейиш ва қовурилган балиқни майда тўғралган пиёз
билан омухта қилишларидан ташқари, шаҳар хотинлари кў-
чада жилвали ва гўзал тан ҳаракатлари билан юришни¹ бил-
масмишлар. Лекин А-Кью шаҳар аҳолисининг ўзига хос
фазилатлари борлигини ҳам эътироф қилди. Масалан, вэйч-
жуанликлар фақат ўттиз икки доналик бамбуқ қарталарда
ўйнашни билар ва қишлоқда ёлғиз «сохта ажнабий шайтон»
гина мацзян² ўйнашни билар эди. Шаҳарда эса ҳатто ҳамма
кўча болалари ҳам ўйиннинг мутахассиси эдилар. Уларнинг
олдида «сохта ажнабий шайтон» ип ечолмасди. У шаҳарда-
ги ана шу ўн яшар болаларнинг қўлига тушиб қолгудай бўл-
са борми, бир лаҳзада «дўзах князининг қаршисидаги осий
бандадек бўлиб қолади». Унинг бу ҳикоясини тинглаб турган
кишилар ҳатто қизариб кетдилар.

— Сизлар қандай бош кесишларини кўрганмисиз?— деб
тўсатдан сўраб қолди А-Кью.— Эҳ, ажойиб томоша бўлар
экан-да! Шаҳарда революционерларнинг қатл этилишлари-
ни кўрдим... Томоша деб ана шуни айтса бўлади!

У бошини силкитиб, қаршисида турган Чжао Си-чэннинг
афтига тупук сачратди. Тингловчилар сесканиб кетдилар.
А-Кью атрофига қараб, бўйинини чўзиб, ҳикоя тинглаётган
Серсоқол Ваннинг гарданига бирдан қулочкашлаб тушириб
қолди.

— Виз-э...— деди А-Кью, қилич овозига тақлид қилиб.

Серсоқол Ван дарҳол бошини елкаси ичига олиб, қўрққа-
нидан ура қочиб қолди. Бу нарса ҳамманн қувонтирди ва
ҳаяжонга солди. Шундан сўнг Серсоқол Ван бир неча кун
санқиб юрди, А-Кьюга яқин келишга журъат этолмади. Бу
воқиянинг гувоҳи бўлган тингловчилар ўзларини А-Кюдан
нарироқ тутишни маъқул кўрдилар. У, вэйчжуанликлар на-
зариди, жуда улғайиб бораётгандек эди ва агар уни, муҳ-
тарам Чжао билан баробар даражага эга бўлди десак, ҳеч
бир муболаға қилмаган бўламыз.

Кўп ўтмай А-Кюонинг шуҳрати ҳатто Вэйчжуан хонадо-
нининг хотинлар яшайдиган хоналарига ҳам кириб борди.
Қишлоқда фақат муҳтарам Чжао ва муҳтарам Цяннинг ҳа-
шаматли ҳовлиларида хотинлар хонаси бўлиб, қолган уй-
ларда йўқ бўлса-да, ҳар ҳолда хотинлар хонаси, хотинлар
хонаси бўлиб қолаверади-да. Аммо, А-Кюонинг шуҳрати ўша
ергача бориши ҳақиқатан ҳам ажабланарли эди. Хотинлар
бир-бирлари билан учрашганларида Чжоу-еттинчи холаннинг

¹ Гап хотинларнинг кичкина оёқларини бинт билан боғлаб юришлари
устиди боради.

² М а ц з я н — кенг тарқалган қимор ўйини.

А-Къюдан зангори шойи юбка сотиб олгани, юбка кийилган бўлса-да, лекин атиги тўққиз мао тўлаганини айтишга ошиқарди. Бундан ташқари, Чжао Бай-яннинг онаси (бошқаларнинг сўзига қараганда, Чжао Си-чэннинг онаси,— буни текшириб кўриш керак) чет эл қизил сурупидан тикилган, деярли яп-янги болалар кўйлагини атиги уч юз вэнга олибди, бунинг устига ҳар бир тугунчада юз вэн ўрнига тўқсон икки вэн экан.

Шунинг учун барча вэйчжуанлик аёллар А-Кью билан учрашиш йўлини ўйлаганлари-ўйлаган эди. Бир хиллари ундан шойи юбка олмоқчи, бошқалари эса чет эл сурупидан тикилган кўйлак олмоқчи бўлардилар. Энди улар А-Кьюни кўрганларидан ундан яширинишмас, аксинча ёнларидан ўтиб бораётганда уни ўзлари тўхтатишар, орқасидан чопишар, тўхтаб турсанг-чи, деб қичқиришар ва:

— А-Кью, сенда шойи юбка йўқми? Агар юбка бўлмаса, суруп кўйлак топилар?— деб сўрашарди.

Чжоу-еттинчи хола харид қилган нарса ҳақидаги овозлар бадавлат хонадонларга ҳам бориб етди. Чжао-еттинчи хола севинчини ичига сиғдирилмай муҳтарам Чжао хотинидан юбкага баҳо беришни илтимос қилди, у эса, буни ўзининг эрига айтди-да, сотиб олинган юбкани жуда мақтади. Кечки овқат устида муҳтарам Чжао сюцай билан суҳбат қила туриб, А-Кьюнинг оёқ олиши бежороқ эканини ва эшик билан деразаларни маҳкамрақ беркитиб юриш зарурлигини таъкидлаб ўтди. Унинг моллари масаласига келганда, мабодо яхшироқ буюмларидан қолган бўлса, сотиб олинса ҳам ёмон бўлмаслигини айтди. Муҳтарам Чжаонинг хотини арзон, аммо яхши нимча пўстин сотиб олмоқчи эди. Оилавий маслаҳатда Чжоу-еттинчи холага тезда А-Кьюни қидириб топишни буюрдилар. Бундай тасодиф шарафига шу кеча ҳатто чироқ ҳам ёқдилар.

Талайгина ёғ ёниб адо бўлди-ю, лекин А-Кюдан дарак бўлмади. Чжао оиласи уни сабрсизлик билан кутиб, эснарди. Ҳаммалари А-Кьюни сўқишар ва шу вақтгача уни олиб келмагани учун Чжоу-еттинчи холани койирдилар. Муҳтарам Чжаонинг хотини, балки А-Кью баҳордаги У-ма воқиаси сабабли келишга журъат этолмаётгандир, ўша вақтда унга уйимиз остонасини хатлаб ўтиш ман қилинган эди-ку, деб хавотирланарди. Аммо муҳтарам Чжао бу хавотирни асоссиз деб ҳисоблади. Ахир, унинг ўзи А-Кьюни уйга чақиртиряпти-ку. Ҳақиқатан ҳам бу сафар у ҳақли эди. Ниҳоят, Чжоу-еттинчи хола билан А-Кью кириб келди.

— У, ҳеч нарсам йўқ, деди, мен бўлсам: ўзинг бориб айтишинг керак, дедим, у яна нимадир демоқчи эди, мен

бўлсам...— деб бидирлай бошлади Чжоу-еттинчи хола остонаданок.

— Жаноблари...— дея иккиланиб сўз бошлади А-Кью ва остонада тўхтаб қолди.

Муҳтарам Чжао унга яқинлашиб бошдан-оёқ кўздан кечирди-да, унинг сўзини бўлди:

— Бойиб кетган эмишсан, деб эшитдим, нима бўпти, яхши... Бу жуда соз... Ҳа, айтгандай, сенда баъзи бир эски буюмлар бор дейишяпти... Олиб келиб кўрсатишинг мумкин... Яна кўнглингга бошқа гап келмасин, шунчаки мен истагим...

— Мен Чжоу холага айтувдим... Тамом бўлди...

— Қандай қилиб тамом бўлади?— деб юборди муҳтарам Чжао.— Мумкин эмас. Дарров-а?

— Бир ошнамнинг буюмлари эди. Ўзи озгинайди... Ҳаммасини сотиб юбордим...

— Балки, бирор нарса қолгандир?

— Фақат эшик парда бор.

— Эшик пардангни олиб кел, кўрамиз...— деди шошқалоқлаб муҳтарам Чжаонинг хотини.

— Майли, эртага олиб келарсан,— деб бепарволик билан қўшиб қўйди муҳтарам Чжао.— Бундан буён ёдингда бўлсин, қўлингга бирор дурустроқ буюм тушса, аввал бизларга олиб келиб кўрсат.

— Бошқаларникидан кам пул тўламаймиз,— деб сўз қистириб қўйди сюцай.

Сюцайнинг хотини бу ваъда таъсир қилдими, йўқми, дегандай А-Кьюга синовчан назар ташлади.

— Менга нимча пўстин керак,— деди муҳтарам Чжаонинг хотини.

А-Кью кета туриб шундай лоқайдлик билан ваъда бердики, унинг бу гапларни жиддий ёки ҳазил маъносида тушунганини ҳам пайқаш мумкин эмас эди. Буни кўргач, муҳтарам Чжаонинг хотини бутунлай умидини узиб қўйди, жаҳли чиқиб, ҳаяжонланганидан ҳатто унинг эсноғи ҳам қочиб кетди. А-Кьюнинг ахлоқидан сюцай ҳам норози бўлди-да, у кетганидан кейин: «саккизинчи қондани унутган» бу ярамасдан эҳтиёт бўлиш керак, яхшиси ҳозирнинг ўзидаёқ қишлоқ оқсоқолига айтиш керак, А-Кьюга Вэйчжуанда яшашни ман қилиб қўйсин» деди. Аммо, муҳтарам Чжао эътироз билдириб, бундай жазо уни ўчакиштириши мумкин, бундан ташқари, бу касб билан шуғулланувчи кишилар «ўз уяси ёнидан овқат изламайдиган кекса бургутга» ўхшаш бўладилар, ўз қишлоғида ҳадиксирашнинг ҳожати йўқ — фақатгина кечалари сергакроқ бўлинса бас, деди. Бу «хонаки насиҳатлар»ни эшитгач, сюцай шу заҳотиёқ А-Кьюни ҳайдаб юбориш тўғрисидаги ўз режасидан тамомила воз кечди-да, Чжоу-еттинчи

холадан зинҳор бӯ гапларни чет кишиларга айтиб қўймасликни илтимос қилди.

Эртасигаёқ Чжоу-еттинчи хола вақтни қўлдан бермай, зангори шойи юбкани бошқа рангга бўяди, кейин ким кўринганга А-Кьюнинг шубҳали одам эканини гапира бошлади, лекин сюцай уни қишлоқдан ҳайдаб юбормоқчи бўлганини айтмади.

А-Кьюнинг бошига тушган бахтсизлик ҳам худди шундан бошланди.

Дастлаб унинг уйига қишлоқ оқсоқоли келиб, эшик пардани тортиб олди. А-Кью уни муҳтарам Чжаонинг хотини кўрмоқчи бўлганини айтишига қарамай оқсоқол пардани қайтиб бермади, устига устак, менинг ҳурматим учун ҳар ойда ҳадя бериб турасан, деб талаб қилди. Бунинг кетидан Вэйчжуан аҳолисининг А-Кьюга бўлган муносабати тўсатдан ўзгариб қолди. Улар очиқдан-очиқ бетакаллуф муомала қилишга журъат этмасалар-да, лекин ўзларини четга тортишга уриндилар. Вэйчжуанликлар «эҳтиром масофаси» ҳақида жуда дудмал тасаввурга эга эдилар. А-Кью шаҳарда одамларнинг қатл этилишларини кўргани ҳақида ҳикоя қилиб берган чоғидаги унга кўрсатилган ҳадикомуз ҳурматдан асар ҳам қолмади.

Фақат бекорчиларгина А-Кьюнинг ҳаётидаги ишларнинг ипидан игнасигача билиб олишга қизиқишларини қўймасдилар. А-Кью ҳеч нарсани яширмасди. У ўз «тажрибаси» тўғрисида мағрурланиб, гапириб берарди. Улар А-Кьюнинг айтарли катта иш қилмаганини билиб олишди: у девордан ошиб тушишни ҳам девор тагини ковлаб ўтишни ҳам билмас, фақат пойлоқчи бўлиб, узатилган буюмларни олиб турар экан. Бир кун кечаси у биринчи қопни олибди, ўғрибоши иккинчи қопни олиб чиқиш учун девордан ошган ҳам эканки, бирдан шовқин-сурон бўлиб қолибди. Шунда А-Кью қочиб қолибди. Шу кеча у шаҳар деворидан аста ошиб, Вэйчжуанга қочиб келибди. Шундан бери бунақа иш билан шуғулланмайдиган бўлибди.

А-Кьюнинг беғараз ҳикояси бошига бадтар бало бўлди. Ахир, вэйчжуанликлар кейинги вақтларда унинг жаҳлини чиқармаслик учун ўзларини ундан «эҳтиром масофаси»да тутишга уринган эдилар-да, унинг иккинчи марта ўғирлик қилишга юраги дов бермайдиган пайтава ўғриси эканини ким билибди дейсиз! Улар А-Кюдан бекорга кўрқиб юришган экан: аслида у китобларда ёзилганидек, «кўрқишга арзи-майдиган одам экан».

Революция

Сюань Туннинг¹ учинчи йил тўққизинчи ой ўн тўртинчи кунида — яъни худди А-Кью ҳамёнини Чжао Бай-янга сотган куни, Чжаонинг уйи ёнидаги пристанга усти қора чодир билан ёпилган жонка кириб келди. Жонка қоронғилик ичидан учинчи қоровуллик² тугашига ярим соат вақт қолганда сузиб келди, бу пайтда айна қишлоқда ҳамма қаттиқ уйқуда эди. Буни ҳеч ким билмай қолди. У айна саҳар чоғида жўнаб кетди. Ушанда уни баъзи бировлар пайқаб қолишди. Янгилик ишқовозлари суриштириб бу жонка жаноби цзюйжэнники эканини аниқладилар.

Бу жонканинг пайдо бўлиши Вэйчжуан аҳолисини ташвишга солиб қўйди, тушга яқин ҳамманинг юрагини ваҳима босди. Чжао оиласи зўр бериб жонка нима мақсадда келганини яширар, аммо чойхона ва майхонада революционерлар шаҳарга бостириб кираётганини, шунинг учун жаноб цзюйжэн у ердан қочиб Вэйчжуанга келаётгани ҳақида гапиришар эди. Фақат Чжоу-еттинчи холагина бошқача фикр юритар, у жаноби цзюйжэн Чжао оиласига сақлаб бериш учун бир неча эски сандиқ юборган экан, аммо муҳтарам Чжао уларни қабул қилмай, яна қайтариб юборди, деб таъкидларди. Ҳақиқатан ҳам жаноб цзюйжэн билан жаноби сюцай илгари тотув эмас, бинобарин, бошларига фалокат тушган вақтда бир-бирларига хайрихоҳлик кўрсата олмас эдилар. Шу билан бирга, Чжоу-еттинчи хола Чжао оиласига қўшни бўлиб, бошқаларга нисбатан кўпроқ кўриши ва эшитиши мумкин, эҳтимол, у ҳақлидир.

Бироқ миш-мишлар тезда бутун қишлоққа ёйилиб кетди. Бу миш-мишларга қараганда, гўё жаноби цзюйжэн ўзи келмабди-ю, лекин узундан узоқ хат юборибди, бу хатида ўз оиласи билан муҳтарам Чжао оиласи ўртасидаги қариндошликни баён этибди. Муҳтарам Чжао яхшилаб ўйлаб кўрибди-да, бу нарсанинг оқибатида ҳеч қандай ёмонлик йўқлигига ишонч ҳосил қилибди. Айтишларига қараганда, у жаноби цзюйжэн юборган сандиқларни олиб қолиб, хотинининг каравоти тагига яшириб қўйибди. Революционерлар масаласига келганда, улар гўё ўша кечанинг ўзидаёқ шаҳар-

¹ 14 сентябрь 1911 йил. Сюань Тун — Хитойда Маньчжурия династиясининг сўнгги императори ҳукмронлик қилган йиллар.

² Хитойда қадимги вақтлардан буён тунги вақтин ўз-ўзини мудофаа қилувчи қоровулларга навбат билан бўлиб берилади. Биринчи қоровуллик кечқурун соат еттида сменага туради. Ҳар икки соатдан кейин бонг ва ноғора чалиниши билан қоровуллар алмашади.

ни ишғол қилиб, император Цзун Чжэнга мотам тутгандай, оқ совут билан оқ темир қалпоқ¹ кийиб олишган, деб таъкидладилар.

А-Кью «революционер» деган сўзни эшитганига анча вақт бўлди, бунинг устига улардан бирини яқиндагина қатл этишганини у ўз кўзи билан кўрди. У нима учундир, революционерлар исёнкорларнинг айнан ўзгинаси, деб ҳисоблар, исёнкорлар эса, унинг табиатига ёқмас эди. У исёнкорларни «жуда ёмон кўрар, улардан нафратланарди», лекин у бутун округга донг таратган цзюйжэнь улардан шу қадар кўрқар, деб сира кутмаган эди. Бундан ташқари, Вэйчжуан аҳолисининг ваҳимага тушиб қолгани А-Кьюга лаззат берарди.

«Майли революция бўлаверсин...— деб ўйлади у.— Бу лаънатиларнинг ҳаммасини оёғини осмондан келтириш керак... Узим ҳам революционерларга қўшилишга қарши эмасман!»

Кейинги вақтларда А-Кьюнинг сира пули қолмаган эди, у туш вақтида оч қорнига ичилган икки пиёла вино билан маст бўлиб қолди. Бу янги фикрларнинг ҳаммаси уни аллақандай ғалати бир ҳаяжонга солган эди. Бу ҳиссиётнинг қандай пайдо бўлгани номаълум, лекин назарида у революционерга, Вэйчжуан аҳолиси эса, унинг асирларига айланиб қолгандай эди. У шу қадар севиниб кетганидан ўзини тута олмай:

— Исён! Исён!— деб қичқириб юборди.

Вэйчжуанликлар даҳшат билан унга қарадилар. А-Кью шу вақтга қадар бундай аянчли кўзларни сира кўрмаган эди, бу унга шундай ёқимли туюлдики, гўё июннинг иссиғида муздек сув ичгандек бўлди. У кайфи чоғ бўлиб, кўчада шаҳдам қадам ташлаб борар ва ашула айтарди:

— Яхши! Нимани истасам, албатта ўша бўлади! Таъбим нимани хоҳласа, ўшани қиламан! «Дэ-дэ, цзян-цзян. Афсусланаман! Ичиб маст бўлишди! Янглишиб Чженнинг укасини қатл этиб қўйишди!.. Афсусланаман! Э... э... эй... Дэ-дэ, цзян-цзян, дә, цзян-лин, цзян. Қўлда пўлат қамчиним бор. Сени ўлдирмоғим даркор!..»

Чжао авлодидан иккита эркак дарвоза олдида туриб иккита яқин қариндошлари билан революция ҳақида фикр юритмоқда эдилар.

А-Кью уларни пайқамасдан овозининг борича ашула айтиб, уларнинг ёнидан ўтиб кетди: «Дэ-дэ...»

¹ Цзун Чжэн охириги Хитой императори, 1644 йилда маньчжурлар томонидан тахtdан ағдарилган. Унинг мотамини хотирлаш белгиси оқ совут ва оқ темир қалпоқдир.

— Ҳурматли А-Кью,— деб чақирди уни муҳтарам Чжао, ҳадиксираб.

— «Дэ-дэ...»— А-Кью «ҳурматли» деган сўз ўзининг исмига тааллуқдор бўлишини хаёлига ҳам келтирмаган эди, шунинг учун муҳтарам Чжао менга алоқаси бўлмаган бирор сўз айтган бўлса керак, деган хулосага келди-да, ҳайқирганича кета берди:— Цзян-цзян!

— Ҳурматли А-Кью!

— Афсусланаман!..

Сюцай тўғридан-тўғри унинг исмини айтиб чақиршга мажбур бўлди:

— А-Кью!

А-Кью дарҳол тўхтади-да, ўгирилиб:

— Нима?— деб сўради.

— Ҳурматли А-Кью, энди сиз...— муҳтарам Чжао гап тополмай қолди,— энди... бойиб кетдингиз-а?

— Бойиб? Албатта. Истаганим бўлади...

— Оғайни А-Кью... ахир, бизларга ўхшаган камбағал дўстларга тақилишмас, агар...— дея қўрқа-писа сўзлай бошлади Чжао Бай-янь. Чамаси у А-Кюдан революцион партиянинг ниятларини ўсмоқчилаб билиб олмоқчи эди.

— Камбағал дўстлар, дейсанми? Мендан бойроқсан, шекилли,— деб жавоб берди А-Кью ва йўлида давом этди.

Дарвоза олдидагилар ҳангу манг бўлиб, жим қолдилар. Кейин ота-бола Чжаолар уйга кириб, тонг отгунча алланималар ҳақида маслаҳатлашиб чиқишди.

Чжао Бай-янь ўз хонасига қайтгач, қўйнидан ҳамёнини олиб хотинига берди-да, уни сандиқнинг энг тагига яшириб қўйишни буюрди.

А-Кьюнинг кун бўйи кайфи тарақ бўлиб юрди-да, ниҳоят кайфи тарқагач, ибодатхонага қайтди. Шу кеча чол ҳам жуда оқ кўнгил ва хушмуомала бўлиб қолган эди; уни чойга таклиф қилди. А-Кью ундан иккита нон сўраб олди ва нонни еб бўлгач, оғирлиги тўрт лян келадиган шам беришини талаб қилди. Шамни шамдонга ўрнатиб, ёқди-да, ўрнига ётди. Янги вазият уни жуда қувонтирарди, у хурсандлигидан гапира олмасди. Шам худди янги йил кечасидагидек ёнар, алангаси милтирар, А-Кьюнинг фикрлари эса қуюндек айланарди.

«Исён? Ажойиб... Оқ темир қалпоқ билан оқ совут кийган революционерлар келадилар... Уларнинг қўлларида пичоқлар, қамчилар, бомбалар, чет эл замбараклари, уч қиррали ўткир қиличлар ҳамда илмоқли найзалар бўлади. Улар ибодатхона олдига келадилар-да, «А-Кью, қани юр...» деб чақирадилар. А-Кью улар билан бирга кетади... Ушанда қизиқ бўлади-да! Вэйчжуанлик ҳамма эркак ва аёллар тиз

чўкиб, «А-Кью, раҳм қил!» деб қичқирадилар. Лекин уларнинг оҳу-зорига ким қулоқ соларди! Биринчи навбатда Кичкина Дэн билан муҳтарам Чжао, кейин сюцай билан «сохта ажнабий шайтон» қатл этилиши керак... Балки бирортасини олиб қолиш керакдир? Серсоқол Ванни олиб қолиш мумкин. Ҳа, айтгандай, уни ҳам аяб ўтиришнинг ҳожати йўқ.

Буюмлар нима бўлади? Тўғридан-тўғри бориб сандиқларни очавериш керак! Қиммат баҳо нарсалар, пуллар, чет эл газламалари... Дастлаб сюцай хотинининг нинбо¹ нусхали энг яхши каравотини ибодатхонага олиб келиб қўйиш керак, кейин Цяннинг уйдаги стол ва стулларни олиб келиш керак. Чжаонинг уйдагиларни олиб келса ҳам бўлаверади!.. Уларга қўл уриш керак эмас, ҳаммасини Дэн ташисин, чаққонроқ қимирласин, агар кўнгилдагидай ишламаса, тарсаки билан солиш керак...

Чжао Си-чэннинг синглиси хунук... Чжоу-еттинчи хола-нинг қизи-чи... катта бўлсин, кейин гаплашамиз! «Сохта ажнабий шайтон»нинг хотини кокилсиз эр билан бирга ётиб юрибди-я... Туп-эй, беномус! Сюцай хотинининг қовоғида тиртиғи бор... У-ма кўпдан бери кўринмай қолди, қаерда юрганикин... Афсуски, унинг оёқлари жуда бесўнақай-да...»

А-Кью ҳамма нарсани обдон ўйлашга улгурмасданоқ хуррак торта бошлади. Оғирлиги тўрт лян келадиган шамнинг фақат ярим вершогигина ёнди, унинг аланга олиб турган қизил шуъласи А-Кьюнинг очилиб қолган оғзини ёритиб турарди.

— Ху-ху!— бирдан қичқириб юборди у уйқусида ва қаерда эканини пайқамагандай бошини сал кўтариб қўйди. Ёниб турган шамга боқиб, яна дарҳол ухлаб қолди.

Эртасига А-Кью кеч уйғонди; кўчага чиқди-ю, аммо атрофда ҳеч нима ўзгармаганини пайқади, қорни ҳали ҳам оч эди. Бир амаллаб қорнини тўйғазмоқчи бўлди, лекин ҳеч қандай илож топа олмади. Ахири, миясига бир фикр келгандек бўлди — бирор мақсад биланми ёки бемақсадми, Хотиржамлик ва Тозалик монастирига қараб йўл олди.

Дарпардалари оқ ва дарвозаси қора локка бўялган монастирь А-Кью баҳор кунда «очдан ўлмаслик чорасини излаб» борганидаги каби сукунат ичида эди. У дарвозани тақиллатди. Ичкаридан итнинг вовиллаган товуши эшитилди. А-Кью шошиб бир неча синиқ ғишт териб олди-да, ўша ғиштар билан дарвозани қаттиқроқ тақиллата бошлади. Қора локка бўялган дарвозанинг ҳамма ёғи тирналиб кетди. Охири, ичкаридан кимнингдир оёқ товуши эшитилди.

¹ Н и н б о — Чжэцзян вилоятидаги энг яхши мебеллар ишланадиган шаҳар.

А-Кью қўлидаги риштларни маҳкам ушлаб, оёғини келди-да, ит билан жанг қилишга тайёрланиб турди. Бироқ, кўча эшиги қия очилиб, А-Кью қора итни эмас, монах кампининг ўзини кўрди.

— Яна нега келдинг?— деб сўради у қўрқиб.

— Энди революция... биласанми?— деб дўнғиллади А-Кью.

— Революция! Бу ерда революция бўлиб ўтди. Бизни нима қилмоқчисизлар?— деб жаҳл билан сўради монах кампир қизарган кўзларини пириллатиб.

— Нима?— деб ҳайрон бўлди А-Кью.

— Ҳали монастиримишга келиб, революция қилиб кетишганидан хабаринг йўқми?

А-Кью яна бадтарроқ ҳайрон бўлди:

— Ким келди.

— Сюцай билан «сохта ажнабий шайтон!»

А-Кью довдираб қолди. Монах кампир А-Кьюнинг тарвузи қўлтиғидан тушганини пайқаган заҳотиёқ, кўча эшикни тақ этиб ёпиб қўйди. А-Кью эшикни итарди; эшик очилмади. У яна тақиллата бошлади. Ҳеч ким жавоб бермади.

Бу воқиалар эрталаб бўлиб ўтган эди. Сюцай янгиликларни билиб олишга уста одам эди. У революционерлар шаҳарни ишғол қилганларидан хабардор бўлгач, дарҳол килини бошига турмаклаб, илк саҳарда зиёрат қилиш учун Цяннинг яъни «сохта ажнабий шайтон»нинг уйига жўнади. Шу кунгача уларнинг оралари бузуқ эди, бироқ энди «ҳамма нарсани янгидан тузиш» вақти келгани учун улар дарров жонажон дўст бўлиб олишди-да, биргалашиб Вэйчжуанда революция қилмоқчи бўлиб тил бириктиришди.

Улар узоқ ўйлаб, ниҳоят иложини топдилар. Хотиржамлик ва Тозалик ибодатхонасида: «Император ўн минг йил, яна юз минг йил яшасин» деб ёзилган тахтача сақланар эди. Уларнинг фикрича, биринчи навбатда мана шу тахтачани йўқотиб юбориш керак эди. Икковлари вақтни қўлдан бой бермай, монастирга жўнадилар.

Монах кампир қаршилик кўрсатмоқчи, қатъий норозилик билдирмоқчи бўлган эди, улар уни «маньчжурия ҳукумати» ҳисоблаб, ўлгундай урдилар. Улар кетганидан кейин монах кампир эс-хушунини йиғиб бундай қараса, император тахтачаси ерда синиб ётибди. Гуань Инь маъбудасининг меҳроби олдида турган, император Сюань-дэ¹ замонидан қолган бронза исирикдон эса ном-нишонсиз гойиб бўлган эди.

¹ Сюань-дэ — Мин династиясининг императори Сюань-дэ ҳукмдорлик қилган йиллар номи (1426—1435 й).

А-Кью буларнинг ҳаммасидан вақт ўтгандан кейин хабардор бўлди. У ухлаб қолганига жуда ачиниб чақиришмагани учун қаттиқ хафа бўлди.

«Наҳотки, улар менинг революцияга қўшилишга жазм қилганимни билмасалар?»— деб ўйлади у.

VIII

Революцияга қўшилишга ижозат бермадилар

Вэйчжуан аҳолиснинг ҳаяжони аста-секин босилди. Улар, революционерлар шаҳарни ишғол қилганлари билан у ерда деярли ўзгариш рўй бермаганини билдилар. Солдатларга ўша аввалги батальон командири қўмондонлик қиларди. Уезд бошлиғи бўлиб аввалги амалдорнинг ўзи қолди, фақат унинг номи ўзгарди, холос. Бунинг устига, жаноби цзюйжэнь унвонга ҳам эга бўлди. Лекин бу унвонларнинг нимани англатишини Вэйчжуан аҳолиси билмасди. Битта кўнгилсиз воқиа юз берди, холос. Бир неча бемаъни революционерлар эртасигаёқ зўрлик билан эркакларнинг кокилларини кеса бошладилар. Овозаларга қараганда, қўшни қишлоқлик қайиқчи Ци Цзинь улар қўлига тушиб, одамгарчиликдан чиқибди, яъни кокилсиз қолибди. Бу, вэйчжуанликлар учун унчалик катта хавф эмасди, чунки улар шаҳарга кам боришар, бормоқчи бўлганлари эса, кокилдан ажрашдан қўрқиб, осонгина бу фикрдан қайтар эдилар. А-Кью эски қадрдонлариникига бормоқчи бўлиб шаҳарга отланди-ю, лекин бу кўнгилсиз янгиликни эшитган заҳотиёқ сафаридан воз кечди.

Шунга қарамай, Вэйчжуанда ҳеч нарса ўзгармади деб ҳам бўлмасди. Бир неча кундан кейин кокилини бошига турмаклаб олган вэйчжуанликларнинг сони кўпайиб қолди. Илгари кўрсатиб ўтилгандек, бу ишда ҳам сюцай биринчи бўлди. Унга Чжао Си-чэн, Чжао Бай-янь, улардан кейин А-Кью ҳам эргашди. Илгарилари ҳам ёзнинг иссиқ кунларида ҳамма одамлар кокилларини ўраб-чирмаб ёки турмаклаб қўярдилар, бу ҳеч кимга қизиқ туюлмади. Лекин ҳозир кеч куз бўлиб, бунга ўхшаш ёз қоидаларини бевақт бажаришни қаҳрамонлик деб ҳисобламай илож йўқ эди. Шу сабабли ҳам, революциянинг Вэйчжуанга ҳеч таъсири бўлмади, деб айтиш мумкин эмас. Чжао Си-чэнь кокилини турмаклаб, кўчадан ўтиб кетаётган вақтида ўткинчилар баланд товуш билан:

— Ана, қаранглар! Революционер кетяпти!..— деб қичқирардилар.

Бу нидолар А-Кьюда зўр хавас уйғотди. У ҳайратга солувчи бу янгиликни яъни сюцай кокилини турмаклаб қўйганини билганда, ўзи ҳам шундай қила олиши мумкинлиги-

ни хаёлига сира келтирмаган эди. Чжао Ся-чэнь билан учрашув унинг ақлини киритди, бунақанги янгиликлар тақлим қилишга арзир экан. У бамбуқ таёқча билан кокилини ўраб, бошининг тепасига турмаклади-да, узоқ иккиланишдан сўнг ўзига далда бериб, кайфи чоғ кўчага чиқди.

Ўткинчилар унга қарашар, лекин кетидан ҳеч нарса деб қичқиришмасди. А-Кьюнинг аввалига дили сиёҳ бўлди, кейин эса, жаҳли чиқиб кетди.

Кейинги вақтларда унинг турмуши революциягача бўлган турмушига қараганда анча дуруст бўлса-да, бўлар-бўлмасга жаҳли чиқаверарди. Кишилар у билан учрашганларида, уни ҳурмат қилишар, майхона хўжайини винога нақд пул ҳам талаб қилмасди, шунга қарамай, А-Кьюнинг ҳамма нарсадан кўнгли совуди: революция бўлиб ўтди-ю, лекин, ҳамма нарса аввалгидек ўзгармай қолаверди! Бундай бўлмаслиги керак эди! Пировардида у, Кичкина Дэнни учратиб қолиб, ғазабидан ёрилиб кетай.— деди, чунки Кичкина Дэн ҳам бамбуқ таёқча билан кокилини бошига турмаклаб олган эди. А-Кью Дэннинг бундай ишга журъат этишини ҳеч тасаввур қилмаган эди, шу сабабдан унинг танобини тортиб қўймоқчи бўлди. Кичкина Дэн ким бўлибди ўзи. А-Кью югуриб бориб, унинг устига ташланмоқчи, бамбуқ таёқчани синдириб кокилини тушириб юбормоқчи ва Дэн ўзининг тубан одам эканини унутгани, ҳамда революционер бўлишга ботингани учун қулоқ-чаккасига бир шапалоқ урмоқчи бўлди. Лекин бир оз ўйлагандан кейин, Кичкина Дэннинг адабсизлигини кечирди, унга ғазаб билан боқиб, жаҳл билан тупурди, холос.

Кейинги унларда шаҳарга фақат «сохта ажнабий шайтон»гина бориб-келиб турди... Сюцай, уйига омонат қўйилган сандиқларни эслаб, жаноби цзюйжэнь билан кўришгани бормоқчи бўлди-ю, лекин турмакланган кокилидан ажраб қолишдан қўрқиб, боришдан воз кечди. У «сариқ зонтик»¹ шаклида мактуб ёзди-да, цзюйженга элтиб бериш учун «сохта ажнабий шайтонга» топширди. У «сохта ажнабий шайтондан» озодлик партиясига кириш учун тавсиянома сўради. «Сохта ажнабий шайтон» қайтгач, сюцайдан тўрт юань олиб, бу пул бадалига шафтоли шаклида кумуш значок берди. Сюцай уни кўкрагига тақиб олди. Буни кўриб барча вэйчжуанликлар ҳайратда қолдилар, ва «кунжут»² ёғи» партиясининг белгиси ханьлинь³ унвонидан қо-

¹ Сариқ шойи қоғозга ёзилдиган хат. гармонга ўхшаб букланади.

² Сўз уйини. «Озодлик партиясини»—«Цзи-ю дан» деган сўзни вэйчжуанликлар «ши-ю дан» деб талаффуз қилардилар, бу «Кунжут мойи партиясини» деган маънони англатади.

³ Х а н ь л и н ь — император саройидаги олимнинг унвони.

лишмас экан, деб юрдилар. Бу сафар муҳтарам Чжао ўғли сюцай бўлган вақтдагидан кўра ортиқроқ ҳурматга сазовор бўлди. У жуда гердаиб кетди. Унинг назарида атрофдагиларнинг ҳаммаси гўё хасга айланиб қолгандай эди, А-Кьюга эса мутлақо қайрилиб қарамай қўйди.

Буларнинг ҳаммаси А-Кьюни ғазаблантирди. У кўпдан бери ўзини жуда ёлғиз ҳис қиларди. Сюцайнинг «кумуш шафтолиси»ни эшитгач, шу заҳотиёқ революционер бўлмоқ учун «мен революцияга қўшиламан» дейиш ва кокилини турмаклашгина кифоя қилмаслигини англади. Энг муҳими революционерлар билан танишмоқ керак экан, А-Кью эса, умрида фақат иккитагина революционерни кўрган холос: биттаси шаҳарда боши кесилган киши, иккинчиси эса — мана шу «сохта ажнабий шайтон» эди. А-Кьюнинг бошқа иложини йўқ, у тезда «сохта ажнабий шайтон»нинг ёнига бориб, маслаҳатлашишга аҳд қилди.

Цянь хонадонининг дарвозаси очиқ эди; А-Кью секин кирди-ю, бирдан чўчиб тушди. Ҳовлининг ўртасида қоп-қора кийинган, афтидан чет эл костюми кийган «сохта ажнабий шайтон» турарди. Унинг кўкрагига «кумуш шафтоли» тақилган, қўлида эса бир вақтлар А-Кьюни саваган таёқ бор эди. «Сохта ажнабий шайтоннинг» ўсиб қолган кокили елкаларига тушиб турар, тўзғиб кетган сочлари эса уни Лю Хай¹га ўхшатиб юборган эди. Унинг қаршисида Чжао Бай-янь билан учта нотаниш одам турарди. Улар эҳтиром ва диққат билан унинг сўзларини тингламоқда эдилар.

А-Кью секин бориб, Чжао Бай-яннинг орқасида турди. У уй эгасини чақирмоқчи бўлди-ю, лекин қандай чақиришини билолмади. «Сохта ажнабий шайтон» десинми? Йўқ, бундай дейиш ярамайди, албатта, «ажнабий» дейиш тўғри келмайди, «революционер» бу ҳам. «Жаноби ажнабий» деб чақирса қандай бўларкин?

Бу орада «жаноби ажнабий» А-Кьюни пайқамади-да, кўзларини олайтириб завқ билан гап сота бошлади:

— ...Ўзим тоқатсизман. Шунинг учун у билан учрашган вақтимда, унга тўппа-тўғри: «Биродар Хун! Биз бошлашимиз керак!» дедим. Лекин у қатъий туриб: «NO²» деб жавоб берди. Бу ажнабий сўз, бунини сизлар тушунмайсизлар, албатта. Агар ана шу сўз бўлмаганда, биз аллақачон енгган бўлар эдик... Аммо у жуда юраксиз одам экан... У бир неча марта мендан Хубэйга³ боришимни илтимос қилди, аммо

¹ Лю Хай — умрида сочини тараманган қаландарнинг номи.

² Йўқ (инглизча)

³ Марказий Хитой провинцияси, 1911 йил революцияси шу ерда бошланган.

мен рози бўлмадим. Бундай хилватда ишлашга кимнинг тоқати бор дейсиз?

Фурсат кутиб турган А-Кью «жаноби ажнабий» гапни тўхтатгач, мардлиги қўзғаб «Ийе!.. Ҳали шундай...» сизга айтсам деб юборди, лекин нима учундир бу сафар ҳам «жаноби ажнабий» демади. Тўртала шинаванда қўрқиб орқаларига ўгирилишган эди, А-Кьюга кўзлари тушди.

— Сенга нима керак?

— Мен...

— Йўқол, ҳозир!

— Мен ҳам қўшилмоқчийдим...

— Жўнаб қол деяпман...—«жаноби ажнабий» шундай дейиш билан унга «мотам ҳассаси»ни ўқталди.

— Жаноблари сенга жўнаб қол деяптилар, нега қўлингга гап кирмайди?— деб бақирди Чжао Бай-янь билан ўша бекорчилар.

А-Кью эсанкираган ҳолда бошини қўллари орасига олиб, дарвозадан отилиб чиқди, лекин «жаноби ажнабий» уни қувиб чиқмади. А-Кью олтмиш қадамча қочиб боргач, қадамини секинлатди. Унинг кўнгли ғаш, юраги эзиларди. «Жаноби ажнабий» революцияга қўшилишига ижозат бермади, бошқа иложи йўқ эди. Бугундан бошлаб А-Кью одамларнинг оқ темир қалпоқ билан оқ совут кийиб келишларидан ва уни чақирдишларидан умидини узиб қўйди; унинг орзу-умидлари, интилишлари ва режалари таёқнинг бир кўтарилиши биланоқ ғойиб бўлди.

Бекорчилар бу янгиликни ҳаммага ёйиб юборишлари ва Кичкина Дэн ёки Серсоқол Ванга ўхшаш арзимас одамларга унинг устидан масхаралаб кулишга имкон беришлари энди унча аҳамиятга эга бўлмай қолди.

А-Кью ҳали ҳеч қачон бунчалик жонидан безор бўлмаган бўлса керак. У турмакланган кокилига бўлган ҳавасини йўқотди, ҳатто ундан нафратлана бошлади ҳам. У ҳозирнинг ўзидаёқ қасддан кокилини тушириб юбормоқчи бўлди-ю, бироқ негадир ундай қилмади. У кечгача лақиллаб юрди, насяга икки пиёла вино ичгач, кайфи жойига тушди. Хаёлида оқ темир қалпоқ билан оқ совут кийган кишиларнинг хира қиёфалари янгидан гавдалана бошлади.

Бир кун А-Кью одатдагидек майхона ёпилгунча ү ерда ўтириб, кейин Деҳқончилик ибодатхонасига қайтди.

Кутилмаганда кўчадан гумбурлаган ғалати товушлар эшитилди. Шовқин-сурон ва турли-туман можароларнинг ҳаваскори бўлган А-Кью шу онда қоронғилик қўйнига шўнғиди. Олдинда бир неча кишининг оёқ товуши эшитилгандек бўлди, кейин кимдир ёнидан югуриб ўтиб кетди. А-Кью ўгирил-

ди-ю, чопиб кетаётган одамнинг орқасидан югурди. У одам четга бурилди. А-Кью ҳам бурилди. Одам тўхтади, А-Кью ҳам тўхтади. Кейин у яқин келиб қарасаки, бу Кичкина Дэн экан.

— Узи нима гап — деди жаҳл билан А-Кью.

— Чжао... муҳтарам Чжаонинг уйини талаяптилар... — деб жавоб берди Дэн энтикиб.

А-Кьюнинг юраги гуп-гуп ура бошлади. Кичкина Дэн сездирмасдан қоронғилик ичида ғойиб бўлди. А-Кью ҳам ўйлаб ўтирмай, югура кетди, аммо бир неча марта тўхтаб қолди. Кўпни кўрган, ана шундай «касб» даги кишилар билан алоқа қилган ва шу билан бирга ниҳоятда жасоратли одам бўлганидан кўчанинг муюлишига етиб борди-да, диққат билан тикилиб, сандиқлар, рўзгор асбоблари ва нинбо нусхали каравотни олиб чиқаётган одамларни кўриб қолди. Назарида бу одамлар оқ темир қалпоқ ва оқ совут кийиб олганга ўхшардилар, лекин ҳеч кимни яхши таниб ололмади. У яқинроқ бормоқчи бўлди-ю, оёқлари итоат қилмади.

Шу кеча осмонда ой йўқ, қоронғи кеча шу қадар осойишта эдики, гўё император Фу Си¹ подшолик қилган даврдаги осойишта замонлар қайтиб келганга ўхшарди. А-Кью тиззаларининг мадори қуригунча муюлишда қараб тураверди, олдидан эса ҳамон сандиқлар, рўзгор асбоблари ва сюцай хотинининг нинбо нусхали каравотини ташиб ўтардилар. У ўз кўзларига зўрба-зўр ишонарди, шундай бўлса-да, яқин бормасликка қатъий жазм қилиб, охири ибодатхонага қайтди.

Ибодатхонанинг ичи гўрдай қоп-қоронғи эди. А-Кью дарвозани маҳкамлаб беркитди-да, тимискилаб ҳужрасига кириб олди. У ўрнига ётиб, аста-секин тинчланди. Шундай қилиб, оқ темир қалпоқ ва оқ совут кийган одамлар келдилар-у, аммо уни чақирмадилар; улар кўп яхши буюмларни ташиб кетдилар, лекин унга ҳеч нарса тегмади...

— Буларнинг ҳаммасига лаънати «сохта ажнабий шайтон» сабабчи, у революцияга қўшилишимга ижозат бермади. У бўлмаганда, мен ўша нарсалардан бенасиб қолармидим? — деб ғазабланди А-Кью.

У бу ҳақда қанча кўп ўйласа, шунча кўп аччиқланаверди, пировардида кўнгли қайғу-ҳасратга тўлиб кетди. Ғазаб билан бошини бир силкитди-да:

— Ҳали шундайми! Қўшилаё десам ижозат бермадинглар, сизларга мумкин экан-да. Ҳали шошмай тур, «сохта аж-

¹ Фу Си — Хитойнинг афсонавий императори, у ҳукмдорлик қилган йиллар Хитой тарихида олтин давр деб ҳисобланади.

набий шайтон!» Сен исёнкорсан, исёнкорларни эса шартта бошини кесиб ташлайдилар. Сени чақиб бераман... Сени қалъага обориб бошингни кесишларини томоша қиламан... Мол-мулқинг талон-торож бўлади. Оилангнинг тухумини қуритадилар... тамом вассалом!

IX

Буюк хотима

Чжао уйининг талон-торож қилиниши Вэйчжуан аҳолисини ҳам хурсанд қилди, ҳам ваҳимага солди. Шундай ҳиссиётни А-Кью ҳам бошидан кечирди.

Афсуски, орадан тўрт кун ўтгач, қоқ ярим кечада А-Кью тўсатдан қўлга олиниб, шаҳарга жўнатилди. Уша кеча тим қоронғи эди, шундан фойдаланиб, солдатлар отряди, ўз-ўзини мудофаа қилиш отряди, полиция отряди ва яна бешта изқувар ҳеч кимга билдирмай Вэйчжуанга кириб келдилар. Улар ибодатхонани ўраб олиб, дарвозага тўғрилаб пулемёт ўрнатдилар. А-Кью кўринмади. Отрядлар узоқ вақт жойларидан қимирламай пойлаб турдилар. Ниҳоят бошлиқнинг сабри тугаб А-Кьюнинг олдига биринчи бўлиб кирган кишига йигирма минг вэн мукофот белгилади. Шунда ўз-ўзини мудофаа қилиш отрядидан икки солдат чиқиб, девордан ошиб тушишга журъат этди. Кетма-кет отряд ҳам ибодатхонага кириб, А-Кьюни хуррак отиб ётган жойида қўлга туширдилар. Солдатлар уни судраб пулемёт олдидан олиб ўтаётган вақтларидагина А-Кью воқияни англаб етди.

А-Кьюни туш чоғида шаҳарга олиб келдилар. Солдатлар ярим хароба эски қалъада беш-олти тор йўлақларни босиб ўтиб, уни аллақандай ҳужрага итариб юбордилар. У қоқилиб кетди ва ҳали ўрнидан туришга улгурмаган ҳам эдики, йўналмаган ходалардан ясалган эшик, товонига урилиб, зарб билан ёпилди. Ҳужра деразасиз, яланг девордан иборат эди. А-Кью қоронғилиққа кўникиб, у ёқ-бу ёғига қараган эди, бурчакда икки киши борлигини пайқаб қолди.

Қўрққанидан юраги гуп-гуп ура бошлади, лекин умидсизланмади, чунки Деҳқончилик ибодатхонасидаги ҳужраси бундан ёруғ ва бундан кенгроқ эмасди. У билан бир ҳужрадагилар иккита қишлоқи йигит экан. А-Кью улар билан бир оз гаплашган бўлди. Бирининг айтишига қараганда, жаноби цюйжэнь ундан бобосидан қолган қарзни талаб қилибди¹,

¹ Қадим Хитойда қарзлар наслдан-наслга қоларди.

иккинчиси эса нима учун бу ерга келиб қолганини ўзи ҳам билмас экан. Ўз навбатида улар ҳам А-Кьюдан сўрай бошлаган эдилар, у:

— Чунки мен революцияга қўшилишни истаган эдим,— деб дадил жавоб берди.

Шу куннёқ, кечга яқин уни ҳужрадан судраб чиқиб, катта залга итариб киргиздилар. Тўғрида сочларини қиртишлаб олдирган, ялтироқ бош чол совлат тўкиб ўтирар эди. А-Кью уни монах деб ўйлади, аммо шу заҳоти уни солдатлар қўриқлаб турганини пайқаб қолди, атрофида эса чопон кийган яна ўнтача одам бор эди. Улардан баъзиларининг сочлари чолни-кига ўхшаб қиртишлаб олинган, баъзилариники эса «сохта ажнабий шайтон» никига ўхшаб елкаларига тушиб турарди. Ҳаммасининг башараси зардали бўлиб, улар А-Кьюга жиддий қараб турардилар. У қаршисида ўтирган чолнинг эътиборли одам эканини дарров пайқаб олди. А-Кьюнинг оёқлари ўз-ўзидан букила бошлади, у тиз чўкиб қолди.

— Туриб гапир! Тиз чўкма!— деб қичқаришди чопон кийган кишилар.

А-Кью уларнинг гапига тушунди, албатта, лекин оёқ устида тура олмаслигини сизди. Гавдаси беихтиёр эгилиб, охири яна тиз чўкиб қолди.

— Қулвачча!— дейишди чопон кийганлар нафрат билан,— лекин энди туришга мажбур қилишмади.

Ялтироқ бош чол А-Кьюга қараб:

— Бўлган ишнинг ростини айт! Бу билан гуноҳингни енгиллаштирган бўласан. Менга ҳаммаси маълум. Бўйнингга олсанг, қўйиб юборамиз!— деди секин ва аниқ қилиб.

— Иқроқ бўл!— деб қичқаришди чопон кийганлар.

— Тўғриси айтиман... мен..: ўзим келиб қўшилмоқчи эдим...— дея тутилиб жавоб берди, эсанкираб қолган А-Кью.

— Хўш, нега бормадинг?— деб мулойимлик билан сўради чол.

— «Сохта ажнабий шайтон» ижозат бермади...

— Ёлғон! Энди вақт ўтди қутулолмайсан... Шерикларнинг қаерда?

— Нима?

— Чжаонинг уйини талаган одамлар қаерда?

— Улар мени чақирганлари йўқ. Ҳамма нарсани ўзлари олиб кетишди,— деди хафа бўлиб А-Кью.

— Қаёққа кетишди? Айт, шундан кейин сени қўйиб юборамиз,— деб қўшиб қўйди чол яна мулойимроқ қилиб.

— Билмайман... Улар мени чақиринмади...

Шу вақт чол кўзи билан ишора қилди, бирпасдан сўнг А-Кью яна ўша ҳужрага қамалди.

Эртасига эрталаб яна уни катта залга олиб бордилар. У ерда ҳамма нарса худди кечагидек эди. Тўрда ўша ялтироқ бош чол ўтирарди. А-Кью яна тиз чўкди.

— Яна бирорта қўшимча сўз айта оласанми?— деб мулоҳимлик билан сўради чол.

А-Кью ўйлаб қолди, лекин айтадиган сўзи йўқ эди.

— Йўқ,— деб жавоб берди у.

Чопонли киши қоғоз келтирди-да, А-Кьюнинг қўлига қалам тутқазмоқчи бўлди. А-Кьюнинг қўрққанидан жони чиқиб кетаёзди, чунки у умрида ҳеч қачон қалам ушламаган эди. Чопонли киши унга қоғоздаги жойни кўрсатиб, қўл қўйишни буюрди.

— Мен... мен... ёзишни билмайман,— деди уялиб А-Кью қаламни муштуми билан қисаркан.

— Кераги ҳам йўқ. Доира чизсанг бас.

А-Кью доира чизмоқчи бўлди-ю, бироқ қўли қалтираб кетди; шундан сўнг чопонли киши қоғозни ерга ёйиб қўйди, А-Кью энгашиб, бутун иродасини тўплаб, доира чиза бошладди. У, одамлар масхара қилиб кулишадди, деб ўйлаб доирани думалоқ қилиб чизишга уринди, аммо лаънати қалам фақат оғиргина бўлмай, ўзбошимча ҳам экан... Зўр эътибор билан қалтираб, доирани чизиб бўлай ҳам деган эдики, бирдан қалам сирганиб кетди-да, доира қовоқ уруғига ўхшаб қолди.

А-Кью доира чизишни билмагани учун уялди. Аммо чопонли киши бунга эътибор ҳам бермай, қўлидан қоғоз билан қаламни тортиб олди; кейин уни залдан олиб чиқиб, яна қоронғи ҳужрага итариб юбордилар.

А-Кью унча ташвишланмади.

У, бу дунёда одамни баъзан қаергадир итариб киргизишлари ва аллақаерлардан судраб чиқишлари кераклигини одатдаги иш деб ҳисобларди. Аммо мана бу доиранинг думалоқ бўлиб чиқмагани унинг бутун «фаолиятига» қора доғ тушириши мумкин эди. Бир оз тургач, А-Кью тинчланди-да, «Лекин менинг набираларим доирани дум-думалоқ қилиб чизадиган бўладилар» деб ўйлади-да, шу фикр билан уйқуга кетди.

Жаноби цзюйжэнь эса шу кеча ҳеч ухлаёлмай чиқди: у батальон бошлиғи билан жанжаллашди. Жаноби цзюйжэнь ҳаммадан аввал ўзининг ўғирланган сандиқларини топиб берилишини талаб қилди, батальон бошлиғи эса, бошқаларга намуна бўлсин учун кишиларни қўрқитиш, даҳшат солишни ўзининг муҳим бурчи деб ҳисоблади. Кейинги вақтларда у жаноби цзюйжэньни бутунлай назар-писанд қилмай қўйди: у билан гаплаша туриб, мушти билан столни ураб ва ниҳоят:

— Бир кишига жазо бериш — юз кишини кўрқитиш демакдир!— дерди.— Қара, революционер бўлганимга атиги йнгирма кун бўлди, шунга қарамай, ўндан ортиқ талончилик содир бўлди, лекин шу вақтгача улардан бирортаси ҳам очилгани йўқ... Менинг обрўйим учун бу нима деган гап? Энди ишим ўнгидан келиб, жиноятчини қўлга туширганимда менга халал беряпсан... Менинг ишимга аралашма! Нима қилиш кераклигини ўзим биламан...— деди.

Жаноби цзюйжэнь учун баҳслашиш мушкул бўлди; лекин у қатъий туриб, агар сандиқларим топилмас экан, ўзимнинг гражданлик ишлари бошқармаси муовини деган янги вазифамдан дарҳол воз кечаман, деди. Бунга батальон бошлиғи:

— Марҳамат, кечсанг кечавер!— деб жавоб берди.

Ана шу сабабдан жаноби цзюйжэнь тун бўйи ухлай олмай чиққан эди. Бахтига, у ҳар ҳолда эртасига вазифасидан воз кечмади.

Жаноби цзюйжэнь ухлай олмай чиққан кечанинг эртасига эрталаб А-Кьюни яна ҳужрадан судраб чиқдилар. Катта залнинг тўрида ҳамон ўша ялтироқ бош чол совлат тўкиб ўтирарди, А-Кью тагин тиз чўкди.

— Айтадиган бирор қўшимча сўзинг борми?— деб мулоҳимлик билан сўради чол.

А-Кью ўйлаб қолди, бироқ айтадиган сўзи йўқ эди.

— Йўқ,— деб жавоб берди у яна.

Баъзилари чопон, баъзилари камзул кийган одамлар унинг бошига қора иероглиф ёзилган ва чет эл матосидан тикилган енгсиз оқ кўйлак кийгизишди. А-Кью жуда хафа бўлди, чунки бу мотам кийимига¹ ўхшарди, мотам эса ёмон нарса.

Унинг қўлларини орқасига қайиришди-да, қалъадан олиб чиқиб, усти очиқ аравага ўтқазишди, камзул кийган бир неча киши ҳам у билан бирга ўтирди. Шу заҳоти арава юриб кетди. Олдинда чет эл қуроллари билан қуролланган солдатлар билан ўз-ўзини мудофаа қилиш отряди борарди, кўчанинг ҳар икки томони бекорчи томошабинлар билан лиқ тўла, орқада нима бўлаётганини эса, А-Кью кўролмас эди. Миясига ялт этиб: бошимни кесишмоқчи эмасмикинлар? деган фикр келди. Унинг кўз олди қоронғилашиб, қулоқлари шанғиллаб кетди, у гўё ҳушини йўқотгандек бўлди. Лекин ўзига келгач, бу дунёда эртами-кечми бир куни албатта, бошинг кесилади, деб ўйлади.

¹ Улимга ҳукм қилинганларга қатл этиш олдидан оқ кафан кийгизиларди, бунга қора иероглифлар билан жиноятчининг исми, фамилияси ва нима учун ўлимга ҳукм қилингани ёзиларди,

А-Кью йўлни яхши билар ва нима учун уни қатл этадиган жойга олиб боришмаётганларини англай олмасди. У бошқаларни қўрқитиш мақсадида кўчама-кўча айлангириб юришганини билмасди. Борди-ю, билган тақдирда ҳам, барибир у, инсон ҳаётида баъзан шундай дақиқалар ҳам бўлади... деб ўйлар эди, холос.

Ниҳоят, бу эгри-бугри йўл одамларни қатл этиладиган майдонга олиб боришини сизди, майдонга борилдими — вас-салом! Қалла кетиши муқаррар.

У атрофга қайғули назар ташлади. Ҳар тарафда одамлар чумоли сингари гужғон ўйнашарди, у бехосдан кўчанинг нариги чеккасида бораётган У-мани кўриб қолди. Улар кўпдан бери кўришмаган эдилар... Демак, у шаҳарда ишлар экан-да?

А-Кью бирдан уялиб кетди, чунки у ҳали ўзининг марди-лигини кўрсатадиган биронта қўшиқ ҳам айтиб бергани йўқ эди-да. Фикрлар бошида қуюндек айлана бошлади. «Ёш бева қабрда ётар» — йўқ бу унча дабдабали эмас. «Йўлбарс билан аждарҳо жанги»дан «Ачинаман» қўшиғи — бу ҳам кучсиз. «Қўлда пўлат қамчиним бор» — мана шу бакор келади... А-Кью қўлини силтамоқчи бўлган эди, бироқ қўллари боғлиқ эканини эслаб, қўшиқ айтолмай қолди...

— Йигирма йил ўтгандан кейин яна худди шунга ўхшаш!.. — деб ғазаб билан қичқирди у, аммо жумлани тугатолмади. У илгари бу сўзларни ҳеч қачон айтмасди, ҳозир бу сўзлар ўз-ўзидан бунёдга келди.

— Хао! Хао! — деган бўрининг увлашига ўхшаш овозлар эшитилди оломон ичидан.

Оломоннинг маъқуллаш садолари остида арава ҳамон олдинга қараб силжирди. А-Кью У-мани қидириб топди; аммо у А-Кьюни пайқамай, чет эл қуроолларини кўтариб кетаётган солдатларга ҳавас билан тикилиб борарди.

Шундан сўнг А-Кью қичқириқлар билан ўзини кузатиб бораётган оломонга назар ташлади.

Яна унинг бошида фикрлар қуюндек айлана бошлади. Бундан тўрт йил муқаддам у тоғ этагида бир оч бўрига дуч келган эди: бўри унинг орқасидан изма-из келарди, турган гапки, уни тилка-пора қилиб емоқчи эди. Шунда А-Кью жуда қўрқиб кетди; бахтига, қўлида болта бор эди; болта унга анча далда бериб, Вэйчжуанга етиб келди. Аммо бўрининг шафқатсиз, қаҳрли кўзлари бир умр унинг хотирида сақланиб қолди — у кўзлар худди ёниб турган бир жуфт лаққа чўғга ўхшар ва баданига ёпишиб олгандек туюларди... Ҳозир ҳам оломонга қараб худди бўриники сингари баданни тешиб ўтувчи даҳшатли ўткир кўзларни кўрди. У кўзлар че-

! Ха о! Ха о! — Балли! Офарин!

кинмасдан таъқиб этар, назарида, айтган сўзларини ютиб юбориб, ўзини ҳам еб қўймоқчидай бўларди. Улар на яқин келмай, на чекинмай уни кузатардилар.

Ниҳоят, бу кўзлар бир баҳайбат кўзга қўшилди-да, нақ А-Кьюнинг жонига тикилди.

«Қутқаринглар!»

Лекин А-Кью бу сўзни айтиб қичқиргани йўқ. Унинг кўз олдини қоронғилик босди, қулоқлари шанғиллаб, хаёлида бутун бадани кукун бўлиб, тўзиб кетгандек туюлди...

Бу воқиянинг оқибатига келайлик. Энг катта фалокат жаноби цзюйжэнинг ҳиссасига тушди: ўғирланган сандиқлари топилмади, бутун оиласи қайғуриб, кўз ёши тўкди. Муҳтарам Чжао оиласида ҳам зўр фалокат юз берди: сюцай шаҳарга борганида (у маъмурларга шикоят қилмоқчи эди) ноинсоф революционерлар унинг кокилини таг-туги билан қирқибгина кифояланмай, устига-устак йиғирма минг вэн беришга ҳам мажбур қилдилар; унинг оиласи қайғуриб зор-зор йиғлади. Шу кундан бошлаб аламдийдалар асрлардан бери васият қилиб келинаётган қадимги замонларга яна кўн-гил кўя бошладилар.

Кўпчиликнинг фикрига келсак, Вэйчжуанда зиддият йўқ эди, ҳамма А-Кью айбдор деб тасдиқларди, албатта. Бунинг шубҳасиз исботи унинг қатл этилиши эди. У айбдор бўлмаса, уни отиб ўлдиришармиди, ахир? Шаҳарда ҳам кўпчилик А-Кьюга тарафдор эмас эди. Деярли ҳамма: отиш бошни чопишдек қизиқ эмас, деб норози бўлиб қолди. Ундан ташқари бу қанақа бемаъни жиноятчи ўзи. Уни кўчаларда шунча узоқ олиб юрган бўлишларига қарамай, биронта кўшиқ ҳам айтиб бермаса-я! Бекорга орқасидан юриб вақт ўтди, холос...

1921 йил, декабрь.

ЕЗ БАЙРАМИ*

Фан Сюань-чо кейинги вақтларда кўпроқ «Деярли фарқсиз» дейишни ёқтириб, бу иборани негадир ҳадеб такрорлай-верадиган бўлиб қолди. Бу сўзлар оғизда айтилибгина қолмасдан,— миясига ўрнашиб олган эди. Авваллари ҳар бир нарсага «Барибир» деб қўярди, аммо, кейинчалик бу сўз унчалик улуғвор эмас деган фикрга келди-да, ўрнига «Деярли фарқсиз» деган иборани топиб, ҳозиргача шу сўзни айтиб келади.

Фан Сюань-чо топган бу ажойиб, кўп қиррали матал гоҳида ўзини ғамгин ўйларга солар, бироқ, кўпинча тасалли

берарди. Масалан: илгарилари у ёшларнинг қариялардан ниҳоят даражада қўрқишларини кўриб, маъюсланса, энди бошқача фикр юритадиган бўлиб қолди: ахир келажакда шу ёшлар ҳам болалик, набиралик бўладилар. Ҳар ҳолда улар ҳам қариялардан тортган жабр-ситамларини ёшларга қайтарадилар. Демак, бу ерда ҳеч қандай адолатсизлик йўқ. Ёки бўлмаса, илгарилари бирон аскар рикшани ураётганини кўрса, жуда хафа бўлиб кетарди, эндиликда бўлса:— агар шу рикша бирданига аскар бўлиб қолса-ю, аскар коляска тортгудек бўлса, унда аввалги рикша слдинги аскарни худди ўзини савалаганларидай саваларди. Демак, бу ҳақда ўйлаб ўтиришнинг ҳам ҳожати йўқ, деган хулоса келиб чиқади.

Шуни ҳам айтиб қўйиш керакки, Фан Сюань-чода шу фикр туғилгандан бери, гоҳи-гоҳи иккиланиб қоларди. «Йўлдан озган жамиятимиз билан қатъий курашишга ирода етмаётгани учун шундай бўлмаётганмикин?— деб ўйларди у.— Шундай кетаверилса яхшиликка ҳам, ёмонликка ҳам бепарқ қараладиган бўлиб қолинади-ку! Ҳар ҳолда янгича қарашлардан воз кечиш мақулроқ бўларди». Аммо бу мулоҳазалар ҳеч қандай патижа бермади. Фан Сюань-чоннинг янгича қарашлари тсбора миясига ўрнашиб борарди.

У ўзининг «Деярли фарқсиз» деган янги назариясини биринчи марта «Бошланғич яхшилик» деган Пекин педагогика мактабида кўнчилик ўртасида маълум қилди. У тарихий фактлар устида шундай фикр юритди: «Қадимги замон одамлари билан ҳозирги замон одамлари бир-бирларидан деярли фарқ қилмайдилар» ва ҳамма одамлар «ўз табиатлари билан бир-бирларига яқиндилар», Ниҳоят у ҳозирги замон студентлари билан амалдорлари ҳақида ҳам гап юритди. Ўз мулоҳазаларини кенгайтириб бориб, қуйидагича таълим берди:

«Эндиликда жамиятда амалдорларни койиш одат тусига кирган, айниқса, студентлар қаттиқ ҳақоратлайдилар. Аммо, амалдорлар табиат яратган ўзгача бир қабила эмас; улар ҳам оддий инсонлар-ку! Янги амалдорлар орасида аввал студент бўлганлари ҳам кўп, улар бирон нарсалари билан кўҳна амалдорлардан ажралиб туришадими? Узимиз: «Қўшилувчи сонлар ўрнини алмаштириш билан йиғинди ўзгармайди», деймиз. Уларнинг мулоҳазалари, юриш-туришлари, ҳатто нозик ва ўта нафис ташқи кўринишлари ва ҳоказо ва ҳоказолари деярли фарқсиз. Айтгандай, студентлар ташкилотларида ҳеч қачон хиёнат қилинмайдими? Бу хиёнатлар одамлар айтгандай олов сингари ўчиб, тутундай тарқалиб кетмайдими? Лекин худди мана шу ҳол Хитой келажакни таҳлика остида қолдиради. Сизларга айтиб қўяй «Деярли фарқсиз».

Аудиториянинг ҳар ер-ҳар ерида ўтирган йиғирмадан

ошиқ студентдан гоҳлари Фан Сюань-чонинг гапларига эн-салари қотса, айримлари унинг гапларини ҳақ деб топишарди; баъзиларига лекциядаги гаплар кутилмагандек туюларди: Улар жаноб Фан Сюань-чо ҳозирги замон ёш зиёлиларига ҳужум қиляпти, деб ҳисоблашга ҳозир эдилар. Бир қанча кишилар маъноли кулиб қўйишарди, уларнинг фикрича у бу гапларни ўзини-ўзи оқлаш учун айтаётган эди. Фан Сюань-чо ўқитувчилик ишини амалдорлик билан бирга олиб борарди.

Аслида уларнинг ҳаммалари ҳам ноҳақ эдилар. Бу куни Фан Сюань-чони янги ташвиш чулғаб олган эди, холос. Лекин бу ташвишнинг хом хаёлдан нарига ўтмаслиги ҳаммадан аввал ўз тақдиридан мамнун эканини кўрсатиб турарди. Бу нарса ўзининг дангасалиги ва ҳеч қандай ишга ярамаслигининг оқибати эканини билмаса ҳам, ўзини дадил ҳаракат қилишга майлсиз киши ҳисоблар ва ўз тақдиридан жуда мамнун эди. Унинг бирдан-бир ташвиши ўзини ҳар қандай кўнгилсиз воқиалардан сақлаш эди. Департамент директори «асабларингиз бузилган» деб таъна қилган чоғларида, Фан Сюань-чо, бу хизмат мавқеъимда акс этиши мумкин деб кўрқарди-да, директорнинг гапини чурқ этмай тингларди. Ўқитувчиларга ярим йилдан кўпроқ маош беришмаганда, айниқса, амалдорлик маошига кўз тикиб қолган Фан Сюань-чо оғзини очишга ҳам ботинмади. Яширганнинг фойдаси йўқ, у фақат бундай вақтларда эмас, доим оғзига толқон солиб ўтиргани-ўтирган. Ҳатто барча ўқитувчилар бирлашиб маошларини талаб қилганиларида ҳам у ўзича, ҳаддан ташқари шов-шув кўтаришяпти, деб ўйлади. Бироқ, департаментда бирга ишлайдиган ҳамкасблари ўқитувчиларни таҳқирлаганларини эшитиб, хафа бўлди. Тўғри, у дарров шахтидан тушди-ю: «Ҳар ҳолда бу нарса амалдорларнинг ҳам маоши етмаганидан келиб чиқади. Ахир улар менга ўхшаб ўқитувчилик ҳам қилишмайди-ку», деб ўзини юпатди.

Пулга ниҳоятда муҳтаж бўлишига қарамай, у ўқитувчилар жамиятига аъзо бўлмас, аммо ўқитувчилар иш ташлаганларида дарсга бормас эди. Иш ташлашга жавобан ҳукумат: «Ишга чиқсанглар пул берамиз» дерди. Ҳукуматнинг ўқитувчиларга нисбатан бундай муомаласи Фан Сюань-чони ғазаблантирарди: ҳукумат худди маймунларни банан отиб тиж-гижлаётгандай эди. Қандайдир бир «улуғ» педагогнинг: «Ўқитувчининг бир қўлида бир даста китоб ушлаб туриб, иккинчи қўлини пулга чўзиши олижаноблик эмас», деган гаплари хаёлидан нари кетмасди. Шу куни кечқурун овқат устида хотинига шунчаки норозилик билдириб қўйди.

— Ҳей, тамаддинг бор-йўғи икки хилми?— деб сўради у, «олижаноблик эмас» деган сўзни эшитган куни кечқурун кўкатларга кўз ташлаб.

Фан Сюань-чонинг ўзи ҳам, хотини ҳам янги маълумот олишга муяссар бўлмаган эдилар. Хотинининг ҳақиқий исми ҳам, тузукроқ лақаби ҳам йўқ эди.* Шунинг учун нима деб аташни ҳам билмасди. Қадимий одатга кўра, албатта тай-тай¹ деб чақирса бўлардику-ю, аммо, у жуда ҳам эскиликка берилишни ёқтирмай «Ҳей!» дейдиган бўлди. Унга мурожаат этишга хотинда «Ҳей!» деган сўз ҳам йўқ эди. У хотинининг унга тикилиб туриб гапираётган гапларини «менга айтяпти» деб қабул қилишга одатланган эди.

— Аввалги ойда олган ўн беш процент пулинг тамом бўлди... Кечаги гуручни қарзга олгунча, она сутим оғзимга келди... — деди хотини стол олдида турар экан, у томонга ўгирилиб.

— Яна ўқитувчининг ҳақ талаб қилиши олижаноблик эмас, дейишади. Бундай каллаварамлар инсонга овқат кераклигини, уни тайёрлаш учун гуруч кераклигини, гуруч олиш учун пул кераклигини тушуна олмайдилар. Шу арзимаган нарсага ҳам ақллари етмайди...

— Бу гапинг тўғри, пулсиз гуруч олиб бўлмайди, гуручсиз овқат қилиб бўлмайди.

Хотинининг жавоби билан ўз мулоҳазалари «Деярли фарқсиз» эканлигидан аччиқлангандек, Фан Сюань-чонинг лаби-лунжи осилиб, тескари ўгирилди. Шу билан одат бўйича ўрталарида ҳукм сурувчи гап тамом дегандек ишорэ қилган эди.

Ўқитувчилар берилмай қўйилган маошларини талаб қилиш учун ҳукумат биноси томон йўл олганларида, шиддатли изғирин эсиб, жала қуйиб турарди. Синьхуа² дарвозасининг олди ифлос, полициячилар калтагидан бир қанча намойишчиларнинг боши ёрилиб кетган эди; ахийри ўқитувчиларга маошларининг бир қисмини беришди. «Уроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир» дегандай, Фан Сюань-чо ҳам пул олди. Қарзларининг бир қисмини тўламоқчи бўлган эди, қарасаки, ҳали анча-мунча пул етмас экан. Гап шундаки, амалдорларга ҳам кўпдан бери маош беришмасди. Энди тўғри, номига ҳеч қандай доғ тушмаган амалдорлар ҳам маош талаб қилиш кераклиги ҳақида бош қотириб қолишди. Шунда департаментда расмий хизмат ўташи билан бирга педагогик мактабда ўқитувчилик вазифасини бажарувчи Фан Сюань-чо ҳам ҳаяжонланган ўқитувчилар доирасига қизғин хайрихоҳлик билдира бошлади. У иш ташлашни давом этдириш ҳақида қарор қабул қилган ўқитувчиларнинг умумий мажлисида, одатдагидек қатнашмаган

¹ Тай тай — хоним, бека ёки бойвучча.

² Синьхуа — янги Хитой.

бўлса ҳам, умум қарорини виждонан бажарди; дарсга чиқмади.

Ахирги ҳукумат ўқитувчилар маошини тўлади ва мактабларда ўқиш бошланиб кетди. Бу воқнадан бир неча кун олдин ота-оналар комитети ҳукуматга петиция топширди. Унда: «Агар ўқитувчилар ишга тушмаса, тўланмай келинаётган маошларини бериш керак эмас», дейилган эди. Петиция натижасиз қолди, аммо Фан Сюань-чо дарров аввалги иш ташлаш вақтидаги «Ишга чиқсанглар пул берамиз», деган ҳукумат мурожаатини эсга олди. «Деярли фарқсиз» деган фикр соядек қаршисида туриб олиб, шу-шу ғойиб бўлмади. Худди ана ўшанда аудиторияда кўпчилик олдида бу янги қарашини ифода этди. Агар, «олтин ўтда синалади...» деганларидай, Фан Сюань-чонинг «Деярли фарқсиз» деган зарарсиз назариясини қонун элагига солиб батафсил қараб чиқилса ҳам, барибир, бу фақат департаментда амалдор бўлиб ишлашини оқлаш учун топилган бир гап деган натижага келиб бўлмайди. Унинг «Деярли фарқсиз» деган назариясининг маъноси кенг эди. Энди у Хитойнинг келажак тақдири ёки шунга ўхшаш масалаларда сидқи дил билан гапирадиган бўлди. ўзини ватаннинг муҳим етишмовчиликларига жонини ачийдиган ватанпарвар қилиб кўрсатишга ҳам журъат эта бошлади: ахир кишилар «ўзини англаш сезгиси»нинг йўқлигидан ҳамиша оқсоқланадилар.

Фан Сюань-чо бу ҳақда ҳали тузукроқ ўйлашга улгурмай, «Деярли фарқсиз» эканлигини исбот қилувчи далиллар бярин-кетин кўз олдида намоён бўларди. Ҳамманинг миясини қоқиб қўлга берадиган бу ўқитувчилар тўғрисида лоақал бир оз бўлса ҳам ғамхўрлик қилмаган ҳукумат бирданга амалдорларга ҳам назар ташламай қўйди. Ваҳоланки улар ўқитувчиларга ҳеч қандай хайрихоҳлик билдиришмасди. Амалдорларга ҳамон маош тўлашмасди. Бу нарса шунга олиб келдики, яқин-яқинда тиланчи ўқитувчилардан нафратланиб юрган энг виждонли амалдорлар орасида ҳам мажлисларда жар солиб, ўз маошини талаб қиладиган бир қанча ташаббускорлар кўриниб қолди. Бу сафар атиги бир нечта газета бу ташаббускорлар устидан кулиб чикди, холос. Фан Сюань-чо бу нарсага ҳеч таажжубланмади. У ўзининг «Деярли фарқсиз» деган назариясига асосан, газета қалам-кашлари ҳали гонорардан сиқилиб қолганлари йўқ; ҳукумат ёки бой кишилар уларга ҳам пул бермай қўйганларида эди, дарҳол мажлис чақаришган бўларди, деган қатъий фикрга келган эди.

Фан Сюань-чо ўз вақтида маошларини талаб қилиб чиққан ўқитувчиларга хайрихоҳлик билдирганидай, маош талаб қилиб чиққан амалдорларга қўшилиши ҳам табиий эди.

Лекин ҳеч қандай ҳодиса юз бермагандай идорада тинчгина ўтираверди; ўз одати бўйича ҳукуматдан маош талаб қилганлар билан бирга бормади. У бирга ишлайдиган ҳамкасбларининг, ўзини бошқалардан юқори қўяди, деб норози бўлишларига оддий англашилмовчилик деб қарарди. Бу борада у: Дунёга келганимдан бери бошқаларгина менга, қарвингизни тўланг, деган илтимос билан мурожаат қилишди, мен бўлсам, ҳеч кимга бирон мартаба бўлсин бундай илтимос билан мурожаат қилган эмасман, бу ишга бутунлай қобил эмасман, дер эди. Тагин у, иқтисодий ҳукмронликни ўз қўлида тутиб турувчи шахслар билан ҳеч қачон рўпарама-рўпара келган эмасман, деб қўшиб қўярди. Агар бу кишилар ўз ҳукмронлик ва куч-қудратларидан маҳрум бўлишса-да, қўлларига «Махаяна¹ ҳақида трактат ва диннинг келиб чиқиши»ни олиб, буддизмнинг ҳақиқий моҳиятини ўрганишга киришсалар, уларга «кўнгиш хушлик билан яқинлашиш мумкин бўларди». Аммо, ҳали тахтда эканлар, Янь-ван² ҳамиша уларга ёрдир. Улар бошқаларга ўз қуллари сингари қарашади ва бечора ғарибу нотавонларнинг ҳаёт-мамотини бошқариш ҳуқуқи фақат бизларга топширилган деб ҳисоблашади. Шу сабабларга кўра, Фан Сюань-чо улар билан учрашишга ботинмас, умуман учрашишни хоҳламасди ҳам. Баъзида унинг бу хислати бошқаларга нисбатан ўзининг маънавий жиҳатдан юқори эканлигини кўрсатгандай бўлар, баъзида «Бу нарса — тўғридан-тўғри ҳар қандай қобилиятдан маҳрум эканлигимни исбот қилмасмикан?» деган шубҳага соларди.

Маош талаб қилиш умумий ҳаракатга айланиб кетди. Лекин қарзларни тўлаш кунлари ҳам бирин-сирин етиб келмоқда эди. Фан Сюань-чо шу вақтгача бундай оғир аҳволга тушмаган эди. Уйларидаги дастёр болагина эмас, ҳатто Фан хоним ҳам унга анчайин ҳурмат билан муомала қилмай қўйди. Гап мутлақо кейинги кунларда Фан хонимнинг унинг фикрларига қўшилавермаганида эмас, устига-устак у ўз фикрларини очикдан-очик айтишга журъат этадиган бўлиб қолган эди. Бу қилмишлари оздек, гоҳида жуда ҳам андишасизлик қиларди. Қамар ойи календари бўйича бешинчи ойнинг тўртинчи куни у хизматдан уйига қайтиши биланоқ хотини бир даста ҳисоб-китоб қозозини тайёрлаб унга тутқазди. Авваллари бундай ҳол рўй бермаган эди.

— Бир юз саксон юанимиз бўлсагина, қарзларимиздан қутула оламиз... Пул олдингми?— деб сўради хотини бу сарфар унга тик қарамай.

¹ М а х а я н а — буддизмнинг диний оқимларидан бири, айниқса, Жануби-шарқий Осиёда кенг тарқалган.

² Я н ь - в а н — Хитой мифологиясига кўра, дўзах ҳукмрони.

— Ҳм, эртадан бошлаб амалдорликни йиғиштираман. Пулнинг чеки олингану, лекин ҳали маош беришгани йўқ: маош беришларини талаб қилувчи комитет вакили, делегация билан бирга маош талаб қилиб бормаган кимсаларга ойлик берилмайди, ундан ташқари, пул олгани ҳар кимнинг шахсан ўзи бориши керак, деди. Қандайдир чеклар топиб олиб, бизларга Янь-вандек қарашади. Ростимни айтсам, қарагани ҳам юрагим бетламайди... Бундай чексиз таҳқирланиб пул ҳам олмайман, ишламайман ҳам.

Фан хоним бундай мардонавор ғазабланишни кўришга камдан-кам муяссар бўларди, аввалига кўрқиб ҳам кетди, ammo дарров ўзини босиб олди.

— Менимча, борган ва шахсан олган яхши, ахир бунинг ҳеч қандай қийинчилиги йўқ-ку,— деди у, эрининг юзига тикилиб.

— Бормайман. Бу садақа эмас, амалдорликнинг маоши... Қонда бўйича, бухгалтериянинг ўзи пулни тарқатиши керак.

— Борди-ю, тарқатишмаса, унда нима қилиш керак бўлади? Ҳа, айтгандек, кеча айтаман деб эсимдан чиқибди, болалар мактабда ўқиш пулини сўрашяпти, дейишган эди. Огоҳлантириб айтишибдики, агар бу сафар ҳам тўламасак...

— Бўлмаган гап! Ҳам ишлаб, ҳам ўқитган отасига на у ердан, на бу ердан ҳақ тўлашмайди-ку, ўғли ўқишга кирар-кирмас дарров пул сўрашади...

Унинг жаҳли чиққани ўзини-ўзи мактаб директори ўрнида кўриб, ҳеч нарса билан ҳисоблашмаётганини сезган Фан хоним, унга гап қайтармади, чурқ этмай қўя қолди.

Овқат устида иккови ҳам оғиз очишмади. Фан Сюань-чо бир дақиқа ўйланиб турди-да, асабийланиб кўчага чиқиб кетди.

Кейинги йилларда Фан Сюань-чо қадимий одат бўйича Ёз ва Янги йил байрамлари арафасида, уйга, албатта, ярим кечада қайтар ва йўл-йўлакай қўлтиғи тагидан тугунча чиқариб, «Ҳей, мана буни ол!» деб бақирар ва хотинига бир даста Хитой банкаси ва Алоқа йўллари банкасининг шалдирама пулларини мамнун топширарди. Бу бешинчи ойнинг¹ тўртинчи кунини эски одатнинг бузилиши ва кеч соат етти бўлмасданоқ уйга қайтишини ким билибди дейсиз. Эрини кўриши биланоқ хизматдан бош тортибди, деб Фан хонимнинг ўтакаси ёрилаёзди, лекин тикилиб қараб, унинг юзида ҳеч қандай ғайри одатий ифодани кўрмади.

— Нима гап?.. Нега бунчалик эрта қайтдинг?— деб сўради хотини диққат билан унга тикилиб.

— Пул бериб улгуришмади. Бир чақа ҳам ололмадим.

¹ Қамар ойи календари бўйича бешинчи ойнинг тўртинчи кунини — Ёз байрами арафаси.

Байрам муносабати билан банк ёпилди. Энди саккизинчига-ча кутиш керак.

— Эҳтимол, шахсан бориб олиш керакдир?— қўрқиб сўради хотини.

— Йўқ, бу гапни бекор қилишди: аввалгидек бухгалтерия тарқатади, дейишяпти. Аммо бугун банк ёпиқ. Байрам муносабати билан уч кун ишламайди. Саккизинчигача кутишга тўғри келади.

У ўтириб, маъюс ерга кўз тикди, кейин бир хўплам чой ичиб, секин гап бошлади:

— Бахтимизга, яминда¹ аҳвол тузук, ҳар ҳолда саккизинчига пул бўлса керак... Илгаридан яқин алоқада бўлмай келган кишингдан қарз сўраш ҳақиқатан оғир. Овқатдан кейин Цзинь Юн-шэнни роса қидирдим. У ёқ-бу ёқдан бирпас лақиллашдик. У, маош беришларини талаб қилмаганимга, шахсан бориб пул олишга кўнмаганимга аввалига мақтади. У, бу — ўтакетган ҳалоллик ва олижаноблик, яхши одам шундай қилиши ҳам керак эди, деди. Аммо, ундан беш юз юан қарз сўрамоқчи бўлганимни англаган заҳотиёқ, худди мен унга атайлаб намакоб ичиргандек ўзгарди-қолди, Юзини қўлдан келганча буриштириб-қуриштириб, пулдан қийналаётганининг сабабларини бирма-бир санаб кетди: кимдандир ижара ҳақисини олмабди, савдо ишидаги қандайдир зарарининг ўрни ҳали қопланмабди... Хуллас, гап пулни шахсан бориб олишни маслаҳат бериш билан тугади-ю, мени кузатиб қўя қолди.

— Байрам олдидан ким бировга қарз берарди?— деди хотини бамайлихотир.

Фан Сюань-чо яна хаёлга чўмди. Уйлаб-уйлаб бугунги ишнинг ҳеч бир ҳайрон қоларли жойи йўқ, деган қарорга келди. Ахир у Цзинь Юн-шэн билан сирдош эмасди-да! Шу пайт ўтган йилги Янги йил байрами арафасидаги воқиа ёдига тушиб қолди. Бир ҳамшаҳари келиб, ўн юан қарз сўраб қолди. Худди шу вақтда Фан Сюань-чо маошга чек олган эди, аммо, у қарзини қайтиб беролмайди, деб чўчиди-да, ўзини пулдан қийналиб тургандай кўрсатди. У, маошимни олганим йўқ, мактабда ҳам ҳали пул беришгани йўқ, жуда-жуда афсусланаман-ку, аммо, ёрдам беролмайман, деб ҳамшаҳарини қоқ-қуруқ жўнатиб юборди.

Фан Сюань-чо хомушлик билан дастёр болага, вино дўкондан қарзга бир шиша нилуфар настойкаси олиб келишни буюрди. У оддий бир нарсани мўлжаллаган эди: дўкондор, Янги йил олдидан харидорлар муқаррар қарзларини тўлайдилар, деб умид қилади-да, албатта қарзга настойка беради.

¹ Я м и н — давлат идораси,

Борди-ю, қарзга бермаган тақдирда, эртага Фан Сюань-чо унга бир тийин ҳам бермайди. Бу дўкондорнинг қилмишига яраша жазо бўлади.

Нилуфар настойкаси қарзга олиб келинди. Фан Сюань-чо икки пиёла ичган эди, қонсиз юзига қизил югурди. Кечки овқатдан кейин бир оз кўнгли ёзилди ва роҳат қилиб машҳур «Хадэмин» сигаретидан бирини чекди. Кейин столдан «Тажрибалар» номли шеърлар тўпламини олиб, каравотга чўзилди.

Фан хоним каравотга яқин келиб, унга тикилди.

— Эртага дўкондорларга қарзимизни қаердан олиб тўлаймиз?

— Дўкондорларга?.. Саккизинчида пешиндан кейин келишин.

— Мен уларга бундай деёлмайман. Гапимга ишонишмайди ҳам, кўнишмайди ҳам.

— Нега ишонишмас экан! Бориб сўрашлари мумкин. Ямин бўйича битта одам ҳам пул олмади, ҳамма саккизинчини кутяпти...

Фан Сюань-чо кўрсаткич бармоғини фазога ниқтади. Фан хоним унинг бармоқ ҳаракатини диққат билан кузатарди; Фан Сюань-чо ҳавода ярим доира чизди-да, китсб саҳифасини очди. Бундай қўпол мусмала Фан хонимни довдиратиб қўйди, аммо, шундай бўлса ҳам ўзини ўнглаб:

— Менимча, бундан кейин бу алпозда яшаб бўлмайди... Бирон нарса ўйлаб топиш ва бошқа иш билан шуғулланиш керак,— деди.

— Нима ўйлаб топасан? «Қўлингдан келмаган ишга уринма, уриниб тузоққа илинма», дейишади-ку! Бошқа нима билан шуғулланардим?

— Шанхай китоб дўконига асар ёзиб бермапмидинг?

— Шанхай китоб дўконига? Ахир улар қўл ёзмаларни сотиб олаётганларида ҳар бир иероглифни санаб чиқади-лар. Иероглифлар орасида қолган очиқ жойларга ҳақ тўлашмайди. Уларга атаб ёзган ҳозирги замон услубидаги шеърларимни кўрдингми, қанча оқ жойи бор-а?! Эҳтимол, бутун бошлиқ китоб уч юз чақа ҳам бўлмас. Умуман, мана олти ой бўлди, авторлик ҳуқуқига ҳақ тўлаш ҳақида бирорта хабар беришгани йўқ. «Тоғдаги сув билан уйингга тушган ўтни ўчиролмайсан».

— Шундай экан, шу ердаги газета редакциясига берсанг бўларди.

— Шу ердаги редакцияга? Менга редакцияда ишлайдиган бир студент энг катта редакцияда ҳам бир минг иероглифга арзимаган чақа тўлашади, деб айтди. Кечаю кундуз ишлаганда ҳам бу пул билан сизларни боқиб бўлмайди. Ундан ташқари менинг бунча тайёр асарларим ҳам йўқ. ...

— Шундай қилиб, байрамдан кейин нима қиламиз?

— Аввалгидек амалдорлигимни қилавераман... Дўкондорлар келишса, пулни саккизинчида пешиндан кейин оласизлар деб жавоб беравер, вассалом.

У яна китоб ўқишга тутинди. Фан хоним қулай вақтни қўлдан бериб қўйишдан қўрқиб, шоша-пиша гапира кетди:

— Байрам ўтгач, саккизинчидан кейин... ҳалиги, ютуқли лотерея билети сотиб олсакмикан деб турибман.

— Ана бемаънилики! Хўп топиб гапиради-да, мана нодонлик! — аччиғи чиқди Фан Сюань-чонинг.

У бирданига жим бўлиб қолди: Цзинь Юн-шен кузатиб қўйгандаги ҳолати эсига тушди. Нима қилишини билмай, Даосянцун орқали айланиб келган ва дўконлар эшигига катта-катта иероглифлар билан, «Энг катта ютуқ — бир неча ўн минг юан» деб ёзилган эълонларни кўрган эди. Шунда унинг юраги орзиқиб, қадами секинлашган, охири олтиш тийинини кўзи қиймагани учунгина дадил ва шахдам юриб ўтиб кетган эди.

Буни эслаганда Фан Сюань-чонинг ҳатто чеҳрасида ҳам ўзгариш юз берди. Фан хоним, менинг бефаҳмлигимдан жаҳли чиқди, деган хаёлга борди-да, гапни тўхтатиб, нари кетди. Шундай қилиб, Фан Сюань-чо бошлаган гапни охирига етказа олмади ва каравотга чўзилиб, «Тажрибалар» тўпламидаги шеърларни оҳанг билан ўқий бошлади.

1922 йил, июнь.

Ж И Л О

Чэнь Ши-чэн бўлис маҳкамаси қошида имтиҳон топширганларнинг деворга осиб қўйилган рўйхатини қараб чиқиб уйига қайтганда, вақт пешиндан оққан эди. У маҳкамага барвақт келиб, рўйхатдан ўз фамилиясини қидира бошлади.

Рўйхатда Чэнь иероглифлари анча-мунча бўлгани билан ҳаммаси ҳам бир-биридан орқада қолгиси келмагандай унинг кўз олдидан липиллаб ўтарди. Лекин улар орасида Ши-чэн исмли Чэнь иероглифи кўринмас эди.

Ўз номини топишга умид қилиб, ҳар хил номлар билан тўлган ўн икки варақли рўйхатни қайта-қайта қаради.

Рўйхатга қарагани келганларнинг ҳаммаси аллақачон тарқалиб кетган, имтиҳон залига кираверишдаги ташқи девор олдида ёлғиз унинг ўзингина турар эди.

Қиш яқинлашаётган эди. Совуқ шамол Чэннинг унча ўсмаган мош-гуруч сочини сийпаб ўтарди, лекин ҳали ҳароратини йўқотмаган қуёш нури худди офтоб ургандек борган сари бўзариб бораётган юзини иситарди. Унинг чарчоқдан қизариб, шишиб кетган кўзларида қандайдир ажойиб ёрқин жило мамоев бўлди. Чэнь энди иероглифларни ҳам бир-бири-

дан ажратолмасди: кўз олди қоронғилашиб, ҳисобсиз қора доғлар кўринарди, холос.

Қандай яхши! Мана, у биринчи фан даражасини олиб, вилоят марказига кетади. У ерда навбатдаги илмий даражага имтиҳонни муваффақиятли топширади... Ҳурматли ва басовлат кишилар у билан қариндош тутинмоқчи бўлишади, ҳамма уни иззат-ҳурмат қилади ва аввал менсимай муомала қилгани учун қаттиқ афсусланади. Бу нарсалардан киши эсанкирай бошлайди... У хароба кулбасига кириб олганларни ҳайдайди. Йўғе! Ҳайдаб нима қилади, ўзи у ердан кўчиб кета қолади-да! Унинг данғиллама янги уйи бўлади. Дарвозадан кираверишда байроқ билан жадвал илиғлиқ туради... Кейинчи, ким билади дейсиз, эҳтимол, марказ амалдори мавқеига етишнинг иложи бўлар. Агар бу нарсалар бўлмаса-чи? Йўқ, Яхшиси хаёл суриш керак эмас...

Мана энди ҳар куни орзу қиладиган келажак ҳаётининг тартиби, худди сувдаги қанд минорадай эриб кетди.

У ихтиёрсиз қайрилди-да, дармони қуриб, кўзи тинган ҳолда уйи томон одимлади.

Остонага оёқ қўйиши билан еттита ўқувчиси бараварига шанғиллаб дарсларини ёд олишга тутинди. Чэннинг хаёлида, қулоғи остида биров бонг ургандай бўлиб, бу тасодифдан чўчиб тушди. Кўз олдида сочлари диккайиб турган болаларнинг бошлари намоён бўла бошлади, хона аста-секин бу бошчаларга тўлиб борарди. Чэнь оёғида туролмайд, курсига ўтирди. Ўқувчилари ер остидан уни кузатишарди.

— Жўнанглар!— деди юраги сиқилиб, бирпас жим тургач.

Болалар шоша-пиша китобларини йиғишди-ю, тутундай тарқаб, ғойиб бўлишди. Чэнь Ши-чэннинг кўзига ҳамон гоҳ қўшилишиб қора доира ҳосил қилган, гоҳ ажойиб-ғаройиб шаклдаги болалар боши кўринарди.

— Мана, энди ҳаммаси тамом бўлди!

Чэнь қўрққанидан сапчиб ўрнидан туриб кетди. Овоз қулоғи остида жуда аниқ янгради. У қайрилиб қаради — ҳеч зоғ йўқ. Бирданига яна худди қулоғи остида бонг урилгандек туюлди; Чэнь кимгадир итоат қилаётгандек пичирлаб:

— Мана, энди ҳаммаси тамом бўлди!— деб такрорлади.

Қўлини даст кўтариб, бармоқларини бука санай кетди...: ўн бир... ўн уч... бу йилгисини ҳам ҳисобласа, ўн олти мартаба имтиҳон топширди, аммо адабий иншоларининг қадрига етиб, муносиб баҳо берадиган имтиҳон олувчи топилмади. Ачинарли ҳол, албатта! Бу — қорачиғсиз кўздай гап-да! Чэнь бирдан қаҳ-қаҳ уриб кулди. Бироқ, шу заҳотиёқ уни қайғу босди, шошиб китоб орасидаги оққа кўчирилган иншоларини ва имтиҳон билетини олди-да, эшик томон юрди. Остонада тўхтади — қандайдир ўткир жило кўзини қамаштирди.

Хаёлида товуқлар ҳам уни калака қилаётгандай эди... Ташқарига чиқишга ботинмай эшикни ёпди. Кўзи ёнарди. Кўзига аллақандай ажиб нарсалар кўринарди: келажак ҳаётидан лавҳалар — эриб кетган қанд минора. Минора ўсиб, улғайиб унинг йўлини буткул тўсиб борарди.

Кўшнилари овқатларини аллақачон еб, идиш-товоқларини ҳам ювиб бўлишган эди. Чэнь Ши-чэннинг хаёлига бўлса, овқат ҳам келмасди. Қўни-қўшнилари имтиҳонлар тамом бўлган пайтда Чэнь Ши-чэннинг кўзларида ажойиб бир жило пайдо бўлиши ва бундай пайтда яхшиси вақтлироқ уйга кириб олиб, уни ўз ҳолига қўйиш кераклигини аввалги йиллар тажрибасидан яхши билишарди.

Бора-бора овозлар тинди, кейин чироқлар ўчди, фақат тунги совуқ осмонга аста-секин ой чиқиб келарди. Чэнь эшикни очиб, ташқарига чиқди.

Кўм-кўк осмон худди денгизга ўхшарди. Унда сувли шиша идишга солинган оҳак сингари булутлар енгил сузиб юрарди. Ой совуқ нурларини Чэнь Ши-чэннинг устига ёғдирарди. Ой алдамчи ва сирли нур сочувчи металл ойна билан янгитдан жилоланганга ўхшарди. Бу нур Чэннинг аъзойи-баданидан ўтиб кетди, унинг кўзида ой худди ялтироқ қабарик шишадай акс этарди.

Чэнь ҳовлида у ёқдан-бу ёққа юрарди. Атрофга жимлик чўккан. У аста-секин ўзига келди, кўзи ҳам равшанлашди. Яна бирданига унинг тинчлиги бузилди. У кимнингдир шошқин ва бўғиқ овозини аниқ эшитди:

— Чапга бурил, ўнгга бурил...

У ҳаяжонланиб бошини эгди-да, диққат билан қулоқ сола бошлади. Уша овознинг ўзи, аммо янада қаттиқроқ:

— Ўнгга бурил...— деб такрорлади.

Уни хаёл олиб кетди. У салқин кечада шу ҳовлида ўтказган ёз кечаларини эслади. У пайтларда ҳали оиласи хонавайрон бўлмаган эди. Ёши ўнларда бўлиб, дим кечалари ҳовлида ётарди. Бувиси уни бамбук сўрига ётқазиб қўйиб, ёнига ўтирарди-да, қизиқ-қизиқ эртақлар сўзлаб берарди. Бувиси ҳам бир пайтларда ўз бувисидан эшитганларини айтиб берарди. Қадим Чэнлар авлоди жуда бой бўлган, ҳозир уларнинг уйи турган жой қачонлардир даҳма бўлиб, унга бобо калонлари беҳисоб кумушлар кўмишган. Хазинани авлодлардан жумбоқни еча билган бахти бор киши топади; аммо шу вақтгача уни ҳеч ким тополмади. «Чапга бурил, ўнгга бурил, бир қадам олдинга, бир қадам орқага юр, ана шу ерда хумча тўла олтин, кумуш бор».

Чэнь бу жумбоқни ечиш учун ҳеч кимга билдирмай, кўп бош қотирар эди. Аммо, афсуски, ҳар сафар ниҳоят ечдим, деб ўйлаганда, янглишганини пайқаб қоларди.

Бир кунн Чэнь хазина Танларга ижарага берилган уй остига кўмилган, деб ўз-ўзини ишонтирди-ю, аммо у ерни бо-риб кавлашга журъат этмади. Бир қанча вақт ўтгандан кейин бу сафар ҳам хато қилганини англади.

Ўз уйининг ҳамма жойи кавланиб ташланган эди. Муваффақиятсиз имтиҳонлардан кейин у жон-жаҳди билан ер кавлар, кейин бу бемаъни меҳнатнинг оқибатига уялмай боқолмасди.

Мана бугун яна металл жилоси уни васвасага солиб, тинчлик бермай қўйди. У фақат васвасанинг кучини синаш учунгина иш бошламай турарди. Охири ўзини ушлаб туролмади-да, қайрилиб уйининг очиқ эшигига қаради.

У ерда металл жилоси худди тухумсимон оқ слпигичдай милтилаб кўзга ташланарди. Чэнь:

— Ҳар ҳолда шу ерда! — деб бақирганча ичкарига шердай отилди. У кириши билан, жило ғойиб бўлди. Эски, қаровсиз уйда бир неча синиқ китоб столлари ётарди, холос. У синчиклаб кузата бошлади. Бир сз ўтгач, яна жило пайдо бўлди. Олтингугурт яллиғидан ҳам ёрқин ва тоза, тонги ёришадеган чоғдаги ғира-ширадан ҳам нозик жило шарқий томон дёворига суяб қўйилган ёзув столи остидан чиқаётган эди.

Чэнь Ши-чэн эшик орқасига шердай ташланиб, белкурак ахтара бошлади. У қандайдир қора сояга тўқнаш келиб, чўчиб орқага тисарилди. Кейин чироқни ёқди. Белкурак жойида турарди. Столни суриб, белкурак билан катта-катта тўртта ғиштни ўйиб чиқарди-да, чўккалади — ғиштнинг ости тоза сариқ қум эди. Енгини шимариб кавлай бошлади, қум тагидан қора ер чиқди. Нафасини чиқармай аста-секин кавлашда давом этди. Сокин кечада ерга урилаётган белкуракнинг жангисиз овсзи эшитиларди, холос.

Чэнь ер кавлаб чуқургина ўра ҳосил қилган бўлишига қарамай кумушли хумчалардан дарак йўқ эди. Хаяжон тўла бўғиқ овсз-ла бақирди, кўли чангак бўлиб қолган эди. Шу пайт белкуракнинг ўткир учи қаттиқ бир нарсага урилди. У белкуракни улоқтириб, қаттиқ нарсени ушлаб кўрди. Бу — каттакон ғишт экан, таги яна ер чиқди. Чэнь қўлида янада ғайрат билан кавлай бошлаган эди, бирданига кичкина, қаттиқ нарса топиб олди. Бу занглаб кетган қадимги танга экан. Танга кетидан парча-парча чинни синиғи чиқди.

Чэннинг юраги уюшиб кетди. Терга чўмиб ерни кавлай-верди, сал ўтмай қўлига тақага ўхшаш, аммо, қўлга унашидан жуда мўртдай сезилган ғалати бир қадимий нарса ундади. Чэнь чироқ ёруғида кўриш учун уни эҳтиётлик билан қўлига олди. Бу унда-бунда тишлари қолган-у, ўзи чириб битган жағ суяги эди. Чэнь топган нарсани синчиклаб қарар экан, «бу паст жағ» деб ўйлади. Бирдан жағ суяғига

жон кириб қимирлагандай бўлди. Чэнга у худди қаҳқаҳ уриб кулар экан:

— «Мана, энди ҳаммаси тамом бўлди»,— дегандай бўлди.

Даҳшатдан Чэннинг оёқ-қўли музлаб қолди. Панжалари беихтиёр очилди-ю, қўлидаги жағ суяги ўрага тушиб кетди. У уйдан югуриб чиқиб, томнинг сояси тушиб турган қоронғиликка яширинди. Уйга қайтиб киришга юраги бетламаслигини сезди-да, ўзини босиб, очиқ эшикка ўгринча мўралади: чироқ аввалгидек липиллаб ёниб турар, жағ суяги қаҳқаҳ уриб гиржайиб турарди. У бўғот соясига ётиб, кўз юмди. Тунги сокинлик уни тинчлатарди. Яна худди қулоғи остида кимдир чўзиқ товуш билан:

— Бу ерда ҳеч нарса йўқ... Тоққа чиқ...— деб шивирлаётгандек туюлди.

Чэннинг ҳорғин миясидан гира-шира хотиралар ўтди: бу сўзлар кундизиёқ, кўчада қулоғига чалинган эди. Бу сўзларнинг яна такрорланишини кутишнинг нима кераги бор. У бошини кескин орқага ташлади. Ой Сигафин чўққисидан оққан эди. Бу узоқдаги тоғлар худди кўз олдида тургандек эди. Уларнинг қоп-қора, қиррали чўққилари баланд осмонга кўтарилган, ён-теваригидан беҳисоб оқ жило ёғиларди. Яна ўша тутқич бермас жило!

У «тоққа чиқиш керак» деган қарорга келиб, йўлга тушди.

Очилиб ўша заҳотиёқ қайта ёпилган эшик овози эшитилди. Кейин атрофга жимлик чўкди, ҳовлида тинчлик ҳукм суради, бу тинчликка ҳеч нима халал бермасди. Бирдан лопиллаб кетган чироқ нури хона ва кавланган чуқурни ёритди-да, чарсиллаб ўчиб қолди. Чироқнинг мойи тамом бўлган эди.

Эрта тонгда шаҳарнинг ғарбий дарвозаларида «Эшикни очинг...» деган овоз эшитилди. Шамолда исга осилиб тушаётган ўргимчакдек қалтираётган бу овозда ишонч ва умидсизлик бор эди.

Эртаси кун кимдир шаҳарнинг ғарбий дарвозаларидан ўн беш лича наридаги Вам-лю кўлида ўлик кўрибди. Бу хабар то оқсоқол эшитгунча ҳам бўлмади тезлик билан бутун қишлоққа тарқалди. Катталаримиз аҳолига мурдани қирғоққа олиб чиқишни буюришди. Бу ўрта бўйли, бесокол, эллиж ёшлардан ошган эркак киши эди. У яланғоч эди. Бу мурда Чэнь Ши-чэн-ку, деган кишилар бўлди, аммо, қўшнилари келиб қарашга эринишди, қариндошлари топилмади. Бўлис бошлиғи ўтказган тафтиш тамом бўлгач, мурда оқсоқол томонидан кўмилди.

Улимнинг сабаби ҳеч қандай шубҳа туғдирмади. Чўкиб ўлган кишининг кийимлари бўлмаса ҳам, тўнаш мақсадида ўлдирилган деган гумонга олиб келолмади. Бунинг устига тафтиш олиб борган амалдор, унинг ўз-ўзини ўлдирганини аниқ-

лади, чунки тирноқ остларига балчиқ тўлиб қолган эди. Ҳар ҳолда сув остига чўккач, ҳаётини сақлаб қолиш учун ҳар нарсага ёпишган ва типирлаган бўлса керак.

1922 йил, июнь.

ҚУЁНЛАР ВА МУШУК

Санъ тайтай ичкари ҳовлидаги бир кулбада яшайди. Ёз кунларидан бирида у болаларига бир жуфт оқ қуён сотиб олди. Бу қуёнчаларни яқиндагина оналаридан ажратишгани кўриниб турарди. Эсиз ҳайвонлар соддадиллик билан термилар, узун пушти қулоқларини динг қилиб, бурунларини қимирлатишарди. Одамларга ўрганмаганлик ва нотаниш жойга келиб қолганликдан уларнинг кўзларида қўрқув, ишончсизлик акс этарди.

Ибодат байрами кунини бозордан бир жуфт қуённи икки дая¹га оласан. Санъ тайтай хизматкорини юбориб дўкондан олдиргани учун битта қуён бир юанга тушди.

Ҳаммадан кўпроқ қувонишган болалар бўлди. Улар қий-қириб қуёнларни ўраб олишди ва ҳар томондан томоша қила бошлашди. Катталар ҳам келишди. Ҳатто Эс деган кучук югуриб келди. У қуёнларга ташланди-ю, ҳавони искаб кўриб четга отилди. Санъ тайтай унга:

— Йўқол, Эс, тишлай кўрма!— деб қичқирди.

Кучук бошига калтак теккандек қочиб кетди, қайтиб қуёнлар ёнига йўламади. Қуёнларни уйда сақлаб бўлмасди: нега деганда улар қоғоз йиртишар, ёғоч мебелларнинг оёғини ғажижарди. Шунинг учун уларни ҳовлига, тут дарахти ёнига жойлаштиришди. Ерга қуёнлар яхши кўрадиган, пишган тут тўкиларди. Баъзан улар, ҳатто Санъ тайтай келтириб берадиган кўкатларни ҳам ейишмасди. Ҳовлига қарға ёки зағчалар учиб келгудек бўлса, қуёнлар танасини букчайтириб, кучларининг борица орқа оёқлари билан ер тепинар ва осмонга ирғир эдилар. Қушлар қўрқиб учиб кетишарди, кейин эса, бутунлай келмайдиган бўлишди.

— Қарға ва зағчалардан қўрқмасак ҳам бўлади,— деди Санъ тайтай,— улар олса, бир оз емни олиб қочиши мумкин, аммо, энг хатарлиси ҳув анави пастак деворда қуёнлардан кўз узмай ўтирган қора мушук. Ана ўшандан эҳтиёт бўлиш керак. Яхши ҳамки Эс ҳамма вақт мушук билан чиқишмай юради, балки ҳеч нима қилмас ҳам,— деб ўзини юпатарди Санъ тайтай.

¹ Д а о — юаннинг учдан бир қисмига тўғри келадиган пул бирлиги.

Болалар қуёнларни кўпинча қўлларига кўтариб ўйнашарди. Қуёнлар бўлса, қулоқларини динг қилиб, бурунларини қимирлатар, болалар қўлида жимгина ўтиришар ва пайт топиб, сакраб тушиб қочишарди. Кечаси улар шолিপоя тўшалган кичкина ёғоч яшик ичида ётишарди; яшик Сань тайтай уйнинг орқа деразаси ёнида, бўғот тагида турарди.

Орадан бир неча ой ўтди. Тўсатдан қуёнлар ер кавлаша бошлашди. Улар жуда тез кавлашарди — олдинги оёқлари билан кавлаб, орқа оёқлари билан тупроқни чиқариб ташлашарди... Тушга бориб чуқур ин тайёр бўлди. Иннинг уларга нима кераги бор экан, деб ҳамма ҳайрон эди. Кейин синчиклаб қараб, урғочи қуённинг қорни катта бўлиб қолганини сезишди. Эртаси кун улар инга қуриган кўкат ва хазонлар ташишди.

Яқинда кичик қуёнчаларни кўрамиз деб, ҳаммамиз севиндик! Сань тайтай қуёнларни кўтариб юришни бутунлай тақиқлаб қўйди. Менинг ойим ҳам жуда севинди. Ойим кичик қуёнчалар сал каттароқ бўлиши билан Сань тайтайдан сўраб иккита қуёнча олмоқчи эди. Ушанда бизнинг деразамиз тагида ҳам қуёнлар яшайдиган бўлади. Қуёнлар ўз уйларига кўчиб ўтганларидан буён аҳён-аҳёнда ўт егани чиқиб туришарди. Кейин бутунлай кўринмай кетишди. Уларнинг ғамланган овқатлари борми, ёки бутунлай овқат ейишмайди, буни ҳеч ким билмасди. Шундай қилиб, ўн кундан ортиқ вақт ўтди.

— Ниҳоят қуёнларимиз яна кўриниб қолди, — деди қувониб Сань тайтай, — туққан болаларни ўлиб қолган бўлса керак. Қуён бола эмизаетганга ўхшамайди... сути кўп.

У хавотирланиб гапирар, лекин биз унга сира ёрдам беролмасдик.

Бир кун офтоб нур сочиб турар, шамол эсмас, ҳатто дарахтларнинг барглари ҳам қимир этмасди. Ҳовлида кулги овозини эшитдим ва нима бўлди экан, деб ташқарига чиқдим. Сань тайтай яшайдиган уйнинг орқа томондаги деразаси ёнида қўни-қўшнилари тўпланишиб, қуён боласининг ҳовлида ирғишлаб юришини томоша қилишарди. Қуён бола ота-онаси сотиб олиб келинган вақтларидан кўра анча кичик эди. Лекин у орқа оёғини ерга уриб тапиллатишни ва сакрашни биларди. Болалар менга яна бир қуён болани кўрганларини, инидан бошини чиқариб қараб, дарров беркиниб олганини шўшиб-пишиб гапира бошлашди.

— У мапа бунинг укаси бўлса керак.

Қуён кўкат ва барглари титкилаб кемира бошлади. Бирдан қуённинг ҳеч нарса емаётган отаси боласининг оғзидан новдани тортиб олди. Болалар хохолаб кулиб юборишди. Кичкина қуёнча қўрқиб кетди ва пнига югурди, каттаси унинг

кетидан чопди; отаси оёғи билан боласини инга итариб киритди-да, ерни кавлаб, кириладиган тешикни тупроқ билан беркитиб қўйди.

Ҳовлимиз жонланди, бу ҳовлида турувчилар деразаларидан тез-тез қарайдиган бўлишди. Лекин кўп ўтмай қуёнлар ғойиб бўлишди. Булутли кунлар бошланган эди. Сань тайтай ёвуз қора мушук қуёнларни ҳалок қилган деб ўйларди, мен эса, бунга ишанмай:

— Совуқ тушиб қолди, шунинг учун ҳам беркиниб олишган. Офтоб чиқса, яна пайдо бўлишади,— дердим.

Офтоб ҳам чиқди, лекин қуёнлардан дарак йўқ эди. Бора-бора уларни унутиб ҳам юборишди. Фақат Сань тайтай, ўзи боққани учун бўлса керак, қуёнларни тез-тез эслаб турарди. Бир куни у ҳовлига чиқиб девор бурчагида бошқа инни пайқаб қолибди. Синчиклаб қараса, эски ин ёнида аллақандай ҳайвоннинг оёқ излари бор эмиш. Энг катта қуённинг оёқ изи ҳам шу қадар катта бўлиши мумкин эмас. Сань тайтай ҳар куни бизнинг деворда ўтирадиган, баҳайбат қора мушукдан яна гумон қилди. Сань тайтай инни кавлаб кўришга қарор қилди. ва шу замонок кетмонни қўлига олди. Уни ўша шубҳа қийнар, лекин у кичик оқ қуёнларни кўришдан умидини узмас эди. Кавлаб-кавлаб, босилган кўкатлар устини қуён юнги қоплаган бўш инни кўришга муяссар бўлди. Бу ин янги туғилган қуёнлар учун тайёрлаб қўйилган бўлса керак. Лекин у ерда оппоқ кичик қуёнчалардан ном-нишон йўқ эди. Ташқарига чиқмай, индан бешини чиқариб мўралайдиган укаси ҳам кўринмади. Сань тантай алам қилганидан девор бурчагидаги янги инни кавлашга мажбур бўлди. Кавлай бошлаган ҳам эдикки, иккита катта қуён сакраб чиқди. Сань тайтай ўзида йўқ қувониб кетди: демак, қуёнлар кўчишибди! Кўкат ва хазонлар тўшалган, оқ юнг билан қоплаган инда Сань тайтай еттита кичкина қуённи кўрди. Уларнинг таналари пушти ранг, кўзлари эса, ҳали счилмаган эди.

Энди равшан бўлди. Сань тайтайнинг ўйлагани тўғри чиқди, мушукдан қўрқиб янги жойга кўчиб ўтишган экан. Энди уларни хавф-хатарда қолдирмаслик учун Сань тайтай еттита кичкина қуённи олиб кичкина ёғоч яшикка солди ва уйга олиб кириб кетди. Катта қуёнлар боласини боқсин деб уларни ҳам яшикка солди. Сань тайтай қора мушукни ёмон кўриш билан барча, катта қуёнларни ҳам хуш кўрмас эди. Сань тайтайнинг айтишича, ўша биз кўрган қуёнлардан бошқа яна бир неча қуён ҳалок бўлибди. Урғочи қуён ўшанда фақат иккита туққан бўлиши мумкин эмас; урғочи қуён ҳаммасини эмизмаган, шу сабабли ҳаёт учун кураша олмаганлари ўлиб кетган. Бу гап ҳам тўғри бўлиши мумкин. Еттита қуён-боланинг иккитаси жуда ориқ эди. Сань тайтай бўш қолди дегун-

ча қуёнларни қўлга олар ва ориқ қуёнчаларни унинг бағрига галма-гал ётқизиб, тўйгунча эмдирарди.

Онам менга қуён боқишининг бундай мушкул усулини ҳеч қачон эшитмаганини айтарди. Санъ тайтайнинг ғамхўрлигини «У-шуан»¹ китобига ёзса арзирди.

Қуёнлар оиласи яшай бошлади, бундан шу ҳовлида яшовчиларнинг ҳаммаси жуда хурсанд эди. Лекин барибир аввал туғилган қуёнчалар ўлиб кетишди. Мен ўшаларни эслайман ва кўнглимни ғам-ғусса босади. Ярим кечада чироғ ёнида ўтирар эканман, мана икки жонли нарса ҳалок бўлиб кетди-ю, лекин бу воқиянинг қачон рўй берганини на инсон ва на шайтон билади, деб беихтиёр ўйлайман. Улардан ҳеч қандай нишон қолмади. Ҳатто Эс деган кучук ҳам ҳурмади. Мен ўтмишни эслайман. Илгарй ҳамшаҳарлик уюшмаси уйда яшаган пайтимда, тонгда каттакон акация дарахти тагида ўтириб, кўпинча тўрғай патларини кўрардим: яқин бир ерда калхат оралагани сезиларди. Тушда қоровул келар, ҳовлини супурар, патларни йиғиштириб оларди. Шу ерда биронта жониворнинг ҳаёти барбод бўлганини ҳеч ким билмасди.

Бир куни кўчада, ғарбдаги Тўрт арк ёнидан ўтиб кета туриб, извошчи кичкинагина бир кучук болани босиб кетганини кўрдим. Қайтишимда эса, бўлиб ўтган бу фожиадан номнишон кўрмадим. Одамлар бу ерда бир ҳаёт барбод бўлганидан беҳабар, бепарво ўтиб туришарди... Ёз кечаларида деразанинг нариги ёғида кўпинча ғўнғиллаган товуш эшитиларди: ўргимчак пашшани сўраётган бўларди. Бу менга таъсир қилмайди, бошқалар бўлса, ҳеч нарсани эшитишмайди ҳам...

Агар яратгани айблаш мумкин бўлса, менинча, ҳаётнинг шу қадар осон яралиши ва шу қадар осон ҳалок бўлишида айблаш керак.

«Миёв-миёв!»— икки мушук ҳовлида яна уриш бошлади...

— Синь-эр, мушукларни сен уряпсанми?— деб сўради онам мендан.

— Йўқ, улар ўзлари уришишяпти... Уларни уриб бўлармиди!— деб жавоб қайтардим.

Мушукларнинг жазосини берганим учун онам мени кўпинча уришарди. Қуёнчалар ҳалок бўлиб кетгандан кейин эса, бу йиртқичга аёвсиз жазо беришимдан онам кўрқарди. Оиламизда мени ҳамма вақт мушукларнинг душмани деб

¹ У-ш у а н — Қадимги Хитойнинг афсонавий қаҳрамонлари ҳақидаги шеърлар тўплами.

ҳисоблашарди. Одатда мен, улар мушук тўйи бошлашганда ҳайдаб юборардим. Мен уларнинг қаттиқ қичқирганлари, уйқунгни ўчириб юборар даражада қичқирганлари учун кун бермасдим. Бундай вақтларда шу қадар қичқариш, шу қадар чинқаришнинг ҳожати йўқ, деб ҳисоблардим, Қуёнчалар ғойиб бўлишгандан кейин эса, мен «қонуний ҳуқуқ»им бор деб билардим. Онам жуда ғамхўр хотин эди. Баъзан унинг таъналарига жавобан оғзимдан уни хафа қиладиган сўзлар чиқиб кетарди.

Яратгувчи ўйламай иш қилади. Баъзи нарсаларда, балки, унга ёрдам бераётгандирман, лекин, шунга қарамай унга таслим бўлишни истамасдим.

«Қора мушук деворимизда узоқ кеккайиб юролмайди», деб ўйлардим жанговарлик билан; сирли қуролим яшириб қўйилган китоб яшигига беихтёр қараб қўярдим.

1922 йил, октябрь.

ЎРДАК КОМЕДИЯСИ

Яқинда ўзянинг олти торли гитарасини кўтариб Пекинга келган кўр рус шоири Ярошенко кўпинча менга:

— Сокинлик, саҳродагидек сокинлик,— деб шикоят қиларди.

Эҳтимол тўғридир, аммо пекинлик бўлганим учун менга бу нарса сезилмасди. «Гулсафсар ва орхидея гуллари қўйилган уйда кўп яшаган киши, уларнинг ҳидини сезмайдиган бўлиб қолади». Гоҳида менга Пекин ғала-ғовурга ўхшарди. Эҳтимол мен ғала-ғовур деган ҳолат унинг учун сокинликдир.

Менда бошқача сезги бор эди: хаёлимда Пекинда баҳор ҳам, куз ҳам бўлмасди. Асли пекинликлар, авваллари бу ер иссиқ бўлмасди, Пекиннинг об-ҳавоси ўзгаряпти, дейишарди. Аммо мен Пекинда баҳор ҳам, куз ҳам бўлмайди, деб ҳисоблардим. Қиш тугаши билан ёз келади, ёз кетиши билан яна қиш бошланади.

Қиш тугаб, энди ёз бошланган кунларнинг бирида кечқурун тасодифан бўш вақтим бўлиб қолди-ю, Ярошонконинг уйига кирдим. У Чжун Ми оиласида истиқомат қиларди. Аллавақт бўлиб қолгани учун ҳамма ухлар, уй жимжит эди. Ярошенко қалин олтин тусли қўнғир қошларини чимириб кушеткада ясланиб ётарди. У қачонлардир сайр қилган ери Бирма ва унинг ёз тунларини эслаб, хаёлга чўмган эди...

— Бундай кечаларда,— деди у,— бутун атрофда музика: уйларда ҳам, ўт-ўланларда ҳам, дарахтларда ҳам — ҳамма-ҳамма жойда ҳашаротлар чириллайди. Бу овозлар қўшилиб, сеҳрли ва ажойиб ҳамоҳанглик яратади. Бу ҳар турли

овозларга илоннинг вишиллаши қўшилади, аммо вишиллаш ҳам ҳашаротларнинг чириллашига ҳамоҳанг бўлади.

У ўтмиш хотираларини тасавурида қайта тикламоқчи бўлгандай чуқур ўйга толди.

Мен ҳеч нарсга дея олмасдим. Бундай ажойиб музикани ҳақиқатан ҳам Пекинда эшитмаган эдим. Ўз ватанимни қанчалик яхши кўрмайин, уни оқлаш учун бирон гап топиб айтолмадим. Шоир кўр бўлгани билан қар эмас эди.

— Пекинда ҳатто қурбақа ҳам қурилламайди,— деди у хўрсиниб,

Хўрсиниши менга далда берди-ю, қаршилиқ кўрсатдим:

— Қуриллайди! Ёзда, катта ёмғирлардан кейин бу ерда қурбақаларнинг қуриллашини эшитишингиз мумкин. Улар ҳар бир зовурда учрайди. Пекинда бўлса, зовур кўп.

— Шундайми!— деб қўйди у.

Бир неча кун ўтди-ю, ҳар қалай гапим тўғри чиқди. Ярошенко қаердандир ўнтача итбалиқ сотиб олиб, ўзи турадиган хона деразаси олдидаги ҳовлининг ўртасидан кавланган кичикроқ ҳовузга қўйиб юборди. Ҳовузнинг бўйи уч, эни йкки чи эди. Чжун Ми бу ҳовузни қачонлардир нилуфар учун кавлаган, аммо, бирон марта бўлсин сув бетига нилуфар ўсиб чиқмади. Бу ҳовуз қурбақа боқишга жуда қулай эди.

Итбалиқлар сувда тўдаси билан жилпанглаб юришарди. Ярошенко улардан хабар олгани тез-тез келиб турарди. Болалар бўлса, вақти-вақти билан:

— Жаноб Ярошенко, қўлчалари ўсяпти,— деб хабар бериб туришарди.

Шоир мамнун илжайиб:

— Шундайми!..— деб қўярди.

Аммо «кўлмак созандалари»ни тарбиялаш унинг асосий ишларидан бири ҳисобланарди. У, ҳар бир киши ишлаб, ўз овқатини ўзи топиши керак, деб ҳисоблар ва доим, агар аёллар уй ҳайвонларини парвариш қила олсалар, эркаклар ер чопишлари керак, дерди. У яқин танишларини кўриб қолган пайтларида, ҳовлисига қарам экишни маслаҳат берарди. Чжун Мининг хотинини асалари, товуқ, чўчқа, сигир, туя боққин деб, даъват қиларди. Ҳақиқатан кейинчалик Чжун Миларникида жўжалар кўрниниб қолди. Улар ҳовлида айланаиб юришарди. Ҳовлидаги майсаларнинг чўқиланиб ташлангани ҳам шу даъватнинг оқибати бўлса керак.

Шундан бери жўжа сотгани ҳовлимизга тез-тез деҳқонлар келиб туришади. Ҳар сафар улардан бир нечтадан жўжа сотиб олишади, чунки, жўжалар узоқ турмайди: доим кўп дов еб қўяди-да, ич кетар касалига мубтало бўлади.

Хатто биттаси Ярошенконинг Пекинда ёзган биттаю битта «Жўжа фожнаси» деган ҳикоясининг қаҳрамони бўлди.

Кунларнинг бирида пешинга яқин бир деҳқон жўжа ўрнига ўрдакчалар олиб келиб қолди. Улар чийиллашарди. Чжун Мининг хотини менга керак эмас, деди. Шу пайт ҳовлига Ярошенко чиқиб қолди. Деҳқон унинг қўлига битта ўрдакчани тутқазди. Ўрдакча Ярошенконинг қўлида тинмай чийилларди. Ўрдакча унга шундай ёқиб қолдики, қўлидан қўйгуси келмасди. У саксон вэндан тўртта ўрдакча сотиб олди.

Ўрдакчалар ҳақиқатан ҳам жуда ёқимтой эди. Уларнинг сариқ парлари қарағай бужурини эслатарди. Улар лапанглаб юришар, бир-бирларини йўқлаб чақиршар ва ҳеч бир-бирларидан ажралишмасди. Ҳамма ҳовлидагилар, «жуда яхши, эртагаёқ чувалчанг сотиб олиб едириш керак», дейишди. Ярошенко «Бу чиқимни ҳам ўз гарданимга оламан».— деб жавоб берди.

Кейин у машғулстга кетди, бошқалар ҳам тарқалишди... Бирпасдан кейин ўрдакчаларга уйдан гуруч олиб чиққан Чжун Мининг хотини сувнинг шалоплаётганини эшитиб қолди. Тўрт ўрдакча ҳовузда чўмилишаётган эди, улар сувга шўнғиб, нималарнидир ютишарди. Ўрдакчаларни ҳовуздан ҳайдаб чиқаришди, аммо сув лойқаб кетган эди, ҳа деганда тинмади. Лойқа сувдан фақат нилуфарларнинг майда томирлари чиқиб турарди, аммо, энди қўлчалари ўсиб қолган итбалиқлар ғойиб бўлишган эди.

Кечқурун болалар Ярошенкони кўришганида, бир кичкина бола бижиллади:

— Ҳалиги... нимади... қулвақани боласи... йўқ бўб қолди.

— А? Қурбақалар?— ҳайрон бўлди Ярошенко.

Чжун Мининг хотини ҳам ҳовлига чиқиб, ўрдакчалар итбалиқларни еб қўйганини айтди.

— Чатоқ бўлибди-ку!— деб ачинди у.

Орадан бир оз вақт ўтди, ўрдакчалар сариқ парларини ташладилар. Ярошенко ўз ватани — «она Россия»ни соғиниб, кутилмаганда Читага кетиб қолди.

Ҳамма ерда қурбақалар қуриллаган вақтга келиб, ўрдакчалар ҳам катта бўлиб қолди: иккитаси оппоқ, иккитаси рангдор. Энди улар чийиллаш ўрнига «Ға... ға!..» — деб ғағалашарди. Уларга нилуфарлар ҳовузи аллақачон торлик қилиб қолган, яхшиямки Чжун Милар турадиган уй пастликда, ёз ёмғири ёғди дегунча, ҳовли сувга тўлиб кетади. Ўрдаклар қувонч билан қўлмакларда сузиб, қанотлари билан сувни шапиллатишади, шўнғишади ва «Ға... ға!..» деб ғағалашади.

Ҳозир ёз яна қишга алмашинапти, Ярошенкодан бўлса, дәм-дарак ҳам йўқ. Ҳозир унинг қаердалигини билмайман ҳам...

Бу ерда бўлса, тўртта ўрдак қолди, улар «Ға... ғал...» деб ғағалашади, аммо, ҳамон жавоб йўқ.

1922 йил, октябрь.

ҚИШЛОҚ ТОМОШАСИ¹

Агар босиб ўтган икки ўн йиллик умримга назар ташласам, хитой томошасини* ҳаммаси бўлиб икки мартаба кўрибман, холос; биринчи ўн йиллик умримда томоша менда ҳеч қандай қизиқиш уйғотмагани ва унинг устига қулай фурсат келмагани туфайли бормаган эдим. Хитой томошасини икки марта ҳам иккинчи ўн йилликда кўрдим, аммо ҳар сафар ҳам уларда бирон қизиқарли нарса тополмай қайтдим.

Дастлабки марта Республиканинг биринчи йили² Пекинга биринчи бор келганимда кўрган эдим. Қачонлардир дўстим менга мамлакатдаги энг яхши томоша — Пекин томошаси эканлигини айтиб, «Шундай қилиб, наҳотки бориб кўрмасанг-а?» — деб қўшиб қўйган эди.

«Эҳтимол, ҳақиқатан ҳам бундай томошани кўриш қизиқдир, тагин Пекинда!» — деб ўйладим мен. Ана шундай қилиб иккимиз кўтаринки ва шод кайфиятда ҳаяжонланиб театрга бордик. Бу пайтда томоша бошланиб, дўмбиранинг бўғиқ овози эшитилиб турарди.

Биз минг азоб билан эшик олдига етиб бордик. Кўз олдимда қизил ва кўк кийимли гавдалар милтиллаб кўрина бошлади. Кейин саҳнани тўсиб турган бир қанча бошларга кўзим тушди. Бизлар у ёқ-бу ёққа қараб, томоша залининг қоқ ўртасида бир неча бўш жой борлигини кўрдик-да, туртилиб-суртилиб ўша томон силжий бошладик. Аммо у ерга ўтиришнинг иложи бўлмади: бир киши бизларга нималарнидир тушунтирарди, лекин дўмбира овозидан қулоғим битиб қолгани сабабли, аранг, «Бўш эмас... мумкин эмас!» деганини эшитдим, холос. Биз орқага тисарила бошладик, шунда ялтироқ сочли бошқа бир киши узун скамейкадан бўш жой кўрсатди. Лекин скамейканинг энсизлигидан унга ўтириб бўлмас, унинг устига устак жуда баланд ҳам эди, оёқлари менинг

¹ Қадим Хитойда бир неча кунлар сурункасига давом этадиган маросимли томошалар кўрсатиш кенг тарқалган эди; улар кўпинча қишлоқларда шу ернинг ҳомий руҳлари, мўл ҳосил, помешчиклар хонадонида ўнги туғилганлиги шарафи ва бошқаларга бағишланиб ташкил қилинарди.

² Республиканинг биринчи йили — 1912 йил.

оёқларимга нисбатан учдан якки ҳисса узун эди. Унга чиқиб ўтиришга юрагим дов бермади, у азоб курсисини эслатади-я, деган хаёлга бордим. Ваҳима босиб, кўрққанымдан театрдан қочиб чиқдим.

Кетимдан дўстимнинг:

— Нима қилди?— деб қичқирган овози эшитилган чоғда анча жойга бориб қолган эдим.

Ўгирилиб орқамга қарадим. Кейин билсам, у кетимдан эргашиб чиққан экан.

— Нега индамайсан? Неча мартаба чақирдим!

— Кечир дўстим,— дедим мен,— бу дўмбиралар дастидан ҳали ҳам қулоғим шанғиллаб турибди, тўғриси овозингни эшитмабман.

Кейинчалик шу воқияни ҳар сафар эслаганимда, мени бу ҳолга тушишга нима мажбур қилганини ҳеч билолмайман. Чамаси спектакль ҳаддан ташқари бемаъни бўлса керак-да. Агар янглишаётган бўлсам, демак, кейинги вақтларда бундай томошаларни кўришга ярамайдиган томошабин бўлиб қолгандирман.

Иккинчи мартаба, қайси йиллиги эсимда йўқ, сув тошқинидан зарар кўрган Хубей вилоятидагиларга ёрдам бериш учун уюштирилган хайр-эҳсон спектаклига тушиб қолдим. Шуниси ҳам борки, у пайтда отоқли артист Тянь Цзяо-тянь ҳаёт эди. Икки юан турадиган билет эҳсон берган кишига Биринчи театрға тушиш ҳуқуқини берарди. Томошалар отоқли артистлар иштирокида намойиш қилинарди. Улар орасида кичик Цзяо-тяннинг номи алоҳида ўрин тутарди. Очиғини айтганда зарар кўрганлар учун пул йиғаетган кишиларга раҳмим келгани ва чамаси қулай фурсатдан фойдаланиб, Цзяо-тянни кўриб қолсангчи, деб миямни қоқиб кўлимга берган ишқивозларнинг гапига учганимдан билет олдим. Шундай қилиб бундан бир неча йил аввал тарақа-туруқ ва шовқин-сурондан тортган азобларимни унутиб, Биринчи театрға бордим. Ҳаммадан ҳам боришимга шу нарса сабаб бўлдики, билет менга жуда қимматга тушган эди, шунинг учун театрға тушмай ташлаб юбориш алам қиларди. Цзяо-тяннинг кеч чиқиши, Биринчи театرنинг янгидан жиҳозлангани ва мен ўз жойимни уриш-жанжалсиз эгаллай олишимни суриштириб билиб тинчландим-да, соат тўққизгача уйда ивирсиб юрдим. Кутганимча бўлиб чиқмади: ҳар вақтдагидек томоша зали одам билан лиқ тўла, тиқиндан оёқ қўйгани ҳам жой йўқ эди. Тикка турган томошабинлар орасига суқилиб кириб «олижаноб кампир» ролини ижро этаётган артистнинг ашуласини узоқдан эшитишга муяссар бўлдим. «Олижаноб кампир»нинг оғиз четларида олов олдиришда пилик ўрнини ўтовчи иккита ўрам қоғоз осилиб ётарди.

Ёнила бўлса, дўзах хизматкори хушомадгўйлик қилиб айланиб юрарди. Хотирамни ишга солгач ва саҳнага будда манахи чиққач, бу кампир Му Ляннинг¹ онаси ролини ижро этаётганини сал-пал фаҳмлай бошладим. Бу ролда ўйнаётган артистнинг фамилиясини билмай, чап ёнимда ўтирган шу ерлик семиз меценатга² мурожаат эдим. У менга ўқрайиб кўз қирини ташлади-да, «Гун Юнь-фу!» деб тўнғиллади. Ўзимнинг подонлигим ва кўполлигимдан қаттиқ панд еб қизариб кетдим-да, бошқа ҳеч кимдан ҳеч нарса сўрамасликка аҳд қилдим. Шу тахлитда таннозлар, қувноқ қизлар, одобли чоллар ва яна ҳар хил ўзим ҳам билмайдиган ролларни ижро этаётган артистларнинг ашулаларини тинглай бошладим. Кейин саҳнада ур-йиқит бошланди, аввалига ҳаммаси ёқалашиди, кейин иккитадан, учтадан бўлиб ёқалаша бошлашди. Бу нарса тўққиздан ўнгача, ўндан ўн биргача, ўн бирдан ўн бир яримгача, ундан ўн иккигача чўзилди, ҳамон Цзяо-тянь чиқмасди.

Ёнимдаги семиз кишининг пишиллаб, хириллаши, саҳнадан тинимсиз мудҳиш қалдироқ ва тарақ-туруқ овозлар эшитилиб туриши, гоҳ кўк, гоҳ қизил ранг киши кўзини жимирлатишига ҳам қарамай кутдим. Умримда бирон марта бундай чидам билан кутмаган эдим. Бунинг устига соатнинг ўн икки бўлганини айтмайсизми! Ўтириб-ўтириб бирдан бу ернинг менга муносиб эмаслиги ва бундақанги томошаларнинг менга тўғри келмаслигини сезиб қолдим. Куч билан чиқиб кетмоқчи бўлиб, беихтиёр эшик томон ўгирилишим биланоқ, орқамдаги бўш жойларнинг эгаллини бўлинганини сездим: мен бўшатган жойни шу заҳотиёқ семиз кишининг ҳалимдек юмшоқ гавдаси эгаллаб олди. Энди орқага қайтишнинг иложи йўқ эди, то эшикдан ташқарига чиқиб кетгунимча туртилиб-суртилиб бордим. Кўчада томошадан чиқадиганларни кутиб турган рикшалардан бўлак ҳеч ким йўқ эди. Аммо, афишаларга анқайиб турган ўнтадан ошиқроқ анқовлар ва нарироқда бир тўда эркаклар турарди. «Улар ҳар ҳолда томоша тамом бўлганда чиқадиган хотинларни кўргани келишган бўлса керак», деб ўйладим.

Ҳали ҳам Цзяо-тянь саҳнага чиқмаган эди...

Тунги ҳаво менга ҳақиқатан «баҳримни очадиган» дейишгандай тоза ва ёқимли туюлди. Янглишмасам Пекинда тур-

¹ Му Лян ёки Му Цзянь (гань)-лян — ривоятларга қараганда Будданинг энг машҳур шогирдларидан биридир. У руҳлар билан алоқада бўлиш каби ажойиб қобилиятга эга бўлган. Лу Лян онаси азоб чекаётган дўзахга кириб, уни қутқаришга муваффақ бўлган.

² Меценат — фанга, санъатга ҳомийлик қилувчи давлатманд одам.

ганимдан бери биринчи мартаба шундай роҳатбахш ҳаво билан нафас олаётган эдим.

Бу менинг хитой томошаси билан хайрлашиш кечам бўлди. Ушандан бери у ҳақида ўйламайман. Бу томошалар қўйиладиган театрлар олдидан ўтганимда ҳам биз бир-биримизга бутунлай бепарвомиз; руҳий жиҳатдан бўлса, бир-биримиздан аллақачон ажралишганмиз, бизнинг юксак орзуларимиз бутунлай қарама-қарши бўлиб қолди: биримизники осмоннинг жанубий четида бўлса, иккинчимизники — ернинг шимолий четида эди.

Яқинда ҳеч қандай мақсадсиз қандайдир бир япон тилидаги китобчани кўриб чиқдим. Афсус, бу китобнинг номи ҳам, авторининг ким эканлиги ҳам ёдимдан кўтарилибди. Аммо китобча хитой театри ҳақида ёзилган эди. Унинг бир бобида хитой театрининг кишини ганг қилиб қўювчи музикаси, чинқи-роқ ашуласи, акрабатик сакрашлари ҳақида ёзилган эди; буларнинг ҳаммасидан томошабинларнинг мияси айланиб кетса керак. Шунинг учун автор бу спектаклларни табиат қучоғида қўйиш ва кўришни маслаҳат берарди. Унинг фикрича бу нарса яхши натижа берармиш. Автор менинг онгсиз хис этган, аммо ифода эта олмаган фикримни айтган эди. Чунки, қачонлардир табиат қучоғида жуда ажойиб спектакль кўришга муваффақ бўлганим ёдимда шундайгина сақланиб турибди. Эҳтимол, ҳали ҳам ўша аллақачонлар кўрган томошам таъсирида бўлганлигим учун Пекинда истиқомат қилиб турган чоғимда икки мартаба томошага боргандирман. Нима учунлигини билмайман-ку, аммо ўша китобчанинг номини ҳеч эслолмаяман.

Қачонлардир кўрган ажойиб спектаклимга келсак, бу ҳол одамлар «қадим замонларда» дегандек ўн бир ёки ўн икки ёшларга кирганимда, ҳақиқатан ҳам юз берган эди.

Менинг ватаним Лучжэнда шундай одат бор: агар ёш жувон ҳали эрининг уйида ҳамма рўзғор ишларини мустақил ўзи олиб бора олмаса, ёзда ойисиникига дам олгани кетади. У пайтларда бувим ҳали бақувват бўлса ҳам, уй ишининг бир қисми онамнинг бўйнида эди. Шунинг учун энди онам онасиникида узоқ вақт меҳмон бўлиб қололмасди. Шунга қарамай баҳорнинг охирларида, қабристонни тозалаш кунидан¹ кейин, бир неча бўш кун топишга муваффақ бўлди. Ана шунда онам билан бирга бошқа бувимникига меҳмонга жўнадик.

Бошқа бувим яшайдиган қишлоқнинг номи Пинцзяо эди. Бу денгиздан унча узоқ бўлмаган дарё бўйига жойлашган

¹ Қабристонни тозалаш кунни йилда уч мартаба бўлади: қамар йили календари бўйича учинчи, еттинчи ва туққизинчи ойларда. Қабристонни тозалаш маросими яшаб ўтган авлодларга атаб ис чиқариш билан тугалланади.

кичкинагина қишлоқ эди. Пинцяонинг тахминан ўттизтача хонадондан иборат бўлган аҳолиси ҳам деҳқончилик қилар, ҳам балиқ овлар эди. Бутун бир қишлоқда биттагина атторлик дўкони бор эди. Бу қишлоқ менга жаннатдай туюларди. Мени бу ерда эркалашар, ундан ташқари:

Илон изи, айлана дарё қирғоғи.

Олисларда ётади Жануб тоғлари...¹

сингари шеърларни ёд олмаса ҳам бўларди.

Пинцяода ўртоқларим кўп эди. Мен улар билан эрталабдан кечгача ўйнардим. Ўртоқларимнинг ота-оналари иззатли меҳмон зерикиб қолмасин деб, ўз болаларини уй ишларидан ҳам озод қилиб қўйишган эди. Қишлоқ меҳмонновозлиги оdatича қишлоқдаги бир кишининг уйига келган меҳмон, бутун қишлоқнинг меҳмони ҳисобланарди. Мен билан ўйнайдиган болаларнинг ҳаммаси ўзимга тенгдош эди, аммо, улар орасида авлод нуқтаи назаридан олганда, тоғаларим ва бир қанча «оила катталари» ҳам бор эди. Бу нарса қишлоқдаги бутун хонадонларни бир фамилия ва бир авлодга мансублигидан эди. Ҳаммамиз жуда қалин ўртоқ бўлиб олган эдик, аммо жанжаллашиб ҳам турардик; Ўзаро жанг авжга минган пайтларда «оила катталари» ҳам насибасиз қолмасди. Бунинг учун ҳеч ким ҳеч қандай шовқин-сурон кўтармасди, албатта. «Фань-шан» — «ўзидан каттани ҳақоратлаш» деган иккита даҳшатли иероглиф қишлоқ аҳолисининг хаёлига ҳам келмас эди. Тўғри, қишлоқ аҳолисининг тўқсон тўққиз проценти саводсиз бўлгани учун ҳам шундай бўлиши мумкин.

Бизнинг севган машғулотимиз креветка² тутиш эди. Эрта саҳарлаб чувалчанг ковлагани кетардик, кейин дарёга бориб, руҳ қармоқларга чувалчанг ўтказиб, сувга ташлардик. Бу сув ости дунёсининг энг бефаҳм жониворлари ҳисобланган креветкалар жуда осонлик билан қармоққа илинади. Улар ҳеч чўчимай панжалари билан қармоқни ушлаб олардилар-да, тўғри оғзиларига йўллардилар. Пешин бўлмасданоқ, тўла бир хумча креветка тутиб олардик. Тутилган креветкаларнинг кўп қисми менга тегарди. Кунига маза қилардим. Қўтосларни ўтлатгани олиб борганимизда иш бошқача бўларди. Қўтослар мени хафа қилишарди, эҳтимол, қўтослар алоҳида тоифадаги ҳайвон бўлганликлари учун шундай қилишар. Менинг ёт кишилигимни сезиб, ўзларига яқин йўлатишмасди. Ўзимнинг ҳам уларга яқин боришга юрагим бетламасди, подани узоқдан кузатардим, холос. Болалар мени калака қилишарди. «Илон изи, айлана дарё қирғоғи...» деб ёддан шеър ўқиганим билан ҳам уларнинг олдида обрўйим ошмасди.

¹ Эски Хитойда ўқувчилар кўр-кўрона ёд оладиган қадимий «Шеърлар китоби» (Шицзин)дан сатрлар.

² Креветка — майда денгиз қисқичбақасининг бир тури.

Болалик хаёлларим Пинцяода рўёбга чиқди: қишлоқ театр спектаклида бўлдим. Бундай томошалар ҳар йили Пинцяодан беш ли нарида бўлган катта Чжао қишлоғида бўларди. Пинцяоликлар кўп пул талаб қиладиган артистлар труппасини чақирилмаганлари учун бир оз пул бериб, Чжао қишлоғига шерик бўлардилар. Мен у вақтларда не сабабдан ҳар йили томоша қўйилиши ҳақида ўйламасдим ҳам. Энди билсам, бу — одатий баҳорги байрам экан.

Ун бир ёки ўн икки ёшга тўлган йилим биринчи мартаба театр кўрдим. Бахтга қарши, худди ана шу бир қанча вақтдан бери орзиқиб кутилган кунда Чжао қишлоғига боришга қайиқ топишнинг иложи бўлмади. Пинцяода биттагина йўловчилар жонкаси бўлиб, эрталаб қишлоқдан чиқиб кетиб, кечқурун қайтарди. Бошқа қайиқлар кичкина бўлиб, бизларнинг сайримизга ярамасди. Қўшни қишлоқдан топиб келишга одам юбордик, аммо, у ерда ҳам аввалданоқ ҳамма қайиқлар тарқатилиб бўлинган экан. Бувим бақириб-чақириб, вақтида қайиқ топишга ҳаракат қилмаганлари учун оиладагиларнинг ҳаммасидан ҳам хафа бўлди. Онам бувимни юпатиш учун, Лучжэннинг томошалари бу ердагига қараганда анча яхши, йилига бир неча бор томошага борамиз, бугун бормасак ҳам бўлади, деди.

Алам қилганидан йиғлаб юборишимга сал қолди. Онам, бувимнинг яна жаҳли чиқишидан кўрқиб, мени инжиқлик қилмасликка ундади. Аммо, бувимни хавотир олдирмаслик мақсадида бошқалар билан боришимга ҳам қўймади.

Вақт пешиндан олган эди. Уртоқларимнинг ҳаммаси аллақачон Чжао қишлоғига кетиб қолишган. У ерда кундузги томошалар бошлангани туфайли хаёлимда дўмбира ва бонг овозларини эшитаётгандай бўлардим. Унинг устига болаларнинг фақат маза қилиб томоша кўрибгина қўя қолмай, соя сути ичаётганларини ҳам билардим.

Уша кун криветка тутгани ҳам бормадим, овқат ейишни ҳам қатъи рад этдим. Онам ташвишлангани билан менга қарши ҳеч нарса қилолмади. Кечки овқат устида бувим, менга ачинаётгани, меҳмонга нисбатан бундай ҳурматсизлик қилингани учун аҳволимга тушунаётгани, бу ҳол уйдагиларнинг ҳаммаси ялқов бўлиб қолгани учунгина солир бўлгани, шунинг учун хафа бўлишга ҳақим борлигини айтди.

Болалар қайтишган пайтда қоронғи тушган эди. Улар менга кўрган томошаларини бир-бирларига гал бермай барабар гапириб беришар, мен бўлсам, қовоғимни солиб, индамай ўтирардим. Уртоқларимнинг менга раҳми келиб, хўрсиниб қўйишарди. Улар энди уй-уйларига тарқалиб кетишмоқчи бўлиб туришган эди, Шуан-си:

— Қайиқ йўқ дейсизларми? Ахир Ба бобонинг қайиғи қайтиб келди-ку!— деб қолди.

Болалар хурсанд бўлиб ғовур-тўполон кўтаришди ва нима қилиш кераклиги ҳақида ўйлаб қолишди. Ахийри ўнтачаси, кечқурунги томошаларга биз билан боргин, деб таклиф қилиб қолишди. Хурсанд бўлиб кетдим. Ҳали ёш бўлганимиз учун бувим чўчиди ва бир ўзимни болалар билан юборишга ҳеч кўнмади. Бунинг устига онам бўлса, биронта каттароқ одамдан илтимос қилиб сизларни унга қўшиб юбориш мумкин эди-ю, аммо кундузи ҳамма ишлайди, кечаси дам олишга имкон бермаслик инсофдан эмас, деб қўшиб қўйди.

Шундай қисталанг бир пайтда Шуан-сигина дадилланиб: — Ҳамма учун мен жавоб бераман! Қайиқ катта, укамиз Синь шўхлик қилмайди, ундан ташқари биринчи марта сузаётганимиз йўқ!— деди бақириб.

Ҳақиқатан ҳам бу ўндан ортиқ бола орасида биронта ҳам сузишни билмайдиган бола йўқ эди. Бир хиллари денгиз тўлқини билан ўйнашишга ҳам уста эди.

Бувим билан онам илтимосимизга қарши турнша олмади: кулишиб энди қаршилиқ қилишмади. Биз ўша заҳотиёқ тўс-тўполон билан уйдан чиқиб кетдик. Мен хурсанд ва энгил тортгандай эдим. Хаёлимда елкамдаги оғир тоғ қулагандай бўлди. Дарвозадан чиқиб, ой нурига чўмган Пинцяо ва қайиқлар боғлаб қўйиладиган жойдаги оқ елканли катта қайиқни кўрдик. Шовқин-сурон билан қайиққа чиқиб олдик; Шуан-си олдинги қисмдаги илгакка, А-фа орқасидаги илгакка ёпишди. Ёш болалар мен билан бирга соябон тагинга, қолганлар — каттароқ болалар бўлса, орқага ўрнашишди ва биз жойимиздан жилдик.

Қайиқ жойидан қўзғалиб тошга урилгач, яна сузиб кетди. Шунда онам, «Секинроқ, секинроқ...» деб бизни огоҳлантирди. Эшкак ҳалқасига иккита эшкак ўрнаштирдик-да, ҳар бир эшкакка иккитадан одам ўтқазиб қўйдик,— ҳар лида эшкакчиларни алмаштиришга қарор қилдик,— қайиқ Чжао қишлоғи тамон йўл олди. Тўхтовсиз гап, кулги ва шовқин тезлик билан сузиб кетаётган қайиқ бурнининг сувни кесиб бораётган овозига қўшилиб кетарди.

Биз кўм-кўк далалар ўртасидан сузиб кетдик. Эшкакларнинг ҳар бир кўтарилиб тушиши билан Чжаога яқинлаша борардик. Сув бўйида ўсиб ётган лўя, буғдой ва қамишларнинг ҳиди соф тун ҳавосида анқир ва сув сатҳига тараларди. Ойнинг хафиф нури сув бетини қоплаган энгил туманни ёриб ўтарди. Ҳақлашга тайёр турган ажойиб баҳайбат махлуқнинг ўрқачига ўхшаган қоп-қора тизма тоғлар худди бизлардан қочиб бораётгандай эди. Менга нуқул, қайиқ секин сузаётгандай туюларди. Аммо эшкакчилар тўрт марта алмашишга ул-

гурган эдилар. Хаёлимда Чжао қишлоғининг ғира-шира қиёфаси кўринар, ҳатто музика ва ашулалар эшитиларди. Бир қанча чироқлар кўринди, мен буларни театрлар саҳнасидаги фонарлар деб ўйладим. Бироқ, чироқлар балиқчи қайиқларда бўлиши ҳам мумкин эди. Куй эшитилди, ҳар ҳолда най чалишаётган бўлса керак. Унинг нозик ва ўткир овози дилимга тинчлик, ўзни унутиш ҳиссини берарди. Хаёлимда бугдой, лўя ва сув ўсимликлари ҳиди билан тўлган ҳавога қўшилиб кетаётгандай эдим.

Чироқлар яқинлашди ва мен булар ҳақиқатан ҳам балиқчилар қайиқларидаги фонарлар эканига ишондим. Сарв ва қарағайлар менга Чжао қишлоғининг қиёфаси бўлиб кўринган экан. Бу ўрмонга биз ўтган йили борган эдик. Мен у ерда синиб, ағанаб ётган қадимий тош отни кўрган эдим. Ундан нарироқдаги, қалин майсазорда чўққайган тош қўй турарди. Ҳадемай ўрмонни айланиб ўтдик. Қайиқ қўлтиққа қайрилгач, бизнинг олдимизда ошиқиб кутганимиз катта қишлоқ намоён бўлди.

Эътиборимни дастлаб жалб этган нарса, қирғоқдан нарирсқда бўлган ялангликдаги саҳналар бўлди. Олисдан зўрға кўриниб турган Чжао қишлоғидаги саҳналар ҳавода парпираб тургандай эди. Кўз олдимида расмларда кўрганим узоқ вақтлардан бери хаёлимни асир этган афсонавий ўлмас кишилар мамлакати намоён бўлгандай туюлди.

Биз қирғоққа тез яқинлашиб борардик. Энди ўйнаётган артистларни фарқ этса ҳам бўларди, саҳнада қизил ва яшил гавдалар ҳаракат қиларди. Дарёда қирғоқ бўйлаб чўзилган қора нарса кўринарди — бу томошабинлар сузиб келган қайиқларнинг елканлари эди.

— Саҳна олдида бўш жой йўқ. Узоқдан кўришга тўғри келади, — деди А-фа.

Қайиқнинг юриши секинлашди, биз етиб келганимиз билан қирғоқда тўхташнинг иложи қолмаган эди. «Жинлар меҳробини»нинг рўбарўсида тургандан кўра томоша саҳнасида узоқроқ бўлса ҳам, сувга бамбук лангарларини ташлашдан бўлак иложимиз қолмади. Биз оқ елканли қайиқларимизни қора елканли¹ қайиқлар билан ёнма-ён туришини хоҳламасдик, ундан ташқари уларнинг орасида бўш жой ҳам йўқ эди. Қайиғимиз тўхтагунча саҳнада бўлаётган воқиаларни роҳат қилиб кузатдим. Узун қора соқолли, елкаларига тўртта байроқча қадалган каттакон одам узун найза ўйнатарди — у ярим яланғоч кишилар тўдаси билан олишарди.

¹ Хурофотга берилган деҳқонлар ва айниқса балиқчилар одатда қайиқларга оқ елкан қилмайдилар, чунки оқ ранг — мотам ранги ҳисобланади. Оқ рангли елкан ўрнига қора, қоп-қанор рангидаги елканлардан фойдаланадилар.

— Бу машхур актёр «темир юзли»¹ қаҳрамонлар ролнда ўйнапти,— деди Шуан-си,— у бетўхтов саксон тўрт марта думбалоқ оша олади. Кундузги томоша вақтида ўзим санадим!

Бизлар қайиқ бурнига уймалашиб жангни қизиқиш билан қузатардик. Лекин бизнинг ҳафсаламизни пир қилиб, «темир юзли» артист бир марта ҳам думбалоқ ошмади. Фақат унга ҳужум қилаётган баъзи бир ярим яланғочлар атиги бир неча мартадангина думбалоқ ошишди. Тезда бу кўриниш тугаб, артистлар кириб кетишди. Улар ўрнига ёш қаҳрамон қиз ролини ижро этадиган актёр чиқди. У баланд овоз билан ашула бошлади.

— Кундузига қараганда кечқурун томошабинлар анча кам. «Темир юзли» актёр ҳам ялқовлик қилипти. Одам кам бўлгандан кейин ким бекордан-бекорга жонини койитарди? — деди Шуан-си.

Мен атрофга қарадим — ҳақиқатан энди томошабинлар аввалгидан кам эди. Қўшни қишлоқлик деҳқонлар уй-уйларига тарқалиб кетишди; эртага улар ишлашлари керак, шунинг учун дам олишдан воз кечгилари келмасди. Саҳна олдида турган бир неча ўн одамлар шу ерлик ёки қўшни қишлоқлик бекорчилар эди. Улар орасида қора елканли жонкаларида бутун оилалари билан келган бойлар ҳам бор эди. Улар томошага унча қизиқишмас, кўпроқ ширин мибин² ва мева ейишар, тарвуз уруғи чақишарди. Ҳақиқатни айтганда уларни йўқ деб ҳисобласа ҳам бўларди.

Думболоқ ошиш мени унча қизиқтирмасди. Ҳаммасидан кўра саҳнада боши ерга қараган, илонга ўхшаган, бўйидан ҳам узун ҳасса ушлаган оқ кийимли артистни ёки сакровчи йўлбарс ролини ижро этувчи сариқ кийимли артистни кўргим келарди. Аммо кутганларим бекор кетди, ақалли бунга ўхшаш бирон нарса ҳам кўрсатишмади. Ёш қаҳрамон қиз ролини ижро этаётган артист ашуласини тугатиб, ичкарига кириб кетди. Ундан кейин ёш қаҳрамон ролини ўйновчи чол чиқди.

Мен жуда чарчадим ва Гуй-шэндан соя сути сотиб олиб келишни илтимос қилдим. Гуй-шэн бирпасда бориб келди:

— Сут йўқ экан. Кар дўкончи аллақачон кетиб қолибди. Кундузи сотаётган эди, эрталаб ўзим икки пиёла ичган эдим. Шошмай тур, томоғингни ҳўллагани сув олиб келаман.

Сув ичмай сабр қилиб томошани кўравердим. Артистларнинг юзлари ўз шаклини йўқотиб, бир доғ бўлиб кўринмагунча улардан кўз узмай ўтиравердим. Уйқу босиб нима воқиа-

¹ Бу ерда артистнинг дили тўғрилиги, адолатнинг белгиси бўлган — «темир юз» (қора ранг) — шартли грим кўзда тутилади.

² М и б и н — гуруч унidan тайёрланиб, ёғда пиширилган кулча.

лар бўлаётганини ҳам ажратолмай қолдим. Ёш болаларнинг ҳам уйқулари келиб қолган, ўспиринлар бўлса, ўз ишларидан суҳбатлашиб ўтиришарди. Бирдан саҳнада оқ соқолли чол пайдо бўлиб, хомага бойлаб қўйилган қизил кийимли қизикчини қамчи билан савалай бошлади. Болалар яна жонланишди. Менимча, бутун кечада энг қизиғи шу бўлди.

Кейин саҳнага «олижаноб кампир» родини ўйновчи актёр чиқди. Ростини айтсам, ҳаммасидан ҳам шу «олижаноб кампир»нинг ўтириб олиб, ашула айтаверишидан қўрқдим. Уша пайдо бўлиши билан бошқа томошабинлар ҳам анча маъюсланиб қолишди ва мен фикрларимиз бир-бирига монанд келганини англадим. У аввалига у ёқ-бу ёққа юриб ашула айтди, кейин барибир креслога ўтириб олди-да, чўзиб ашула айтишда давом этаверди. Таъбим хиралашди. Шуан-си ва бошқалар секин-секин сўкишга тушишди, ҳар ҳолда мен анчагина сабр қилдим; «олижаноб кампир»нинг қўл кўтарганини кўриб, ўрнидан турмоқчи шекилли, деб ўйлабман; унинг яна қайтиб жойига ўтириб ашуласини давом эттиравериши ҳаёлимга ҳам келмабди. Ниҳоят, Шуан-си чидолмай «кампир» эртагача ҳам ашуласини тугатмайди, кетганимиз маъқул эди, деб кўнглимдаги гапни баланд овоз билан очик-ойдин айтиб қўя қолди. Уша заҳотиёқ ҳамма рози бўлди ва йўлга чиққан вақтимиздаги сингари тўс-тўполон бошланди.

Қатта ёшли болалар кеманинг қуйруқ томонига югуриб бориб, ёғоч билан итаришди.

Кейин эшкакларни ўрнатиб, «олижаноб кампир»ни сўка-сўка ўрмон томонга қараб эшкак эшишди.

Ҳали ой чиқмаган эди. Мен ўзимни томошада кўп вақт ўтказмагандай ҳис қилдим. Аммо Чжао қишлоғидан жўнашимиз билан ой нури ёруғлашди. Орқамга қарадим — фонар нурлари остидаги саҳналар кўринарди. Саҳна туман ичига кириб борар ва яна ўлмас руҳлар қасрига ўхшаб қоларди. Ҳали ҳам пайнинг бўғиқ овози қулоққа чалиниб турарди. Мен «олижаноб кампир» ҳар ҳолда ашуласини тамом қилиб, кириб кетгандир, деб ўйлардим, аммо, орқага қайтайлик, дейишлик ноқулай эди. Ҳа демай ўрмон ҳам орқада қолди. Атрофимизда қоронғилик қуюқлашиб, зимистон кеча босди. Болалар томоша ҳақида гапиришар, эшкакни тез-тез эшганча бировлар актёрни сўкар. бировлар кулар эди. Бир гуруҳ болаларни ортиб олиб кетаётган катта балиққа ўхшаган кайик кесиб ўтаётган ерлардаги сув кўпикланиб, тўлқинлар орасида кучлироқ шовилларди. Тунги овга чиққан бир қанча қари балиқчилар эшкакларини ташлаб қўйиб, орқамиздан қарар ва руҳлантирувчи қичқириқлар билан кузатиб қолишарди.

Пинцяога бир лича қолганда қайиғимиз секинлашди. Эш-какчилар чарчадик деб шикоят қилдилар. Уларнинг қорнилари очган эди. Гуй-шэн, лўя далалари ёнидан сузиб бораётимиз, бирпас тўхтаб, янги лўялардан олиб олов ёқайлик-да, пишириб еяйлик, деб таклиф этди. Ҳамма хурсанд бўлиб кетди. Қайиқни қирғоққа бурдик, худди қалин ўсган лўя пайкали олдида тўхтабмиз.

— Ҳай, А-фа! Мана бунисиз сизларнинг пайкалингиз, ёнидаги қария Лю-иники. Қайсинисидан олайлик?— деб сўради қирғоққа биринчи бўлиб ҳатлаб тушган Шуан-си.

Бизлар ҳам қирғоққа тушдик.

— Шошмачи, ўзим бир қарай!— деб А-фа эгилди-да, лўяларни ушлаб кўриб, қаддини тиклади:— Бизларникидан олаверинглар! Бизларники йирикроқ экан.

Болалар бирпасда пайкал орасига тарқаб кетишди: бизлар қучоқ-қучоқ лўя қўзоқларини юлиб, қайиққа олиб келардик. Шуан-си, бир кишининг даласидан ўғирлаш хавfli эканлиги, А-фунинг онаси билиб қолса, бир умр бошлари ба-лога қолишини айтди. Лю-и бобонинг даласига ўтиб, у ердан ҳам қучоқ-қучоқ лўя олиб келдик. Катта болалар яна эшкакни қўлга олишди. Қирғоқдан нарироқ кетиб, кема қуйруғида олов ёқдик. Мен ёш болалар билан бирга қўзоқ тозалашга киришдим. Янги лўялар бирпасда пишди. Қайиқни оқимга қўйиб, қозон атрофига ўтириб олдик-да, қўл билан ейишга тутиндик. Қозон дарров бўшаб қолди. Уни ювиб, қилган ишимизнинг изини йўқотиш учун чиқинди ва лўя пояларини дарёга ташлаб юбордик. Эшкакчилар эшкакка баравар ёпишдилар. Шуан-си, қайиқнинг эгаси Ба бобо синчков одам, ўтин ва тузнинг камайиб қолганини дарров сезиб, бизларни сўкади, деб хавотирланди. Уйлаб-уйлаб чолдан ҳеч қўрқмаса ҳам бўлади, деган қарорга келдик. Қани шов-шув кўтариб кўрсин-чи, бултур қирғоқдан олиб кетган қуруқ шамшод дарахти қани, деб сўраймиз. Жуда бўлмаса «Сассиқ чол» деб ўзига ҳужум қилиш мумкин.

— Ҳаммамиз қайтдик! Ҳамма иш жойида! Мен кафилман деган эдим-ку!— деб бақирди қайиқ бурнида турган Шуан-си.

Мен олдинга қарадим. Олдимизда Пинцяо қишлоғи ястаниб ётар, кўприкда кимдир турарди. Бу менинг онам экан. Кеманинг бурун томонига ўтдим. Онам кўприкчалар олдига келди. Лангарни ташлаб, ур-йиқит қирғоққа чиқдик. Онам жуда кечга қолиб кетганимиз учун «уч марта хабар олгани келдим!», деб хафа бўлиб койиган бўлса ҳам, саломат бешикаст қайтганимиздан хурсанд, уйга овқатланишга таклиф этди. Болалар кўнишмади, улар, ширинлик еявериб тўйиб кетдик, ҳаммамизнинг ҳам уйқумиз келди, деб онамни ишонтди.

ришди. Шундан кейин ҳамма болалар уй-уйига тарқаб кетишди.

Эртасига пешинга яқин уйғондим. Ба бобонинг туз ва ўтин ҳақида оғиз очгани ҳам сезилмасди. Кундагидек тушки овқатдан кейин болалар билан краветка овлагани кетдим.

— Ҳой шайтонлар! Кеча даламдан лўя ўғирлаган сенларми? Юлишни ҳам қойил қилолмапсанлар — ҳаммасини пайҳон қилиб ташлабсанлар!

Бошимни кўтариб, кичкина қайиғида индамай бизникига сузиб келаётган Лю-и бобони кўрдим. У сотилмаган лўяларини ортиб, бозордан келаётган эди.

— Ҳа... Кеча биз меҳмонни зиёфат қилдик... ҳа. Аввалига биз сенинг лўянгдан олмоқчи эмас эдик... Эй сени қара-ю, краветкаларни чўчитиб юбординг,— деди Шуан-си.

Мени кўриб Лю-и бобо эшакни қўлидан қўйди-да, кулиб туриб:

— Меҳмонни сийладингларми? Шундай бўлиши ҳам лозим-да...— деб менга қайрилиб қаради.— Қалай кечаги томошалар ёқдим, Синь?

Бошимни қимирлатиб:

— Ёқди,— дедим.

— Лўялар мазали эканми?— деб сўзида давом этди Лю-и.

— Жуда мазали экан!

Жавобимдан хурсанд бўлиб, чол мени мақтай кетди.

— Қаранглар, катта шаҳардан келганлиги билиниб турибди; китоб ўқиган киши, яхши нарсаларнинг қадрини билади. Лўя экаётганимда, уруғни битталаб ажратаман. Бизнинг қишлоқдагилар, нима яхши, нима ёмонлигини билишмайди, тагин «сенинг лўянг, бошқаларникига қараганда ёмон», деб валдирашади. Бугуноқ онангга лўя юбораман. Тотиб кўрсин!— деб эшакни тортди-да, сузиб кетди.

Онам кечги овқатга чақирганда стол устида, катта тоғорада қайнатилган янги лўялар турарди. Буни Лю-и бобо онам ва менга совға қилиб олиб келган экан. Айтишларига қараганда уни кўриб ҳайрон қолдим, деб онамга мени хўп мақтабди.

— Ешлигига қарамай билимдон-а! Катта бўлганда, сўзсиз чжуан-юан бўлади. Шунинг учун онажон келажак ҳаётинг фаровон эканлиги аниқ,— дебди.

Лўядан еб кўрдиму аммо кечагидек мазали туюлмади.

Ростини айтганда, ўшандан бери ўша қайиқда еган лўядан мазали лўя еганим ҳам йўқ, худди шундай, Чжао қишлоғида кўрган томошадан қизиқ томоша кўришга муяссар ҳам бўлганим йўқ.





ҚИСҚА СУЗ БОШИ*

Сукут қилган чоғларимда ҳис-туйғуларга тўламан; сўзга оғиз очдимми — бирдан бу нарса ғойиб бўлади. Утмиш ҳаёт ўлиб битган. Бу мени қувонтиради, чунки ҳаёт мавжуд эканини тушуниш учун ёрдам беради. Утмиш ҳаёт чириб битган. Бунинг учун мамнунман — у менга ҳаётнинг асло бекор ўтмаганини тушунишимга ёрдам беради.

Ҳаётдаги ифлосликлар улоқтириб ташланган, булар азм дарахтлар ундирмай, фақат ёввойи гиёҳлар ўстиради ва бунинг учун мен айбдорман. Ёввойи гиёҳлар. Уларнинг илдизлари ерга чуқур томир отмайди, гул ва япроқлари хунук, аммо улар доим шудринг, нам ва мурдаларнинг ҳокини сўриб ётадилар. Шу билан бирга ҳар бир гиёҳ яшаш учун курашади. Улар мавжуд эканлар, йўқ бўлиб кетгунларича, чириб битгунларича уларни ҳали кўп марта топтайдилар, ўрадилар.

Аммо мен хотиржам ва шодман: қаҳқаҳ уриб кулгим, қўшиқ айтгим келади.

Ўзимнинг ёввойи гиёҳларимни севсам ҳам улар ўсиб ётган ерни ёмон кўраман.

Ер ости олови ер тубида елдай учади. Лава портлаб кетдими, бас, барча ёввойи гиёҳлар ва ҳатто азм дарахтларни ҳам ёндириб юборади ва шунда ёввойи гиёҳлар чиримасданоқ нобуд бўладилар.

Аммо мен хотиржам ва шодман: қаҳқаҳ уриб кулгим, қўшиқ айтгим келади.

Осмон билан ер шунчалик сокинки, қаҳқаҳ уриб кулолмайман ҳам, қўшиқ айтолмайман ҳам. Аммо осмон ва ер

бунчалар сокин бўлмайдиган вақтга келиб, балки, қўшиқ айтолмайдиган ва кўлолмайдиган бўлиб қоларман. Нур ва зулмат, ҳаёт ва ўлим, ўтмиш ва келажак ёқасида туриб ўзимнинг ёввойи гиёҳларимни дўст ва душманамга, инсон ва ҳайвонга, севикли ва суймайдиган кишимга гувоҳномам сифатида тақдим қиламан.

Ўзим учун, дўст ва душманам учун, инсон ва ҳайвон учун, севикли ва суймайдиган кишим учун бу ёввойи гиёҳларнинг ўлими ва чиришини орзу қиламан. Тез кунда олов келади! Агар бундай бўлмаганда эди, гўё мен дунёда ҳеч қачон яшамаган бўлардим, бу эса чиндан ўлим ва чиришдан ҳам бадтарроқдир.

Қисқа сўз бошим ортидан олға қадам ташланг, ёввойи гиёҳлар!

1927 йил, 26 апрель. Кантон, Байюньлоу.

КУЗ КЕЧАСИ*

Боғимдаги девор орқасидан ўсиб ётган хурмо дарахти кўриниб туради.

Тепамдаги бу тунги само ажойиб ва юксак, мен умримда бундақанги ажойиб ва юксак осмонни кўрмаганман. Назаримда, у худди одамларни ташлаб кетадигандай ва кишилар бошларини кўтариб уни қайта кўролмайдигандай. Ҳозир бўлса у, тасвирлаб бўлмайдиган даражада кўм-кўк, сонсаноксиз юлдузлар — совуқ кўзлар, жилва қилиб турибди. Узида чуқур бир маъно яшираётгандай оғиз бурчи билан табассум қилади; боғимдаги ёввойи гиёҳ ва дала гулларини қуюқ қиров қоплаган.

Бу гулларнинг асл номини одамлар нима деб аташларини билмайман. Аммо улар орасида майда пушти ранг гуллар бор эканлиги ёдимда. Улар ҳозир ҳам ўсадилар, фақат совуқдан жунжукиб яна ҳам майдароқ кўринадилар ва туш кўрадилар. Тушларида баҳор келибди, куз келибди ва ҳоргин шоир уларнинг сўнги япроқларига қўнган томчиларни эҳтиёт билан артар экан: «мана, ҳадемай куз ҳам келади, унинг ортидақ қиш, улардан кейин эса, яна баҳор қайтади ва капалаклар яна бошингиз устида қанот қоқадилар, асаларилар бўлса баҳор қўшиғини бошлайдилар» дея юпатибди. Шунда қип-қизариб, аччиқ совуқдан жунжукиб кетган гуллар шоирга қувноқ кулиб боқишибди.

Хурмо дарахтлари. Уларнинг япроқлари тўкилиб битган. Яқингинада болалар келиб, қолган-қутган меваларини ҳам қоқиб кетишди ва мана энди улар ҳатто баргларида ҳам ажраб, қип-яланғоч бўлиб қолишди. Улар ҳам пушти ранг

гуллар кўрадиган туш — куздан сўнг келадиган баҳор экани ва тўкилган япроқларнинг баҳор ўрнини эгаллаган куз ҳақида туш кўражакларини биладилар. Улар илгарилари ерга букиб турадиган мева ва япроқлардан холи бўлиб, яланғочланган узун ва тик қоматларини кўкка чўзганлар. Фақат бир нечта шохчаларгина эгилиб, мевалари қоқилган чоғда калтак тегиб яраланган жойларини яшириб турадилар, бошқа тик ва узунлари бўлса, худди темир новдалар каби фусункор кўзларини тикиб турган ажойиб ва юксак осмонга санчилгандек сокин ва ҳаракатсиз турадилар; улар осмон ўртасидаги тўлин ойга ҳам қадалганлар ва ой оғриқ зарбидан оқариб кўринади.

Фусункор кўзлар билан чақнаётган осмон тасвир этиб бўлмайдиган даражада кўм-кўк. У нотинч, гўё ҳозир одамлар билан хурмо дарахтларини ташлаб, ойнигина қолдириб кетмоқчига ўхшайди. Аммо ой ҳам яширинча шарққа қочади ва фақат яланғоч дарахтларгина илгаригидай сокин ва ҳаракатсиз ҳолда осмонга темир новдаларини санчганча қоладилар; само кўзларининг ваҳимали чақнашига ҳам парво қилмай, унга ўлим ҳозирлайдилар.

Мунгли қичқирӣқ эшитилиб, мудҳиш тун қуши учиб ўтади. Бирдан ярим кеча зулматида кимнингдир уйқудагиларни уйғотиб юборишдан чўчигандек паст овоз билан кулаётганини эшитаман. Ҳаво бу кулгининг акс садоси билан тўлади. Ярим кеча, ёнверимда ҳеч ким йўқ. Бу кулгини ўз томоғимдан эшитилаётганини ҳис қиламан, у мени боғдан ҳайдайди. Уйга қайтиб бориб, чироқнинг пилигини кўтараман.

Дераза ойналарига тун капалаклари урилиб жаранглайди. Мана бир нечта капалак, ички деразадаги қоғоз йиртигидан бўлса керак, хонамга кириб олиб ўзини чироқ шишасига ура бошлади. Биттаси пастлади-да, ўзини ўтга урди. Қолганлари чарчаб, кечагина қўйганим қоғоз абажурга қўнишди. У оппоқ қоғоздан елпигичсимон қилиб ишланган бўлиб, бир ёнига қондек қип-қизил гарденния гули шохчасининг сурати солинган эди.

Қип-қизил гарденния гуллаганда, пушти ранг гуллар хурмо дарахтларини ўз тушлари билан чулғаб оладилар-да, дарахтлар яшил япроқларнинг оғирлигидан букиладилар...

Яна ярим кеча зулматида кулги эшитиб фикрларим ипини узаман ва оппоқ қоғозга қўниб турган кичкина яшил мавжудотларга қарайман. Улар ўзларининг катта бошлари ва кичик таналари билан кунгабоқар донини эслатадилар, бироқ буғдой донининг ярмича келадиган бу мавжудотлар гўзал мовий яшиллик билан жилва қиладилар.

Эснайман, сигарета чекиб тутун чиқараман ва сукут билан бу ажойиб яшил ранг мовий қаҳрамонларни кузатаман.
1924 йил, 15 сентябрь.

КУЛАНКАНИНГ ХАЙРЛАШУВИ*

Киши ухлаб вақтнинг қай маҳаллигини билмай ётган чоғларда кўланкаси у билан хайрлашар экан, шундай сўзларни айтиши мумкин:

Агар ёмон кўрадиган нарсам жаннатда бўлса, мен у ерга боришни хоҳламайман; агар шу нарса дўзахда бўлса, у ерга ҳам бормайман; агар кўнглимга ёқмайдиган нарса олтин келажакнингизда бўлса, у ерга ҳам боришни истамайман...

Ахир сенинг ўзинг ҳам кўнглимга сира ёқмайсан.

Дўстим, мен сенинг изингдан судралиб юришни хоҳламайман, мен тўхтаб дам олишни хоҳламайман. Буни истамайман!

Ҳайҳот! Буни истамайман. Бундан кўра бошпанасиз дайдиб юрганим афзалроқ.

Мен кўланкаман холос: сен билан хайрлашиб қоронғуликка чўмаман. Аммо қоронғулик мени ўз қаърига тортиши, нур эса ёйиб юбориши мумкин. Аммо мен қоронғулик билан нур ўртасида сарсон бўлишдан кўра, қоронғуликка чўмишни афзал кўраман.

Ниҳоят шундай бўлса ҳам нур билан зулмат ўртасида сарсон бўламан ва вақтнинг оқшом ё тонг отар пайт эканлигини фарқ қила олмайман. Ҳозир бўлса, бўз ранг қўлимни кўтариб, ўзимни май тўлдирилган қадаҳни бўшатаётгандек қилиб кўрсатаман. Вақтнинг қай маҳаллигини билолмай қолган чоғларимда якка ўзим йироқларга кетаман.

Ҳайҳот! Агар вақт оқшом бўлса, албатта, қоронғу тун келиб мени ўз қаърига тортиши, агар ҳозир, тонг бўлса, қуюқ нур мени ёйиб юбориши турган гап.

Дўстим, вақт яқин.

Мен бошпана нималигини билмай, дайдиб юргани тун қўйнига кириб кетаман.

Мендан совға сўраяпсан шекилли. Нима ҳам тақдим қила олардим сенга? Аввалгидек бўшлик ва зулматдан бўлак ҳеч нарса йўқ. Аммо мен ё фақат зулмат, ёки мени сенинг ихтиёринг билан ёйиб юборувчи кун бўлишини, сенинг қалбинг

дан мутлақо жой олмаслигим учун фақат бўшлик бўлишини
истайман.

Ҳа, мен шундай бўлишни истайман, дўстим...

Сенсиз якка ўзим, фақат сенсиз эмас, балки, бошқа кў-
ланкаларсиз ҳам тун қаърига кириб кетаман. Зулмат мени ўз
қаърига тортиши билан бутун дунёга ҳукмрон бўламан.

1924 йил, 24 сентябрь.

ТИЛАНЧИЛАР

Мен баланд хароба девор ёқалаб чангли, бўз ердан юриб
бораман. Бу ерда ҳали кишилар бор ва уларнинг ҳар бири ўз
йўлидан боради. Енгил шабада кўтарилиб, девор орқасида
тепамдаги қад кўтариб турган баланд дарахтларнинг ҳали
қуримаган япроқлари шитирлаб қолди.

Атрофда бўз чангни тўзитиб енгил шабада эсади.

Гўдак мендан садақа сўрайди. Унинг эгнида юпқа камзул.
юзида қайғу аломати сезилмайди-ю, аммо, у ергача букилиб
йўлимни тўсади ва мунгли қичқириқ билан орқамдан эрга-
шади.

Мен унинг товуш оҳанги ва қилиқларидан жирканаман.
Унинг товушидаги ғам-алам ўрнига болаларча эрмак, ўйин-
қароқликни ифодаловчи оҳанг мени аччиқлантиради; бу бир
оҳангдаги мунгли қичқириқ жонимга тегди.

Йўлимда давом этаман. Бу ерда ҳали кишилар бор ва ҳар
ким ўз йўлидан боряпти. Енгил шамол эсиб, атроф, бўз чангга
беланади.

Яна қандайдир гўдак садақа сўрайди, унинг эгнида ҳам
юпқа камзул! Унинг ҳам кўриниши ташвишли эмас, фақат
соқов, қўлларини чўзиб имо-ишора билан тиланади.

Унинг имо-ишоралари менинг жаҳлимни чиқаради. Бунинг
устига устак у матлақо соқов бўлмай, садақа сўраш учун
айёрлик қилаётган бўлса-чи?

Садақа бермайман, бундай қилишни хоҳламайман ҳам.
чунки хайр-садақа қилувчилардан юқори тураман, бунинг ўр-
нига жаҳл, шубҳа, нафрат ёғдираман.

Ярим хароба лой девор ёқалаб юриб бораман, девор ёри-
ғида ғишт уюми ётибди, унинг орқасида бўлса, ҳеч нарса йўқ.
Енгил шамол келтираётган куз совуғи енгил кийимдан бада-
нимга ўтади, атрофда бўз чанг тўзони.

Мабодо ҳаётимда тиланчилик қилишимга тўғри келиб
қолса, қандай йўл танлашим ҳақида ўйлайман? Қандай овоз
чиқариб гапирсам экан? Агар ўзимни соқовликка солгундай
бўлсам, қандай имо-ишоралар қилсам экан?..

Бу ерда ҳали кишилар бор ва ҳар ким ўз йўлидан боряпти.
Мен хайр-садақа, марҳамат эмас, балки, бунинг ўрнига
садақа берувчилардан юқори турувчи кишиларнинг жаҳли,
шубҳаси ва нафратига сазовор бўламан. Сўзсиз, ишорасиз
тиланчилик қиламан!.. Менинг учун энг қимматли садақа —
ҳеч нарса бермасликдир.

Енгил шабада атрофда бўз чангни тўзитади. Бу ерда ҳали
кишилар бор ва ҳар ким ўз йўлидан боряпти.

Бўз чанг, бўз чанг...

Бўз чанг...

1924 йил, 24 сентябрь.

ЙЎҚОЛГАН МУҲАББАТИМ

Классик услубда янги тақлид

Севгилим юксак тоғ этагидадир.
Бориб ахтарайми? Йўқ, баланддир тоғ.
Кўз ёши тўкаман эгиб бошимни.
Сочиқ совға қилди гўзалим менга.
Мен не тақдим қилай? Бойқуш бераман!
Менга қарамайди ўшандан бери.
Нега бундай қилар? Қалбим ташвишда.

Севгилим шовқинли кўчалардадир.
Бориб ахтарайми? Йўқ, оломон зўр.
Осмонга тик қараб кўз ёш тўкаман.
Сурат совға қилди дилдорим менга.
Мен не тақдим қилай? Новвот бераман!
Менга қарамайди ўшандан бери.
Нега бундай қилар? Анқовсирайман.

Севгилим — шўх дарё соҳилидадир.
Бориб ахтарайми? Йўқ, дарё чуқур.
Кўз ёши тўкаман эгиб бошимни.
Занжир совға қилди соатимга у.
Мен-чи, терлатувчи дори берайми?
Менга қарамайди ўшандан бери.
Бу недан? Асабим бузилди буткул.

Севгилим бадавлат хонадондадир.
Бориб ахтарайми? Автомобиль йўқ.
Бошимни тсбратиб, тўкаман кўз ёш.
Қулиб қўлларимга атиргул тутди,
Мен-чи, сув илонин тақдим қилайми?
Менга қарамайди ўшандан бери.
Бу недан? Ҳаммаси барibir энди!

Инсон терисининг қалинлиги ярим фэнча¹ ҳам келмаса керак; унинг остида, девор бўйлаб зич ўрмаловчи ипак қуртларидан ҳам зичроқ жойлашган томирларда қип-қизил иссиқ қон мавж уриб оқади. Бу иссиқлик билан бир киши бошиқа бировда ҳирс қўзғатади, ўзига мафтун этиб эргаштиради, ҳаётнинг маст қилувчи улуг қувончига етишиш учун ҳаётининг хавф остида қолишига қарамай яқинлик, бўса ва қучоқ излайди.

Аммо мана шу юпқа пушти ранг терига ўткир пичоқнинг тиги тегдими, бас, шу заҳотиёқ қип-қизил иссиқ қон оқими ташқарига ўқдай отилиб, қотилни қизил рангга бўяйди; кейин ҳалок бўлувчининг нафаси совийди, лаблари оқаради, буни кўрган қотил саросимга тушиб, ҳаётнинг буюк, баланд парвоз қувончига қонади.

Ана шунинг учун ҳам манави икки киши қўлларида ўткир тигли ханжар ушлаб, кенг ва ёввойи далада бир-бирининг рўпарасида туришибди.

Уларнинг ҳар иккови бир-бирини қучишга ҳам, ўлдиришга ҳам тайёр. Худди деворда ўрмалаётган ипак қуртлари, қотган балиқчанинг бошини судраб кетмоқчи бўлиб турган саноқсиз қумурсқаларга ўхшаб, ўткинчилар зич қатор билан ҳар томонга шошилишади. Улар олифта кийинишган, қўллари бўш. Ҳар томондан шошиб келишидади-да, бир-бирларини қучоқламоқчи ёки ўлдирмоқчи бўлиб турганларни завқ билан томоша қилиш учун ўлиб-толиб бўйин чўзишади. Дарров тиллари билан тер ёки қон таъмини ҳис қилишади.

Аммо ҳалиги икки киши бўлса, яланғоч ҳолда қўлларига ўткир тигли ханжар ушлаб, кенг ва ёввойи дала ўртасида рўбарў тураверадилар. Улар қучоқлашмайдилар ҳам, бир-бирларини ўлдирмайдилар ҳам, бундай қилиш хаёлларига ҳам келмайди.

Улар шу тахлитда узоқ турадилар, букилувчан қоматларининг ҳолдан кета бошлаганини сезсалар-да, бир-бирларини қучишга ҳам, ўлдиришга ҳам журъат этолмайдилар.

Йўловчилар ниҳоят зерикадилар, зерикиш ич-ичларига сингий бошлайди, ахири диққатвозлик улар юрагидан отилиб чиқади-да, дала бўйлаб тарқалиб бошқа кишиларнинг ҳам баданига ўта бошлайди. Ниҳоят улар тил ва томоқлари қақраб, бўйинлари чарчаганини сезадилар ва бир-бирларига назар ташлаб, аста тарқала бошлайдилар; уларнинг бу кўринишидан нақадар ҳолдан тойиб, ҳаётга ҳеч қандай қизиқишлари қолмагани сезилиб туради. Улардан сўнг кенг ва ёввойи

¹ Фэн — 3,2 мм.

дала ўртасида фақат ҳалиги қўлларига ханжар ушлаган яланғоч икки кишигина қолади. Мадорлари буткул қуриган; қарашлари мурданики каби совуқ ва нурсиз. Улар мадорсизланган йўловчилар ва буюк қонсиз ўлимни завқ билан томоша қилар эканлар, ҳаётнинг буюк баланд парвоз қувончига мангу чўмадилар.

1924 йил, 20 декабрь.

ҚАСОС (2)

У ўзини тангрининг ўғли деб ҳисоблаб юргани учун Исроил шоҳи унинг оёқ-қўлини бутга михлашни буюрипти.

Жангчилар уни тўқ қизил матога ўрашибди, бошига тоғолча баргидан қилинган гўлтож кийгизиб, уни табриклашибди, кейин қаршисида тиз букишиб, қамиш таёқ билан бошига савалашибди, бетига тупуришибди; ўлгудай эрмак қилишгач, эгнидан тўқ қизил матони ечиб, ўз кийимларини кийдиришибди.

Ана, қаранг, улар унинг бошига туширишяпти, бетига тупуришяпти, қаршисида тиз букнишяпти...

У оғу қўшилган майни ичишдан бош тортиб, ҳушёр ҳолда ўз худосининг ўғлини Исроил кишилари қай йўсинда қийнашаётганини маза қилиб томоша қилмоқчи бўлар экан, уларнинг келажаги ҳақида жуда қайғуради, аммо, ҳозирги кунларига нафрат билан қарайди.

Атрофда нафрат ва лаънатга сазовор душманлар.

Зарблар жаранги эшитилади, мих кафтни тешиб ўтади. У, лаънати одамлар оғриқдан кўнгли юмшасин деб ўз тангринининг ўғлини оёқ-қўлидан михламоқчи бўладилар. Яна зарблар жаранги янграб, мих тсвонни тешиб, суякни ёради, даҳшатли оғриқдан қалбигача зирқираб кетади, аммо, у лаънати одамлар, оғриқдан зада бўлсин деб, ўз тангрилари ўғлининг жонини суғуриб оляптилар.

Бут тик турибди, у бўлса бўшлиқда осилиб ётибди.

У оғу аралаштирилган майни ичишдан бош тортиб, ҳушёр ҳолда ўз тангрисининг ўғлини Исроилнинг кишилари қай йўсинда қийнашларини завқ билан томоша қилмоқчи экан, уларнинг келажаги ҳақида жуда қайғуради, ҳозирги кундан эса нафратланади.

Уткинчилар уни ҳақоратлайдилар, руҳоний ва китобфурушлар ўлгудай калака қилдилар; у билан бирга михланган икки қароқчи ҳам уни масхаралаб кулади.

Ана қаранг, у билан бирга михланганлар...

У, оёқ-қўлларининг кучли оғриғига чидар экан, мана шу пасткаш одамлар ўз тангрисининг ўғлини ўлдираётганликла-

ридан қайғуради ва мана шу лаънати кишилар тангри ўғли-ни оёқ-қўлини михламоқчи бўлаётганликларидан ва бу ҳол-нинг ҳозир рўй беришидан қувонади. Бирдан кучли, зирқи-ратувчи оғриқ юрагига бориб етади ва у дарҳол буюк қувонч ва қайғуга чулғанади.

Унинг қорни барча нафрат ва лаънатлар билан бирга кўк-ка кўтарилади.

Ерни зулмат ўраб ола бошлайди «Или, или, лама савахфа-ни?!» («Эй худоим, нега мени ташлаб кетдинг?!») деган сўз-лар эшитилади. Худо уни ташлаб кетди, энди у ҳам «инсон фарзанди»га айланди. Бироқ «Исроил кишилари, инсон фар-занди»ни михладилар. «Инсон фарзанди»нинг оёқ-қўлини михлаган бу кишилар «худо ўғли»ни михлаганлардан кўра ҳам бадтар қонга ботганлар, улардан қон ҳиди кучлироқ анқийди.

1924 йил, 20 декабрь.

УМИД*

Қалбим ҳасрат билан тўла.

Аммо у осойишта: унда на севги бор, на нафрат, на қай-ғу бор, на қувонч, на бўёқлару ва на товушлар бор.

Бу қариб қолганимдан бўлса керак. Ахир сочларимга оралаган оқлар, қўлларимнинг титраши бунинг аломати эмасми? Албатта, руҳимнинг қўллари ҳам титрайди, унинг сочлари ҳам оппоқ.

Бу ҳол бундан анча йиллар муқаддам рўй берган.

Илгарилари қалбим ҳам қон ва темир, аланга ва оғу, тикланиш ва интиқом руҳи билан тўлган қўшиқларнинг қон-ли оҳанглари билан тўла эди. Тўсатдан ҳаммаси ғойиб бў-либ, қалбим бўшаб қолди. Баъзан ўзимни алдаш учун қал-бимдаги бу бўшлиқни атайлаб бекорчи умид билан тўлдир-моқчи бўламан. Умид, умид. Ортимда ҳам қоронғу бушлиқ-дан бўлак ҳеч нарса йўқлигига қарамай, умид қалқони би-лан бўшлиқдаги туннинг ҳужумини қайтарганман. Мана шундай қилиб, бора-бора ёшлигимни йўқотдим.

Ёшлигимнинг аллақачонлар хазон бўлганини билмайман-ми? Аммо юлдузлар, ой нури, лаҳза умрли капалаклар, зулматгоҳдаги гуллар, бойқушнинг ёмонликдан дарак бериб сайраши, каккунинг хазин иолалари, кўзга чалинмас ёқим-ли табассумлар, севги парвозлари — ахир буларнинг ҳам-маси мендан ташқарида яшовчи ёшлик эмасми?.. Бу қуруқ ва хира ёшлик бўлса ҳам, ҳар ҳолда ёшлик-да!

— Эндиги маъюсликнинг сабаби нимада? Наҳотки, ҳатто мендан ташқаридаги ёшлик ҳам ҳалок бўлиб, бутун дунё ёшлари қариб қолган бўлса?

Мен бир иш қилишим — бўшлиқда ҳукм сураётган тун билан жангга киришишим керак экан, холос. Умид қалқони-ни йиғиштириб, Шандор Петефининг¹ (1823—1849) «Умид» деган кўшиғига қулоқ соламан:

Умид нима ўзи? Фоҳишадай гап:
Хаммани жазм этиб, берар борини,
Сен унга бебаҳо, азиз ёшликни —
Берсангу,— у сени ташлаб кетади.

Венгер ватанпарвари ва буюк лирик шоирининг Ватан йўлида казак найзаларининг тиғидан ҳалок бўлганига етмиш беш йил бўлди. Унинг ўлими фожиали бўлган. Аммо, шеърларининг ҳозирга қадар ҳам ўлмаганлиги ундан ҳам фожиалидир.

Ҳаёт қанчалик раҳмсиз! Ҳатто Петефидай мағрур ва жасур инсон ҳам қоронғу тун қаршисида тўхтади ва бепоён Шарққа қараб:

«Умид каби алдар умидсизлик ҳам»,— деб мурожаат қилди. Агар менинг мана шу нур билан зулмат ўртасидаги, «қуруқ ёлғон» билан тўлган ҳаётим тугамаса, қўлдан кетган, ҳатто мenden ташқаридаги бўлса ҳам, ёшликни ахтараман. Агар мenden ташқаридаги бу ёшлик ҳалок бўлса, шахсан менга тегишли қариллик қуруқ бир нарсага айланади.

Ҳозир юлдузлар ҳам, ой нури ҳам, лаҳза умрли капаклар ҳам, ҳатто кўзга чалинмас ёқимли табассумлар ҳам, севги парвозлари ҳам йўқ. Ёшлар бўлса хотиржам.

Мен бир иш қилишим — бўшлиқда ҳукм сураётган тун билан жангга киришишим керак экан, холос. Гарчи ўзимдан ташқаридаги бу ёшликни топа олмаган тақдирда ҳам, ўз қарилгимни улоқтириб ташлайман. Аммо, бу қоп-қоронғу тун қани? Энди юлдуз ҳам, ой нури ҳам, ҳатто мулоғим табассумлар ҳам, севги парвозлари ҳам йўқ: ёшлар хотиржам ва менинг қаришимда ҳақиқий қоронғу тун ҳам мутлақо кўринмайди. Умид каби алдар умидсизлик ҳам!

1925 йил, 1 январь.

Қ О Р

Илиқ мамлакатларда ёмғир ҳеч қачон совуқ, қаттиқ йилтироқ қор учқунларига айланмайди. Билимдон кишиларга у зерикарли ва бир турли туюлади, сираси, у ўз-ўзини бахтли деб ҳисоблармикан? Аммо Цзяннинг* жанубига юр-

¹ Ш а н д о р П е т е ф и — Венгер революциясининг буюк куйчиси. Лу Синининг севикли шоирларидан бири.

ган сари намли ва гўзал қор учрай бошлайди; бу соф қор қатлами ҳали уйқуда ётган баҳор даракчисидир. Қорли далаларда тоғ чойининг қондек қизил инжулари, ёввойи олхўрининг ям-яшил пардага ўралган оппоқ гуллари, цин деган музыка асбобини эслатувчи тўқ сариқ қосасимон гул жилва қилади, қор остида бўлса, музлаган гиёҳлар яшил тус олади. Қапалаклар енгилгина қанот қсқиб юрмаганмикан, асаларилар тоғ чойи ҳамда ёввойи олхўри гулларидан шарбат йиғишмаётганмикан? Ҳаммасини аниқ эслаёлмайман. Бироқ, назаримда қорли далаларда қиш гулларининг очилаётганини кўриб тургандай ва улар устида кўплаб асалариларнинг жонсарақ гувиллашларини эшитаётгандай бўламан.

Болалар шовқин солишади, улар совуқдан қип-қизариб кетишган, момиқ қўлчалари худди занжабилга ўхшаб пушти ранг тус олган. Етти-саккизта бола қордан архат¹ яшашяпти. Уларнинг ишлари юришавермагач, кимнингдир дадаси ёрдамга келади. Архат бор-йўғи пастига томон кенгайган қор уюмидангина иборат бўлиб, унинг кўза ёки архат эканлигини бир қарашда пайқаб олиш қийин бўлса ҳам, болалардан анча баланд бўлиб қад кўтаради. Аммо, у кўзни қамаштирадиган даражада оппоқ, қуёш нурида гўзал товланади. Болалар ёнғоқ олиб келиб, унғ кўз ясашади, кимдир онасининг пардоз қутисидан тангрининг лабини бўяш учун қизил бўёқ кўтариб чиқади. Энди бу чиндан ҳам катта, ростакам архатга айланади. Мана у кўзлари чақнаб, лаблари товланиб қор устида турибди.

Эртаси куни болалар уни йўқлаб келишди. Улар архат рўпарасида чапак чалишди, кулишди ва бошларини қимирлатишди. Ниҳоят, қордан ясалган архатнинг якка ўзи қолади. Ҳаво очилиб, у аста эрий бошлайди; аёз тун эса уни яна юпқа муз пардаси билан қоплаб, хира, рангсиз кристал тусга киритади; аммо кунлар исиб кетиб, архатнинг лабидаги қизиллик ўчиб кетади ва унинг ўзи эриб, шаклини йўқотади.

Шимол қори гирдоб бўлиб ёғаётган пайтда эса у упа ёки қумга ўхшаб кўринади, қор учқунлари унга ёпишмай томларга, ерга, қуриб қолган гиёҳларга қўнадилар. Уйдаги ўчоқларнинг ҳарорати билан томлардаги қор эрта эрийди. Баъзан ҳаво очиқ вақтларда бирдан гирдоб шамол туриб, қор учқунлари чарх уриб кўкка кўтарилар экан, алангани ўраб олган қуюқ туман пардаси каби қуёшни ўраб, унинг нурида жило қиладилар. Осмонни чулғаб олиб, уни товлантирадилар.

Совуқ само гумбази остидаги чексиз далалар устида порлаб, товланиб чарх уриб, ёмғир руҳи юксакка учади.

¹ Архат (хит, «Алохатн») — будда тангриси.

Ҳа, сийрак қор — бу ўлик ёмғирдай гап, бу ёмғирнинг руҳидир.

1925 йил, 18 январь.

ВАРРАК

Пекинда қиш. Ер қорга бурканган, беғубор осмонда яланғоч дарахтларнинг новдалари қорайиб кўринади, мен йироқда учаётган варракларга ҳайрат ва маъюслик билан боқаман.

Менинг ватанимда варракни кўкламнинг иккинчи ойида учиришади. Дардаракнинг вангиллаши эшитилади, бошингни кўтариб қарасанг, тўқ кул ранг қисқичбақа ёки оч ҳаво ранг мингоёқнинг учаётганини кўрасан. Баъзан эса хунобингни оширадиган, товуш чиқармай учадиган варраклар ҳам бўлади. Бунақасида дардараклар бўлмайди, уни жуда паст учиришади, шунинг учун ҳам ёлғизликда жуда аянч ва мискин бўлиб кўринади. Бу фаслда толлар куртак ёзади, ялангликларда тоғ шафтолиси гуллайди, болалар варрак учириб безаган осмон билан бирга баҳор фэйзи келади. Қаердаман ҳозир? Мени қишнинг қаттиқ ссвуғи қуршаб олган. Мана шу ҳавода мен, бир вақтлар видолашган ватанимнинг ўша узоқ баҳорини кўргандек бўламан.

Лекин мен варрак учиришни ҳеч яхши кўрмаганман; ростини айтсам, бу ишни жуда ёмон кўрардим: буни ёмон тарбия топган болалар ўйини деб ҳисоблардим. Ун ёшдаги укам менга ўхшамас эди. Бу касалманд, ориққина бола варрак учиришни жуда яхши кўрарди. Варрак сотиб олишга пули йўқ эди, мен варрак учиришга рухсат ҳам бермасдим. У завқланиб оғзини очганича осмондан кўз узмай, ўзини унутиб, соатлаб туриб қоларди. Мана осмонда баланд учаётган қисқичбақа тўсатдан пастга тушди, укам кўрққанидан қичқириб юборди; кўшиб учирилган товушсиз варраклар бир-биридан ажрашиб кетди, укам севинганидан кўкка ирғишлайди. Бу ўша вақтларда менга кулгили ва бемаъни бўлиб кўринарди.

Бир вақт мен унинг бир неча кундан буён қаердадир яшириниб юрганини сездим. Кейин уни боғда, бамбукнинг қуруқ новдаларини танлаб юрганини кўрдим. Алланарса менга секингина шипшигандай бўлди, мен эски-тускилар билан тўлган, кўпдан буён ҳеч ким кирмаган хонага бордим, эшикни очиб кирдим ва чанг босган майда-чуйдалар орасида укамни кўрдим. У каттакон скамейка қаршисидаги курсида ўтирарди. Мен киргач, у чўчиб турди, ранги ўчиб, ғалати бўлиб кетди. Скамейкага капалак варракнинг бамбукдан қилинган ўрта қамиши тираб кўйилган эди. Қоғоз ҳали ёпиш-

тирилмаган, дардарак столда ётарди. Бу нарса кўз ўрнида қўндирилиши керак эди. Укам дардаракка қизил қоғозни йўл-йўл қилиб ёпиштирарди. Варрак тайёр бўла ёзган эди. Мен сирни очганимдан севиндим, лекин унинг ёмон тарбия топган болалар ўйини билан яширинча шуғулланаётганидан ғазабланиб кетдим. Қўлимни узатиб, капалак варракнинг қанотидан тортдим, синдириб ерга улоқтирдим-да, дардаракни топтадим. Мен укамдан катта ва кучлироқ эдим. Шунинг учун ҳам у менга қаршилиқ кўрсатмади. Мен, албатта, ғалаба қилдим, у хона ўртасида маъюс туриб қолаверди, мен гердайиб чиқиб кетдим. Кейин унинг нима қилиб-нима қўйиши мени қизиқтирмади.

Лекин ўч олиш соати етди. Бу биз айрилишиб кетган вақтдан кўп йиллар ўтгач юз берди. Мен каттагина киши бўлиб қолган эдим. Бахтга қарши, қўлимга болалар ҳақида чет элда босилган бир китоб тушиб қолди. Бу китобда ўйин болаларга хос нарса экани, болалар ўйнамасдан туролмасликлари ҳақида ёзилган эди. Шунда, тўсатдан, ёшлигимдаги ўша оғир манзара кўз олдимда гавдаланди. Йигирма йилдан ортиқроқ бу ҳақда сира эсламаган эдим. Назаримда, юрагим бир парча чўянга айланиб қолгандай, оғир тортиб пастга босиб кетгандай бўлди.

Ўз гуноҳимни қандай қилиб ювишни билардим: укамга варрак ҳадя қиламан, уни учиринишга рухсат бераман, варракни у билан бирга учиринишаман. Шунда тоза бақириниш, югуриниш, кулиниш олишимиз мумкин... Лекин у ҳам мен сингари каттагина киши бўлиб қолган, аллақачон мўйлови чиққан.

Гуноҳимни ювишининг яна бир йўлини биламан: бу укамдан кечирим сўраш, унинг: «Сендан сира хафа эмасман» дейишини эшитиш. Шундагина юрагим таскин топади.

Ниҳоят биз учрашдик, энди ҳар иккимизнинг юзимизни ҳаётнинг аччиқ аламлари қолдирган чуқур излар қоплаган эди. Менинг юрагим эса ҳамон ғаш. Биз ёшлик чоғларимиз ҳақида гаплашиб ўтирдик. Мен ўша воқияни, ўша пайтда нақадар тентаклик қилганимни эсладим. Укамнинг: «Лекин мен сендан сира хафа эмасман» дейишини кутардим.— Шундай бўлса, у мени кечирган бўларди, кўнглим ҳам таскин топарди.

— Шунақа бўлганмиди?— деб сўради у кулиб. Одамлар, қизиқ, аммо ўзлари эшитмаган воқияни эшитганларида шундай ҳайратга тушишади. Укамнинг эсидан бутунлай кўтарилган экан.

У бутунлай унутган, мендан хафа ҳам эмас; қандай кечирим сўрай энди? Агар у кечирдим деганда ҳам алдаган бўлиб чиқарди-да.

Энди нимадан умид тутишим мумкин? Кўнглим аввалгидек гаш.

Ҳозир ўзга юртда эканман, ватаним баҳори менга ўша қайтиб келмас ёшлик чоғларимни эслатди ва кўнглимни ғам-ғуссага тўлдирди. Мен ундан қочиб қаҳратон қиш ҳукм сурадиган жойда яширинишим керак эди. Аммо ҳозир ҳам атрофимда қаҳратон қиш-ку, у менга совуқ нафас уфуриб турибди.

1925 йил, 24 январь.

Ж А Ҳ О Н Г А Ш Т А

Воқиа: оқшомларнинг бирида, номаълум бир жойда содир бўлади.

Иштирок этувчилар:

Ч о л — узун қора чопон кийган оппоқ соқол, 70 ёшларда.

Қ и з — қўнғир соч, қора кўз, қора катакли оқ кўйлак кийган, 10 ёшларда.

Ж а ҳ о н г а ш т а — 30 — 40 ёшларда, ҳорғин, лекин матонатли кўринади, қовоғи осилган, қора мўйловли, ссчлари пахмайган; эғнида жулдур-жулдур қора камзул ва худди шу тусда иштон, оёғида йиртилиб кетган кавуш; ёнида осиглиқ тўрваси ҳам бор; у бўйи баробар узунликдаги ҳассага таяниб олган.

Ўнг томонда — хароба, бир қанча дарахт ва гишт парчалари; чап томонда — ёввойи ўтлар ўсиб ётибди; унинг ўртаси эса, топталиб, худди сўқмоққа ўхшаб қолган. Сўқмоқ бошида пахса деворли уй, уйнинг эшиги очик; эшик ёнида қуриб қолган тўнка бор.

Қ и з тўнка устида ўтирган ч о л нинг туришига ёрдамлашмоқчи бўлиб келмоқда.

Ч о л. Қизим. Ҳай, қизим! Нега хаяллаб қолдинг?

Қ и з (*ўнг томонга қараб*). Анави ёқдан кимдир келяпти, кўрайлик.

Ч о л. Уни кўришнинг кераги ҳам йўқ. Ёрдамлашиб юбор, уйга кирай. Қуёш ҳам ботиб қолди.

Қ и з. Мен кўраман.

Ч о л. Вой қизалогим-эй! Ҳар куни еру кўкни томоша қиласанг-у, шамол билан ўйнашсанг, наҳотки шулар камлик қилса? Ахир табиатдан баҳра олиш ҳар нарсадан ҳам афзал-ку! Яна кимнидир кўрмоқчи бўласан-а. Қуёш ботиши олди-дан нимаки содир бўларкан, у яхши натижа бермайди... Юр, уйга кирамиз.

Қ и з. Ахир у жуда яқин келиб қолди. Э, у гадой экан.

Ч о л. Гадой? Йўғ-э.

Унг томондаги дарахтлар орасидан жаҳонгашта чиқади: у оҳяста қадам ташлаб, шошилмай чолнинг ёнига келади.

Жаҳонгашта. Хайрли кеч, ота. Аҳволларинг қалай, саломатмисан?

Чол. Жуда яхши. Сен сўрагандан бери... Узинг-чи?

Жаҳонгашта. Ота, одобсизлик бўлса ҳам сўрайман, менга бир пиёла сув бер. Йўл чанқови роса қийнади. Бу орада бирон кўлмак, ё ҳовуз ҳам топа олмадим.

Чол. Хўп бўлади, ҳозир. Утир. (*Қизига*) Қизим, пиёлани яхшилаб ювиб, бир пиёла сув олиб чиқ.

(*Қиз индамай уйга кириб кетади*).

Марҳамат, утир мусофир. Исминг нима?

Жаҳонгашта. Исминми? Билмайман. Эсимни танибманки ёлғизман, исминми ҳам билмайман. Йўл-йўлакай кишилар мени дуч келган исм билан аташаверади. Лекин ана шу исмларни ҳам биронтаси хотирамда йўқ, чунки, бу исмларнинг биронтасини ҳам икки мартадан эшитган эмасман.

Чол. Ҳа, бўлмаса қаердан келяпсан?

Жаҳонгашта (*бир оз салмоқланиб*). Билмадим. Эсимни танибманки, ҳамон йўлдаман.

Чол. Хўп. Қай томонга кетаётганингни сўрасам, айбга қўшмайсанми?

Жаҳонгашта. Ҳеч-да, айби йўқ. Бироқ аниқ айтолмайман. Эсимни танибманки, йўл юраман ва шу йўлда давом этиб, олға қараб бораман. Жуда кўп йўл босиб, эндигина шу ерга етиб келганимни биламан, холос. Энди яна шу томонга қараб (*Ғарбни кўрсатади*) — олға юраман! (*Қиз эҳтиётлик билан ёғочдан ясалган пиёлада сув келтириб меҳмонга тутди. Жаҳонгашта пиёлани олади.*) Раҳмат, қизча (*сувни бир шимиришдаёқ ичиб пиёлани қайтариб беради*). Катта раҳмат, ростини айтганда бу камдан-кам учрайдиган яхшилик бўлди. Қандай миннатдорчилик билдиришни ҳам билмаётибман!

Чол. Миннатдорчилик билдиришнинг ҳожати йўқ. Ахир бу сенга ёрдам бермайди-ку.

Жаҳонгашта. Ҳа, ёрдам бермайди. Лекин бир оз чанқовим босилди, дам ҳам олдим. Энди кетай. Ота, сен шу ерлик бўлсанг биларсан, олдиндаги ҳув анави нима?

Чол. Уми? У — қабристон.

Жаҳонгашта (*хайрон*). Қабристон?

Қиз. Йўқ-йўқ. У ерда ёввойи гуллар; бинафша, гулсафсар ва нилуфарлар жуда кўп. Доим у ерга бориб ўйнайман, улардан баҳра оламан.

Жаҳонгашта (*миийғида кулганга ўхшаб, ғарбга қарайди*). Ҳа. У ерда ёввойи гуллар, ёввойи нилуфарлар қий-

ғос очилған. Мен ҳам доим у ерларга бориб ўйнаганман, гулларнинг муаттар ҳидига маст бўлганман, лекин у ер мозорку. (Чолга) Ота, мозорга бориб еткандан сўнг, нималар учрайди?

Чол. Кейинми? Унисини билмайман. Мозордан у ёққа ўтган эмасман.

Жаҳонгашта. Билмайсанми?!

Қиз. Мен ҳам билмайман.

Чол. Мен фақат Жануб, Шимол ва сен келаётган Шарқ томонда нималар борлигини биламан. Бу ерлар менга яхши таниш. Балки, мана шу ерлар сиз учун энг яхши жойлардир. Гапларимга жаҳлнинг чиқмасин, жуда чарчабсан, менимча яхшиси орқанга қайт. Агар йўлингни давом этдиргудек бўлсанг, мўлжаллаган манзилингга етиб боришинг мушкул.

Жаҳонгашта. Етиб боришим мушкул? (Хаёлга чўмади, бирдан ўзига келиб.) Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас! Мен олға қараб кетишим керак. Орқага қайтсам яна ўша ҳол: помешчик, назорат, қамоқ, лабларида кулги-ю, кўздан оққан ёшлар... Уларни кўришни истамайман, орқамга қайтмайман!

Чол. Ноҳақ гапиряпсан. У ерда самимий кўз ёшлари, сени соғинаётганларни ҳам кўрасан.

Жаҳонгашта. Йўқ, уларнинг самимий кўз ёшларини кўришни ҳам, менга нисбатан бўлган меҳрибончиликларга дуч келишни ҳам истамайман!

Чол. Ундай бўлса (бош силкийди), боравер.

Жаҳонгашта. Ҳа олға бораверишим керак. Бунинг устига олға томондаги садо мени шоширяпти, дам олишга қўймай, ўз ёнига чақиряпти. Афсуски, оёғим ишдан чиққан, ярадорман, жуда кўп қон оқди. (Чолга оёғини кўрсатди.) Қоним кам; қон ичишим керак. Лекин уни қаердан топаман? Ахир ҳар кимнинг қонини ҳам ичавермайман. Йўлда сув доим топилади, бу хусусда камчилик сезаётганим йўқ. Бироқ, ҳозир бор кучимни йўқотиб қўйдим, нега деганда, қонимдаги сув ниҳоятда кўпайиб кетди. Бугун эса, биронта кўлмак ҳам учрамади, шунинг учун оз йўл босдим.

Чол. Ҳечқиси йўқ. Қуёш ботяпти. Менингча сен ҳам менга ўхшаб бир оз дам олсанг бўларди.

Жаҳонгашта. Аммо олдиндаги садочи — у мени чорляпти-ку.

Чол. Биламан.

Жаҳонгашта. Биласанми? Ана шу садони биласанми?

Чол. Ҳа, бир вақтларда мени чақирган товушга ўхшайди.

Жаҳонгашта. Худди ўша товуш энди мени чорламоқда.

Чол. Бунга ишонмайман. У мени ҳам бир неча марта чақирган, эътибор бермаганимдан кейин, чақирмай қўйган. Энди эса, эсимдан ҳам чиқаёзди.

Жаҳонгашта. Вой-бўй эътибор бермаганман дегин... (Хайлга чўмади, бирдан ўзига келиб яна қулоқ сола бошлайди.) Йўқ, бундай қилиш ярамайди! Олға боришим керак. Дам ололмайман. Афсуски оёғим ишдан чиқиб қолган. (Кетмоқчи бўлади.)

Қиз. Ма, ол! (Унга бир парча мато узатади.) Ярангни боғлаб ол!

Жаҳонгашта (матони олади). Раҳмат қизим, раҳмат. Ҳақиқатни айтсам, сен катта яхшилик қилдинг. Энди кўпроқ йўл юра олишим мумкин. (Фишт парчасига ўтириб, мато билан оёғини боғлай бошлайди.) Йўқ, бўлмайди! (Зўрбазўр ўрнидан туради.) Ма, буни қайтариб ол қизча. Бу билан боғлаб бўлмайди. Бунчалик мурувват қилганингиз учун қандай қилиб миннатдорчилик билдиришга ҳайронман.

Чол. Миннатдорчилик билдиришнинг кераги йўқ, бу мато сенга ёрдам бермади-ку.

Жаҳонгашта. Ҳа, ёрдам бермади. Лекин бу олий ҳиммат мен учун ҳамма нарсадан улуғ. Қара, бутун баданимни боғлаб ташласа бўлади.

Чол. Бунчалик ваҳмага тушма.

Жаҳонгашта. Сен ҳақсан. Иложим қанча. Агар бирор кишидан садақа олгудек бўлсам, шу кишининг ҳалоқатини кўриш ниятида мисоли ўликка тикилган калхатдек унинг тезроқ ҳалок бўлишини истаб, шу кишининг ён-верида изғиб қоламанми деб кўрқаман. Ёки атрофимдагиларнинг ҳаммасини қарғаб, ҳатто ўзимни ҳам ўлимга маҳкум эта беришим мумкин. Чунки менга ҳам қарғиш тегади. Аммо, ҳозирча менда бундай куч йўқ. Башарти шундай куч бўлган тақдирда ҳам набирангнинг шундай ташвишли ҳолатга тушишини барибир истамас эдим. Чунки унинг сингарилар бундай ҳолатга тушиб қолишни, эҳтимол, сира истамас. Бунга ишончим комил. (Қизга) қизим, матонг жуда яхши-ку, лекин озлик қилади. Ма, ўзинг қайтариб ол.

Қиз (қўрқиб чекинади). Менга кераги йўқ! Ўзингга ола қол!

Жаҳонгашта (кулимсирагандек бўлиб). Э... менинг қўлим теккани учун олмаяпсанми?

Қиз (халтани кўрсатиб бош иргитади). Солиб қўй, керак бўлади.

Жаҳонгашта (саросимада чекинади). Ахир қандай қилиб олиб кетаман.

Чол. Дам олмайсан, шунинг туфайли олиб кетишинг ҳам қийин. Бир оз дам олсанг, ҳамма иш жойида бўлади.

Жаҳонгашта. Ҳа, дам оламан... (Уйга толади, бирдан ўзига келиб, қулоқ солади). Йўқ, қололмайман! Кетишим керак.

Чол. Бир оз вақтга ҳам қолгинг келмаяптими?

Жаҳонгашта. Йўқ, қолгим келяпти.

Чол. Пича дам ол бўлмаса.

Жаҳонгашта. Аммо, иложим йўқ...

Чол. Ҳали ҳам кетишни маъқул кўряпсанми?

Жаҳонгашта. Ҳа, кетганим маъқул.

Чол. Бўлмаса бора қол.

Жаҳонгашта (энгашиб хайрлашади). Яхши, хайр бўлмаса. Сизлардан беҳад миннатдорман. (Қизга қарайди). Қизим, матонгни ол!

(Қиз қўрққанидан қўлини тортиб олиб, уйга яширинади).

Чол. Олиб кетавер, агар оғирлик қилгудек бўлса, йўл устидаги мозорга ташлаб кетарсан.

Киз (уйдан чиқади). Бундай қилиш ярамайди-ку!

Жаҳонгашта. Ҳа, бундай қилиш яхши эмас.

Чол. Бўлмаса ёввойи нилуфарларгами ёки гулсафсарларгами осиб кет.

Киз (суюниб чапак чалади). Ха-ха-ха! Шундай қил!

Жаҳонгашта. Э, ҳа...

Бир дақиқа тинчлик ҳуку суради.

Чол. Хўп, хайр бўлмаса. Тинч-омон бўл. (Туради, қизига.) Қизим, мен уйга кирай, қўлтиғимга кир. Қарагин, қуёш ботганига ҳам аллавақт бўлди. (Уй томонга ўгирилади.)

Жаҳонгашта. Раҳмат, сизларга. Сизлар ҳам тинч бўлинглар. (Айланиб юради, уйга толиб бирдан чўчиб кетади.) Қололмайман! Кетишим керак. Ҳа, шундай қилишим керак. (Бошини кўтариб Ғарб томонга дадил қадам ташлайди).

Қиз, чолга ёрдам бериб, уни пахса деворли уйга олиб киргач, эшикни ёпиб олади. Мусофир дашту биёбон томонга юради, тун қоронғуси туша бошлайди.

1925 йил, 2 март.

СҮНГАН ОЛОВ

Туш кўрсам муз тоғлари орасида юрибман.

Музли осмон остидаги бу улкан муз тоғини худди балиқ тангачаларига ўхшаш совуқ булутлар қоплаб олган. Тоғ ён бағирлари — музли дарахтзор; шох ва барглари қарағай игна баргидан. Буларнинг ҳаммаси худди муз билан қоплангандек, кўкимтир рангда.

Бирдан муз дарага тушиб кетдим.

Атрофда оқ кўкимтир рангдаги муздан бўлак ҳеч нарса йўқ. Лекин мана шу оқ кўкимтир рангдаги муз қопламасида сон-саноқсиз қизил рангнинг акси бор; худди маржонлар шодаси сочилиб ётгандек кўринади. Энгашиб оёқ остимга қарадим-у, оловга кўзим тушди.

Бу сўнган олов эди. Унинг алангаси тебранмайди ҳам; у қотиб қолган ёқут бўлагидек қимир этмайди. Унинг устида қора тутун ҳам қотиб қолган. Афтидан, бу олов ёнаётган уйдан келтирилган-у, шу ерда қотиб қолган. Аланга музли девор бўлиб кўринади, бир-бирига нур сочади, бутун дарани кип-қизил ёқут рангга бўяйди.

Ҳа-ҳа!

Болалик чоғларимда тез юрар пароход ўтхонасидан буралиб чиқадиган аланга ва тўлқинларни томоша қилишни яхши кўрардим. Фақат яхши кўриш эмас, балки, аниқроқ билиб олгим келарди. Афсуски, улар бир ўзгариб, бир йўқ бўлиб кетар, ўзгариб ҳеч қачон бир шаклда турмасди. Такрор-такрор синчиклаб қарардим, бироқ аниқроқ бир из кўрмасдим.

Сени дастлабки бор қўлга киритишим сўнган олов!

Сўнган оловни қўлимга олдим, уни яхшилаб кўрмоқчи бўлган эдим, совуқ бармоқларимни куйдирди; унга бардош бериб оловни чўнтагимга солиб қўйдим. Шу оннинг ўзида бутун дара оч ҳаво ранг тусга кирди. Бу муз жарлигидан бир илож қилиб чиқиб кетиш йўлини ўйладим.

Тўсатдан ингичка қора тутун оқими кўтарилди ва темир сим илон каби юқори интилди. Соғ кип-қизил алангалар билан тўлди, улар худди гулхан каби мени қуршаб олди. Энгашиб қарасам: сўнган олов ўт олди, уст-бошимни ёндириб, муз устига ёйилиб кетяпти.

— Оҳ, дўстим! Ўз иссиғинг билан мени уйғотиб юбординг,— деди у.

У билан гаплашиб исмини билгани ошиқдим.

— Қачонлардир кишилар мени мана шу муз жарлигига ташлашган,— деди у менинг саволимга жавоб беришдан бош тортиб.— Уларнинг ўзлари аллақачон дунёдан кўз юмиб кетишди, улардан асар ҳам қолгани йўқ. Менинг ҳам совуқдан ўлишимга оз қолди. Агар мени ўз иссиғинг билан иситмаганингда, кўп ўтмай ҳалок бўлардим.

— Уйғонганинг жуда соз бўлди. Ҳозир мана шу муз жарлигидан қандай қилиб чиқиб кетиш йўлини ўйлаётган эдим; сенинг ҳеч қачон музлаб қолмаслигинг ва абадий ёниб туришинг учун бу ердан ўзим билан олиб чиқиб кетаман.

— Ҳай-ҳай! У тақдирда бутунлай ёниб кетаман!

— Агар шундай ҳодиса юз бергудек бўлса, яхши бўлмайди. Бўлмаса шу ерда қолдириб кетаман.

— Ҳай-ҳай унда музлаб қоламан!
— Нима қил дейсан, бўлмаса?
— Ўзингга қолса нима қилардинг?— деб сўради у мендан ўз навбатида.

— Айтдим-ку, шу муз жарлигидан чиқиб кетмоқчиман...

— Ундай бўлса, менинг бутунлай ёниб кетганим бўлсин.

У тўсатдан қизил комета сингари визиллаб кўтарилди ва мен билан бирга жарликнинг бўғзидан учиб чиқиб кетди. Бирдан каттакон ғиштдан ясалган икки ғилдиракли арава ўтиб қолди ва мен унинг ғилдираклари тагида қолиб кетдим. Бироқ, араванинг муз жарлигига қандай қилиб ағанаб кетганлигини яққол кўрдим.

— Ҳа, ҳа! Сизлар энди сўнган оловни кўролмайсизлар!— дедим мен, худди шу ҳол юз беришини истагандек ўзимда йўқ хурсанд бўлиб.

1925 йил, 23 апрель.

ИТНИНГ ЭЪТИРОЗИ

Туш кўрсам, торгина чорраҳадан ўтиб кетаётибман. Устимда жулдур-жулдур кийим, оёғимда йиртиқ кавуш, га-дойга ўхшайман.

Орқамда бир ит менга қараб вовиллади. Бемалол унга қайрилиб қарадим-да, баландда туриб, унга ғазаб билан бақирдим:

— Ҳа! Хўш! Овозингни ўчир! Бойларга бўлса думингни жилпанглатасан, камбағалларни қопасан, ит!

— Хе-хе!— кулди у жавоб ўрнига.— Менга ким қўйибди? Одамлар қаёқда-ю, мен қаёқда!

— Нима?!

Тутақиб кетдим. Бундай ҳақоратни умримда биринчи дафъа эшитишим эди.

— Ҳа менга уят: шу пайтгача мис билан кумушни ажратолмай келдим, бўз билан шойини, амалдор билан фуқарони, хўжайин билан қулни... фарқига бормадим.

Итдан узоқлашдим.

— Қаёққа? Яна гаплашамиз...

Қаттиқ чинқириқ товуш эшитдим, бу товуш худди мени олиб қолишга интилаётгандек эди.

Югурдим, югурганда ҳам кучим борича чопдим. Чопиб кета туриб, ўйғониб кетдим, қарасам, тўшақда ётган эканман.

1925 йил, 23 апрель.

ЎУҚОЛГАН ДЎЗАХ

Туш кўрсам, жаҳаннамнинг бир четидаги совуқ, кимсасиз жойда кўрпага бурканиб ётибман. Шайтонларнинг қийқириқлари бир оз пасайган, бироқ, уларнинг товушларида мунтазамлик бор, бу товушлар аланганинг гувиллаши, қайнаётган ёғнинг биқирлаши, пўлат паншаҳанинг дириллаши билан ҳамоҳанг бўлиб, уч оламнинг ҳаммасига ёйилаётган кучли таронадек кўнгилга ором бағишлайди: ер тагида бениҳоя осойишталик.

Қаршимда хушбичим, хуштабиат барваста бир киши турибди. Унинг жуссасидан нур ёғади. Лекин унинг иблис эканлиги менга аён.

— Иш тамом, вассалом! Бечора шайтонлар бу ажойиб дўзахдан маҳрум бўлишди!— деди у ачиниб. Сўнг ўтирди, танҳо ўзигагина маълум бўлган бир ҳодиса ҳақида ҳикоя қилди.

— Еру кўк ҳаммаси кўнғир рангга кирганда иблис осмон паришталарини енгиб, барча махлуқ бўйин эгадиган улуғ ҳокимиятни ўз қўлига олган пайт эди. Иблис осмон подшогинини ҳам, ер юзидаги кишиларни ҳам, дўзахни ҳам забт этди. Сўнгра иблис жаҳаннам қаърида пайдо бўлиб, ўртага ўтирди, унинг баданидан нур сочиларди, ўзи шайтонлар аламонини кўздан кечира бошлади.

Дўзах аллақачон бўшаб қолган: дарахтларнинг гурзи ясаладиган тиғ ёғдулари* тугаган; қайнаётган ёғлар оқмай қўйган; ҳайбатли гулхан устида, гоҳ-гоҳ лип этиб зангори тутун кўтарилиб қўярди, ундан ташқари узоқда афюн дарахти бўлиб, унинг гуллари майда, оқиш, сўлғин эди. Бунинг ажабланидиган ери йўқ, чунки бу ердаги ҳамма нарсалар куйдирилиб юборилган, ўз ҳосилдорлигини йўқотган, албатта.

Иссиқ олов билан совуқ ёғда шайтонлар уйғониб, иблислар тарқатадиган ёғду — жаҳаннамдаги оппоқ майда гулларга тикилишди; Улар алданиб йўлдан озишган инсонларни ўйлашади; улар чурқ этмай хаёл сўриб неча-неча йилни ўтказишгани номаълум. Сўнгра, инсонларга мурожаат этиб, дўзахга қарши қаттиқ исён кўтаришди.

Инсонлар унга жавобан адолат учун иблисларга қарши урушга чиқишди. Уруш овози уч дунёнинг ҳар бир ерида жаранглади, узоқлардан момақалдироқнинг гумбурлаган товуши эшитилди. Ниҳоят охирги режа қўлланди, катта тўр қўйилиб, иблис дўзахдан чиқиб кетишга мажбур бўлди. Катта ғалаба симболи сифатида дўзах дарвозасига инсонлар байроғи ўрнатилди.

Шайтонлар табриклаш учун қичқирishaётганда дўзахда тартиб ўрнатиш учун юборилган кишилар жаҳаннамнинг қоқ ўртасига жойлашиб олдилар-да, ўзларининг инсон эканликларидан фойдаланиб, шайтонларни қаттиқ ҳақорат қила бошладилар.

Шайтонлар дўзахга қарши норозилик билдириб, наъра тортганларидан кейин, улар оламда одамларга хиёнат қилган исёнчилар ҳисобланиб, оламдан абадий ҳайдалдилар-да, гурзи ясаладиган ўрмоннинг қоқ ўртасига сургун қилиндилар.

Инсонлар улуғ ҳокимиятни бутунлай ўз қўлларига олдилар, ҳамма уларга тобе бўлди. Уларнинг қудрати иблисларникидан кўп эди. Сўнгра инсонлар тартиб ўрнатишди. Аввало ҳўкизбош А-Пан* учун овқатликка энг юқори сифатли кўкат келтиришди, гулхан устига шох-шаббалар ташлашди, пичоқлар қайралди — бутун дўзах ўзгарди. Аввалги тушкунликнинг изи бир зумда йўқолди.

Афюн гуллари шу онда қуриб қолди. Ёғ аввалги ҳолича қайнайверди, пичоқлар яна ўткирлашди, олов аввалгидек иссиқ; шайтонлар яна аввалгича шоду ҳуррам — йўқотилган дўзахни эслаш учун ҳам уларнинг вақти йўқ.

— Бу инсонларнинг хизмати, бу шайтонларнинг бахтсизлиги.

— Дўстим, сен менга шубҳа қиласан. Ҳа, сен инсонсан! Мен ёввойи ҳайвонлар ва жинларни ахтариб кетаман...

1925 йил, 16 июнь.

ҚАБР УСТИДАГИ ЁЗУВ

Туш кўрсам, қабр тоши олдида турибман ва унга ўйиб ёзилган сўзларни ўқияпман. Бу қабр тоши қум-тошдан ясалганга ўхшайди, у парчаланиб кетган, устини эса, мох босиб ётибди. Моҳ орасидан жумлаларни чала-чулпа ўқиш мумкин.

«... барала айтилган қўшиқ билан жазирама иссиқнинг чегараси — совуқлик осмоннинг таги йўқ; ҳамманинг кўз таги бўшлиқ; орзу бўлмаган жойда нажот бор...»

«... дайди арвоҳ заҳарли илонга айланди, одамни чақишнинг уддасидан чиқолмай, ўзини чақиб ҳалок бўлди». «Йўқол...»

Қабр тоши атрофини айланиб ўтиб, ёлғиз сағанага кўзим тушди. У ерда на гиёҳ, на дарахт бор, қабр бузилиб кетган. Сағанага кирадиган йўл эса, кенг очиқ, мурдани кўздан кечириб чиқдим. Унинг кўкси ёрилиб, юраги суғуриб олинган эди; юзида эса, на қайғу, на шодлик акс этар; қоронғу тутун ичида қолгандек хира эди.

Ҳушим учди, қўрққанимдан орқамга қараб қайтишимни ҳам билмай қолдим, бироқ, шу пайт қабр тошининг соя солиб турган томонига ўйиб ёзилган хатларга кўзим тушди:

«Қалбнинг таъмини билмоқ учун уни юлиб олиб, егин. Жароҳат оғриғи жуда даҳшатли ва оғир бўлади. Бас, шундай экан чинакам таъмини қандай қилиб билиб бўлади?...»

«Оғриқ босилгандан кейин ямлаб егин. Аммо қалб чириб қолган бўлади, унинг чинакам таъмини қандай қилиб билиб бўлади...», «Жавоб бер. Жавоб беролмасанг, йўлингдан қолма!..» Кетмоқчи бўлдим. Лекин қабрдаги мурда ўрнидан туриб ўтирди, лаблари қимирламай туриб, ўзи гапирди:

«Ҳоки тупроқ бўлганимдагина табассум қилганимни кўрасан!»

У мени қувиб қолмасин деб қўрқиб, орқамга қарамай қочдим.

1925 йил, 17 июнь.

УЛИМ ТАЛВАСАСИ

Тушимда туш кўраётган эмишман. Қаерда эканлигимни билмайман, кўз олдимда маҳкам қилиб беркитилган кичкинагина уй. Ярим кеча. Уйнинг томида қуюқ «васун» деб аталувчи қалин зангори мох ўсимликларигина кўринади. Егоч стол устидаги чироқнинг абажури ҳозиргина артиб тозаланган, хона жуда ёруғ. Чироқ нурида бузилиб кетган курси устида ҳурпайган, жаҳлдор, қўпол бир гавда ва столнинг остида ориқ, нимжон бир гавда очликдан, қайғудан, ҳасратдан, номусдан, шодликдан қалтирайди. Юмшоқ ва семиз эти ялтирайди; худди қўрғошинга қизил ранг бергандек оқиш-кул ранг ёноқларига аста қизил югуради.

Шарқда тонг ота бошлади, чироқнинг нури ҳам қўрқувдан пасая борди.

Бироқ ҳавонинг ҳамма ерида очлик, қайғу, ҳасрат, номус, шодлик тўлқинлари кезмоқда...

— Ойи!— деб бақирди эшикнингғижирлашидан уйғониб, икки ёшлардаги қизча.

Қизча ўтдан қилинган бўйрага ўралган ҳолда уйнинг бир чеккасида ётибди.

— Хали эрта, бир оз ухла!— дейди қўрқиб кетган она.

— Ойи! Қорним очиб кетди, юрагимғулдираяпти. Бугун бирор таом еймизми ўзи?

— Ҳа, бугун овқат бўлади. Бир пастдан кейин нонвой нон олиб келади, сотиб олиб бераман.— Мамнун бўлган она кичкинагина кўмүш чақани кафтига қўйиб, маҳкам сиқади, унинг нимжон овози ғамгин титрайди. Она уйнинг бурчагига бориб

қизига қарайди-да, бўйра орасидан, қизни қўлига олиб, йиртиқ беланчакка солади.

— Ҳали эрта, бир оз ухла,— дейди у тепага кўз тикиб ва бир нима дейишга мажולי келмай, эски том тирқишидан осмонга қарайди.

Ҳавода бир зумда катта тўлқин пайдо бўлади. У, бошқа тўлқинлар билан тўқнашади, гоҳ айланади, гоҳ оламни ўз гирдобига қамраб олгандек учади. На оғиз, на бурун билан нафас олиб бўлади.

Мен инграб уйғониб кетдим, дарча орқасида гўё кумуш ёққандек ой ёғдуси жилва қилади. Афтидан тонг отишига ҳали вақт бор.

Қаерда эканлигимни билмайман, лекин қаршимда қаттиқ беркитилган кичкинагина ўй. Ярим кеча. Бу тушимнинг давоми эканини англадим. Шундан бери қанча-қанча йиллар ўтиб кетибди. Уй ва унинг атрофи саранжом-саришта, уйда ёш аёллар билан бир неча болалар бор. Уларнинг ҳаммалари нафрат ва ғазабга тўлиб, анча ёшга бориб қолган аёл қаршисида ўтиришибди.

— Одамларнинг юзига қарашга ҳам номус қиламиз, ҳаммаси сенинг касринг,— дейди эркак қалтираб.— Ўзингча уни улғайтирдим дейсан, аслида эса, уни ҳалок этдинг, унинг ёшлигида очликдан ўлиб кетгани ҳам афзал эди!

— Ҳаммасига сен айбдорсан, мени чидаб келишга сен мажбур этдинг!— дейди хотин. Унга жавобан эркак:

— Энди мени ҳалок этмоқчимисан?— дейди.

— Буларни ўлдирмоқчимисан!— Хотин болаларни кўрса-тади.

Болаларнинг энг кичиги қуриб қолган қовоқ баргини пўлат ханжар сингари силкитиб ўйнар экан қаттиқ чинқиради:

— Улдираман!

Анча ёшларга бориб қолган бу жувоннинг оғзи очилиб қолди, қўрқиб кетди; сўнгра жимжитлик ҳукм сурди, бир оз вақт ўтгач, жувон тош ҳайкалдек қотган ҳолда кўтарилди. У эшикни ланг очиб, совуқ кўнгилсиз жанжаллар ва заҳарханда кулишларни ортда қолдириб, шахдам қадамлар билан қоронғу тун қўйнига қараб юриб кетди.

Жувон тун қоронғусида тўппа-тўғри чексиз биёбонга қараб йўл олди; теварак-атроф бийдай дала, тепада бепоён осмон, унда на қўш қанот қоқади, на ҳашарот. У яланғоч сахро ўртасида ҳайкалдек турибди, бир лаҳзада бутун ўтмишни кўз олдига келтирди: очлик, қийналиш, азоб чекиш, номус, шодлик — сўнгра қалтираш: қийинчилик, озор чекиш, ҳорғинлик, сўнгра талваса; ўлим — сўнгра тинчланиш... Бир лаҳзада уш-

буларнинг ҳаммаси бир-бирига туташиб кетди: меҳрибонлик ва жанжал, муҳаббат ва қасос, ғамхўрлик ва қувиш, намоз ва ҳақорат... Жувон ўрнидан турди, қўлини иложи борича баланд кўтарди, оғзидан одам ва ҳайвонларники каби ноаниқ, мужмал сўзлар чиқди. Бу талаффузлар фақат мурдорлар олами учун хос эди.

Хотин бу ноаниқ сўзларни айтар экан, ҳайкалдек қотиб қолган бўлиб, энди ҳеч кимга даркори бўлмаган толдек қалтиради. Унинг териси худди балиқ тангачаси сингари эди. Бу тангача худди иссиқ оловда сув қайнаётгандек гоҳ кўтарилиб, гоҳ тушади; ҳавода ҳам қуруқ чўлдаги бўрон тўлқини каби аланга пайдо бўла бошлади.

Сўнгра хотин кўзини осмонга қадади, пичирлаши ҳам тўхтади; фақат қалтирайди, қуёш нури каби ялтирайди, қуюн ёпирилиб келгандек ҳаво тўлқини гир айланади, ҳайқиради ва чексиз қирлар томон олиб кетади.

Жуда қўрқинчи туш кўрдим. Бунимен икки қўлимни кўксимга қўйиб ётганим учунгина кўрдим; тушимда ҳаддан ташқари оғирлашиб қолган ҳар икки қўлимни бор кучим билан қимирлатишга ҳаракат қилдим.

1925 йил, 29 июнь.

МУНОЗАРА

Туш кўрсам, бошланғич мактаб синфида ўтириб, иншо ёзапман. Ўқитувчимга мурожаат этиб, ундан қайси нарсани муҳокама қилишда иштирок этишимни сўрадим.

— Оғир масала!— деди ўқитувчи ва кўзойнагининг тепасидан менга қараб қўйди.— Мен сенга бунинг тарихини айтиб бераман. Бир оилада бола туғилди ва оила қувончи ҳеч қаерга сиғмай қолди. Чақалоқ бир ойлик бўлгач, уни меҳмонлар олдига олиб чиқишди*: ота-она ўз ўғли ҳақидаги самимий айтилажак кароматларни кутишди.

«Вақти келиб бу бола бой бўлади»,— деди биттаси ва ташаккур эшитди.

«Вақти келиб бу бола катта амалдор бўлади»,— деди иккинчиси ва чуқур миннатдорчилик эшитишга сазовор бўлди.

«Вақти келиб бу бола ҳам ўлади»,— деди яна бири, у шўрликни ҳамма баравар калтаклади.

Ўлади деб айтган киши муқаррар гапни айтди, бойлик ва лавозим ҳақида айтганларнинг гапи ёлғон бўлиб чиқиши мумкин. Лекин ёлғон гапирганлар раҳмат эшитди, ҳақиқат ҳақида гапирган киши калтак еди. Сен бўлсанг нима дер эдинг?..

— Одамларга ёлғон гапиришни ҳам, калтак ейишни ҳам истамайман. Нима дейишим керак, устод?

— Ундай бўлса, сен: «Оҳ, мана бу гўдакни қаранг! Бун қаранг-а! Қандай ширин... Қандай дўндиқ! Оҳ-оҳ!» — дейшинг керак.

1925 йил, 8 июль.

УЛГАН ДАН СЎНГ

Туш кўрсам, йўлда ўлиб ётибман. Мен бу ерга қандай қилиб келиб қолдим, қандай ўлдим — билмайман. Ҳар ҳолда, ўша ерда ўлиб ётганимнигина биламан.

Зағизгонларнинг хушчақчак чуғур-чуғурлари, ундан кейин қарғаларнинг қағиллаши эшитилди. Ҳаво тиниқ ва мусаффо, бир оз ер исн димоққа уради, афтидан тонг отиши яқинлашиб қолганга ўхшайди... Кўзимни очмоқчи бўламан. Лекин киприкларим очилмайди, худди кўзларим бировнинг кўзига ўхшайди, сўнгра қўлимни кўтармоқчи бўламан, яна ўша ҳол.

Юрагимга қаттиқ гулгула тушиб қолди. Ҳаёт вақтимда ҳазиломуз: агар инсон ўлса, унинг ҳаракатлантирувчи асаби ишдан чиқади, киши жонсиз бўлиб қолади, бироқ, унинг эси ўз жойида сақланиб қолади, — дер эдим. Буниси ўлимдан ҳам ёмон. Бу фикрларим тўғри чиқиб, унга ўзим иқдор бўлишимни қаердан билай?

Оёқ товуши эшитилди. Йўлда кимдир келяпти. Бошим ёнидан арава ўтиб бормоқда, афтидан унга оғир юк ортилган бўлса керак. Араванинг ғижирлаши киши қалбини тирнайди, баъзи кишилар шундай пайтда тишларини ғижирлатишади. Кўзим лола ранг тус ола бошлади — албатта қуёш кўтариляпти. Юзимни шарқ томонга бурдим. Бироқ, бу менга ёрдам бермади. Кишиларнинг тинимсиз говур-ғувури, бекорчиларнинг шовқин-сурони. Улар сариқ тупроқни дебсинишади, бурнимгача чанг кириб, акса ургим келади, аммо, акса уролмай, алданиб қоламан.

Оёқ товушлари дамба-дам эшитилиб, худди ёнимга келгач тўхтади; борган сари шивир-шивир гаплар эшитилади, уларнинг кўпчилиги мени кўргани келишган. Уларнинг фикрини билгим келди. Шу билан бирга ҳаёт чоғимда менга айтилган бутун гаплар сидқидиллик билан айтилмаган экан, энди эса мен ўлгач, айбларим фош этилмоқда деб ўйлайман. Лекин ҳаммасини эшитиб турибман ва ҳеч бир қарорга келолмайман, фақат шундай сўзларни айта оламан:

- Улдимми?
- Ҳа!.. Бу..
- Жим... тс!

Ғоят хурсандман, чунки биротна таниш овоз эшитмадим. Бўлмаса уларнинг таъбини тирриқ қилармидим, ё сўйинтирармидим, ёки байрам тушки овқатидан сўнгги вайсаш учун яна озуқа берармидим, унда қимматли вақтлар бекор ўтарди; шунда ўзимни айбдор деб ҳис этардим. Ҳозир мени ҳеч ким кўрмайди, менинг ўлимим ҳеч кимга озор бермайди. Шуниси ҳам яхши. Ҳар ҳолда мен халқ олдида айбдор эмасман!

Аммо, орқамда чумоли юрган бўлса ажаб эмас, қичитяпти. Қимир этолмайман, дармоним йўқ; одатдаги ҳолим бўлса, уни тушуриб юбориш учун қимирлашимнинг ўзи кифоя эди. Оёғимда ҳам биттаси ўрмалаяпти! Нималар қиляпсиз? Эй, қўнғизлар!

Бироқ, ишлар яна чаппасига олди: финғиллаган товуш эшитилди, мана, бир зангори пашша чаккамга келиб қўнди. У бир неча қадам юриб яна учди ва тумшуғи билан бурнимнинг учини ялади. Мен ўкинч билан: «Ҳурматлим, мен бирор-та улуғ шахслардан эмасман, муҳокама учун мендан озуқа изламай қўя қолинг...» деган хаёлга бораман. Лекин шу сўзларни деёлмайман. Ниҳоят у бурнимнинг учидан кетди-да, совуқ тумшуғи билан лабимни қитиқлади. Билмадим балки, бу муҳаббат изҳоридир. Яна бир неча пашшалар қошимга тўпланишди. Улар бир қадам қўйишгудек бўлса, сочларим таг-туғи билан силкинади. Ўз-ўзидан чидадим тугаб, ўзимни йўқотдим.

Бирдан шамол туриб, бир нима билан устим ёпилди, пашшалар бирдан учиб кетишди ва кетиш олдидан шундай дейишди:

— Э... Э... Эсиз!

Жаҳлим чиқди ва ғазабланганимдан бақириб юборишимга оз қолди.

Дарахт қарсиллаб ерга йиқилгандек бўлди. Ернинг гурсиллаши мени тўсатдан ҳушимга келтирди. Бўйра чўпларининг манглайимга тегиб турганини сездим. Бўйрани олиб ташлашлари билан қуёш нурларининг иссиғини ҳис қилдим ва шу онда кимнингдир:

— Нега бу ерда ўлди экан?— деган товушини эшитдим.

Бу товуш жуда яқиндан эшитилди, кимдир устимга энгашди. Ахир киши деган қаерда ўлиши керак? Илгарилари мен агар киши ерда кўнглидагидек яшаш ҳуқуқидан маҳрум бўлса, у ҳолда тинчгина ўлиш ҳуқуқига эга деб ўйлардим. Мен энди билсам омманинг фикрини билиш жуда қийин экан. Афсуски, менинг қалам-қоғозим йўқ; бўлганда ҳам ёзолмас эдим, ёзганимда ҳам уни ҳеч қаерда бостиrolмас эдим. Яхшиси ёпиғлиқ қозон, ёпилганча қола берсин.

Одамлар мени кўтаришди. Ким кўтараётганлигини билмайман. Пичоқларнинг чиқиллаган товуши эшитилди, маълум

бўлишича, бу «Менинг ўлишим керак бўлмаган» ерда полиция ҳам бор экан. Мени бир неча марта айлантиришди; гоҳ кўтарилиб, гоҳ пастга тушаётганга ўхшадим. Қопқоқ ёпилиб, михларнинг қоқилгани эшитилди. Қизиқ, атиги иккита мих қоқишди. Ахир бутун бошли тобутга иккитагина мих қоқиб қўйиша қоладими?

Хаёлимга «Олти томоним девор, унинг устига-устак мих қоқилган. Энди масала ҳал, ҳайҳот, бу қандай мусибат» деган фикр келди.

«Димиқтиришди!»— деб ҳам ўйладим.

Мени кўмишдимми, ё кўмишмадимми, гарчи буни пайқаб олмаган бўлсам-да, ҳақиқатда ўзимни анча осойиштароқ ҳис қилдим. Қўлимнинг орқаси бўйра катаklarига тегиб турибди. Бу кафан унча жирканарли эмас. Афсуски, мени кўмиш учун ким пул сарфлаганини билмаяпман! Лекин мени тобутга солган одамлардан жирканаман! Катак кўйлакнинг орқамга тегиб турган жойи букланиб қолибди. Улар дазмолланмай кийдиришибди. Энди кўйлакнинг букилган жойи ғашимга тегяпти. Улар, ўлган одам ҳеч нарсани сезмайди деб ўйлаган бўлсалар керак. Иш битди, эшак лойдан ўтдимми? Ҳа-ҳа-ҳа!

Гавдам ҳаёт вақтимдан кўра оғирроқ бўлиб қолганга ўхшайди, шунинг учун ҳам кийимларимнинг чоклари баданимга ботиб, қаттиқ халақит беряпти. Лекин бунга кўп ўтмай кўникиб қолиш мумкин. Борди-ю, вақти келиб чиришга тўғри келиб қолса, киши қаттиқ безовта бўлмайди, ўрганиб боради. Ҳозир бўлса беғалва ва беташвиш жимгина фикр юритган яхши.

— Аҳволлар қалай? Сиз ўлдингизми?

Бу овоз менга жуда таниш эди. Кўзимни очсам «Яшнаган ўтмиш» деган нодир китоблар сотадиган дўконнинг китоб тарқатувчиси олдимда турибди. Уни кўрмаганимга тахминан 20 йилдан ошган бўлса керак, у ўша-ўша, ўзгармабди. Яна олти томонли деворга қарадим: албатта, ҳаддан ташқари қўпол ва дағал, содда қилиб айтганда, кўнгилдагидек қилиб рандалашмаган.

— Бу халақит бермайди, ҳечқиси йўқ,— дейди у, тўқ ҳаво ранг материалли туғунчани очаётиб.— Мана, «Гунъянчжуаннинг»¹ Минскда нашр этилган нусхаси, нолегал ҳолда Цзяцзин² бошқариб турган йилларда босилиб чиққан. Сизга олиб келдим. Олиб қолаверинг, Бу...

¹ Г у н ъ я н ч ж у а н ь — Хитойда шуҳрат қозонган, «Чунъю» (Баҳор ва кўклам) китобига ёзилган изоҳ. Бу изоҳ бизнинг эрагача V асрда Тунъян Гао томонидан тузилган. «Чунъю» — конфуцианлик беш китобнинг бири; топшириқ бўйича конфуций тузган.

² Ц я ц з и н — император Ши цзун (1522—1566) Минск династиясини шу ном остида бошқарган.

— Бу сенмисан!— дейман мен ҳайратда қолиб унга.— Ақлдан озиб қолдингми? Наҳотки мана шу ҳолда, мана шу шароитда мени қандайдир Минск нашр этган китобни ўқийди деб ўйласанг?..

— Ахир, сиз бир қаранг, зиён қилмайсиз-ку.

Уша ондаёқ кўзимни юмдим, чунки у бола жонимга теккан эди. Бир оз кутиб, жавоб бўлмагач қайтиб кетган бўлса керак. Лекин чумоли яна бўйнимда ўрмалай бошлади, ниҳоят юзимга тушиб, кўзим косаси атрофида айлана бошлади...

Кўп вақт кутишларга қарамасдан, кишининг фикри ўлгандан кейин ҳам ўзгаришларга бардош беролади. Бирдан аллақандай куч юрагим тинчини бузди: бинобарин, яна жуда кўп тушлар кўрдим. Дўстларим менга шодлик ва осойишталик, душманлар эса, ўлим тилашди. Мен бўлсам на ундай, на бундай яшаб келмоқдаман. Шод ҳам эмасман, ўлганим ҳам йўқ. Ишқилиб уларнинг бирор тилагини амалга ошира олмадим. Ҳозир соя каби ўлдим, душманларимга ҳам билдирмадим, уларга бир томчи яхшиликни раво кўришни истамадим, бироқ, кулгига ҳам ҳаддан ташқари сахийлик қилмадим...

Суюнганимдан йиғлаб юборишга ҳам тайёрга ўхшайман. Балки, бу вафотимдан кейинги биринчи кўз ёшларим бўлса керак.

Маълум бўлишича кўзимда ёш қолмабди, йиғлаб нима ҳам қилдим. Кўз олдимда учқунлар чақнагандек бўляпти; мана ўтириб ҳам олдим.

1925 йил, 12 июль.

ЖАНГЧИ ШУНДАЙ БЎЛСИН!

Жангчи шундай бўлиши керак!

У, донг таратган Маньчжурия армияси қўшинининг камарига тўппонча осиб олган хитой солдати каби ёки елкасига ялтираган милтиқ осган анқов эмас, балки, унинг аксича бўлиши керак. У ўзига ишониб, балиқ терисидан қилинган совутдан ва яроқсиз темирдан ясалган шлёмдан муъжизали мудофаа қидирмайди. Лекин у ёввойилар итқитиб ўйнайдиган найза ушлаб олади...

У танасиз жонивор қатори ҳисобланади. Унга дуч келган кишилар бош қимирлатишади. У ана шундай бош қимирлатишни душман қуроли, яъни қон изи қолдирмай ўлдирадиган қурол деб билади. Бу ерда жуда кўп жангчилар ҳалок бўлган. У замбарак снаряди каби қудратли. Утакетган дов юраклар ҳам уни нима қилишларини билолмайдилар.

Танасиз жониворларнинг боши устидаги байроқда қуйдагича сўзлар чиройли қилиб тикилган: «филантроп»,

«олим», «адабиётшунос», «қария», «ўспирин», «эстет», «олижаноб эр»,.. остига эса чиройли қилиб нақшдор ёзувлар тикилган: «илмли», «ахлоқ», «мантиқ», «ижтимоий бурч», «Шарқ маданияти»...

Бироқ, у найза кўтаради.

Уларнинг ҳаммаси бошқа ғаразли кишиларга қарама-қарши ўлароқ, ўз фикрлари кўкрак қафасларининг қоқ ўртасида деб қасамёд этишади. Ана шунини исбот қилувчи ва унга чуқур ишонч ҳосил этиш учун ҳар бирининг кўкрагига мис ойна — тумор қадалган.

Бироқ у найза кўтаради.

Энгашиб, кулиб туриб найзани улоқтиради ва найза уларнинг юрагига бориб санчилади.

Уларнинг ҳаммаси эгилиб ерга йиқилади, бироқ одам эмас, фақат кийимларнинг ўзи экан.

Танасиз жониворлар яшириниб олиб, ғалабаларини танта-на қиладилар. Еки у филантропни сеҳрлаб жиноятчи бўлиб қолади.

Бироқ у найза кўтаради.

У танасиз жониворлар орасида катта қадам ташлаб юради, яна ўша бир хилда бош ирғаш, турли-туман байроқлар, мантиялар...

Бироқ у найза кўтаради.

У ана шу қатор танасиз жониворлар билан курашиб, қарийди ва мункиллаб қолади, сўнг ўлади. У энди жангчи эмас, аксинча, танасиз жонивор — ғолиблардир.

Бундай шароитларда ҳеч ким: урушнинг «Улуғ тинчлик» деган шиорини эшитмайди.

Улуғ тинчлик...

Бироқ у найза кўтаради.

1925 йил, 14 декабрь.

ДОНО, АҲМОҚ ВА ҚУЛ

Қул фақат қайғумни кимга айтсам экан деб юради. У фақат шунини истайди, бундан бошқасига қодир ҳам эмас.

— Жаноб!— деди у шикоят билан ва унинг кўзидан оққан ёш томчилари маржон-маржон бўлиб оқди.— Мени биласан, ҳолимга тушунасан. Мен инсонга ўхшаб яшай олмайман. Бир кунда бир марта овқатланаман, у ҳам ҳар кунини эмас, унинг устига ейдиган овқатим гаолян қипиғи. Мен еган овқатни ит ҳам, чўчқа ҳам емайди, еган овқатим бир товоқ ҳам келмайди.

— Ҳа, сенинг аҳволинг ҳақиқатда ачинарли,— деди доно хафа бўлиб.

— Бўлмасачи!— суюнди қул.— Ахир кечаю кундуз дам олмасдан ишлайман: тонг саҳарлаб сув келтираман, кеч бўлгач, бўтқа пишираман, қоқ тушгача растама-раста югураман, ёмғирли кунларда хўжайинимнинг бошига соябон тутиб юраман, қиш бўлса, печкага олов ёқаман, ёз бўлса, елпигич билан елпийман. Ярим кечада «кумуш қулоқ»* иситиш билан бандман, хўжайиним ўйин билан овора бўлган чоғда хизмат қилиб тураман, лекин бу ўйиндан бир чақалик фойда йўқ, унинг ўрнига баъзан дарра ейман...

— Уҳ...— чуқур нафас олди доно, кўзлари қизариб, у йиғлаб юборгудек бўлди.

— Жаноб! Энди бу алпозда кун кечира олмайман. Бирор чора ўйлаб топишим керак, нима қилсам экан?

— Менинча бир кун эмас, бир кун ёруғлиққа чиқасан...

— Ростми? Мен ҳам фақат шуни орзу қиламан! Мана мен сенга ўз дардимни айтдим, жаноб, сен менга анча далда бердинг, қайғумни сездинг. Гапингни эшитиб анча енгил тортидим. Хайрият, бу ёруғ дунёда ҳали ҳам адолат бор экан...

Лекин кўп ўтмай қулнинг тинчи йўқолди, ўз дардини кимга баён қилишни билмай яна одам ахтарди.

— Жаноб!— дели у кўз ёшларини тўкиб.— Сен мени биласан, ҳолимга яхши тушунасан. Чин сўзим, мен чўчқа оғилхонасидан ҳам бадтар ерда яшайман. Хўжайиним мени инсон қаторига қўшмайди: итига мендан кўра минг марта яхши қарайди.

Қулоқ солиб турган киши:

— Муттаҳам!— деб шундай бақирдики, қулнинг эси чиқиб кетаёзди. У одам аҳмоқ эди.

— Жаноб, мен вайрона бир кичик кулбада яшайман, нам, қоронғу, ичи гич-гич қандала. Бир оз ухлаб қолгундек бўлсангиз, еб ташлайди. Қўланса ҳид димоққа уради, биронта дарчаси ҳам йўқ...

— Сен хўжайинингга дарча очиб бер деб айтолмайсанми?

— Айтиб бўлармиди?

— Қани, мени ўша ерга бошлаб бор-чи, кўрамиз!

Аҳмоқ қулнинг кулбасига келиб дарров лой деворни теша бошлади.

— Жаноб! Нима қиляпсиз?— сўради қўрқиб қул.

— Сенга дарча очяпман.

— Керак эмас! Хўжайиним уришади!

— Уришса уриша қолсин!— Аҳмоқ ишида давом этди.

— Одамлар, ёрдамга! Қароқчи уйимизни бузяпти! Тезроқ келинглар, бўлмаса тешиб қўяди!— Бақирди қул кўз ёши қилиб ва ерга ағанади.

Қуллар ўз уйларидан чиқиб келиб, аҳмоқни ҳайдаб юборишди.

Шовқин-суронни эшитган хўжайин, секин эшикка чиқди.
— Қароқчи уйимизни тешаётганда мен биринчи бўлиб бақирдим, ҳаммамиз уни ҳайдаб юбордик,— деди қул ғалаба қилган кишидек.

— Баракалла, яша,— деб мақтади хўжайин ўз қулини.

Шу куни бу ҳолни кўргани бир қанча кишилар келди. Улар ичида доно ҳам бор эди.

— Жаноб! Энди мен бошқача бўлиб қолдим, хўжайиним мени мақтади. Тунов куни менга бир кун бўлмаса, бир кун ёруғлиққа чиқасан деган эдинг, гапинг тўғри чиқди. Уша айтганинг ҳақ экан...— деди қул шодланиб. У келгусига бўлган ишончи туфайли қушдек енгил эди.

— Бўлмаса-чи...— жавоб берди доно: афтидан унинг ўзи ҳам шод эди.

1925 йил, 26 декабрь.

ҚУРИБ ҚОЛГАН ЯПРОҚ

Чироқ нүрида «Яньминьцзи»ни* ўқиб ўтирган эдим, бирдан китоб варақлари орасидан заранг дарахтининг қуриб қолган япроғи чиқиб қолди.

Бу менга ўтган йилги кеч куз фаслини эслатди. Тун бўйи қалин қиров тушди, ҳамма дарахтнинг барглари тўкилди, уй олдидаги кичкинагина заранг дарахтининг барглари қип-қизил бўлиб қолди. Мен бу дарахтлар янги барг отган кезларда уларнинг рангларини томоша қилиб неча бор айланиб чиқдим, аммо уларнинг ранг-баранг эканлигини сезмабман, унга эътибор бермабман. Афтидан баргларнинг ҳаммаси қизармаган экан, кўпи оқишроқ олча ранг, баъзилари эса, тўқ қизил бўлиб, устки қисмида тўқ-зангори доғлар ҳам бор. Фақат битта баргнинг четида қора ҳошияси бор, озроқ жойини қўрт еган эди. Қизил, сариқ, яшил баргларнинг товланиши кишига боқиб турган кўз қорачиғидек кўринди. «Бу шикастланган япроқ-ку!» деб ўйладим. Уни узиб олдим-да, янги сотиб олган «Яньминьцзи» китобининг орасига солиб қўйдим. Эҳтимол, ўз шоҳида зўрға илиниб турган, шамол елида бошқа япроқлар билан бирга учиб, хазонга қўшилиб кетмаган бу чипор япроқ мени қизиқтиргандир.

Бугун эса бу япроқ менинг олдимда сариқ мумдек бўлиб кўриняпти. Бу қорачиғ энди ўтган йилдагидек нур сочолмайди. Яна неча-неча йиллар ўтади, бу япроқдаги ранглар ҳам менинг хаёлимдан кўтарилади, ҳатто нима сабабдан бунини шу китоб орасига солиб қўйганимни ҳам унутаман. Шикастланган япроқ юзидан йўқолиб кетаётган турли-туман ранглар оз вақт бўлса ҳам киши хотирасида қолар, лекин зангори ранг-

лар эса тезроқ ўчиб кетади. Қара, дарча ортидаги совуққа чидамли дарахтларнинг барги аллақачон тутдек тўкилган, заранг дарахтини ўйламаса ҳам бўлади. Куз фасли келиши билан ўтган йилдаги сингари барглар яна шикастланади. Афсуски, бу йил куз фаслида дарахтларнинг япроқларидан баҳраманд бўлишга бўш вақт тополмайман.

1925 йил, 26 декабрь.

ЎЗ ТУСИНИ ЙЎҚОТГАН ҚОН ДОҒЛАРИ ОРАСИДА*

Тириклар, ўлганлар ва туғилмаганлар хотирасига

Ҳозирги халлоқ барибир қўрқоқ.

У яширинча қиёматни ўйлаб топади, аммо, ер шарини йўқ қилолмайди; яширинча тирик мавжудодларни заифлаштиришга ва ўлишга мажбур этади, аммо уларнинг жасадини узоқ сақлашга ботинолмайди; яширинча одамларни қон тўкишга мажбур этади-ю, қон рангини асрлар бўйи тиниқ ҳолда қолдиролмайди; зимдан туриб кишиларни озор чекишга мажбур этади-ю, аммо уларни бошдан кечирган кулфатларини ҳамиша эслайдиган бир ҳолатни вужудга келтиролмайди.

У одамлар орасида ўзига ўхшаган қўрқоқларнинг манфатини кўзлаб вайроналарда ва ташландиқ қабристонлар устида ҳашаматли қасрлар қуришни, замоннинг қўли билан ғам ва қон доғларини ювиб юборишни ўйлаб топган. Ҳар кун у ўзи шакар қўшган оғуни қадаҳларга қуйиб, одамларга тутқизади. Бу қадаҳдаги оғу унчалик кўп ҳам эмас, оз ҳам эмас. Фақат салгина ширакайф бўлинса кифоя. Шунинг учун ҳам оғуни ичган кишилар айни бир вақтда йиғлашлари ҳам, куйлашлари ҳам мумкин. Ўзларини ҳушёрдек сезадилар-у, айни вақтда маст бўлиб қолганликларини ҳам билмайдилар. Улар гоҳ ҳушларига келадилар, гоҳ ҳушларини йўқотадилар, гоҳ ўлгилари, гоҳ яшагилари желади. У ҳаммани яшашга иштиёқли қилиши лозим; ҳали у одамларнинг журъатини батамом тугатгани йўқ-ку.

Ер юзига ёйилган хароба ва бузилиб кетган мазорлар ўз тусини йўқотган қонлар билан тўла, уларнинг орасида доддираб юрган кишилар ўз қайғуларининг гаштини сурмоқдалар. Бироқ, улар бу қондан ажрала олмайдилар, бўш қолгандан кўра қайғуга ботган яхшироқ, дейдилар. Ҳар ким ўзини «шарманда бўлган осмон халойиқлари» деб ҳисоблайди. Бу билан ўз қисматига иқрор бўлишади. Улар янги бахтсизликларни чидам билан кутишади. Янги нарса уларни чўчитади ва бир-бирлари билан учрашишга мажбур этади.

Буларнинг ҳаммаси халлоқнинг инобатли фуқаролари. Унга ҳам шунинг ўзи керак, холос.

Одамлар орасида исёнкор пайдо бўлади: у қаддини ростлаб туради ва шакли ўзгариб кетган ҳамда ташлаб қўйилган хароба мазорга тикилиб қолади. У ўтмишдаги оғир қийинчиликларни эслайди, шу билан бирга ана шу ерга бир неча бор қайнаётган қоннинг тўкилганлигини кўради ва барча ўлган, ҳозирги ҳаёт, туғилай деётган ва туғилиши лозим бўлганларни эслайди. У бўлиб ўтган миш-мишни кўздан кечириб, бу кишиларни тирилтириш ёки ижод учун берилган бу ижодкорларни буткул қириб ташлагани ўрнидан турмоқчи бўлади.

Халлоқ — қўрқоқ, унга уят, шунинг учун ҳам у яширинади. Шунда ер ҳам, осмон ҳам ботирнинг кўзига бошқача бўлиб кўринади.

1926 йил, 8 апрель.

У Й Ғ О Н И Ш*

Самолётларга бомба ташлаш вазифаси юклатилган. Улар худди мактабга борадиган ўқувчилар сингари ҳар куни эрта билан Пекин устидан учишади. Самолёт моторлари ҳар сафар гувиллаганида ўзимни енгил ҳис этаман; гўё мен «ўлим»га ҳужум қилиш олдидан «ҳаёт»ни нима эканлигини яна ҳам аниқроқ тушунаман.

Бир-икки портлашдан сўнг, самолётлар гингиллаганча секин-аста узоқлашади. Эҳтимол, ўлган, ярадор бўлганлар бордир, лекин мамлакат яна ҳам тинч ва сокинликда ҳукм суради. Дарча орқасидаги терак барглари қуёш нурларида товланади; қайрағоч ва кечки олхўрининг барглари кечагидан ҳам турланиб кетган; каравотдаги сочилган газеталарни йиғар эканман, ёзув столи устидаги ўтган кечасидан тўпланиб қолган кул ранг чангни тозаладим ва кичкинагина кулбам «ҳам ёруғ, ҳам тоза» бўлди.

Негадир ўзимга зарур бўлиб, кўпдан бери қўлимда ётган, ёш авторларнинг қўл ёзмаларини тузата бошладим; буларнинг ҳаммасига қандайдир изоҳ бермоқчи бўлдим. Бу асарларнинг қачон ёзилганлигини кўриб чиқдим, шунда ўзларини безаб кўрсатишни истамаган бу ёшларнинг юраги кўз ўнгимдан бирма-бир ўта бошлади. Улар ҳали заиф, соф дил, лекин улар қийинчиликларга дучор бўлишди, ҳам чекиб, нола қилишди. Ниҳоят, муҳаббат қўйса арзийдиган бу ёшлар шафқатсиз бўлишди.

Уларнинг қалбини қум бўронлари талаган. Улар дағаллашиб қолган. Лекин шундай бўлса ҳам, уларнинг қалби чин

инсон қалбидир. Уларни шу ҳолда ҳам севаман. Янги қон доғлари ёпишган, ўз шаклини ва тусини йўқотган дағал манглайларини ўпким келади. Гўзал ва машҳур боғда ажойиб гуллар чаман бўлиб очилган. Икки юзи қизил олмадек мулойим бир қиз бекор ва ўз ҳолича сайр қилиб юрибди... Тўрғайлар сайрайди. Маънос оқ булутлар кўкда кезади. Буларнинг ҳаммаси киши кўнглини ўзига тортади. Лекин мен одамлар орасида яшаётганимни асло унутмайман.

Тўсатдан бир воқиа эсимга тушиб қолди: икки-уч йил муқаддам Пекин университетида* ўқувчилар хонасида ўтирган эдим, ёнимга нотаниш бир йигит кирди-да, индамай менга ўроғлик китоб бериб, ўша он чиқиб кетди. Мен ўралган нарсани очдим, нчидан «Жонсиз ўт» чиқди. Йигитнинг индамай чиқиб кетганининг боисига тушундим, совға ниҳоятда безатилган эди! Афсуски, «Жонсиз ўт» ҳозир нашр этилмайди, афтидан у фақат «Чўккан кўнғироқ»* учун асос бўлиб қолди. Бу «Чўккан кўнғироқ» қум гирдобига сингигандек юракни сиқар даражада эшитиларди.

Синдирилган, ҳатто янчиб ташланган ёввойи қариқиз¹ кичкина бўлса ҳам гул очишга интилади. Эсимда, худди ана шу муъжизадан таъсирланган Лев Николаевич Толстой бутун бир ҳикоя ёзган. Қақраган чўлдаги ўсимлик ҳам яшаш учун ер бағрига илдири қўяди, ер остидаги булоқ намлигидан сув ичади ва зангори кўкаламзорга айланади; албатта, булар ўз «ҳаёти» учун шундай қилади, бироқ ҳориган, чанқаб, толиққан йўловчилар уларни кўриб, бир оз бўлса ҳам ўтириб дам оладиган жой топилганига қувонишади. Нега шундай, бунинг нимаси қувонтиради-ю, нимаси куюнтиради?

«Чўккан кўнғироқ»нинг «Номсиз» парчасида тушунтириш ўрнида шундай дейилади: «Биров бундай деган эди: бизнинг жамиятимиз бамисоли бир саҳро. Ҳақиқатан ҳам у шундай саҳро экан, гарчи у мудҳиш бўлса ҳам, лекин осойишта ва тинчдир: зерикарли бўлса бўлсинки, лекин у чексиз олисликларни сезиб олишига ёрдам беради. Қарангки, ҳатто шундай зулмат ерда ҳам шу қадар ўзгаришлар рўй бераётир.


Ҳа, менинг олдимда ёш қалблар турибди, улар қўполлашиб қолган ё қўполлашаётир. Бироқ мен қон тўкилаётган ва бошидан қийинчилик ўтаётган бу қалбларни севаман, чунки улар менинг одамлар орасида ҳа, худди шу одамлар орасида яшаб юрганлигимни тушуниб етишга ёрдам беради.


Ўтирган жойимда қўл ёзмаларни тузатар эканман, кечки қуёш ғарбга оҳиста оға бошлади: энди менинг ишлашим учун чироқ шуъласи нур бера бошлайди. Ҳар турли кишиларнинг ёшлиги кўз олдимдан ўта бошлади, қош қо-

¹ Қ а р и қ и з — ўсимлик номи.

рая бошларди. Чарчаб қўлимга сигарета олдим, нималарни-
дир ўйладим, оҳиста кўзимни юмдим-да, узоқ туш кўра бош-
ладим. Бирдан уйғониб кетдим; атрофим ҳамон қоронғу. Ҳа-
ракатсиз фазода худди ёзги булутлар сингари ўзига ажойиб
тус бериб булутлар ҳалқаси кўтарилмоқда эди.

1926 йил, 10 апрель.







БАХТ ТИЛАБ СИҒИНИШ.

Қамар йили календарининг сўнгги куни ҳақиқатан ҳам Янги йил арафасига ўхшарди. Лучжэнь қишлоғининг ўзигина байрам арафасида эмас, ҳатто ҳавонинг авзойидан ҳам Янги йил кириб келаётгани сезилиб турарди. Мушакларнинг ёрқин оловлари самода вазмин осилиб турган кул ранг булутларга ёндашиб кўзни қамаштирар, қарсилдоқларнинг жарангдор портлаши уларга жўр бўларди. Бу билан, ўтган йил ҳодисалари ҳақида ахборот бериш учун осмонга йўл олаётган макон тангрисини кузатиб қолмоқда эдилар. Қарсилдоқлар тобора кучлироқ ва тез-тез портлар, тинимсиз шовқин ҳукм суларди. Ҳавода ҳозиргина портлаган парох ҳиди анқиб турарди.

Худди Янги йил арафасида Лучжэнга келдим. Бу жой асли ўз қишлоғим эса-да, бу ерда уй-жойим бўлмагани туфайли Лу Си деган бир қариндошимникига тушдим. У мендан бир оз катта бўлиб, шу сабабли уни тоға деб аташим лозим эди. Бу одам эски мактаб олими бўлиб, илгари император академиясида ишлар ва фалсафа билан шуғулланарди.

Унинг кўринишида ҳеч қандай ўзгариш сезмадим. У гарчи аввалгидек соқолсиз, бир оз қариган эди. Биз одатдагича саломлашиб, кўришдик. У менга боқиб: «Сен тўлишибсан»... деди-ю ўша заҳотиёқ ғазаб билан янги партияни сўка кетди. Бу сўкишлар менга тааллуқли эмаслиги, унинг таъна-маломатлари Кан Ю-Вэйга* тегишли эканини билардим; ҳар қалай гапимиз бир-бирига қовушмай бир оздан кейин унинг кабинетида ёлғиз ўзим қолдим.

Эртаси кунни уйқудан кеч турдим ва тушки овқатдан кейин қариндош-уруғ, ёри-биродарларимни кўргани жўнадим; Лучжэнда ўтказган учинчи куним ҳам худди шу алпозда ўтди. Бу ерда деярли ҳеч нарса ўзгармаган, менинг таниш-билишларим бирмунча қаришган эди, холос.

Ҳамма уйда оварагарчилик, чоп-чоп, ҳамма ҳам «бахт тилаб сиғиниш» расм-русмини ўтказишга зўр бериб тайёрланмоқда эди.

Лучжэнда бу тантали маросимни йил охирида ўтказишди: бахт тангрисига қурбонлик қилиб, ундан келаётган янги йилда бахт-саодат ато қилишни тилашади. Қурбонлик қилиш учун товуқ, ғоз сўйишади, чўчқа гўшти сотиб олишади-да, буларнинг барини роса ювишади. Сувнинг совуқлигидан хотинларнинг қўллари тирсагигача қип-қизариб кетади, аммо баъзилар ўзларининг кумуш благузукларини қўлларидан олиб қўймайдилар ҳам. Барча нози-неъматлар ҳозирлангандан кейин унга куайцза тиқиб қўйилади, ана шундагина қурбонлик маросимига ҳамма нарса тайёр, дейиш мумкин бўлади. Саҳар чоғида таомларни маълум тартиб билан жойлаштирадилар, хушбўй шамларни ёқадилар ва бахт маъбудаларини ташриф буюриб, уларга атаб тайёрланган ионалардан тотиб кўришни таклиф қиладилар. Бу маросимни фақат эркаклар ўтказадилар, маросим ўтказилгач мушак отадилар. Озиқ-овқат, қарсилдоқ ва бошқа зарур нарсаларни сотиб олиш имконияти бўлса бас; бу маросим ҳар йили, ҳар қайси оилада бўлиб ўтади. Табиийки, бу йил ҳам, худди шу ҳодиса рўй бермоқда эди.

Само тобора оғирлашиб борар, булутлар қовоқ соларди. Кечки пайт қор ёғди. Олхўри гули сингари қор парчалари, шоҳ ташлаб рақс тушаётгандай бутун осмонни қоплаб олган эди; қош қорая бошлаши билан қор бутун Лучжэнни қамраб олишга ошиқиб, тобора жадал тус олиб ёға бошлади. Мен Лу Си тоғанинг кабинетига қайтаётган пайтимда черепица билан қопланган том оппоқ бўлиб қолган эди. Қор ёғиб, уй ёруғлашгани туфайли деворда осифлиқ турган, «Узоқ умр»дан далолат берувчи қизил иероглифлари билан «шоу»¹ деб ёзилган бамбук тахтача жуда аниқ кўринди. Бу иероглиф аллақачонлар яшаб ўтган киши Чэнь Туань² томонидан ёзилган эди. Бамбук тахтачанинг икки ёнида осифлиқ турган ўрам

¹ «Шоу» иероглифи — («Узоқ умр») — одат бўйича, туғилган кунга аталган барча совғаларга ёзилади.

² Чэнь Туань — ҳозирги Хэнань вилоятида туғилган; афсоналарга қараганда асли зоти, қадимги файласуф Лао-цзи туғилиб ўсган вилоятдан бўлган. У Лао-цзи таълимотининг изоҳловчиси ва каллиграф расм сифатида машҳур.

қоғозлардан бири¹ ҳозир ерга тушибди. У ярим очиқ узун стол устида ётарди. Бу қоғознинг иккинчиси деворда осиглиқ турар, ундаги ёзув: «Иш мазмунига эришилса, кўнгил хотиржам бўлади»,— деган маънони англатарди.

Оғир кайфиятда дераза ёнидаги стол олдига келдим. Бу ерда Қан Си лугатининг бир неча томи, «Цзин Си-лу»² асари изоҳларининг бир қисми ва «Чор китоб»³ни ўрганиш учун қўлланмалар тахланиб турарди.

Қандай қилиб бўлмасин эртагаёқ бу ердан кетишга аҳд қилдим. Сян-линь хола билан кечаги учрашувим хотиралари менга тинчлик бермас ва мен бу ерда ортиқ қололмасдим.

Воқиа бундай бўлган эди. Кеча мен Лучжэннинг шарқий томонига бир ошнамни кўргани бордим. Униқидан қайтаётиб анҳор бўйида Сян-линь холани учратиб қолдим. Унинг тикилиб қарашидан, мен билан учрашиш учун атайлаб келганини фаҳмладим. Менинг Лучжэндаги танишларимдан ҳеч ким бу хотин сингари ўзгармаган. Бундан беш йилча муқаддам унинг сочлари мош-гуруч эканлиги ёдимда, ҳозир бўлса мутлақо оқариб кетибди. Унинг ҳали қирққа кирмаганига сира ишониб бўлмасди. У ҳаддан ташқари озган, юзлари заъфар тусини олиб илгариги маъюслигини йўқотган эди. Чеҳраси, худди ёғочдан ўйиб ясалгандай жонсиз бўлиб кўринарди. У аёлнинг кўзларигина қаршингизда тирик мавжудот турганлигидан далолат берарди. Сян-линь хола бир қўлида синиқ, бўш коса солинган бамбук сават, иккинчи қўлида эса, ўз бўйида ҳам узун таги чувалиб кетган бамбук ҳасса тутиб турарди. Буларнинг ҳаммаси унинг тиланчи бўлиб қолганидан даллат берарди.

У мендан хайр қилишни сўрар деган хаёлда тўхтадим.

— Ўзингиз туғилиб ўсган жойларга қайтиб келибсиз-да?— деб сўради у.

— Ҳа.

— Жуда яхши. Сиз ўқимишли одамсиз, унинг устига олам кездингиз, бу ердагилардан кўпроқ биласиз, албатта... Сиз-

¹ Хитойликларнинг одатига кўра кабинетга иккита ўрам қоғоз осиб қўйилади. Бу қоғозларнинг ҳар иккаласини ҳам машҳур каллиграфлар томонидан ёзилган бир мазмундаги сўзлар (шеър, ҳикматли сўз ва ҳ. к. лар) ёзилган бўлади.

² «Цзин Си-лу»— Чжу Си билан Люй Цзу-цянлар ҳамкорлигида ёзилган илмий асар (X аср). Қадимги Хитой файласуфлари асарларидан олинган намуналардан иборат. (Ҳаммаси бўлиб 14 бўлимга ажратилган 622 афоризмни ташкил этади.) Цинлар сулоласи даврида (XVIII аср) Мао Синлай ва Цзян Юннинг изоҳ ва фикрлари билан қайта нашр этдирилган.

³ «Чор китоб» конфуцианлик қонунларининг тўртта китоби: «Фикр ва суҳбатлар» («Лунь юй»), «Буюк таълимот» («Да сюэ»). «Ҳақиқат маркази тўғрисидаги таълимот» («Чжун юн») ва «Файласуф Мин-цзиннинг ҳикматли сўзлари» («Мин-цзи»).

дан бир нарса сўрамоқчи эдим...— деди у ва унинг сўнган кўзларида тўсатдан учқун пайдо бўлди.

У менга бундай сўзлар билан мурожаат қилар деб мутлақо ўйламаган эдим; ҳайронликдан донг қотиб қолдим.

— Мен сиздан бир нарсани сўрамоқчи эдим,— деб давом этди у менга яқинлашиб ва овозини пастлатиб, сирли бир вазиятда:— Одам ўлгандан кейин унинг руҳи қоладими ёки йўқми?— деб сўради.

Саволнинг ўзиёқ мени ҳайратда қолдирди, унинг тикилиб боқиши эса, ваҳимага солди, ҳатто баданларим жимирлашиб кетди. Гоҳо мактабда ўқитувчи мени доска ёнига чақиргани-чақирган, аксига олгандай билмаган нарсамни сўраб, унинг устига-устак ўзи ёнимда туриб олгандан беш бадтар довдираб қолдим. Очигини айтганда мен:— одамнинг руҳи борми ё йўқми?— деган савол устида сира ҳам ўйлаб кўрмаган эдим. Ҳозир бўлса бу саволга жавоб беришим керак. Нима қилсам дурустроқ жавоб бераркинман? Бирмунча вақт иккиланиб турдим. Лекин бир оздан кейин, бу ернинг одамлари ҳануз руҳларга ишониши ёдимга келиб қолди. Афтидан, унинг қалбида бирор шубҳа пайдо бўлганга ўхшайди, ёки эҳтимол, у ўз ишончини мустаҳкамлаб олмоқчи бўлаётгандир?.. Лекин у нимага ишонмоқчи? Руҳнинг мавжудлиги ёки руҳнинг йўқ эканлиги ёки?.. Умри сўнгига яқинлашиб қолган одамга ортиқча озор беришнинг нима ҳожати бор? Яхшиси, унга руҳ бор деб айта қолиш керак.

— Менимча, ҳа... очигини айтганда шундай деб ўйлайман,— мужмалроқ жавоб бердим, мен.

— Ундай бўлса демак дўзах ҳам бор экан-да?

— Нима? Дўзах?— бу савол мени мутлақо гангратаиб қўйди; чалкаш жавоб бердим:— Дўзах?..— Мантиқий фикр юритсак, гўё бордек... Лекин унинг бўлмаслиги ҳам мумкин... Ахир бу кимни қизиқтиради?

— Агар ундай бўлса,— сўроқ беришида давом этди Сян-линь хола,— бир оила аъзолари ўлгандан кейин у ерда учрашишлари мумкин экан-да?

— Вой-бў! Улар учрашишлари мумкинми?—.. Шундан кейин мен ўзимни қип-қизил аҳмоқ деб ҳис қилдим. Мен ҳар қанча ўйламай, нималарни ўйлаб топмай, унинг бу саволларига жавоб беришга ожизман. Руҳан эзилдим ва ҳатто ўз сўзларимдан кечиб юборишга қарор қилдим.

— Энди... Ҳар қалай, мен бирор аниқроқ фикр айтолмайман... руҳ ўзи борми, йўқми, билмайман ҳам.

Унинг янги савол беришини кутиб ўтирмай, тезроқ жўнашга шошилдим. Ҳаяжонланиб Си тоғанинг уйига келдим. Кўнглим гоят нотинч эди. Воқияни ўйлаб, Сян-линь холага ўз сўзларим билан фақат катта зиён етказмадиммикин деб кўр-

қардим. Эҳтимол, унга ҳозир бошқалар бахт тилаб сифиниш маросимини ўтказишга тайёрланаётган вақтда, ўзининг яккаю ягоналиги жуда ҳам биллингандир. Балки, у бошка бир нарса демоқчи бўлгандир? Уни бирор кўнгил ғашлик қийнамаётганмикин? Агар у бирор бахтсизликка рўбарў бўлиб қолса борми, у ҳолда қисман жавобгарлик менинг зиммамга ҳам тушади...

Орадан бирмунча вақт ўтди, тинчландим ва ҳатто ўз қилмишимдан кулдим ҳам. Мен, буларнинг бари оддий тасодиф, бу сўзлашувнинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ, менинг ўзим бунга алоҳида, чуқур маъно бериб юрибман, деб ўйладим. Кишилар — педагоглар асабий одамлар деб бекорга айтмайди-ку. Ундан ташқари, мен унга «рўй-рост бирор нарса деёлмайман» деб аниқ тушунча бердим-ку. Шу гап билан аввал айтганларимни рад этдим-ку! Агар у бирон фалокатга учрагудек бўлса ҳам, бунинг менга ҳеч қандай алоқаси бўлмайди. «Рўй-рост бирор нарса деёлмайман» — бу энг қимматли сўзлар. Фақат тажрибасиз, лекин ўтакетган ўзбилармон ёшларгина бошқалар ўрнига мураккаб масалаларни ҳал қилиш ёки беморга табиб тавсия қилишни ўз зиммаларига олишга журъат этадилар. Кўп ҳолларда улар ўз бошларига ўзлари ғалва сотиб оладилар. Агар улар илтимос қилувчилардан ўз вақтида «рўй-рост бирор нарса деёлмайман» деган гаплар билан қутулишса-ку, кўнгиллари ғаш ҳам бўлмайди. Шунинг учун ҳам ҳозир мен мана шу иборанинг нақадар зарурлигини яққол сездим. Ҳатто тиланчи аёл билан сўзлашганда ҳам бу қадар нажотбахш сўзларни ишлатмай илож йўқ-да!

Шундай бўлса-да нотинчликдан қутулолмадим. Бир кеча ўтганига қарамай худди мудҳиш сезги қийнаётгандай ҳамон Сян-линь билан учрашувимни эслардим. Бугун ҳам ҳаво булутли бўлди; қора булутлар билан қопланган осмон, ғамгин, маънос кабинет ҳаяжонимни тобора оширарди «Йўқ, яхшиси эртагаёқ шаҳарга кетганим тузук» деб ўйладим ўзимча.

Шунда «Гуллаб-яшнаш» ресторанчаси ёдимга тушиб қолди. У ерда акула сузгичларини бошлаб пиширишади; бир юанга анчагина беради — ҳам арзон, ҳам яхши. Билмадим, ҳозир қимматлашиб қолмаганмикин?

Гарчи бир вақтлар бирга юрган улфатларим ҳар томонга тарқалишиб кетган бўлишларига қарамай, танҳо ўзим акула сузгичларини танаввул қилишдек маншатдан воз кечким келмади. Ундан кейин барибир эртага бу ердан жўнаб кетишга аҳд қилиб қўйдим-ку!

Бирор ҳодисани кутиб, унинг рўй бермаслигини хоҳлагудек бўлсанг, аксига олиб, худди ўша ҳодисанинг албатта юз бериши, менга аллақачонлардан бери аён. Бу сафар

ҳам шундай бўлмаса деб қўрққан эдим. Дарҳақиқат, кутилган ҳодиса юз берди. Кечқурун залга одамлар тўпланиб, қандайдир юз берган воқияни муҳокама қилишаётганини эшитдим. Тез орада овозлар эшитилмай қолди, тоғамгина уй ичида у ёқдан-бу ёққа юриб, баланд овоз билан: «На эрта эмас, на кеч! Бунини шу пайтда бўлиши зарур-миди! Бу шайтон васвасаси билан бўлган иш!» деб нолир эди.

Аввалига ҳайрон бўлдим, кейин гўё тоғамнинг гаплари менга таалуқлидай ҳаяжонга туша бошладим. Ташқарига кўз ташладим, лекин у ерда ҳеч ким йўқ эди. Кечки овқатга яқин менга чой тайёрлаб берадиган оқсоч келгунга қадар уни зориқиб кутдим; ниҳоят қандай ҳодиса юз берганини биладиган пайт ҳам етиб келди.

— Жаноб Лу-Си кимдан аччиғланаётган эди?— деб сўрадим мен ундан.

— Ҳа анови Сян-линдан-да,— деб қисқагина жавоб берди оқсоч.

— Сян-линдан? Нима бўпти?— ҳаяжонланиб сўрадим мен.

— У ўлди.

— Ўлди?— Бу тасодифни эшитиб, ирғиб тўшишимга сал қолди; юрагим арзиқиб кетди. Эҳтимол, башарам ўзгариб кетган бўлса, лекин мен билан сўзлашаётган оқсоч хотин бошини кўтаргани йўқ, у ҳеч нарсани сезмади ҳам. Бир оз ўзимни босиб олиб, суриштиришда давом этдим.

— Қачон ўлди?

— Қачон ўлди? Кеча кечасими, эҳтимол бугундир, анигини айтолмайман.

— Нима қилиб ўлибди.

— Нима қилиб дейсизми? Қамбағалликдан-да албатта,— аввалгидек бепарво жавоб берди оқсоч хотин. Шу тахлитда менга мутлақо кўз ташламай оқсоч хотин уйдан чиқиб кетди.

Мен тезда ўзимни тутиб олдим. Жон ҳалакликда фалокат рўй беришини кутишдан халос бўлган эдим. «Рўй-рост бирор нарса деёлмайман» деган иборага мурожаат қилиш ёки Сян-линь хола «қамбағалликдан ўлди» деб ўзимни юпатишнинг ҳожати ҳам йўқ. Аста-секин мендаги кўнгил ғашлик тарқай бошлади, лекин мудҳиш сезгилар вақти-вақти билан хаёлимни чулғаб оларди.

Тез орада кечки овқатга дастурхон ёзилди. Тоғам қовоғи солиқ ўтирарди. Мен ундан Сян-линь тўғрисида муфассалроқ суриштирмоқчи бўлдим-у, кейин яна фикримдан қайтдим. Гарчи тоғам кўҳна китобларида «яхши ва ёмон руҳлар фақатгина табиатдаги ижобий ва салбий ҳодисаларнинг қонуний кўриниши» эканлигини ўқиган бўлса-да, би-

роқ У. Иримчи — хурофотга берилган эди. «Бахт тилаб сиғиниш» маросимини ўтказиш олдидан, ўлим, касаллик ёхуд шу каби қайғули ҳодисалардан сўзлашмаслик лозим бўларди. Агар бундай гапларни гапириб зарур бўлиб қолса, у ҳолда мажсзий маънода сўзланарди. Афсуски, тўғри келадиган ҳеч нарса ўйлаб тополмадим ва бу мавзуда сўзлашишга уринишдан мутлақо воз кечдим.

Тоғамнинг жиддий тусдаги башарасига қараб: «Мени ҳам бевақт келган меҳмон қаторида ҳисоблаётган, менинг келишим унинг асабини қўзғатаётган бўлса-я» деган хаёлга бордим. Уни тезроқ тинчлантириш мақсадида эртага кетмоқчи бўлганлигимни айтдим. У менинг қолишимни у қадар қистамади ҳам. Кечки овқатланиш зерикарли ва кишини чарчатадиган даражада узоқ чўзилди. Қиш кунлари тезроқ қош қорая бошлайди; ҳозир бўлса қалин қор ёғмоқда, қишлоқни аллақачон қоронғилик чулғаб олган эди. Одамлар чироқлар ёғдусида сўнги тайёргарликни шошилиб тугалламоқда эдилар. Кўча жимжит эди. Оппоқ момиқ чойшап тобора қалинлашмоқда — қор тўхтамай ёғмоқда эди. Теварак-атроф шу қадар осойишта, худди тушаётган паға-паға қорнинг шитирлашини ҳам эшитиш мумкиндай туюлар ва бу кишини бадтар юрак қизиғи қилмоқда эди.

Мен чироқнинг сариқ нурлари остида ўтириб Сян-линь холанинг тақдири ҳақида ўйлардим. Одамлар бу бечора, ёлғиз аёлни худди кераксиз, эски, титилиб кетган буюм сингари ахлат орасига улоқтиришган эди. Вақти-вақти билан пайдо бўлган кезларда эса, мана бу ўз ҳаётларидан мамнун кишиларда ўзининг ҳаёт эканлиги билан ғазаб уйғотарди, холос. Энди ўлим подшолигининг элчиси уни мутлақо олиб кетди.

Руҳнинг бор ёки йўқлигини ҳамон билмайман. Лекин шуни яхши биламанки, ҳозирги жамиятда ҳаётга бўлган қизиқишни йўқотган ва ҳаёт билан ҳисоб-китобини тугатган ёки ўзининг кўриниши билангина одамларда ғазаб қўзғайдиган киши уларнинг кўзидан ғойиб бўларкан, у ўзи учун ҳам, бошқалар учун ҳам савоб иш қилган бўлади. Мен худди ерга тушаётган қорнинг шитирлашини эшитмоқчи бўлгандай, дераза олдида жимгина хаёл суриб ўтирадим. Аста-секин кўнглим тинчланиб, ўзимни енгил ҳис қила бошладим.

Сян-линь холанинг ҳаёти ҳақидаги ўзим кузатган ёхуд одамлардан эшитиб билган хотиралар бир-бири билан туташиб, бир бутун кўринишда намоён бўлди.

У асли лунчжэнлик эмас эди. Бундан анча йиллар илгари, қиш бошланиш пайтида тоғамнинг уйидагилар янги

хизматкор ахтариб дарак солишди; шунда Вэй деган кампир ўртада туриб Сян-линни уларникига бошлаб келди. Сян-линнинг сочлари оқ чизимча билан боғланган эди. Унинг эғнида қора юбка ва астари кўк кофта бўлиб, кофта устидан оч ҳаво ранг нимча кийган эди. Унинг ёши йигирма олти-йигирма еттиларда бўлиб, чеҳраси сўлғин, аммо юзлари қип-қизил эди. Вэй кампир Сян-линъ унинг қишлқдаги она ҳовлисида ён қўшни экани, яқинда эри ўлиб шу сабабли иш ахтариб ўз уйидан чиқиб кетганлигини айтди.

Бу гаплар гапирилаётганда тоғам қошларини чимириб турарди. Келинойим бунинг маънисини дарҳол тушунди: тоғам, бева хотинни оқсоч қилиб олишаётганидан норози эди. Бироқ, келинойим Сян-линнинг соғлом, оёқ-қўли бақувват эканига ишонч ҳосил қилиб, унинг итотатғўй кўриниши, тўғри ва очиқ қарашларидан бу ортиқча ҳақ талаб қилмайдиган ва чидамли хизматчи бўлади деган ҳаёл билан, тоғамнинг чимирилган қошларига аҳамият бермай жувонни олиб қолди.

Синаш муддати орасида Сян-линъ тинимсиз меҳнат қилди, афтидан ишсизлик унинг жонига теккандай эди. У жуда чидамли ҳатто эркаклар билан куч синашишга ҳам қодир эди. Учинчи куни у билан узил-кесил келишиб олинди; у ойига беш юз вэн оладиган бўлди.

Уни ҳамма Сян-линъ деб чақирар эди. Унинг фамилияси билан ҳеч ким қизиқмади, лекин уни Вэй ўртада туриб тавсия қилгани ва Сян-линъ унинг она ҳовлисида ён қўшни бўлгани тўғайли Сян-линнинг фамилияси ҳам Вэй бўлиши ҳақиқатдан узоқ эмас эди. У жуда камгап эди; фақат унга сўз қотгандагина — гапирар, берилган саволларга жуда қисқа жавоб қайтарарди. У, икки ҳафтадан кейингина уйда қаттиққўл қайнанаси билан ҳали вояга етмаган, лекин чаққон дарахт кесувчи қайниса қолгани, ўзининг эри ҳам дарахт кесувчи бўлгани, у ўтган баҳорда ўлгани, эри ўздан ўн ёш кичик бўлганлигини сўзлаб берди. Унинг ҳаёти ҳақида шуларгина маълум бўлди, холос.

Вақт жуда тез ўтарди. Сян-линъ ғоят меҳнатсевар, овқатга суллоҳлик қилмас ва кучини аямас, жон-дили билан берилиб ишларди. Ҳамма, жаноб Сининг оқсочи уриниши ва чаққонлиги жиҳатидан ҳар қандай эркакни йўлда қолдиради, дерди. Янги йил олдидан бутун уйни йиғиштириш, полларни ювиш, товуқ ва ғозларни сўйиш ҳамда бутун тун бўйи қурбонликларни пишириб-куйдириши керак эди — бу ишнинг барини у бир ўзи бажарарди. Илгарилар бунақанги оғир меҳнат қилинадиган кунларда кунбай хизматчи ёллашга тўғри келарди. Аммо Сян-линъ ҳеч нарса-

дан зорланмас, аксинча, ҳамма нарсадан мамнундек кўри-нар, унинг лабларида аста-секин хиёл сезиларли табассум кўринадиган бўлди, чеҳрасига ҳам файз кириб, тўлишиб қолди.

Янги йил байрамидан кейин, кўп ўтмай; бир кун Сян-линь гуруч ювгани анҳор бўйига борди-ю, ранги ўчиб, кайфи бузилиб қайтди. У анҳорнинг нариги бетида эрининг тоғасига ўхшаган эркакни кўрганини айтди. Сян-линь, унинг Лучжэнга ўзини ахтариб келган деб чўчирди. Келинойим хавотирланиб ундай ўртада нима гап ўтганини батафсил сўраб билмоқчи бўлган эди, лекин у ҳеч нарса демади. Бу гапларни тоғам эшитгандан кейин қошларини чимириб:

— Бу яхши эмас. У қочоқ бўлмаса деб қўрқаман..— деди.

Фараз тўғри чиқди — у ҳақиқатан ҳам уйдан қочиб кетган экан. Бу ҳодисадан кейин орадан чамаси ўн кун ўтди, одамлар уни унутаёзган эдиларки, тўсатдан Вэй кампир қандайдир ёши ўттизлардан ошган бир аёл билан Си тоғанинг уйига келди. У бу хотинни Сян-линнинг қайнанаси деб танитди. Унинг ташқи кўринишидан узоқ тоғлик қишлоқда яшашлигини дарҳол пайқаб олиш мумкин эди; бироқ у ўзини ғоят назокат билан тутар ва устомандлик билан сўзлашарди. Саломатлик ва оби-ҳаво тўғрисидаги оддий гап-сўзлардан кейин у, безовта қилганлиги учун узр сўраб, келинини олиб кетиш учун келганини айтди. Кўклам дала ишлари вақти келаётгани, ишнинг кўплиги, уйда бўлса, кексалар билан гўдаклар қолгани, ишчи кучи етишмаётганлиги ҳақида гапирди.

— Қайнанаси унинг ўз уйига боришни талаб қиларкан, бир нарса дейишим кийин,— деди Си тоға.

Шу заҳотиёқ унинг иш ҳақини беришди. Сян-линнинг иш ҳақи бир минг етти юз эллик вэнга етган экан. Одатда у топган пулининг ҳаммасини хўжайинга бериб қўяр, ўзига бир чақа ҳам сарфламас эди, энди бу пулларнинг ҳаммаси қайнананинг қўлига топширилди. Бу хотин Сян-линнинг кийим-кечакларини ҳам олиб кетди. Хўжайинларга ташаккур айтиб, улар кетишди. Буларнинг ҳаммаси туш пайтига қадар содир бўлди.

— Йе! Бу нима деган гап? Гуруч қаёққа кетди? Ахир Сян-линь анҳорга гуруч ювишга кетган эди-ку...— ташвишланиб деди келинойим улар кетгандан кейин, бирмунча вақт ўтгач. Афтидан, овқат вақти бўлгани туфайли қорни очгани ёдига тушган бўлса керак.

Ҳамма барабар гуруч ювиладиган ғалвирни қидиришга тушди. Келинойим ошхона, даҳлиз, ҳатто ётоқхонанинг бурчак-бурчакларигача қараб чиқди-ю, лекин тополмади. Си тоға уй атрофини қаради, сўнгра анҳор бўйига борди. Ғал-

вир анҳор буйида турар, унинг ёнида эса бир бош карам ётарди.

Кўрган-билганларнинг кейинроқ айтишларига қараганда, эрта билан вақтли қирғоққа елканли жонка келиб тўхтаган. Унинг ўсти ёпиқ бўлгани учун, унда ким келганлигини ҳеч ким пайқабди, сирасини айтганда бунга ҳеч ким аҳамият ҳам бермаган. Сян-линь гуруч ювишга келиб, сувга томон эгилган экан ҳамки; жонкадан кўрнини тоғли қишлоқдан келган иккита эркак киши тўсатдан сакраб тушибди-да, уни ушлаб олиб кемага судраб боришибди. Аввалига Сян-линьнинг йиғлагани эшитилиб турибди-ю, кейинроқ жим бўлиб қолибди, афтидан унинг оғзига нарса тиқишган бўлса керак.

Орадан кўп вақт ўтмай қирғоққа иккита хотин келди, бири нотаниш аёл, иккинчиси эса кампир Вэй эди. Улар қайиқнинг ичинини қарашди, лекин у ерда нима кўришганини, айтиш қийин, чунки унинг ичи қоронғи эди. Эҳтимол, қўл-оёғи боғлиқ Сян-линьни кўришган бўлса.

— Беномуслик!— деб тўнғиллади Си тоға.— Аммо...

Шу кун и овқатни келинойимнинг ўзи тайёрлади, печкани бўлса ўғилчаси А-ню ёқиб берди.

Тушдан кейин Вэй кампир яна келди.

— Беномуслик!— деб яна тўнғиллади тоғам.

— Ўйлаб иш қилсанг бўлмасмиди? Бу нима деган гап?— жаҳл билан сўради келинойим, идиш-товоқ юва туриб.— Сени деб не-не маломатларга қолдиг-у, тағин бетинг чидаб бизникига келганингни қара-я! Сян-линьни тавсия қилган ҳам ўзинг эдинг, энди бўлса бизникидан қочириб юборишга ҳам ўзинг ёрдамлашдинг. Уятга қўйдинг-ку! Буни ҳамма кўрибди-ю! Нима деса бўлади? Бизни мазақ қилмоқчи бўлдингми?

— Вой, айланай! Бу қилган ишимдан ўзим ҳам минг марта пушаймонман. Ҳамма гапни айтиб бергани келдим. Сян-линь мендан бирор жойга ишга тавсия қилишимни сўраганида, унинг қайнанасиникидан қочиб кетганини билмаган эдим. Жаноб, хоним, мени кечиринглар! Буларнинг бари менинг бепарволигимдан бўлди. Жуда қаридим, эсим кирарли-чиқарли бўлиб қолди. Сизларнинг қаршингизда гуноҳқорман. Бахтимга, сизларнинг оилангиз олий ҳимматлиги ва мурувватлилиги билан машҳур, сизларга нисбатан кичкина одамман, мени уришманглар. Ўз тўноҳимни ювиш учун албатта бошқа, жуда яхши хизматчи топиб бераман... — Лекин...— деб гап бошлади-ю, яна тўхтаб қолди тоғам.

Шу билан Сян-линь воқисаи тамом бўлди. Тезда бу ҳодиса унутилиб ҳам кетди. Фақат келинойим уни эсига олиб турарди, чунки янги хизматчидан кўнгли тўлмаган эди. Бу-

ниси ҳам ялқов, ҳам нафси бузук чиқди. Ялқовликми ёки ширинликни севишимми — ундаги қайси бир хислат устун эканлигини ажратиб олиш ҳам мушкул эди: Келинойим ҳар сафар Сян-лини эслаб ўзича: «Энди унинг аҳволи қандай экан?» деб қўярди. Бу Сян-лининг қайтиб келишига хайрихоҳлик билан қарашини билдирарди. Лекин, орадан бир йил ўтгач, Сян-лини у ҳам эсламай қўйди.

Бир куни, янги йилнинг биринчи ойда тоғамнинг уйига Вэй кампир келиб қолди. У қаердандир бир оз ичкилик ичиб олган ва хушчақчақ эди. У, байрам билан табриклашга кеч келганлиги учун уэр сўраб, кечикканига онасининг ватани — Вэйцзяшань қишлоғига боргани ва Лучжэнга эндигина қайтиб келганлигини сабаб қилиб кўрсатди. Табиийки гап Сян-лига кўчди.

— Сян-линми? — хушчақчақлик билан хитоб қилди Вэй кампир. — Ҳа, унинг иши ўнгидан келибди! Қайнанаси уни топиб, уйига олиб кетгандан кейин, Хэцзяо қишлоғида яшовчи Хэ Лао-люга унаштирибди. Бир неча кун ўтгач, уни тўй тахтиравонига солиб, куёвликка жўнатишибди.

— Йе! Қайнананинг ҳолини қаранг-у! — деди ҳайрат билан келинойим¹.

— Нимасини айтасиз, Си хоним! Сиз бу ишга ўзларингиз сингари бадавлат, олижаноб оилалардаги урф-одатга кўра қарайсиз. Биз тоғликлар бўлсак, қишлоқи, одамлармиз. Биз бундан бадтар ишларга ҳам юз тутамиз. Сян-лининг қайниси бор эди. Ана ўшани уйлантироқчи бўлишибди. Қайнанаси Сян-лини эрга бермаса кичик ўглини уйлантириш учун бир талай пулни қаердан оларди, дейсиз? Унинг қайнанаси — ишбилармон ва жуда ақлли аёл. У ҳаммасини яхшилаб ҳисоблаб, Сян-лини бир бурчакдаги тоғлик қишлоққа узатди. Агар у Сян-лини ўз қишлоғидагиларга эрга бергудек бўлганда, тўй совғасини анча кам олган бўлишарди. Умуман тоғлик қишлоқдагиларга эрга тегадиган аёл камдан-кам топилади. Шунинг учун ҳам қайнанаси Сян-линъ учун жуда яхши тўй совғаси — саксон минг вэн олди. Ҳозир у кичик ўглини уйлантирган. Кичик келинга совға учун пулнинг эллик мингини сарфлади, қолганига эса тўй қилиб, ҳатто ўн мингдан кўпроғи ортаб ҳам қолди. Ҳа! Энди бунга нима дейсиз? У шундоқ ишбилармон аёл.

— Сян-линъ нима қилди? Розилик бердими?

¹ Феодал хитойда хотин кишининг эри ўлгандан кейин, иккинчи марта турмуш қуриши иснод ҳисобланарди. Ҳикояда исноддан ташқари ҳолиса деб қайнананинг ўз келинини зўрлаб эрга бериши тасвир этилмоқда.

— Нимасини айтасиз, рози бўлдим, бўлмадим... Бир шов-шув кўтариб кўрди — ростини айтганда, ким жанжал қилмайди, дейсиз. Бунақанги ҳодисалар рўй берганда жазаси арқон-да, келинни боғлаб, тўй тахтировонига ўтқазадилар-да, кўёвниқига жўнатадилар, у ерда унга тўй гулчамбарлини кийгизишиб оилавий меҳробга сажда қилгин деб мажбур этишади, сўнгра эшикни беркитишади-ю, иш тамом, вассалом. Сян-линнинг иши бошқачароқ бўлибди. У роса шовқин солибди, дейишади. Яна айтишларига қараганда, у билимдон, маълумотли одамларнинг уйида хизмат қилиб ўбуни кўрган эмасми, кўпроқ тўполон қилганмиш. Хўш, Си хоним! Сиз билан биз кўпни кўрганмиз. Иккинчи марта эрга беришганда нималар бўлмайди, дейсиз: Хотин киши йиғлайди ҳам, бақиради ҳам, ҳаттоки ўз-ўзини юлиб-юлқийди ҳам. Баъзан кўёвнинг уйида жанжал кўтарадилар ва оилавий меҳробга сажда қилишдан бош тортадилар: ҳатто тўй шамларини синдиришгача бориб етадилар. Аммо буларнинг бари Сян-линнинг қилмишлари олдида ҳеч гап бўлмай қолибди. Одамларнинг гапига қараганда уни Хэцзяога олиб келишгунча йўл-йўлакай фарёд уриб йиғлабди, қарғабди, уни олиб келишганда эса тсвуши бўғилиб, деярли тилсиз бўлиб қолибди. Уни тахтировондан зўр-базўр куч билан чиқаришибди, лекин у, гарчи икки киши уни ушлаб турган ва уларга аввалги эрининг укаси ёрдам бераётган бўлса ҳам, меҳробга сажда қилишни мутлақо хоҳламабди. Улар бехосдан қўлларини бир оз бўшатган экан — э худойим-эй! Нима ишлар қилмабди, дейсиз! У олдинга отилиб чиқиб, қурбонлик столнинг қиррасига бошини шундай урибдики, чаккаси ёрилиб кетибди. Қон шариллаб оқибди. Ярасига дарров хушбуй шамнинг кукунидан сепишиб, икки бўлак қизил бўз билан боғлашибди, аммо қани қон тўхтаса! Сян-линни зўрлаб кўёв билан уйда қолдиришибди, лекин у ерда ҳам жанжал қилаверишибди... Вой, вой-ей! Бу дейман — гап шу эрга келганда Вэй кампир бошини чайқайди-да, камтаринлик билан кўзларини эрга тикиб, жим бўлди.

— Хўш, ундан кейин нима бўлибди?— деб сўради келин-ойим.

— Ҳа, эртаси кўни ўрнидан кўзғалмай қолибди,— деди Вэй кампир кўзларини ердан узиб.

— Хўш кейин нима бўлибди?

— Кейинми? Тузалиб кетибди. Йил охирига келиб ўғил туғибди. Боласи энди икки ёшга кирди. Онамниқига меҳмон бўлиб борганда, қишлоғимиздагилар боришган эди. Улар Сян-линни ва унинг боласини кўрганларини айтишди. Она-бола иккови ҳам дўмбоқ, кўриниши жуда яхши дейишди.

Унинг қайнаси йўқ. Эри бақувват, қўлидан иш келади. Уйи ўзиники — шунақа! Бу сафар иши ўнгидан келибди.

Келинойим ўшандан бери Сян-линь ҳақида оғиз очгани ҳам йўқ.

Куз кунларининг бирида, Сян-линининг тақдирида бахтли бурилиш рўй берганлиги маълум бўлгандан кейин, орадан икки йилча ўтгач, у яна тоғамнинг даҳлизидида пайдо бўлди. Стол устида унинг каштан шаклидаги савати турар, девор ёнида кўрпа-ёстиғи тугилган тугун ётарди. Унинг сочлари илгаригидек оқ чизимча билан боғланган эди. Эғнидаги кийимлари ҳам аввалгидек. Қора юбка ва астарли кўк кофта, унинг устидан оч ҳаво ранг енгсиз нимчаси бор эди. Тўқ сариқ юзи бугдой ранг тус олиб, чеҳрасидаги қизиллар мутлақо йўқолибди. Қарашлари ҳамон аввалгидек — очиқ ва итоатгўй эди. Унинг кўзларида ёш айланиб турар, лекин бу кўзларда илгариги сингари қатъият кўринмас эди. Уна яна ўша Вэй кампир бошлаб келди-да, келинойимга ҳасрат қилиб шундай деди:

— Буни қаранг-а, камбағални туяни устида ит қошибди дегандек, бундай бўлишини ким ўйлабди, дейсиз? Унинг эри ҳали жуда ёш ва бақувват одам эди-ю, қарангки, терлама-безгак касалидан вафот этибди. У жуда тузалиб қолаётган эди, бироқ бир товоқ совуқ гуруч еган экан, касали қайталабди қўйибди, шу билан бечора вафот этибди. Эри ўлиб Сян-линь бир ўғли билан қолди. У ўзи ишлаши мумкин эди: дарахт ҳам кеса олар, чой теришни ҳам удадалар, ипак қурт ҳам тута оларди... Ўзи билан боласини бемалол боқа оларди. Аммо устига-устак яна бир бахтсизлик юз берди. Ўғлини бўри еб қўйди. Баҳор фасли охирлаб қолган кезларда қишлоққа бўри келади деб, ким ўйлабди, дейсиз! Энди у якка ёлғиз ўзи қолди. Эрининг катта онаси уйни эгаллаб олиб уни ҳайдаб юборибди. Энди Сян-линь қаерга борарини билмай, охири яна сизларникига келишга қарор қилибди. Энди этагини тутадиган киши йўқ. Си хоним, худди сиз хизматчи ахтараётган эдингиз, ўзингизникига бошлаб келдим... Бегона киши олгунча ўзингизга синашта бўлган одамни олганингиз дуруст-да.

— Мутлақо ақлдан озганга ўхшайман...— гапга аралашди Сян-линь, ўзининг нурсиз кўзларини тикиб, — ҳайвонларнинг қишда, ҳамма ёқни қор қоплаган чоғда, тоғлардан овқат топа олмай қишлоққа келишини билардим. Бўриларнинг баҳорда ҳам келишини ақлимга сиғдира олмабман. Эрталаб туришим биланоқ, эшикларни ланг очиб қўйдим. Кичкина саватчани олиб, унга лўя тўлдирдим-да, ўғлим А-маога, остандада ўтириб шуларни тозала, дедим. Боласи тушмагур, жуда ақлли эди, ҳамиша айтганимни қиларди. У сават-

чани олпб чиқпб кетди. Мен ўзим уйнинг орқа томонига ўтиб, ўтин ёрдим, гуруч ювиб, қозонга солдим. Кейин лўяни қайнатмоқчи бўлиб, А-маони чақирдим. У жавоб бермади. Мен уни қарай-чи, дедим — ўғлим ҳеч қаерда йўқ, фақат ерда лўялар сочилиб ётарди. У бир ўзи ҳеч қаёққа кетмасди... Ҳаммадан суриштирдим — ҳеч ким уни кўрдим, демади. Мени ваҳма босди, ўғлим А-маони топшига ёрдам беринглар деб қўшнилардан илтимос қилдим. Биз уни кеч-гача изладик, теварак-атрофни ахтариб чиқдик, охири кимдир тоққа чиқиб кетди. Ўша ердаги бутазорда ўғлимнинг чориг-часини топиб олишбди. Шундан кейин бахтсизлик рўй бериб боламни бўри олиб кетибди, деган гап тарқалди. Ахтара-ахтара болани бўрнинг инидан топдик. Бўри унинг ички аъзоларини еб битирган экан. Бечора бола қўлларида саватчани маҳкам ушлаб ётарди... — гап шу ерга келганда Сян-линь ўпкасини тутолмай йиглаб юборди.

Аввалига келинойим иккилашиб турган эди, лекин қайғули ҳикояни эшитгандан кейин, унинг кўзлари хиёл қизарди. Бир оз ўйлаб турди-да, сўнгра Сян-линьга савати билан тугунини олиб хизматчи ётадиган хонага боришни буюрди. Вэй кампир худди елкасидан оғир тоғ ағдарилгандай чуқур уҳ тортиб қўйди, Сян-линь бўлса, бу ерга дастлабки келган вақтидаги-га қараганда, ўзини анча енгил ва дадил ҳис қиларди. У буйруқ кутиб ўтирмасдан, худди мутлақо бу ердан кетиб қолмаган одамдай, ўрин-кўрпаларини йиғиштириб, саранжомлаб қўйди. Шундай қилиб у яна Лучжэнда хизматчи бўлиб қолди, уни ҳамма аввалгидай Сян-линь хола деб атайверди.

Лекин бу сафар Сян-линь холага муносабат мутлақо бошқача бўлди. Орадан уч-тўрт кун ўтар-ўтмас хўжайинлар унда илгариги чаққонлик йўқ эканлигини ва хотираси заифланиб қолганини сезишди. Унинг рангсиз юзларида ҳеч қачон ва ҳеч қандай табассум кўринмади. Энди келинойимнинг гап-сўзларидан тез-тез норозилик аломатлари сезилиб турадиган бўлиб қолди.

Си тоғам, Сян-линь пайдо бўлганда одати бўйича, қошларини чимирган бўлса-да, яхши хизматчи топиш осон эмаслигини ҳисобга олиб индамаган эди. У фақат хотинини огоҳлантириб шундай деди: гарчи Сян-линьга кишининг раҳми келгани билан, унинг ўрф-одатларни бузганлигини унутмаслик керак. Унинг хизматидан умуман фойдаланиш мумкин бўлса ҳам, бироқ унинг қурбонлик хадялари тайёрлашга мутлақо аралаштирмаслик керак. «Бахт тилаб сиғиниш»га тайёргарликнинг барини ўзимиз қилмоғимиз лозим, акс ҳолда қилаётган қурбонлигимиз ҳаром бўлади ва бахт маъбудалари ундан ҳазар қилиши мумкин.

Си тоғанинг уйида энг кагта иш — қурбонлик қилиш маросимига тайёрланиш билан боғланган эди; бундай кезларда Сян-линь учун энг қизғин пайтлар бўларди. Энди бўлса у юмушсиз қолди. Катта хонанинг ўртасига стол қўйишиб унга байрам дастурхонлари солишди. Сян-линь эски хотираси бўйича столга вино ичадиган пиёла ва куайцзалар келтириб қўя бошлади.

— Сян-линь! Қўй, ўзим қиламан,— деди шошиб-пишиб келинойим.

Сян-линь, нима бўлганлигига тушунмай, қўлини тортиб олди-да, шамдонни олиб келгани кетди. Яна келинойимнинг шошилиш овози эшитилди.

— Сян-линь, керакмас, ўзим олиб келаман!

Сян-линь катта хонада юмушсиз бир оз санғиб юрди-да, кўнгли ғаштланиб чиқиб кетди. Унинг кун бўйи қилган иши ўчоқларга ўтин ташлаб туриш бўлди, холос.

Гарчи Лучжэнь аҳолиси уни ҳали ҳам аввалгидай Сян-линь хола деб атаса-да, у билан бошқачароқ оҳангда гаплашадиган бўлиб қолди. Уларнинг гапидан қандайдир совуққонлик ва истеҳзо билиниб турарди. Сян-линьнинг ўзи буни сезмасди. У одамлар билан учрашиб қолди дегунча уларга тик қараб тураверар ва ким бўлса шунга ўзининг кечаю кундуз ёдидан чиқара олмайдиган ғамли тарихини сўзлаб берарди.

— Мутлақо ақлдан озганга ўхшайман...— деб такрорларди у.— Ҳайвонларнинг қишда, ҳамма ёқни қор қоплаган чоғда, тоғлардан овқат топа олмай қишлоққа келишини билардим. Бўриларнинг баҳорда ҳам келишини ақлимга сиғдиrolмабман. Эрталаб туришим биланоқ эшикларни очиб қўйдим. Кичкина саватчани олиб, унга лўя тўлдирдим-да, ўғлим А-маога, остонада ўтириб шуларни тозала дедим. Боласи тушмагүр жуда ақлли бола эди, ҳамниша айтганимни қиларди. У саватчани олиб чиқиб кетди. Мен ўзим уйнинг орқа томонига ўтиб, ўтин ёрдим, гуруч ювиб қозонга солдим. Кейин лўяни қайнатмоқчи бўлиб, А-маони чақирдим. У жавоб бермади. Мен уни қарай-чи, дедим — ўғлим ҳеч қаерда йўқ, фақат ерда лўялар сочилиб ётарди. У бир ўзи ҳеч қаёққа кетмасди... Мени ваҳима босди, ўғлим А-маони топишга ёрдам беринглар деб қўшнилардан илтимос қилдим. Биз уни кечгача изладик, товарак-атрофни ахтариб чиқдик, охири кимдир тоққа чиқиб кетди. Ўша ердаги бугазордан ўғлимнинг чоригчасини топиб олишибди. Шундан кейин ҳамма ёқда бахтсизлик рўй берибди — болани бўри еб кетибди, деган гап тарқалди. Ахтара-ахтара болани бўрининг инидан топдик. Бўри унинг ички аъзоларини еб битирган экан. Бечора бола қўлларида саватни маҳкам ушлаб

етарди.— Сян-линь ҳамиша шу ерга келганда ҳикоясини тўхтатарди — нафаси тиқилиб кўзидан дув-дув ёш оқарди.

Бу ғамгин воқиа тингловчиларда кучли таассурот қолдирарди. Ҳатто эркакларнинг ҳам кайфи бузилиб кетарди. Хотинлар гўё Сян-линь хола билан ярашиб қолгандай, унинг қилиб қўйган гуноҳини кечиришгандай, ундан ҳазар қилиш у ёқда турсин, унга жўр бўлиб йиғлашар, бирга ғам чекишарди. Сян-линьнинг ҳикоясини кўчада эшита олмаган кампирлар атайлаб унинг ёнига келишар ва ундан ўзининг алампнок кечинмаларини сўзлаб беришни илтимос қилишарди. Сян-линь йиғлаган вақтда кампирлар ҳам кўз ёши тўкишарди. Сўнгра улар оғир уҳ тортган ҳолда, бечора Сян-линьнинг тарихини бошдан-оёқ муҳокама қилиб уй-уйларига тарқалишарди.

Сян-линь хола ўз ҳикоясини чарчамай қайта-қайта такрорлайверар, ҳар сафар ҳам уни тинглайдиган блр неча одам топиларди.

Лекин, орадан кўп вақт ўтмай бу ғамгин қисса тингловчиларни ҳаяжонга солмай қўйди, ҳатто энг кўнгилчанг художўй кампирлар ҳам энди кўз ёши тўкмай қўйишди. Сян-линьнинг ҳикояси ҳамманинг жонига теккан ва Лучжэнда яшовчи ҳар бир одам уни айнан айтиб бера оларди. Эндликда у ўзининг одатдаги «Мен мутлақо ақлдан озганга ўхшайман...» деган жумласини бошлаши биланоқ унинг гапини дарҳол бўлардилар: «Ҳа, ҳа! Сен ҳайвонларнинг фақат қишда, тоғларни қор қоплаб улар овқат тополмай қолганда...» — ҳамма унинг гапларини эшитгиси келмай, нари кетарди.

Сян-линь хола, турган жойда оғзини очганча киприк қоқмай, улар орқасидан қараб қоларди. Кейин ўзи ҳам жўнар, ҳикояси ҳамманинг кўнглага текканини ўзи ҳам сезарди. Шундай бўлса-да, унинг кўзига бирор саватчами, лўями ёки бирор кимсаннинг боласими кўриниб қолди дегунча, шу баҳона бўлиб ўғли А-маонинг қайғули ҳикоясини қайта-қайта хотирлашни қўймасди. Унга бирор бола йўлиқиб қолгундай бўлса, у: — «Вой-эй, агар менинг А-маойим ҳам ҳаёт бўлганда, у шу боладай катта бўлиб қоларди...» — дерди. Сян-линь холанинг кўз қарашлари болаларни чўчитар, улар оналарининг этакларига ёпишиб олишарди. Сян-линь ёлғиз қолар ва қайғуга тўлиб, уйига жўнарди. Тез орада Сян-линьнинг бу қилмишлари ҳаммага аён бўлиб қолди. Сян-линьни барор бола кўриб қолгудай бўлса, ундан олдинроқ жиддий тусга кириб: «Сян-линь хола агар сизнинг А-маонингиз тирик бўлганда шунақа катта бўлган бўлармиди?» — деб сўрарди.

Сян-линь хола, атрофдагиларни шу қадар узоқ вақт ҳаяжонга солган қайғули қиссаси энди ҳамманинг жонига те-

гиб, фақат ғазаб кўзғатаётганлигига шубҳа қилмасди. Билмадим у одамларнинг табассумида мазақ борлигини, ўзига нисбатан ёмон муомала қилинаётганини сезганими, ўз қайғуси ҳақида бошқа сўзламасликка қарор қилди. Агар кимданим унга сўз қотгудай бўлса, у сўзловчига фақат тикилиб боқар, лекин ҳеч қандай жавоб бермасди.

Лучжэнда Янги йилни ҳамиша тантана билан кутиб олинарди. «Қурбонлик қилиш» ойининг йигирманчи кунидан кейин, бу ерда байрам олди тараддуди бошланар, ҳамма Янги йилни кутиб олишга тайёрланарди. Си тоғалар махсус кунбай хизматчи ёллашди-ю, бироқ ҳамма ишпи унинг ёлғиз ўзи уддалай олмади, шунда унга ёрдам бергани Лю-ма онани чақиришди. Товуқлар билан ўрдакларни сўйиш керак эди, аммо Лю-ма она художўй одам бўлиб, фақат ёвғон овқат ерди: у паррандаларни сўйишдан бош тортиб, адиш-товоқ ювишгагина рози бўлди. Сян-линнинг вазифаси энди фақатгина печкага олов қалаб туришдан иборат бўлиб қолди. Унга бўлак ҳеч қанақа иш топширишмади, у юмушсиз ўтирар ва Лю-манинг идиш-товоқ юваётганини бепарво томоша қиларди. Ерга майда-майда қор пағалари учиб тушмоқда эди.

— Ух, мутлақо ақлдан озганга ўхшайман,— деб мингиллади Сян-линь хола самога қараб, чуқур нафас олар экан.

— Сян-линь яна ўша гапни такрорляпсанми?— деди Лю-ма она унга жаҳл билан тикилиб. Сендан бир нарсани сўраб билмоқчи эдим, чаккангдаги из иккинчи эрингникида, столнинг қиррасига ўзингни ургангидан кейин қолганми?

— Ҳим,— деб ноаниқ жавоб берди Сян-линь.

— Мен бир нарсани билмоқчи эдим,— деб давом этди Лю-ма.— Нега кейинчалик ўзинг рози бўлдинг?

— Менми?..

— Ҳа-да, сен! Менимча, ўзинг хоҳлаб қолган бўлсанг керак. Агар шундай бўлмаганда...

— Вой-вой! Сен билмайсан-да, у қанақа кучли эдики.

— Ишонмайман! Сендек кучли хотиннинг ўшанга кучи етмаганига ишонгим келмайди. Афтидан, ўзинг рози бўлгансан. Энди бўлса, унинг кучли эканлигини баҳона қилиб, ўзингни оқлаяпсан.

— Сени қара-ю... Менинг ўрнимда сен бўлсанг борми...— Сян-линь илжайди.

Бу сўзлардан Лю-ма онанинг ажин босган юзларида ҳам табассум пайдо бўлиб, унинг юзлари бадтар буришди-да, башараси худди юнон ёнғоғининг пўстига ўхшаб кетди. У ўзининг нурсиз кўзлари билан Сян-линнинг чаккасига қаради, сўнг унинг кўзларига тикилди. Унинг бу тикилиши Сян-линга

ёмон туюлди, унинг лабларидаги табассум ғойиб бўлди, у кўзини бошқа ёққа олди-да, учиб тушаётган қор пагаларини томоша қилди.

— Сен ўшанда хато қилгансан, Сян-линь — захархандалик билан давом этди Лю-ма она.— Яна бир марта зарб билан ўзингни уриб ўлиб қўя қолганинг дуруст эди. Энди нима бўлди. Иккинчи эранг билан икки йил ҳам яшаганинг йўқ-ку, барибир гуноҳкор бўлдинг. Ўзинг ўйлаб кўр, нариги дунёга борганигда, иккита эрингнинг руҳи сени талашиб, уришишадн. Қайси бири билан бўласан? Дўзах хўжаси Ян-ло сени арралаб икки бўлак қилади-да, уларга бўлиб беради...

Бу сўзларни эшитган Сян-линьнинг юзларида қўрқув аломатлари пайдо бўлди. Лю-ма онанинг айтган гаплари Сян-линь учун янгилик эди: у тоғлик қишлоқда бу ҳақда ҳеч нарса эшитмаган эди.

— Менимча,— давом этди Лю-ма она,— сен бунга олдиндан тайёрланишинг керак. Сен бутхонага бориб, ис чиқариб кел: остона учун тахта олиб бер. Бу остона гўё сенинг танаг бўлади-ю ундан минглаб одам ўтиб, минглаб одам уни топтайди. Шундай қилиб бу дунёда гуноҳларингни ювасан-у, ўзингни нарига дунё азобларидагн қутқарасан.

Сян-линь ҳеч қандай жавоб қилмади, лекин, афтидан кампир Лю-ма айтган гаплар уни изтиробга солган эди. Эртаси куни унинг кўз ўнги жимириллади. Нонуштадан кейин қишлоқнинг гарбий томонига, маҳаллий тангрининг бутхонасига жўнади ва остона учун тахта эҳсон қилишга ижозат беришни илтимос қилди. Бутхона хизматчиси аввалига рад этди, лекин кўз ёши билан ялиниб-ёлбориб қилинган илтимосдан кейин охири рози бўлди. Остона тахтаси бир юз йигирма чақа турарди.

Сян-линь хола ўзининг қиссасини эшитишни хоҳламайдиган одамлар билан кўпдан гаплашмас эди. Аммо унинг Лю-ма она билан қилган суҳбати бутун қишлоққа ёйилган бўлса керакки, кўпчиликда унга нисбатан яна қизиқиш пайдо бўлди. Энди одамлар гапни янги мавзуёга, унинг чаккасидаги чандиққа кўчиришди.

— Сян-лин! Ўшанда нима қилиб рози бўлдинг?— деб гап бошларди биттаси.

— Ўшанда бекорга ўзингни урибсан,— деб пичинг қиларди иккинчиси унинг чандиғига тикилар экан.

Сян-линь бу гапларнинг оҳанги ва кишиларнинг илжайишларидан уларнинг калака қилмоқчи бўлаётганларини сезарди. У фақат ўзининг қаршисига тикилиб турар, лекин ҳеч гап демасди. Кейинчалик, ҳатто уни чақирувчиларга қайрилиб қарамайдиган ҳам бўлди.

У, ҳамма шармандалик белгиси деб ҳисоблайдиган чак-хасидаги чандиғи билан Лучжэнь бўйлаб индамай юрар, чурқ этмай уй тозалар, сабзавотлар артар, гуруч юварди. Унинг ишлай бошлаганига роса бир йил тўлмоқда эди, у келин-ойимдан бир йиллик хизмат ҳақи — ўн икки юань пулини олди-да, қишлоқнинг ғарбий томонига боришга рухсат сўради. У кўп вақт ўтмай уйга қайтиб келди. Шу орада унинг чехрасида хотиржамлик, кўзларида эса ҳаёт учқунлари пайдо бўлган эди. У келин-ойимга ҳамма пулини бутхона ости-наси учун эҳсон қилганлигини қувонч билан билдирди.

Кишининг энг қисқа куни — авлод-аждодларни хотирлаш маросими ўтказиладиган кунда у зўр ғайрат билан ишлади. Келин-ойимнинг маросимга ҳамма нарсани тайёрлаб қўйгани ва А-мо билан биргаликда катта хона ўртасига стол қўяётганини кўрган Сян-линь хола ишонч ва хотиржамлик билан вино пиёлалари ва куайцза келтиришга кетди. Шунда келин-ойим тўсатдан:

— Сян-линь тегма унга! — деб қичқариб қолди.

Сян-линь қўлларини худди қиздирилган темирга теккизиб олгандай бир лаҳзада тортиб олди. Бу сафар у шамдонни олиб келгани интилмади ҳам, унинг хаёли паришон бўлиб қолди.

Си тоғам шам ёқадиган пайтда Сян-линга катта хонадан чиқиб кетиши лозимлигини айтишди. У чиқиб кетди. Ушандан кейин у ўзгарди-қолди. Эртаси куни Сян-линнинг кўзлари ич-ичига тушиб кетди, бу кўзлардаги сўнгги ҳаёт учқунлари ҳам сўнди, руҳий кучлари уни тарк этди. У ҳамма нарсадан қўрқадиган бўлиб қолди, унга фақат тун қоронғисигина эмас, ҳатто ҳар қандай соя ҳам даҳшатли бўлиб туюлаверди. Одамларни, ҳатто, ўз хўжайинларини кўрганда ҳам, худди кундуз куни инидан чиқиб қолган сиқ-қондай титраб-қақшарди. Баъзан у ёғоч санамга ўхшаб қимир этмай ўтирарди. Орадан ярим йил ҳам ўтмасдан унинг сочлари оқара бошлади, хотираси эса янада заифлашди. Ҳатто гуруч ювишни ҳам эсидан чиқариб қўядиган кезлари ҳам бўлди.

— Сян-линга нима бало бўлди? — дерди келин-ойим унинг олдидаёқ. — Ушанда уни қайтариб хизматга олмасам бўлар экан.

Бу сўзлар Сян-линь холага огоҳлантириш бўлиши керак эди. Лекин у ҳамон аввалгидай қолаверди; кўринишдан унинг ишдаги аввалги чаққонлиги, илдамлиги яна қайтиб келмайдиганга ўхшар, бунга умид боғлашнинг ҳам ҳожати йўқ эди. Сян-линни Вэй кампирниқига жўнатиб юборишга қарор қилинди, аммо мен Лучжэндалигимда, ҳамма нарса эскича ҳолида эди. Эндиги юз берган ҳодисага қараганда,

улар ўз қарорларини амалга оширишгани аён эди. Сян-линь тоғамниқидан кетиши биланоқ, тиланчилик қила бошлаганми ёки Вэй кампирниқига жойлашиб олгандан кейинми — буниси менга қоронғи...

Шу яқин орада портлаган қарсилдоқ овози менинг хаёлимни бўлди. Ҳавода худди лўядек катта-катта учқунлар сочилиб кетди. Унинг кетидан янги-янги портлаш овозлари эшитилди. Бу Си тоғанинг уйида «бахт тилаб сиғниш» маросими ўтказилаётганидан дарак берарди. Саҳар пайти, соат бешлар чамаси эди.

Мен ҳали тамоман ўзимга келмасданоқ қарсилдоқларнинг портлашига қулоқ сола бошладим; менга бу овоз ҳавода тўда-тўда рақс тушаётган қор парчалари билан қўшилиб, бутун Лучжэнни қамраб олаётгандай туюлди. Қарсилдоқларнинг товушлари кўнглимни ёзишга бирмунча ёрдам берди, ўзимни дурустроқ ҳис қилдим. Кеча бошимдан кечирган иккиланиш ва қўрқувларни бахт тилаб сиғниш тантанаси тарқатиб юборди. Назаримда, осмонда истиқомат қилувчилар тўдаси ўзларига қилинган эҳсонларни қабул қилишган-у, ҳозир, хайр қилинган винолар ва хушбўй чекимликлардан кайф қилиб, осмонда маст бўлиб юришар ва Лучжэнь аҳолисига чексиз ва тугалмас бахт ҳозирламоқда эдилар.

1924 йил, февраль.

Қ О В О Қ Х О Н А Д А

Шимолдан жануби-шарққа саёҳат қила туриб, туғилган жойларимни зиёрат қилиш учун бурилдим-да, Ш. шаҳарчасида тўхтадим. Бу шаҳарчадан туғилган қишлоғим ўртасидаги масофа ўттиз ли бўлиб, кичикроқ қайиқда ярим кунга қолмай етиб бориш мумкин эди.

Бир вақтлар шу ердаги мактабда бир йил ўқитувчи бўлиб ишлаган эдим.

Қаҳратон қиш, қор ёққан, табиат совуқдан тўнгиб олган; ўтмиш ҳақидаги зериктирувчи фикрлар бирин-кетин миямдан ўта бошлади. Шаҳарчада бир неча кун қолишга қарор қилиб, «Лосн» меҳмонхонасига жойлашдим. Илгари бу меҳмонхона йўқ эди. Шаҳар катта эмасди ва мен аввал ўзим билан бирга ишлаган кишиларни қидириб топиш мақсадида меҳмонхонадан чиқдим. Мўлжалимча, улар шу ерда яшашлари керак эди, аммо, бирортасини ҳам тополмадим, уларнинг қаерга кетганини ҳеч ким билмасди ҳам. Мактаб дарвозаси ёнидан ўтдим; мактабнинг номи ҳам, унинг ташқи кўриниши ҳам ўзгариб кетибди, у менга бутунлай нотаниш бўлиб кўринди. Меҳмонхонага қайтдим; орадан икки

соат ўтмасданоқ, яхши кайфиятим хафсаласизлик ва умидсизлик билан алмашинди. Бу ерга қўниб, ўзимга ортиқча ташвиш ордирганимга афсусландим.

Мен яшаб турган меҳмонхона пансионсиз¹ эди — овқатни бошқа жойдан келтиришар, улар шундай бемаза, бематра эдики, назаримда худди кесак чайнаётгандек бўлардим. Банд қилиб турган хонамнинг деразасидан фақатгина моҳ босган, ҳамма ёғи доғ ва ёмғир сувлари оқиб тушган девор кўриниб турарди; осмон бир текис кул ранг булут билан қопланган эди; яна қор учқунлай бошлади. Нонуштадан кейин оч қолиб, ўзимни нима билан овутиш ва нима билан кўнгили очишни билмасдим; бирдан илгари шу ерда менга синашта бўлган «Ишицзой» деган кичкина қовоқхона бор экани ёдимга тушди. Мўлжалимда у меҳмонхонадан унча узоқ эмасди. Узоқ ўйлаб ўтирмай, хонамни қулфлаб, қовоқхонага жўнадим. Зинҳор ичиб маст бўлишни эмас, балки кўпинча ёлғиз саёҳатга чиққан одамларда бўладиган кайфсизлик ва хафагазакликдан қутулишни истар эдим. Қовоқхона ўша жойда экан, унинг кўримсиз сирти ва эскириб сийқаси чиқиб кетган вивескаси қандай бўлса, шундай сақланган, аммо ичида хўжайинидан тортиб, официанткаларигача менга таниш бўлган бирорта ҳам киши йўқ эди. «Ишицзой»да ҳам бегона бўлиб қолдим.

Бинонинг бурчагидаги таниш зинапоядан иккинчи қаватга кўтарилдим. У ерда илгаригига ўхшаш ҳали ҳам бешта стол турарди, фақат авваллари қоғоз ёпиштирилиб қўйилган орқа томондаги деразага ҳозир ойна солинган эди.

— Бир цзинь² шаосин виноси... Закускагами? Пиширилган соя пишлоғи билан аччиқроқ қилиб қовурдоқ беринг!

Мен бирга юқорига чиққан хизматкор билан гаплашиб, дераза ёнидаги кичкина столга бориб ўтирдим. Қовоқхонада ҳеч ким йўқлиги туфайли энг яхши жойни танладим: бу ердан қаровсиз ётган боғни томоша қилиш мумкин эди. Афтидан, бу боғ қовоқхонага тегишли эмасди; бир вақтлар шу боққа қараб тўймасдим, айниқса қор ёққан кунлари уни завқу шавқ билан томоша қилардим. Лекин ҳозир унга шимол табиатига одатланган назар билан қараганим учун бу манзара менга галати туюлди. Бир неча кекса олхўри дарахти ердан қор кетмаганига қарамай гуллаб турар, гўё улар қишни назар-писанд қилмаганга ўхшарди; қулаб тушган шийпон олдида бир туп тоғ чойи ўсиб ётар, унинг қор билан қопланган қалин тўқ яшил япроқларида қизил гуллар

¹ П а н с и о н — турувчиларни ҳақ бараварига зарур нарсалар билан тўла таъминлаш.

² Ц з и н ь — хитой оғирлик ўлчови, тахминан, 0,5 килограммга тўғри келади.

барқ уриб турарди. Улар гўё узоқ сафарга отланаётган саёҳатчининг ниятларидан нафратлангандай аччиғланиб, мағрур боқардилар. Бу ерга нақадар кўп қор ёғибди-я! Юмшоқ қор ёпишар, аммо кўчмас, асл тошлар сингари ялтирарди, у сал-пал шамол эсиши билан учиб, кўк юзини тутундай қоплайдиган қуруқ шимол қорига бутунлай ўхшамасди.

— Тақсир, вино олиб келдим...— деди эринчоқлик билан хизматкор. У стол устига қадаҳ, вино солинган қалайи чойнак, товоқчалар ва куайица қўйди.

Ниҳоят, вино ҳам келтирилди! Столга ўгирилдим-да, идишларни жой-жойига қўйиб, вино қуйдим. Шимолда, туғилган жойимдан йироқда, ўзимни ёт ҳис қилардим, ҳозир жаңубда ҳам фақат меҳмонман холос. У ерда қуруқ қор чанг сингари ҳар тарафга учиб тарқалиши, бу ерда эса юмшоқлиги, ялтираши ва унинг ёпишқоқлиги билан нима ишим бор. Қайғуга чўмдим-да, маза қилиб бир қултум вино ичдим. Вино жуда соз экан, соя пишлоғи ҳам аъло даражада пиширилибди; афсуски, қовурдоқ чучмал экан; Ш. шаҳарчасининг аҳолиси овқатга солинадиган аччиқ масаллиқлар лаззатини билишмайди.

Тушки овқат ўтиб кетгани учун бўлса керак, қовоқхонада жимжитлик ҳукм суради. Мен ўтирган столдан бошқа ҳамма столлар бўш турарди. Уч қадаҳ вино ичдим-да, ойнадан қаровсиз қолган боққа тикилдим. Ўзимни ёлғиз ҳис қилардим, аммо қовоқхонага бирор кишининг кнришини хоҳламасдим. Худди ўчакишгандек, зинапояда оёқ товушлари эшитилиб қолди: кимдир юқорига кўтариларди. Бу хизматкор экан — тинчландим. Яна икки рюмка ичдим.

Орадан бир оз вақт ўтгач, яна кимнингдир оёқ товуши эшитилди, бу сафар албатта бирорта йўловчи киради, деган фикрни хаёлимдан ўтказдим. Унинг қадам ташлаши хизматкорникига қараганда вазминроқ эди. Бир минут чамаси кутиб турдим-да, меҳмон кириб келиши лозим бўлган эшикка хавфсираб назар ташладиму, шу ондаёқ таажжубланиб ўрнимдан сал кўтарилдим; чунки эски дўстимни,— агарда у ҳозир менга ўзини шундай деб аташимга ижозат берса,— эски мактабдош ўртоғим ва ҳамкасабамни кўрдим. У жуда ўзгариб кетибди, лекин мен уни бир қарашдаёқ танидим. Унинг ҳаракатлари суст ва ишончсиз бўлиб қолибди. У илгариги ғайратли ва мард Люй Вэй-фуга зинҳор-базинҳор ўхшамасди.

— Вэй-фу! Наҳотки сен бўлсанг? Сени бу ерда учратарман деб сира ўйламаган эдим!

— Э-э! Сенмидинг? Қандай тасодиф...

Уни столимга таклиф қилдим. У бир оз хижолат тортиб келди-да, тайсалланиб кейин ўтирди. Бу ҳол мени ажаблантирди. Унга диққат билан тикила бошладим, менинг ажабланишим ачинаш билан алмашинди. Фақат унинг сочларигина бурунгидек ҳурпайиб тўзғиб ётар, чўзинчоқ кул ранг юзи жуда озиб кетган ва ўзи ҳам бутунлай сўнган эди. Ҳурпайиб турган ўсиқ қошлари остидаги кўзлари ўзининг аввалги жилвасини йўқотган эди, лекин у хонани секин кўздан кечириб, қаровсиз боққа назар ташлаган пайтда, тўсатдан кўзларида менга синашта бўлган ўйноқи нур ялт этиб кетди.

— Бир-биримиздан ажрашиб кетганимиздан бери қарийб ўн йил ўтди,— дедим мен учрашганимизга шодланиб ва шу билан бирга, аллақандай тортинчоқлик билан.— Цзинанда эканингни билардим, бироқ, тўғриси айтсам, ялқовликдан бирорта хат ҳам ёза олмадим...

— Мен ҳам. Мана ҳозир икки йилдан ошиб қолди, онам билан бирга Тайюанда яшайман. Бу ерга онамни олиб кетиш учун келган эдим, эшитсам, кўчиб кетган экансан.

— Тайюанда нима иш қиляпсан?— деб сўрадим мен.

— Бир ҳамшаҳаримнинг оиласида ўқитувчилик қил-япман.

— Ундан илгари-чи?

— Ундан илгари?— у чўштагидан папирос олиб чекди-да, сўзидан бурқиб чиқаётган тутунга тикилиб қолди; кейин бирдан гўё чуқур хаёлдан бош кўтаргандай, саволимга жавоб бера бошлади.

— Ундан илгари ҳар хил бўлмағур ишлар билан шуғулландим, яъни бекор юрдим десам ҳам бўлади.

У жим бўлиб қолди, кейин ўз навбатида, ажралишганимиздан бери қандай ишлар билан шуғулланганимни сўради. Ҳикоямни тўхтатиб, бу винони ичиб бўлганимиздан сўнг, яна икки цзинь вино чақириш ниятида хизматкорга бир қадаҳ келтиришни буюрдим; Биз узоқ вақт закуска танладик. Бир вақтлар муносабатимиз оддийгина эди, ҳозир бўлса негадир ҳаддан зиёд сертакаллуф бўлиб қолдик; қайси биримиз қандай овқат буюрганимизни ҳалигача эслолмайман, лекин хизматкорнинг таклиф қилган овқатлари ичидан тўрттасини, яъни зирали лўя, студень¹, пиширилган соя пишлоғи, қовурилган макрель² танладик.

— Ш. га қайтганимдан кейингина ўзимнинг нақадар ғалати одам эканимни пайқаб қолдим,— деди ярим ҳазил-ярим чин қилиб Вэй-фу. Унинг бир қўлида папирос, иккинчи

¹ К а л л а-почадан пиширилиб, гўшт билан шўрваси қўшиб совутилган овқат.

² М а к р е л ь — балиқнинг бир тури.

қўлида эса қадаҳ бор эди.— Болалигимда шундай бир нарса-ни кузатган эдим: асалари ёки пашшани ҳайдагудек бўлсанг, улар ҳавода бир айланиб, кичкина доира ясардиларда, яна жойларига қайтиб келардилар. Ўша вақтда бу нарса менга жуда қулгили ва аянчли туюлар эди. Энди эса ўзим ҳам бир оз жойни айланиб келиб, яна шу ерга қўндим. Бироқ, сенинг ҳам эски жойга қайтиб келишингни ким ўйлабди дейсан; наҳотки узоқроққа учиб кета олмадинг-а?

— Бир нима дейиш қийин, бу кичкина донрачадан нарироқ учиб кетишининг иложи йўқ экан-да — дея унинг ўзига ўхшаб ярим ҳазил-ярим чин жавоб бердим.— Қани, айт-чи, нега яна учиб келдинг?

— Ўша бўлмағур ишлар туфайли.— У қадаҳдаги винони бир кўтаришида ичди-да, очкўзлик билан уст-устига бир неча марта сигарета тортди; кўзлари чақчайиб кетди.— Бёмани, арзимайдиган нарсалар... Лекин шундай бўлса ҳам, кел ўшалар тўғрисида суҳбатлашайлик.

Хизматкор вино ва закускалар келтириб столнинг устини тўлдириб ташлади; қовоқхона ҳавоси тамаки тутуни ва пиширилган соя пишлогининг буғи билан тўлди; уй бир эз исиди, дераза орқасида паға-паға қор ёғарди.

— Кичкина укам бор эди; балки эсингдадир,— деб давом этди Вэй-фу,— ўша укам уч ёшида ўлди; шу ерга кўмдик. Ҳатто унинг башарасини ҳам аниқ тасаввур этолмайман, аммо онамнинг сўзига қараганда, у жуда чиройли ва менга жуда меҳрибон бола экан. Онам ҳанузгача уни эслаб йиғлайди. Шу йил кўкламда холаваччам бизга хат ёзиб, укамнинг қабрини сув ювиб кетаётгани, яқинда дарёга ўпирилиб тушиши мумкинлиги ва тезда бирор чора кўриш лозимлигини хабар қилди. Онам бу хабарни эшитганидан сўнг уйқу ва оромини йўқотди. Ҳамма иллат шундаки, у ўқишни биларди, хатни ўзи ўқиб чиқибди. Пулим ҳам, вақтим ҳам йўқ эди, ҳеч нарса қилолмадим. Янги йилда бериладиган каникулдан фойдаланиб, эндигина бу ерга келдим.

У яна бир қадаҳни бўшатди-да, деразага қараб, секин сўзида давом этди:

— У ерда, шимолда қор остида гуллар очилиши у ёқда турсин, ҳатто ер музламайди... Ўтган кунни шаҳардан бир кичик тобут сотиб олдим,— ахир ерга кўмилган тобутча аллақачон чириб кетган бўлиши керак-да,— пахта билан одеял олдим-да, тўртта мардикор ёллаб, жасадни кўчириш учун қабристонга жўнадим. Бирдан мени ҳаяжон қуршаб олди, тезроқ қабрни очиб, меҳрибон укамнинг жасадини кўргим келарди. Ҳаётимда ҳеч қачон бундай ҳаяжонни бошимдан ўтказмаган эдим. Қабристонга боргач, ҳақиқатан ҳам дарё қирғоқни ювиб кетгани ва қабрни ўпириб кетиши-

га икки лича қолганига ишондик. Хароб бўлган қабр! Икки йилдан бери уни тузатишмагани учун деярли ер билан бара-варлашиб қолибди. Қор устида туриб мардикорларга: «Қазинглар!»— деб буйруқ бердим. Мен кичкина одамма-ч, аммо бу сафар овозим ўзим учун ҳам ғайри табиий бўлиб эшитилди, чунки умр бўйи берган буйруқларим ичида энг муҳими шу эди-да. Мардикорлар ҳеч ажабланмай, дарҳол ишга киришдилар. Қабрни қазиб бўлишгач, яқин келиб қарасам, тобутдан фақат бир уюм ёғоч чириндиси билан бир нечта ярим чириган тахтачалар қолибди, холос. Юрагимни ҳовучлаган ҳолда авайлаб шахсан ўзим буларни саранжом қилишга киришдим. Тобутда на одеял, на кийим ва на скелет, ҳеч нарса йўқ. Аллақачон ҳаммаси чириб битибди-да, деган фикрга келдим. Бироқ сочлар-чи? Бир вақтлар сочлар чиримайди, деб эшитган эдим. Бош томонини қайтадан сиччиклаб қарай бошладим. Йўқ, ҳеч нарса топа олмадим. Ҳеч нарса қолмабди!

Бирдан Вэй-фунинг кўзлари қизариб кетганини пайқаб қолдим. «Бу винодан бўлса керак»,— деб ўйладим. У ҳеч нарса емас, фақат ичар эди. У кўп ичди, бир оз руҳлангач, нимаси биландир менга аввалги Вэй-фуни эслатди. Хизматкорга яна икки цзинь вино буюриб, қадаҳ кўтардим-да, унга тикилиб, ҳикоясининг давомини эшитишга ҳозирландим.

— Сирасини айтганда, энди жасадни кўчиришнинг ҳеч қандай зарурати йўқ, фақат ерни қайтадан текислаб, янги тобутни сотиш керак эди, холос. Тўғри, агар тобутни қайтариб сотгудек бўлсам, одамларнинг кўзига ғалати туюларди. Дўконда тобутни арзон нарх билан қайтариб олишарди, албатта; шундай бўлса ҳам ақалли вино учун бир печа қора чақа қайтариб олган бўлардим-ку. Лекин бошқача иш тутдим; шунга қарамай, одеялни ёздим, жасад ётган жойдан тўпроқ тўплаб, пахтага ўраб тугдим-да, янги тобутга жойладим; кейин кўчириб, отам дафн этилган мазорга элтиб, отамнинг ёнига кўмдим. Янги қабрга гишдан сағана ясашни буюрдим, кечаги куним деярли қилинаётган ишни назорат қилиш билан ўтди. Энди ҳамма иш тугади, онамнинг қайғу ҳасратини ёзиш учун қўлимдан келган ҳамма ишни қилдим.

Бирдан у кулимсираб:

— Нега менга тикилиб турибсан?— деб сўради.— Ўзгариб кетганимга ҳайрон бўляпсанми? Ҳа, мен ўша вақтларни ҳали-ҳали эслайман, иккаламиз шаҳарнинг ҳимоячисини бўлган малоикалар ибодатхонасига бориб, худоларнинг соқолларини юлардик, ёдимда: иккимиз узуқун Хитойнинг келажакни ҳақида баҳслашардик, кўпинча иш муштлашишгача бориб етарди. Аммо ҳозир мен бутунлай бошқача одам

бўлиб қолганман, ҳамиша ишни қўл учида қиламан, ҳамма нарсага бепарволик билан қарайман. Баъзан ўзим ҳам «Мабодо, ҳозир мени илгариги дўстларим кўриб қолгудек бўлишса, эҳтимол, улар мени ўзларининг дўсти деб билишни истамасалар керак», деб ўйлайман. Шундай, мен бутунлай бошқача одам бўлиб қолганман.— У яна папирос олиб чека бошлади: — Кўриб турибман, сен ҳамон аллақандай нарсаларга умид боғлаб юрганга ўхшайсан... Тўғри, ҳозир жуда заиф мулоҳаза юритаман, аммо баъзи бир нарсаларга ҳали ҳам фаҳмим этади. Бу нарса менга қаттиқ таъсир этади, ҳаяжонга солади. Лекин қадимий қадрдонимнинг умидларини оқлай олмасман, деб қўрқаман.

У бир оз жим турди-да, сигарета тортиб, оҳиста давом этди:

— Шу бугун ҳам бу ерга келишдан олдин яна битта бемаъни иш қилдим, аммо бунга ўз хоҳишим билан қилдим. Чжан Фу деган эски қўшнимиз бўларди; у қайиқчи эди. Унинг А-шунь деган қизи бор эди; эҳтимол, уйимизга келган вақтингда уни кўргандирсан-у, эътибор қилмагандирсан, чунки ўша вақтларда қизча ҳали кичкина эди. Кейин вояга етди, уни ортиқча чиройли деб бўлмасди, унинг кулча юзи оддий, сарғиш, фақат киприклари узун, кўзлари ҳайрон қоларли даражада катта, мусаффо ва булутсиз тун осмони сингари тим қора эди... ҳа, бундай осмон шамол бўлмаган чоғда, шимолдагина бўлади, бу ернинг осмони унчалик тиниқ, мусаффо эмас. У ўн ёшида онасидан айрилди, рўзғорга қараш, отаси, ўкаси ва сингисига ғамхўрлик қилиш унинг зиммасига тушди. У уйдаги барча ишларни бошқариши лозим эди; у хўжаликни яхши бошқарадиган, ишбилармон қиз эди. Оиласининг аҳволи яхшиланиб кетди. Қўшнилари уни мақташар, Чжан Фунинг ўзи ҳам ундан миннатдор эди. Бу ерга келгани тараддудланаётган вақтимда онам уни эслаб қолди; кексалар ўтган ишларни яхши эслашади. Онам бир вақтлар А-шунь сочига тақиш учун қизил духоба гул топа олмай йиғлаганини эслади. А-шунь ўша гулни қаердадир кўрган экан. У узоқ йиғлабди, отаси эса уни урибди. Духоба гуллар бошқа жойлардан олиб келинарди, Ш. шаҳарчасидан топилмасди. А-шунь бир вақт келиб ўшанақанги гуллар топишни хаёлига ҳам келтирмаган эди. Менин бунга ерга бўладиган сафаримдан фойдаланиб, онам менга иккита гул сотиб олиб, А-шунга ҳадя этишни топширди.

Бу малол келадиган иш эмас эди, аксинча, севиндим. Ростини айтсам, унга хизмат қилгим келарди. Ўтган йили онамни олиб кетгани келганимда, А-шуннинг отаси ёнига кирдим, гапга тушиб кетиб, узоқ ўтириб қолдим. У мени қора буғдой унидан пиширилган ширин овқат билан зиёфат

қиларкан, бу овқатга шакар қўшилган, деди. Буни қарая: ўзи қайиқчи-ю, уйда шакари бор!.. Истаганини еб-ичиб турганидан кейин бу қайиқчининг қашшоқ эмаслиги ўз-ўзидан равшан. Менга кичикроқ косада беришларини илтимос қилдим. У кўпни кўрган одам бўлгандан А-шунга: «Ўқимишли одамлар овқатни кўп ея олмайдилар, кичикроқ коса олгинда, кўпроқ шакар қўшиб бер!» деди. Бироқ, менга овқат олиб келганларида қўрқиб кетдим: коса шундай катта эдики, ундаги овқатни эртадан кечгача еб тугата олмасдим. Бу Чжан Фунинг косасига нисбатан кичикроқ кўриниши мумкин эди, холос. Умримда қора буғдой унини шакар билан қўшиб емаган эдим, татиб кўрдим, ёқмади: жуда чучмал экан. Бир озгина едим-у, кейин кўнглим тортмади. Аммо уйнинг бурчагида турган А-шунни кўриб, қўлимдаги коса билан жўкани ерга қўйгани ботинолмадим. Унинг юзида ҳадиксираш ва умид аломатлари акс этиб турарди. Чамамда, у овқатнинг ўхшатиб пиширилмаганидан хижолат тортар ва айни вақтда овқат менга ёқишини истаётгандек эди. Косадаги овқатнинг ярмидан кўпини қолдирсам, А-шуну хафа бўлишини ва ўзини айбдор деб ҳисоблашини англадим. Кейин овқатни зўрлаб томоғимга тиқиштириб, Чжан Фу сингари тез-тез юта бошладим. Зўрлаб овқат ейишнинг барча азобларини шундагина англадим. Ёшлигимда гижжани туширадиган шакар аралаштирилган бир товоқ дорини ейишга мажбур қилишганда, худди шундай азоб тортганим ҳали ҳам ёдимда. А-шуннинг бахтиёр жилмайиши мен тортган барча азоб-уқубатлар эвазига мукофот бўлди. Чучмал бўтқадан сўнг алғов-далғов тушлар кўриб чиққан бўлсам-да, А-шуннинг турмушда бахтиёр бўлиши ва ҳамма ишлари яхшиланиб кетишини истадим. Кейин қилган ишимдан кулиб, буларнинг ҳаммасини унутиб юбордим.

Онам духоба гул ҳақида гапирганда,— ахир мен А-шуннинг шу гул учун йиғлаганини билмаган эдим,— қора буғдой унидан пиширилган бўтқа воқисини ҳам эслаб, қизни бирор нарса билан хурсанд қилгим келиб қолди.

Тайюанда духоба гул тополмай Цзинанга жўнадим..:

Дераза орқасидан шитирлаган овоз эшитилди. Тоғ чойининг шохларидаги қор тушиб кетган эди; шохлар қадларини ростлаб, қилвадор қора япроқлар кўрина бошлади. Қон сингари қип-қизил гуллар яна равшанроқ ловиллаб кетди.

Қўрғошинсимон осмон булут билан, ер эса қор билан қопланган, қушлар ва чумчуқлар тинмай чириқиллашар, ўзларига дон тополмай инларига шошилишарди. Қош қорая бошлади.

Вэй-фу деразага қараб, яна бир қадаҳ винони бир ютум

қилиб ичди, кейин бир неча марта устма-уст сигарета тортиб, ҳикоясини давом этдирди.

— Шундай қилиб Цзинанга жўнадим. У ердан ниҳоят духоба гуллар сотиб олдим. Аммо унга қайси рангдаги гул ёқишини билмас эдим, шунинг учун битта тўқ қизил гул билан битта пушти гул олиб, бу ерга келтирдим.

Бугун тушки овқатдан кейин Чжан Фуникига бордим; шунинг учун атайлаб бир кун кечикиб қолдим. Унинг уйи илгариги жойида-ю, аммо негадир ҳувиллаб қолибди. Менга шундай туюлаётган бўлса керак, деб ўйладим. Дарвоза олдида Чжан Фунинг болалари: ўғли билан кичкина қизи А-чжаони кўриб қолдим. Улар анча катта бўлиб қолишибди... А-чжао опасига сира ўхшамабди, у шайтонга ўхшаб тиниб-тинчимайдиган қиз бўлибди. Уларнинг уйларига томон бораётганимни пайқаб, қиз югурганича ҳовлига кириб кетди. Бола уйда отаси йўқлигини айтди.

— Опанг-чи?— деб сўрадим.

У менга тикилиб, опаси менга нега керак бўлиб қолганини, нима сабабдан уни сўроқлаётганимни шундай жаҳл билан сўрадики, гўё устимга ташланиб, мени ғажиб ташламоқчига ўхшарди. Қайтиб кетдим, чунки менга ҳамма нарса фарқсиз бўлиб қолди... Биласанми, ҳамма вақт бегона хонадонга боришга юрагим дов бермасди, ҳозир эса ундан беш бадтар хавфсирайман. Назаримда, ўзимга ўзим хирахандонга ўхшаб кўринаман, шундай экан, бориб кишиларни ноқулай аҳволда қолдиришнинг нима ҳожати бор? Лекин онамнинг топширигини бажармай иложим йўқ эди. Бир оз ўйлагач, Чжан Фу уйининг муюшидаги кичкина ўтин дўконига кирмоқчи бўлдим. Дўкондорнинг онаси Лао-фа буви ҳали ҳаёт экан. У мени таниб, ҳатто уйига ҳам таклиф қилди. Одатдаги салом-аликдан сўнг, бу ерга келишимнинг сабабини айтдим-да, Чжан Фу билан А-шунни сўрадим. У чўқур уҳ тортиб: «Афсуски, бу гулларни тақиш А-шунга насиб қилмаган экан»,— деб жавоб берди.

У воқнани шу тахлитда бошдан-оёқ сўзлаб берди:

«Ўтган йили баҳорда А-шунъ озиб кетди, ранги синиқди, кейин юраги қисилиб, тез-тез йиғлайдиган бўлиб қолди. Сенга нима бўлди, деб сўрасалар— жавоб бермас эди. Унинг кўз ёшлари отасининг тоқатини тоқ қилди, у қизини койиб: «Бўйинг чўзилаверибди-ю, ақл битмабди-да» деди. Кузда А-шунъ шамоллаб, ётиб қолди. Шу бўйича у қайтиб турмади; вафотидан бир оз олдин Чжан Фуга, кўп вақтдан бери қон тупуришини ва кечалари терлашини, аммо отасини ташвишга солмаслик учун бунини яшириб келаётганини айтиб берди,— марҳума онаси ҳам шундай бўлган эди. Бир кун ярим кечада амакиси Чжан Гэн келиб ундан қарз-

га пул сўради.— бундай ҳодисалар тез-тез бўлиб турарди,— у пул бермади, шундан кейин Чжан Гэн заҳарханда илжайиб: «Кўп ғурурланаверма, сенинг бўлажак қаллиғинг мендан бешбадтар!» — деди. Шундан сўнг у қайғуга ботди, отасидан суриштириб билишга уялар, фақат йиғларди, ҳолос; Чжан Фу унинг қаллиғи меҳнаткаш, қобил одам эканини айтиб, уни овутарди, у эса ишонмас ва: «Энди менга ба-рибир» деб қайта-қайта такрорларди.

«Агар унинг қаллиғи ҳақиқатан ҳам Чжан Гэндан кўра ёмонроқ бўлганида, азобнинг нақ ўзгинаси эди-да,— деб ҳикоясини давом этдирди Лао-фа буви.— Бу қанақа ҳаромзада, ўзи чакана ўғри-ю, яна А-шуннинг қаллиғидан яхшироқ эмиш. Лекин қизни кўмиш маросимига келганида куёвни ўз кўзим билан кўрдим: озода кийинган, хушбичим йигит экан. У қайғуриб йиғлади ва: «Шу қизга уйланиш учун неча йиллар қайиқчи бўлиб ишладим, азоб-уқубат ва муҳтожликда пул тўплладим, у эса худди атайин қилгандек ўлиб кетди» деди. Унинг чинакам яхши одамлиги афтидан аниқ кўриниб турарди; Чжан Гэннинг айтганлари ёлғон чиқди, афсуски А-шунь вафот этди. Аммо бунинг учун ҳеч кимни айблаб бўлмайди. Ҳамма гап А-шуннинг пешонасига бахт ёзилмаганлигида».

— Ана шундай гаплар... Энди бу ерда қиладиган ишим қолмади.. Духоба гулларни Лао-фа бувига бердим-да, менга кўзи тушиши биланоқ ура қочиб қолган ўша А-чжаога совга қилишини сўрадим. Ростини айтсам, гулни унга ўзим совга қилгим келмади. Онамга: А-шунь совгадан ғоятда хурсанд бўлди, дейиш учунгина гулларни А-чжаога юбордим... Бу бемаъни ишлардан нима фойда? Фақат шунчаки... Янги йил ўтиши биланоқ яна ўша-ўша болаларга дарс бера бошлайман: «Файласуф дейдики, шеърлар билдирар...»

— Ие, ҳали сен конфуцийчилик таълимотидан дарс бер-япсанми? — деб ҳайрон бўлдим.

— Ҳа, албатта. Сен нима деб ўйлоздинг, бўлмаса болаларга европа алифбесини ўргатаётир деб ўйлабмидинг? Илгари иккита ўқувчим бор эди: бири «Шицзин»ни, иккинчиси эса «Мэн-цзи»ни¹ ўқирди, яқинда яна бир ўқувчи қиз қўшилди, мен унга «Нюйэр-цзин»² ни ўқитаётирман. Уларга ҳатто арифметика ҳам ўқитмайман, ўзим истаб эмас, балки ота-оналари иташмайди.

¹ «Мэн-цзи» — Хитой философи Мэн-цзи китоби;

² «Нюйэр-цзин» — Хотинларнинг фазилатлари ҳақида ёзилган қадимий китоб.

— Шундай фанлардан дарс берасан деб сира ўйламаган эдим...

— Ота-оналар болаларига худди шу нарсани ўргатишимни талаб қиляптилар, менинг қўлимдан ҳеч нарса келмайди. Шунақанги бемаъни ишлардан нима фойда бор? Фақат бир илож қилиб...

У қизариб кетди, жуда маст бўлиб қолди, лекин кўзларининг ялтираши яна сўнди. Секин хўрсиндим-у, уни нима билан юпатишни билмадим. Зинапоядан оёқ товушлари эшитилиб, бир неча киши кириб келди: олдинда паст бўйли, лунжлари шишган, думалоқ юзли киши, кетидан новча, қип-қизил бурни яққол кўзга ташланиб турган киши келди. Улар кетидан яна бир неча киши кирди; уларнинг дукур-дукур қилиб қадам босишларидан бутун қовоқхона ларзага келди. Мен Люй Вэй-фуга қарадим, у менга кўз ташлади, ҳисоб-китоб қилиш учун хизматкорни чақирдим:

— Оладиган маошинг ўзингга стадимми?— деб сўрадим Вэй-фудан, тураётиб.

— Ҳа... ойига йигирма юань оламан, у ойликдан бу ойликкача етказиш қийин, албатта.

— Ундай бўлса, бундан буён нима қилмоқчисан?

— Бундан буёнми? Билмайман. Орзуларимиздан ҳеч бўлмаса биронтаси рўёбга чиқдимми? Ҳозир ҳеч нарса билмайман, ҳатто эртага ёки бир дақиқадан сўнг нима бўлишини ҳам билмайман.

Хизматкор ҳисоб ёзилган қоғозни келтириб менга тутқазди. Люй Вэй-фу бу ерга кириб келган пайтидаги камтарлигини тарк этиб, менга қараб қўйди-ю, тўлашимга қаршилиқ қилмагандек, папирос чекишда давом этди.

Қовоқхонадан бирга чиқдик: биттамининг меҳмонхонамиз шаҳарчанинг бу чеккасида, иккинчимизники эса бошқа чеккасида эди, шу тўфайли эшик олдида хайрлашдик. Совуқ шамол ва қор учқунлари юзга уриларди, шунга қарамай, шаҳдам қадамлар билан меҳмонхонага жўнадим. Кеч кирди. Уй ва кўчаларни оппоқ қалин қор қоплаган эди.

1924 йил, 16 февраль.

БАХТИЁР ОИЛА

Сюй Цинь-вэнга бағишланади.¹

Асар яратиш ёки яратмаслик авторга боғлиқ, адабий асарни бунёдга келтириш чақмоқ тош билан темир ёрдамида чиқариладиган учқунга эмас, балки битмас-туғамас ёруғлик манбаъидан сочилаётган қуёш нурларига монанддир; фақат

¹ Сюй-й Цинь-вэнь — реалист ёзувчи, Лу Синининг дўсти ва шоғирди.

шундай асаргина чинакам санъат асари, унинг автори эса ҳақиқий санъаткор бўлади. Мен-чи? Мен ўзим кимман?»

Бу фикр хаёлидан ўтаркан, у ётган еридан ирғиб турди. Қачондан бери бирор нима ёзиб, ўз оиласининг тирикчилиги учун зарур бўлган қалам ҳақи олишга аҳд қилган эди. У ўз асарини ойлик «Бахт» журналида бостириб чиқаришга олдиндан қарор қилиб қўйди, чунки у ерда нисбатан сахийлик билан ҳақ тўлашарди.

«Бироқ, адабий асарда маълум бир ғоя бўлиши керак, акс ҳолда, уни босиб чиқаришмайди ҳам. Ғоя бўлса, ғоя-да... Замонамиз ёшларининг фикру хаёлини қайси бир асосий масала чулғаб олган? Бунақанги масалалар ҳам бўлмаса керак, аммо севги, никоҳ ва онла проблемалари жуда зўр қизиқиш туғдирмоқда. Ҳа, бу масалалар ҳозир кенг муҳокама қилинаётир. Демак, онла тўғрисида ёзиш керак... Лекин қай услубда ёзмоқ керак? Фақат қора кунлар ҳақида ҳикоя қилувчи асарни қабул қилмасликлари ҳам мумкин, аммо...»

Шу онда у каравотдан сакраб тушди, ёзув столи ёнига келди, иероглифлар учун яшил чизиқ тортиб, катакларга ажратилган қоғоздан олди-да, иккиланмасдан: «Бахтиёр онла» деб сарлавҳа қўйди.

Шу ерга келганда унинг қўлидаги мўйқалам тўхтаб қолди. У бошини кўтарди ва шипга тикилганча, бу бахтли оила қайси шаҳарда истиқомат қилса экан, деб ўйлаб қолди.

«Пекиндами? Йўқ, ярамайди. У ернинг муҳити ҳаддан ташқари дим, у ернинг ҳавоси ҳам ўлакса. Ҳатто бу оилани баланд чордевор билан ўраганда ҳам, уни мана шу муҳитдан ажратиб бўлмас. Йўқ, Пекин тўғри келмайди. Цзянсу ёки Чжецзян вилоятларида ҳа демай граждандар уруши бошланади. Фуцзянь вилояти ҳақида сўзлаб ўтиришнинг хожати ҳам йўқ. Сичуань ёки Гуандун вилоятичи? У ерда уруш бошланиб кетди. Балки Шаньдун ёки Хэнань вилояти тўғри келар? Вой-бўй! У ерда қароқчилар одамларни ўғирлаб кетиш-япти-ку, борди-ю бу оиладан биронта одамни ўғирлаб кетиш-гудек бўлса, у оилани бахтли деб атаб бўлмайди. Шанхай ёки Тяньцзиндаги чет элга ижарага берилган территорияда турар жой учун тўланадиган ҳақ жуда ошнқча... Улар чет элда истиқомат қилишса-чи? Қулгили-да!.. Билмадим, Юаньнань ёки Гуйчжоу вилоятларида аҳвол қалай экан? Бироқ у ерларнинг йўли ҳаддан зиёд ноқулай».

У узоқ фикр юритди, бироқ бахтли оилани қаерга жойлаштиришни ўйлаб тополмади ва бу оиланинг турар жойини «А» ҳарфи билан шартли равишда белгилашга қарор қилмоқчи бўлди.

«Лекин ҳозир кўпчилик исм ва географик номларни ифодалашда Европа алифбесини қўллашга қарши норозилик бил-

дириляпти. Бу китобхоннинг ҳавасини сусайтиради дейишади. Энг яхшиси бундай қилмаслик керак, шу тинчроқ... ҳар қалай, уни қаерга жойлаштирай? Хунаньгами? У ерда ҳам уруш боряпти. Дальнийгами? У ерда ҳам, турар жой учун тўланидиган ҳақ ошиқча. Чахар, Гирин, Хэйлунцзянгами? Йўқ бу ҳам тўғри келмайди. Айтишларига қараганда, у ерда ҳатто отлик қароқчилар бор эмиш...»

Шунча урунишига қарамай у муносиб жой топа олмади ва у ўзининг бахтли оиласини шартли равишда «А» шаҳарида яшайди, деган фикрга келди.

«Шундай қилиб, масала хал, бахтли оила «А» шаҳарида истиқомат қилади. Шу нарса мутлақо аёнки, бахтли оилада эр ва хотин ёки ўз хоҳишлари билан турмуш қурган уй хўжайини ва бекаси бўлади. Улар қирқдан ортиқ шарт қўйилган никоҳ гувоҳномасига имзо чекишган. Бу гувоҳномада ҳаддан ортиқ маълумот сўралган. Шунинг учун ҳам улар ҳаддан ташқари даражада тенг ҳуқуқли ва озод кишилар. Уларнинг иккови ҳам олий маълумоти, жуда нозик табиати, ўтаюқори тафаккури билан бошқалардан ажралиб туради. Японияда ўқиган студентлар энди модадан чиқиб қолишди; бизнинг қаҳрамонларимиз Европада ўқишган деб тасаввур қилайлик. Эри фақат европача кийинади, унинг крахмалланган ёқачаси ҳамма вақт қордек оппоқ; хотинининг серҳашам ҳурпайтирилган сочлари худди чумчуқ инидай қилиб пешонаси устига кўтариб қўйилган. У ҳамиша ўзининг садаф тишларини кўрсатиб, табассум қилиб туради, хитойча кўйлак кияди...»

— Йўқ, бўлмайди, бўлмайди! Бу тўғри келмайди! Бу йигирма беш Цзин келади!— тўсатдан дераза ортидан эркак кишининг овози эшитилди.

Гаплашаётган кишининг кимлигини кўриш учун, у беихтиёр орқасига қайрилиб қаради. Лекин дарпарда туширилган эди,— қуёшнинг ёрқин нуридан кўз қамашарди. Дераза ортидан тарақ-туруқ овоз эшитилди: афтидан ерга саржинлар ташланаётган эди.

«Бунинг менга алоқаси йўқ,— деб ўйлади у ўзича ва яна столга томон ўгирилиб олди. Шу топда миясига Йигирма беш цзини нимаси?» деган хаёл келиб қолди.

«Шундай қилиб, улар нозик табиат, юқори назокатли одамлар, адабиётни жуда севишади. Бироқ, улар болалик чоғларидан бахтиёрлик муҳитида ўсганлар ва шунинг учун ҳам рус ёзувчиларининг романларини ёқтирмайдилар. Рус адабиётида паст синфларнинг ҳаёти акс этдирилади, бу бахтли оила учун тўғри келмайди. «Йигирма беш цзин...» Бунинг менга алоқаси йўқ.

...Бўлмаса улар қандай китоб ўқишади? Верлен ёки Китениннинг шеърлариними? Йўқ, бу уларга мутлақо муносиб

эмас, унда улугворлик йўқ. Ҳа! Топдим! Топдим! Уларга «Идеал эр» жуда ёқади. Гарчи ўзим бу китобни ўқимаган бўлсам ҳам, университет профессорлари мақташгандан кейин уларга ҳам ёқади-да. Эри ҳам, хотини ҳам ўқийди... Икковларида бир нусхадан бор. Демак, бахтли оилада ҳаммаси бўлиб икки нусха...»

Шу ерга келганда у, қорни талаётганини сезди, мўйқаламни ташлаб, бошини қўллари орасига олди. Унинг боши худди икки устун орасида қолган пуфакдай осилиб қолди.

«Улар ҳозир нонушта қилишяпти. Столга олпоқ дастурхон тўшалган; ошпаз овқат келтираётир — хитой таомлари... «Йигирма беш цзин» дегани нимаси-я? Аҳамиятсиз!.. Дастурхондаги таомлар хитойча эканлигининг боиси нимада? Европаликларнинг таъкидлашича, хитой таомлари — энг хилма-хил, энг мазали ва энг кучли таомлардир. Шунинг учун ҳам улар хитой таомларидан тановул қилишади. Овқатнинг биринчиси келтирилди. Биринчисига қандай овқат беришдийкин?»

— Утин...

У чўчиб орқасига қаради. Ёнида ғамгин қора кўзларини унга тикканча хотини турарди.

— Нима гап?— жаҳл билан сўради у, хотинининг ижодий ишига ҳалақит берганидан аччиғланиб.

— Утин тамом бўлди... бугун озгина сотиб олдим... Утган сафар ўн цзини икки дяо ва тўрт фэнь бўлувди, бу сафар сотувчи икки дяо ва олти фэнь деяпти. Икки дяо ва беш фэнь берсаммикин дейман. Нима дейсан?

— Майли, майли, икки дяо ва беш фэнь бера қол.

— У нотўғри ўлчаб йигирма тўрт ярим цзинь дейди, менимча, йигирма уч ярим. Сен нима деб ўйлайсан?

— Майли, майли! Йигирма уч ярим деб ҳисоблайвер.

— Демак, беш карра беш — йигирма беш, уч карра беш — ўн беш.

— Ҳа, ҳа, беш карра беш — йигирма беш, уч карра беш — ўн беш.— У бир оз жим турди-да, кейин мўйқаламни қўлга олиб, «Бахтли оила» ёзилган яшил катакли қоғозга ёзиб ҳисоблай бошлади. Бир дақиқадан кейин, у бошини кўтарди ва:

— Беш дяо ва саккиз фэнь,— деди.

— У ҳолда саккиз ёки тўққиз фэнь етмайди.

У ёзув столининг тортмасини тортди-да, бор-йўқ пули — йигирматача чақа олиб хотинининг узатиб турган кафтига солди. Хотини уйдан чиқиб кетгач у яна стол устига энгашди. Унга, гўё ўз боши шишиб кетгандай, гўё бошига қинғир, қийшиқ саржинлар қалаб қўйилгандай туюлди... Беш карра беш — йигирма беш... Худди унинг бошига араб рақамлари қуюлиб қолгандай эди. У ўпкасини тўлдириб нафас олди-да,

худди ўзининг бошида жойлашиб олган саржин ва рақамларни чиқариб юбормоқ учун, куч билан уҳ гортди. Шундан кейин гўё сигиллашгандай бўлди-ю тартибсиз фикрлар унинг бошида қайтадан айлана бошлади.

«Қанақа таом? У ажойиб бўлиши керак. Қайлали филе, трепанкали креветкалар кундалик овқатлар. Улар «аждарнинг арслон билан олишуви»ни ейишди деб ёзгим келарди. Бироқ бу қандай таом? Баъзиларнинг айтишига кўра бу илон билан мушук гўштидан алоҳида тайёрланган бўлиб, кантон томонларда тансиқ овқат саналади ва дабдабали зиёфатлардагина қўйилади. Лекин мен бир вақт бу таомнинг номини Цзянсу вилояти ресторонларининг менюсида кўрган эдим, маълумки, Цзянсу аҳолиси на илон ва на мушук гўшти ейди, ҳой-наҳой бу еб бўладиган бақа ва илон балиқнинг гўшти бўлса керак.

Энди яна менинг қаҳрамонларим асли қаерлик? деган савол туғилади. Ҳеч гапмас! Улар қаерда туғилган бўлмасинлар илон билан мушук ёки бақа билан илон балиқ ейиш оила бахтига путур етказмайди.

Шундай қилиб, уларнинг биринчи таоми, сўзсиз, «аждарнинг арслон билан олишуви» бўлади.

Уларга биринчи таом келтирилиши билан эр-хотинлар айна вақтда қуайцзаларини қўлга олиб, таомга ишора қилдилар ва бир-бирларига табассум билан боқадилар:

— My dear please...

— Please you eat first, my dear

— Oh, no, please you...¹

Улар қуайцзаларини баравар овқатга уриб, баб-баравар бир бўлакдан илон гўшtidан оладилар... Йўқ, йўқ, илон гўшти бўлса ҳаддан ошиб кетади. Яхшиси илон балиқ бўла қолсин. Шундай қилиб, «аждарнинг арслон билан олишуви» бақа ва илон балиқдан тайёрланган. Улар баб-баравар чиза ҳам фарқсиз тенг бўлакдан илон балиқдан олишади... «беш карра беш — йигирма беш... уч карра беш...» бу менинг ишим эмас... ва айна бир вақтда оғизга солишади».

Бироқ унинг хаёли паришон бўлиб кетди ва у фикрларини тўплай олмади. Унинг қайрилиб қарагиси келди: кимдир унинг орқасида шовқин кўтарар — уйга гоҳ кириб, гоҳ чиқарди. У асабийлашди ва кутилмаганда ўйлаб қолди:

«Мовзу унча муваффақиятли эмас... Бунақангги оила қаерда бўларди? Вўй-бўй, фикрларимнинг чалкашлигини-чи! Ажойиб тема туғилиши биланоқ нобуд бўлмаса деб қўрқа-

¹ — Қани, азизим...

— Йўқ, азизим, аввал сен ол.

— Йўғ-э, жонгинам сен.. (англ).

ман. Балки улар олий маълумотни чет элда эмас, Хитойда олишса, дурустроқ бўлмасмикан? Улар университетни битказишган, маданиятли, ободли ва кўтаринки руҳдаги одамлар. Маданиятли... Эри — ёзувчи, хотини ҳам ёзувчи, йўқ яхшиси хотини адабиёт муҳлиси бўлсин. Ёки, аксинча, хотини — шоира, эри эса — шоирлар муҳлиси ва аёлларни қадрловчи бўлсин. Ёки...»

Ниҳоят унинг сабри тугаб, қайрилиб қаради.

Орқасида, китоб шкафи ёнига, бир тўда янги узулган карам уюб қўйилибди. Пастда уч бош карам ётарди. Уларнинг иккитаси ўртада, биттаси юқорида бўлиб ҳаммасида баҳайбат «А» ҳарфи ҳосил бўлган эди.

— Э-ҳа! — қўрқув аралаш хитоб қилди у ва ўзини юзи қизиби, орқасига бирталай игналар санчилаётгандай ҳис қилди. — Уҳ!.. — У санчилаётган игналардан қутулишга интилаётгандай нафасини базўр ростлаб олди ва яна хаёлга чўмди.

«Шундай қилиб... — бахтли оиланинг уйи катта ва кенг бўлмоғи керак. Авваламбор уларнинг карам қўядиган ҳужраси бор. Хўжайиннинг алоҳида иш кабинети бўлиб, унда деворлар бўйлаб китоб тахлайдиган жавонлар бор, жавонлар олдида карам йўқлиги ўз-ўзидан аён. Жавонларда Хитой ва чет тилларда нашр этилган китоблар бўлиб, шубҳасиз улар орасида икки нусха «Идеал эр» ҳам бор. Уларнинг ётоғи ҳам алоҳида хонадан иборат, каравотлар сариқ мисдан йўғ-е, бир оз оддийроқ қилиб, биринчи турма устахонасида қайроғочдан ясалган бўлиши ҳам мумкин... Каравотларнинг ости топ-тоза...»

Шу чоқ у одатда ёқилғи сақланадиган ўз каравоти тагига назар ташлади. Ўтин тугаган, аммо ерда ҳануз ўлик илонга ўхшаб арқон чўзилиб ётарди.

«Йингирма уч ярим цэпнь!» Шу чоқ у ўтинларни каравот тагига ўзи шўнғиб қираётгандек тасаввур қилди. Унинг миясида яна қандайдир чалкаш фикрлар пайдо бўлди. У ирғиб ўрнидан турди-да, эшикни ёпиб қўйиш учун қадам ташлаган эди, эшикка қўл текизиши биланоқ, бу иш унга ёқимсиз ишдек туюлиб чанг тўсадиган эшик пардани тушириб қўйди, холос.

«Шу тузук, — деб ўйлади у. — Буни ташқи дунёдан ажралиш деб бўлмайди, шу билан бирга парда кишини очиқ эшик туғдирадиган ноқулайликдан холис қилади. Хулласи, бу «Сих ҳам куймасин, кабоб ҳам» — дегандек гап...»

«...Шундай қилиб, эрининг кабинетига кириладиган эшик ҳамиша ёпиқ. — У яна иш столи ёнига ўтирди. — Агар хотини эри билан бирор нарса тўғрисида сўзлашмоқчи бўлса, у аввало эшикни тақиллатади ва фақат рухсат олибгина ичкари-

га киради: бу ажойиб қоида! Масалан, ҳозир эр кабинетда ўтирибди, хотини эса у билан адабиёт ҳақида сўзлашмоқчи бўлиб келади-ю, барибир рухсат сўрамай кирмайди. Хотир-жам бўлаверишинг мумкин, бундақанги оилада ҳеч ким сенинг уйингга карам уйиб қўймайди.

— Come in, please, my dear¹

Борди-ю адабиёт ҳақида фикр юритишга эрининг вақти бўлмасачи, унда қалай бўлади? У рухсат бермайдимми? Йўқ, бу бўлмағур иш... «Идеал эр» китобида шу ҳақда ҳеч нарса дейилмаганмикан? Ажойиб китоб! Гонорар олганимда албатта сотиб олиб, ўқиб чиқаман».

«Шарақ!»

У худди таёқ ютиб юборгандай қаққайиб қолди. Ҳозир хотини уч яшаф қизчасини шапатлагани унга аён эди.

«Бахтли оила!..» У боланинг йиғи овозини эшитар экан, ўйлади:

«Улар кейинроқ бориб бола кўрадилар... Агар мутлақо боласиз бўлсалар. Ундан ҳам яхшироқ бўларди. Боласизларнинг уйи жуда тоза бўлади, ҳатто гард ҳам юқмайди... Ундан ҳам кўра ҳеч нарсани ҳам қилмай меҳмонхонада турганлари яхшироқ. Боласизларнинг уйи топ-тоза...»

Фарёд кўтарилаверди. У ўрнидан туриб эшик ёнига келди.

«Маркс,— фикрлашда давом этди у,— болаларинг йиғи товуши остида «Капитал»ни ёзган, аммо у буюк одам бўлган».

У уйдан чиқиб, ташқи эшикни очди. Бирдан лампа мой ҳиди димоққа урилди. Қизча эшикдан ўнг томонда, мўкка тушиб ётарди. Отасини кўриши билан у янада қаттиқроқ йиғлади.

— Бўлди, бўлди, йиғлама, қизалоғим,— у эгилиб болани кўтариб олди.

Бошини кўтариши билан эшикнинг чап томонида турган хотинига кўзи тушди. У, бошини: тик тутиб жаҳл билан худди гимнастика қилишга тайёрлангандай, қўлларини белига қўйиб турарди.

— Сен ҳам менинг жиғимга тегяпсанми? Ердам қилмаганиндан кейин халақит бермасанг бўлмайдимми? Қизинг чироқни ағдариб юборди... Кечқурун нима ёқамиз?

— Хўп бўлди, бўлди, йиғлама,— деб болани овутарди у, хотиннинг сўзларига аҳамият бермай. У қизини кўтарганча уйга кирди.— Оппоқ қизим,— у қизининг бошини силади, сўнг ерга қўйди-да, ўзи стулга ўтириб қизини оёқлари орасига олди.

¹ Марҳамат, кира қол, азизим. (англ).

— Йиғлама, жон қизим. Қараб тургин ҳозир сенга мушукнинг қандай қилиб ювинишини кўрсатаман. — У бўйинни чўзиб, тилини чиқарди, ўзининг кафтларини ялади-да, сўнг кафти билан юзини қайта-қайта сийпай бошлади.

— Ха-ха-ха, мушугимиз Хуа-эр худди шундақа қилиб ювинади! — кулиб юборди қизча.

— Ҳа, ҳа, Хуа-эр шунақа қилиб ювинади.

У яна бир бор кафтини юзига суриб, қўлларини туширди. Ота қизига қаради, қиз кулаётгани билан кўзларидан ёш аримаган эди. У тасодифан қизининг чеҳраси нафис, гўзал ва онасининг юзларига ўхшашлигини сизди. Бундан беш йил муқаддам онасининг чеҳраси худди шундақа эди. Айниқса лабларида ўхшашлик катта, фақат қизчанинги лаблари онасиникидан нозикроқ эди. Қачонлардир, шу бугунгидек ҳаво очиб қиш кунларидан бирида у, эрининг барча қийинчиликларни енгаман, сенинги учун ҳамма нарсани қурбон қиламан, деган сўзларини тинглаган эди. Ушанда у ҳам худди қизни каби кўз ёшлари аралаш қараб табассум қилиб турган эди.

«Эй сеvimли лаблар!..» — деб ўйларди у.

Бирдан эшик пардаси кўтарилиб уйга ўтин олиб киришди.

У чўчиб тушди ва лола ранг лабларини салгина очиб йиғилик кўзлари билан ҳамон унга тикилиб турган қизига кўзи тушди. «Лаблар...» — у атрофга боқди: уйга ҳануз ўтин ташилмоқда эди.

«Яна, — деб ўйлади у, — беш карра беш — йигирма беш, тўққиз карра тўққиз — саксон бир, бошланиб қолмаса деб кўрқаман... Эндиликда унинг кўзлари нақадар ғамгин!» Бирдан у стол устидаги яшил катакли «Бахтли оила» деган сарлавҳа ва рақамлар ёзилган қоғозни олди-да, ғижимлади, сўнгра уни яна қайтадан очиб қизчанинги кўз ва бурнини артди.

— Бор, жон қизим, бор бир ўйнаб кел, — деди у, қизини суюб, кейин ғижимланган қоғозни саватга иргитди.

Уни қизига нисбатан ачиниш туйғуси қамраб олди. У қизининг эшик томонга ёлғиз кетаётганини кўрди. Ерга ташланаётган ўтинларнинг тарақ-туруқ товуши қулоқлардан нари кетмасди. У ўзини босиб олишга интилди, ўгирилиб, кўзларини юмди. Чалкаш фикрлар ғойиб бўлди, тинчлик ва сокинлик чўқди. Унинг кўз қаршисида оч сариқ ўзакли думалоқ одми ранг гул пайдо бўлди. Гул чап кўздан ўнг кўзга сузиб ўтди-ю эриб кетди. Унинг кетидан қорамтир ўзакли яшил гуллар оқиб ўтдилар, ундан кейин эса, олти бош оқ карам пайдо бўлиб, унинг қаршисида баҳайбат «А» ҳарафига айланди.

1924 йил, 18 март.

Си-миннинг хотини саккиз яшар қизчаси Сю-эр билан қоғоз елимлаб ип ўрайдиган найча қилишмоқда эди. У, эндигина кўтарилаётган қуёш ўз заррин нурларини сочиб турган деразага орқа ўгириб турарди. Эшик орқасидан вазмин, салмоқдор қадам шарпаси эшитилди. Бу кишининг юмшоқ чувак кийган Си-мин экани аёлга аён эди, шунинг учун ҳам ўгирилиб қарамай елимлашда давом этди. Қадам товушлари яқинлашди. Си-мин унинг ёшига келиб тўхтади. Аёл беихтиёр ўгирилиб қаради. Унинг қаршисида елкалари кўтарилиб, гавдаси бир томонга қийшайган эри турарди. У бўз камзули баридан ўта чопонининг ички чўнтагидан нимадир олмоқда эди. Ниҳоят у гавдасини тўғрилаб чўнтагидан қўлини чиқарди-да, хотинига етилмаган кунгабоқар рангидаги кичкина тўртбурчак нарса узатди. Хотини бу нарсани олган эди, димоғига зайтун ҳидига ўхшаб кетадиган хушбўй ҳид урилди. Унинг кўзи кўкимтир муқовадаги олтинсимон муҳр ва беҳисоб нолик безакларга тушди. Сю-эр югуриб келиб ўша нарсага қўл узатган эди, онаси уни итариб юборди.

— Бозорга борибмидинг?— деб сўради хотини, совғани кўздан кечираётиб.

— Ҳа,— деб жавоб берди эри, ҳалиги қоғозга ўралган нарсадан кўз узмай.

Устки ўрам остидан яна бир юпқа қоғоз қатлами чиқди. У ҳам кўкимтир эди. Бу қоғозга оч яшил рангли, устига нақшлар чизиб безатилган ялтироқ ва қаттиқ нарса ўралган эди. Устидаги юпқа қоғозни ҳам олишган эди, бу қоғоз кўкимтир эмас, оппоқ бўлиб чиқди. Зайтун исига жуда ўхшаб кетадиган, ажойиб ҳид янада кўпроқ гуркиради.

— Қара-я! Қандай яхши совун,— деди Си-миннинг хотини кўкимтир совунни қўш қўллаб юзларига яқинлаштирар экан, уни ҳидлаб.

— Ҳа! Энди фақат шунақаси билан ювинасан...

Си-мин шундай дер экан, унинг кўзлари хотинининг бўйнига тикилиб турарди. Бу ҳолни сезган аёлнинг юзлари алангаланди. Баъзан у бўйнини ушлаб қолган чоғларда қўлларига, айниқса қулоқлари орқасида, дағал қатламлар илашарди. У бунинг, йиллар мобайнида йиғилиб қолган кир эканлигини билар, аммо бунга мутлақо аҳамият бермасди. Ҳозир бўлса, қўлида ғалати ҳидли, денгиз ортидан келтирилган кўкимтир совун ушлаб турарди. Шу топда эри синовчи назар ташлагани туфайли у беихтиёр қизариб кетди. Бу қизиллик тобора кўпроқ тарқалиб, ҳатто қулоқларининг учларигача етиб борди. У кечки овқатдан кейиноқ, дарҳол шу совун билан ювинишга қарор қилди.

«Шунақанги жойлар ҳам борки, ундаги кирни совун билан сира ҳам кеткизиб бўлмайди»,— деган хаёлга борди у.

— Ойи! Буни менга бер!— деб қўлларини чўзди Сюэ-эр, кўкимтир қоғозни олишга интилиб, Ҳовлидан кичкинтой Чжао-эр ҳам югуриб келди. Онаси уларни турткилаб, жеркиб берди-да, совунни аввал юпқа қоғозга, сўнгра кўкимтир қалин қоғозга ўраб умивальникнинг юқори қаватига олиб қўйди. У совунга яна бир бор қараб қўйгач, қоғоз елимлаб найча қилишга киришди.

— Сюэ-чен!— салмоқдор оҳанг билан чақирди Си-мин, худди бир нарса ёдига тушгандай ва хотини ёнидаги бесўнақай суйанчиғлик стулга ўтирди.

— Сюэ-чен! — қайта чақирди хотини, гўё эрига ёрдам бермоқич бўлгандай. У елимлашдан тўхтаб қулоқ солди. Жавоб бўлмади. Эри бошини кўтариб, чидамсизлик билан кутаётганини кўрган хотини хавотирланиб ингичка овоз билан қаттиқ қичқирди:

— Цюар!¹

Бу сафар чақириқ ўз таъсирини ўтказди. Чарм пойафзал товушлари эшитилди. Бир зумдан сўнг онаси олдида ёлғиз трустик кийган ярим яланғоч Сюэ-чэн пайдо бўлди. Унинг семиз, думалоқ юзида тер дончалари ялтираб турарди.

— Қаёққа ғойиб бўлдинг? Отанг чақираётганини эшитмадингми?— деди онаси ёзғириб.

— Гимнастика билан шуғулланаётган эдим — курашнинг саккиз усули...— у шошилиб отаси томонига ўгирилди-да, унинг юзига савол назар билан қараб, тик туриб қолди.

— Сюэ-чэн, мен сендан «Оду-фу» нима дегани деб сўрамоқчи эдим?

— Оду-фу?.. Менимча «жоҳил хотин» дегани бўлса керак.

— Бемаъни гап! Бекор айтибсан!— бирдан қизишиб кетди Си-мин.— Мен хотин кишимидим?

Сюэ-чэн кўрқиб кетди, ҳатто орқасига тисарилиб бадтар қаққайиб қолди. Рост, баъзан отаси унга музыка садоси остида саҳна бўйлаб юраётган кекса актерга, ўхшаб кўринар, лекин уни хотин кишига ўхшатиш унинг хаёлига ҳам келмаган эди. Бола янглишганлигига тушунди.

— Шундай қилиб «оду-фу» жоҳил хотин деганими? Тушунолмай қолдим. Ахир бу хитойча сўз эмас денгизнинг нариги бетидагиларнинг сўзи-ку... Эшитяпсанми? Бу нима деган сўз, а? Тушунасанми ўзинг?

— Мен... мен билмадим!..— Сюэ-чэн мутлақо довдираб қолди.

— Сени ўқитаман деб бекордан-бекорга пул тўлаб юрган эканман-да. Шуни ҳам билолмасанг! Мактабларингда, тагин,

¹ Ц ю а р -- болаларни эркалатиб чақириб.

Ўқувчинг қандайдир сўзлаб — эшитиш усулини қўллаймиз деб мақсадиб юришибди. Озора бўлишади! Сизларга ҳеч нарса ўргатиши осмайди... Мана шу сўзни ким билсин қайси тилда гапирган боки ўн беш ёшга ҳам кирмаган бўлса керак, сендан ҳам ёш эди. Лекин у бу тилда роса бидирлаб гапирди. Сен бўлсанг ҳатто шу сўзнинг маъносини ҳам билмайсан! «Билмайман» дейишга уялмайсанми?! Бор, ҳозироқ менга бу сўзни дундан солиб кел!

Сюз-чэн «қўл бўлади» деб мингғиллади-да эҳтиром билан кетди кетди.

— Ёшларнинг тартибсизлиги қара-я! — деди ғазаб билан Симен. — Ҳозирги ўқувчиларни гапиряпман. Ёдимда, эски тузум вақтида кез биринчилар қатори халқ мактаблари очиб тарафдор бўлган эдим. Ҳозирги мактабларнинг бу даражага тушиб қолгани ҳайратга ҳам келмаган эди: қандайдир, «озодлик», «эркинлик»ларни ўйлаб топишибди, ҳақиқий илм бўлса кўнлар ёқ! Фақат забасашади, холос! Мана, мисол учун Сюз-чэнни олайлик. Уни деб қанча пулсарфладик ҳам-кида у бу сўз бўлиб кетди. Ахир уни бирлашган инглиз-хитой мактабига келтириб қўйишнинг ўзи бўлдими. «Янгича, сўзлаб—тўнлаш ҳулие бўйича Инглиз тили ўқитиш! Бирор фойда бўлар, деб ўйлаган эдим. Гап бунда ҳам эмас. Бутун бир йил ўқиди-ю, «оду-фу» яна эканини билмайди! Балки, яна эски китоблар бўйича ҳар хил ўлаксалikka ўргатишаётгандир-да. Шу ҳам мактаб-у, шу ҳам ўқитиш бўлдими!? Уларнинг ҳаммасини ёлиб қўйиш керак!

— Рост, ёлиб қўйилса ёмон бўлмасди... — деб маъқуллади хотини, елимлашда давом этаркан.

— Сюз-эр билан кичик қизимиз ўқишмайди! Ёдимда, баъзан қайнатам: «Қизлар ўқиб нима қилади?» — дерди. Мен бўлсам ҳатто унга, хотин-қизларнинг маълумот олишига қарши, деб таъна ҳам қилардим. Энди билсам, кексалар тўғри гапиряшар экан. Қизларнинг кўча-кўйда тўдалашиб юришининг ўзи ҳам ярамайди. Бу ҳам оз. Бунинг устига соч қирқини одат қилишибди... Бўнақанги сочини қирқиб юрган ўқувчи қизларни кўрарга кўзим йўқ. Очигини айтсам, бизнинг ҳарбийлар билан босмачиларнинг қилиқларини оқлаш, шу ўқувчи қизларнинг қилиқларини оқлашдан кўра осонроқ. Мана шуларни деб бутун Хитой тўс-тўнслон бўлиб кетди. Уларнинг яхшилаб одобларини бериб қўйиш керак эди...

— Ҳа, рост! Эркакларнинг сочларини монахларникига ўхшатиётганлари етмагандай, қизлар ҳам монах қизларга тақлид қила бoshлашди.¹

¹ Хитойда 1911 йил революциясигача фақат монахлар билан монах қизларгина соч қирқтарар эдилар.

— Сюэ-чэн!

Бола қўлида семизгина, чети зарҳал китобни очик холатда кўтариб уйга югуриб кирди.

— Мана бу ерда ўшанга ўхшаш сўз бор экан...

Си-мин, бу китобнинг луғат эканини биларди. Лекин ҳарфлари жуда майда бўлиб, унинг устига сатрлар юқоридан пастга қараб ёзилмай, ўнгдан чапга томон ёзилган эди. У пешонасини тириштириб дераза яқинига келди-да, Сюэ-чэн кўрсатган жойга диққат билан тикилиб қарай бошлади. У ерда Хитой тилида:

«XVIII асрда ташкил топган, жамсат ёдами кўрсатадиган биродарликнинг номи» деган сўзлар ёзилган эди.

— Йўқ! Нотўғри. Бу қандай талаффуз этилади?— деб сўради у. Хитой тексти ёнидаги хорижий ҳарфларни кўрсатиб.

— Отэ фулоси.— деди.

— Йўқ! Бундай эмас! Бу мен айтган сўз эмас!— Си-мин бадтар қизишиб кетди: — Ахир сенга бу қанақадир ҳақоратлаб айтилган сўз, дедим-ку... демак, менга ўхшаш одамни ҳақоратлаш мумкин бўладиган сўз. Тушундингми? Бор, қидириб топ!

Сюэ-чэн отасига тикилганча, қимир этмай турарди.

— Бу қанақа топишмоқ, на боши йўқ, на кети? Сен унга нима эканлигини маънилироқ қилиб тушунтиргинки, у қаердан излашнинг фаҳмига етсин!— ўғлининг довдираб қолганини кўриб, унга ён босди онаси. У бу гапни келиштирувчи, бироқ норози оҳангда гапирди.

— «Гаун Хунь Сян» дўконидан совун олаётганимда,— тўрсиллатиб гапира бошлади Си-мин, хотини томонга ўгирилиб,— у ерда тагин қандайдир учта ўқувчи бор эди, улар ҳам нималардир сотиб олаётган эдилар. Афтидан уларга кулгили бўлиб кўриндим. Шу совунни олишдан олдин, беш-олти хил совунни кўрдим. Уларнинг ҳаммаси ҳам қирқ фэндан турар эди.¹ У ерда арзонлари ҳам бор эди-ю, лекин жуда бўлмағур, ҳидсиз совунлар эди. Мен, яхшиси қиммат ҳам, арзон ҳам эмас ўрта нархдаги совундан олиш керак деган қарорга келдим-да, йигирма тўрт фэнлик мана шу совунни ташлаб олдим. Ахир савдо хизматчилари ҳаминша ўзларини катта тутадилар, кўзларини олайтириб, итдай акиллашга тайёр турдилар. Бу ерда, худди ўчакишгандай, бу ярамас болалар бир-бирларини турткилашиб, имлашиб ким билсин қайси тилда қандайдир кулгили гаплар айтиб вайсай бошлашди. Мен пул тўлашдан олдин бунинг қанақа совун эканлигини кўрмоқчи бўлдим. Ахир устидаги қогози чет элники-да! Молний

¹ Фэнь — 0,1 юанга баробар бўлган пул бирлиги.

яхши, ёмонлигини ким билади, дейсан? Лекин, у қўрс худо урган дўкондор қўполлик қила бошлади; ҳар хил бўлмағур гаплар гапирди. Бемаъни болалар бўлса ҳамон мазақ қилишар, ҳаммасидан кичиги башарамга бақрайиб қараб, ўша гапни айтди. Шундан кейин ҳаммаси хохолаб юборди... Ҳа, бу жуда ёмон сўз бўлса керак...— У Сюэ-чэнга ўгирилди-да,— бу иборани ёмон сўзлар луғатидан ахтар. Бу фақат ўша ерда бўлиши мумкин,— деди.

Сюэ-чэн яна: «Яхши» деб минғилади-да, эҳтиром билан чиқиб кетди.

— Улар бўлса қандайдир янги маданий босқич, янги маданият тўғрисида жар солиб юришибди! Бунақанги жар солишлар қачон йўқ бўларкин! Уларга бу ҳам оз! — деб давом этди ғазабдан тушмаган Си-мин.— Агар шундай бўлаверса Хитой ҳақиқатан ҳам ҳалок бўлади. Бу ҳолнинг шоҳиди бўлиш на қадар қайғули эканини тасаввур қилиб кўргин...

— Нимани?— бепарволик билан сўради хотини.

— Мен ота-онага ҳурмат билан қараш руҳида тарбияланган бир қизни кўрдим,— тантанали вазиятда сўзлади Си-мин.— Кўчада иккиат гадой аёл ўтирарди: бири — ўн тўққиз ёшлардаги бир қиз — очигини айтганда гадойлик бу ёшдагиларга муносиб эмас, лекин ҳар қалай у тиланчилик қиларди, иккинчиси — етмиш ёшлардаги оппоқ сочли кўр кампир эди. Улар газмол дўкони бостирмасининг тагида ўтиришарди. Одамларнинг гапига қараганда буларнинг бири буви-ю, иккинчиси унинг невараси экан. Қизга нима хайр қилишмасин, у ҳаммасини бувисига берар, ўзига ҳеч нарса олиб қолмасди. Хайр қилувчилар кўп бўлса керак деб ўйлайсанми?— деб Си-мин хотинига савол назари билан қаради.

Хотини индамай, ҳайрон бўлиб қараб турарди.

— Қаёқда!— гапида давом этди у жавоб ололмади.— Уларга кимнингдир бир вэнь хайр қилганини кўраман деб узоқ турдим. Уткинчилар уларнинг атрофига тўпланиб олиб мазақ қилишарди. Қандайдир икки ярамас беадаб, бўлмағур гаплар дейишди. Бири иккинчисига: «Э-ҳа! Унинг бунақанги иржитлигига қарама. Икки бўлак совун олиб, ҳамма ёғини обдон ишқаласа борми, ундан кейин кўрасан!»— деди. Шу гапни айтишни ўйлаб кўр!

— Ҳм!— хотин бошини қуйи селди. Бир оз сукут қилди-да, сўнг оҳистагина сўради:— Сен-чи, ўзинг ҳеч нарса хайр қилдингми?

— Менми? Албатта йўқ! Унга арзимас пул бериш, ноқулай бўларди. Ахир у оддий одамлардан эмас-ку! Унга...

— А!— хотини унинг гапини охиригача эшитмай, ўрнидан туриб, ошхона томон йўл олди. Қош қорайиб бормоқда, кечки овқат вақти бўлган эди.

Си-мин ҳам ўрнидан туриб, ташқарига чиқди. Ҳовли уйга қараганда ёруғроқ эди. Сюэ-чэн ҳовлининг нариги бетида гимнастика машқлари билан шуғулланмоқда эди. У гимнастика бўйича «Уй иши»ни ҳамisha қош қораяр пайтда бажарарди. Кундузи эса бошқа дарсларини қиларди. Си-мин мамнунлик билан бош силтади-да, қўлларини орқага қилиб ҳовлида у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Бутун бошли ҳовлида яккаюягона тувакда ўсиб доим яшил тус олиб турадиган ўсимлик худди очилиб қолган тешикдан мўралагандай, тезда қоронғилик ичига фарқ бўлди. Булутлар орасидан юлдузлар ярақлаб кўринарди. Тун ҳукмронликни қўлга олди. Бирдан Си-мин буюк қаҳрамонлик кўрсатиш олдидан бўладигандай яна ғазаблана бошлади. У ҳамма ўқувчилар ва барча иллатли жамиятга қарши уруш очишга тайёр эди. Унинг эҳтироси кучая бошлаган сари, қадами шаҳдамроқ бўла борди. Безовта қилинган товуқ ва жўжалар товуқхонада тўс-тўполон кўтарди.

Овқатланидиган хонада чироқ ёқилди, бу кечки овқатга чақириш белгиси эди. Бутун оила уйнинг ўртасида турган овқат столи атрофига йиғилди. Чироқ Си-минга яқин турарди. У тўрда ўтирар, унинг юзи ҳам худди Сюэ-чэнники сингари кенг ва думалоқ эди, фақат унда ингичка ва қинғирроқ мўйлов бор эди. Шўрвалик косадан кўтарилаётган пар унинг юзларига урилар, унинг бу ўтириши эса, бутхонадаги бойлик тангрисининг тасвирини эслатарди. Унинг чап ёнида тиззасига Чжао-эрни ўтқазиб хотини, ўнг томонида эса Сюэ-чэн билан Сюэ-эр ўтиришарди. Овқат жимгина ейилар, фақат куайцза, худди тез ёғаётган ёмғир овози сингари, тиқиллаб турарди.

Чжао-эр шўрвали косани ағдариб юборди ва шўрва деярли бутун стол бўйлаб тўкилди. Си-мин унга ўзининг жимиртдек кўзларини тикиб қаради, қизалоқ йиғлаб юборгудек эди. Отаси ундан кўзини олди-да, боя танлаб қўйган карам ўзгини чўп билан олмоқчи бўлган эди, лекин товоқда ўзак кўринмади. Си-мин ўнг томонга олайиб қаради, бу вақт Сюэ-чэн бутун ўзакни оғзига тиқмоқда эди. Си-мин сарғайиб қолган карам баргини ейиш билан қаноатланди.

— Хўш, Сюэ-чэн, қалай?— деб сўради у ўғлидан,— бояги сўзни топдингми, ё йўқми?

— Қанақа сўз? Ҳа айтгандек ановиними... йўқ ҳали.

— Қўй-е! Беадаб нодон! Фақат қорнингга тиқишни биласан. Жилла қуриса ҳалиги одобли қиздан ўргансанг бўларди. У гадой, тиланчилик қилади-ю ҳамма нарсани ҳурмат юзасидан бувисига беради. Ахир ўзи ҳам оч-ку. Э, сенлар, ҳозирги ўқувчилар бунга қаердан биласанлар? Ҳаммаларинг сурбет бўлиб кетгансанлар. Мана сен ҳам ўша ярамасларга ўхшаб саёқ бўлиб ўсылсан.

— Мен бир ўхшаш сўзни эсладим, фақат ўшами, йўқми билолмадим... Балки, улар, «Отэ фуло»¹ дейишгандир.

— Ҳа, ҳа! Жуда тўғри! Худди мана шу сўз «Оду фулэ»! Бу нима дегани? Биларкансан, сен ҳам ўша ярамаслар тўдасидансан!

— Бу сўзнинг нима эканини аниқ билмайман..

— Ёлғон! Мени алдамоқчисан! Сенлар ҳаммаларинг бир гўрсанлар...

— Тангри ҳам овқат вақтида жазоламайди! Бугун нега бунча тажанглик қилипсан?— деб тўсатдан гапга аралашди хотини.— Ҳатто тинчгина овқатланишга ҳам қўймайсан! Нега бунча болага ёпишавердинг?

— Нега бунча?— Си-мин қизишиб кетмоқчи эди-ю, бироқ хотинининг башараси ўзгаргани ва унинг учбурчак кўзларида ғазаб алангасини кўриб, овозини ўзгартирди.— Мен сира ҳам ёпишаётганим йўқ, фақат Сюэ-чэн ақлли-хушли бола бўлсин дейман.

— Сенинг миянгда нима борлигини у қаёқдан билсин?— жаҳл билан давом этди хотини.— Агар у ақлли бўлганда, барча қандилларни ёқиб, ўша яхши тарбия кўрган қизни ахтариб топарди-да, сенга келтириб берарди. Айтгандай, унга атаб бир бўлак совунни олиб қўйибсан, яна бир бўлак олсанг кифоя.

— Бу нима деганинг? Ахир бун анови саёқлар гапиришган эди...

— Унақага ўхшамайди. Яна бир бўлак совун олиб, у қизни ювиб-тараб сенга олиб келиб бериш қолибди, холос... Ана ўшанда ҳамма нарса ўрнига тушиб, ер юзи жаннатга айланади.

— Бунча сафсата сотасан! Бун менга қанчалик алоқаси бор? Совуннинг йўқлиги ёдига тушиб қолди-да...

— Нега сенга алоқаси бўлмасин? Сен-ку бу совунни ўша қиз учун олгансан. Бор уни ишқалаб, ювинтир. Мен бу совунга арзайман. Менинг сенга керагим ҳам йўқ, халақит ҳам бермайман.

— Нега бўлмағур гапларни гапирасан? Сиз хотинлар ҳаммангиз ҳам...

Си-миннинг сўзи бўғизига тиқилиб қолди. Юзини, худди гимнастика қилаётганида терлаган Сюэ-чэннинг бетига ўхшаб, тер босди. Эҳтимол, овқат ҳаддан зиёд иссиқ бўлгандир...

— Биз хотинларга нима қилибди? Биз — хотинлар, сиз — эркакларга қараганда минг марта яхшироқмиз. Сиз, эркаклар, студент қизларни уришасизлар-у, ёшгина тиланчй қиз-

¹ old fool — кекса аҳмоқ (англ).

ларга ҳавас билан қарайсиз! Ораларингизда бирорта тузуқ одам топилмайди. Уят эмасми?!

— Ахир сенга айтяпман-ку, ўша саёқлар...

Кутилмаганда ташқари қоронгиликдан:

— Си-мин!— деб чақирган овоз эшитилди.

— Сизмисиз, Дао-тун? Мен ҳозир!— Си-мин Хэ Дао-тунни овозидан таниди ва тўсатдан афв этилиб юборилган жиноятчидек севишиб кетди.

— Сюэ-чэн, тезроқ чиқиб Хэ амакингга чироқ тут, уни иш хонамизга бошлаб кир!

Сюэ-чэн шамни ёқиб, Хэ Дао-тунни уйнинг ғарбий қисмидаги дадасининг иш хонасига олиб кирди. Уларнинг кетидан Бу Вэй-юань кириб келди.

— Жуда хурсандман! Жуда хурсандман! Кечирасизлар!— меҳмонларни қутлади Си-мин, таъзим билан оғзидаги овқатни шошиб-шошиб чайнар экан.— Ўзим тайёрлатган оби-ёвфондан танавул қилишни истамайсизларми?

— Раҳмат биз овқатланиб келдик!— Вэй-юань олдинга чиқди-да, йиғиқ қўлларини ёзиб, у ҳам назокат билан таъзим қилди.—Сизнинг уйингизга бунчалик кеч келишимизнинг сабаби шуки, «ўзгарувчи шамол» деган адабий жамиятимизнинг ўн саккизинчи конкурсига зидлик билан мавзу беришимиз керак. Ахир эртага «фин-ци»-ку¹.

— Ана холос! Демак, бугун ўн олтинчи экан-да?— ҳайратланиб сўради Си-мин.

— Икки оёқни бир этикка тиқиб қўйишганини қаранг!— деди гулдураган овоз билан Хэ Дао-тун.

— Шунинг учун, бугун кечасиёқ текстларни редакцияга етказиб бериш керак: улар эртага газетада босиб чиқаришлари лозим.

— Битта текстни мен топиб қўйдим. Мана қара-чи, ярайдими йўқми?— Хэ Дао-тун дастрўмолга ўроғлиқ бир варақ қоғоз узатди.

Си-мин шам яқинига сурилди-да, қоғозни ёйиб, оҳиста ўқий бошлади:

«Хитой республикасининг Буюк президентидан, қадимги Хитой донишмандларининг қонун-қондаларини алоҳида ҳурматлаш ва қадимги файласуф Мин-цзиннинг онаси ҳурматини тақдирламоқ юзасидан, ҳамда хитой миллий руҳининг покизалигини абадий сақламоқ, путур етаётган маънавий асосларини ҳимоя қилмоқ юзасидан махсус декрет чиқаришни умумхалқ ҳамдам бўлиб сўрамоқ учун бутун халқимизга эҳтиром билан мурожаат қилиш тексти тайёрлашга конкурс.» Жуда

¹ Ф и н-ц и — декаданинг еттинчи кун.

соз! Олижаноб гаплар! Фақат жумла бир оз узунроқмикан дейман.

— Ҳечқиси йўқ!— бақирди Хэ Дао-тун.— Мен ҳисоблаб чиқдим: реклама эълонидан қимматга тушмайди. Поэзия мавзуларининг аҳволи қалай?

— Назмникими?— Си-мин тантали вазиятда ўзини ўнглаб олди.— Менда тайёр сюжет бор! «Ҳурмат қилувчи қизнинг жасорати». Ҳаётдан олинган! Катталарни ҳурматлаш ва ота-оналарни иззат қилиш руҳида тарбияланган қиз! Буни албатта қайд этиш ва куйлаш зарур! Бугун мен бозорга борган эдим...

— Йўғ-а! Бу тўғри келмайди!— унинг сўзини бўлди. Бу Вэй-юань, қўлларини силкиб.— Мен уни биламан. У, афтидан, келгинди бўлса керак: унинг гапларига тушунолмадим, у ҳам мени яхши тушунмади. Унинг қаердан келганини биллолмадим ҳам. Бу, жуда яхши тарбия олган қиз дейишади, лекин мен ундан, шеър ёзиш, ёза олмаслигини сўраганимда, у йўқ дегандай бош тебратди. Агар у шеър ёза олганда, бошқа гап эди.

— Ҳа, лекин ота-оналар ва катталар учун фидокорлик қилиш, худди эрга нисбатан ҳалоллик каби хотин-қизларнинг буюк фазилатидир. Унинг шеър ёзишни билмаслигига ён бериш мумкин...

— Ҳеч қачон мумкин бўлмайди.— Бу Вэй-юань Си-миннинг ёнига ирғиб бориб, ҳатто уни туртиб ҳам юборди.— Шеър ёза билиши керак! Ана ўшанда ажойиб бўлади.

Си-мин Бу Вэй-юанни ўзидан йироқлатиб, яна такрорлади:

— Фақат сюжетини оламиз-да, унга изоҳ бериб газетада бостирамиз. Бу билан биз, биринчидан уни мақтаймиз, иккинчидан эса, жамоат аҳилларига наштар санчамиз. Ахир, ҳозирги жамоат қай даражага бориб қолди! Мен бу қизни анчагина вақт узоқдан кузатиб турдим, тасаввур қилинг, қани энди бирор киши унга хайр қилса. Бу мутлоқ бепарволик ва бераҳмлик эмасми, ахир!..

— Сенга нима бўлди, Си-мин!— яна ирғиб унинг ёнига борди. Бу Вэй-юань,— менга қарата: «қизим сенга айтаман, келиним сен эшит» деяпсан-ку! Худди ўша пайтда ёнимда бир мирим ҳам бўлмагани учун хайр қилмадим-да.

— Вэй-юань, ҳар нарсани ўзингга олаверма!— деди қўл силтаб Си-мин.— Мутлақо сени назарда тутганим ҳам, гапни бу томонга бураётганим ҳам йўқ. Шошилма, гапимни гапириб олай. Кўчадаги ўша тиланчи аёлларни бир тўда бекорчилар ўраб олишибди. Улар ҳеч нарсадан уялишмай вайсашарди. Қанақадир иккита саёқ бўлса, одоб доирасидан мутлақо чиқиб кетишди. Улардан биттаси: «Э, ҳа! Икки бў-

лак совун олиб уни ювинтириб-тарантисанг борми, қараб-санки, дидингга мос келадиган бўлиб қолади»,— деди. Ўзинглар ўйлаб кўринглар ахир, бу...

— Ха-ха-ха! Икки бўлак совун,— Хэ Дао-тун хандон ташлаб кўлди, унинг овозидан қулоқлар битай деди.— Совун сотиб олса, ха-ха-ха!

— Дао-тун! Хой Дао-тун! Бунақа бақирмасанг-чи!— қўрқув аралаш пўнғиллади Си-мин.

— Ишқаласа... ха-ха-ха!

— Дао-тун!— Си-миннинг башараси тиришди.— Ахир биз жиддий нарсалар ҳақида гапиришяпмиз-ку! Сен бўлсанг ҳазил қилиб, бизни ишдан қолдириясан. Менга қара! Биз ҳозироқ бу иккита сюжетни редакцияга юборамиз, уни эртага, албатта газетада босиб чиқаришади. Мен буни иккалангиз ўз гарданингизга олишингизни ўтиниб сўрардим...

— Бўлади, бўлади ҳа де, бўлади!— вайсай кетди. Бу Вэй-юань.

— Хэ-хэ-хэ! Ювса... Ишқаласа... Хи-хи-хи!

— Дао-тун!— ғазаб билан ўшқирди Си-мин.

Бундай бақирқни кутмаган Хэ Дао-тун кулишдан тўхтаб жим бўлди. Сўнгра улар изоҳ текстини қандай тузиш кераклиги ҳақида маслаҳатлашиб олишди. Бу Вэй-юань ён дафтарчасига режа чизиб олди ва шундан кейин иккала меҳмон шошилганча газета редакцияси томон йўл олишди. Си-мин фонарь тутиб уларни дарвозагача кузатиб қўйди. Си-мин уйга қайтар экан, ўзида бирмунча ноқулайлик ҳис қилди, лекин бир дақиқа иккиланишдан кейин остонадан ҳатлаб ўтди. Шу заҳотиёқ унинг кўзига столнинг қоқ ўртасида ўроғлиқ турган совун ташланди. Гулдор нақшли олтин муҳр чироқ ёғдусида ялтираб турарди.

Сюэ-эр ва Чжао-эр стол остида ўрмалашиб ўйнаб юришарди. Сюэ-чэн хотинининг, уйнинг қоронғи бурчагида бесўнзқай суянчиғлик стулда ўтирганини кўрди. Чироқ узоқдан унинг бир нуқтага тикилиб турган бепарво кўзлари билан жонсиз юзларини ёритиб турарди.

— Ишқалаш... уят-ку!— Си-мин орқадан Сюэ-эрнинг овозини эшитди. У қайрилиб қараган эди, ҳеч кимни кўрмади. Фақат Чжао-эр бор кучини ишлатиб, жажжи қўллари билан кир юзларини ишқаларди.

Си-мин ортиқ чидаб туролмади. У ўзининг шамини ўчириб, ҳовлига чиқди. Унинг шиддат билан у ёқдан-бу ёққа юришидан товўқ ва жўжалар яна безовта бўлиб қақағлаша бошлади. Си-мин қадамини секинлатиб, товўқхонадан нарироқда юришга ҳаракат қилди. Орадан яна бир оз вақт ўтгач, чироқни ётоқ уйга олишди. Ой нури худди поёнсиз чодирдек ҳамма ёқни қамраб олган эди. Мана ойнанинг яшил гарди-

ши парча булут орқасига яширинди-да, унинг пардаси ортида доира бўлиб табассум қилди.

Си-миннинг жаҳли чиқиб, дили сиёҳ эди. У ўзини худди, ўша яхши тарбия кўрган, бахтсиз қиздек бошпанасиз, ташландиқ ҳис қилди. Шу кеча у жуда кеч ётди.

Эртаси кун эрталабданоқ совундан фойдалана бошланди. Си-мин одатдагидан кечроқ турди ва хотинининг умивальник олдида энгашиб, зўр билан бўйинини ишқалаётганини кўрди, унинг қўлоқлари орқасидан ҳали шу чоққача совун ўзагидан чиқмаган қуюқ кўпик чиқаётган эди.

Ана шу вақтдан буён Си-миннинг хотинидан доимо худди зайтун исига ўхшаш нафис, ноаниқ ҳид анқиб турадиган бўлди. Орадан ярим йил ўтгандан кейин у бошқа ҳид билан алмашинди, кўпларнинг фикрига қараганда, бу ҳид сандал дарахтининг хушбўй ҳидига ўхшаб кетармиш.

1924 йил, март.

Қ А Н Д И Л

Булутли баҳор кунларидан бирида Цзигуантунь қишлоғининг яккаю ягона чойхонасидаги одамлар ҳаддан зиёд ташвишга тушиб қолишди; улар назарида:

— Учиринглар уни!— деган ингичка хирилдоқ товуш ҳамон эшитилаётгандек туюларди.

Чойхонага қишлоқнинг ҳамма аҳолиси йиғилмасди, албатта. Умуман улар уйдан чиқишни унча хуш кўришмас, мабодо чиқиш керак бўлиб қолган тақдирда бугун «кўчага чиқмаслик керак» деган сўз ёзилмаганмикан деб аввал календарга қараб олишарди. Бундай тақиқлаш бўлмаганда ҳам барибир кўчага чиқишдан олдин бахт-толе худосига бирор нарса атаб, ундан ишларининг ўнгидан келишини тилашарди. Шу кун ой календарига мувофиқ уйдан чиқиш «тақиқланган» бўлишига қарамай, чойхонада бир нечта беғам йигит-яланглар ўтиришарди. Уйдан эшикка чиқмайдиган қўрқоқлар уларни кўча хандони, уй зиндони деб ҳисоблашарди.

Шундай қилиб, чойхонада ҳақиқатан ҳам вазиятнинг жиддий экани сезилиб турарди.

— Демак, ҳалиям ўша-ўша гап дегин?— деб сўради Сань Цзяо-лянь пиёладаги чойни қўлига ола туриб.

— Ҳа, ўша-ўша гапмиш,— деб жавоб берди Фан-тоу,— У ҳалиям: «Учиринглар уни!», «Учиринглар уни!» дегани-деганмиш. Ҳозир кўзлари ундан бадтар ола-кула бўлиб қолганмиш. Бу ҳам кўргилик-да! Қишлоғимиз учун бу катта офат, буни беҳуда нарса деб бўлмайди. Ундан қутулиш йўлини ўйлаб топиш керак.

— Қутулиш бир нафаслик иш. Ахир у... Э. бир аҳмоқ-да! Ибодатхона қурилаётганда, унинг ота-боболари қанчадан-қанча пул садақа қилишган эди, энди бўлса у қандилни ўчирмоқчи-я. Шундан кейин уни ҳароми демай бўладими! Унинг бу расвогарчилигини уездга бориб айтамиз!— деди ғазаб билан Қо-тин ва столга мушти билан шундай урдик, устида турган идишлардан бирининг қопқоғи шарақлаб пастга тушиб кетди.

— Фойдаси йўқ. Уни уездга ота-онаси, ёки тоғаси юбориши керак,— деди Фан-тоу.

— Афсуски, унинг атиги битта амакиси бор, холос,— деди шу заҳоти Қо-тин.

— Қо-тин!— деди қўққисдан Фан-тоу.— Қалай, кечаги қарта ўйинида омадинг келдими?

Қо-тин унга тик қараб ҳали жавоб беришга улгургани ҳам йўқ эдики, кепчик юз Чжуан Ци-гуан овози борица бақириб юборди:

— Агар қандил ўчса, Цзингуантунимиз Цзингуантунь бўлмайди. Унда қиёмат деявер! Чолларнинг гапига қараганда, бу қандил Лян сулоласи даврида император У-ди¹ ёққан экан. Ушандан бери ўчмай, ёниб турибди. Ҳатто узун сочлилар қўзғолони вақтида ҳам уни ўчиришмаган... У порлаб, нур сочиб туарди. Бу ерга келувчи ҳамма дарвишлар ихлос билан ана шу қандилни кўришни истайдилар. Ҳамма уни кўриб завқланади... мақтайди... Ўйлаб топган гапини қара-я?

— У жинни-пинни бўлаб қолган эмасми? Сен билмайсанми?— деб сўради Фан-тоу шубҳаланиб.

— Э-ҳа, хўп гапни гапирдинг-да!— деди Чжуан Ци-гун юзини буриштириб.

— Менимча, уни эски йўл билан алдаган яхши,— деб гапга аралашди чойхоначи хотин Хуэй У-шэнь. Бу аёл гапга қулоқ солиб ўтирган эди. У, гапнинг бошқа томонга буриляб кетаётганини фаҳмлаб, яна ўша ўзини қизиқтирган мавзуга бурмоқчи бўлди.

— Қанақа йўл ўзи?— деб таажжубланди Чжуан Ци-гуан.

— Бу ҳол биринчи марта рўй бераётгани йўқ. Илгарилари отаси ҳаёт вақтида ҳам ҳозиргидек жазаваси туғиб турарди. Ҳа, ўшанда уни алдашгандан кейин тузалиб кетган эди.

— Нима қилиб алдашувди? Нега бундан менинг хабарим йўқ экан?— деб бадтар таажжубланди Чжуан Ци-гуан.

— Қаёқдан билардинг? У вақтларда гўдак эдинг, онанг-ни эмишу, йўргакин булғатишдан бошқа нарсани билмасдинг. Мен ҳам у вақтларда бунақа эмас эдим. Оҳ, у вақтларда қўлларим бирам нозик эдики!..

— Ҳозир ҳам чакки эмассан!— деб қўйди Фан-тоу.

¹ Император У-ди (502—550 йиллар),

— Вайсама!— деди Хуэй У-шэнь заҳархандалик билан...— Бемаъни гапларни қўй! Биз иш тўғрисида гаплашяпмиз. Ўша вақтда у ёш бўлса ҳам жуда ажойиб эди. Айтишларига қараганда, бир кун буvasи уни ибодатхонага олиб бориб хонадонлар тангриси, Улат лашкарбошиси ва Жон ҳокими-га сиғинишни буюрган экан. У қўрққанидан, ўламансаттор сиғинмайман, деб туриб олибда. Кейин ибодатхонадан қочиб чиқиб кетибди. Шундан сўнг хулқи ғалати бўла бошлабди. Бора-бора шу ҳолга тушиб қолди: одамларни кўрди дегунча, қандилни ўчириш тўғрисида сўз очади. «Ўчирсак, чигиртка ва бошқа касалликлардан қутуламиз» дейди у. Унинг миясига художўй одамлардан қўрқадиган жинлар ўрнашиб олганга ўхшайди. Сиз билан биз қўрқмаймиз-ку, шундай эмасми?.. Чойингиз совуб қолгани йўқми? Ҳозир устига қайноғидан қуйиб бераман. Бир кун шартта ибодатхонага кириб, қандилни ўчирмоқчи бўлди. Отаси уни жонидан ҳам яхши кўрарди, шунинг учун уйга қамаб қўйгиси келмади. Шундан сўнг қишлоқда катта жанжал кўтарилди — ҳамма унинг отасини койий бошлади. Аммо барибир ҳеч нарса қилиша олмади. Хайриятки, ўша вақтда худо раҳмат қилгур эрим тирик эди, у бир ҳийла ўйлаб топди: қандилни қопқора қалин одеял билан ўраб, кейин уни ибодатхонага олиб келди-да, мана чирокэни ўчирдик, деди.

— Оббо, азамат-эй! Роса қойил қилибди-ку!— деб юборди бирдан миннатдорчилигини кўнглига сиғдира олмаган Сань Цзяо-лянь.

— Бе, шунақа овора бўлиб ўтиришнинг нима ҳожати бор!— деди ғазабланиб Ко-тин.— Бу махлуқни ўлдириб қўя қолиш керак — вассалом!

— Бу нима деганинг?— деди Хуэй У-шэнь кўрқиб, қўл силтаркан...— Ўлдириб бўлармиди? Ахир унинг бобоси муҳдор бўлган-а!

Ко-тин ўртоқларига бир-бир кўз ташлаб чиққач, «марҳум» нинг ўйлаб топган усулидан бошқа ҳеч нарса наф бермаслигига тўла ишонди.

Хуэй У-шэнь:

— Кейин у тузалиб кетди!— деб қўлининг орқаси билан лабларини артиб қўйди-да, шошилиб гапини давом этдирди:— Бутунлай тузалиб кетди! Ушандан бери у ибодатхона дарвозасига кирмайдиган ва қандилни тилга олмайдиган бўлиб қолган эди. Ҳозир, тоат-ибодат маросимидан бир неча кун ўтгач, нима сабабдан яна қутура бошлаганига ҳеч тушунолмай қолдим. Худди илгариги аҳволига тушиб қолибди-я. Бугун тушдан кейин у бу ерга кирган эди, ҳозир ибодатхонага кетган бўлса керак. Сизлар Си-е билан бир гаплашиб кўринглар, эҳтимол уни яна бир марта алда-

са. Ахир бу қандилни ёққан киши император У-ди эмасми? Қандил ўчган заҳоти, бу ерда кўл пайдо бўлиб, одамлар илонбалиққа айланиб кетади, дейишлари бежиз эмас. Сиенинг олдига бориб, у билан гаплашиб кўринглар, борди-ю...

— Аввал ибодатхонага бориб кўрамиз,— деди Фан-тоу ва ўрнидан туриб, эшик томон юрди.

Ко-тин билан Чжуан Ци-гуан унга эргашишди, энг орқада бораётган Сань Цзяо-лянь эшик олдига етгач, орқасига қараб шундай деди:

— Ҳаммасини менинг ҳисобимга ёзиб қўй! Мен ҳам унинг олдига бораман...

Хуэй У-шэнь «хўп» дегандай бош ирғаб қўйди ва шарқий девор олдига бориб, бир бўлак кўмир билан уч бурчак шаклини чизиб, тагига иккита чизиқ тортиб қўйди¹.

Ибодатхона олдида улар ҳақиқатан ҳам бир неча одам турганини кўришди: булардан бири у, иккитаси аллақандай бекорчи ва учтаси болалар эди.

Ибодатхона дарвозаси маҳкам беркитиб қўйилган эди.

— Жуда соз! Ибодатхона дарвозаси берк экан!— деб қувонди Ко-тин.

Кишилар келаётганини пайқаган болалар дадиллашиб унга яқинлаша бошладилар... У ибодатхона дарвозасига қараб турган эди, оёқ товушини эшитиб, бирдан орқасига ўгирилди.

Унинг кўриниши одатдагидан фарқ қилмасди: тўрт бурчак чеҳра, устида зангори илма-тешик бўлиб кетган кўйлак, фақат ўсиқ қалин қошлари остида катта-катта ғилай кўзлари қандайдир бежороқ ялтираб турарди. У одамларга узоқ тикилиб қолди, бу қарашда ифодалаб бўлмайдиган қўрқув ва қайғу сезилиб турарди. Унинг калта қилиб қирқтирилган сочлари орасидан иккита шоли поҳоли кўриниб турарди, чамаси бу поҳоли болалар унинг орқасидан билдирмай бориб, қадаб қўйган эдилар; чунки болалар унинг бошига қарашиб, бўйинларини чўзишар ва масхара қилиб унга тилларини кўрсатишарди.

Бу ерга келган уч киши тўхтаб, бир-бирларига қараб қўйишди.

— Бу ерда нима қилиясан?— деб сўради ниҳоят Сань Цзяо-лянь бир қадам олдинга ташлаб:

— Лао Хэйга дарвозани очишни буюрдим, қандилни ўчиришим керак,— деди у аста, мулойимлик билан.— Бяла-

¹ Хуэй У-шэнь саводсиз хотин эди. Сань Цзяо-лянь деган сўз «уч-бурчак юз» деган маънони билдиргани учун, ўша фамилия ёзилган иероглифлар ўрнига уч бурчак шаклини чизиб, остига қарз миқдорини ёзиб қўйди.

санми, яхшиси қандилни ҳаммининг кўз олдида ўчириш керак: уч бошли, олти қўлли Кўкюз ҳам, Учкўз ҳам, Узунқалпоқ ҳам, Яримбош ҳам, тўнғиз тишли Буқабош ҳам кўраверсин.. Ўчириш керак. Учирган заҳотимиз қишлоғимизда биронта чигиртка ҳам, оқсил касали ҳам қолмайди.

— Ха-ха-ха! Шу ҳам гап бўлдим!— дея энсаси қотиб кулди Ко-тин.— Қандилни ўчирсанг, чигирткалар бадтар кўпайиб кетади, ўзинг оқсил касали билан касалланиб қоласан.

— Хи-хи!— деб илжайди Чжуан Ци-гуан.

Ярим яланғоч бола ўзининг чалиб юрадиган қамиш сурнайини кўтариб, жиннининг башарасига тўғрилади-да, лунжини шишириб пуфлади ва томоғини қириб «Ба!» деб юборди.

— Яхшиси, бу ердан жўнаб қол! Бўлмаса, амакинг сени соғ қўймайди. Қандилни ўзим ўчириб қўяман. Бир неча кундан кейин келгин, кўрасан,— деди Ко-тин баланд овоз билан дона-дона қилиб.

Жиннинг кўзлари бадтар чақнаб кетди ва у Ко-тинга шундай қаттиқ тикилдики, у кўзларини бошқа ёққа қаратишга мажбур бўлди.

— Сен ўчирасанми?— деди у мийиғида кулиб ва шу заҳоти қўшиб қўйди:— Сизларнинг ўчиришларингни хоҳламайман. Ўзим ўчираман, ҳозирнинг ўзидаёқ ўчираман.

Ко-тин худди шу топда ҳушёр тортган кишидек, бирдан бўшашиб қолди, аммо Фан-тоу олдинга чиқиб, шошмасдан деди:

— Ахир сен ақлли-ҳушли одам эдинг-ку. Нега энди жиннилик қиляпсан? Ҳамма гапни айтиб берай, балки тушунарсан. Қандилни ўчирганинг билан фалокатлар даф бўлармиди? Жанжалингни қўй-да, яхшиси бу ердан кет! Бориб ухла!

— Биламан, ҳатто ўзим ўчирганимда ҳам офатлар даф бўлмайди,— деди у маъюс жилмайиб, лекин шу заҳоти ўзини тутиб олди-да, хаёлга чўмиб сўзда давом этди:— Лекин ҳозир бошқа ҳеч қандай иложим йўқ. Қандилни ўчиришим керак ва уни ўзим ўчираман!

Шундай деб у орқасига ўгирилди-да, бор кучи билан ибодатхона дарвозасини итара бошлади.

— Ҳой!— деди Ко-тин жаҳл билан.— Ахир, сен бу ерлик эмасмисан? Ёки ҳаммамизнинг илонбалиққа айланиб қолишимизни хоҳлайсанми? Кет, бу ердан! Барибир очолмайсан— уддалай олмайсан! Учиролмайсан, яхшиси кета қол.

— Кетмайман! Уни ўчираман.

— Овора бўласан, сенга ҳеч ким дарвозани очмайди!

— Ҳеч ким сенга дарвозани очмайди!
— Ундай бўлса мен бошқача иш қиламан! — деди у му-
лойимлик билан, улар томонга ўгирилиб.
— Ҳм! Қанақа ишлигини бир кўрсак бўларди!

— Қанақа ишлигини бир кўрсак бўларди!
— Ут қўяман!
— Нима? — деб ҳайратланди Ко-тин, ўз қулоқларига
шпонмай.
— Ут қўяман!

Орага жимлик чўкди, гўё тор бирдан узилгандек ва шу
билан барча тирик мавжудот қотиб қолгандек бўлди.

Бироқ шу заҳотиёқ бу ердагилар яна бир-бирлари билан
шивирлаша бошладилар, бир оз четга чиқиб, орқага чекин-
дилар, кейин улардан икки-учтаси нарироққа бориб тўхтади.
Ибодагхонанинг орқа дарвозаси олдидаги девор ёнидан
Чжуан Ци-гуаннинг овози эшитилди:

— Лао Хэй! Ҳозирча ҳеч иш чиқмаяпти! Дарвозани
маҳкам беркитиб ол, эшитяпсанми, Лао Хэй! Маҳкам берки-
тиб ол! Биз бориб маслаҳатлашамиз-да, дарров қайтамиз!

Аммо тентак ҳеч нарсага эътибор бермас: унинг ғазаб
билан чақнаётган кўзлари аланглаб ерга боқарди; бу ерда
турган кишиларга гўё у ёнилғи қидираётгандек кўринарди.
Фан-тоу билан Ко-тин бир зумда бир нечта хонадонга кириб
чиқишди, шундан кейин бутун қишлоқ бирданига безовта
бўлиб қолди. Одамларнинг қулоғида: «Ут қўяман» деган
даҳшатли сўз жарангларди.

Қишлоқ аҳолисининг қулоғи тагида жаранглаб юрагига
гулғула солган қанчадан-қанча мишмишлар мана шу даҳ-
шатли сўз олдида ҳеч нарсага арзймай қолди. Ҳаммани ва-
ҳима, ташвиш қуршаб олди. Ҳар бир одам, энди қишлоқ
аҳолисининг ҳаммаси илонбақалиққа айланади, худди шу
лаҳзадан бошлаб бутун Хитой ҳалок бўлади, деб ўйларди.
Цзигуан-тунь қишлоғининг ҳалок бўлиши улар учун бутун
Хитойнинг ҳалок бўлиши билан тенг эди.

Орадан кўп ўтмай, Си-е меҳмонхонасида маслаҳат бир
ерга қўйилди. Бу меҳмонхонанинг тўрида «Қадимий қўғир-
чоқ» лақабли Го деган чол ўтирарди. Унинг ҳиммат-фазил-
латлари ҳам ёши сингари улуг эди; ажин босган юзлари
худди офтобда қуритилган апельсинга ўхшарди. У сийрак
оқ соқолини юлиб олмоқчи бўлгандек ҳар замонда бир чим-
диб қўярди.

— Ҳали тушга яқин, — дея гап бошлади у шошмасдан,
соқолини таталашдан тўхтаб, — кун ботиш томондаги қўш-
ним... Лао Фу... бетоб бўлиб қолди. Унинг ўғли: «Бунинг
сабаби шуки, хонадон тангриси нотинч. Мабодо бир фало-

кат рўй бериб қолгудек бўлса, барча фалокат бизнинг хонадонимизга ёғилади, унда ҳолимизга вой» деди.

Си-е лаққа балиқники сингари узун мўйловларини силаб, гўё ҳеч кимга эътибор бермагандай:

— Сен ҳақсан,— деди хотиржамлик билан.— Бу ҳам ота-сининг касофатига яраша бўляпти! У ҳаётлик вақтида тангрига ишонармиди? Уша вақтда мен у билан аразлашиб юрган эдим, шунинг учун қўлимдан ҳеч иш келмади. Яна нима қил дейсизлар, ахир?

— Менимча, фақат биргина чора бор...— деб гапида давом этди чол ўша оҳангда.— Ҳа... биргина чора бор. Эртага-ёқ қўл-оёғини боғлаб, шаҳарга жўнатиш ва ибодатхонага — шаҳар ҳомийси худосига топшириш керак... У ерда бир кеча қолдириб, кўчириқ қилдириш лозим...

Ко-тин билан Фан-тоу, бутун қишлоқни бизлар ҳимоя қилдик деб донг чиқариш мақсадида, бу бир қарашда кўз илғаб бўлмайдиган улкан меҳмонхонага биринчи бўлиб кириб келдилар ва устига-устига тўрға чиқиб «Қари қўғирчоқ»дан пастроқ, лекин Си-едан юқорироқ ўтириб, чой ича бошладилар. «Қари қўғирчоқ»дан кейинроқ улар узатилган пиёладаги чойни олиб ичдилар-да, индамай ўтирдилар. Ниҳоят Ко-тин гап бошлашга журъат қилди:

— Унда кўп вақт керак бўлади! Одамларга бунинг нимз кизиғи бор? Энг муҳими — ҳозир нима қилиш керак? Бордию, у ростдан ўт қўйиб юборса, унда нима бўлади?

«Қари қўғирчоқ» қўрққанидан бир ирғиб тушди, унинг энгаги пир-пир учарди.

— Рост, агар у чиндан ўт қўйиб юборса, унда нима бўлади?— деди Фан-тоу унинг гапини қувватлаб.

— Унда,— деб қўшиб қўйди Ко-тин баланд овоз билан,— ҳолимизга вой.

Сариқ қиз ҳаммага чой қўйиб берди. Ко-тин индамай пиёлани олиб, чойни хўплади. Бирдан аъзойи-бадани негандир жунжикиб кетди, тилини чиқариб лабларини ялади, кейин пиёладаги чойни пуфлаб совута бошлади.

— Тўғрисини айтганда, у мени тамом ҳолдан тойдирди!— деб Си-е қўли билан астагина столни чертиб қўйди.— Бунақа жияннинг боридан йўғи яхши эди!

— Тўғри, унинг ўлгани маъқул,— деди Ко-тин бошини кўтариб,— Утган йили Ляньгэжуан қишлоғида шунга ўхшаган биттасини уриб ўлдиришди. Ҳамма унга бирдан ёпирилган эди, кейин ким биринчи бошлагани билинмай қолди. Шу билан ҳамма иш босди-босди бўлиб кетди.

— У бутунлай бошқа гап эди, энди шундақа ҳодиса рўй бергундек бўлса,— деди Фан-тоу,— албатта бу ишга ҳоки-

мият аралашади. Ундан кўра, тезроқ бирор чора ўйлаб топиш керак. Энг яхшиси шуки...

«Қари қўғирчоқ» билан Си-е унга тикилиб қолишди.

— Менимча,— деб гапида давом этди Фан-тоу,— уни бир уйга қамаб, устидан қулфлаб қўйиш керак.

— Тўғри, энг яхши чора шу!— деб аста бош ирғаб қўйди Си-е.

— Жуда соз!— деди Ко-тин.

— Ҳа... шу жуда мос келади,— деб қўшилди «Қари қўғирчоқ».— Ҳозир бориб... уни ушлаймиз-да... уйга олиб борамиз. Аввал қамайдиган хона танлаш... кейин... қулф тайёрлаш керак...

— Хона дейсанми?— Си-е хаёлга чўмиб бош кўтарди. Менинг уйимда унга боп хона йўқ. Бунинг устига, унинг қачон тузалишини айтиш ҳам қийин.

— Бўлмаса ўзининг уйга қамаб қўя қоламиз...— деб маслаҳат берди «Қари қўғирчоқ».

— Лю-шунь кузга бориб уйланиши керак...— деди Си-е тўсатдан жиддий ва ғамгин оҳангда.— Қап-катта бўлиб қолди-ку, ҳали ҳам жинниликдан бошқа нарсани билмайди, уйланишни хаёлига ҳам келтирмайди. У ҳаётда бир оз тентаксифатроқ бўлса-да, шундай экан деб садақага аталган пулларни ёндириш ва ота-боболар мозори устида исириқ тутатиш тақиқланмаслиги керак...

— Албатта, бу ўз-ўзидан маълум-ку!— деди учаласи бараварига уч хил оҳангда.

— Шундай экан, Лю-шунь бола-чақали бўлгач, иккинчи ўғлини унинг насл-насабини давом этдирувчи қилиш мумкин-дир, деб ўйлайман. Акс ҳолда бировнинг ўғлини бекордан-бекорга тортиб олиб бўладими?

— Асло бўлмайди!— деб яна бараварига жавоб берди учаласи.

— Бу нураб қолган уй меники эмас, Лю-шунь ҳам у ерда турмайди. Аммо, ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ қариндошимнинг ўғлини бериб юборгани қўрқаман, онаси рози бўлмайди.

— Ҳа, бу табиий-ку!— деб бир овоздан маъқуллади учаласи.

Си-е жим бўлиб қолди. Учаласи бир-бирига қараб қўйишди.

— Шу пайтгача уни тузалиб кетар, деган умидда келдим,— деди Си-е бир оз жимликдан сўнг салмоқланиб.— Лекин у ҳануз тузалмайди. Тузалиш у ёқда турсин, ўзи соғайишни истамайди ҳам. Афтидан уни... қамаб қўйишдан бошқа илож қолмади, ҳали ораларингиздан кимнинг ҳам айтганидек, тағин у бошқаларга касофат етказиб, отасининг руҳи-

ня хафа қилмасин. Эҳтимол, шундан кейин у отасининг ар-
воҳини қувонтирадиган бамаъни ўғил бўлиб қолар.

— Ҳа, бу табший-ку!— деди Ко-тин қувониб.— Лекин хона...

— Ибодатхонада бирор бўш хона йўқми?— деб сўради Си-е дудмаллик билан.

— Бор!— деб сапчиб тушди Ко-тин.— Бор! Дарвозадан кирган заҳоти шундайгина кун ботиш томонда бир бўш хона бор. Унинг битта кичкина деразаси бўлгани билан унга ҳам ёғоч панжара қоқиб қўйилган. Бор кучини ишга солганда ҳам бу панжарани синдиришнинг уддасидан чиқа олмайди. Қойил!

Фан-тоу билан «Қари қўғирчоқ»нинг юзлари бирдан хуш-
нуд бўлиб кетди. Ко-тин нафасини ростлаб олди-да, лабини осилтириб чой ичишга тутинди.

Кечга яқин бутун қишлоқ тинчиб қолди. Ҳаяжон босил-
ди, одамларнинг юзида энди ташвиш аломатлари кўринмас,
лекин аввалги хурсандчиликларидан ҳам асар қолмаган эди.
Ибодатхона олдида одатдагидан кўра кўпроқ одам йиғилган
эди, улар ҳам тезда тарқалиб кетишди. Ибодатхона дарво-
залари бир неча кундан бери берк, болалар бўлса ичкарига
кириша олмасди. Эҳтимол, шунинг учун уларга ибодатхона
ҳовлисида ўйнаш жуда қизиқ туялса керак. Ҳатто кечки
овқатдан кейин ҳам бир неча бола югуриб шу ерга келди.

— Ҳозир бир топишмоқ айтаман,— деди энг каттаси,—
топинглар:

Оқ елканли қизил эшкакли қайиқ
Қирғоққа сузиб келди ва олмоқда дам.
Ширинлик татиб оз-моз,
Бир қўшиқ куйлади соз.

— «Бу қизил эшкакли» нима экан?— деб сўради қизча.

— Мен буни биламан...

— Тўхта, тўхта!— деб унинг сўзини бўлди боши кал бир
бола.— Топдим: бу одам ташийдиган қайиқ.

— Ҳа, тўғри, одам ташийдиган қайиқ,— деб унинг сўзини
маъқуллади енгсиз кўйлак кийган бола.

— Ва-а, одам ташийдиган қайиқ?!— деди каттаси.— Одам
ташийдиган қайиқ қуйруқ томонидаги битта эшкак билан
юради. Ахир у қўшиқ айта олармиди? Йўқ, барибир ҳеч то-
полмайсан, мана ҳозир ўзим айтиб бераман.

— Тўхта, тўхта!— деб яна унинг сўзини бўлди боши кал
бола,

— Ҳалиги, сен тополмайсан. Мен биламан: буми — ғоз.
— Ғоз!— деб кулиб юборди қиз.— Ғозда қизил эшкак
нима қилсин?

— Бўлмаса нега қайиқ оқ елканли бўлади?— деб сўради
енгсиз кўйлак кийган бола.

Шу пайт уларнинг қулоғига:

— Ут қўяман!— деган ваҳимали қичқириқ эшитилди.

Болалар қўрқишиб шу заҳотиёқ жиннини эслашди. Улар
ибодатхона ҳовлисининг ғарб томонидаги ҳужрага қарашган
эди, бир қўли билан панжарани ушлаб, иккинчи қўли билан
панжара тахтасини тортаётган кишини кўриб қолишди.
Унинг кўзлари жовдираб чақнаб турарди.

Орага бир лаҳзагина жимлик чўкди. Боши кал бола бир-
дан қичқириб, орқасига қарамай қоча бошлади. Бошқалари
ҳам чинқиришиб, хохолашиб унинг орқасидан югуришди.
Енгсиз кўйлак кийган бола орқасига яна бир марта қаради,
кейин қамиш сурнайини олчадек қизариб турган лабларига
олиб келди-да, лунжини шишириб: «Пуп!» деган енгилгина
овоз чиқарди.

Ҳамма ёқ жимжит бўлиб қолди. Қош қорайди... Жимирлаб
ёниб турган қандилнинг кўкиш шуъласи ибодатхона садақа-
хонаси ва санам турган тоқчага ёруғ нур сочарди. Шуъла
ҳовлига тушиб, овоз чиққан хонанинг панжарасини ҳам ёри-
тиб турарди.

Болалар югуриб кўчага чиқишгандан кейин тўхташди,
бир-бирларининг қўлларидан ушлаб олиб, шошмасдан уйла-
рига томон жўнашди. Улар кулишиб, ўзлари йўлда тўқиган
ашулаларини бараварига айтиб кетишди:

Оқ елканли бир қайиқ қирғоққа келиб тўхтади...

Мен ҳозир ўчираман, ўчираман ҳозир, ҳа!

Бир соз қўшиқ куйлади:

Ўт қўяман! Ха-ха-ха!

Хо-хо-хо, ширинлик татиб оз-оз,

Бир қўшиқ куйлади, соз.

.
.

1925 йил, 1 март.

С А З О И И

Шаҳар ғарбидаги энг яхши район кўчаларидан бири кун-
нинг айни шу пайтида жимжит эди. Ловиллаб ёнаётган қу-
ёш ҳали тик кўтарилмаган бўлса-да, йўл устидаги қум ярқи-
раб жилваланарди; ҳаво тинкани қуритадиган даражада ис-
сиқ, авжи ёз пайти эди. Итлар тилларини осилтириб дайдиб
юрар, дарахтлардаги қарғалар ҳам оғизларини катта-катта

очиби зўрға нафас оларди. Албатта, бу ҳолдан мустасно кишилар ҳам йўқ эмас эди: йироқдан мис қадаҳларнинг ора-сира бир-бирига урилган товуши эшитилар ва бу товуш кишига қайнатилган нордон олхўри сувини эслатиб, баданини совуққина жимирлатгандек туюларди; лекин бу эринчоқ ва бир оҳангли металл товушлари тинганда, янада чуқурроқ сукунат чўкарди. Фақат тепада ловиллаб турган офтобдан тезроқ қочиби қутулишга интилгандек индамай олға томон югураётган рикшаларнинг оёқ товушигина эшитиларди, холос.

Йўл ёқасидаги дўкон ёнида турган ўн бир-ўн икки ёшлардаги бақалоқ бола, кўзларини қисиб, лабларини буриб:

— Қайноқ манти! Мой чайнайсиз!..— деб қичқирарди. Унинг овози бўғилиб қолган, бу узун ёз куни болани ҳолдан тойдирган эди. Унинг ёнидаги эски, синиб кетган столда йигирма-ўттизтача совиб қолган манти турарди.

— Кепқолинг! Қайноқ мантига!..

Бола зарб билан деворга урилган коптокдек, бирданига кўчанинг нариги бетига чопиб ўтди. Шу пайт рўпарасидаги телеграф столба олдига икки киши келиб тўхтади: уларнинг бири — оч сариқ форма кийиб, қилич таққан полициячи эди; унинг юзлари сариқ, озғин бўлиб, у қўлида арқоннинг бир учини ушлаб турарди, арқоннинг иккинчи учи эса зангори чопони устидан енгсиз оқ кўйлак, кийган ёнидаги кишининг қўлтиғидан ўтказилиб боғланган эди. Бу иккинчи киши бошига янги похол шляпа кийган, шляпанинг соябони пастга осилиб, юз-кўзларига кўланка ташлаб турарди. Бақалоқ бола бўйи пастлик қилиб бошини юқори кўтарган эди, кўзи ўша одамнинг кўзларига тушди. Бу одам худди унинг бошига тикилиб турганга ўхшарди. Бола қўрқиб ундан кўзини олдида, катта-кичик иероглифлар қатор қилиб ёзилган енгсиз оқ кўйлагига қарай бошлади¹.

Бир зумда томошабинлар йиғилиб, ярим давра ҳосил қилдилар. Даврага ялтироқ бош бир чол келиб қўшилгандан кейин очиқ жой яна ҳам оз қолди, бу жойни белигача яланғоч қизил бурун, новча, семиз киши келиб эгаллагач, бутун бир давра ҳосил бўлди.

У семиз киши энига қараб бесўнақай семириб кетган эди, шу сабабли бир ўзи икки кишилик жойни эгаллаб олди, кейин келганларга иккинчи қаторда туриб, олдларидаги одамларнинг бўйинлари орасидан бошларини чўзиб қарашдан бўлак илож қолмади.

Ялтироқ бош чол енгсиз оқ кўйлакли кишининг рўпарасида турарди; у энгашиб олиб унинг орқасидаги ёзувларни

¹ Улимга ҳукм этилганларга енгсиз оқ кўйлак кийдириб, бунга жиноятчининг исми, фамилияси, шунингдек унинг жинояти ёзиларди.

кўздан кечирди ва ниҳоят, ҳижжалаб ўқий бошлади: «С-с-с... сак... саккиз... ва...»

Бақалоқ бола енгсиз оқ кўйлакли кишининг ялтироқ бошга тикилиб қолганини кўриб, у ҳам ўша ёққа қаради, лекин унга сип-силлиқ тақир бош-у, чап қулоқнинг ёнида сақланиб қолган бир тутам кўнғир сочдан бўлак ҳеч нарса кўринмади. Шундан бошқа тикилишга арзигудек ҳеч нарса кўролмади: Шу орада қўлига бола кўтарган бир кекса энага пайт пойлаб туриб, сирғилиб олдинга ўтиб олди. Ялтироқ бош кўрқиб кетди ва дарҳол ёзув ўқишдан тўхтаб қаддини ростлади. Нима ҳам қилсин? Бўлмаса жойидан ажралиб қоларди-да; унга енгсиз оқ кўйлак кийдирилган киши юзининг бир қисми похол шляпа соябони тагидан чиқиб турган бурнининг ярми, оғзи ва чўққидан келган ияги кўриниб турарди.

Яна деворга зарб билан урилган коптокдек, бир мактаб боласи югуриб келди; у қордек оппоқ бўз шапкачасини маҳкам ушлаб олиб тўғри оломон орасига суқилиб кираверди. Тахминан учинчи ё тўртинчи қаторларгача суқилиб киргач, қандайдир каттакон бир нарсага ўзини уриб олди. Бошини кўтариб қараган эди, зангори шим тасмасидан юқориси яланғоч, кенг яғринли одамга кўзи тушди; унинг орқасидан тер оқиб турарди. У бу ердан куч билан иш чиқара олмаслиги ва ўнг томондан айланиб ўтишдан бўлак илож йўқлигига ақли етган ҳам эдики, бахтига оралиқ бир оз очилиб қолди.

Бола шу оралиққа шўнғимоқчи бўлиб шоша-пиша бош эккан эди, қулоғига «нима?» деган сўз эшитилди. Зангори шим кийган одам ўнг томонга сал силжиган эди, оралиқдаги бўш жой беркилди қолди.

Кўп ўтмай ўқувчи бола бир амаллаб полициячининг қилчи олдига бориб олди ва ажабланиб атрофга аланглади: уни бутун бошлиқ оломон ўраб олган, ўртада енгсиз оқ кўйлакли киши, унинг ёнида ярим яланғоч бақалоқ бола, бола-нинг нариги ёнида эса, бурни қип-қизил, белигача яланғоч, каттакон хўппа семиз бир киши турар эди. Шундагина у, йўлини тўсиб турган бояги нарса шу киши эканлигини фаҳмлади ва ажабланиб, ҳатто қандайдир ҳурмат қилгандек, унинг қип-қизил бурнига тикилиб қолди. Бақалоқ бола ўқувчининг юзига кўз тикиб қолди, унинг бу қарашларига бардош бера олмаган ўқувчи тескари қараган эди, аллакимнинг эмчақлари атрофидан неча узун-узун тук ўсиб чиққан, биққидек кўкрагига кўзи тушди.

— Унинг нима айби бор экан?..— деб сўради ялтироқ бош чолдан кўринишдан ишчига ўхшаш соддагина бир киши. Ҳамма унга ажабланиб қаради. Ялтироқ бош ҳеч нарса демай, зарда билан унга хўмрайиб қараб қўйди.

Унинг бу қарашидан ишчи кўзларини ерга тикди; бир оз

муддатден кейин у ҳалиги кишига яна кўз ташлаган эди, ялтироқ бош ҳамон унга ўқрайиб қараб турарди, назарида, бошқалар ҳам унга жаҳл билан тикилаётгандек туюлди. Шундан кейин у худди бирон жиноят қилиб қўйгандек уялиб, аста-секин орқасига тисарилди-да, ниҳоят оломон орасидан сирғилиб чиқиб кетди. Чет эл соябони тутиб олган қандайдир бир давангир шу ондаёқ унинг ўрнини эгаллади; ялтироқ бош яна ўгирилиб енгсиз оқ кўйлакли кишини томошона қила бошлади.

Олдинги қаторда турган новча киши енгсиз оқ кўйлакли кишининг похол шляпа соябони тўсиб турган чехраси қай ҳолатда эканлигини билмоқчи бўлиб энгашди-ю, негадир яна қаддини ростлаб олди. Шу пайт унинг орқасида турган кишилар яна бўйин чўзишга мажбур бўлдилар, ҳатто бир қотма киши ўлган ола-була балиғидек оғзини катта очиб қолган эди.

Тўсатдан полициячи бир оёғини қимирлатиб қолди; ҳамма ҳаяжонланиб, шу заҳоти унинг оёғига қаради; лекин у яна ўз жойида қимирламай турганини кўриб, оломон яна енгсиз оқ кўйлакли кишига тикилди. Бояғи давангир енгсиз оқ кўйлакли кишининг шляпа соябони пана қилиб турган юзини кўриш мақсадида тағин бирдан энгашди, лекин шу ондаёқ қаддини ростлади-да, бир қўли билан жон ҳолатда бош қашлай бошлади.

Ялтироқ бош кишининг кўнгли беҳузур бўлди, чунки анчадан бери орқасида бўлаётган безовталикини сезиб турган эди, ундан кейин шундоққина қулоғининг тагида кимдир кавшанмоқда эди. У, қошларини чимириб, қайрилиб қаради, шунда ўнг томондаги яримта сомса ушлаб, уни худди шу пайтда мушук юзли бир кишининг оғзига тикаётган қоп-қора қўлга кўзи тушди-ю, индамай яна енгсиз оқ кўйлак кийган кишининг похол шляпасини кўздан кечира бошлади.

Қўққисдан шарақлаган товуш эшитилди, ҳатто хўппа семиз киши ҳам ўзини тутиб тўролмай, олдинга силжиб кетди. Худди шу пайт орқасида баҳайбат бир қўл баланд кўтарилди-да, ёйилган беш панжанинг зарби бақалоқ боланинг лунжига тушди.

— Жўнаб қол! Хў, ўша сени...— Шу ондаёқ хўппа семизнинг орқасидан шундай деб сўкинган бир баҳайбат кишининг меҳр-шафқат маъбудасиники сингари семиз юзи кўринди.

Бақалоқ бола тўрт-беш қадам нарига гандираклаб кетди-ю, лекин йиқилмади. У лунжини ушлаганича хўппа семиз кишининг оёқлари ёнидаги очиқ жойдан чиқиб кетиш ниятида энгашди. Семиз киши эса ҳовлиқиб ўз жойига турар экан, сағрини билан очиқ жойни беркитиб қўйди-да:

— Нима?— деб сўради жаҳл билан.

Бақалоқ бола қопқонга тушган сичқондек у ёқдан-бу ёққа типирчилаб, тўсатдан ўқувчига ташланди, уни туртиб юбориб, жуфтакни ростлаб қолди. Ўқувчи унинг кетидан қувиб кетди.

— Вой хумпарлар-эй!— деб юборди беш-олти киши бараварига.

Қайтадан тинчлик чўккандан кейин хўппа семиз киши яна енгсиз оқ кўйлакли кишининг юзига қараган чоғда у, семиз кишининг кўкрагига тик қараб турган эди. У дарҳол ўз кўкрагига қараган эди, кўзи кўкрак оралиғидаги бар томчи терга тушди ва шу ондаёқ уни артиб ташлади.

Бироқ ҳамма ёқ ана шундай типч ва беғалва эмас эди. Бола кўтарган кекса энага атрофига аланглайверганидан сочига қадаб қўйган зағизғон думига ўхшаш «Су-чжоу безаги» ёнида турган рикшанинг қаншарига тегиб кетганини билмай қолди. Рикша чўчиб тушиб ўзини болага уриб олди; бола ўзини четга тортиб, уйга кетаман, деб қичқирганича оломондан ташқарига интилаверди. Кекса энага аввал унинг гапига кириб кетмоқчи бўлди-ю, лекин шу заҳоти тўхтаб, болани енгсиз оқ кўйлакли киши томон қаратди-да, бармоғи билан уни кўрсатиб:

— Анавини қара! Қандай чиройли!..— деди.

Қовоқ уруғига ўхшаш бир нарсани тишлаб олган, дағал похолдан тўқилган шляпа кийган, кўренишдан студент бўлса керак, бир киши оралиқни ёриб кирди. У уруғни шиқиллатиб чақди-да, яна орқага тисарилди. Унинг ўрнини терлаб кетган ва тухумсимон башарасини чанг босган киши эгаллаб олди.

Чет эл соябони тутган давангир киши аччиғлана бошладди-да, елкасини буриб орқасидаги жонсиз балиқдек оғзини очиб қолган кишига хўмрайиб қараб қўйди. Бу ўрадай оғиздан чиқаётган иссиқ нафасдан, ҳар қандай шароитда ҳам, айниқса ёзнинг авжи иссиқ вақтида ўзини муҳафаза қилиш осон эмасди.

Ялтироқ бош калласини кўтариб, гўё қизиқиб қолгандек, телеграф столбасига қоқиб қўйилган қизил тахтадаги тўртта оқ иероглифга қараб турарди.

Хўппа семиз билан полициячи кўз қирларини ташлаб, кекса энага оёғидаги гажак тумшуқ туфлини обдан томоша қилишди.

Бирдан аллақерда бир неча кишининг бараварига:

— Баракалла!— деган қийқириғи эшитилди. Ҳамма ҳам қандайдир бир қизиқроқ янгилик содир бўлганини фаҳмлаб, ўша томонга қаради. Ҳатто полициячи ҳам, арқон билан боғланган жиноятчи ҳам қимирлаб қолишди.

— Қайноқ манти! Қани, кимга...— деб чўзиб-чўзиб қичқирарди, кўчанинг нариги томонидаги бақалоқ бола, мудроқ босгандек қуйи солинган бошини силкитиб; гўё ловиллаб турган жазирама қуёшдан тезроқ яширинишга интилгандек, рикшалар жимгина олға томон югурардилар.

Ҳамманинг ҳафсаласи пир бўлай деб турган пайтда, ҳайриятки, одамлар теваарак-атрофни синчиклаб қараб, ниҳоят ўнтача хонадон нарироқда, йўл устида рикшанинг чет эл араваси тўхтаганини кўриб қолишди: рикша йиқилиб тушган эди, у ўрнидан туриб, лат еган жойини ишқалай бошлади.

Бирпасда давра тарқалиб, бирин-кетин ҳамма ўша томонга қараб жўнаб қолди.

Хўппа семиз киши ярим метр юрар-юрмас, йўл ёқасидаги акация тагида дам олгани тўхтади. Давангир киши ялтироқ бошдан ҳам, тухумсимон башарали кишидан ҳам ўтиб, рикшанинг ёнига келди. Аравада ўтирган киши ҳамон ўрнидан қўзғалмас, рикша эса ўрнидан тургани билан ҳали ҳам тиззасини ишқаларди. Атрофга йиғилган беш-олти киши пиқиллаб кулишиб, уларни кузатишарди.

— Бўлдими?— деб сўради аравадаги киши рикша эндигина аравани тортмоқчи бўлиб турганида.

Рикша фақатгина бош ирғаб қўйди-да, аравани тортиб кетди.

Ҳамма ҳафсаласи пир бўлиб, унинг орқасидан қараб қолаверди.

Олдиниға рикшанинг араваси кўриниб турди-ю, кейин бошқа араваларга аралашиб, кўздан ғойиб бўлди.

Кўчага яна сукунат чўкди; итлар тилларини осилтириб, ҳарсиллаб нафас оларди; акация соясида ўтирган хўппа семиз киши уларнинг тез-тез кўтарилиб тушаётган қорнига маҳлиё бўлиб қолган эди. Бола кўтарган кекса энага каловланиб, шийпон кўланка ташлаб турган жойдан ўтиб кетди. Бақалоқ бола эса бошини қуйи солган ҳолда кўзини бир оз қисиб, мудроқ товуш билан чўзиб-чўзиб қичқирарди:

— Қайноқ манти! Қани, кимга... Кепқолинг... е

1925 йил, 18 март.

МУҲТАРАМ ФИЛОСОФ ГАО

Бугун эрталабдан тушга қадар, у ўзининг жамики бўш вақтини ойнага қараш, «Хитой тарихи дарслиги»ни варақлаш ва «Юань Ляо-фаннинг қўлланмаси»ни титиш билан ўтказди. У тўсатдан шундай кайфиятга тушдики, барча ўқиган

нарсалари уни шу топда қаттиқ ҳаяжонлантирар эди. Демак, «Билимдон бўлдинг — бошингни ҳам билан ташвишга қўйдинг», деб чакки айтмаган эканлар-да. Шу чоққача у ҳеч қачон бундай кайфиятга тушмаган эди.

Аввалига у ота-онам ўз болаларининг тарбияси ҳақида унчалик жон куйдирмаганлар деб ўйлади. Болалигида тутнинг тепасига чиқиб олиб, яширинча тут емоқдан бўлагини ёқтирмас, бўлак эрмаги йўқ эди. Афсуски, бу ҳол унинг ота-онасини қитдай ҳам ташвишлантирмас эди. Бир куни у тутдан йиқилиб тушиб, бошини ёрғанида ҳам ота-онаси, ярани тузатиш тўғрисида ҳамхўрлик қилмадилар. Шундай қилиб, унинг чап қоши устига умрбод қоладиган ямоқ тушди. Ана шу чандиқ туфайли у сочларини ўстириб юрадиган бўлди. Ҳарна бўлса-да, бу чандиқни бировлар кўриб қолмасин деб, у тўғри фарқ очиб, ўсиқ сочларини қошлари устига тушириб юрарди. Қўйингки, бу ямоқ унинг ҳуснига жуда каттакон доғ бўлди. Борди-ю, фалокат босиб, буни гимназисткалар сезиб қолгудай бўлсалар нима бўлади, нақ унга қарамай қўйишади-ку. У ойнани ерга қўйиб енгил хўрсиниб олди.

Шундан кейин, у «Хитой тарихи дарслиги»ни тузишда муаллимларни мутлақо эътиборга олмаганлиги учун тузувчидан хафа бўла бошлади. Дуруст, дарсликнинг баъзи жойлари «Тарихий альманах»га мос тушса-да, лекин бир талай ҳолларда, улар бир-бирларига зид турар эдилар, тафовутлар шу қадар кўп эдики, муаллим буларнинг ҳаммасини бир махражга жамлай олмасди. У дарсликка солиб қўйилган бир бўлак қоғозни кўрар экан, ўзидан олдинги тарих муаллими, яъни ўша курсни ярмида ташлаб кетган гимназистни маънос эсга олди. Қоғозда: «Саккизинчи бобдан» яъни «Шарқий Цзинь сулоласининг равнақи ва ҳалокатидан бошлаш керак» деб ёзиб қўйилган эди.

Агар собиқ тарих муаллими Уч подшоликлар даврини ўқитмаганда эди, дарсга тайёргарлик кўришда у бугунгидек қийналмаган бўлар эди. Яхшиси ўша Уч подшоликлар даврини айтиб бериб қўя қоларди, вассалом. Шу топда унинг хаёли шафтолизорда уч қаҳрамон биродарлик иттифоқини қандай қилиб тузганлари, Чжугэ Лян ёй ўқлари билан таъминлаш чораларини топгани, Чжугэ Лян Чжоу Юйни қандай қилиб уч марта ғазабини қўзғатгани, Динцзюнь тоғида Хуан Чжун Ся Хоу-юанни қандай ўлдиргани воқиалари ва ҳоказолар билан банд эди. Ҳатто мана шу воқиаларнинг ҳаммасини юзаки айтиб чиқиш учун ҳам унга бир семестр камлик қилар эди. У Тан даврида Цинь Цюнь ўзининг қаҳрамон отини сотиши воқиясини яхши билар эди, Худди атайлаб қилгандай унга

Шарқий Цзянь сулоласидап бошлашга тўғри келганлигини айтмайсизми. У жаҳл билан бир нимани пўнғиллади-да, «Тарихий альманах»ни ўзига яқин тортди.

— Ана холос, қизларни узоқдан томоша қилганинг етмагандай энди нақ гулзорнинг ичига кириб олмоқчи бўляпсанми?

Биров унинг елкасидан қўлини ўтказиб, бақбақасини қимтиса ҳам у миқ этмай ўтирарди. Товуши ва қилиғидан бу киши унинг эски ошнаси ва яқин улфати Хуан-Сань эканлигини пайқади. Бундан бир ҳафтагина олдин улар биргаликда мацзян ўйнашга театрларга борган, кайф аралаш қизларнинг кетидан эргашиб юрган эдилар. «Юқори табақа қизлари» гимназиясига тарих фанидан дарс бериш учун таклиф қилинишига сабабчи бўлган «Ватан тарихини тузатиш — Хитой граждaнларининг бурчидир» деган мақоласи «Дачжун жибао» газетасида босилиб чиққан кундан буён у Хуан-санни назар-писанд қилмай қўйди ва уни паст киши деб ҳис эта бошлади. Бу мақола баъзи бир адабиётчиларга ҳам маъқул тушган эди.

— Бекорга вайсама. Мен дарсга тайёрланяпман...

— Лао-бо, фақат гимназисткаларни томоша қилиб юриш учун муаллим бўлмоқчиман деган сен эмасмидинг?

— Сен унинг бекорчи вайсашига ишонаверма-да.

Хуан-сань столга яқин ўтирар экан, ойна билан бир тўда китоблар ўртасида турган қизил қоғозга ёзилган таклифномани кўриб қолди. У қоғозни шартта олди-да, кўзларини катта-катта очиб, ундаги ҳар битта сўзни суқланиш билан ўқий бошлади.

«Муҳтарам философ Гао Эр-чуни гимназиямизнинг тарих фани муаллимлиги вазифасига ҳурмат билан таклиф этамиз, ҳафтасига тўрт соат дарс ажратилади. Ўтказилган дарсларнинг миқдорига қараб, ҳар бир соат учун кумуш юан ҳисобидан ўттиз маодан ҳақ тўланади.

Лутфан қилган таклифимизга комилона ишонч ҳосил қилишингизни истаб:

Хотин-қизлар гимназиясининг директори Хе Вань-шу.

Хитой республикасининг 13 йиллиги

9-ойи, 3-куни.

— Муҳтарам философ Гао Эр-чу? Бу ким ўзи? Еки сен ўзингмисан? Отингни ўзгартирдингми, нима бало?— деб сўради Хуансан сабри чидамай.

Гао такаббуруна илжайиб қўйди, холос. У чиндан ҳам отини ўзгартирган эди. Лекин бу ҳақда, фақат мацзян ўйнашигина билган, ҳанузгача на бир янги фан ва на бир янги санъат билан қизиққан, Хуан-сань билан гаплашиб ўтиришни ўйла-

маган эди ҳам. Улуғ рус ёзувчиси Гаоэрцзи* тўғрисида ҳеч нарса билмаган киши ўзгартириш билан боғлиқ бўлган каттакон ишнинг маъносига қаяқдан етсин? Гао Эр-чу яна такаббурона илжайди-да, чурқ этмай ўтираверди.

— Хай, Гань! У ёқ-бу ёғинга қараб иш қилсанг-чи. Бу нима қилганинг. Уйлаган ўйингдан дарров қайт!— деди Хуан-сань таклифномани столга қўя туриб. — Биргина ўша эрлар гимназиясининг борлиги етмасмиди. Битта шунинг ўзи ҳам барча урф-одатларимизнинг оёқ ости қилинишига сабаб бўлди. Энди бир камимиз хотин-қизлар гимназиясини очиш қолувдими! Бунинг оқибати нима бўлади-ю, нима қўяди! Буни тасаввур қилиш қийин. Ўзингни чалғитиб нима қиласан! Қилаётган ишнинг овора бўлганингга арзимайдими..

— Наҳотки, сен айтгандек бўлиб қўя қолса. Бундан ташқари Хэ хоним мендан ўтиниб илтимос қиляпти, мен унинг илтимосига йўқ дея олмайман,— деди Гао жаҳли чиқиб ва шу билан бирга сабри чидамасдан. Бунга сабаб биринчидан, Хуан-саннинг мактабларга ҳамла қилиши бўлса, иккинчидан соатга қараб дарров икки ярим бўлиб қолганини пайқагани ва дарснинг бошланишига фақат ярим соатгина вақт қолганлиги эди.

— Бўпти! Бу ҳақда бошқа гапирмаймиз,— Хуан-сань гапни бўлак ёққа бурди.— Кел бўлмаса, жиддийроқ нарсалар тўғрисида гаплашайлик,— деб давом қилди у.— Бугун кечқурун бизникига келасан. Қизиқ бир ҳангома қилмоқчимиз. Биласанми нима, Маоцзя қишлоғидан Мао Цзи-фунинг катта ўғли келибди. У бу ерга авлиё. Янги гўр қазишга жой танлаш вазифасини топширишга келган. Унинг ёнида икки юз юан кумуш пули бор. У билан бугун кечқурун қимор ўйнашга келишиб қўйдик. Уйновчилар: мен, Лао-бо ва сен бўламиз, холос. Албатта, келгин, хўпми? Темирни қизигида босиб қол. Учаламиз бир бўламиз-да, уни роса адабини берамиз.

Лао-гань, яъни муҳтарам философ Гао ҳам бир нималар деб гулдурлади.

— Бизникига келишни эсингдан чиқариб қўйма. Ҳозир бериб Лао-бо билан ҳам гаплашиб қўяман. Ҳар кунгидек меникида йиғиламиз. Бу нодон бачча инидан эндигина учирма қилинган. Биз уни албатта, роса шип-шийдам қилиб жўнатамиз. Дарвоқе, маоцзянингги менга бериб қўй, сеники янги гироқ.

* Философ Гао ўз донишмандлигини кўрсатиш мақсадида улуғ рус ёзувчиси Горькийга бўлган ҳурмати туфайли ўзи учун Гао Эр-чу деб ном танлади. Хитойчада Гаоэрцзи Горький сўзининг маъносини билдиради. Бу отларнинг ҳар иккала охириги бўғини (Чу ва Цзи) хитой иероглифларининг синоними бўлиб, чу — пойдевор, цзи — базис демакдир.

Муҳтарам философ столдан оҳиста туриб, каравотининг бош томонига борди ва у ердан мацзян солинган қутини олиб, Хуан-санга узатди. Соатга қараса, вақт йигирма минути кам уч бўлибди. «Қандай бўлмасин, Хуан-сань яхши одам,— дилдан ўтказди у,— лекин ўқитувчи бўлганилигимни била кўра туриб, менинг олдимда мактабни ҳақорат қилиши ва дарсларга тайёрланаётганимда менга халақит бериши одобдан эмас».

— Майли, бу ҳақда кечқурун тагин гаплашамиз, энди ишга боришим керак,— деди у совуққина.

У «Тарихий альманах»га маъюс боқар экан, дарсликни олиб, уни яп-янги портфелига жойлади ва янги шляпасини кийди-да, Хуан-сань билан бирга уйдан чиқди. Гао Эр-чу кўчадан тез юриб борар экан, унинг елкаси дурадгорнинг пармасидек дам кўтарилиб, дам пасайиб борарди. Дам ўтмай у Хуан-саннинг кўзидан ғойиб бўлди.

Муҳтарам Гао гимназия биносига кириб, ўзининг яқиндагина босмадан чиққан визит карточкасини букчайиб қолган дарвозабонга узатди. Бир оздан кейин уни киришга таклиф қилишди. Гао дарвозабон кетидан борар экан, кирдор бўйлаб икки марта бурилгач, айти замонда қабулхона сифатида фойдаланилувчи муаллимлар бўлимига етиб келди. Гимназия директори ҳам етиб келди. Уни оппоқ соқолли илмий бўлим мудирини, машҳур Вань Яо-фу кутиб олди. Вань Яо-фунинг «Жавоҳирлар султони, мулозимларнинг мулозими мушки анбарлар хўжаси», деган лақаби ҳам бор эди.

Унинг ўлмас парилар бўлмиш саховатли хотин-қизларга бағишлаб ёзган шеърлари кунини кечагина «Дачжун-жибао» газетасида босилиб чиққан эди.

— Э, хуш келибдилар муҳтарам философ Гао! Кўпдан бери ўзлари билан танишмоқни орзу қилиб юрар эдим.

Вань Яо-фу уни табриклар экан, иккала қўлини кўкракига қўйиб, беш-олти марта таъзим қилди. Шу билан бирга жойига чўккалаб ўтирмоқчи бўлди.

— Ҳурматли Вань! Мен ҳам ўзлари билан танишмоқни орзу қилиб юрган эдим!— деди муҳтарам философ ва унга жавобан портфелни қўлтиғига қисганича худди ўшандоқ тақаллуф билан таъзим қилди.

Улар бир-бирларини иззат-ҳурмат қилиб чўкка тушишди. Скелетга ўхшаган новча хизматкор чой ўрнига икки пиёла қайноқ сув келтириб қўйди. Муҳтарам Гао осма соатга қаради. Вақт эндигина йигирма минути кам уч бўлган эди.

— Сизнинг буюк асарингиз, муҳтарам философ Гао, ҳалиги... оти нимаиди... а ҳа, ўша — «Ватан тарихини тузатиш...» тўғрисидаги машҳур асарингиз ҳақида қанча гапирсак ҳам оз. Гапирган сари, гапиргинг келади. Уни қанча ўқисанг,

шунча ўқигинг келади, яна қандай денг, ҳамиша зўр иштиёқ билан ўқийсан, киши... Бу зотан ёш кишилар учун намуна бўларли бир иш... Менинг ўзим ҳам садағангиз кетай, адабиётни астойдил севаман. Лекин бу ишга унчалик уқувим йўқ. Уни-бунни эрмакка ёзиб тураман. Лекин икки дунёда ҳам ўзимни сиз билан тенг қўёлмайман, жаноб Гао!— У яна қўлларини кўксига қўйиб, бир неча марта таъзим қилди, сўнгра овозини пасайтириб, давом қилди:— Бу ёқларда, биз томонларда, ҳар куни сахофатли маъбуданинг буюк ҳимматлари қаршисида ибодат бўлиб туради. Бунда каминангиз ҳам тез-тез иштирок этиб турадилар. Балки, келгусида ўзлари ҳам бунга мушарраф бўлурлар... Биз маъбуда билан суҳбатлашиб турамиз. Унинг жавобларидан шу нарсани англаса бўладики, у ердаги нарсаларни ҳавас қилганлиги сабабли осмондан қувиб юборилган. У машҳур кишилар билан гурунглашишни жуда яхши кўради ва янги оқимларга хайрихоҳлик билан қарайди. Мана сизга ўхшаган, олимларга-чи, муҳтарам философ Гао, у жон-дили билан илтифот кўрсатади. Ҳа-ҳа-ҳа-ҳа!— кулди у.

Муҳтарам Гао ўз суҳбатдошининг сафсаталарини тинглашга кўпам орзуманд эмас эди. «Шарқий Цзинь сулоласининг равнақи ва ҳалокати» тарихига оид озгина маълумот ҳам шу топда унинг хаёлидан кўтарилган эди. Уни ваҳима боса бошлади.

У шулар ҳақида ўйлар эди: «Лекция ўқиётганда ўзни жиддий тутиш лозим; манглайдаги ямоқни кўрсатмасликка ҳаракат қилиш керак; дарсликни ўқиётганда шошмаслик керак, қизларга қаттиқ туриш, шу билан бирга уларга хайрихоҳ бўлиш ҳам лозим...»

Вань Яо-фу давом этиб айтаётган сўзлар унинг қулоғига онда-сонда кириб қоларди.

— ...унга сув ёнғоғи келтиришди... У маст ҳолатда Цинь-луань деган сеҳрли ажойиб қушга миниб олиб, мовий осмонга кўтарилди... Бу жуда ҳам соз... Мен бундан кўра ҳам ажойиботроқ нарсани билмайман... Жаноб Дэн маъбудага беш марта ибодат билан мурожаат қилган. У ана шундан кейингина мукофотланган. Ҳар бир сатрида бештадан иероглиф катталигидаги станслар¹ билан... «Қирмизи енги билан Со-мон йўлини елпиди...» «инжулар маъбудаси, дейдиларки...» Биз томонларга биринчи марта келишингиз... у... анави-чи мактабимизнинг ботаника бурчаги.

— Шундоқ денг!— жавоб қилди муҳтарам философ Гао ўзидаги пала-партиш фикрлардан қутулиш ниятида. У суҳбатдоши қўлларини чўзиб дераза ортидаги алланималарни

¹ Тугад маъноли шеър.

кўрсатаётганини сезд. Уша ёққа қараган эди, беш олтига дарахтли бир ҳовлини ва ундан нарида томлари текис ёпилган бир уйни кўрди.

— Мана бизнинг синфларимиз,— давом қилди Вань Яо-фу қўли билан кўрсатиб.

— Шундоқ денг!

— Бизнинг талабаларимиз жуда одобли қизлар. Дарсдан ташқари вақтларда нуқул тикиш ва қўл ҳунари билан шуғулланадилар.

— Шундоқ денг!— Яна хаёл паришонлик билан деди муҳтарам философ Гао.

Гао, Вань Яо-фу мана ҳозир гапдан тўхтар ва у наридан бери бўлса ҳам «Шарқий Цзинь сулоласининг равнақи ва ҳалокати» тарихига онд баъзи бир маълумотни эсга олиш имкониятига эга бўларман деган умидда эди.

— Қизларимиз орасида, афсуски, шеър ёзишни ҳавас қиладиганлари ҳам бор. Бу истисно қилинадиган иш, албатта. Ислоҳотлар наф келтирадилар-а, лекин ҳамма, қизларнинг ҳам шеър ёзишига йўл қўйиб бўлмайди. Хотин-қизларнинг саводхон бўлишларини маъбуданинг ўзи ҳам кўпам мақбул кўравермайди. У, бу нарса кўпдан буён яшаб келаётган урф-одатни бузади, эр билан хотин ўртасидаги табиий муносабатларни поймол қилади, деб ҳисоблайди. Маъбуда осмон хотин-қизларнинг саводхон бўлишларини рағбатлантира олмайди, деб ўйлайди. Биз бу ҳақда унинг билан анчагина гаплашиб олганмиз.

Муҳтарам философ Гао тўсатдан столдан сапчиб туриб кетди. У қўнғироқ овозини эшитган эди.

— Йўқ-йўқ! Ҳали ўтира туринг. Бу дарсдан чиқишга чалинган қўнғироқ.

— Ҳурматли Вань назаримда, сиз жуда бандга ўхшайсиз. Менга эътибор бермаслигингизни сўрар эдим...

— Йўқ-йўқ! Асти ташвиш қилманг! Ҳозир бутунлай бўшман. Дарвоқе, мен хотин-қизларнинг саводхон бўлишлари замонамизнинг руҳига ва жаҳондаги барча тараққийпарвар манфаатларга мос келади деб ўйлайман Аммо-лекин, бу соҳада қиттак хатога йўл қўйиш, мутлақо кутилмаган оқибатларга сабаб бўлиши ҳам мумкин. Балким, «Худога мақбул эмас» деган сўзларнинг тагида ҳам бу ишда эҳтиёткорликнинг бутун чораларини қўлланиш лозим деган маъно ётгандир. Зиммаларига мана шундай ишлар юклатилган кишилар чекланиб қўйилмасликлари лозим. Бундай кишилар, мен сизга айтсам, кечаю кундуз омма орасида яшашни, миллий шавкатимизни юксалтиришдан иборат сўнги мақсадимиз сари интилишлари керак. Мана шунда ҳеч қанақа фалокат юз бермайди. Нима дедингиз, мулоҳазаларим тўғрими? Менинг бу

фйкрларимни ҳатто маъбуданинг ўзи ҳам диққатга сазовор фйкрлар деб ҳисоблайди. Ҳа-ҳа-ҳа-ҳа,— Вань Яо-фу яна кулди.

Мактаб хизматкори уларга яна бир пиёладан қайноқ сув қуйганда қўнғироқ чалинган эди. Вань Яо-фу ўз суҳботдошининг қайноқ сувдан икки қултумгина бўлса ҳам ютишини илтимос қилди, кейин жойидан оҳиста туриб муҳтарам философ Гаони ботаника бўлими орқали синфга бошлаб борди.

Гаонинг юраги тезроқ ура бошлади. У кафедра олдида таёқдек донг қотиб турар ва олдинда бир тўда пахмоқ бошлардан бўлак ҳеч нарсани кўрмас эди. Вань Яо-фу халатининг кенг энгидан бир варақ почта қоғозини чиқариб уни ёйди-да, дам-бадам қоғозга кўз ташлаб муҳтарам Гаога гапира бошлади.

— Мана бу киши янги муаллимингиз Гао бўладилар, тўлиқ номлари Гао Эр-чу. Бу киши отоқли олимдир. Бу кишининг «Ватан тарихини тузатиш — Хитой граждaнларининг бурчидир» деган мақоласи билан ҳаммангиз танишиб чиққансиз, албатта. Муҳтарам философ Гаонинг улуғ рус ёзувчиси Гаоэрцзини ниҳоятда қадрлаши тўғрисида «Дачжун жибао» газетаси хабар берган эди. Шу сабабдан ўша ёзувчига бўлган ҳурматини ва унинг билан маънавий ҳамжиҳатлигини кўрсатмоқ учун жаноб муаллим Гао ўзига Эр-чу деган номни танлаган. Жаноб Гао Эр-чу номининг матбуотда пайдо бўлишини Хитой адабиёти учун буюк бахт деб биламиз. Жаноб Гао гимназиямизнинг бошлиғи Хэ хонимнинг лутфан қилган илтимосларини рад қилмади ва сизларга тарих фанидан дарс беришдек машаққатли ишга бел боғлади.

Муҳтарам философ Гао ўзини ёлғиз ҳис эта бошлади: жаноб Вань Яо-фу синфдан чиқиб кетган эди. У бўлса кафедра олдида ҳамон таёқдек қотганича турар эди. Нима ҳам қиласан, дарсни бошлаш керак! У таъзим қилди-да, кафедрага кўтарила бошлади. Нафасини энди ростлаб, жиддий ва салобатли бўлиш ҳақида олдиндан ўйлаган ўйлари эсига тўшар экан, китобни оҳиста очиб «Шарқий Цзинь сулоласининг равнақи ва ҳалокати» тўғрисида гапира бошлади.

Тўсатдан унга бировнинг «пиқ-пиқ» кулаётгани эшитилган эди, муҳтарам философни тер босиб кетди. У китобга тикилар экан, унда нимаики ёзилган бўлса, шуни тушунтираётганлигига ишонч ҳосил қилди. Гап нақ ўша «Шарқий Цзинь сулоласи давридаги ҳокимиятни танлаш» ҳақида борар эди: у кўз қири билан гимназисткаларга қараган эди, кўзига тағин ўша ғимир-ғимир қилаётган бир тўда бошлар кўринди. Лекин ташвишлантирадиган ҳеч бир нарса йўқ эди. Унинг назарида биров кулаётгандек бўлиб туюлган экан-да, деган қарорга келиб, лекцияни давом этдираверди. Даставвал у дарслик юза-

сидан гапирган гапларига диққат қилди. Бу пайт унинг мийсидаги бор нарсалар аралашиб кетиб, нима деяётганлигини ўзи ҳам тушунмасди. У дудуқланар, мавзулар эса аралашқуралаш бўлиб кетарди. Лашкарбоши Ши Лэнинг улуғвор планлари ҳақида гапириб турувдики, бировнинг кулиб юборганлигини энди барала эшитди.

Ана шу пайт Эр-чу беихтиёр талабаларга боқар экан, мутлақо ўзга манзарани кўрди. Эндиликда бутун синф кўзларга ва ўрталаридан бурунчалар туртиб чиққан кичкинтой уч бурчак юзларга тўлиб кетган эди. Буларнинг ҳаммаси бир-бирига қўшилиб, мавж урган бепоён денгизни эслатарди. Ана шу бепоён денгизда товланиб турган нур унинг кўзларини қамаштира бошлади. Сўнгра бир зумдаёқ бу манзара олдинги манзара билан алмашиб, бутун синф тағин ўша бир қанча пахмоқ сочлилар билан тўлиб кўринди.

У синфдан кўзини узар экан, шундан кейин кўзини китобдан асти узмасликка қарор берди. Лекин бу кўпга чўзилмади. Китобдан бўлак жойга қарашга мажбур бўлганда эса, шифтга тикилар эди. Шифт оқ-сарғиш тусда бўлиб, ўртасида нақшин доира бор эди. Кўзи шу доирага тушар экан, у гоҳ кенгайиб, гоҳ торайиб айланаётгандек бўларди. Энди унинг кўзларини қоронғилик босди. «Борди-ю, тўғрига қарасам, мени ҳалиги даҳшатли кўз-бурунлар еб қўяди,— деб ўйлади у.— Яхшиси китобга қараб қўя қолай». У шунисини маъқул кўрди. Уни ваҳима босиб, адашиб кетди ва қайтадан Фэшуй дарёсида бўлган жанглардан гапира бошлади. Ана шу воқиядан кейин, жангда дабдаласи чиқиб кетган лашкарбоши Фу Цзяннинг кўзига кўкат ва дарахтлар ҳам ёв бўлиб кўринганлигини гапириши керак эди.

Муҳтарам философ Гао жуда кўп қизларнинг оҳиста-оҳиста кулаётганлигига эндиликда шубҳа қилмас эди. Лекин қанчалик оғир бўлмасин бардош беришга, қанчалик мушкул бўлмасин гапни давом этдиришга аҳд қилди. Назарида анчагина нарсани ўқиб қўйгандай бўлди-ю, лекин ҳамон қўнғироқдан дарак йўқ эди. Борди-ю, қизлар сезиб қолсалар бадтарроқ кулишади, деб соатга қарашга юраги бетламас эди. У Тоба князлигининг тез суръатлар билан юксалганлигини ўқиб чиқди. Шундан кейин «Олтин давлатнинг ривожланиши ва емирилиши»га доир жадвал келар эди. У бунга тайёрланмаган эди. Шу сабабли бу ҳақда гапирмоқ фойдасиз эканлигини англади.

У ноиложликдан бирпас жим туриб қолди, кейин тўсатдан:

— Сиз билан биринчи марта учрашганлигимиз сабабли, шунинг билан дарсни тамомлашга рухсат бергайсизлар... — деди.

У бошини силкитиб қўйди-да, кафедрадан тушиб, синфдан чиқиб кетди. «Ҳа-ҳа-ҳа!..»

Ҳозиргина кўзига кўриниб турган бурунлар эндиликда унинг орқасидан «қаҳ-қаҳ» ураётгандек туюларди. У ботаника бўлми орқали муаллимлар хонасига, мастлар сингари гандираклаб бораётган эди, тўсатдан бошига алланиманинг қаттиқ текканини сизди. Бу ҳол уни чўчитиб қўлидан тарих дарслигини тушириб юборди. У бир-икки қадам кетига тисарилаб олдига қараган эди, барглари ҳамон силкиниб турган эгри дарахтнинг шохини кўрди. У китобни олай деб энгашганда ерга қоқиб қўйилган тахтачага кўзи тушди. Тахтачада: «Тут дарахти. Тутчилик бўлими» деб ёзиб қийилган эди.

Қизларнинг қийқириқлари муҳтарам философ Гаога ҳамон эшитилиб турар эди. Бошининг чақа бўлган жойи оғриси ҳам бу ерни ушлашни ўзига эп билмасди. Ҳозир у фақат биргина нарса, у ҳам бўлса тезроқ муаллимлар хонасига етиб олишни истарди.

Муаллимлар хонасида, аввалгидек, икки пиёла сув турарди. Лекин ҳалиги склетга ўхшаган қотма мактаб хизматкори йўқ эди. Жаноб Вань Яо-фу ҳам қаёққадир чиқиб кетган эди. Ярим қоронғи хонада унинг портфели ва шлянасигина ялтираб кўринарди, холос. Осма соат йигирма минути кам тўртга борган эди.

Муҳтарам философ Гао уйга қайтгандан кейин ҳам хийла вақтгача ўзига кела олмади, ўзини сира босиб ололмади. Ниҳоят у, ростдан ҳам мактаблар ахлоқни бузаркан, яхши-си уларни тамомила ёпиб қўйиш керак, деган хулосага келди. Хусусан хотин-қизлар мактабини ёпиш керак. Улардан нима фойда? Қуруқ совлатидан бошқа нарсами йўқ.

«Ҳа-ҳа...» овозли кулги унинг қулоғида ҳамон жаранглаб турарди. Бу ҳол уни тагин ҳам асабийлаштирар экан, муаллимчиликдан бўшаш ҳақидаги қарорини тобора кучайтирарди. Оёғида касаллик борлиги сабабли муаллимликни ташлашга мажбур бўлганлигини баён этиб, бугун кечқуруноқ гимназия бошлиғи Хэ хоним номига хат ёзади, албатта. Борди-ю уни бўшатмасалар-чи, унда на чора? Йўқ, йўқ, у энди зинҳор, у ёқларга бормайди. Хотин-қизлар мактаби қандай натижага олиб келиши ҳали номаълум. Бунақа бетайин ишга аралашиб эсини ебдими? Муҳтарам Гао шу ўйларга борар экан, «Тарихий альманах»ни бир ёққа, ойнани иккинчи ёққа зарб билан суриб қўйди.

У Хэ хонимнинг таклиф қоғозини тахлади. Эндигина ўтирмоқчи бўлган эди, нима учундир таклифнома ёзилган қоғознинг қизиллиги унинг жиғига тегаётгандек туюлди. У таклифнома билан тарих дарслигини тортмага солиб қўйди.

Энди ҳамма нарса жойида. Столда ойнадан бошқа ҳеч нарса қолмаганидан кўз қараб чарчамас эди. У гўё жониний бир бурдасидан ажралгандай, ҳамон ўзига келмаганди. Лекин муҳтарам Гао бунинг сабабини дарҳол тушунди. У қизил бандли фетр шляпасини кийди-да, тўппа-тўғри Хуан-санни кига равона бўлди.

— Муҳтарам философ Гао Эр-чу келдилар!— барала деди Лао-бо.

— Кўл вайсама,— деди Гао қошларини чимириб ва Лао-бонинг бошига бир туширди.

— Хўш, дарсларни қандай ўтказдингиз, яхшими? Жанончалардан бор эканми?— деб Хуан-сань унга саволлар ёғдира бешлади.

— Бундан буён муаллимчиликни йиғиштириб қўймоқчиман. Бу хотин-қизлар гимназиясидан бир иш чиқишига ақлим етмайди. Шу сабабдан бизга ўхшаш — Улуғ кишилар бунақа ишларга ўзимизни уринтирмай қўя қолайлик.

Уйга Масонинг катта ўғли кириб келди. У йўғон ва семизлигидан канага ўхшарди.

— Эҳ-ҳа, қачонлардан буён танишмоқни орзу қилиб юрдим.

Хонада табрик овсзлари авжига чиқиб, чўққайиб ўтиришлар билан сертакаллуф таъзимлар бошланиб кетди.

— Таништирмоққа ижозат бергайсизлар. Мана бу киши кеча сизга айтганим жаноб Гао Ганьтин,— деди Лао-бо Маонинг катта ўғлига муҳтарам философ Гаони таништирар экан.

— Эҳ-ҳа, шундоқми, бу киши билан жон-дилим билан танишаман,— деди Мао ва қўлларини кўксига қўйиб, муҳтарам философ Гасга бир неча бор таъзим қилди.

Уйнинг чап бурчагида тўрт бурчак стол турар эди. Хуан-сань қўл ишоралари билан меҳмонларни табриклар экан, хизматкор аёл билан креслоларни жой-жойига қўйиб, ютуқларни санаш учун фишкаларни ҳозирлай бешлади. Столнинг тўртала бурчагига ингичка мум шам ёқиб қўйилди. Шу зайлда тўртала ўйинчи ҳам жой-жойини эгаллади.

Улар чурқ этмасдан ўйнар эдилар, фақат сандал дарахтидан кизил столга суяк доначаларнинг тақиллаб урилганлиги эшитиларди, холос. Жуда эрта бошланган тун сукуна-тида шу тақиллашнинг ўзи ҳам қаттиқ эшитиларди.

Муҳтарам Гаонинг кайфи дурустлашди. Лекин ҳали ҳам юрагида аллақандай бесаранжомлик ҳоким эди. Унинг хотираси эса бошқаларникидан яхши эмас эди. Аммо ижтимоий урф-одатларнинг аҳволи ҳақидаги ташвиш уни ҳамон ми-жиклаб турар эди. Унинг олдидаги фишкалар уюми ортиб бораётган бўлса-да, кўнгли очилмас ва хурсанд бўлмасди,

Замонлар ўзгариб, бу каби урф-одатлар ҳам ўзгарар ва шунда, эртами ё кеч, бу одатлар муқаррар, яхшиликка томон ўзгарганлигини ҳис этасан, киши. Вақт ярим кечадан оғган эди. Иккинчи ўйин ҳам тугай деб қолган ва бу пайт ўйинда ютишдан далолат берувчи кузир доначалар Гаонинг олдига йиғилган эди.

1925 йил, 1 май.

МАРХУМАНИНГ ТАЪЗИЯСИ

Цзюань-шэньнинг хотиралари

Агар қўлимдан келса, қайғу-ҳасратларим ва пушаймонларимни Цзи-цзюннинг ҳурмати ва хотираси учун, ўзим учун ёзган бўлардим.

Ҳамшаҳарлар ўзаро ёрдам уюшмасининг¹ нураган хароба уйчаси жимжит, ҳувиллаб қолган. Вақт эса жуда тез ўтмоқда. Мана энди Цзи-цзюнни севиб қолганимга, унинг ғурбатхонадан қутулиб чиқишига кўмаклашганимга ҳам роса бир йил бўлади. Аммо кейинчалик бошимизга кўп мусибат тушди. Аксига мен ўша деразаси синиқ ҳувиллаган уйга яна қайтиб келдим. Дераза ёнида қурий бошлаган бир туп акация билан эски печак гул, ойна олдида ҳали ҳам ўша чор қирра стол турибди. Нураган девор ҳам ўша, унинг ёнида турган чорпоя ҳам ўша. Ярим кечада шу чорпояда ёлғиз ётиб ўйга толаман. Ана шу ўтган бир йил гўё ҳаётимдан ўчириб ташлангандай туюлади, гўё мен бу ердан ҳеч ёққа кўчмагандай, Цзичжаода жон-дилим билан орзу қилган кичкина оилавий ҳаётини кўрмагандай бўламан.

Бундан бир йилгина муқаддам бу ёлғизлик ва юрак сиқилишлари бошқача туюларди, у маҳалда юракда орзу-умид бор эди, Цзи-цзюннинг келишини кутардим. Узоқ интизорликдан сўнг, ғишт йўлакдан енгилгина оёқ товушларини эшитиб қолган чоғимда, қандай ҳаяжон билан ўрнимдан ирғиб турардим! Мана унинг бўзарган кулча юзлари, юзидаги ёқимли кулдиргичи, ориққина оппоқ қўллари. У йўл-йўл каноп кофта ва қора юбкада кўз олдимда пайдо бўларди, Цзи-цзюнь дераза ёнидаги қурий бошлаган акациянинг яшил япроғини олиб келиб менга кўрсатарди: унинг бир қўлида япроқ, биттасида оч бинафша ранг печак гул бўларди.

¹ Бундай уюшмалар катта шаҳарларда бўлар эди. Улар бир вилоятнинг ҳамшаҳарларини бирлаштиради. (Ред.)

Энди-чи? Энди яна эскича жимжитлик. Ҳамма ёқ ҳувиллаб ётибди. Цзи-цзюнь энди келмайди. Ҳеч қачон келмайди, ҳеч қачон!

Бу хароба кулбада Цзи-цзюнь йўқ маҳалида кўзимга ҳеч нарса кўринмайди, ўтиришга жой ҳам тополмай қоламан. Таваккалига бирон китобни оламан, у илмий китобми, адабий китобми — барибир, менинг учун ҳеч қандай фарқи йўқ—ўқий бошлайман. Бир вақт ҳушимга келиб қарасам, ўн-беш бет ўқиб қўйган бўламан, лекин нима ўқиганимни ўзим ҳам билмайман. Қулогим кўчада бўлади, дарвоза томондан сергак қулоқларимга гўё Цзи-цзюннинг оёқ шарпаси эшитилади. Ана у оҳиста яқинлашмоқда, яхши эшитаётирман. Аммо, афсус... оёқ товуши узоқлашади, бегона оёқлар шарпаси орасида фарқ бўлиб кетади.

Ҳовли қоровулининг ўғлини тагига мато қопланган кавуш кийиб юргани учун ҳам ёқтирмайман. Унинг қадам ташлаши Цзи-цзюнь қадамларига сира ўхшамайди. Қўшни ҳовлида турувчи, юзига қалин қилиб ёғупа чаплаган манжалақини ҳам ўлгудай ёмон кўраман. У янги чарм туфли кийиб олиб санқиб юргани-юрган. Унинг оёқ товушлари Цзи-цзюнникига ўхшарди.

Эҳтимол, Цзи-Цзюнни рикша уриб юборгандир, ё трамвай тагида қолиб кетдимикин?

Ҳозироқ шапкални кийиб унинг амакисиникига чопиб боргим келади. Аммо илгари шундай қилганимда, у мени бир неча марта койиб берган.

Мана, ниҳоят, унинг оёқ товушлари келяпти. У тобора уйга яқинлашмоқда. Мен чопиб чиқиб уни қарши оламан. У осилиб турган бир тўда печак гулни тагидан ҳам ўтиб мен томон келади. Мана унинг мулойим кулиб турган ёқимли чеҳраси. Назаримда у амакисининг уйида зерикмайдигандай кўринади. Кўнглим ором топади. Биз жимгина бир-биримизга қараб қоламиз. Сўнг бу эски кулбада менинг овозим эшитила бошлайди. Мен оилавий ҳаётнинг оғир азоби, эски урф-одатларни йўқотиш кераклиги тўғрисида, эр ва хотинларнинг тенг ҳуқуқли бўлиши, Ибсен, Тагор, Шелли... тўғрисида гапира кетаман. У жилмайиб туриб бош силкитади, кўзлари болаларча завқ билан чақнайди... Деворда аллақайси журналдан қирқиб олинган Шелли портрети осиглиқ турарди. Бу шонрнинг энг яхши портрети. Мен ишора билан уни кўрсатганимда Цзи-цзюнь бир назар ташлади-да, нимагадир иккиланиб, гўё бу портретнинг шу ерда осиглиқ туриши яхши эмас дегандай бошини қуйи солди. Чамамда, Цзи-цзюнь ҳали эскилик урф-одатларидан батамом халос

бўлмаган кўринади. Кейинчалик бу портретни шоирнинг ден-
гизда ҳалок бўлишини тасвирловчи расмга ёки Ибсен порт-
ретига алмаштирмоқчи бўлдим, бироқ буни қилолмадим.
Ҳозир бўлса шоирнинг у портрети ҳам қаёқда қолганини
билмайман.

Бир куни биз унинг амакиси билан отаси тўғрисида гап-
лашиб қолганимизда, у озгина ўйлаб туриб, хотиржам, аммо
қатъий қилиб худди шундай деди: «Мен ўзимга ўзим хў-
жайинман, менинг турмушимга аралашишга ҳеч кимнинг
ҳаққи йўқ!» Биз ўшанда ярим йиллик қадрдон эдик. Мен
унга ўз сирри-асроримни, дунёқарашимни, ўз ҳаётим ва бар-
ча нуқсонларимни — ҳеч нарсани яширмай тўла-тўқис гапи-
риб бердим, у гапларимга яхши тушунди. Унинг сўзлари
мени қаттиқ ҳаяжонга келтириб, қалбимнинг чуқур жойидан
ўрин олди. Бу сўзлар узоқ вақтгача қулоғим тагида жараң-
лаган эди. Хитой қизларининг баъзи умидсизлар айтгандек,
у қадар истиқболсиз эмасликларини ва яқин келажақда
улар учун ҳам ажойиб кунлар келажагини ўйлаб, ўзимда
чексиз қувонч ҳис этардим.

Уни уйига кузатиб қўядиган вақтларимда, одатда бир-би-
римиздан бир неча қадам нарида юриб борардик, чунки, ҳа-
миша кир босган деразадан мўйлови лаққа балиқникига
ўхшаган бир шум чолнинг башараси кўринарди. У ойнага
бурнини чунонам тираб олардики, бурнининг учи бир мири-
лик чақадай ялпайиб кетарди... Қўшни ҳовлидан бўлса тоза
артилган деразадан ҳар доим ўша бетига бир қават ёғупа
чаплаб оладиган манжалақининг юзи кўринарди. У бизга
ғазаб билан бир назар ташлаб, ойнадан мағрурона узоқла-
шар эди. Мен ҳам мағрур бир қиёфада уйга кириб кетар
эдим.

«Мен ўзимга ўзим хўжайинман, менинг турмушимга ар-
лашишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ!» — бу фикр менга қараган-
да Цзи-цзюннинг миясига чуқурроқ ўрнашиб қолган эди.
Унга ярим шиша ёғупа чапланган башара билан ялпайган
бурунлар писанд эмас эди!

Ўзимнинг қизғин ва самимий муҳаббатимни унга қай
тарзда изҳор қилганимни энди яхши эслай олмайман. Энди,
эмас, ҳатто ўша вақтда ҳам, яъни муҳаббат изҳор қилганим-
дан сўнг ҳам, бу ҳодиса қандай юз берганини фақат ги-
ра-шира кўз олдимга келтира олган эдим, холос. Бу ҳақда
кўпинча кечалари хотирлар эдим, аммо эрталабгина воқиа-
ларнинг баъзи жойлари ёдимга тушиб қолар эди. Бирга яшай

бошлаганимизга икки ой бўлганда, бу хотиралар ҳам эста келмайдиган бўлиб қолди. Шуниси ёдимдаки, бу воқиядан чамаси ўн кун илгари мен ўзимнинг қай тахлитда муҳаббат изҳор қилишимни чуқур ўйлай бошлаган эдим. Бунинг учун сўз ва иборалар ахтардим, ҳатто севгимни рад қилган тақдирда нима қилишимни ҳам ўйлаб қўйган эдим. Бироқ бекорга бу ўйларга борган экачман. Жуда шошиб, довдираб қолганимдан, мен кинофильмдагидай беихтиёр ҳаракатлар қилдим. Кейинча бу ҳаракатларим эсимга тушганда, уялиб юрдим. Аксига худди шу ишларим кўпроқ ёдимда сақланиб қолибди. Ҳозир ҳам ўша хира чироқ ёнида, ярим қоронғи уйда, кўз ёшларимни аранг тийиб, тиз чўкиб унинг қўлларини ушлаб ёлвориб турганларим кўз ўнгимдан сира кетмайди...

У пайтда ўзимнинг нима деб, нима қилаётганимни ҳам, Цзи-цзюннинг нима деб, нима қилаётганини ҳам билмас эдим. Унинг меники эканини билардим, холос. Унинг юзлари аввал оқарди, кейин лола ранг бўлиб товланди — шуниси эсимда. Илгари ҳам, кейин ҳам унинг юзлари шу қадар қизариб товланганини сира кўрмаганман. Унинг ёш болаларники сингари беғуноҳ кўзларида азоб ва қувонч аломатлари акс этарди; қўрқинч сезгилари ҳам йўқ эмас эди. Уялганидан менга қарай олмас, пир этиб деразадан учиб чиқишга ҳазирланган қушдай туюларди, аммо у энди меники эканини билардим. У нима деганини ҳам эслай олмайман, балки ҳеч нима ҳам демаганмикан?

Аммо Цзи-цзюнь ҳамма гапни эслаб қолган экан. У менинг гапларимни бошдан-оёқ тугилмасдан бир-бир айтиб, қилган хатти-ҳаракатларимни оқизмай-томизмай ҳикоя қилиб берар эди. Бу қилиқларим, худди мен кўрмаган кинофильмдаги воқиялар сингари унинг кўз олдида намоён бўлиб, икир-чикиригача унинг хотирида сақланиб қолган экан. Шунинг учун мен кинодагидай олиб ўтган бу хотираларни эслаб ўтирмасликка мажбур эдим. Қоронғи кечалар сукунатида у тез-тез менга бу ҳақда саволлар бериб, ўша вақтдаги унга айтган сўзларимни батафсил такрорлашга мажбур қилар эди. Зеҳни йўқ талабани ўқитгандай, у кўпинча менга луқма солар, тушириб қолдирган жойларимни айтиб турар эди.

Аммо бериб-бериб бу машқ камроқ такрорланадиган бўлиб қолди. Мен фақат унинг бўшликка тикилиб ширин хаёлларга толган чуқур ўйчан кўзларини кўрмоқчи бўлардим. Бундан унинг ёқимли юзлари янада нозиклашар, юзидаги кулгичи янада гўзаллик кашф этарди. Аммо менинг сўзларимни ўзича дастлабки сабоқ каби такрорлашларини билардим. Ўша вақт фильм қаҳрамони сингари кулгили аҳволга тушганлигимни пайқаб олган бўлса керак деб кўр-

қардим. Шунн ҳам билардимки, у албатта шу хатти-ҳаракатни кўрмоқчи, кўриш унга зарур эди. Ахир бунинг нима ёмон жойи бор, унинг фикрича ҳеч бир кулгили жойи йўқ. Фақат мен ўзимча буни кулгили ва аҳмақона ҳаракат деб билар эдим.

Цзи-цзюннинг буни кулгили деб ҳисобламаслигига, қатъий ишонардим, чунки у мени жон-дилидан яхши кўрарди.

Бултурги баҳорнинг сўнги дамлари менинг ҳаётимда энг саодатли ва шу билан бирга, энг ташвишли бўлиб ўтган эди. Гарчи кўнглимда ғашлик бўлмаса ҳам менда янги ташвиш пайдо бўлган эди. Энди биз кўчада икковлашиб юра бошладик, ҳатто бир неча марта паркка ҳам бордик. Аммо, биз кўпроқ ижарага уй излаш билан свора бўлган эдик.

Фикримча, биз кўчаларда бирга юрган чоғларимизда ўткинчилар бизга қизиқувчи, масхараомуз, беҳаё ва нафратли назар ташлар эдилар. Бу одобсиз кўз қарашлар мени ноқулай аҳволга қўйди. Озгина ножўя ҳаракатим ҳам мени уялишга, тортинишга мажбур қиларди, шунинг учун ҳам бунга қарши ғурур билан норозилик ифода қилишимдан бўлак илож йўқ эди. Шу билан ўзимни юпатардим. Цзи-цзюнь, аксинча, совуққонлик кўрсатарди ва ҳеч нарсага эътибор қилмас эди. У шошилмасдан, гўё атрофда тирик жон йўқдек бамайлихотир олдинда борарди.

Уй топиш ҳам унча осон иш эмас экан. Кўпинча турли баҳоналар билан бизга уй бермас эдилар. Баъзи бир уйларнигина ўзимиз ёқтирмас эдик. Аввало биз инжиқлик қилдик — биз кўрган уйларнинг биронтаси ҳам таъбимизга ёқмади. Кейинча, тўғри келган уйга киришга рози бўлиб қолдик, фақат бизни чиқиштиришса бўлди, дедик. Биз йигирматадан ортиқ жой кўрдик ва ниҳоят, Цзицжао кўчасида вақтинча истиқомат қилишга арзигудай, бир уй топдик. Бу — кичкина бир бинодаги жануб томонга қараган иккита хона эди. Уй хўжайини майда амалдорлардан бўлиб, анча шинаванда одам эди.

Унинг ўзи оиласи билан уйнинг олд томонидаги хона ва ёпиқ айвонда турарди. Унинг хотини, балоғатга етмаган қизчаси, бир қишлоқи хизматкори бор эди. Бола йиғисини ҳисобга олмаганда бу ер жуда тинч ва осойишта эди.

Уй жиҳозларимиз жуда оддий бўлса-да, унга жамғарган пулимнинг анчагинаси сарф бўлди. Цзи-цзюнь ўзининг ёлғизгина тилла узуги билан зирагини ҳам сотди. Мен бунга аввал рози бўлмасам-да, у ўз гапида қаттиқ туриб олгандан

кейин мен каршилик қилмай кўя қолдим. чунки бунга ўз хиссасини қўшиш учун йўл қўймасам, кейинчалик сиқалиб юришлигини билардим.

Унинг амакиси билан аразлашиб қолганига анча вақт бўлган эди. Амакиси шу қадар ранжибдики, бундан буён Цзи-цзюньни жиян деб атамайдиган ва юз кўришмайдиган бўлибди. Мен ҳам, турли насиҳатлар қиладиган, келажак ҳаётим тўғрисида огоҳлантириб турадиган, аслида эса менга рашк қиладиган оғайниларимдан аста-секин узоқлашдим. Менга очиқдан-очиқ ҳасад қиладиган кишилар билан ҳам алоқамни узиб юбордим. Кунларимиз тинч ва осойишта ўта бошлади.

Идора ишларим кунга кечқурун тугар эди. Ҳар сафар қош қорая бошлаган пайтда рикша шошилмасдан мени аравачада уйга олиб келар, ниҳоят, Цзи-цзюнь билан учрашувдай бахтли соатларимиз бошланар эди. Дастлаб жимгина бир-биримизга термулиб турардик, сўнг ўз-ўзидан ширин суҳбат бошланиб кетар эди. Баъзан бошимизни қуйи солиб, жимгина чуқур ўйга чўмардик, тўғриси бундай минутларда биз ҳеч нарса ўйламас ҳам эдик. Мен аста-секин Цзи-цзюньнинг юрак сирларини яхши тушуниб олдим. Уч ҳафта ичидаёқ менга Цзи-цзюньнинг феъл-атвори анча яхши аён бўлиб қолди. Илгари тузук тушуна олмаган ва кейин эса бизни қовушиб кетишимизга йўл қўймай турган жумбоқнинг сирини топдим. Бу чинакам ётсираш бўлган экан.

Цзи-цзюнь кундан-кунга қувноқ бўла бошлади. Бироқ, шунга қарамай у гулларни яхши кўрмас эди. Бир куни мен унинг учун бозордан икки тувакда гул олиб келдим. Аммо у, бурчакка қўйиб тўрт кунгача сув қўймай қуритиб қўйди. Мен ҳам нима учундир бунга эътибор бермаган эканман. Аммо, у, ҳайвон ва паррандаларни жуда яхши кўрарди. Бу масалада балки уй бекасининг таъсири ўтгандир. Бир ой ўтмасданоқ кутилмаганда бизнинг хўжалигимиз катталашиб кетди. Хўжайиннинг ўнлаб жўжалари орасида бизнинг ҳам тўртта жўжамиз ўйнаб юрарди. Хотинлар ўз жўжаларини бир кўришдаёқ сира адашмай таниб олишарди. Кейин бозордан бир оқ-тарғил пекин кучути олиб келдик. Кучукнинг қандайдир ўз номи борлиги ҳам эсимда, лекин Цзи-цзюнь уни «А-суй» деган янги ном билан атаган эди. Мен ҳам, гарчи бу ном ўзимга маъқул бўлмаса-да, кучукни А-суй деб чақирар эдим.

Ҳа, муҳаббатга аввалги жўшқинликни қайтариш, уни кучайтириш ва янги мазмун билан тўлдириш ҳам керак. Бир

кунн ётиш олдидан бу ҳақда мен гап бошлаб қолдим, Цзи-цзюнь фикримга қўшилиб маънодор бош силкитди.

Оҳ, бу қандай бахтли ва осойишта кеча бўлган эди. Кошки бахт ва осойишталик абадий ва мустаҳкам бўлиб қолса, у ҳолда биз умрбод бахтли бўлар эдик. Биз ҳамшаҳарлар ўзаро ёрдам уюшмаси уйда турган маҳалимизда аҳён-аҳёнда ўртамызда ғиди-биди гап чиқиб, андак гижиллашиб олган вақтларимиз ҳам бўлар эди. Аммо Цзичжао кўчасига кўчиб келганимиздан сўнг бунақа гапларга барҳам берилди. Чироқ ёнида бир-биримизга рўбарў ўтириб олиб, ўтган воқиялар тўғрисида суҳбатлашар эканмиз, ана шу гап таллашиб қолишлар сўнгидан қандай муроасага келишларимиз ва ана шунда шодлигимиздан ўзимизни гўё онадан янги туғилгандай ҳис қилишларимизни эслаб ширин хаёлларга берилар эдик.

Цзи-цзюнь бир оз тўлишди, юзларига қизил югурди. Бироқ шуниси ачинарлики, у уй-рўзғор ишлари билан ҳаддан ташқари ўралиб қолган эди. Уй-рўзғор ишлари унинг шу қадар кўп вақтини олар эдики, ҳатто китоб ўқиш, соф ҳавода сайр қилиб келиш у ёқда турсин, мен билан ҳангомаллашиб ўтиришга ҳам вақт тополмас эди. Биз ахйри битта хизматкор олиш керак деб, тез-тез гапирадиган бўлиб қолдик.

Кечқурунлари уйга келган маҳалимда унинг маъюс чеҳрасини кўриб қайғурар эдим. У ўз маъюслигини билдирмасликка ҳаракат қилиб зўраки табассум қилган бўлар, мен эсам бу ҳолни кўриб бадтарроқ ачинар эдим. Ниҳоят, бунинг сабаби уй бекаси билан жўжалар туфайли бўлиб турадиган жанжал эканини билиб олдим. Аммо нега бу ҳақда сира чурқ этмайди? Ҳар хонадон ўзига тинч бўлиши керак — афсуски, биз турган уйда бу мумкин эмас эди.

Ўз ҳаётимни маълум бир изга тушириб олдим; ҳафтада олти кун уйдан идорага ва идорадан уйга қатнардим. Идора столига ўтириб олиб, ҳар хил қоғозларни кўчириб ёзганим-ёзган эди. Менинг вазифам ҳужжатларни кўчириб ёзиш ва келган-кетган хатларни кузатиб туриш эди. Уйда эса ё Цзи-цзюннинг рўбарўсида ўтириб олардим, ёки унга темир печкани ёқиш, овқат ҳозирлаш, бўғирсоқ қилишга ёрдамлашар эдим. Ўша вақтларда овқат қилишни ҳам ўрганиб олдим.

Энди ҳамшаҳарлар ўзаро ёрдам уюшмасида турганимизга қараганда анча тузук ва хилма-хил ноз-неъматлар билан овқатланадиган бўлиб қолдик. Гарчи овқат пиширадиган Цзи-цзюнь унча пазанда бўлмаса ҳам, бор-йўқ ҳунарини ишлатиб, ҳар бир овқатни ҳафсала билан тайёрлар эди. Ўз ҳаракати билан мени ҳам унга ёрдамлашишга, меҳнат ва

роҳатини баравар кўришга мажбур қилар эди. Кун бўйи юзидан тер аримай калта қирқилган сочлари пешонасига ёпишиб ётарди, момиқдай қўллари ҳам дағаллаша бошлади. Бунинг устига яна А-суйни, жўжаларни боқиш керак. Буларнинг ҳаммаси фақат унинг зиммасида эди.

Бир куни унга чин қалбимдан: уйда овқатланмай қўя қолай, мени деб уй-рўзғор ишига шунчалик ўралиб қолишнинг ҳожати йўқ, дедим. У, жавоб ўрнига менга бир қараб олди-да, жим қолди, аммо унинг чеҳрасини қайғу аломатлари хиралаштирган эди. Мен индамай қўя қолишдан бошқа чора топмадим, яна ҳамма нарса эскича давом эта берди.

Мана, мен аввалдан сезиб юрган бир воқиа содир бўлиб ҳаётимга катта зарба берди. Бир куни кечқурун Республика байрами арафасида уйда ўтирдим. Ҳеч нарсани ўйлашга майлим йўқ. Цзи-цзюнь идиш-товоқ юварди. Қўққисдан эшик тақиллаб қолди. Эшикни очсам, остонада идорамизнинг хат ташувчиси турган экан. У қўлимга гектографда босилган бир мактуб тутқизди. Нима гаплигини дарҳол пайқадим.

Чироққа яқин келиб, ўқидим:

— «Идора бошлиғининг буйруғига биноан Ши Цзюньшэнга маълум қиламизки, у киши бундан буён идора хизматига келиб, ўзларини уриштириб юрмасалар ҳам бўлади.

9 октябрь.

Секретариат»

Шундай бўлишини ҳамшаҳарлар ўзаро ёрдам уюшмасига қарашли уйда турган вақтимиздаёқ билган эдим. Ҳалиги «снежинка» ёғупасини юзига чаплаб олган хоним идорамиз бошлиғининг ўғли билан учрашиб юарди ва қиморда унинг шериги эди. У ғийбат қилиб, бирор хусусда мени унга чақар деб ўйлардим. Мана унинг чақимчилиги оқибати. Бу воқиа гарчи анча кечикиб бўлса ҳам, ахийри юз берди. Бу кутилмаган зарба эмас эди. Мен аллақачон бирон бошқа жойга бориб ишлаш ёки муаллимчилик қилиш ва балки, оғир меҳнат бўлса ҳам таржима билан шуғулланишни ўйлаб қўйган эдим. «Озодлик дўсти» журналининг бош редактори менинг эски танишим эди. Биз у билан бир неча бор кўришганмиз, икки ой муқаддам эса хат ҳам ёзишиб турар эдик. Шунга қарамай, ишдан бўшатирилганлигимни эшитган пайтда юрагим шув этиб кетди. Ҳамиша вазмин Цзи-цзюннинг ҳам ранги ўчиб, туси ўзгарди. Унинг сўнгги вақтда бир оз сўлиб қолиши мени кўпроқ ташвишга туширган эди.

— Ҳеч гап эмас! Янгидан ҳаёт қурамыз. Биз...— деб гап бошлади-ю, яна жим қолди у.

Негадир ана шу бўлиниб қолган хитоб сўзи мейга жуда қаттиқ теккан эди. Ҳатто чироқнинг шуъласи ҳам кўзимга аллақандай беҳад хира кўринди. Нақадар қизик бу одамлар! Арзимаган бир воқиа ҳам шунча таъсир қилиши мумкин-а. Дастлаб биз жимгина бир-биримизга қараб қолдик, сўнг бу аҳволдан қандай қутулиш тўғрисида ўйлай бошладик. Биз даставвал сарф-харажатларимизни тежашга ва сира кечиктирмай хат кўчариб ёзувчилик ёки муаллимлик бўлса ҳам иш қидиришга қарор қилдик. Газетага эълон бериш ва «Озодлик дўсти» бош редакторига ҳам хат ёзиб юбориш керак эди. Мен унга ўз қайинчаликларимизни маълум қилиб, менинг таржималаримни босиб чиқаришни ва бу билан бизга оғир кунларимизда ёрдам беришини илтимос қилмоқчи бўлдим.

Айтилган сўз — отилган ўқ! Янги йўл билан олға борамиз! Шу онда столга ўтириб олиб, кунжут ёғининг ҳиди анқиб турган шиша билан сиркали идишни бир четга суриб қўйдим. Цзи-цзюнь хира чироқни менга яқинроқ тутди. Аввал газетага эълон тайёрладим, сўнг таржима учун китоб танлашга киришдим. Бу ўйга келгандан буён китобларимга ҳеч тегмаган эдим, шунинг учун уларнинг устига қалин чанг ўтариб қолибди.

Хатнинг мазмунини ўйлардим. Қандай ёёсам яхшироқ чиқишини билмай, қаламни қўйиб ўйга толиб кетардим. Цзи-цзюнга назар ташлаган эдим, чироқнинг хира шуъласида у жуда хомуш кўринди. Ҳар доим қатъий ва саботли Цзи-цзюнга бу арзимас воқиа шунчалик қаттиқ таъсир қилар деб ўйламаган эдим. Ахир бугун эмас, умуман сўнгги вақтларда жуда ўзгараб кетган эди. Мен довдираб қолдим. Яқиндагина бўлган тинчлик, осойишталик, ҳамшаҳарлар ўзаро ёрдам уюшмаси уйдаги жимлик ва танҳолик кўз ўнгимдан шарпадек ўтиб кетди. Бу кўраётганларимни ушлаб қолгим келади, аммо улар тўхтамай ўтиб кетар ва менинг қаршимда стол устидаги хира чироқ турарди, холос.

Бу хат устида мен узоқ ўтириб, наҳоят, уни ёзиб тамолладим. Хат анча узун ёзилибди. Мен жуда ҳоридим, ўзимни ҳолдан тояётгандай сездим. Биз хатни ҳам, эълонни ҳам, эртаси кун юбормоқчи бўлдик. Бейхтиёр қаддимизни ростлаб олиб, гўё олдимизда турган янги ҳаётнинг ёш новдаларини кўраётгандай ҳис қилдик.

Бу зарба чиндан ҳам менинг кучимга куч қўшди, Менинг аввалги идора ҳаётим дайди савдогарнинг қўлидаги қушнинг ҳаётига ўхшарди — очдан ўлмаслиги ва тўйиб ҳам кетмаслиги учун бир неча чимдим дон берилади, холос. Ниҳоят шундай кун келадики, бу қушнинг ҳолдан кетган қанотлари шалпайиб тушади. Энди қушни қафасдан чиқариб юборсанг

ҳам ортиқ осмонга парвоз қилолмайди. Дадил айтиш мумкин-ки, энди мен бу қафасдан озод бўлдим ва менда янгидан кент осмонда баландларга парвоз қилиш истаги пайдо бўлди. Ҳа, бундай ҳузурни мен ҳали унутганим йўқ эди.

Газетада бир мартагина босилиб чиққан кичкина эълон дарров бирор натижа беролмаслиги табиий эди. Таржима қилиш ҳам осон иш эмас. Китобни ўқиган пайтингда ҳаммасини тушуниб турасан киши, аммо қўлга қалам олганда минг хил қийинчиликларга учрайсан ва таржима жуда секин боради. Бироқ мен қулдек ишлашга бел боғладим! Ярим ой ўтмасданоқ ҳали яп-янги луғатимнинг ҳошиялари бармоқларим изидан қорайиб кетди. Ёлғиз шунинг ўзи ҳам менинг қанчалик астойдил ишлаганимга гувоҳлик бера олади. «Озодлик дўсти»нинг бош редактори эса бир кунни менга яхши қўл ёзмалар... ҳеч вақт унинг журналида узоқ ётиб қолмаслигини гапирган эди.

Афсуски, бизда хотиржам ишлаш мумкин бўладиган алоҳида хона йўқ эди. Менинг ҳамиша бўш келиб, талабчанлик қилмаслигимга ўрганган Цзи-цзюнь энди илгаригидай кам гап, сезгир ва ғамхўр эмас эди. Уйда сира тартиб йўқ эди, ошхонани тутун босиб, ислари осилган ювуқсиз идиш-товоқлар тўғри келган жойда ёйилиб ётарди. Бундай вазиятда тузук ишлаб бўлмас эди. Аммо мен бундай машғулот учун алоҳида хона ҳақида илгарироқ ўйлаб кўрмаганимга ўз-ўзимни койирдим. Бу ерда, бошқаси етмагандек, яна кучук билан жўжаларни айтмайсизми! Жўжалар ўсиб қолиб, ҳамиша Цзи-цзюнь билан уй бекаси ўртасида жанжал чиқиб туршига сабаб бўлар эди.

Ундан ташқари ҳар кунни ейиш-ичиш тўғрисидаги ташвиш ортган эди. Цзи-цзюньнинг ҳамма ҳаракати шунинг устида эди. Биз жамғармаларимизни еб тугата бошладик, ишимиз еб-ичиш ва ҳисоблаш эди. Яна бунинг устига А-суй билан жўжаларни боқиш керак эди. Назаримда Цзи-цзюнь илгари билганларини ҳам унута бошлади. Мени жиддий ишлаб ўтирибди-ку, деб ўйламасди, у кўпинча фикрамни бўлиб қўяр, овқатга қистар эди. Ҳатто жаҳл билан столга ўтирган пайтларимда ҳам у пинагина бузмай, гўё сен билан нима ишим бор дегандай, оғзидаги луқмасини шалиллатиб чайнай берад эди.

Беш ҳафтача ўтгандан сўнггина Цзи-цзюнь менинг ишимни маълум овқат режимига бўйсундириб бўлмаслигини ту-

шунди. Бунга у хурсанд бўлолмасди; албатта, аммо бу ҳақда чурқ этиб оғиз очмади.

Ниҳоят, энди ишим юриша бошлади ва тез кунда эллик мингга яқин иероглифни таржима қилиб қўйдим. Энди таржимани стилистик жиҳатдан тузатиб чиқишгина қолган эди, шунда иккита бошқа кичик таржималарга қўшиб, уни «Озодлик дўсти» га топшириш мумкин бўларди. Бу ишларим ёмон эмас, аммо овқат ғами мени илгаригича эзмокда эди. Овқатни совиб қолгандан кейин ейишим ҳам майли эди-ю, бироқ масаллиқ танқислигига учраб қолдик, вақти келиб оддий гуруч ҳам топилмай қоларди.

Уйда ўтириб, эртадан кечгача ишлашимга қарамай, ишта-ҳамнинг ҳам мазаси қочган эди. Биринчи навбатда А-суйга овқат бериларди, баъзан ҳатто ўзимизга йўқ қўй гўшти унга едириларди. Цзи-цзюнь эса «кучук жуда озиб кетиб, оч арвоҳга ўхшаб қоляпти» деб ташвишланар эди. Мана шунинг ўзи уй бекасига биздан кулиш учун яхши баҳона бўларди. Цзи-юэнь «унинг кулишига ориқ тоқат қилолмайман» дер эди.

Жўжалар ҳам бошимизга бало бўлган эди. Узоқ ўйлаб, уларнинг турган-битгани зарар деган фикрга келдим.

Цзи-цзюннинг назарида, мен кучук билан жўжалар орасида ўртача бир ўрин тутаётганимни тушундим. Бу ҳолатим Гекслининг¹ «инсоннинг жойи ер билан осмон оралиғидир» деган таъбирининг ўзгинасини эслатарди.

Узоқ баҳслашиб Цзи-цзюнни кўндирганимдан сўнг жўжалар аста-секин сўйилиб, энг яхши таом сифатида дастурхонимизга кела бошлади. Биз А-суй билан бирга ўн кундан кўпроқ товуқ гўшти еб, маза қилдик. Бироқ жўжаларимиз ориқ эди, чунки уларга бир кунда бир неча чимдим дон бериларди, холос.

Энди анча тинчиб қолган эдик. Бироқ, Цзи-цзюнь жуда маънос юрарди, гўё уни ҳамиша бир оғир юк босиб тургандай, гапиришга ҳам ҳафсаласи қолмаган эди. «Инсон нақадар тез ўзгариб кетиши мумкин экан!» деб ўйлардим.

Тез фурсатда А-суйни боқишга ҳам дармонимиз қолмади. Менинг ёзган хатимга жавоб олишдан ҳам умид уза бошладик. Кучукни икки қўлини кўтариб тик тургизиш туғул, тўрт оёқда, даст тургизиш учун ҳам берадиган нарса йўқ эди. Бунинг устига яна қиличини яланғочлаб қиш келмокда эди. Печь ёқиш учун ўтин-кўмир ҳам мушкул бўла бошлади. Кучук боқиш биз учун сезиларлик оғир юк бўлиб, бундан сўнг уни ушлаб туришнинг иложи қолмади.

А-суйнинг бўйнидаги тасмасига сотилади деган эълон осиб уни бозорга, ибодатхона ёнига олиб бориш ва бир не-

¹ Жон-Гексли (1825—1895) инглиз табиатшунос олимиди.

ча сарияқ чақага сотиб келиш мумкин эди. Бироқ биз буни қилмадик, бундай қилишни хоҳламас ҳам эдик. Ахир бир кун унинг юз-кўзларига латта ўраб шаҳарнинг ғарб томонидаги харобазорга олиб бориб ташладим. Кучук ўрмалашга интилган эди, мен уни бир чуқурчага итариб юбордим.

Қайтиб келгач, уйимиз жимжит бўлиб қолганини сездим. Цзи-цзюннинг мурдага ўхшаб қолган ранги мени жуда қўрқитиб юборган эди. Уни бундай ҳолда ҳеч кўрмаган эдим. Бунинг ҳаммаси А-суйнинг азаси! Бўлмасам-чи!? Мен кучукни чуқурга итариб юборганимни унга айтмадим.

Кечаси Цзи-цзюннинг қайғули юзида муздай бир қатъиятлик пайдо бўлди.

— Ажаб, нима бўлди сенга бугун, Цзи-цзюнь,— деб сўрадим чидолмай.

— Нима?— деди у ва ҳатто менга назар ҳам ташламади.

— Юзингда...

— Ҳеч нарса... ҳечқиси йўқ.

Афтидан у мени тош кўнгил деб ўйласа керак. Чиндан ҳам, агар мен ёлғиз бўлсам, қисматим енгилроқ бўлур эди. Илгари мен мағрурланиб юқори табақадаги кишилардан таниш-билиш ордирмаган эдим, бу ёққа кўчиб ўтгандан кейин эса, эски ошналарим билан ҳам учрашмай қўйдим. Ўзингда узоқ йўлни босиб ўтишга ва баланд чўққилар сари кўтарилишга етарли куч ҳис этсанг, кўз олдингда дарҳол нотаниш кенг ва бепоён йўл очилади.

Аммо мен ҳозир бундай ҳаётнинг аччигини фақат Цзи-цзюнь туфайли тотаётган эдим. Хўп, мен А-суйни чиқариб ташлабман, хўш нима бўпти? Йўқ, Цзи-цзюнь менга паст назар билан қарай бошлади. Ўзи буни сезмас ҳам эди. Бир куни гап келиб қолиб, буни ўзига сездирдим. У тушунган бўлиб бош силкитди ҳам. Бироқ, афтидан у, ё ҳеч нарса тушунмаган, ёки менга ишонгиси келмаган эди.

Совуқ ҳаво ва бу совуқ муносабатлар мени таъқиб этарди, уйда ҳаловатимни йўқотдим, аммо қаёққа борай? Кўча ва паркларда Цзи-цзюнь билан бегоналашиб қолганимизни бир оз унутар эдим, бироқ муздай шамол баданни тешиб ўтгудай бўлиб, бир қават терим шилиниб кетаётгандай туюларди. Ниҳоят, мен халқ кутубхонасидан бошпана топдим.

У ерга билет сотиб олишнинг кераги йўқ эди. Уқув залида иккита темир печь турибди. Гарчи буларга ёқилган кўмирнинг иссиғи аранг ўзидан ортса ҳам ўша печларнинг ўзини кўриш биланоқ киши руҳан исиниб қолар эди. Кутубхонада ўқийдиган ҳеч нарса йўқ — эски китоблар титилиб кетган, янгиси жуда оз эди.

Мен у ерга ўқиш учун бормас эдим. Унда мендан бош

қа яна ўн чоқли одам бўлар эди. Улар ҳам менга ўхшаб юпун — ёз кийимида китоб ўқиш баҳонаси билан исинишга берад эдилар. Менга кутубхона жуда маъқул жой бўлиб қолди. Кўчада юрганнингда таниш-билишларни учратиш ва уларнинг нафратли кўз қарашларига тўқнашиш мумкин эди. Бу ерда эса бундай нохуш учрашувлардан бутунлай холи эдим, чунки ҳамма танишларим ё икки печка ўртасида, ёки ўз уйларида иссиққина ўтирар эдилар.

Кутубхонада мен боп китоб бўлмаса ҳам, чуқур ўйга толишга имкон берадиган жимжитлик ҳукм сурарди. Одатда ёлғиз ўз жойимга ўтириб олиб, ўтган ҳаёт хотираларини ўйлашга тушардим. Ана шунда қуруқ бир севгини деб, иккинчи бир кишининг ҳаётини мутлақо унутиб қўйганлигимни англадим. Ахир, энг муҳими ҳаёт-ку. Инсон аввало яшаши керак, севги эса унинг ҳаётини безатади. Ҳаёт учун курашмаган кишига барча йўллар берк бўлади. Мен ҳали қанот қоқишни унутганим йўқ, бироқ менинг қанотларим илгаригига қараганда анча заифлашиб қолган...

Хона ҳам китобхоналар ҳам аста-секин кўз ўнгимдан йўқолади, мана, мен океanning даҳшатли тўлқинлари ўртасида юрган балиқчиларни, оқолдаги жангчиларни, автомобилда кетаётган боёнларни, чет эл биржаларидаги чайқовчиларни, узоқ тоғлар ва қалин ўрмонлардаги қаҳрамонларни, кафедра-лардаги профессорларни, тунда маншат қилишни севувчилар ва қоронғи кечада ўғирлик қилувчиларни кўрмоқчиман...

Цзи-цзюнь!.. У ҳозир олисда. Унинг бутун шижоати йўқолган. У, ҳеч тинмасдан фақат кучуги А-суй тўғрисида қайғуради ва уй иши билан овора. Шуниси қизиқки, у кўп ориқлагани йўқ.

Кутубхонага совуқ туша бошади. Печкада сўнгги кўмирлар милтирар эди. Ўқув хонасини бекитиш вақти яқинлашди. Яна ўша Цзичжао кўчасига, совуқ муносабатли Цзи-цзюнь қошига қайтиш керак эди. Сўнгги вақтларда унинг муомаласида баъзан илиқлик ҳам пайдо бўлади, лекин бу менга бадтарроқ азоб беради. Эсимда, бир куни кечаси Цзи-цзюньнинг кўзлари болаларники сингарл чақнаб кетди, бундай чақнашни кўпдан бери кўрмас эдим. У жилмайиб туриб бизнинг ҳамшаҳарлар ўзаро ёрдам уюшмаси уйида кечирган турмушимизни эсга олган эди. Бироқ энди унинг юзида кўпроқ қўрқинч аломатлари ифодаланди. Менинг ҳам юзаки муомалаларим уни кўп шубҳаларга тушираётганини сезардим. Цзи-цзюньни бир оз тинчлатиш учун зўрма-зўраки кулиб гапириб туришим керак эди. Аммо кулгим ҳам, сўзларим ҳам қуруқ ва сохта эди. Сохталикдан туғиладиган жавоб ҳам, мен

тоқат қилолмайдиган нафратли масхарабозлик сингари қулоқларим тагида хунук жарангларди.

Цзи-цзюнь ҳам, назаримда, бунни сезарди. Бундай вақтларда унинг одатдаги тилсиз маъюслиги йўқоларди. Гарчи у ҳаяжон ва шубҳаларини яширмақчи бўлса ҳам барибир бўлар бирда эмас, бирда ошкора бўлиб қоларди. У менга бир оз юмшоқ муомалада бўла бошлади.

Мен у билан ҳасратлашмоқчи ва кўнгилдаги гапни очиқ айтмоқчи бўлардим-у, лекин бунга журъат қилолмасдим. Бир куни дадил туриб гап очмоқчи эдим, аммо унинг болаларча кўз қарашини кўриб бу ниятимдан воз кечишга ва унга қувноқ бўлиб кўринишга мажбур бўлдим. Бир лаҳза ўтмасданок руҳий вазминликни йўқотиб, бу ишим учун ўзимдан кулдим.

Цзи-юзюнь яна ўтмишни эслай бошлади. У мени янгидан синаб, бу билан мени олдиндан ёдлаган кўпгина сохта ширин сўзларимни қайта-қайта такрорлаб қаллобларча жавоб бериб, уни юпатишимга мажбур қилмоқда эди. Бу тинчлантирувчи ёдаки сўзларнинг сохта ва ёлғонлиги қалбимда сақланмоқда эди, тез фурсатда бу билан кўкрак қафасим шу қадар тўлиб кетардики, нафас олишим ҳам мушкуллашиб қоларди. Мудҳиш хаёлларга чулғаниб кетиб, ўз-ўзимга: ҳақиқатни айтиш учун чиндан ҳам жуда катта журъат керак экан, дер эдим. Агар ҳақиқат ўрнига ёлғон-яшиқ ва сохта гаплар билан ўзингни юпатиб юрар экансан, ҳаётингда ҳеч қандай янги йўл тополмайсан. Бу ерда эса янги йўлгина эмас, бу йўлни очадиган кишининг ўзи ҳам йўқ.

Бир куни эрталабки совуқда Цзи-цзюннинг юзида ранжиш аломати пайдо бўлди. Мен уни бундай қиёфада ҳеч қачон кўрмаган эдим, ёки менга ўзи шундай кўрингандир. Фақат ўзимча заҳарханда кулдим. Ахир, унинг бутун ўткио ақли, чуқур ва жасур муҳокама қуввати беҳудага йўқолиб бораётганини ўзи ҳам сезмай қолмоқда. Цзи-цзюнь аллақачонлар китоб ўқишни йиғиштириб қўйган эди. Киши ўз ҳаётида биринчи навбатда яшаш учун курашмоғи кераклигини ва бу курашда ё қўлни қўлга бериб бирга ёки дадил туриб ёлғиз бормоғи кераклигини у энди тушунмай қўйган эди. У юриб кетаётган кишининг этагига осилиб олганда энг жасур жангчининг ҳам ишини мушкуллашиб қолишини ва икковининг ҳам ҳалокати муқаррар эканлигини билса кошки эди.

Мен бу азобдан қутулиш йўли фақат ажралаб кетиш деб билардим. Цзи-цзюнь бунга кўниши керак. Мен блр нафас унинг ўлимини ҳам хаёлимдан кечирдим, аммо шу онда пушаймон қилиб, ўзимни қойидим. Бахтимга эндигина тонг отган, ҳали вақт эрта ва юрагимда тўлиб қолган ҳамма сўз-

ларни кечгача унга айтиб олишим мумкин эди. Янги ҳаёт йўлимизнинг бошланиши мана шунга боғлиқ эди.

Жўрттага гап очиб, у билан ўтмиш ҳаётимиз тўғрисида, адабиёт, чет эл ёзувчилари: «Нора» ва «Денгиз хотинлари» ҳақида сўзлаб кетдим. Норанинг мустаҳкам иродалигини мақтадим... Булар ҳақида ўтган йили ҳамшаҳарлар уюшмасининг эски уйда ҳам кўп марта гаплашган эдик. Аммо энди гапларимда сохталик жаранглар эди. Оғзимдан чиққан гапларимни ўз қулоқларим билан эшитарканман, гўё кўзга кўринмас бир безори бола орқа томонимдан келиб, ғазаб ва истехзо билан мени гиж-гижлаб тургандай туюларди.

Цзи-цзюнь мени қунт билан тинглаб бош силкитиб турди, бу билан у гўё айтган гапларимни маъқуллар эди. Сўнг у жим қолди. Мен ҳамон сўзламоқда эдим, охириги сўзларим беҳуда кетди.

— Ҳа, тўғри...— деди у бир оз жим тургач.— Хўш Цзюань-шэн; сезишимча, сўнгги вақтда сен жуда ўзгариб кетдинг. Ўзи нима гап?.. Тўғриси гапир.

Гўё бошимга биров бир мушт туширгандай бўлди, аммо дарҳол ўзимни тутиб, ҳамма гапни бир йўла айтиб олдим: ҳалок бўлишимизнинг олдини олиш учун янги йўлни қандай бошлаш, янги турмушни қайси хилда қуриш кераклигини гапирдим.

Ниҳоят, бутун куч-иродамни йиғиб яна шундай дедим:

— Лекин сен ҳеч нарсани ўйламай олға қараб дадил бормоғинг мумкин. Сен менинг тўғри гапиришимни хоҳлаган эдинг, чиндан ҳам инсон тўғри кўнгилли бўлиши керак. Ҳақ гапни айтяпман, мен ўзгариб кетдим, бу тўғри, чунки... энди сени ортиқ севмайман! Аммо бу сен учун яхши. Тариқча ҳам қайғуриб ўтирмасдан ишлашинг мумкин.

Бу гапдан у довираб қолар, ҳўнграб юборармикин деб ўйлаган эдим, йўқ узоқ жим қолди. Унинг юзи бирдан мурдадай кўкариб кетди, бироқ тез фурсатда ҳушига келиб юзига қизил югурди, кўзлари эса болаларники сингари чақнади. У худди оч ва чанқоқ гўдак чор атрофга термулиб меҳрибон онасини излагандай ҳар томонга кўз югуртирди, аммо Цзи-цзюнь кўзини мендан олиб қочар, бўшликка тикилар эди.

Мен ҳам унга қарай олмасдим, эрталабки изғирин шамолга қарамай, кутубхонага йўртиб қолдим.

У ерда «Озодлик дўсти» журнални варақлаб ўтириб, ўз таржимамга кўзим тушиб қолди. Бу тасодифдан ҳатто чўчиб тушдим. Ҳаётда жуда йўл кўп-ку, аммо ҳозирги йўл билан бориш сира мумкин эмас деб ўйладим.

Кўпдан бери ўлик-тиригидан хабарим бўлмаган ошналарим олдига қатнай бошладим. Мен уларникига бир-икки

марта бордим. Албатта уларнинг уйлари иссиқ эди, лекин меннинг суяк-суягимдан совуқ ўтиб кетди. Одатда кечалари музхонадек уйимда чувалчанг сингари ғужанак бўлиб ётардим.

Совуқнинг ўткир пиналари бутун вужудимга қадалибгангиб қўйди. Ҳар ҳолда ҳаёт йўллари кўп, мен ҳали қанот қоқишни унутганим йўқ, деб ўйлардим. Тўсатдан янанинг ўлими ҳаёлимга келди, аммо шу онда пушаймон қилиб ўзимни койидим.

Халқ кутубхонасида ўтирган маҳалимда янги нотаниш йўл тез-тез кўз олдимга кела берди. Ўзи-ўзюнь ҳамма гапни узил-кесил англаб олади ва шу музхона сингари совуқ уйдан ҳеч ранжимасдан ва нафратланмасдан жўнаб қолади. Мен шу қадар енгил тортиб қоламанки, ўзимни фазода сузиб юрган кичкина кўк булут деб ҳис қиламан. Юқорида — лажувард осмон, пастда эса — баланд-баланд тоғлар, бепоён денгизлар, ҳашаматли саройлар, жанг майдонлари, автомобиллар, чет эл биржалари, дағиллама уйлар, ёруғ нур ичидаги шовқинли шаҳарлар, қоронғи кеча...

Ҳаёлимда ўзимни шу янги ҳаётда нафас олаётгандек сезардим.

Ниҳоят, биз учун азоб ва машаққатли бўлган Пекин қиши тугади. Биз шўх ва тантиқ болаларнинг қўлига тушган тилла қўнғизга ўхшар эдик, улар бўлса бу қўнғизларни ипга боғлаб то ҳолдан тойиб ерга йиқилгунича завқ билан қийнайдилар. Қўнғизлар мажолсиз, ерда судралиб қолади, агар тирик қолганда ҳам энди учолмай, ўз ўлимини кутиб ерда ўрмалаб юради.

Мен «Озодлик дўсти» журнаlining бош редакторига уч марта хат ёздим ва ниҳоят, жавоб олдим. Конвертга бор-йўғи биттаси — йигирма, иккинчиси — ўттиз фэнлик икки чек солинган эди. Мен бўлсам тагин шошилиб ярим оч кишининг бир кунлик овқатига ярайдиган тўққиз фэнлик марка ёпиштириб юборган эканман. Яна меҳнатим бекор кетиб, умидим пучга чиқди.

Мана энди мен кўпдан кутиб юрган воқиа ҳам рўй берди.

Қиш кетиб, ўрнига баҳор келмоқда. Шамол энди илгаригидай совуқ эмас. Мен аввалгидай шаҳарда санқиб юриб уйга қош қорайганда қайтаман. Бир кунни ҳудди шундай кечки қоронғи тушган пайтда жуда диққат бўлиб уйга қайтган эдим, эшикни кўриб юрагим увишиб кетди. Бейхтиёр қада-

мимни секинлаштирдим. Уй ичи зимзиё қоронғи эди. Гугурт чақдим — тезарак-атроф жимжит!

Гангиб қолиб таппа тўхтадим. Худди шу пайт дераза орқасида уй бекасининг овози эшитилди.

— Бугун Цзи-цзюннинг отаси келган эди, уни олиб кетди,— деди, у бепарвогина.

Бу кутилмаган воқиа эмас. Мен шундай бўлишини билардим. Ўзим ўйлагандай бўлиб чиқди. Худди икки курагим ўртасига кимдир қаттиқ ургандай серрайиб тура бердим.

— У ҳам кета бердими?— деб сўрадим бир оздан кейин.

— Ҳа, кета берди.

— У... у ҳеч нарса айтиб кетмадими?

— Йўқ, ҳеч нима демади. Фақат сиз келганда унинг кетганлигини сизга айтиб қўйишимни илтимос қилди.

Мен ишонмадим. Аммо уй ичи одатдан ташқари жимжит ва ҳувиллаб ётар эди. Бейхтиёр Цзи-цзюнни излаб ҳар томонга кўз югуртириб чиқдим, бироқ бир неча ялтиратиб тозаланган эски кострюлкадан бошқа ҳеч нарса кўринмас эди. Чироқ ёруғида улар гўё ўз ялтираши билан менга сиздан ҳеч нарса яширолмаимиз дегандай бўлар эди. Сўнг мен бирон хат ёки бир парча қоғоз ёзиб қолдиргандир деб у ёқ-бу ёқни ахтариб кўрдим. Ҳаммаси бир жойга ихчам қилиб йиғиштириб қўйилган туз, ун, қуритилган гаримдори, ярим бош қарамдан бошқа ҳеч нарса топмадим. Уларнинг ёнида йиғирма-ўттиз чақа ётарди. Бизнинг биргаликда яшаб ортидирган бор-йўқ бойлигимиз шу эди. Энди бунинг ҳаммасини тантанали равишда менинг якка ўзимга гўё «очингдан ўлма» деб қолдириб кетган эди.

Ҳамма нарса мени эзиб уйдан қуваётгандай туюлди. Сапчиб ҳовлига чиқдим. Чор атрофимни зулмат ўраб олди. Уй эгаларининг қоғоз тутган деразаларидан чироқнинг ёруғ нури тушиб турарди. Уй ичида ёш бола билан ўйнашганлари ва кулги овози эшитилиб турибди. Ҳушимга кела бошладим. Шу мусибат ичида юрган йўлларим гира-шира кўз ўнгимдан ўтмоқда: баланд тоғлар, катта-катта қўллар, чет эл биржалари, электр чироғи ёғдуси остидаги дабдабали зиёфатлар, окоп ва хандақлар, қоронғи зулмат кечалар, ўткир қилич зарбалари, оҳиста қадамлар ва ҳоказо...

Юрагим бўшаб, анча эркин нафас олгандай бўлдим. Чуқур хаёлларга толдим. Янги йўлга ўтиб олиш учун керак бўладиган харажатларни ўйладим ва бирдан қаттиқ уф тортиб юбордим.

Кўзимни юмиб ётиб, кўпдан ўйлаб юрган келажак ҳаётимни кўз олдимга келтирдим. Ярим кечага бориб, барча хаёллар тугади. Дафъатан қоронғиликда хилма-хил ноз-неъматлар кўз олдимга келди. Сўнг Цзи-цзюннинг мурдадай

кўкариб кетган юзлари қоронғилик ичидан чиқиб келди. Унинг болаларча чақнаган кўзлари менга ачиниб таъна билан тикилар эди. Кўзимни очиб юборган эдим, бир лаҳзада ҳамма нарса ғойиб бўлди.

Кўнглим тағинам эзилиб кетди. Нега яна бир неча кун сабр қилмадим, бу ҳақиқатни унга шунчалик шошиб, узил-кесил қилиб гапиришнинг нима кераги бор эди? Энди Цзи-цзюнга ҳамма гап маълум. Энди у забардаст ва ўжар отаси ҳукми остида қолишини ҳам билади, одамлар энди унга ёмон кўз билан қарайдилар, бунинг устига ўзи ёлғизликда яшайди. Бунинг ҳаммаси — ёлғизлик, умидсизлик юкини орқалаш, бутун ҳаётида ота зулми остида эзилиш ва бегоналарнинг таҳқирига чидаш жуда даҳшатли эди. Ҳаёт йўлининг охири эса машъум гўристонлик.

Унга тўғриси гапирмаслигим керак эди. Илгари биз бир-биримизни севар эдик. Ҳамиша ёлғон-яшиқ гаплар билан уни овутиб юришим лозим эди. Мадомики Цзи-цзюнни қадрлар эканман, унинг теварагини мудҳиш зулмат билан ўрмаслигим шарт эди. Ахир, ёлғончилик ва сохталик ҳам тоқат қилиб бўлмайдиган қора зулмат-ку.

Агар Цзи-цзюнга ҳақиқатни гапириб берсам, у ҳеч қай-ғурмасдан, ранжимасдан қатъиятлик билан ўз йўлидан мардонавор кета беради, деб ўйлаган эдим. Ахир у бир вақтлар мен билан бирга ҳаёт қуришда ҳам худди шундай жасурлик кўрсатган эди-ку. Бироқ, энди янглишган эканман. Унинг у маҳалдаги жасурлиги ва фидокорлигига менга бўлган муҳаббати сабаб бўлган эди.

Мен мунофиқлик, ёлғончилик юкини кўтариб юришга ожизлик қилиб унинг бўйнига аччиқ ҳақиқат юкини ортган эдим. У эса мени севганлигидан бу юкнинг оғирлигига, ота зулмига, бегоналар таҳқирига чидашга рози бўлиб мендан кетди.

Унинг ўлимини ўйлаш билан... ўзимни энг қўрқоқ, энг разил киши деб билдим, улар хоҳ растгўй, хоҳ ёлғончи бўлсинлар, бундай кишиларни иродаси кучли кишилар ҳамма жойдан ҳайдаб юборишлари керак. Ахир у бошидан менга умид боғлаган, мен билан гўзал ҳаёт қуришни орзу қилган эди-ку...

Хувиллаб қолган жимжит Цзицжао кўчасини энди тарк қилишим керак эди. Цзи-цзюнь яна ёнимда бўлиши учун бу ердан кетсам бўлгани эди. Жуда бўлмаганда биз бир шаҳардамиз-ку, ахир бир куни у қўққисдан ҳамшаҳарлар ўзаро

ёрдам уюшмасининг уйидаги сингари мени кўргани келиб қолар.

Суриштириб юриб ва хат ёзиб ҳеч қандай жавоб ололмадим. Энди фақат битта кўпдан бери кўрмаган эски танишимникига боришим қолди. У ёшлигида менинг катта амаким билан яқин оғайни бўлган киши. У Пекинда кўпдан бери яшайдиган обрўли одам, таниш-билишлари ва кўп жойлар билан алоқаси бор. Балки эгни-бошим йиртиқ-юпунлигидан бўлса керак дарвозабон мендан ҳазар қилгандай совуққина назар ташлади. Унга ялиниб-ёлвориб, кўп хўрлик ва машаққат билан танишим уйига аранг кириб олдим. Ошнам мени зўрға таниди, бироқ рўйхуш бермади. Менинг ўтмишим унга батамом маълум эди.

У менинг бирон жойга кетиб ишлайдиган хизматга жойлаштириб қўйиш тўғрисидаги илтимосимни тинглаб туриб, бепарволик билан шундай деди:

— Албатта, бу ерда қолишинг мумкин эмас, аммо қаёққа борасан! Ҳм... жуда оғир... Сенинг ҳалиги... ким эди... турмуш йўлдошинг Цзи-цзюнь ўлган-а? Бўни биласанми?

Мен шундай ҳаяжонга тушдимки, гулдураб гапиролмай қолдим.

— Ростданми?— деб шивирладим ниҳоят хушсиз.

— Э-ҳе. Албатта рост. Менинг қариндошим Ван Шэн улар билан бир қишлоқдан бўлади.

— Хўш, нима бўлиб ўлибди.

— Ким билади? Ишқилиб ўлган — вассалом.

У билан қандай хайрлашганим ва ўз уйимга қандай етиб келганимни эслай олмайман. Биламанки, у ёлғон сўзлайдиган киши эмас. Демак, Цзи-цзюнь энди ҳеч қачон келмайди. Гарчи у ёлғизлик, умидсизликнинг оғир юқларига, ота зулмига, бегоналар таҳқирига чидашга рози бўлган эса-да, энди қайтиб келмайди. Унинг тақдирини мен очиб берган аччиқ ҳақиқат ҳал қилган, у бегоналар қўлида кўз юмган.

Албатта мен бу ерда қололмайман, аммо ўзимни қайси гўрға урай?

Чор атроф ҳувиллаб ётибди, ҳамма ёқ поёнсиз бўм-бўш, қабристон сукути ва ёлғизлик. Севмаган кишилар ўртасида ўлиш даҳшати менинг кўз ўнгимда равшан гавдаланди, қулоқларимда эса, умидсизлик нидоси ва сўниб бораётган айрилиқ фарёдлари жаранглайди.

Ҳамон бирон тасодиф ва номаълум бир янгилик кутардим. Аммо соатлар, кунлар ўта берди, ёлғизлик билан қабристон сокинлигидан бошқа ҳеч нарса йўқ.

Уйдан чиқмайдиган бўлиб қолдим. Кўпинча чексиз жим.

житликда ўтирар, ёта берар эдим. Қабритсон сукунати билан ёлғизлик ич-ичимни тирнаб кетди. Бунга қарши курашганим ҳам йўқ. Жимжитлик билан ёлғизлик баъзан ўз даҳшатидан титраб-қақшаб ўзи қочар ва унинг ўрнини яна қандайдир бир тасодиф ва кутилмаган бир янгилик орзуси эгаллар эди.

Бир куни эрта билан офтоб чиқмаган, ҳаво булут, олам қоронғи эди, уйда бир нарсанинг шарпаси ва пишқиргани эшитилиб қолди, кўзларим олайиб атрофга термула бошладим. Уйда ҳеч ким йўқ эди. Бирдан ориқ, чалажон, бошдан-оёқ лойга ботган, кичкина бир махлуқни кўриб қолдим. У, эркалангандек ерда гир айланар эди.

Яқинроқ келиб, синчиклаб қарадим, тўсатдан юрагим шу-виллаб кетди.

Бу А-суй эди, у қайтиб келибди.

Менинг Цзичжао кўчасидан кўчиб кетишимга уй эгалари ва хизматкорларининг менга нафрат билан қарашлари эмас, кўпроқ мана шу кучук А-суй сабаб бўлган эди. Аммо қайси гўрга бориш кераклигини билмас эдим. Ахир ҳаётда янги йўллар кўп-ку; буни мен билар ва тахминан кўз олдимга келтирар ҳам эдим, бироқ ишни нимадан бошлаш керак?

Узоқ ўйлаб, танлаб кўрсам, бирдан-бир йўл — ҳамшаҳарлар ўзаро ёрдам уюшмаси қолган экан. Яна ўша нураб турган эски уй билан каравот, қурий бошлаган акация дарахти ва печак гул. Аммо илгари менга қувонч, ҳаётга муҳаббат ва умид бағишлаб турадиган ҳамма нарса энди сўнган эди. Уларнинг ўрнига менинг ҳақиқатим маҳсули бўлмиш бўшлиқ ва маъносиз ҳаёт қолган эди.

Мен кириб кўрмаган янги йўллар ҳали кўп, шуларнинг бирини танлашим керак, чунки мен тирик жонман. Бироқ биринчи қадамни қандай босишни билмайман.

Баъзан гўё бу нотаниш йўлни кўраётгандай бўламан. У худди катта оқ илонга ўхшаб эгилиб-буралиб менга қараб жадал ўрмалаб келади. Мен кутаман, унинг яқинлашиб келишини кутиб тураман, аммо у қўққисдан қоронғиликка сингиб кетади.

Эрта баҳор, ҳали ҳам кечалар узун эди. Мен ёлғизликда узоқ ўтирдим-да, кўчада тасодифан учраб қолган дафн маросимини эсладим: олдинда ҳайкаллар ва қоғоздан ишланган от¹ олиб ўтмоқдалар, орқасидан кўшиқ сингари бўғиқ йиғи, марсия овози эшитилади. Уларнинг донишмандлигига энди тушундим. Бу нақадар оддий ва осон иш.

Кўз олдимга Цзи-цзюннинг дафн маросими келиб тўхтади. У узун оқ йўлдан яқка-ёлғизлик жабрини тортиб бормоқда,

¹ Дафн этиш пайтида қурбонлик қилиб ёқиладиган буюмлар.

ана бирдан отасининг оғир зулми ва атрофдагиларнинг совуқ назари остида ғойиб бўлди.

Оҳ! Арвоҳ дўзах деган нарсалар мавжуд бўлса эди, рўзи маҳшарда мен Цзи-цзюнни топган ва унга ўз пушаймонларим, қайғу-ҳасратларим тўғрисида сўзлаб берган бўлар эдим. Ундан илтимос қилиб кечирим сўрардим. Агар у гуноҳларимни афв этишни хоҳламаса майли, даҳшатли дўзах ўтлари ўзимни ҳам, сўнгги пушаймонларимни ҳам, қайғу-аламларимни ҳам куйдириб кул қилиб юборсин.

Дўзах ўтининг алангасида мен Цзи-цзюнни қучоғимга олиб ундан афв сўрайман ёки уни хурсанд қилиб...

Лекин бу фикрлар менинг янги ҳаёт йўлимдан ҳам бадтарроқ пуч эди. Ҳозир менинг эрта баҳорим кечалари, улар шунчалик узун кечалар... Мен тирикман, ахир мен нотаниш янги йўлга биринчи марта қадам ташлашим керак-ку. Биринчи қадам, бу — ўз пушаймонларим ва қайғу-ҳасратларимни ёзиш, Цзи-цзюнь ҳақида таъзиянома ёзишдир.

Мен фақат узоқ вақт марсия ўқиб, кўз ёшлари тўкиш билан оҳ-фарёд чекиб, Цзи-цзюнни қабристонга узатишим мумкин ва уни мангулик қабрига дафн қила оламан, холос.

Ҳамма гапни унутмоқ истайман. Ўз ҳаётим учун Цзи-цзюннинг мавҳум дафн маросимини ортиқ ўйламоқчи эмасман.

Янги ва нотаниш йўлдан биринчи қадам ташламоқчиман. Ҳақиқатни яраланган қалбимнинг чуқур жойига яшириб қўйиб, унутиш ва сохталик гирдобада жимгина илгари бормоқчиман.

1925 йил, 21 октябрь.

А К А - У К А Л А Р

Жамоат тиячлиги бюросида қиладиган иш қолмагач, хизматчилар одатдагидек ўзаро уй-рўзгор ишларидан суҳбатлашиб ўтирардилар. Цинь И-тан оғзидан чилимни олиши билан қаттиқ йўтала бошлади; бошқалар жим бўлиб қолишди. Ниҳоят у бош кўтарди, қин-қизариб, нафаси тиқилган ҳолда шундай деди:

— Кеча кунни улар яна ёқалашишди, муштлашни залдан бошлаб нақ дарвозанинг олдига боргунча давом этишса денг! Шунча уриниб тинчитолмасам-а!

Цинь И-танинг лаби титраб, сийрак соқоли оҳиста селкилларди.

— Лао-сань Лао-унинг заёмга сарфлаган пулини умумий ҳисобга қўшиш мумкин эмас, буни марҳамат қилиб, унинг ўзи гарданига олиши керак,— дейди.

— Тавба, шунча машмашаларнинг ҳаммаси пул учун-а!— деди Чжан Пэй-цзюнь ва ҳаяжон билан шалоғи чиққан креслодан туриб кетди. Унинг чуқур кўзлари меҳрибонона йилтирарди.— Бир нарсага ҳайронман, туғишган ака-ука бўлишса-ю, арзимаган тийин учун сану манга боришса. Ўша пулни у тўлади нима-ю, бу тўлади нима?

— Сизга ўхшаган ака-укалар қаёқда дейсиз!— деди Цинь И-тань.

— Бизлар арзимаган чақаларнинг фарқига бормаймиз,— деб эътироф этди Чжан Пэй-цзюнь.— Уники нима-ю, меники нима. Пул молу дунё устида жонимизни фидо қилмаймиз. Орамизда ҳеч бир англашилмовчилик ёки жанжал йўқ. Агар бирор оиладаги можаронинг оқибати мол-дунё тақсимлашга келиб тақалса, уларга ўзимиз ҳақимизда гаприб бераман. Сиз ҳам И-тань, ўғилларингизга тушунтириб қўйсангиз зарар қилмасди...

— Уларга гап уқдириб бўлармиди,— деди И-тань бош чайқаб.

— Кўринишдан бу ишлар бирор фойда келтирадиганга ўхшамайди!— деди Ван Юэ-шэн Чжан Пэй-цзюннинг кўзларига эътиром билан тикилиб.— Сиз билан укангизга ўхшаган кишилар йўқ даражада, бўлса ҳам камдан-кам. Сизнинг оилангизда ўзим бўлай дейдиганлар йўқ, бундай бўлиш онсон эмас...

— Улар залда муштлаша бошлаб то дарвозага етгунча ёқалашишди,— дея гапида давом қилди Цинь И-тань.

— Укангиз ҳали ҳам илгаригидай бандми?— деб сўради Ван Юэ-шэн.

— Ҳафтасига ўн саккиз соат дарси бор, тўқсон уч дафтар ёзма ишни текшириб чиқиши керак— хуллас, иши бошидан ошиб ётибди. Уч-тўрт кунга рухсат олди, иситмаси бор, шамоллаган шекилли.

— Менимча, эҳтиёт бўлиш керак,— жиддий деди Ван Юэ-шэн. Бугунги газетада эпидемия тарқалганлиги ҳақида хабар босилган.

— Қанақа эпидемия экан?— деб сўради, дарҳол Чжан Пэй-цзюнь, унинг қўрқиб кетгани кўриб турарди.

— Билмадим. Шу касал билан оғриб қолган беморнинг иситмаси кўтарилади дегани эсимда.

Чжан Пэй-цзюнь, йирик қадамлар билан югурганча ўқув залига кириб кетди.

Ван Юэ-шэн Чжан Пэй-цзюннинг орқасидан кўз узмай:

— Ҳақиқатан ҳам бундай ака-укалар камдан-кам,— деди

Цин И-танга оғир хўрсиниб.— Иккови ҳам бир кишидек. Қани энди ҳамма ака-укалар шуларга ўхшаса! Унда ҳам оилавий жанжаллар бўлаверармиди? Уйлаб-уйлаб ўйимга ета олмаяман.

— Кўрдингми уни, облигацияга сарф бўлган пул бошқаларнинг гарданига тушмасин дейди-я!—қуйиб-пишиб жоврарди И-тань, тутаб турган пиликни чилимнинг ўтхонасига тутаркан.

Идорада бир оз вақт жимлик ҳукм сурди. Кўп ўтмай Чжан Пэй-цзюннинг гурс-гурс қадам товуши бу сукунатни бузди. У хат ташувчини чақирди. Ҳозирги вазоҳатидан гўё Чжан Пэй-цзюннинг бошига оғир кулфат тушган деб ўйлаш мумкин эди. У гоҳ дудуғланиб, гоҳ овози қалтираб хат ташувчига доктор Петерсонни телефон орқали чақиришни буюрди, доктордан Чжан Пэй-цзюнникига — «Тунг-синг»¹ ётоқхонасига келиб, беморни кўриб кетишини илтимос қилгин деди.

Шундай ҳурматли докторни чақиряптими, демак Чжан Пэй-цзюннинг ортиқ даражада ташвишланаётгани Ван Юэ-шэнга маълум эди. Тўғри, унинг Европа медицинасига ишониши маълум-ку, лекин даромадининг мазаси йўқ, бундан ташқари ниҳоятда эҳтиётлаб харж қиладиганлардан эди.

Ван Юэ-шэн хонадан чиқиб Чжан Пэй-цзюн томон бораркан, унинг хафақонлик билан телефон орқали гаплашаётган хат ташувчининг гапларига қулоқ солиб турганини кўриб қолди.

— Хўш, нима бўпти? Қандай қилиб?— деб сўради у.

— Газетада ёзилишича... ҳа ёзилишича бўғ... бўғма касали эпидемияси тарқалибди. Тушқи овқатдан сўнг ишга келишимдан олдин Цзинь-пунинг юзи қизариб кетган эди... Нима, кетиб қолибди? Бирорта кишидан илтимос қил, телефон қилиб топсин-да «Тунг-синг» ётоқхонасига... «Тунг-синг» ётоқхонасига келишини ўтиниб сўрасин.

Хат ташувчи трубкани қўйгач, Чжан Пэй-цзюнь идорага югуриб кирди-ю, шапкасини қўлга олди. Ван Юэ-шэн ҳам зўр ҳаяжон билан унинг орқасидан кирди.

— Директор келган заҳоти менга отпуски беришини сўранг. Уйда бемор борлиги ва унинг олдида бўлишим зарурлигини тушунтиринг...— деди Чжан Пэй-цзюн телбаларча.

— Боринг, бораверинг, майли. Бугун директор келмаса ҳам керак,— деди Ван Юэ-шэн.

Лекин бу гаплар Чжан Пэй-цзюннинг қулоғига кирмай, бу орада у дарвозадан чиқиб ҳам улгурганди.

¹ «Тунг-синг» — ётоқхона номи, умумининг гуллайдиган ери деган маънони англатади.

Бу сафар у одатдагидай йўл кираси ҳақида ҳам тортишиб ўтирмади. Бақувватроқ тез чопар рикшага кўзи тушиши билан бориб, ундан кира ҳақининг қанча бўлишини сўради-ю, ҳаялламай коляскага чиқиб ўтирди.

— Хўп, майли. Фақат иложи борича илдам юрасан.

Ётоқхонада одатдаги тинчлик ва осойишталик ҳукм сурарди. Дарвеза олдида ўтирган ёш хизматкор ҳар галдагидек хуцине чалиш билан машғул эди.

Чжен Пэй-цзюн укасининг хонасига кириши билан юрагининг гуп-гуп ура бошлаганини сезди. У укасининг ҳарсиллаб нафас олаётгани, юзининг илгаригидан ҳам қизариб кетганини пайқади.

Чжен Пэй-цзюн беморнинг пешонасига қўлини қўйиб кўрса, олов бўлиб ёняпти, хаёлида ҳатто қўли куйгандай бўлди.

— Нима билан оғриятганимни билмайсанми? Хавфли эмас-а, тўғрими?— деди. Чжан Цзинь-пу, ўзини аллақандай бошқача ҳис қилаётгандек сезиб, кўзларини бежо жавдиратарди.

— Касалинг унча оғир эмас... Шунчаки, шамоллагансанда,— тўхтаб-тўхтаб жавоб берди Чжан Пэй-цзюн.

Чжан Пэй-цзюн одатда ирим-чиримлардан кулиб, масхара-лаб юрарди, лекин ҳозир-чи, Цзинь-пунинг кўриниши, гаплари мудҳиш ҳодисадан дарак бераётгандай, беморнинг юраги шу нарсаларни сезгётгандай туюла бошлади.

Бу хаёллар Чжан Пэй-цзюннинг юрагига бадтар ғулғула сола бошлади. Эшикка чиқиб, секингина ёш хизматкорни чақирди-да, шифохонага телефон қилиб, Петерсонни топган-топмаганликларини сўрашни буюрди.

— Ха, ҳа,— деди хизматкор телефонда.— Ҳали топа олганимиз йўқ...

Шу дақиқаларда Чжан Пэй-цзюнь ўзини қўярга жой топа олмай қолди. Тўсатдан унинг хаёлига: «Балки бу бўғма ҳам эмасдир?!—деган фикр келди. Хануз доктор Петерсонни топа олганимиз йўқ... Ахир доктор Бай Вэнь-шань шу ётоқхонанинг ўзида яшайди-ку, ахир! Тўғри, у хитой медицинасининг доктори, лекин касални аниқлаб бера олар-ку!» Чжан Пэй-цзюн унинг олдида бир неча бор хитой медицинасига ишонмаслигини очиқ айтган пайтлари ҳам бўлган. Ҳозир ҳам унинг ажнабий докторга телефон қилиб чақираётганини Бай Вэнь-шань эшитиши ҳам мумкин эди.

Чжан Пэй-цзюнь ниҳоят Бай Вэнь-шаньникига чиқди.

У заррача ҳам хафа бўлмади— дарҳол тошбақасимон гардишли қора кўзойнагини тақди-да, икковлари бирга бемор ётган хонага йўл олишди.

Бай Вэнь-шань беморнинг қўл томирини ушлаб кўрди, юрак уришини эшитди, юзини синчиклаб кўздан кечиргач, шошмай хайрлашди. Чжан Пэй-цзюнь унинг орқасидан чиқди.

Врач Чжан Пэй-цзюньни ўтиришга таклиф қилди-ю, бироқ ҳеч нарса демади.

— Жаноби Вэнь-шань, укамга нима қилибди?— деди Чжан Пэй-цзюнь ниҳоят сабри чидамай.

— Қизилча. Майда-майда доначалар тошганини кўрди-нгизми?

— Демак, бўғма эмас экан-да!— деди-ю, Чжан Пэй-цзюнь анча енгил тортгандай бўлди.

— Европалик докторлар уни бўғма деб аташади, биз хитой докторлари эса қизилча деймиз.

Чжан Пэй-цзюньнинг қўл-оёқлари бўшашиб, музлай бошлади.

— Даволаш мумкинми?— ташвишли оҳангда сўради у.

— Албатта. Бироқ, пешонасида нима ёзилган бўлса, шуни кўради.

Бу гаплардан сўнг Чжан Пэй-цзюнь бутунлай ўзини йўқотиб қўйди. Ҳатто, у Бай Вэнь-шэндан рецепт ёзиб беришни сўраганини ҳам, уникадан чиқиб кетганини ҳам билмади. Коридордаги телефон ёнидан ўтиб кетаётгандагина доктор Петерсон эсига тушиб, шифохонага қўнғироқ қилди. Унга докторни топишгани, бироқ ҳозир унинг банд эканлигини, кечроқ бўшабини айтишди. Шу сабабли унинг фақат эртага бора олишини билдиришди. Бу ҳам даргумон эмиш. Лекин Чжан Пэй-цзюнь докторнинг шу бугун келиши зарурлигини қатъий таъкидлади.

Чжан Пэй-цзюнь укасининг хонасига кириб, чироқни ёқди. Цзинь-пунинг чеҳраси қип-қизариб кетган, юзида қизил доначалар яққол кўзга ташланиб турарди; айниқса кўзи атрофидаги доначалар қабариб чиққан эди.

Чжан Пэй-цзюнь ўтирди-ю, лекин игна устига ўтириб олгандай, безовталана бошлади. Ташвиш ичида зор-интизорлик билан икки кўзи йўлда экан, сокин тун қаъридан келган ҳар бир машина овозига қулоқ солар ва эшитилган ҳар бир шарпа уни сергаклантирарди. Минут сайин доктор Петерсоннинг машинаси келиб тўхтагандай туюлар, у пешвоз чиқиш учун югурганча ҳовлига чиқиб, дарвоза ёнига борарди. Бироқ, у ерга етиб келар-келмас, машина дарвоза ёнидан ўтиб кетар, у яна умидсизланиб, ўз жойига қайтиб келарди.

Ҳовлидан уйга кираётиб ойнинг ҳам бота бошлаганига кўзи тушди. Қўшни ҳовлидаги қариб, қуриб қолган акас дарахти ерга соя солаётгандай туюлди. Бу ҳол унинг дилини бадтар ғашлантирди. Тўсатдан қарға қағиллаб қолди. Қари

акас дарахтада бир қанча қарға ини борлигини билар ва шу сабабли уларнинг қағиллашига ўрганиб қолган эди. Лекин ҳозирги қағиллаш уни шу қадар чўчитдики, турган жойида қотиб қолди. Чжан Пэй-цзюнь ҳаяжон ичида уйга кириб қараса, укасининг кўзи юмиқ. Унинг юзлари шишиб кетгандай кўринди. Бироқ бемор уйғоқ эди: у қадам товушини эшитиши билан чироқ ёруғида тўсатдан кўзини очди.

— Хатми? — деди, у.

— Йўқ, йўқ. Бу мен! — қўрқув ва паришон хаёл деди Пэй-цзюнь. — Бу менман! Европалик бир докторни чақиртирган эдим, ўшани кутяпман, кўзим тўрт, аммо ҳануз дараги йўқ...

Чжан Цзинь-пу индамай кўзини юмди. Пей-цзюнь дераза олдидаги стол ёнида турарди. Ҳамма ёқ жимжит, фақат беморнинг қисқа-қисқа нафас олиши ҳамда будильникнинг бир меёрдаги чиқиллаши эшитилиб турарди. Тўсатдан узоқдан эшитилган машина овози Чжан Пэй-цзюнни сергаклантирди — яқинлашиб келаётган машинага зўр диққат билан қулоқ солди. Мана у дарвоза олдида етди, келиб тўхтади ҳам шекилли... Бироқ буниси ҳам ўтиб кетди. Шу алпозда яна бир неча машиналар ўтди. Шу ўтиришда у ҳатто машиналар сигналинини бир-биридан фарқ қила бошлади: баъзилари ҳуштакка ўхшаб кетса, бошқаларники итнинг ҳуришига, учинчиси ўрдакнинг қағиллашига, яна бири сигирнинг маърашига, баъзи бирлариники эса курка товуқларнинг қақиллашига, яна бириники ўксиб йиғлаганга ўхшаш кетади... Шунда Чжан Пэй-цзюнь илгарилари шу нарсага эътибор бериб, доктор Петерсон машинасининг сигналинини таниб олмаганидан жаҳли чиқди.

Рўбарўдаги қўшниси ҳам ҳали уйига қайтиб келгани йўқ. Одатда у, бу пайтда ё театрда, ёки чойхонада бўларди.

Ярим кеча бўлиб қолди; ўткинчи машиналар ҳам анча сийраклашди. Ой юпқа қоғоз ёпиштирилган деразадан ўтиб, хонани ёритиб турибди.

Чжан Пэй-цзюнь кута-кута ҳам чарчади, ҳам зерикди, ундаги жиддий ҳолат секин-аста осойишталик билан алмашинди ва ниҳоят машиналарнинг ғат-ғатига ҳам эътибор бермай қўйди. Бироқ, унинг хаёлини минг хил фикр эгаллаган эди: унингча гўё Цзинь-пу бўғма касали билан оғриб қолган-у, уни даволашнинг иложи йўқдай кўринарди. Борди-ю шундай бўлса рўзғор ташвиши ёлғиз ўзининг гарданига тушиб қолади, унда аҳвол не кечаркин?! Улар кичкина бир шаҳарчада туришади, нарх-наво борган сайин ошиб боряпти... Ўзининг учта боласи бор, укасида иккита, ахир, уларни боқишнинг ўзи ҳам мушкул. Мактабга қатнай олишадими, йўқми?! Ёки, фақат биттасинигина, яъни ҳаммасидан кўра зеҳли, ўзининг арзан-

да ўгли Кан-эрнигина ўқитсинми? У ҳолда укасининг болаларига қарамай қўйди деб, ҳамма таъна қилади. Укаси олдидаги энг сўнгги бурчини қай тарзда адо этиши керак? Бор пули тобутга ҳам етмайди-ку; марҳумнинг жасадини туғилган жойига, ўз хилхонасига қандай қилиб олиб боради? Яхшиси вақтинча мусофир-камбағаллар мазорига қўйиб туриш керак.

Шу пайт узоқдан қадам товуши эшитилиб қолди, у ўрнидан сакраб туриб ҳовлига чиқди. Қарши томондаги уйда яшовчи қўшниси бир оҳангда: «Байдичэн шахридаги император Сянь-чжу» деб товуш чиқариб ўқирди.

Бундай беташвиш овозни эшитиб, Чжан Пэй-цзюннинг ғазаби қўзиб кетди ва шу заҳотиёқ чиқиб қўшниси билан уришиб келишга тайёрланаётган эди, шу он фонус ушлаб келаётган хизматкорини кўриб қолди. Фонуснинг, ёруғи орқада келаётган кишининг чарм пойафзалига тушиб турарди. Новчадан келган, каттакон оқ юзли, икки чеккасигагина соқол қўйган бу киши Петерсон эди.

Чжан Пэй-цзюнь гўё ғазна топгандай, унинг қаршисига отилди ва бемор ётган хонага бошлаб кирди. Доктор бемор ётган тўшаги ёнига келган эди, Чжан Пэй-цзюнь чироқни ўша ерга олиб борди.

— Жаноби доктор унинг иситмаси бор,— деди ғулдураган товуш билан Чжан Пэй-цзюнь.

— Қачон... бошланган эди?— деди Петерсон қўлини шими чўнтагига тиқаркан, беморнинг юзидан кўзини узмай.

— Ўтган кун. Йўқ ундан ҳам олдин...

Доктор Петерсон беморнинг томирини ушлаб кўргач, Чжан Пэй-цзюндан чироқни баландроқ кўтариб, беморнинг юзини яхшироқ ёритишни сўради. Сўнг кўрпани очиб кўкрагини синчиклаб кўрди, бармоғи билан беморнинг қорнини силади-да, гўё ўз-ўзига гапиргандай, оҳистагина:

— Measles... — деди.

— Қизамиқми?— деб сўради севинч ва ҳаяжон билан Пэй-цзюнь.

— Ҳа, қизамиқ.

— Фақат қизамиқми?

— Қизамиқ.

— Болалигингда қизамиқ чиқмаганмиди?— энди бирмунча енгил тортиб сўради Чжан Пэй-цзюнь укасидан. Бироқ, шу пайт доктор стол ёнига яқинлашгани учун у ҳам бемор ёнидан узоқлашишга мажбур бўлди. Доктор оёғини стулга қўйиб, стол устида турган қоғозни ўз ёнига тортди-да, чўнтагидан кичкина қаламча олиб, бир неча тушунилмайдиган сўзларни ёзди — бу рецепт эди.

— Дорихона ҳозир ёпилган бўлса керак,— деди Чжан Пэй-цзюнь рецептни ола туриб.

— Ҳечқиси йўқ, эртага олсангиз ҳам бўлади. Лекин эртагаёқ бу дориларни ича бошласин.

— Эртага ҳам келиб кўрасизми?

— Энди кўришнинг ҳожати йўқ. Аччиқ, нордон нарсалар берманг, иситмаси тушгач, менинг олдимга анализ учун сийдигини олиб борсангиз бас. Тоза шишага солиб, устига исмини ёзишни унутманг.

Доктор шу гапларни деб, эшик томон юрар экан, йўл-йўлакай беш долларли қоғоз пулни чўнтагига солди. Кузатиб чиққан Чжан Пэй унинг машинага тушиб кетишини кутиб турди. Машина жўнаб кетгач, у уйга қайтиб кирди. Пэй-цзюнь эшик ёнига келганда узоқлашаётган машинанинг сигналин эшитиб қолди, шу заҳоти унинг хаёлидан Петерсон машинасининг сигнал овози сизирнинг маърашига ўхшаб кетаркан, деган бир фикр ўтди. «Дарвоқе, энди бунинг аҳамияти ҳам йўқ»— деб ўйлади.

Ҳозир гўё чироқ ҳам ёруғроқ ёнаётганга ўхшарди; Чжан Пэй-цзюнь худди елкасидан тоғ ағдарилгандай енгил тортди. ҳамма ёқ тинчлангандай бўлди, бироқ, юрагининг бир чеккаси ғаш эди. Пул ва рецептни, кириб келган хизматкорига узатди ва эртага вақтлороқ бориб «Америка-Осиё дорихонаси»дан дори олиб келишни тайинлади. Фақат шу дорихонадан деб қайта-қайта тайинлади, негаки, доктор шу дорихонанинг дорисигина ишончли бўлишини айтган эди.

— «Америка-Осиё дорихонаси» шаҳарнинг шарқий чегарасида жойлашган! Дорини фақат ўшандан олгин. Эсингда бўлсин, «Америка-Осиё дорихонаси!»— дея таъкидлади Пэй-цзюнь хизматкорининг орқасидан эшиккача чиқар экан.

Ой нури ҳовлини сутдек ёритган. «Оқ императорнинг пойтахтида» қўшниси ҳам аллақачонлар уйқуга кетган, ҳамма ёқ жимжит, тиқ этган шарпа эшитилмасди. Фақат столдаги будильникнинг бир меёрда чиқиллаши ҳамда беморнинг бир текисда нафас олишигина эшитиларди, холос. Чжан Пэй-цзюнь бир зум индамай ўтиргач, тўсатдан севиниб ўрнидан кўзгалди:

— Тавба, гунгурсдексан-ку! Наҳотки ҳалигача қизамиқ чиқмаган бўлса-я?— деди-да, гўё қандайдир бир муъжиза топгандай укасига ажабланиб қаради.

—

— Балки ёдингдан кўтарилган бўлиши ҳам мумкин, буни ойимдан сўраб, билиш керак.

—

— Бироқ ойим бу ерда эмас... Қизамиқ чиқмаган эмиш! Ха-ха-ха!

Чжан Пэй-цзюнь уйғонган чоғда эрталабки қуёш нурлари деразага ёпиштирилган қоғоздан ўтиб уйга нур сочар, унинг уйқудан шишган кўзини қамаштирарди. Қўл-оёқлари шу қадар қувватсиз бўлиб қолибдики, ўрнидан туришга ҳам мадори етмади. Яғринини муздек тер босди; Чжан Пэй-цзюннинг хаёлида худди унинг каравоти қошида юзлари қон талашиб кетган бир қизча тургандай туюлди-ю, шу заҳоти уни уриб юбормоқчи ҳам бўлди.

Лекин бу кўзга кўринган нарса бир зумда ғойиб бўлди; Чжан Пэй-цзюнь ўз хонасида тинч ухлаб ётар, бошқа ҳеч ким йўқ эди. У ўрнидан туриб, ёстиқнинг жилти билан орқаси ва кўкрагидаги терни ятди. Кийиниб Цзинь-пунинг хонасига киргандан кейин кеча кечқурун «Байдичэне шаҳрида»ни ўқиётган қўшнисининг ҳовлида оғиз чайётганига кўзи тушиб қолди. Демак, вақт алламаҳал бўлибди-да!

Чжан Цзинь-пу ҳам уйғониб каравотида кўзларини катта очиб ётарди.

— Хўш, тузукмисан?— деди Чжан Пэй-цзюнь.

— Бир оз тузукман.

— Ҳали дори олиб келишгани йўқми?

— Йўқ.

Чжан Пэй-цзюнь каравотнинг рўбарўсидаги ёзув столининг қошига келиб ўтирди. Укасининг юзларидаги қизил дончаларнинг кечагидан кўра анча камайганини сездди. Бироқ, унинг фикри чалғиб, тунда кўрган тушининг айрим жойлари кўз олдида гавдаланарди. Мана каршисида Цзинь-пу ётибди. у вафот этган. Ўзи эса кўмиш маросимини ўтказиш билан овора, тобутни елкасида кўтариб залга олиб киради. Шуларнинг ҳаммаси ўша, туғилиб-ўсган уйида бўлаётган эмиш: таниш-билишлари кўп эмиш-у, улар бири олиб, бири қўйиб уни мақташаётганмиш. Пэй-цзюнь Кан-эр билан иккала кичкинасини мактабга боришга ундармиш. Лекин яна иккитаси қолибди. Улар ҳам мактабга бормоқчи бўлиб зор-зор йиғлашармиш. Бу кўз ёшлар унинг асабига тегармиш-у, лекин шу билан бир вақтда у ҳозир онлада ягона бошлиқ бўлиб қолгани туфайли, ўзида амирона бир куч сеза бошлаган эмиш. Гўё қўллари ҳам аллақандай узайгандай кўринармиш. У мана шу чўян қўли билан Хэ-шэннинг юзига шапалоқ тортиб юборибди.

Чжан Пэй-цзюннинг яқингинада кўрган туши гўё ўнгига такрорланаётгандай эди. Даҳшат ичида сапчиб туриб, ҳовлига қочиб чиқмоқчи бўлди-ю, аммо ўтирган жойидан қимирлай олмади. Бу тушидан қолган айрим парчаларни ҳам хаёлидан чиқариб, унутиб юборишга қанчалик уринмасин барибир, худди сув гирдобига тушиб қолган ғоз пати айланиб-айланиб яна сув юзига чиқиб қолаверганидек, қайта-қайта ёдига ту-

шаверди... Юзлары қонга беланган Хэ-шэн йиғлаб кирибди Пэй-цзюнь таниш ва бегоналар қуршовида кириб келаётган боладан қочиб, уйга кириб кетибди-ю, улардан зўр-базўр қутулибди. Чжан Пэй-цзюнь уларнинг қасос олгани келишаётганини жуда яхши биларди.. Тўсатдан унинг қулоғига ўзининг «Мен раҳмдилман — бу болаларнинг гапига инонманглар. У ёлғон гапиряпти» деган овози эшитилди. Хэ-шэн ёнида турган эди; Пэй-цзюнь яна қўлини кўтарди... У бирдан ўзига келиб қаттиқ чарчаганини сезди, эти увишди. Рўбарўсида Цзинь-пу тез-тез, лекин бир алпозда нафас олиб ётарди. Стол устидаги будильник илгаригидан кўра ҳам қаттиқроқ чиқиллаётгандай туюларди.

Чжан Пэй-цзюнь стол томонга ўгирилиб, унинг усти чанг босганига кўзи тушади; сўнгра у қороз ёпиштирилган дераза томонга ўгирилади; Қалендарга Ли-шу услубида ёзиб қўйилган икки қора белги: «27» яққол кўзга ташланиб турарди.

Хизматкор дорини олиб келди. Қўлида ўроғлиқ китоб ҳам бор.

Чжан Цзинь-пу кўзини очиб:

— Бу нима?— деб сўради:

— Дори,— деб жавоб берди уйқудан зўрға кўзини очган Чжан Пэй-цзюнь.

— Йўқ, анави пакетни сўраяпман.

— Сабр қил, аввал мана бунни ичиб олинг-чи...— деди-ю, доридан қўйиб, укасига узатди, сўнгра ҳалиги ўроғлиқ нарсани қўлига олди-да,— Со-ши юборипти... Эҳтимол, бу ўзингундан сўраган «Sesame and Lilies¹»¹ бўлса керак,— деди.

Цзинь-пу қўлини узатиб, китобни олди. Шунда у сарлавҳасига кўз югуртирди-да, муқовасидаги зарҳал ҳарфларни кўрди-ю, ёстиғи ёнига қўйиб оҳиста кўз юмди. Орадани бир дақиқа ўтгач, у дона-дона қилиб, оҳистагина шундай деди:

— Бир оз соғайиб олганимдан кейин бунни таржима қилман-да, «Маданият» нашриётига юбортираман, пулини оламан... Қабул қиладимиз йўқми, бунисини билмайман.

Шу кунни Чжан Пэй-цзюнь ишга одатдагидан кечроқ, пешиндан кейин келди. Цин И-тань чеккан чилимнинг тутуни хона ичида сузиб юрарди. Узоқдан Чжан Пэй-цзюннинг қораси кўриниши билан унга Ван Юэ-шэн пешвоз чиқди.

— Хайрият-э, келдингиз-а! Хўш, нима бўлди, укангиз соғайиб кетдиларми? Ҳа, мен ҳам унчалик хавотирлик касал бўлмасалар керак деган эдим-а! Бу эпидемиялар ҳар йили такрорланиб турадиган нарса, ташвишланадиган ери йўқ. Биз Цин И-тань иккимиз нима бўлди, ҳануз дараклари йўқ, деб жуда хавотир олаётган эдик. Ҳартугур келдингиз! Ранги-рў-

¹ «Кунжут ва Лилия» (ингл.)

Йингизни қаранг! Бир кечанинг ўзида шунчалик ўзгариб кетибсиз-а?

Чжан Пэй-цзюннинг хаёлида ҳам идораси-ю, унда ишлайдиган хизматчилари — барчаси кечадан буён жуда ўзгариб, унинг учун бутунлай ёт, узоқ одамлар бўлиб қолгандай эди. Ваҳоланки, атрофдаги барча нарсалар ўша-ўша, доимий ўзи кўрган-билгандай. Синиқ вешалка, дарз кетган чойнак, тартибсиз, чанг босиб ётган иш папкалари, оёғи синиқ эски кресло, қўлидан чилимни қўймай доимо креслосида ўтираверадиган Цинь И-тань йўталар, бу йўтал бечорага кўп азоб берарди, дармони қуриб, бош силкигани-силкиган эди.

— Ҳали шундай денг, залда бошланган жанжал дарвозагача давом этдими-а?..

— Ҳа, шунинг учун ҳам доим ака-ука Пэй-цзюн ва Циньпулар ҳақида гапириб беринг деб жаврайман-да! — деди дарров унинг сўзини бўлиб, Ван Юэ-шэн. — Ана шулардан ибрат олсин. Акс ҳолда улар сизни ажалингиздан беш кун бурун ўлдиришади:

— Лао-сань Лао-у облигацияга ҳаржлаган пулни умумий ҳисобга қўшмасин дейди, у бу пулни, бу пулни...

Цинь И-таннинг йўтали тутиб букчайиб қолди.

— Ҳақиқатни олиб қаралса «ҳамманинг юраги бирдай эмас,» — деди Ван Юэ-шэн ва Чжан Пэй-цзюнга қараб: — демак укангизнинг касали жиддий эмас денг?! — деб қўшиб қўйди.

— Жиддий эмас. Доктор қизамиқ деди.

— Қизамиқ! Ҳа-ҳа, худди шу кунларда болаларга қизамиқ чиқяпти. Биз яшаб турган ҳовлининг ўзидаёқ бирданига уч бола шу касал билан оғриб қолди. Э шу ҳам касал бўптими, буни қаранг, билмагандан кейин қийин-да, кеча қанчалик ташвиш тортдингиз. Сизнинг ҳолингизни кўриб, раҳми келмаган киши бўлмади. «Ҳақиқий ака-укалик» шундай бўлади-да.

— Директор кеча ишга чиқдими?

— Йўқ, у сариқ лайлакдек «ғойиб» бўлди. Ведомостларга «келдим» деб ёзиб қўя қолинг — вассалом.

— Ҳали ўзи ҳам заём сотиб олиши керакмиш, — деди Цинь И-тань. Ҳайронман, шу заёмнинг нима кераги бор экан. Бу ишга аралашдингми, алданишинг ҳам ҳеч гап эмас. Кечаси... кечанинг ўзида ҳам залдан муштлашиш бошланди то дарвозагача. Лао-саннинг ўқувчиси иккита ортиқ, шунинг учун дейди Лао-у, умумий пулдан кўпроқ қисмини у сарфлайди. Жаҳли чиқса ўзини тутолмай қолади.

— Бу ишга тушуниб бўлмайди, — деди Ван Юэ-шэн ҳафсаласи пир бўлиб. — Шунинг учун ҳам, Чжан Пэй-цзюн, сизларнинг ака-ука бошлашиб юрганларингизни кўрсам, икки

букилиб таъзим қиламан. Шунинг ҳам эътироф қилишим керакки, бу асло хушомадгўйллик эмас.

Чжан Пэй-цзюнь сукут қилди; шу пайт хат ташувчи бир пакет олиб келди. У ўрнидан туриб боладан қоғозни олди-да, Ван Юэ-шэннинг ёнига келиб, хатни ўқий бошлади:

«Гражданин Хэ Шан-шань ва бошқа йўловчилар сизга маълум қиладиким: шаҳарнинг шарқий қисмида номаълум бир эркак кишининг жасади топилди. Идорангиздан санитария ва жамоат манфаати йўлида, марҳаматингизни аямай шу марҳумни кўмиш учун кечиктирмасдан бир тобут юбортиришингизни ўтиниб сўраймиз».

— Менга бера қолинг, буни ўзим расмийлаштириб қўя қоламан,— деди Ван Юэ-шэн.— Сиз бир оз вақтлроқ уйга кетсангиз ҳам бўлади. Ҳали ҳам укангиздан кўнглингиз тинчимаётган бўлса керак. Ростини айтганда ака-ука икковингиз бир жутф тенгқур жибилажибонга ўхшайсизлар.

— Йўқ!— деб жавоб берди Чжан Пэй-цзюнь қўлидаги қоғозни ҳамон маҳкам ушлаб турар экан,— ҳаммасини ўзим тўғрилайман.

Ван Юэ-шэн ортиқ зўрламади. Чжан Пэй-цзюнь хотиржам, стол ёнига келди-да, аризадан кўз узмай бир оз занг босган яшил ранг тушли идишнинг қопқоғига қўл чўзди.

1925 йил, 3 ноябрь.

А Ж Р А Л И Ш

— Э... э..., Му амаки янги йилингиз қутлуғ бўлсин. Давлатингиз зиёда бўлсин! Бадавлат бўлинг!

— Салом, Ба-сань! Ўзингни ҳам байрам билан қутлайман...

— Э! Янги йил, янги бахт-саодатлар билан! Ай-гу ҳам шу ерда экан-да...

— Уҳ-ҳў, салом бердик, Му тоға!..

Му-лянь пристанида тўхтаб турган улкан жонкадаги йўловчилар кемага чиққан Чжуан Му-сань билан унинг қизи Ай-гуни ана шундай хитоблар билан кутиб олишди. Баъзилар қўллари кўксиларида, ергача эгилиб таъзим қилишди. Бир зумда ён томондаги скамейкаларда тўрт кишилик жой ҳам бўшади.

Чжуан Му-сань улар билан сўрашиб бўлгач, бўшатирилган жойга ястланиб ўтирди-да, узун найли трубасини бортга суяб қўйди. Ай-гу Ба-саньнинг чап томонига келиб, ўроқ сингари «саккиз» рақамига ўхшаш қийшиқ оёқларини икки томонга ёйиб ўтирди.

— Шаҳарга кетяпсизларми, Му амаки?— деди юзи қис қичбақа косасига ўхшаш гудда-гудда йўловчилардан бири.

— Йўқ, шаҳарга эмас!— деди хижолат тортиб Му амаки. Лекин унинг ажин босган тўқ бинафша ранг юзидан бирор нарсани уқиб олиш қийин эди.

— Бу сафар биз Панчжуанга кетяпмиз,— деб қўшиб қўйди у.

Кемадагиларнинг ҳаммаси жим бўлиб гапга қулоқ сола бошлади.

— Яна ўша Ай-гунинг иши биланми?— деб сўради, бир оз сукутдан кейин Ба-сань.

— Ҳа, ҳали ҳам шунинг ташвиши. Улар бўлсам ўлиб бўлдим... Уч йилчадан буён шу жанжал. Неча бор урушиб, неча бор ярашишди! Тиниб тинчимаяпти-да.

— Энди, жаноб Вэй ҳузурига кетяпсизми?..

— Ҳа, ўша ёққа. Жаноб Вэй уларни яраштириб қўймоқчи бўлиб неча марта уриниб ҳам кўрди, лекин мен рози бўлмадим. Бунинг унга аҳамияти йўқ. Янги йил байрамида барча қариндошлар уларникига йиғилишмоқчи. Ҳатто шаҳарлик жаноб Ци ҳам келади...

— Ци жаноблари, дейсизми?!— таажжубдан Ба-саннинг кўзлари чақнаб кетди.— Наҳотки шундай обрўли киши шу ишга бош қўса? Бу дейман... Очигини айтганда ўтган йили буларнинг турмушини бузишгандаёқ, улардан хафа бўлган эдик, энди у уйга қайтиб боришнинг Ай-гу учун ҳеч қизиғи ҳам йўқ-ку!..— Чол хижолатдан кўзини ерга тикди.

— Ба-сань, ўша уйнинг қорасини кўришга ҳам тоқатим йўқ,— бош кўтариб асабий тусда деди Ай-гу.— Шунчаки уларга ўчакишиб қиялман. Ўзинг бир ўйлаб кўргин-а, бу «хўкизча» бир ёш бева жувонга айланиб мendan осонгина қутулиб кетмоқчи. «Қари хўкиз» ҳам ўғлининг қилмишларини маъқуллаб мени оиласидан ҳайдаб чиқармоқчи. Бу ишларнинг ҳаммасини улар хамирдан қил суғургандай, жўнгина бажариб қўйиша қолмоқчи! Қани жаноби Ци бу ишга қандай қараркин? Ахир у уезд бошлиғи билан апоқ-чапоқ бўлиб олиб, одамгарчиликни унутиб юборганмикин? Жаноби Ци, нуқул «ажралишгани яхши» дейишдан бошқани билмайдиган жаноби Вэйга ўхшаб бемаъни эмасдир-ку! Жаноби Цига шу йиллар орасида чеккан азобларимни батафсил гапириб бермоқчиман. Кўрамиз, ким ҳаққа-ю, ким ноҳаққа чиқаркин.

Шу гапларнинг ўзи билан қониққан Ба-сань бошқа икки-чикирларни суриштириб ҳам ўтирмади.

Овозлар тинган, фақат жонканинг тумшуғига келиб урилаётган сувнинг шалоплашигина жимликни бузарди. Чжуан Му-сань трубкасини олиб унга тамаки тўлатди. Рўпарада, Ба-сань билан ёнма-ён ўтирган бўрсикдай бир киши ички чўнтагидан чақмоқ тош олиб пилик тутатди-да, илтифот қилиб чолнинг трубкасига тутди.

— Овора бўлдингиз-да,— деб миннатдорлик билдирди, Чжуан Му-сань бош ирғаб.

— Сиз билан биринчи дафъа учрашишимиз Му-сань амаки, лекин таърифингизни жуда кўп эшитганман,— эҳтиром билан гап бошлади ҳалиги семиз киши.— Бизнинг соҳиллардаги қишлоқларда сизни танимайдиган киши бормиди? Шининг ўғли бир бева жувон атрофида парвона бўлиб қолгани ҳам ҳаммамизга аён. Ўтган йили олти ўғлингиз билан келиб, хонадонини ер билан яксон қилиб кетганингизда барча бу ишингизни маъқуллаган эди... Юқори мансабдаги уламолар билан борди-келдингиз яхши, шундай бўлгач, албатта, бирор нарсдан тап тортадиган ерингиз ҳам йўқ!..

— Сиз менинг аҳволимга тушуняпсиз,— деб, хурсанд гапга аралашди Ай-гу.— Айтгандай исмингизни ҳам билмайман, муҳтарам амаки...

— Исми-шарифим Ван Дэ-гуй,— шошиб-пишиб жавоб берди семиз киши.

— Ҳе йўқ, бе йўқ мени ташлаб кетишига асло йўл қўймайман. Ҳеч кимнинг гапига қулоқ солмайман, токи уларнинг хону монини куйдирмагунча қўймайман, шундай жанжал кўтарайки, асти қўяверинг! Вэй жанобларининг ўзлари мени неча марта уларникидан чиқиб кетишга ундадилар. Даъвомиздан воз кечсак, кўнглимизни олишликларини айтганларида отамнинг бошлари гангиб, кўзлари чақнаб кетди.

— Овозингни ўчир, ярамас,— секингина уришиб қўйди Му-сань.

— Шилар оиласи Янги йил арафасида Вэйларникига анчагина вино юборибди деб эшитдим,— деди юзи қисқичбақанинг пўстига ўхшаб кетган бир киши.

— Бунинг ишимизга таалуқли ери йўқ,— деди Ван Дэ-гуй.— Виждонли одамларни ичкилик билан йўлдан уриб бўларканми?! У ҳолда бундан яхшироқ совғалар келтириб беришса нима бўлади? Улар илмли одамлар — мабодо бирор кишининг бошига мусибат тушгудай бўлса, у ҳолда фақат шуларгина адолатли мулоҳаза юритиб виждонан ҳал қилишлари мумкин. Уларга ичимлик келтиришадими, йўқми, барибир таҳқирланганларга ён босишади, хўрланганларни ҳимоя қилишади. Ўтган йилнинг охирларида Пекиндан муҳтарам Жун қишлоғимизга қайтиб келди. У кўпни кўрган, сен билан менга ўхшаган қишлоқилардан эмас. Унинг таъбирича, матонатли Гуан хоним у ернинг энг илғор кишиси ҳисобланаркан ва...

— Ванцзяга келётганлар бўлса тушсин!— деб қичқирди қайиқчи.

Жонка аста-секин қирғоққа яқинлашиб келарди.

— Мен, мен,— деб қичқирди хўппасемиз. У шошиб-пишиб

трубкасини олди-ю, қирғоққа сакраб тушди-да, қайиқ билан бир йўналишда олға томонга йўл олди.

— Узр, узр!— дея қичқирарди у қирғоқдан бош силкитиб.

Жонкада яна жимлик бошланди. Қайиқнинг бортига ури-лаётган сувнинг шалоплаши илгаригидан кўра аниқроқ эшитила бошлади. Ба-сань мудрай бошлади. Унинг оғзи каппа-каппа очилиб, гўё рўпарасида ўтирган Ай-гунинг қинғир-қий-шиқ оёқларини ютиб юборгудай бўларди. Қайиқнинг бош томонига жойлашиб олган икки кампир минғир-минғир қилиб дуо ўқишар ва тасбиҳ ўгиришарди. Улар гоҳ Ай-гуға қарашар, гоҳо бир-бирлари билан кўз уриштиришиб, лабларини қисшарди-да, бош чайқаб қўйишарди.

Ай-гу чақнаб турган кўзларини таранг тортилган брезент соябонга тикиб хаёл сурарди. У ҳозир «ҳўкизча» билан «кекса ҳўкиз»ни буди-шудидан айириб, танг аҳволга солиш, қайтусда жанжал кўтариш лозимлиги тўғрисида бош қотираётган эди. Ҳозир у жаноб Вэйни ҳисобга олмасди, уни бори-йўғи икки марта кўрганди, холос. Деярли, кўзга ташланадиган салобати йўқ, беўхшов, пак-пакана, боши билан юзи дум-думалоқ эди. Уларнинг қишлоғида бундай одамлар сон мингта, фақат унинг чеҳраси бошқаларники сингари қора эмасди, холос.

Чжуан Му-сань аллақачонлар трубкадаги тамакини чекиб тугатган бўлса ҳам ҳамон уни хўриллатиб тортарди. У Ван-цзяндан кейинги пристан Панчжуань эканини яхши биларди. Мана шу ерданоқ, қишлоқнинг четига жойлашган Куй-син¹ тангрисининг санами кўзга ташланиб турарди. Му-сань Панчжуанда бир неча бор бўлган, бироқ Вэй жанобларидан эҳсон кўрмагандек, бу ерда ҳам эътиборга молик нарсани кўрмади. У қизининг турмуши бузилиб йиғлай-йиғлай ўз уйига кетган чоғлари куёви билан қудасининг ёмон кўргани ва улардан ўч олгани эсига тушди. Бўлиб ўтган жанжал ва маш-машалар кўз ўнгида гавдаланди. Қудасининг танбиҳини бергани ёдига тушар экан, ўз қилмишидан мамнун жилмайиб қўярди. Бу сафар ҳаммаси бошқача бўлиб кетди. Ҳозир унинг фикри-хаёли бутунича жаноби Ци билан банд эди.

Жонка тинчгина ҳамон илгарилаб борарди. Энди кампирларнинг бир меёрдаги минғир-минғири аниқроқ эшитила бошланди. Қолганлар эса Му-сань тоға ҳамда Ай-гу билан биргаликда сукутга гарқ бўлган эдилар.

— Панчжуанга етиб келдик, Му-сань амаки тушишга харакат қилаверинг.

¹ Куй-син — юлдузлар худоси, адабиёт ҳомийси.

Қайиқчининг овози ҳаммани сергаклантирди. Улар кўзларини очиб қарашган эди, рўпараларида турган Куй-син тангрисининг санамига кўзлари тушди.

Му-сань амаки қирғоққа тушди, унинг ортидин Ай-гу ҳам сакраб тушди. Улар санамни орқада қолдириб, ўттизтача хонадони босиб ўтдилар-да, кичкина кўчага бурилдилар — Вэйнинг уйи шу ерда эди. Улар ҳали анча нарида келаёти-боқ қирғоқдаги устига чодир ташлаб қўйилган тўрт қайиқни кўрган эдилар.

Дарвозаси қора лак билан бўялган ҳовлига киришлари билан уларни даҳлизга таклиф қилишди. Ҳовлида, дарвозага яқин ерга, иккита катта стол қўйилган бўлиб, унда қайиқчилар билан кекса кишилар ўтиришарди. Ай-гу уларга қарашга ботинмади. У ўтирганларга кўз қирини ташлаб ўтди-ю, булар орасида «хўқизча»нинг ҳам «қари хўқиз»нинг ҳам йўқлигига ишонч ҳосил қилди.

Хизматкорлар Му-сань билан Ай-гу ёнига гуруч ва чўмор солинган янги йил шўрвасидан келтириб қўйишди. Ай-гунинг тинчи бузилиб, ўзини қўярга жой топа олмасди. Ўзидаги бундай ҳолатнинг сабабини тушунишга ҳатто ўзи ҳам ожиз эди.

«Наҳотки Ци жаноблари уезд бошлиғи билан оға-ини тунгани учунгина одамгарчиликни унутиб қўйган бўлса?— деб ўйларди у.— Саводли одамлар адолатга ён босади-ку, ахир! Мени нима сабабдан ўн беш ёшимда эрга беришганини муфассал гапириб беришим лозим».

Янги йил таоми еб бўлинди. Ҳал қилувчи онлар яқинлашмоқда. Кўп ўтмай Ай-гу отаси билан бирга ёши анчага бориб қолган бир хизматкор бошчилигида катта залдан ўтиб, меҳмонхона эшигида тўхтади.

Меҳмонхонада чиройли нарсалар жуда кўп эди. Ай-гу уларни сянчиклаб кўриб ололмади ҳам. Меҳмонлар ҳам ниҳоятда кўп эди. Қизил, кўк шоҳи камзулчалар кўзни қамаштирарди. Шунча одамларнинг орасида ўзига зеб бериб юрган бир киши бўлиб, у шубҳасиз, жаноби Ци эди. Унинг ҳам боши, юзи дум-думалоқ, шундай бўлса ҳам жаноби. Вэйга нисбатан бир мунча истараси иссиқ эди.

Унинг юзи ойтовоқдай думалоқ, кўзлари қийиқ, лекин тим қора лаклангандек ялтироқ, сийрак мўйлови яққол кўзга ташланиб туради, тепакал боши, теп-текис юзи худди атайлаб мой суртилгандек ялт-ялт қиларди. Ай-гу нега шунчалик ялтираётганини билолмай хуноб эди. У ўйлаб-ўйлаб бошига чўчқанинг ёғини сурса керак деган хулосага келди.

— Бу марҳумлар учун тайёрланган пўкакни эслатади,— деди жаноби Ци, қўлидаги бир бўлак куйган тошга ўхшаш нарсани кўрсатиб.— Қадимлар одатда ўлган одамларнинг

барча тешик ерларини бекитишарди,— деб давом этди у ҳа-
лиги нарса билан бурнини қашлар экан.— Афсуки, бу «янги
қазилмада» топилган, лекин олсангиз арзийди... У хонлар
довридан¹ наридаги нарса эмас. Мана қаранг-а, шундоққина
«симобни шимиб олган».

Бу буюмни кўриш учун бир неча бош баробар энгашди. Бу
бошларнинг бири, шубҳасиз Вэй жанобларига тегишли эди.
Бир неча ўспиринлар бу ажиб нарсани томоша қилишга ин-
тилиб оч канадек Ци жанобларига чирмашиб олишди. Даст-
лаб Ай-гу уларни пайқамаган эди.

Ай-гу Ци жаноблари айтган сўнгги гапнинг маъносини
англолмай қолган бўлса ҳам бу фаройиботнинг нима эканини
бориб кўришга ботинолмасди. У атрофни кўздан кечириб ор-
қада, эшик ёнида деворга суялиб ўтирган «қари ҳўкиэ» би-
лан «ҳўкизча»ни кўриб қолди. Ай-гу уларга бир лаҳза кўз
ташлаган бўлса-да, уларнинг шу сўнгги ярим йил ичида анча
қаримсиқ бўлиб қолганларини сезиб улгурган эди.

«Симоб шимиган» нарсани кўраётганлар четланишди. Вэй
жаноблари уни қўлга олиб ўтирди ва бармоқлари билан сий-
паб Чжуан Му-санга ўгирилди-да, ундан:

— Иккалангиз келдинглар, холосми?— деб сўради.

— Ҳа.

— Ўғилларинг қаерда?

— Улар жуда банд.

— Виждонан айтганда,— деди Вэй жаноблари.— Янги йил
байрами кунинда сизни ташвишга солишнинг ҳожати ҳам йўқ
эди. Бу иш жудаям чўзилиб кетди-да... Шунча кўтарган
шов-шувимиз ҳам етар, дейман. Ўртадаги қарама-қаршилиқ-
ка барҳам бериш керак, ишни чалкаштириб ўтиришдан фойда
йўқ. Куёв Ай-гунинг кўнглига мойил бўлмадимиз, қайнана,
қайнатага келин манзур бўлмадимиз, яхшиси, айтганимдай
қилиб ажратиб қўя қолинг. Ўшанда маслаҳатимга кирмадин-
гиз. Мен бўлсам сизни кўндиришнинг урдасидан чиқа олма-
дим. Ўзингизга ҳам маълум, жаноб Ци анча адолатлилар. У
киши ҳам менинг фикримни маъқулладилар. У киши, ҳар икки
томон ҳам омади келмаганини тан олсин, дедилар. Борингки,
Шилар оиласи, яна ўн юан қўша қолсин, шунда, тўқсон юан
бўлар экан!— унинг бу гапига на маъқул, на йўқ деган жавоб
бўлмади.— Тўқсон юан бўлади-я!— дея давом этди жаноби
Вэй.— Агар сиз судлашиб, ҳатто император даргоҳига чик-
сангиз ҳам барибир бундан одил қарор ололмайсиз. Бу жаноб
Цининг таклифлари.

¹ Хонлар даври — бизнинг эрагача 206 йилдан янги эрanning
220 йилигача бўлган давр.

Ци жаноблари митти кўзларини йилтиратиб Чжуан Му-санга қараб-қараб қўйди-да, маъқуллагандай бош силкитди. Ай-гу ишнинг акс томонга айланаётганини сезди. Уни ҳаммадан отасининг феъли-атвори жуда ажаблантирди. Сохилда яшовчи аҳолининг деярли барчаси унинг олдида дағдағ тирарди-ку! Нега энди бу ерда индамай турибди? Мутлақо бундай қилиши керак эмас эди. Ай-гу жаноб Цининг нима демоқчи эканини яхши англаб олмаган бўлса ҳам, негадир унинг кўзига илгари хаёлига келтириб юргандек қўрқинчли эмас, адолатпарвар ва истараси иссиққина кўринди.

— Жаноби Ци — олим одамлар, у киши ҳамма ишни яхши биладилар,— деди дадиллик билан Ай Гу,— у кишини биз қишлоқилар билан тенглаштириб бўлмайди. Мен жуда қаттиқ хўрландим, бироқ арзи-додимни айтадиган кишим йўқ. Жаноби Ци бизнинг ишимизни бирёқли қилсинлар, нима десалар мен розиман. Янги келинлик вақтларимда ўзимни чўпдан ҳам паст тутиб хизматларини қилдим, расми-русумларини бекаму кўст бажардим, ҳаммаларини баробар иззат-ҳурмат қилдим. Бошданок улар менга қандайдир душманлик кўзи билан қарай бошладилар. Уларнинг менга кўрсатган жабру жафоларига ҳатто, Чжуан-куй¹ ҳам бардош бера олмасди. Сасиқ кўзан хўрозни гажиб ташлаган, қўтир ит тумшуғи билан товук хонани очиб, товукларга таїёрланган тертни еб кетган йили «хўкизча» суриштирмай-нетмай юзимга тарсаки тортиб юборди... Бу воқиа товукларга ёмон қараганим туфайли содир бўлди, деб ўйлайсизми?..

Ци жаноблари Ай-гуга тикилди.

— Гапнинг нимада экани менга-ку аён,— деди Ай-гу дадиллашиб.— Лекин бу ҳол Ци жанобларининг узоқни кўрадиган кўзларидан ҳам қочиб қутулолмайди. Негаки, доно ва маълумотли одамларнинг ақли кўп нарсага етади. Анави фоҳиша аёл унинг бош-кўзини айлантди. Мени уйдан ҳайдамоқчи бўляптилар. Йўқ, йўқ бу нарса улар ўйлаганча осонлик билан битмайди. Мени ниқоҳнинг олти удумига биноан узатишган. Эримнинг уйига никоҳ тахтиравонида олиб келишган. Қонуний хотинман. Мана шуларнинг, наҳотки, тариқча ҳам аҳамияти бўлмаса?.. Ҳали шошмай туришсин менинг совунимга кир ювишмабди!.. Судлашиш керак экан, судлашаман ҳам, ҳечқиси йўқ! Уездда иш чиқаролмасам, округга бораман...

— Буларнинг барчасидан Ци жаноблари воқиф бўлганлар,— деди Вэй жаноблари бошини кўтариб.— Агар сен ўз вақтида эсингни йиғиб олмасанг, ҳеч нарса қилолмайсан.

¹ Чжуан-куй энг бадбашара тангри бўлиб, жинларни қўрқитиш учун хонадонларнинг эшигига унинг расми осилиб қўйилади.

Нега мунча қайсарлик қиляпсан? Отанга қарагин, қандай ақлли одам-а! Сен ҳам, акаларинг ҳам бирортангиз унга ўхшамагансизлар. Хўш, судлашарсан — округга ҳам борарсан, бундан нима чиқарди? Ахир, ўйласанг-чи округдаги судялар ҳам Ци жанобларининг фикрлари билан ҳисоблашмайдилар дейсанми? Ушанда ҳам расмий иш расмий ҳал қилинади-қўяди. Яна ўша... Оҳ, ўзинг ҳам дейман...

— Унда ҳаётимни қурбон қилиб бўлса ҳам, уларнинг хо-ни-монига ўт қўяман, кулини кўкка совураман.

— Бу иш учун ҳаёт мамотдан кечиш ярамайди, — оҳиста, лекин чертиб-чертиб деди жаноби Ци. — Ҳали жуда ёшсан. Инсон андек кўнгилчан бўлмоғи керак. Халқимиз «эгилган бошни қилич кесмас» деб бекорга айтмаган. Тўғри эмасми? Бирданига ўн юан қўшиб бераман. Бу парвардигори оламнинг ҳимматидан ҳам ошиб тушади. Агар бунга ҳам рози бўлмас экансан, у ҳолда барибир қайнанаг «Уйдан чиқиб кет!» деса, кетишга мажбурсан. Сен округдангина эмас, Шанхай, Пекинга борсанг ҳам, денгиз ортидаги мамлакатларга мурожаат қилсанг ҳам шу жавобни оласан. Менга ишонманг, мана бундан сўра, у ҳозир Пекиндан келди, у ерда ажнабий тиллар ўқув юртида билим олади.

Ци жаноблари шу сўзларни деб, ияги туртиб чиққан ёш йигит томонга ўгирилди-да:

— Гапим тўғрими? — деди.

— Шак-шубҳасиз, шундай! — деди ҳалиги ияги туртиб чиққан ёш йигит икки букилиб мулозимат билан.

Ай-гу ўзини яккаланиб қолгандай ҳис қилди. Отаси миқ этмади, акалари юрак бетлаб келишмади. Вэй жаноблари доимо душманларининг ёнини олиб келади. Ци жанобларига ҳам орқа қилишнинг бефойдалиги кўриниб турибди. Ҳатто мана бу оч қанага ўхшаш ияги туртиб чиққан йигит ҳам ўшаларга ён босишнинг пайдан, «Бой бойга боқар, сув сойга оқар» деб беҳуда айтишмаган-да. Ай-гунинг боши гангиб нима деярини ҳам билмай қолди. Лекин шунга қарамай сўнгги марта дадилроқ гапиришга журъат этди:

— Наҳотки, ҳатто Ци жаноблари ҳам... — Унинг кўзларида ҳаяжон, шубҳа ҳамда умидсизлик учқунлари чақнаб турарди. — Энди ҳаммаси аён. Биз оддий саводсиз оми одамлармиз. Ҳеч нарсага ақлимиз етмайди, гўлмиз. Афсус, минг афсуски ҳатто отамнинг ҳам оддий турмуш масалаларига ақли етмайди-я, оҳ шўрлик! У қариб қолган, ақли ўтмаслашган. Шундай бўлгач, бу «қари хўкиз» билан «хўкизча»лар қўлларидан келган найрангини қилишга ҳозир. Ёмон хабар тез тарқганидек, булар ҳам барча тешикларга тез ва осонгина кириб, керакли одамларни ўзларига қаратиб ола биладилар...

— Мана ўзингиз ҳам кўриб турибсиз-ку жаноби Ци,— деб қолди тўсатдан орқада турган «хўкизча».— У шундай казоказолар олдида ҳам уялиш-нетишни билмай шаллақилик қиляпти. Уйда-ку, ҳеч кимга кун йўқ. Отамни «қари хўкиз» деса, мени ҳам «иззат» билан «хўкизча» ёйинки «нокас» дейди.

— Қайсибир фоҳиша сени ярамас дебди?— деб бақирди Ай-гу у томонга ўгирилиб. Сўнгра яна Ци жанобларига қараб давом этди:

— Мана шу кўпчилик олдида шуни айтмоқчиманки... Бу одам одабли гапириш, иззат-ҳурмат, яхши ахлоқ ҳақида оғиз очмаса ҳам бўлади. Негаки, шу кунгача унинг оғзидан бирор бамаъни гап эшитганим йўқ. Оғзидан боди кириб, шоди чиқади. Шундай ярамас сўкишлари борки, асти қўяверинг. У мени бузуқ дерди, куракда турмас гаплар билан ҳақоратларди ҳам. Ўша ярамас фоҳишага элакишиб қолгач, уругаймоғим ҳам қолмай сўка бошлади. Жаноби Ци адолат юзасидан ўзингиз ҳукм чиқаринг...

Ай-гу бир сесканиб, жим бўлди. Ци жаноблари бирдан кўзини олайтириб, бошини кўтарди, оғзига тушиб турган сийрак мўйловлари орасидан:

— Эй! Бу ёққа кел!— деган жарангли ва қатъий овоз чиқди.

Ай-гунинг юраги бир оз вақт тошдай қотиб қолди, сўнгра гупиллаб тез-тез ура бошлади. Ишнинг пачаваси чиққанини англади. Хаёлида гўё у орқага чекинаётиб, сувга тушиб кетгандай бўлди, бироқ бунинг учун ўзи айбдор.

Хонага эгнига кўк чопон, қора нимча кийган бир киши югуриб кирди. У Ци жанобларининг ёнига келибоқ, кўлини тушириб, ўзи ходадай қотди.

Бир зумда хонага сукут чўкди, ҳамма нима ҳодиса юз беришини кўтиб, жим турарди. Жаноб Цининг лаби қимирлагандай бўлди-ю, бироқ атрофда турганлар унинг нима деганини эшитмай қолишди. Якка унинг қаршисида турган ўша кишигина фаҳмлади. Олган топшириғи бошидан тешиб оёғидан чиққандай икки марта сесканиб, тик туриб қолди.

— Хўп, бўлади!— деди-ю, тисарилиб чиқиб кетди.

Ай-гу ҳозир мудҳиш бир ҳодисанинг рўй бериши муқаррар деган қарорга келган эди. Жаноби Цининг ниҳоятда баджаҳл эканини, янглишиб уни адолатли деб юрганини тушуниб етди. Мана шу янглиш тасаввури бошига бало бўлди, шунинг орқасида у эркин, қисилмасдан юрагидаги гапларини айтиб олган эди. Бу қилмишларига жуда афсусланди ва беихтиёр:

— Ци жанобларининг панд-насиҳатларига қулоқ соляпман-ку!..— деб юборди.

Ҳамманинг нафаси ичига тушиб кетган эди. Ай-гу бу гапларни эшитилар-эшитилмас айтган бўлса-да, Вэй жанобларининг диқ турган қулоғи дарҳол илиб ола қолди. У мамнун диканглади ҳам.

— Жуда тўғри!— маъқуллагандек деди у.— Ҳақиқатан ҳам Ци жаноблари жуда адолатли одам, мана ҳозир Ай-гунинг ўзи шу нарсани тушунди.— У Чжуан Му-санга ўгирилиб гапида давом этди:— Муҳтарам Му-сань қаршилик кўрсатмасанг керак. Қизинг розилик берди. Аминманки, бир йўла никоҳ гувоҳномасини ҳам ола келгандирсан, бу тўғрида сени огоҳ-лантирган эдим. Ҳозир биз бу ишни узил-кесил ҳал қиламиз.

Ай-гу отасининг белбоғида осиглик турган кармончасидан ниманидир олаётганини кўриб қолди. Ҳалиги гўдайган киши хонага қайтиб кирди-да, қора лак сурилган тошбақа нусха носқовоқни Ци жанобларига тутқазди. Чўчиб кетган Ай-гу ялт этиб отасига қаради. Бу вақт у хонтахта устида кумуш юанлар санамоқда эди.

Ци жаноблари нос қовоқдан кафтига бир чимдим нимадир солди. Сўнгра носқовоқни ҳалиги гўдайиб турган кишига қайтариб берган эди, у зинғиллаганча олиб чиқиб кетди. Ци жаноблари икки бармоғи билан кафтига солган нарсадан олиб бурнига тутди. Бурни билан лабининг устки қатлами куйганга ўхшаб сарғайиб кетди, у акса урмоқчидай бурнини жийирди.

Чжуан Му-сань ҳамон кумуш юанларни санаш билан овора эди. Вэй жаноблари ҳали саналмаган бир тўп юандан бир неча танга олиб, «қари хўкизга» қайтарди. Шундан сўнг икки томоннинг ҳам никоҳ қоғозларини алмаштирар экан шундай деди:

— Мана энди ҳар икки томон ҳам ўз-тегишингларни олдинглар, ора очик. Муҳтарам Му-сань пулингни яхшироқ сана. Ердан топсанг ҳам санаб ол деганлар.

Шу орада кимдир:

— Апчишу!— деб юборди. Ай-гу бу аксирган Ци жаноблари эканини аниқ билса ҳам, беихтиёр у томонга кўз ташлаб унинг ҳануз оғиз очиб, бурнини жийириб ўтирганини кўрди. У икки бармоғи орасида тош тиқинни ўйнар, гоҳо у билан бурнини ҳам қашлаб қўярди.

Чжуан Му-сань пулларни не машақатлар билан санаб чиқди. Шу билан никоҳ бекор қилинди. Ҳамма устидан тоғ ағдарилгандай енгил тортди. Хонадаги кескинлик ҳолат тинч, осойишта, дўстлик вазияти билан алмашинди. Ҳар икки томоннинг ҳам хайрлашиш тараддудида турганини кўрган Вэй жаноблари:

— Мана, энди яхши бўлди! Ниҳоят, бу ишдан ҳам қутулдик!— деб хитоб қилди енгиллашгандай хўрсиниб,

— Шундай қилиб,— деди у гапда давом этиб,— барча ишлар тўғрисида келишдик. Энди, сизларни табриклар, ҳар икки томонга бахт-саодат, муваффақият тилаб қолишимга ижозат берсангиз. Шундай ишқал бир ишни бартараф қилдик, десак бўлади. Ие, сиз кетмоқчи бўляпсизми? Шошмай туринг! Яна бир оз меҳмон бўлинг. Янги йил шарафига биз билан бирга қадаҳ кўтаринг. Бундай йиғилишлар онда-сонда бир бўлади.

— Йўқ, йўқ ташаккур, биз ичмаймиз. Винодон олиб кўйинглар. Қеласи йил яна келиб, ўшанда бирга ичамиз,— деди Ай-гу.

— Раҳмат, жаноби Вэй, биз ичмаймиз,— деди Чжуан Му-сань.— Хали қилинадиган ишларимиз кўп.


Чжуан Му-сань «қари ҳўкиз ва «ҳўкизча» бир-бирларига сертакаллуфлик билан таъзим қилиб эшик томон юришди.

Ҳаммадан кейинда келаётган Ай-гуни диққат билан кузатиб турган Вэй жаноблари:

— Бу нимаси? Ҳеч бўлмаса жиндай ичинг!— деди.

— Йўқ, йўқ, биз ичмаймиз,— деб жавоб берди у,— раҳмат сизга Вэй жаноблари!

1925 йил, ноябрь.







ТАЪСИРЛАНИБ

Тўртбурчакли цуннинг ярмича келадиган фил суягига бундай қараганда ҳеч нарса кўринмайди, аммо микроскоп тагига қўйиб қарасанг борми, унда ўйиб ёзилган «Орхидей шийпончаси»га сўз боши¹ деган сатрлар кўзга ташланади. Мен: шу асарни оддий кўз билан кўра оладиган қилиб квадрат футнинг ярмича келадиган ҳажмдаги суякка ўйилса бўлмасмиди?— деган хаёлга бордим. Ахир микроскоп оддий кўз илғамайдиган майда тангаларни ўрганиш учун яратилган-ку.

Чжан Учтинчи билан Ли Тўртинчи замондош. Чжан Учтинчи қадимий адабиётни ўша тилда ёзиш учун, қадимий адабиётни ёдлаб олди; Ли Тўртинчи эса қадимий адабиётни Чжан Учтинчининг асарларини ўқиш учун ўрганди. Мен ўйга толдим: ахир қадимги асарларда одамлар ўз замонларидаги ишлар тўғрисида ёзардилар. Бу асарни тушуниш учун ҳозирги тилимизга таржима қилишимиз лозим. Борди-ю вниси ҳам, буниси ҳам қадимий китобларни ёдлаш учун вақтларини кетказиб ўтирмай ҳамма тушунадиган қилиб ўзимизнинг тилимизда ёзиб қўя қолишса нима қиларди? Лекин, ўзларини шу сирни очишга бағишлаган кишилар, турган гап, дарҳол норозилик билдириб:

— Бу нимаси! Ахир бу талант-ку, бу олимлик-ку!— дейдилар.

¹ «Орхидей шийпончаси»га сўз боши— Ван Си-чжи асари (321—379).

«Хайриятки, хитойда бундай талантли ва бундай илимли кишилар кам,— деб ўйладим мен.— Агар ҳамма ҳам шундай кўзбўямачилик билан шуғулланаверса, унда деҳқон ҳам гуруч донасини оларди-да, уни микроскопнинг ёрдами билан бир пиёла гуручга айлантириб оларди; мешкоп эса бир сиқим нам ерни олиб келарди-да, ундан чой учун сув сиқиб чиқара бошларди, аммо бу, албатта ҳеч кимга маъқул бўлмас эди».

1919 йил, 15 февраль.

ЯНГИЛИК ЖАЛЛОДЛАРИ

Уста эстетларнинг фикрича, «ҳозирги замон адабий тили шунчалик хом ва дағалки, ҳатто масхара учун ҳам арзимайди»¹.

Хитойларни фақат гаплашишдан бошқасини билмайдиган жоҳил, «нодон ва қўпол» дейишнинг ўзи куракда турмайди. Мен ва менга ўхшаганларни ҳам нодон ва қўпол деб бўлмайди. Биз «ўзимиз архаик китоб тилида ўқишни билмаймиз, дағал ёзамиз, шунинг учун ҳам ҳозирги замон адабий тили учун курашамиз». Лекин, ҳаммадан ҳам ачинарли томони шундаки, ана шу эстетларнинг ўзлари «Цзинь хуа юань»² романининг қаҳрамони — «Бир идишдаги ароқ? Икки идиш? Бир хил таом? Икки хил таом?» каби сўзларни гап орасида усталик билан ишлатиб юборадиган ҳотамтойлар мамлакатадаги қаҳвахонада хизматкорлик ҳам қилмайдилар.

Эстетлар қадимий тил ҳақида оҳ урган чоғларидагина санъаткорлик қиёфасига кирадилар. Лекин, оғизларини каломга жуфтладилар дегунча, яна ўша «қўпол ва нодон» умумхалқ тили эшитилади. Тўрт юз миллионли хитой халқи гаплашаётган тилни «масхара учун ҳам арзимайди» деган киши жирканчдир!

Инсон бўла туриб жаҳон борица ўлмасликка интилиш; ерда туриб осмонга чиқишга уриниш; ҳозирда яшаш билан, ўз замонасининг ҳавосидан нафас ола туриб ҳаммани эскириб кетган илми, ер юзида йўқ кишилар илмини ўрганишга мажбур қилиш, қандай йўл билан бўлмасин ўз даврини ерга уриш — бу янгилик жаллоди бўлишдан ўзга нарса эмас. Лекин, шуни яхши билингки, ҳозирги кунни емириш билан бирга сиз, болаларимиз ва набираларимиз келгуси номусимизнинг келажагини ҳам емиряпсиз!

1919 йил, май.

¹ Қўш тирноғ ичида берилган цитаталар Лу Синь рақибларининг мақолаларидан.

² «Цзинь хуа юань» — Лу Жу-чжэн асари (1763—1830).

Мен ҳамма вақт ҳам ишончли одам бўлиб келдим. Қовоқхонада югурдак бўлиб ишладим. Нима иш буюришса қилдим. Топган бир бурда ноним она сутидай ҳалол эди. Бироқ фалокат босиб, бир неча иероглифни ўрганиб олдим, шу-шу янги маданиятнинг таъсирига берилиб, билим олгим келиб қолди.

Уша вақтларда қишлоқда эканман, чўчқалар билан қўйларга жуда ачинардим: уларга жуда қийин бўлса ҳам, деб ўйлардим, ҳар ҳолда отлар билан ҳўкизларга қараганда бўғизлашдан бошқа ишга ярайдилар-ку. Лекин чўчқалар билан қўйларнинг кўринишлари бемаъни, ўзлари ҳам ғирт аҳмоқ ўсишарди ва бундан бошқачароқ бўлишларига кишининг ақли етмасди. Шу туфайли ҳақиқатан ҳам билимнинг аҳамияти зўр, деган қарорга келиб қўйдим.

Шундай қилиб Пекинга қочиб кетдим, ўқитувчига қуллуқ қилиб ялиниб-ёлвориб мени ўқитишни илтимос қилдим. Уқитувчилардан илгари сира эшитмаган нарсаларимни билиб олдим: ер юмалоқ, содда элементлар етмишдан ортиқ, $X+Y=Z$. Буларнинг ҳаммасини ёдда сақлаб қолиш қийин бўлгани билан уларни билиш ҳам зарур эди.

Шу топдаёқ бирдан ишончим йўқолди. Нима бўлди-ю газетадан билимли бўлиш — жиноят, ифлослик... эканини ўқиб қолдим. Бир мутаассиб файласуф шундай деб ёзибди. Бу ҳазил гапми? Ахир шундай эътиборли одам билимли бўлиш — жиноят деяпти-ку. Гарчи ҳали кўп нарсани ўрганиб улгурмаган бўлсам ҳам, олган билимимнинг ўзиёқ мени ташвишга сола бошлади, ниҳоят ўқитувчимга мурожаат қилдим.

— Тфу! — деди у гапимга жавобан. — Сен дангаса экансан. Шунинг учун ҳам бемаъни гаплар айтиб юрибсан, йўқол! «Уқитувчи пулга ўч, — деб ўйладим мен, — аммо, ҳар қалай, оми яшаш тинчроқ. Афсуски ўрганганларим аллақачон миямга ўрнашиб олган, улардан бирданига халос бўлиш мушкул, билимни қанча тез унутсам, шунча яхши бўларди».

Лекин, вақт ўтган эди. Уша куни кечасиёқ дунёдан ўтдим. Ярим кечаси, ётоқхонада каравотимда ётганимда, мени олиб кетгани тирик шайтон Учан билан ўлик шайтон Снюфинлар келишди. Сира ажабланмадим — улар шаҳар ибодатхонасида турган ҳайкалларининг худди ўзгинаси эдилар. Лекин, уларнинг орқасидан келаётган иккита баҳайбат ажойиботни кўриб, қўрққанамдан дод деб юбордим: башаралари фараз қилингандек на отникига, на ҳўкизникига эмас, чўчқалар ва қўйларникига ўхшайди. Шунда менга, отлар билан ҳўкизларнинг ақлли экани аён бўлди. Билим олиб жиноят қилган кишиларнинг олдига эса башаралари чўчқаларники

билан қўйларникига ўхшайдиган шайтонларни юборишар экан... Бу фикрлар хаёлимдан ўтиб улгурмаган ҳам эдики, чўчқа башаралиси мени бир сузиб юборган эди, от-аравамни куйдиришларини кутиб ҳам ўтирмай тўппа-тўғри дўзахга ағдарилиб тушдим. Мендан олдин дўзахга тушиб чиққанлар у ернинг деворларига ҳар хил ёзувлар ва ҳикматли сўзлар осиб қўйилган дейишарди; ҳамма ёқни диққат билан кўздан кечирдим-у, бунақа нарсаларга кўзим тушмади, фақат катта хонанинг тўрида ўтирган дўзах ҳокими Яньлони кўрдим, холос. Қизиғи шу ердаки — у менинг бой қўшним Чжу Лан-вэнь бўлиб чиқди. Ахир, ҳеч ким бу дунёдан бор пулини у дунёга олиб кетмайди-ку, ҳамма ҳам ўлгандан кейин яланғоч шайтонга айланади-ку. Лекин, у қандай қилиб бу ерда ҳам шундай юқори мансабга чиқиб олди экан-а? Унинг устида «ватанпарварлик» матосига аждаҳоларнинг расмини солиб оддийгина тикилган камзул, юзи эса тўлишган эди.

— Билиминг борми?— деб сўради Лан-вэнь мендан совуқ қонлик билан.

— Йўқ...— дедим мен мутаассиб файласуфнинг гапи ёдимга тушиб.

— Йўқ — демак бор экан. Олиб кетинглар уни!

Дўзахдагилар жоҳил экан деб ўйламасимданоқ... бирдан қўйнинг шохи бир туртди-ю, ернинг қаърига кириб кетдим.

Кўзимни очиб қарасам, атрофи девор ва хандак билан ўралган шаҳарда турибман. Иморатларнинг дарвозаси қизил, томлари ям-яшил ғишт билан ёпилган. Дарвозаларнинг икки томонида, чет элдан олиб келинган бўлса керак, цементдан ишланган иккитадан шер ва биттадан ёзув бор. Ер юзидаги ҳар қайси идоранинг дарвозаси тепасига бештадан, олтидан ёзув осиб қўйилган бўларди, дўзахда эса биттагина. Кўринишдан бу ерда жой бемалолроққа ўхшайди. Бирдан дастпанжаларида темир паншаҳа тутган чўчқа тумшуқли баҳайбат махлуқ мени: «мойланган лўя устидан юриладиган кичик дўзах», деб ёзилган қандайдир бир уйга итариб юборди.

Қаршимда, жуда кенг теп-текис сайҳон жой пайдо бўлди. Бу ерга тунг мойига беланган лўялар сочиб ташланган. Сон-саноқсиз одамлар қоқилиб-йиқилиб, яна туриб дайдиб юришарди. Мен жетма-кет ўн икки марта йиқилиб, бир нечта ғурралар орттириб олдим. Эшикнинг олдида аллақандай одамларнинг шарпаси кўринди. Улардан баъзилари ўтирибди, баъзилари ётишибди. Биронтаси ҳам ўрнидан туришни хаёлига келтираётгани йўқ. Ҳаммалари ёққа беланиб кетишган бўлса ҳам, бирон ерларида ғурра кўринмасди. Силлиқ жанобларнинг биридан: ғурра қилмасликнинг иложи борми, деб сўраган эдим, минг афсусларки у индамай менга бир

қараб қўя қолди. Билмадим, балки у менинг саволимни эшитмаган ё гапимга тушунмаган бўлса ҳам эҳтимол. Ё бўлмаса мен билан гаплашгиси келмаган ёки нима деб жавоб қилишни билмаган.

Мен яна тийғаниб-туртиниб йўлимда давом этарканман йиқилаётганлардан суриштира бошладим.

— Бу билимли бўлганинг учун берилаётган жазо, ахир билимли бўлиш — жиноят, ифлослик... Ҳали ҳам биз енгил қутуляпмиз-ку, — деди улардан бири ҳансираб, нафаси қисган ҳолда. — Нодонлигингча яшайверсанг бўлмасмиди?..

— Энди ҳаракат қилиб кўраман.

— Вақт ўтди.

— Ғарбдаги медицина олимлари одамни ухлатиб қўя олади, деб эшитган эдим. Бизга укол қилиб қўйишларини сўраймиз.

— Бефойда. Мен худди ана шу ғарб медицинасини билганлигим учун ҳам шу жазони тортяпман-да, қўлимда ҳатто шприцим ҳам йўқ.

— Унда... қора доридан укол қиладиганларни ахтараман. Ахир, улар ҳам нодон-ку.

Шу гап орасида икковимиз ҳам бир неча юз марта йиқилдик. Умидсизликка тушиб ҳатто, энди йиқилишимга эътибор ҳам бермай қўйдим. Бир вақт лўяси камроқ ерга йиқилдим-у, шу заҳоти ҳушимдан кетдим...

О! Мен озодман! Дўзахнинг деворлари орқамда қолиб кетди. Бирдан ўзимни бир сайхон ерда кўрдим. Ётоқхонамизга кўзим тушиб қолди. Оёғимни аранг судраб босиб, ўша томонга йўл олдим, хотиним билан ўғлимнинг аллақачон Пекинга етиб бориб жасадим устида қон-қон йиғлашаётгани кўз олдимга келди. Жоним яна қайтиб бебаҳо танамга кирди. Мен ўрнимдан туриб ўтирдим. Улар қўрқиб кетишганидан жон ҳолатда қоча бошлашади. Лекин, бўлиб ўтган воқияни бошдан-оёқ баён қилганимдан кейингина бу сирни тушунишади-да, севиниб кетишганидан: «Қайтиб тирилди! Ё раббий!» деб бақира бошлашади.

Хаёл дарёсида шўнғиб юриб, бирдан ўзимга келдим...

Ёнимда на хотиним, на ўғлим бор, уйнинг ўртасида турган столда шам ёняпти. Ўзим ётоқхонада ётибман. Қўшни хонадаги студент театрдан қайтиб келиб: «Эй кўҳна императорлар»... деган қўшиқни хиргойи қиляпти, вақт анча кеч бўлиб қолганга ўхшайди.

Бу дунё шундай сокин ва совуқки гўё қуёш сира нур сочмаганми, деб ўйлайсан киши. «Балки ўлмагандирман ҳам?» — деб ўйладим мен.

Ундай бўлса Чжу Лан-вэнь ҳам дўзах ҳоқими Яньло қиёфасига кирмагандир.

Бу масалани қай йўсинда ҳал қилмоқ мумкин? Билим биланми? Ахир бу жинойят-ку. Яхшиси аҳиллик билан ҳал қилган маъқул.

1921 йил, 23 октябрь.

БУЮК ДЕВОР

Буюк девор! Картада сен ингичкагина йўл билан белги-лангансан-у, лекин озгина бўлса ҳам илмдан хабардор бўлган ҳар бир инсон сени яхши билади.

Сени қўндираман деб асрлар давомида қанчадан-қанча одамларнинг тухуми қуриди! Кўчманчиларнинг ҳужумидан сақлаб қолиш сенинг қўлингдан келармиди? Сенинг эски ғиштлардан қурилган баъзи нураган ерларинг янги ғиштлар билан тикланган. Сени сақлаб қолишни орзу қиладиганлар ҳам йўқ эмас. Сен эскилик ёдгорисан, шунинг учун ҳам сени емириш осон эмас!

Назаримда мени ҳам баланд девор тўрт тарафимдан қисиб ўраб олгандек. Халқимизни ҳам шу ямалган эски девор бутун дунёдан ажратиб туради.

Қачонгача сени ямаб-ясқашади!

Буюк ва лаънати девор!

1925 йил, 11 май.

ХИТОЙ РЕВОЛЮЦИОН ПРОЛЕТАР АДАБИЕТИ ВА АВАНГАРДЛАРИНИНГ ҚОНИ¹

Хитой пролетар адабиётининг куртаги янгича ҳаётга ўтишдан олдин пайдо бўлди; у жабр-зулм остида, умумнинг нафрати ва ниҳоят қора кучлар ҳукмронлиги ривожланиб авжига минган бир пайтда дўстларимизнинг қони эвазига ўзининг илк асарларини яратди.

Меҳнаткашларимиз азалдан зулм ва эксплуатацияга чидаб келишади. Уларга ҳеч ким, ҳатто, бошланғич маълумот беришни ҳам лозим кўрмаган. Ёзувимиз мураккаб, тасвири бўлгани туфайли меҳнаткашларимиз мустақил ўқиб савод чиқаришдан ожиз эдилар. Уларнинг тақдирга тан бериб ҳалок бўлишдан бўлак иложлари йўқ эди.

¹ Хитой революцион пролетар адабиёти ва авангардларининг қони номли мақола 1931 йил 7 февралдан 8 февралга ўтар кечаси 23 революционернинг отилиши муносабати билан ёзилган эди. Отилганлар орасида ёзувчилардан Бай Ман, Жоу Ши, Ху Е-пинь, Фин Кэн ва Ли Вэй-сэнлар ҳам бор эди.

Аmmo, ўқимишли ёшларимиз ўз бурчларини тушуниб етдилар. Улар халқнинг илғор отряди бўлиб, биринчи бор жанговар чақириқ ташладилар. Ёшларнинг чақириғи меҳнаткаш омманинг исёнкор шиори билан қўшилиб ҳукрон синфни даҳшатга солди. Ана шундан бошлаб айғоқчи адабиётчилар галаси ҳужумга ўтди. Баъзилари ёшлар устига турли хил иғво ёғдирсалар, баъзилари жосуслик қилишарди, лекин уларнинг ҳаммаси ҳам бурчак-бурчакда яшириниб иш жўрар, ўз номларини яшириб, бу билан ёвуз душман эканликларини яна бир бор исбот қилишарди.

Пролетар революцион адабиётини бўғиб ташлаш айғоқчилар тўдасининг қўлидан келмаслигига фаҳми етган ҳукумат эндиликда китоб ва газеталарни ман қилиш, нашриётларни ёпиш, матбуотга нисбатан йиртқишларча муносабатда бўлиш сингари ишларга тутунди. Энг қабиҳ воситалар ишга солинди: қамалиши керак бўлган ёзувчиларнинг рўйхати тuzилди. Чап лигага қарашли ёзувчиларнинг исм-шарифларини эълон қилмай туриб отиб юбориш каби ваҳшиёна қонун-қондалар қўллай бошланди. Ҳукуматнинг бу ҳаракати бир томондан унинг ўлимга маҳкум этилган ёвуз душман эканлигини тасдиқласа, иккинчи томондан хитойдаги пролетар адабиёти революцион лагерининг кучли эканлигидан далолат беради. Қисқа таржимаи ҳоллар бизга ҳалок бўлган ўртоқларимиз ҳақида ҳикоя қилади. Уларнинг ёши, матонати, айниқса қисқа вақт орасида ёзиб қолдирган асарлари шундайки, буларга биронта душман ҳам итлик қилолмади.

Ўртоқларимизнинг яширинча ўлдирилиши пролетар адабиёти учун катта йўқотиш, биз учун эса, улкан қайғу бўлди. Лекин пролетар адабиёти кенг меҳнаткашлар оммасига тааллуқлидир. Меҳнаткаш омма ҳаёт экан, у вояга етиб тобланар экан, пролетар революцион адабиёти ҳам ўсиб боради. Дўстларимиз жонларини қурбон қилиб революцион пролетар адабиёти билан революцион меҳнаткаш омманинг тақдири бир эканлигини исбот қилдилар; у ҳам ўша жабр-зулм, ўша қирғинга дучорлигини, у ҳам ўша курашни давом этдириб революцион меҳнаткаш омманинг адабиётини ўзида ифода этишини яққол кўрсатдилар.

Ҳозир милитаристларнинг ҳисоботида ҳатто олтмиш ёшли кампирларни ҳам «бидъатчи» лар қаторида ҳисобласалар, чет эл сеттльментларнинг¹ полициялари ҳатто кичкинтой ўқувчиларни ҳам доимий суратда текшириб турадилар. Бизнинг тажовузкор ҳарбий доираларимизнинг саноглиққина ай-

¹ С е т т л ь м е н т — ярим мустамлака мамлакатларда — шаҳарларнинг капиталистик давлат табақалари яшайдиган ва маҳаллий маъмуриятга бўйсунмайдиган қисми.

ғоқчилари билан империалистлардан олинган замбарак ва ўқларидан бўлак ҳеч нарсалари йўқ, уларнинг ёшлардан қатъий назар катта-кичик душманлари бор, уларнинг барча душманлари бизнинг тарафдорларимиз.

Биз курашда ҳалок бўлган дўстларимизга чуқур қайғу билдирамиз ва Хитой революцион пролетар адабиёти тарихининг биринчи саҳифалари ана шу дўстларимиз қони билан ёзилганини сира ёдимиздан чиқармаймиз. Бу саҳифалар душманларимизнинг разиллик ва жинояткорликларини абадий лаънатлаб, бизни ҳормай-толмай кураш олиб боришга ўргатди.

1931 йил.

ЛИНЬ КЭ-ДОНИНГ «СОВЕТ ИТТИФОҚИДА КЎРГАН ВА ЭШИТГАНЛАРИМ ХОТИРАСИ» КИТОБИГА СЎЗ БОШИ

Бундан ўн йилча муқаддам, бетоблик туфайли чет эл касалхонасига қатнашим лозим бўлиб қолди. Қабулхонадаги столнинг устида ётган «Die Woche» номли немис журналига кўзим тушиб қолди. Бу журналда Октябрь революциясидан кейинги Россиядаги судьялар, ўқитувчилар, ҳатто доктор ва медицина ҳамширалари қўлларида тўппонча тутган қотиллар сифатида тасвирланган эдилар. Бу революцион Россия ҳақида кўрган биринчи карикатурам эди. Унда ифодаланган бағритошлик менга кулгили туюлди.

Кейинроқ мени европалликлар билан америкаликларнинг йўл хотиралари ҳайратда қолдирди: улардан баъзилари Россияни ҳамма томондан яхши деб мақтасалар, баъзилари ёмонлашарди. Ниҳоят бу ҳақда ўзимда фикр пайдо бўлди: революция бойларга эмас, камбағалларга бахт-саодат келтирди. Камбағалларнинг тарафи бўлган сайёҳлар Россиядаги ҳаётни кўриб қойил қолишар, бойлар тарафдори бўлганлар ёса нафратланишарди.

Мен инглиз карикатурасини ҳам кўрганман. Картон қоғоздан ясаб қўйилган завод, мактаб, болалар боғчаси ўрнатилган кўча бўйлаб экскурсантларни автомобилларда олиб ўтаётганлари тасвирланган. Кўринишидан бу карикатурада Совет Иттифоқи ҳақида ижобий фикр билан қайтиб келаётган саёҳатчиларни экскурсия вақтида қандай алдашгани ифодалангандек эди.

Мен сиёсатга ҳам, экономикага ҳам унчалик чуқур тушунмайман. Лекин, СССРнинг ўтган йили экспорт қилган нефти билан буғдойи ҳақидаги маълумотга кўзим тушиб, шу муносабат билан капиталистик цивилизацияли мамлакатларда кўтарилган шов-шувни эшитдим-у, мендаги кўп йиллардан бе-

ри давом этиб келаётган иккиланиш батамом йўқолди. Қалбаки безак билан ниқобланган, халқи қотилликдан бошқага ярамайдиган бир мамлакатда ишлаб чиқариш кучлари шунчалик ривожланиши мумкин эмас эди.

Ўз-ўзидан аёнки, бу карикатураларнинг ҳаммаси ҳам қипқизил кўзбўямачиликдан иборат эди.

Афсуски, биз, хитойларнинг ожизлик томонимиз бор: бошқаларнинг яхши фазилатлари ҳақидаги ҳикояларни эшитишни унчалик ёқтирмаймиз. Бу ҳол партиядаги тозалаш¹ дан кейин айниқса кучайди. Совет Иттифоқи ва ундаги қурилишлар ҳақида оғиз очиб қолсангиз борми, сизни ўша заҳоти тескари ташвиқот қилади ёки руслардан пул олиб туради, деб гумон қилишади. «Ташвиқот» деган сўзининг ўзи Хитойда шунчалик бадном бўлганки, ҳатто ўз маъносини ҳам йўқотиб қўйган. Ҳамма бузилган ҳаводан ҳам тез йўқолиб кетадиган бойларнинг қандайдир очиқ телеграммаларига, қандайдир жамиятларнинг манифестига, қандайдир машҳур кишиларнинг суҳбатига ўрганиб қолган. Шу тариқа бошқа мамлакатларнинг афзалликлари, ёрқин келажаги тўғрисидаги ҳар бир асар ёлғон ҳисобланиб, «ташвиқот» сўзи эса шахсий бойликни ошириш йўлида битмас-туганмас тухматнинг символи бўлиб қолди.

Ҳозирги Хитойда юқоридан бўлган буйруқ ёки ҳукуматнинг рухсати билан бундай асарлар ҳеч қандай қаршиликсиз тарқатилмоқда, лекин унинг ўқувчилари жуда кам. Ахир ташвиқот ўша заҳоти, ё бўлмаса кейинроқ бўлса ҳамки, ишқилиб факт билан тасдиқлансагина ташвиқот бўлиб қолади. Фактлар эса Хитойда ҳозир олиб борилаётган ташвиқотнинг ёлғонлигини кўрсатиб турибди. Ҳаммадан ҳам ёмон томони шундаки, бу ташвиқот матбуотга нисбатан ишончсизлик уйғотмоқда, қолаверса, кишиларни бутунлай ўқимай қўйишга жазм қилдирыпти. Ҳатто мен ҳам газеталарнинг сарлавҳаларига кўзим тушиши билан эснай бошлайман. Чунки босилган хабарлар қандайдир ўтмишдаги ва ҳозирдаги уч марказ ҳашаматининг тасвири, шимол билан жанубдаги марказларда пайдо бўлган қандайдир янги кўтаринки руҳ ҳақидаги бўлмағур маълумотлардан иборат; шуларни кўрганингдан кейин саёҳатчиларнинг хотираларини варақлаб чиқишга бўлган қизиқишинг қолмайди.

Лекин, бу йил бир неча китобни охиригача бемалол ўқиб чиқишга муяссар бўлдим. Булардан бири Ху Юй-чжиннинг «Москва таассуротлари», иккинчиси ана шу «Хотиралар». По-

¹ Партиядаги тозалаш — 1927 йил 12 апрелда Чан Кай-шиннинг контрреволюцион тўнтаришидан кейин коммунистларнинг отилиши назарда тутилади.

йинтар-сойинтар ёзилган қўл ёзмани ўқишга анча қийналсам ҳам «ўз ризқини жисмоний меҳнатдан топиб ейдиган» ишчи-ёзувчининг таассуротлари билан танишишга қизиққанлигим учун қўл ёзмани охиригача ўқиб чиқдим.

Автор ўз китобида худди энг яқин дўсти билан суҳбатлашаётгандек, содда ҳикоя қилади. У чиройли сўзлар, дудмал, баландпарвоз иборалардан қочади; баъзи ўринларда қуруқ баёнчиликка ўтиб бу худди жадвалга бериладиган изоҳга ўхшаса-да, китоб автори содда ва камтарин бўлганлигидан, китоби ҳам анча содда чиққан. У Совет Иттифоқининг энг оддий ерларида бўлиб, оддий кишиларни кўрган. У ерда ҳамма нарса инсон туйғусига мос, улар ҳақиқий инсондай ҳаёт кечирадилар. Бунинг ажойиб-ғаройиблик ери йўқ. Шубҳасиз бундай китоб ғалати нарсалар, ажойиботларга берилиб кетган кишиларнинг ҳафсаласини пир қилади. Ҳақиқатни пардозланмаган ҳолда билишни истаган кишилар учун эса, бу китоб жуда қимматли.

Капиталистик цивилизация мамлакатларининг нима учун СССРга ҳужум қилмоқчи эканликлари китобдан яққол кўриниб турибди. Ишчи-деҳқонларнинг инсонга ўхшаб ҳаёт кечиришлари капиталист ва помешчикларга ёқмайди. Улар бутун дунё меҳнаткашлари учун ўрнак бўлишга қодир бўлган бу тузумни тезроқ йўқ қилиб юборишга интиладилар. Совет Иттифоқига қанчалик ўрганганлари сари, капиталистларнинг ваҳмаси шунчалик ортади.

Пекинда бундан беш-олти йил муқаддам, Кантонда қип-яланғоч одамларнинг намоёнлиги бўлибди, деган гап тарқалади, кейинчалик ҳам шундақа демонстрация Нанкин билан Шанхайда Ханькоу¹ да ҳам бўлиб ўтибди, деган миш-мишлар тарқалди. Бу иғводан мақсад рақибни ғайри табиий қилиб кўрсатиш эди. Лекин, бу китобда айтилишича Совет Иттифоқи ўз рақибларининг бутун умидларини пучга чиқарибди. У ерда «ғайри табиий» кўринадиган ҳеч нарса: на хотинларни умумлаштириш, на отларни ўлдириш, на қип-яланғоч одамлар иштироки билан намоёнлишлар ўтказиш йўқ. Аксинча у ерда: империя, хусусий мулкчилик, дин, расм бўлиб қолган ахлоқ, ошна-оғайнигарчилик — бутун муқаддас ва даҳлсиз нарсалар худди ахлат каби чиқариб ташланиб, ўрнига бўғилиб ётган, илгарилари сира кўрилмаган ижтимоий тузум бунёдга келибди. У ерда юз миллионлаб инсонлар ўз тақдирларига ўзлари эга бўлганлар. Бундай оддий, расмий ишларни «қатл этилиши лозим бўлган қароқчилар»гина қила олиши мумкин.

Линь Кэ-до Совет Иттифоқига Октябрь революцияси ға-

¹ Канто. Ханькоу — 1224—27 йилда революцион марказ бўлган шаҳарлар.

лаба қозонганидан сўнг ўн йил ўтгач борган. Шунинг учун ҳам у бизга асосан халқнинг сабот-матонати, чидамлилиги, жасурлиги ва меҳнатдаги жанбозликлари ҳақида гапириб, уларнинг шундай ҳаётга эришиш йўлида олиб борган оғир курашлари ҳақида эса қисқагина тўхталиб ўтган. Бу, албатта, бошқа бир китобнинг вазифаси, ахир ҳаммасини битта авторнинг ўзига юклаб қўйиш мумкин эмас-да. Уқувчилар масаланинг бу томонини ёдларидан чиқармасликлари керак. Ҳинд «Сутро притч»нинг маслаҳатига кўра: «Баланд қаср қуришни истасанг — ишни пойдевордан бошла». Притча бу гапни қасрни муаллақ ҳолда қуришни мўлжаллаган одамга қарата айтган эди.

Линь Кэ-донинг китобини тўла ўқиб чиқдим ва унинг Совет Иттифоқининг афзалликлари тўғрисидаги ҳикояларига ишондим. Ишонишимга бошқа далиллар ҳам бор эди: бундан ўн йил муқаддам СССР даги даҳшатлар ҳақида жар солган маърифатли мамлакатнинг кишилари эндиликда ўтган йили Совет Иттифоқидан чет мамлакатларга чиқарилган нефть билан буғдойнинг ҳажми ҳақидаги рақамларни эшитиб қўрққанларидан юраклари орқаларига тортиб кетди. Яна бир инкор этиб бўлмайдиган далил: ўша маърифатли мамлакатларнинг кишилари Хитойнинг қонини сўриб ётибди, унинг ерларини босиб олиб, халқни қириб ташляпти. Улар — машҳур фирибгарлар. Бордию шундай кишилар Совет Иттифоқига нисбатан бўҳтонлар ёғдириб, унга ҳужум қилмоқчи бўлар эканлар — бу Совет Иттифоқида ҳаёт гуллаб-яшнаган деган гап. Бу фикримни Линь Кэ-донинг китоби ҳам тасдиқлайди.

1932 йил, 20 апрель, Шанхай, Чапей.

ЭНДИ БИЗНИ АЛДАЙ ОЛМАЙДИЛАР

Империалистларнинг Совет Иттифоқига ҳужум қилишлари турган гап. У ерда ҳаёт фаровонлашиб борган сари, империалистлар урушга шунчалик шошқалоқлик билан тайёрлик кўрадилару, шу билан ўзларига тезроқ гўр ҳам қазийдилар.

Империалистлар ва уларнинг малайлари бизни кўпдан бери алдаб келадилар. Октябрь революциясидан кейин уларнинг ҳаммаси СССРдаги одамларнинг қашшоқлашиб кетаётгани, у ерда ҳукм сураётган қаттиққўлликлар, маданиятнинг емирилаётгани ҳақида роса жар солишган эди. Фактлар нимани кўрсатаётибди? Совет Иттифоқининг экспорт қилган нефти билан буғдойининг ўзиёқ бутун дунёни қойил қолдиргани өнг яхши далил эмасми? СССРнинг ошкора душманлари саноат партияси бошлиқларининг фақат ўн йил қамоқ жазосига ҳукм қилинганлари ҳам далил эмасми? Ленинград билан Москвадаги кутубхона ва музейлар куйдириб юборил-

ган деб тарқатилган қип-қизил игво далил эмасми? Бутун Фарбий Европа ва Шарқий Осиёда Серафимович, Фадеев, Шолохов, Гладков, Сайфуллина каби ёзувчиларни мақтаб, уларнинг номи ҳурмат билан тилга олинishi далил эмасми? Мен ўзим айтарли санъатшунос бўлмасам ҳам К. Уманскийнинг айтишига қараганда, 1919 йилнинг ўзидаёқ Москвада йигирмата, Ленинградда иккита («Neue Kunst in Russland») виставка мавжуд экан. Ҳозирги кунда бу соҳанинг қанчалик ўсиб, ривожланганини тасаввур қилиш унчалик қийин бўл-маса керак.

Лекин, туҳматчилар сурбет ва айёрдирлар. Сирлари фош бўлди дегунча, дарров ўзларини панага оладилар-ку, ўрни-ларига янгилари пайдо бўлади.

Яқинда Америка Қўшма Штатларида маблағ ривожланти-риш истиқболлари тўғрисидаги брошюрани ўқиб қолдим. Брошюранинг сўз бошисида Совет Иттифоқида оммабоп моллар учун ҳали ҳам узундан-узоқ навбатга турадилар деган маълумот берилади. Брошюранинг автори гўё шу навбат-нинг охирида туриб қолган одамларга раҳми келиб, уларга ачингандай бўлади.

Эҳтимол, у ерда ҳали ҳам навбатда турувчилар борлиги ростдир. Совет Иттифоқи ҳозир қурилиш ишлари билан банд. Бунинг устига империалистик қуршов шароитида иш олиб боряпти. Бундай шароитда ҳали кўп нарсаларнинг етишмас-лиги табиий. Шу билан бир қаторда биз бошқа мамлакатлар-да ишсизларнинг узундан-узоқ навбати, очлик ва яланғочлик-ка томон сурилиб бораётганини ҳам эшитиб турибмиз. Тош-қиндан, граждандар урушидан, агрессиянинг шармандаларча мағлубиятга учрашидан шафқатсиз эксплуатация исканжаси-га тушиб қолиб, азоб чекаётган Хитой халқи ҳам узундан-узоқ навбат билан ҳалокатга томон бораётганини ҳам биламиз.

Империалистлар ва уларнинг малайлари эса, СССРда ҳаёт оғир деб жар солишади. Гўё улар дарров жаннат пайдо бўлиб, ҳар бир совет кишиси ўз бахти билан қувонишини кутишгану, лекин улар кутгандай бўлиб чиқмаганига ҳафса-лалари пир бўлиб, энди кўз ёши тўкаётгандай. Ҳақиқатга кўчганда бу шайтонлик кўз ёшисидир!

Уларнинг ҳақиқий башараларини билиб олиш қийин эмас-у, лекин улар дарров сендан ўч олишга тутинадилар!

Улар жазолашади ҳам, алдашади ҳам. Адолат, инсонпар-варлик сингари балаздпарвоз гаплар осмони-фалакка кўта-рилади. Империалистлар жаҳон уруши йилларида шовқин-сурон кўтариб, бизнинг кўпчилик меҳнаткашларимизни ал-даб-сулдаб фронтнинг олдинги қатори, яъни ўлимга олиб кетганлари ҳали эсимиздан чиққани йўқ. Пекининг Марка-зий паркига «адолат галабаси» муносабати билан аҳмақона

ва кулгили ҳайкал ўрнатилгани (кейинчалик бунинг ўрнига бошқа ҳайкал қўйилди) ҳали эсимиздан чиққанича йўқ. Ҳали ёдимизда,— бу атиги ўн олти йил муқаддам рўй берган эди. Қани энди уларнинг адолати?

Бизнинг ҳавасимиз империалистлар ва малайларининг ҳавасига тамоман зиддир. Биз чеккан азоб улар учун бойлик. Демак, уларнинг душмани бизнинг дўстимиз. Империалистлар ва малайларининг умри борган сари тугаб бормоқда, улар борган сари тубанликка юз тутмоқдалар, ҳалокатдан сақланиб қолиш учун эса, улар Совет Иттифоқини қоралаганлари-қоралаган. Ўз манфур ниятларини амалга ошириш йўлида ҳар қандай ифлосликдан: иғводан ҳам, лаънатлашдан ҳам, ўчакишишдан ҳам қайтмаяптилар, лекин ҳеч қандай натижа чиқмаяпти. Уруш бошлашдан ўзга чора қолмади. Улар Совет Иттифоқини йўқ қилиб юборишсагина хотиржам ухлаша олади. Биз нима қилайлик? Уларнинг ўша алаҳсирашларига қулоқ солиб ўтираверайликми?

Бир вақтлар донг таратган бир мухбир: «СССРда диктатура пролетариатники, зиёлилар эса оч, ўлимга маҳкум этилган», деб мени огоҳлантирган эди. Бу гапни эшитиб уйқумни йўқотиб қўймаганимга ҳайронман!

Ахир диктатуранинг ўзи синфсиз жамиятга олиб бормайдими? Фақат совет халқига халақит берилмаса бас — улар тезроқ яхши натижаларни қўлга киритиб, синфларни йўқотадилар, шунда ҳеч ким «очдан ўлмайди». Тўғри, маълум вақтларга қадар навбатда турмай илож йўқдир-у, лекин ҳар қалай ғалабага тезроқ эришадилар.

Агар империалистларнинг қуллари уришишни истар эканлар, унда марҳамат қилиб уришга ўзлари (!) ўз хўжайинлари билан бирга бораверсинлар. Биз Совет Иттифоқига ҳужум қилинишига қаршимиз. Биз Совет Иттифоқига ҳужум қиладиган қора кучларни йўқотиш учун курашамиз. Улар қанчалик чиройли сўзлар гапириб, адолат пардаси орқасига яширинмасинлар, барибир бизни ўз томонларига торта олмайдилар.

Бизнинг ҳаётдаги йўлимиз шундай, шундан ўзга эмас.

1932 йил, 6 май.

ХИТОЙ БИЛАН РОССИЯ УРТАСИДАГИ АДАБИЙ АЛОҚАНИ ТАБРИКЛАЙМАН

Бундан ўн беш йил муқаддам Ғарбий Европанинг маданийлашган давлатлари Россияни ярим ваҳший давлат деб ҳисоблардилар. Худди ана шу мамлакатнинг адабиёти дунё адабиёти устидан ғолиб чиқди. Сўнгги ўн беш йил мобайнида империалистлар Совет Иттифоқига нисбатан ёвуз душман деб қараб келдилар-у, лекин шу мамлакатнинг адабиёти бу-

тун дунё адабиёти устидан ғолиб чиқди. Бу адабиётнинг ютуғи шундаки, у ўзининг ажойиб мазмуни ва бадиий маҳорати билан кенг ўқувчилар оммасини ўзига жалб этди ва жуда катта фойда келтирди.

Хитой ўқувчилари ҳам четда қолмадилар. Бир вақтлар Лян Ци-чао (1873—1929) нашр этадиган «Ши у бао» номли газетада босилган «Шерлок Холмснинг саргузаштлари»ни ўқиганмиз, кейинроқ «Янги повест» журнали орқали Жюль Верннинг «Ернинг марказига саёҳат» номли илмий романидаги ажойиб саргузаштлар билан танишганмиз. Линь Циньнань (1852—1924) Райдер Хаггарднинг кўплаб асарларини таржима қилган. Бу таржималардан биз нозиккина лондонлик хонимлар ва африкалик ёввойи одамларнинг муъжизалари тўғрисида маълумотга эга бўлдик. Аммо, ўша пайтларда рус адабиётининг, баъзи бида туриб билимини ҳаммадан яширадиган билимдонларини ҳисобга олмаганда, ҳали ҳеч ким билмас эди. Лекин, рус адабиётига анчагина қизиқиш пайдо бўлди. Уша йиллардаги революцион ёшларимиз орасида ёш рус революционерлари ҳақидаги гапларни эшитмаганлар топилармиди? Жасур террорчилар тўғрисидаги гапларни ким эшитмаган дейсиз?

Гарчи Софья Перовскаяни кўпчилик фақат гўзал, латофатли аёл сифатида таниса, хитой ёшлари уни унутганлари йўқ. Хитой асарларида Софьянинг исми ҳалигача тез-тез учраб турарди.

XIX асрнинг охирларида рус адабиёти, айниқса Достоевский билан Толстойнинг асарлари немис адабиётига жуда катта таъсир кўрсатди-ю, лекин хитойгача етиб келмади, чунки ўша вақтларда бизда немис тили деярли ўрганилмас эди. Асосан инглиз ва америкалик империалистлар билан алоқа қилиб туриларди. Лекин, улар ёшларимизни ҳиндилар учун Рама ва Кришна диалоглари асосида тузилган дарслик юзасидан ўқитардилар. Шу дарсликнинг ўзиёқ бизга Достоевский, Тургенев, Толстой, Чеховларнинг инглиз тилига таржима қилинган танланган асарлари билан танишиш имкониятини берди. Айғоқчи ва авантюристларнинг саргузаштлари, англия хонимлари, африкалик негрлар ҳақидаги эртақлар ўзига тўқ, хотиржам ва маст кишиларнинггина асабини қитиқлаши мумкин эди. Лекин, ёшларимизнинг бир қисми зулмнинг нималигини билиб олишган эди. Уларга бундай асабни қитиқловчи асарларнинг зарураги йўқ эди, улар янги, тўғри йўлни топиб олиш иштиёқида ёнардилар. Шунда улар ниҳоят, рус адабиётини топиб олишди.

Ёшларимиз рус адабиёти бизга ўқитувчи ва дўст эканини тушундилар. Рус адабиёти бизга эзилган кишининг ажойиб қалби, унинг чеккан азоб-уқубатлари ва курашини очиб бер-

ди; ана шу қирқинчи йилларда яратилган асарларни ўқир эканмиз, қалбимизда умид учқунлари пайдо бўлди. Биз олтмишинчи йилларда яратилган асар қаҳрамонлари билан биргалашиб қайғурдик. Россия империясининг Хитойга нисбатан агрессив сиёсат олиб борганини билардик, албатта. Лекин, биз унинг адабиётидан муҳим бир нарсани, дунёда икки синф — эзувчилар ва эзилувчилар синфи бор эканлигини билиб олдик!

Ҳозирда бу шунчалик маълум нарсаки, ҳатто энди у тўғрида гап юритиб ўтиришнинг ҳам ҳожати қолмади. Бироқ, ўша вақтларда бу ҳол ибтидоий даврда кишилар овқат пишириб ейишни энди ўрганганларида оловни кашф этиш, қоронғи кечани ёруғ аланга билан ёритиб юборишдай, улуғ кашфиёт эди.

Хитойда рус адабиёти пайдо бўла бошлади. Бу адабиёт ўқувчилар томонидан қизиқиш билан севиб ўқилди, у ҳам кенг тарқала борди. Алоҳида китобларни санаб ўтирмай «Рус драмалари тўплами», «Ҳикоялар ойлиги» журнаliga қўшимча тарзда «Рус адабиётини ўрганишга доир», «Мазлум халқлар адабиёти»нинг икки нашри каби салмоқли томлар таржимаси устида тўхташимнинг ўзи кифоя. Рус адабиёти бизда кичик, мазлум халқлар адабиётидан таржима қилинган асарларнинг ҳам пайдо бўлишига сабаб бўлди.

Шунда олим кишилар билан қалами заиф, доим бемаза асар яратувчилар ҳаракатга тушиб қолишди. Улардан баъзилари «юксак» поэзия талаб қилиб, паст табақадан чиққан қаҳрамонлардан юзларини ўгирдилар. Бошқалар эса ижодни ифбатли қизлар билан таққослаб, таржимонларни «совчи хотин» ларга тенглаштиришар ва таржимадан таржима қилишга жон-жаҳдлари билан қарши чиқишарди. Тўғри, ўша вақтларда «Рус драмалари тўплами»дан бўлак ҳамма рус асарлари бошқа тиллардан таржима қилинган эди.

Лекин, рус адабиёти пайдо бўлиш ва кенгроқ тарқалишда давом этарди.

Биз борган сари кўпроқ эзувчиларни таниб борардик. Леонид Андреев асарларидан қўрқув, даҳшат нималигини, Арцибашевдан умидсизлик ва тушқунликни, Короленкодан эса инсонпарварликни, Горькийдан курашишни ўргандик. Ўқувчилар оммасининг уларга бўлган қизиқиши ва жўшқин муҳаббатини қора кўнгилли эзувчиларнинг бўҳтондан иборат асарлари ҳам яшириб қола олмадилар. Рус адабиётининг букукчи, Жон Мансфельд олдида тиз чўкадиган жанобларни Тургеневнинг «Оталар ва болалар» романини таржима қилиш, «Совчи хотинлар»ни инкор этган эзувчиларни эса, Толстойнинг «Уруш ва тинчлик» романини таржима қилишга мажбур қилди.

Албатта, бу давр ичида ривоятчи беъмани ёзувчилар, олим кишилар ва полиция искавучлари билан безорилар кучи уюшмасининг жазо бериш учун юришлари давом этаётган эди. Таржимонлар устига турли-туман айблар ёғила бошлади, уларни «ишдан чиққан бонг», «сотқин», Совет Иттифоқидан ёрдам олиб турадиган «коммунистлар» деб ҳам аташди. Бундай ҳақоратлар билан бир қаторда китоблар ман қилиниб, мусодара этилиб ҳам борди. Лекин, бу китоблар яширин сақланар, ҳужжатларни ҳам топиш осон эмас эди.

Рус адабиёти эса, ҳамон пайдо бўлиш ва кенгроқ тарқалишда давом этаверди.

Муссолини билан Гитлернинг таржимаи ҳолини таржима қилишни истаганлар топилади-ю, лекин ҳеч ким на ҳозирги Германиядан, на ҳозирги Италиядан биронта ҳам салмоқдор фашистик китоб топа олмади. «Урушдан кейин» романида фашистик белги йўқ. «Ўликлар ғалабаси» эса ёлғиз ўликлар билангина фахрлана оларди.

Рус адабиёти эса борган сари кўпроқ тарқалиб борарди. Совет асарларидан Либединскийнинг «Ҳафта», Гладковнинг «Цемент», Фадеевнинг «Тор-мор», Серафимовичнинг «Темир оқим» асарлари аллақачон бизнинг тилимизга таржима қилиниб бўлинган эди. Булардан ташқари яна кўпгина повесть ва ҳикоялар ҳам таржима қилинган эди. Беъмани ёзувчиларнинг очикдан-очик ва яширин қаршиликларига қарамай, рус асарлари ўқувчилар оммасига тез етиб борар ҳамда бизга революциянинг азоб уқубатлари ва бахти, урушнинг даҳшати ва тинч ижодий меҳнатнинг лаззатлари ҳақида ҳикоя қиларди.

Бундан бир ой муқаддам Совет Иттифоқи билан дипломатик алоқанинг тикланиши муносабати билан «жамоатчилик фикри» тўсатдан ўзгариб кетди: кечаги иблис бугун хайрли дўстга айланиб қолди. Айрим газеталарда унинг «баъзи бир» афзалликлари ҳақидаги мақолалар пайдо бўлиб қолди, уларнинг баъзиларида гап бадий адабиётга ҳам бир оз тақалиб ўтарди. Лекин, беъмани асар яратадиган кучсиз ёзувчилар ўз табрикларини шу муносабат билан юбораётганлари йўқ. Ичи қора одам чўкиб, сув уни тамоман кўмиб кетаётганида, у тўғри келган нарсага, ҳатто «синиқ бонг»ми, «ёрилган дўмбира»ми, унисига қараб ўтирмай бир ёпишиб кўради. Борди-ю толеига бир амаллаб чиқиб олса ҳам, у барибир ичи қоралигича қолаверади. Мана биринчи дуч келган мисолни олиб кўрайлик. Шанхайнинг «Шэнь бао» деган «йирик» газетаси 1932 йилнинг 28 декабрида оғизнинг танобини қочириб СССРга яхши ният билан Миссия юборилаётгани ҳақида маълум қилди, ваҳоланки, бундан бир кунгина илгари ўз саҳифасида Линь Кэ-донинг

«Совет Иттифоқида кўрган ва эшитганларим хотираси» китобини «реакцион» деб атаган эди.

Совет Иттифоқи билан Хитой ўртасида маданий алоқа Англия билан Францияга қараганда кейинроқ боғланди, лекин шундай бўлса ҳам кейинги ўн йил ичида совет адабиётига бўлган қизиқиш бўшашмади. Биз ана шуни табриклашимиз лозим. Дипломатик алоқалар бузилиши ҳам, тикланиши ҳам, таржималарни нашр қилишга рухсат берилиши ҳам, таъқиқланиши ҳам мумкин. Лекин, дипломатик алоқаларнинг бузилиши, китобларнинг тақиқланишига қарамай, ўқувчилар оммасининг рус адабиётига эътибори, қизиқиши, борган сари ўсиб борди. Бундан кўриниб турибдики, ўқувчиларимиз Россияга ўзибўларчилик нуқтаи назаридан қараётгани йўқ. Бизнинг китобхон зулмат ичида дайдиб юрган бўлса ҳам, ўзининг улкан қора тупроқли ерида нималар ўсади ва нималар ўсиб келаётганини аллақачонлар билиб олган. Биз унинг бошидан кечган азоб-уқубатларига, изланишларига, қаршилиқ кўрсатиши ва курашига, революция қилиш ва курашишига, қуриши ва курашишига ҳамда ғалаба қозонишига тажрибада синаб ишондик.

Ҳозирда Англияда Бернард Шоу, Францияда Ромэн Роллан Совет Иттифоқининг дўстлари. Бу шу дегаң сўзки, бизнинг Совет Иттифоқи билан узлуксиз олиб борган маданий алоқамиз Хитойнинг бутун дунё билан маданий алоқа қилишига йўл очиб берди.

Биз худди ана шуни табриклашимиз лозим.

1932 йил, 30 декабрь.

ҚАЙ ТАРЗДА ЁЗА БОШЛАГАНИМ ҲАҚИДА

Нима мақсадда ёза бошлаганимни «Наъра» тўпламинга ёзилган сўз бошида қисқа бўлса ҳам айтиб ўтган эдим. Бу ўринда ўшани бир оз тўлдириб ўтиш керак бўлади.

Адабиёт билан шуғуллана бошлаган чоғимда, унга муносабатим ҳозирдагига нисбатан бошқача эди: ҳикоя шаклидаги проза Хитойда адабиёт ҳисобланмас, авторларини ҳам ҳеч ким ёзувчи деб атамас эди. Улардан биронтаси ҳам бу соҳада ном қозонишни хаёлига келтирмасди. Мен ҳам ўз олдимга бадий прозани «адабий Олимп»¹ даражасига кўтаришни мақсад қилиб қўйган эмас эдим, шу йўл ёрдамида жамиятни тузатишни ўйлардим, холос.

Ушанда маньчжур монархиясининг емирилганлиги ҳақида оташин нутқлар айтилиб юрган кезлар эди. Ешларнинг

¹ Олимп — қадимги грек афсоналарида тангрилар турадиган тоғ.

бир қисми дидига яқинроқ яъни курашга чақирувчи ёзувчиларнинг асарларини ўқирди. Мен ёзишни орзу қилмасам ҳам, Хитойни чет эл адабиёти билан таништиришга ҳаракат қилардим. Мен кўпроқ мазлум халқлар ёзувчиларининг ҳикояларини таржима қилардим. Мен «Ҳикояни қандай ёзиш керак» деган тайёр рецептли китобчаларга қарамасдим. Лекин, ўқишга қизиққанлигимдан бўлмаса ҳам материал ахтариб жуда кўп китобларни ўқиб чиқдим. Адабиёт тарихи ва айрим ёзувчилар тўғрисида ёзилган танқидий асарларни улар қандай одамлар экан, дунёқараши қанақа, уни Хитой халқига таништириш лозим бўлармикан деган мақсадда ўқиб чиқдим. Буни мен, албатта илмий текшириш юзасидан қилганим йўқ. Курашга чорловчи асарларни ахтариш сўзсиз мени Шарқий Европага олиб келди. Мен кўпроқ рус, поляк ва Болқондаги кичик мамлакатлар адабиётини ўқир эдим. Ҳинд ва Миср авторларининг асарларини роса ахтардим-у, лекин топа олмадим. Ўша вақтларда менинг энг севимли ёзувчиларим Гоголь ва Сенкевич эди. Япон ёзувчиларидан Нацуме Сосеки¹ ва Мори Огай² асарларини ҳам иштиёқ билан ўқирдим.

Ватанимга қайтиб келганимдан кейин³ маърифат соҳасида ишладим ва ўқиш учун сира вақтим бўлмади. Шу йўсинда беш-олти йил ўтиб кетди. Адабиёт билан қайта шуғуллана бошлаганлигимнинг сабабини гапириб ўтирсам ҳам бўлади, чунки бу тўғрида «наъра» тўпламининг сўз бошисида айтиб ўтганман.

Пекинда ҳамқишлоқларимникида яшай бошладим. Менда мақола ёзгани на дарслик ва на таржима қилиш учун оригинал китоблар бор эди. Шунинг учун ҳам ҳикояга ўхшаш нарсаларимни ўзимда ёзувчилик таланти бор деб билганимдан эмас, балки қай тариқа бўлса ҳам ўз бурчимни адо этиш мақсадида ёза бошлаган эдим. Бадий ижод билан шуғулланган чоғимда тайёрлигим йўқ эди. Бор бойлигим илгарилари ўқиганим юзлаб чет эл китоблари-ю, бир оз олган тиббий маълумотларимдан иборат эди.

«Янги замон ёшлари» редакцияси мени доим шоширгани шоширган эди. Бир неча бор қистаганларидан кейингина бирон нарса ёзиб берардим. «Тентакнинг кундалиги» ана шундай яратилган.

Табиийки, ёзувчи қандай бўлмасин аниқ бир дунёқарашга эга бўлиши лозим. Масалан гап нима учун ёзиш кераклиги устида борар экан, мен ҳали ҳам бўлса бундан ўн йил

¹ Нацуме Сосеки (1867—1916) — машҳур япон ёзувчиси.

² Мори Огай — машҳур япон ёзувчиси.

³ Ватанимга қайтиб келганимдан кейин — 1909 йил.

илгариги фикрим — «маърифатпарварлик нуқтаи назари» да тураман ва яшаш учун, шу ҳаётни яхшилашга хизмат қилиш керак, деб биламан. Бадиий прозани «бекорчи китоблар» қаторида ҳисоблаган кишиларни бутун вужудим билан ёмон кўраман, «Санъат санъат учун» деган шиорни эса «Овунчоқ» адабиётнинг янгича номи деб ҳисоблайман, холос. Материални мен кўпинча бетоб жамиятнинг бахтсиз кишилари орасидан оламан. Бундан мақсадим жамиятнинг касалини кўрсатиш билан ҳамманинг диққат эътиборини унга жалб қилиш ва даволаш. Кўлимдан келганича сергапликдан қочаман, иккинчи даражали нарсалар устида эса мумкин қадар тўхтамасликка ва ўз фикримни иложи борица тўлароқ ифодалашга ҳаракат қиламан.

Хитойнинг қадимий драмаларида декорация бўлмаган. Янги йил олдидан болалар учун сотиладиган рангба-ранг расмларда ҳам фақат асосий қаҳрамоннинг ўзи тасвирланарди (ҳозирги замон расмларидагина фон берилади). Менинг асарларимга ҳам фоннинг керак эмаслигига ишонаман, шунинг учун ҳам табиат манзараларини тасвирлаб, узундан-узоқ диалоглар бериб ўтирмайман.

Асарни ёзиб тамомлагач, уни бир-икки ўқиб чиқаман. Агар қийинчилик билан ўқиладиганини сезсам то равон ўқиладиган бўлмагунча ё бир оз қўшаман, ёки озроқ қисқартираман. Борди-ю жонли тилимизда керак бўлган бир сўз топилмаса, у ҳолда у ибора ё сўзни ҳар қалай тушунарли бўлишига ақлим етса, эски тилимиздан оламан. Ёлғиз ўзим, баъзан эса ўзим ҳам тушунмай қоладиган сўзларни ўйлаб чиқаришни ёмон кўраман. Буни кўпчилик танқидчиларимдан фақат биттасигина сезибди. Шундан кейин у мени стиль устаси деб атай бошлади.

Асарларимнинг мазмуни ўзим кўрган ё эшитганларим асосида бўлади, лекин ўша фактни тўлалигича эмас — бир қисминигина олиб токи у менинг фикримни тўла ифодалайдиган бўлмагунча ўзгартираман, ривожлантираман. Қаҳрамонларимнинг прототиплари билан ҳам худди шундай муносабатда бўламан. Ёлғиз бир кишининг фазилат ё камчиликлари билан кифояланмайман. Менинг қаҳрамоним жамланган бўлади: у чжецзянликка ўхшаб гапиради, кўринишдан пекинликка ўхшайди-ю, шаньсийча кийинади. Бир ҳикоясида фалончини сўкибди, бошқасида яна бошқа бир кишини, деб вайсашади, бу бемаъни гап.

Ишимнинг оғир томони шундаки, бир ўтиришда уни тугатишим керак бўлади. Бир руҳда ёзсанг, қаҳрамонинг ҳаракатга келиб, ўз вазифасини адо эта бошлайди. Борди-ю бирон бир сабаб билан алаҳсиб қолсанг борми, унда қаҳрамон-

нинг характерида ҳам, асарнинг мазмунида ҳам бошда мўлжалланган ғояни бузадиган ўзгаришлар пайдо бўлиб қолиши мумкин.

Масалан, «Бучжоу тоғи»¹ деган ҳикоямнинг асосий ғояси табиатда ижодий кучнинг уйғониши, унинг ривожланиши ва ўлишини тасвирлашга бағишланган эди. Мен ишлаб ўтириб, иш ўртасида газета олиб ўқий бошлаган эдим, конфуцианлик динида бўлмаган танқидчининг лирикага ҳужум қилиб ёзган мақоласи ғазабимни шунчалик кўзғатиб юбордики, натижада Ньюйванинг оёғи остида гарчи асар композициясини бузиб бўлса ҳам, кичкинагина гавдача пайдо бўлди. Лекин, бундан автордан бўлак ҳеч ким сезмаган бўлса керак, албатта. Ана шу ҳикояни буюк танқидчимиз жаноб Чен Фан-у² ажойиб асар деб баҳолади.

Менинг назаримда қаҳрамоннинг прототипини битта одам қилиб олинса, бундай камчилик рўй бермаса керак. Лекин, ўзим бундан тажриба қилиб кўрмаганман.

Ким эканлиги ҳозир ёдимда йўқ, биров менга киши портретини анча хасислик билан чизиш керак-у, лекин бутун диққатни кўзига бериш лозим, деб жуда яхши маслаҳат берган эди. Умрим бўйи шундай санъаткорликни эгаллашга уринаман-у, лекин ҳали бунга эриша олганимча йўқ. Ҳар бир майда-чуйдани ипидан игнасиғача, худди ўзидай қилиб тасвирлаб ўтириш, албатта, фойдасиз.

Мен иложи борича қисқартираман. Ёзгим келмаган вақтда, ўзимни ёзишга мажбур ҳам қилмайман. Бу ишни умумий ҳолида мувофиқ қилиб ҳам бўлмасди, ахир мен ёзган асарларимдан келган даромад билан яшамас эдим-да.

Танқидчилик устида ҳам тўхталиб ўтиш керак. Уша вақтларда Хитойда адабиёт жуда ёш эди, танқидчилик эса ундан ҳам. Танқид ёзувчини ё мақтаб кўкка кўтариб юборар, ёки пўстагини қоқиб ерга киргазиб юборарди. У билан ҳисоблашган киши ўзининг гениал эканлиги билан фахрланиши ё бўлмаса ўзини ўзи ўлдириши лозим эди. Шунинг учун ҳам мен асар ёзаётганимда танқидчиликни бир четга суриб қўярдим. Ахир у яхшини яхши, ёмонни ёмон деб баҳолагандагина фойда келтиради-да.

Лекин, чет эл танқидий мақолаларини доимий суратда ўқиб борардим. Бу мақолаларда мен на мақталиб, на танқид қилиниб тилга олинмасам ҳам, ҳар қалай уларда ўрганишга арзийдиган гаплар ҳам бўларди. Бироқ, мен танқидчилар

¹ «Бучжоу тоғи» — Лу Сининг «Осмони фалакни ямаш» деган сатирик эртагининг дастлабки номи.

² Чен Фан-у — машҳур Хитой адабий танқидчиси, Го Мо-жо бошчилик қилган «Ижод» жамиятининг аъзоси.

орасидаги группавозликларни диққат билан кузатиб борардим.

Бу гапларнинг ҳаммаси ҳам ўтиб кетган гаплар, мана ўн йилдирки, ёзишни тўхтатиб, илгари силжимай қўйдим. Редакторлар мендан бадий асар ёзишни талаб қилганлари билан ҳозир асар яратиб бўлармиди? Мана шу мақоламга ўхшаш ҳар хил нарсаларни ёзиб юрибман, вассалом.

1933 йил, 5 март.

БЕВА ЦИНЬ ЛИ-ЧЖАЙ ЎЗ-ЎЗИНИ ЎЛДИРГАНИ ҲАҚИДА

Кейинги йилларда газеталар иқтисодий қийинчилик ёки диний зулмга чидай олмай ўз-ўзини ўлдирганлар тўғрисида тез-тез хабарлар бериб турадиган бўлиб қолди. Лекин, бундай масалалар устида камдан-кам ёзилади. Яқинда тўрт кишининг — бева аёл Цинь Ли-Чжай билан болаларининг ўз-ўзларини ўлдиришлари жуда катта баҳслашувларга сабаб бўлди. Бу хабардан таъсирланиб яна бир одам ўз-ўзини ўлдириб қўйгандан кейин эса бу тортишув яна авжга минди. Бундай эътибор ўзини-ўзи ўлдирганларнинг сони кўплиги туфайли келиб чиққан, ёлғиз бир кишининг ўлими бундай эътиборга сазовор эмас.

Содир бўлган бу воқиа ҳақидаги фикрларда шароитни бир оз гуноҳкор қилганлар ҳам бўлди, лекин кўпчилик бош айбдор ҳисобланган бева Цинни қоралади. Танқидчиларнинг фикрича, гарчи мамлакатда зулмат ҳукм суриб ётган бўлса ҳам, инсоннинг биринчи вазифаси яшаш, ўзини-ўзи ўлдирган тақдирда бу бурчини бузган бўлармиш. Иккинчидан, у бутун мусибатларга чидаши керак-ку, ўз-ўзини ўлдирган одам эса ўзи учун тинчлик ўғирлаган ҳисобланармиш. Бошқа, кўзга кўринган танқидчилар эса, ҳаёт кураш демак, ўз-ўзини ўлдирадиган одам — қочқоқ ҳисобланади, у ўлим билан ўз гуноҳини юва олмайди деб қарашарди. Бундай дейиш мумкин-ку-я, лекин бу гап мутлақ асоссиз эмасмикин?

Олим криминалистларни иккига бўлиш мумкин: улардан бирлари жиноят қилиш учун муҳит сабаб бўлади дейишса, иккинчилари бунга одамнинг ўзи сабабчи, дейдилар. Борди-ю, биринчилари ҳақ бўлсалар, унда жиноятчиликни йўқотиш учун муҳитни ўзгартиш лозим бўлади, бу эса жуда мураккаб, ҳатто қўрқинчли иш. Шунинг учун ҳам иккинчи нуқтаи назар кўпроқ оммалашади, ўз-ўзини ўлдирган бутун бошли оила ҳақида судьялар ҳам шу нуқтаи назарда турадилар.

Бева аёл Циннинг ўз-ўзини ўлдириши унинг иродасиз аёл эканидан далолат беради. Нима сабабдан бундай бўлиб қолганлиги отасининг унга ёзган хатидан кўришиб турибди. Отаси хат ёзиб, иккала оиланинг номи бир умрга сақланиб қолсин учун ўз ёнига чақирар ва раҳматлик эрининг талаблари билан унга таъсир кўрсатмоқчи бўларди. Бу ҳол қабр устига акаси томонидан ёзилган ёзувдан ҳам яққол кўзга ташланиб турибди. «Хотин эри кетидан гўрга кириши керак, ўғил — она кетидан...»¹ Ўз-ўзини ўлдирганларни бир умрга мақтаб кўкларга кўтариб келаётган ана шу қонунлар эмасми? Шундай оилада мустаҳкам иродали кишининг тарбияланиб етишиши мумкинми, ахир? Инсон курашиши лозим, лекин ёлғизларни эса зулмат билинтирмай ютиб юбораверади. Борди-ю, атрофда ёрдам берадиган кишилари бўлмаганлар, жон-жаҳдлари билан курашиб муваффақиятсизликка учраган чоғларида шу судьялар уларга ёрдам қўлларини чўзишармикин? Тақдирга тан берган ёки тақдир билан курашаётган етим-есирлар, бевалар, бечора қизлар ва меҳнаткаш халқларнинг узоқ-узоқ қишлоқларда ва шовқин-суронли марказларда бекордан-бекорга ўлиб кетаверишларига чек борми ўзи? Бунинг ғамини ким ейди? Бу кимни ташвишга солади? Ҳақиқатан ҳам чор атрофда нималар бўлаётгани билан ишлари йўқ.

Инсон яшаши лозим, яшаганда ҳам олға қараб бориш учун яшамоғи керак. У азоб чекмай иложи йўқ, лекин келажакда азоб-уқубатнинг тухумини бутунлай қуритиб юбориш учун азоб чекиши керак. Инсон курашмоғи лозим, курашганда ҳам келгусида турмуши гўзалроқ бўлиши учун курашмоғи лозим. Ўз-ўзини ўлдиришга чек қўйилмоғи керак-у, лекин инсонни шу йўлга итарадиган муҳит билан ҳам курашмоқ лозим.

Ҳамма калтак «бўш» ларнинг бошида синиб, зулматнинг бош айбдорлари на бир таъна ва на бир қамчи емай қолаверишларига тоқат қилиш мумкин эмас. Бундай судья ўзини адолатли қилиб кўрсатишга қанчалик уринмасин, уни содир бўлган жиноятнинг иштирокчиси, демай иложим йўқ².

1933 йил, 24 май.

ДА Ҳ Ш А Т

Ҳаётда ҳатто олимлар ҳам ўйлаб чиқара олмайдиган ажойиб фактлар учраб туради.

¹ «Хотин эри кетидан гўрга кириши керак...» — конфуцианлик таълимотларидан бири.

² Лу Синь мақолаларининг ўша вақтларда гоминдан цензураси томонидан олиб ташланган ерлари курсив билан белгиланган.

Африкадаги қабилалардан бирида эркаклар билан хотинларнинг бир-бирлари билан учрашишлари ман этилган экан. Агар кув қайнанасига рўбарў келиб қолгудек бўлса эгилибгина қолмай, ерга ётиб юзини тупроққа кўмиши лозим экан. Улар бизнинг кўҳна урф-одатларга берилган мамлакатимиздан ҳам ўтиб кетишибди. Бизда эркаклар билан аёллар етти ёшларидан бошлаб ёнма-ён ўтирмайдилар.

Бундан чиқадики, бизнинг ота-боболаримиз жинсларни ажратишда унчалик топқир эмас эканлар-да. Бизда ота-боболаримиз чизиб берган чизиқдан чиқа олмаганлар учун бу қобилият ундан ҳам паст. Бирга сузиш, бирга юриш, бирга овқатланиш, бирга кинода ўйнаш — бу «бирга ўтириш»ни таъқиқлашнинг турли кўринишлари, холос. Уларнинг жиддий нуқсонлари шундаки, ҳеч қайсилари ҳавога эътибор беришмаган. Хотин киши билан эркак киши бир ҳавода нафас олганда тозалик билан ҳаром-ҳариш аралашиб кетади, ваҳоланки бу кишининг фақат баданигагина тегадиган денгиз сувдан анча жиддийроқ. Ҳавони тартибга солиб турилмаса эркак билан аёлни аниқ ажратишга эришиш асло мумкин эмас.

«Ғарбий воситалар»га ҳам мурожаат қилишга тўғри келади, гарчи улар асли Хитойча бўлмасалар ҳам, баъзи миллий софлигимизни сақлаб қолиш йўлида ундан фойдаланилса бўлади. Радио эшитдириш ҳам одат тусига кириб қолган, лекин эрталаблари буддий монахнинг диний китоб ўқишини ҳам ёмон деб бўлмайди. Автомобил, сўзсиз, чет эл маҳсули, лекин меҳмон яшил тахтиравондан кўра унда тезроқ етиб бориши мумкин. Вақтлироқ бориш орқасида мацзян ўйинини кўпроқ ўйнайсан киши.

Бундан келиб чиқадики, эркаклар билан аёлларни бир ҳаводан нафас олишларини таъқиқлаш учун уларга противогаз кийдириш лозим. Бети ёпиқ, трубка орқали бурнига ҳаво бериб турадиган кислородли қути кўтариб олган бўлади. Бу, мабодо ҳаводан ҳужум бўлиб қолган тақдирда, шошиб қолмаслик учун тайёргарлик деган гап. Ҳамма вақтдагидек яна илм хитойдан-у, тажриба европаликларданлигича қолаверади.

Шундан кейин генерал Камол ҳокимият тепасига келмасидан аввал турк аёллари кийиб юрган чодирлари жуда содда бўлиб қолади.

Англиялик ёзувчи Свифт ўзининг «Гулливернинг саёҳати» деган сатирик романини бизнинг давримизда ёзганида, XX асрда, маърифатли бир мамлакатда тутатқи тутатадиган, аждаҳога сажда қиладиган, ёмғир тилаб дуо ўқийдиган се-

миз хотинларга ҳамон ажабланиб қарайдиган, тошбақани ўлдиргани йўл қўймайдиган¹ одамлар тоифасини кўрганни бутун дунёга маълум қиларди. У бошқа тоифадаги одамларни ҳам: жиддий суратда қадимий ўйинларни ўрганаётган, эркаклар билан аёллар учун алоҳида йўлнинг зарурлигини исбот қилишга уринаётган, кўйлакни товонга қадар тушириб кийишни талаб қилаётган одамларни ҳам кўрган бўларди. Бу ёзувчи ҳақида чет мамлакатларда, ё бўлмаса авлод-аждодлари орасида: бойлиги ҳам кам, ундан ташқари тил ёқтирмаган кишиларини хафа қилиш мақсадида дуч келган нарсани ўйлаб чиқараверибди-да, деган шов-шув гаплар тарқаларди.

Бу энг ашаддий ҳажвчи ҳам ўйлаб топа олмайдиган фактлар. Бундай нарсаларни ўйлаб чиқариб ёзиб бўлмайди, буларнинг ҳаммасини ҳаётда кузатиб юрганингда эса «Даҳшат!» деб бақариб юборишинг мумкин, холос.

1933 йил, 14 август.

ХИТОЙ ТУРМАСИ ТУҒРИСИДА

Ҳодисалар киши онгида ўзгариш ясади, янги онг эса ҳодисаларнинг боришига таъсир қилади. Кўп йиллардан бери Сунь династиясидан тортиб то Маньчжур династиясининг сўнгги йилларига қадар, амалдорларни синовдан ўтказиб, танлаб олинарди. Синовдан ўтадиганлар донишмандлар деб талқин этилган конфуцион «классиклари»нинг асарлари ҳақида кишини зериктирадиган иншо ёзишарди. Франция билан бўлган урушда мағлубиятга учралгандан кейингина эски синаш усулининг хатолигини сезиб қолишди, шундан кейин чет элларга ўқитгани студентлар юбориладиган бўлди ва қурол-яроғ ишлаб чиқариладиган жой барпо этилди.

Япония билан бўлган урушда² енгилганимиздан кейин маълум бўлишича бу кўрилган чоралар ҳам етарли эмас экан; энди бор кучнинг ҳаммаси мактаблар ташкил қилишга сафарбар қилинди. Бу ҳол студентларни ғала-ғовурга солиб қўйди ва улар йилдан-йилга қаттиқроқ шовқин-сурон кўтара бошлашди.

Маньчжурлар ағдарилиб, ҳокимият гоминданлар қўлига ўтгач, бу хато ҳам сезилиб қолди. Буни тузатишнинг бирдан-бир йўли кўплаб қамоқлар қуриш бўлиб чиқди.

¹ Тошбақани ўлдиргани йўл қўймайдиган — хитой мифологиясига мувофиқ тошбақа муқаддас махлуқ ҳисобланади.

² Япония билан бўлган уруш — 1894—1895 йил.

Хитойда азалдан ўзининг асл миллий турмалари мавжуд эди. Манъчжур ҳукмронлигининг сўнгги йилларида эса бир неча европа усулидаги маданийлашган турмалар қурилди. Бу ҳам ўша чет элларга студентлар юбориш сингари мақсад билан яъни чет элликларни яхши қабул қила билишлик учун бир оз одоблилик йўл-йўриқларини ўргатиш мақсадида қурилган эди. Ахир, турмалар чет эллик саёҳатчиларга кўрсатиш учун қурилган эди-да.

Бундай турма кишини анча қувонтирадиган жой. Бу ерда маҳбусларга яхши муомала қиладилар. Улар ювиниши мумкин, уларга маълум миқдорда овқат ҳам берилади. Энди маҳбусларнинг бахтиёрлиги яна ҳам ошди, чунки бундан бир-икки ҳафта бурун ҳукумат анча мурувватли сиёсатга кўчиб, ҳатто маҳбусларнинг кундалик овқатларини камай-тирмаслик тўғрисида буйруқ ҳам чиқарди.

Эски типдаги турмалар ўз қурилиши жиҳатидан буддизм дўзахини эслатарди. Турма назоратчиси жиноятчини якка сақлаш ва уни дўзахдагидан бадтар азоблаш вазифасини адо этишдан ташқари, унинг оиласини қашшоқлик аҳволига олиб келиш учун, ундан бор-йўғ пулини ҳам сиқиштириб олоғи зарур эди. Баъзан бу ишларнинг ҳаммаси бир вақтнинг ўзида бажариларди.

Бундай тартиб табиий ҳисобланарди. Бундай қонун-қоидаларга қаршилиқ кўрсатиш маҳбуснинг тарафини олиш сифатида қабул қилинар ва қаршилиқ кўрсатувчининг жиноятчи тўдага мансуб деб гумонсиралишига сабаб бўларди.

Маърифатнинг мисли кўрилмаган даражада ўсиши натижасида, ўтган йили қандайдир бир амалдор одамжонлик қилиб жиноятчини жинсий алоқа масаласи юзасидан бир йилда бир марта уйига боришга рухсат беришни таклиф қилди. Аслида бу одам маҳбусларнинг ҳолига ачинмасди ҳам, таклифининг тақдири билан қизиқмасди ҳам. Шунинг учун ҳам у бу гапни хўжайин эканлигини амалда кўрсатиш учун қилган эди. Бу билан у жамиятчилик фикрини қўзғатиб қўйди, холос. Кимдир бу илмоққа илиниб, ҳатто турма ҳам одамларни қўрқита олмайдиган бўлиб қолади, бахтли кишигина қамалади, деган хавфга бориб ахлоқнинг ҳозирги замонда жуда пастлашиб кетганидан роса шикоят қилибди.

Донишмандларнинг панд-насиҳатларини кўп йиллардан бери мутолаа қилиб келаётган бўлишига қарамай, бу танқидчи чаққонлик ва айёрликни ўзини самимий ва ишончли киши оифатнда тавсия қила олган ўша амалдорчилик ҳам ўзлаштира олмабди. Танқидчининг нима демоқчилиги аниқ кўриниб турибди, у маҳбусларга нисбатан қаттиққўлик қилмай туриб бир иш чиқариш қийин, демоқчи.

Турма, балки идеал подшоликка ўхшаса ўшар-у, лекин ўхшаганда ҳам «Эҳтиёткорлик ҳаммадан ҳам муҳим» деган ишорага амал қилувчиларга ўхшаса керак.

Турмада ёнғин камдан-кам бўлади, у ерга ўғри тушмайди, босмачилар босмайди. Уруш вақтида эса турмани бомба ташлаш учун объект қилиб оладиган аҳмоқ ҳам бўлмаса керак; революция вақтида эса, баъзан маҳбусларни озод этиб ҳам юбордилар, лекин уларни ўлдирмайдилар. Тўғри, мустасно тариқасида шуни айтиш мумкинки, Фуцзянни мустақил деб эълон қилинган кезларда озод қилинганлардан дунёқараши бошқачароқ бўлган икки маҳбус бедоми-дарак йўқолди, деган гап ҳам тарқалди. Умуман олганда, турма унчалик ёмон жой эмас. Агар маҳбусларга оилаларини ҳам ўзлари билан олиб кетишга рухсат берганларида, ҳаётимизда тез-тез учраб турадиган тошқин, очарчилик, уруш ва терроризм ҳам у ерга боришни истайдиганлар топилиб қоларди.

Эр-хотин Нюландлар нанкин турмасига қизил ташвиқотчилар сифатида айбланиб қамалишган эди. Улар хитой турмаларидаги қонун-қоидаларни билмаганликларида, уч-тўрт марта очлик эълон қилишган эди, ҳеч қандай натижа чиқмади. Қандайдир бир амалдор ажаблаиб: «Бизга нима? Ўзлари ейишни ишташмаяпти», деди. Инсонпарвар сиёсатга бунинг ҳеч қандай алоқаси йўқ, озиқ-овқатнинг тежалиши эса турмага фойда келтиради.

Муносиб асос бўлмаса Гандининг найранглари ҳам иш бермайди. Ана шундай камолатга етай деб қолган турмаларда ҳам ўзига хос айрим камчиликлар учрайди. Чунки шу вақтга қадар ҳеч ким ғоявий томонга эътибор берган эмас. Бу нуқсонни тузатиш мақсадида кейинги вақтларда «тавба қилдириш турмалари» ўйлаб чиқарилган. Бу турмаларда тарбиявий ишлар олиб борилармиш. Мен ўзим у ерга ҳали тавба қилгани борганимча йўқ, шунинг учун ҳам у ернинг тафсилотлари менга номаълум. Овозаларга қараганда, у ерда, маҳбуслар ўз қилмишларидан пушаймон бўлиб, тавба қилсинлар учун халқнинг уч ақидаси тўғрисида уларга ваъзхонлик қилинариш. Булардан ташқари улар яна коммунизмга қарши иншо ёзишлари лозим эмиш. Бунинг қилишни истамаган ё қилиш қўлидан келмаган бечоралар эса, умрбод тавба қилиб ётаверишга мажбурлар. Борди-ю, иншо ёмон ёзилган бўлса ҳам, ўла-ўлгунча тавба қилишдан бошқа чора йўқ. Бу турмага баъзан киришган, баъзан чиқиб кетишган вақтлари ҳам бўлади. Янги «тавба қилдириш турмалари» қуриш тўғрисидаги гапларга қараганда эса, у ерга кўпроқ киришиб, камроқ чиқишадиганга ўхшайди. Баъзан, узоқ синовдан кейин тасодифан, бўшаб келган «ишончли» киши-

лар учраб қолади. Бироқ бу одамлар ҳам бор кучларини тавба қилиш ва чиқиш учун иншо ёзишга сарфлаб юборишганларидан бўлса керак, жуда силлалари қуриб қолган. Уларнинг келгусида одам бўлиб кетишига кишининг кўзи етмайди.

1934 йил.

«ИНТЕРНАЦИОНАЛ АДАБИЁТ»ГА ЖАВОБ¹

Саволлар:

1. Совет Иттифоқининг мавжудлиги ва унинг ютуқлари Сизга қандай таъсир кўрсатди? Октябрь революцияси билан социалистик қурилиш Сизнинг фикр ва ижодингизда қандай ўзгаришлар ясади?
2. Совет адабиёти ҳақида Сизнинг фикрингиз қанақа?
3. Капиталистик мамлакатлар маданиятидаги қандай ҳодиса ва ютуқлар Сизнинг диққатингизни жалб қиларди?

Жавоблар:

1. Эски жамиятнинг емирилишига аллақачон ақлим етиб қолган эди, унинг ўрнига янги жамиятнинг пайдо бўлишини умид қилардим-у, лекин у жамиятнинг қандай бўлишини, афзаллик томони бўладими, йўқми, билмасдим. Октябрь революциясидан кейингина янги жамиятнинг қурувчиси пролетариат эканини тушундим. Аммо, капиталистик мамлакатларнинг реакцион пропагандаси таъсири остида Октябрь революциясига бепарво, ҳатто бир оз шубҳа билан қарардим. Энди Совет Иттифоқининг яшаб турганини, эришаётган муваффақиятларини кўриб туриб, мендаги бутун иккиланиш ва шубҳалар батамом йўқолди. Менда мардлик ва синфсиз жамиятнинг бўлиши мумкинлигига қаттиқ ишонч уйғотди. Лекин, шахсан ўзим кўпдан бери саёҳат қилиш ва кузатиш имкониятидан маҳрумман, шунинг учун ҳам революцион воқиаларнинг марказида бўла олмайман. Илгаригидек кўҳна жамиятнинг нуқсонларини фош қилишдан бошқа нарсага ярамайман.

2. Мен немис ва япон тилларидаги таржималарнигина ўқий оламан. Менимча, қурилиш ишларига бағишланган ҳозирги китобларга қараганда илгарироқ яратилган ва қурашга бағишланган: «Бронепоезд», «Тор-мор», «Темир оқим» ва бошқа китоблар қизиғроқ ва фойдалироққа ўхшайди. Мен совет адабиётини, асосан, Хитойга таништириш учун

¹ «Интернационал адабиёт»га жавоб — 1934 йилда «Интернационал адабиёт» номли совет журнали томонидан берилган саволларга жавоб.

Ўқийман, ахир биз учун ҳозир кураш ҳақида гапирадиган китоблар зарур-да!

3. Хитойда капиталистик мамлакатлар «маданияти» сезилмайди. Мен фақат империалистлар ва уларнинг қуллари физика, химия ва электрик асбоблардан революционерларни азоблаш учун, самолёт ва бомбалардан эса, революцион руҳдаги оммани қириб ташлаш учун фойдаланишларини биламан.

1934 йил.

АДАБИЕТ ҲАҚИДА ЕТ КИШИНING САФСАТАСИ

1. Кириш

Айтишларига қараганда, Шанхайда олтмиш йилдан бери бундай иссиқ бўлмаган экан. Эрталабданоқ овга чиқиб кетасан, кечқурун эса бошингни ҳам кўтара олмай, оёқларингни зўрға судраб босиб, яна ўша дим, гиж-гиж чивин босиб ётган уйингга қайтасан.

Жаннат дарвозанинг орқасида. Денгиздан енгил шамол эсади, елпиғичнинг ҳам кераги йўқ. Дарвоза тепасидаги ва ёнверисидаги қўшни уйлардан ишбошилар, корректорлар, ишчилар, картографлар бирин-кетин чиқиб келишади. Улар камдан-кам учрашиб турсалар-да, бир-бирларини танийдилар. Одамлар чарчаган, оғир нафас олишади, лекин сал бўш қолдиларми, сафсата бошланиб кетади.

Гаплашгани мавзу топилмайди дейсизми: қурғоқчилик, тангридан ёмғир илтижо қилиш, пакана кишилар, ошиқ-маъшуқалар, хотинларнинг бинтлаб ташланган оёқлари, раққосанинг яланғоч оёғи, гуруч ташиш — буларнинг ҳаммаси гап-да. Гап айланиб келиб, архаик китобнинг тили, ҳозирги замон адабий ва халқ тилига тақалади. Ҳамма менинг китоб тили ҳақидаги фикримни эшитишни истайди. Мен ҳам шу ҳақда батафсил гапириб кетаман, чунки ўзим ана шу ҳозирги замон тилида унча-мунча ёзиб тураман-да. Шу тариқа икки-уч кеча ўтиб кетади, бизни яна янги мавзу қизиқтириб қолади.

Орадан бир неча кун ўтгач, кимдир тўсатдан бизнинг ана шу суҳбатимизни ёзиб боришимни талаб этиб қолди. Суҳбатдошларимнинг баъзилари менинг эски китоблар ўқиганимни билганлари сабабли, иккинчилари эса, чет эл асарлари ўқишимдан хабардор бўлганлари, учинчилари эса, уни ҳам, буни ҳам ўқиганлигимни билишлари туфайли менга ишонишарди. Лекин, айримлари худди шунинг учун менга

ишонишмасди. Улар менга кўршапалак деган лақаб қўйиб, қадимий тил ҳақидаги мулоҳазаларим устидан кулишар ва бу тўғрида сенга ишониб бўлмайди, ахир сен Тан ва Сун династияларининг машҳур саккиз ёзувчиларидан бири эмасан-у, дейишарди. Менинг халқ тили тўғрисидаги сафсата-ларимдан ҳам истеҳзо билан кулишар — ахир сен меҳнаткаш халқ орасидан чиқмагансан деб ҳазиллашардилар.

Улар ҳақ, албатта. Қурғоқчилик тўғрисидаги фикрларни тахлил қилар эканмиз, тўралар билан деҳқонлар дунёқарашини ўртасида катта тафовут борлигини аниқладик. Масала, қишлоқда юз берган офатнинг сабабларини текширган тўралардан бири, баъзи жойларда офатнинг келиб чиқишига сув тортиб чиқарувчи деҳқонларнинг танбаллигини сабаб қилиб кўрсатади. Газетада эса олтмиш ёшлардаги бир деҳқоннинг ўз-ўзини ўлдиргани, унинг ўғли далага сув чиқараман деб дармони қуриб, сулайиб қолган-у, аммо қурғоқчиликни енга олмай ҳалок бўлгани ёзилган. Чол эса бунга чидолмай, ўзини-ўзи ўлдирган. Кечқурунлари, бўш пайтларимиз ана шунақа бекорчи сафсатабозлик билан ўтарди.

Тўфон ҳам ўтиб кетди, анча салқин тушди. Мен суҳбатдошларимнинг илтимосини бажо келтирдим. Гапимни, ўзимизга ўхшаш ўқувчиларга тушунарли бўлсин учун соддароқ қилиб ёздим, лекин мазмунини ўзгартирганим йўқ. Суҳбат вақтида қадимий сўзларни ёдимда сақланиб қолганича айта бердим, унча этарли эътибор бермагандим, аммо ёзишга тўғри келганда сал иккиланиб қолдим: цитаталарни солиштириш учун асл нусхалар йўқ эди. Фақат камчилигимни сезсанглар, тузатинглар, деб ўқувчиларга мурожаат қилишдан бўлак чорам қолмади...

1934 йил 16 август кечаси мақолани тамомлаб, кириш қисмини ҳам ёзиб тугатдим.

II. Иероглифларни ким кашф этган?

Иероглифларни ким кашф этган?

Биз ҳар бир нарсани қадим замондан қандайдир бир донишманд яратган, деган эртақларга ўрганиб кетганмиз. Бу нарса ёзувимизга ҳам тааллуқлидир. Ёзувнинг қачон келиб чиққанини ёдидан чиқариб қўйган одамларга жавоб шу: иероглифларни Цан Се кашф этган. Олим одамларнинг фикрлари ҳам шу. Улар бу гапни қонунлар китобларидан олишган, албатта. Мен ҳатто бу афсонавий қаҳрамоннинг суратини ҳам кўрганман, у тўрт кўзли, боши катта бир чол. Ёзувни кашф этгани учун одатдан ташқари қиёфага эга бўлмоқ лозим. Бир жуфт кўзли одамлар ташқи кўринишидан

ҳатто кашфиётчига ҳам ўхшамайдилар, истеъдодлари тўғрисида эса гапириб ўтирмаса ҳам бўлади.

«Ўзгаришлар китоби»нинг яратувчиси (кимлигини билмайман): «Одамлар қадим замонларда арқонга тугунчак тугиб гаплашишарди, кейинги авлоднинг донишмандлари буни иероглифлар билан алмаштиришди» деган эди. «Ўзгаришлар китоби»нинг автори бизнинг олимларимизга қараганда донороқ ва эҳтиёткорроқ эди; У, Цан Се ҳақида эмас, кейинги авлоднинг донишмандлари ҳақида, иероглифларнинг яратилиши тўғрисида эмас, тугунча йўли билан гаплашишнинг иероглифлар билан алмаштирилиши тўғрисида гапирган эди. У, бир одамнинг ёлғиз ўзи мунчайин кўп сонли иероглифларни ярата олишига ишонмаганидан бўлса керак, фикрини анча мавҳум баён қилган.

Қайси қаҳрамон тугунларни иероглифлар билан алмаштирган экан? Адабиётчимиз? Агар ишга, иероглифлар билан мақтанадиган, борди-ю қўлидан қаламини олиб қўйилган тақдирда ҳеч нарсага ярамайдиган ҳозирги замон ёзувчисининг кўзи билан қаралса, унда ҳаммадан аввал адабиётчи алмаштирган деб ўйлаш мумкин бўлар эди. Ахир у ҳам ўзининг бир бурда нонини топиб ейиши керак-ку. Лекин, иероглифларни у кашф этган эмас. Тарихдан илгариги одамлар иш вақтида ҳам, бир-бирларига муҳаббат изҳор қилганларида ҳам қўшиқ айтишган, лекин гапларини олдиндан қорага ёзиб, қўл ёзмаларини сақлаб юришган эмас. Ўз шеърларини сотиш, танланган асарларини тўплаш уларнинг тушларига ҳам кирмаган. У жамиятда адабиёт воситаси билан бойлик ортдиришган эмас, на газета редакциялари, на китоб дўконлари бор эди. Баъзи олимларнинг айтишларига қараганда, ёзув ишлари билан фақат амалдорлар ва тарихчиларгина шуғулланишган. Ибтидоий жамиятда парихоннинг асосий вазифаси руҳларни чақиритишдан иборат эди, тараққиёт ривожланиб борган сари ҳаёт ҳам мураккаблашди. Қурбонлик қилиш, ов, уруш каби воқияларни эсда тутишга эҳтиёж пайдо бўлди. Шундай қилиб, парихоннинг ишлари кўпайиб кетди. Воқиа ва ҳодисаларни қандай қилиб ёдда сақлаб қолишни ўйлаб топиш тарихнинг бошланиши бўлди. Парихон ўз вазифаси бўйича тангри ва унинг аждодларига ҳисобот берганида улуг доҳий ҳамда унга тобе одамларнинг буюк ишлари ёзилган дафтарларни ёндиришга тўғри келди. Гарчи ёзув анча кейин келиб чиққан бўлса-да, у шуларни ёзишга ўша вақтда мажбур бўлган эди. Шундан кейин меҳнат аниқроқ тақсим қилинган, тарихшунос — амалдор пайдо бўлиб, у воқияларни ёзиб бориш билан шуғулланди. Ёзув — тарихчи учун зарур қуролдир. Гарчи қадимгиларнинг: «Цан Се — тарихчи Хуань-ди» деб таълим беришлари унчалик тўғри

бўлмаса ҳам тарих билан ёзувнинг бир-бирига алоқадор эканига муҳим далил бўлди. Бу ерда тайёрга айёр бўлган «адабиётчи»ларнинг «Оҳ! менинг муҳаббатим, мен ўламан», каби гўзал жумлалардан энди бемалол фойдаланаётганлари тўғрисида гапириб ўтиришга ҳожат ҳам йўқ.

III. Иероглифлар қандай пайдо бўлган?

«Ўзгаришлар китоби»дан маълум бўлдики, иероглифлар келиб чиқмасдан бурун тугунчак ёзувдан фойдаланилган экан. Бизнинг қишлоғимизда, эртага қилиниши лозим бўлган бирон муҳим ишни эсдан чиқариб қўймаслик учун «Белбоғинини тугиб қўй!» дейишади. Бу — қадимги вақтларда бизнинг донишмандларимиз ҳар сафар бирон муносабат билан тугун тугишган, деган сўз эмасми? Албатта бундай бўлмаса керак. Тугунлар озлигида, эслатиш учун хизмат қилиши мумкин, борди-ю кўпайиб кетса-чи, унда иш пачава-ку. Афсонавий император Фу-синнинг триграммаси: уч арқондан иборат эди, деган тахмин тўғрилигини ким билади дейсиз: силлиғи осмоннию, тугунлари ерни ифодалаган экан. Сақкизта шаклни эсда сақлаб қолиш мумкин, олтмиш тўртта бўлса эсда сақлаш мушкулроқ, лекин беш юз ўн иккита бўлиши ҳам мумкин-ку. Тугунчак ёзувлар (квипу) фақат Перуда сақланиб қолган. У ерда битта горизонталь арқонга кўпгина арқонлар вертикаль тарзда осиб қўйиларди-да, ҳали у томонга, ҳали бу томонга тортиб тугун тугиларди. Тўр бўлиб тўр га ўхшамасди-ю, ҳар қалай анчагина фикрни ифодалаш мумкин эди. Қадим замонлардаям эҳтимолки, тугунчалар бўлгандир, лекин биз ҳозирча уни эсга олмай турайлик, чунки уларнинг ўрнига пайдо бўлган ва бамбук тахтачаларга ёзилган иероглифларнинг асл аждодлари эмас эди.

Юйнинг Гоулей чўққисидаги ҳайкали — даосларнинг қалбаки иши, ҳозирги энг тушунарли бўлган илк манбалар Шан даврида суякларга, қўнғироқларга, уч оёқ ўчоқларга ўйилган ёзувлардир. Аммо, иероглифлар анча ўзгариб кетганлигидан, уларнинг дастлабки шакллари ҳақида бир нарса дейиш қийин. Фақат баъзи-баъзида бронза идишларда учраб қоладиган кийик, филнинг реал суратига қараб, расмнинг ёзув билан — иероглифнинг асосий тасвир билан алоқаси борлигини аниқлаш мумкин. Испаниянинг Алматир ғоридан топилган ёввойи қўтоснинг расми (ибтидий санъат яратган машҳур ҳайкал)га қараб кўпчилик санъатшунослар ибтидий одам эрмак учун чизган, деган хулосага келишган, бу, гўё «санъат санъат учун» қилинган иш эмиш. Лекин, бундай изоҳлар моладан келиб чиқарди. Ибтидий одам XIX аср адабиётчилари сингари беҳуда ҳаёт кечирган эмас, аниқ бир

мақсад билан расм чизган. У расмда кимгадир қўтос тўғрисида, уни овлаш тўғрисида хабар қилган ё бўлмаса сеҳрлаган. Агар бизнинг замонимизда Шанхай деворларига ёпиштирилган кино ва сигареталар рекламаларини кўриб, оғизлари очилиб қоладиган бўлса, умрида ҳеч нарса кўрмаган ва ҳар нарсага анқайиб қарайдиган ибтидоий одамнинг расмини кўрганда қандай ажабланганини тасаввур қилиш қийин бўлмаса керак. Инсон қўтосни текис нарса устига чизиб тасвирлаш мумкинлигини тушуна бошлайди, иероглифда тасвирланган қўтосни таниб, рассом маҳоратига қўйил қолади. Лекин, пул бадалига унга ўзининг ижтимоий чиқишини ёзишга мажбур қилмаганлари туфайли унинг фамилияси сақланиб қолмаган. Жамиятда Цан Сенинг ўзи ёлғиз яшаган эмас. Кимдир пичоқ дастасига ўйиб ёзган, кимдир эшикка нақш чизган; буларнинг бари оғиздан-оғизга ўтиб юрган гапларда сақланиб қолган. Белгилар борган сари кўпайган, тарихчи амалдор эса, энди уларни тўплаб, нималарнидир ёзиб қолдириш имкониятига эга бўлган. Иероглифлар яратишнинг бундан бўлак йўли бўлмаса керак.

Табийки, иероглифларнинг сони кўпайиб, ўсиб бориши керак эди, бунинг учун тарихшуноснинг ўзи ҳам ҳамма тушунадиган янги шаклларни ўйлаб топиши лозим эди. Шу тариқа Хитойда, ҳатто сўнгги вақтга қадар ҳам янгидан-янги иероглифлар пайдо бўлиб келди. Лекин, қайсар кандидатлар кашфиётчилар ҳисобида тўхтовсиз мағлубиятга учраб туради. Бир вақтлар У¹ династияси даврида Чжу Юй, Тан династиясининг императрицаси У Цзэ-тянь² гажакдор янги белгилар яратишга уриниб кўрган эдилар. Лекин, бу уриниш беҳуда кетди. Бизнинг давримизда химиклар шундай бой фантазияга эга бўлиб кетганларки, улар яратган кўпчилик оддий элементларнинг ва химик бирикмаларнинг на номини атаб бўлади, на тушуниб бўлади! Бундай иероглифларга кўзинг тушиши билан бошинг оғрий бошлайди. Ҳаммага маълум бўлган лотинча номларни ишлатишдан осони бормиди. Очиқ-ойдин гапираётганим учун кечиринглару, лекин йигирмата ҳарфни билмаган одам химияни ҳам ўргана олмайди.

IV. Иероглифлар билан ёзиш — расм чизиш демакдир.

Иероглифларнинг олти категорияси ҳақида маълумот берувчи «Чжоули» ва «Шовэньцзеци»ни ҳозирча қўйиб ту-

¹ У династияси — III аср.

² Императрица У Цзэ-тянь — 690—712 йилларда ҳукмронлик қилган.

райлигу, фақат тасвирлардан бири устидагина тўхтайлик. Инсон ва унинг атрофидаги предметларни чизиш қулай ва осон. Кўз тўғри бурчак шаклида чизилиб, ўртасида иккита чизиғи бўлади. Қуёш эса атрофга нур сочиб турган доира шаклида ифодаланади. Лекин баъзан қийинчиликлар ҳам учраб қолиши мумкин, масалан, пичоқнинг тиғини тасвирлашни олайлик. Уни ўтмас томонисиз тасвирлаб бўлмайди, шунинг учун «Жэнь» белгиси каби пичоқнинг тиғини кўрсатадиган чизиқ қўйиш лозим. Шунга ўхшаган предметларнинг ўзиёқ кишини ишдан чиқаради. Аммо, предметсиз тушунчалар ҳам бор-ку, уларни тасвирлаш учун ассоциацияга боғлиқ тушунчага мурожаат қилишга тўғри келади. Қўл билан дарахт «йиғиш» маъносини ифода этади. «Уй» билан «идиш» белгилари орасида келган «юррак» иероглифи яъни овқат билан уй-жой осойишталигини ифодалайди. «Осойишталик» сўзи «яхшироқ» бирикмасига кирганда «идиш»нинг тагига чизиб қўйилади, шунда «осойишталик» сўзининг жарангидан фойдаланилган бўлади. Ассоциацияга боғлиқ тушунча тасвирга қараганда яна ҳам чалкашроқ. У кам деганда иккитадан расм билан ифодаланади. Масалан «хазина» сўзи тўртта расмдан уй, яшма боғлами, идиш ва чиғаноқдан иборат. Бу ерда идиш белгисининг ўзиям икки расмдан: ўғар ва даста белгисидан иборатдир. Шундай қилиб, битта иероглиф бешта суратдан ташкил топади. Биргина «хазина» деган белгини ёзиш учун қанча вақт сарфлаш керак! Лекин, бу ҳали ҳеч гап эмас. Шундай сўзлар борки, уларни белги билан ифодалаб бўлмайди. Қарағай билан сарв дарахтларининг нинаси бир хил эмас, лекин ҳар қанча қилсанг ҳам хат хатлигича қолади. У расмдаги каби аниқ бўлмайди. Шу туфайли кейинчалик предметсиз тушунчаларни предметли тушунчаларга яқин бўлган белгиларига қараб ифодалайдиган бўлдилар. Шундай қилиб, мазмун тасвирдан ажралаб қолди. Фонетик ёзувни иероглифларнинг ривожланишидаги олға силжиш деб аташади. Эҳтимол, бу олға силжиш бўлса бордир, лекин асосий ўринни ҳамон расм эгаллаб келади. Масалан, «сабзавот» сўзи ўз мазмунини «кўкат» сўзидан, жарангини эса «териш» сўзидан олади. Бунинг учун учта фигура: кўкат, тирноқ ва дарахт ишлатилади, «денгиз» ҳам уч фигурадан: мазмунини «сув»дан, жарангини «шляпа кийган хоним» (?) дан олади. Шу тариқа, ҳамма вақт ҳам, ёза бошладингми — расм чизавер.

Лекин, қадимгилар ҳам анойи эмас эдилар, улар предметни чизишда тасвирдан анча чекиниб фигураларни содалаштирадилар. «Чжуань» деган услубда расмнинг излари сақланиб қолади, лекин «Лишу» услубидан ҳозирги замон

«кайшу»¹ услубига ўтилганда ёзувнинг асоси эскича қолганига қарамай иероглифларнинг мазмуни тасвирдан худди ер билан осмонча узоқлашиб кетди. Расмлар энди соддалашиб, таниб бўлмайдиган даражада ўзгариб, тасвирликдан чиқиб кетди. Энди маъносига тушунмай туриб иероглифларни бирин-кетин ёдлаб олишга тўғри келарди, лекин шунда ҳам баъзи бир «феникс» ёки «искана» каби иероглифлар шу кўйи ихчамлашмай қолиб кетди. Бола уни ўрганишга ярим йил сарфлар ва кичкина тўртбурчакка кўчириб қийналарди. Яна бир мавжуд қийинчиликни айтиб ўтайлик. Сўзларнинг талаффузи минг йиллар давомида ўзгариб келди ва кўпчилик сўзлар, қадим вақтларда омоним бўлган бўлса, ҳозир турлича талаффуз этилади. Ҳозир ҳеч ким «сирпанчиқ» (хуа) сўзмини фонетик томондан (гу) суяк деб, «денгиз» (хай)ни эса «шляпали хоним» (мэй) деб талаффуз қилмайди.

Биз ёзув каби қимматли мерос қолдирган ота-боболаримиздан жуда миннатдор бўлмоғимиз лозим. Лекин ҳеч нарсани ифодаламайдиган тасвирлар ва унчалик жарангли бўлмаган жарангдошлар ана шу миннатдорчиликка лойиқмикин, деган шубҳа бизни ташвишга солади.

V. Ўтмишда тил билан ёзув бир бўлганми

Ўтмишда тил билан ёзув бир бўлганми деган саволга ўзимча жавоб топгим келяпти.

Ҳозирги замон олимлари, гарчи бу саволга аниқ жавоб беришмаса ҳам бундай бирлик бўлганлигини тан олишади ва давр узоқлашган сари бу бирликнинг шунчалик кучли бўлганини эътироф этишади. Лекин, мен бунга унча ишонмайман. Ёзув қанчалик содда бўлса, у тилга шунча яқин бўлади, лекин Хитойда тасвирлар шу қадар мураккабки, гўё бизнинг ота-боболаримиз унчалик фойдали сўзларни танлашмаганми, деб ўйлайсан киши.

«Қўшиқлар китоби»ни ўқиш осон эмас, унинг мураккаблиги оғзаки нутқ тили билан ёзилганидан далолат беради. Шан ва Чжоу замоналарининг асл тили етарли ўрганилмаганидан, бу тўғрида бирон нарса дейиш қийин. Чжоу ва Цин замонларидаги авторлар шевалардан фойдаланишган бўлса-да, уларнинг иероглиф фонди асосан бир эди. Баъзи ерларда ёзув ва оғзаки нутқ бир-бирига мос келса ҳам барибир бу уларнинг замонавий тили эди, уни халқ тили деб бўлмасди. Хань династияси даври ҳақида гапириб ўтирмаса ҳам бўлади. Ўша вақтларда Сим Цянь «Қўшиқ китоби»даги эскириб

¹ «Чжуань», «лишу» ва «кайшу» — иероглифлар чизишнинг турли усуллари.

қолган иероглифларни ўз замонасининг услубича таржима қилган, шунда ҳам халқ тилини жуда камдан-кам ўринларда ишлатган. Кейинчалик князь бўлган Чэнь Шэ¹ билан учрашув тўғрисидаги ҳикояда, унинг қадрдон бир дўсти ажабланиб; «Буни қара-я, Шэ князь бўлибди, бу жуда қизиқ-ку!» — деб житоб қилади. Лекин «Шэ князь бўлибди» деган жумла тарихнинг отаси Сим Цянь томонидан қисқартирилганга ўхшайди.

Ҳозирги вақтда илгари ёзиб қолдирилган болалар ва халқ қўшиқлари, ҳамда маталларининг халқ тили тарафдорлари томонидан ёзиб олинганлигини аниқ исбот этиш қийин. Лекин, хитой адабиётчиларида бировнинг мақолаларини тузатиш одати бор. Бунга бир жой, бир даврда яшаган халқнинг бир-қўшиғи икки киши томонидан икки хил қилиб ёзиб олинганлигини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Мана «Хань династиясининг тарихи»даги князь Хуайнань тўғрисидаги қўшиқнинг бир варианты:

Фут материяни тикиш мумкин,
Бир корсон тариқни янчиш мумкин,
Лекин ака-укалар чиқишолмайди.

Қўшиқнинг «Илк Хань династияси ҳақидаги «ёзувлар»² бидан варианты:

Фут материал — иссиқ ва яхши.
Корсон тариқ бўлса қорнинг тўяди.
Лекин ака-укалар сира чиқишмас.

Кейинги вариант асл нусхага анча яқинга ўхшайди, лекин эҳтимолки, унда баъзи нарсалар тушириб қолдирилгандир, фақат энг муҳим ўринлари сақлангандир. Кейинроқ «панд-насиҳатлар ёзуви» (XI—XII асрлар)да театрлар учун ёзилган прозаик диалогларда ва мўғул истилолари даврида ўқиб учун ёзилган нутқлар кам қисқартирилган, содда иероглифлар билан баён этилган, шунинг учун бу ёзувлар оғзаки нутқдай тушунарлига ўхшайди.

Менинг назаримда, Хитойда, нутқ билан ёзув шунинг учун ҳам бир эмаски, иероглифлар катта меҳнат талаб қилади ва ибораларни иқтисод қилишга мажбур этади. Қисқартирилган оғзаки нутқ ўз даврининг адабий тили ҳисобланади ва авлодимизга классик тил бўлиб хизмат қилади. Ундан фойдаланиш ниҳоятда оғир. Ахир биз ҳеч нарсани ифодаламайдиган тасвирлар ва жаранги йўқ жаранглилар ёрдамида бир-

¹ Чэнь Шэ — камбағал деҳқон, эрамизга қадар 209 йилда Цинь династиясига қарши кўтарилган қўзғолоннинг бошлиғи эди.

² «Илк Хань династияси ҳақидаги ёзувлар» — II, III асарларда ёзилган асар.

биримиз билан узоқ ўтмиш замонларнинг қисқартилган нутқи орқали гаплашишимиз лозим. Ҳозир бу тилда ҳеч ким гаплашмайди ва уни камдан-кам одамлар тушунади.

VI. Адабиёт — ажойиб нарса

Халқ томонидан яратилган ёзувни бир тўда имтиёзли кишилар эгаллаб олишди. «Ўзгаришлар китоби»даги «Одамлар қадим замонларда арқонга тугунчак тугиб гаплашганлар» деган жумладан биз, ҳатто шу тугунлар ҳам ҳукмрон синфга мансуб эди, деган хулоса чиқарамиз. Шундай экан, доҳийдан паст, лекин халқ оммасидан юқори турган парихонлар ва тарихчилар қўлида бўлган ўша давр ёзуви ҳақида нима ҳам дея олишимиз мумкин бўлади. Жамият ривожланиб бориши билан ёзувни ўрганувчиларнинг сони ошиб борди, лекин булар асосан имтиёзли кишилар эди. Оддий халқ ўқишга имкони бўлмаганлигидан эмас, балки бунга арзимаганлигидан саводсиз қолиб кетаверди. У ҳатто китобни кўрмаган ҳам. Хитойда китоб нашр қилиш йўлга қўйилмасдан илгари, ҳатто олимлар ҳам ўз адабиётларини билмас эдилар, чунки энг яхши ноёб асарлар император буйруғи билан махсус жойларда махфий сақланар эди. Ёзув имтиёзли кишилар қўлида бўлганидан, борган сари сирли нарсага айланар ва ўзига нисбатан халқнинг ҳурматини уйғотарди. Бу сўнгги вақтга қадар ҳам давом этиб келди. Биз деворларда «Ёзуви бор қоғозни ҳурмат қил»¹ деган ёзувли саватларни кўрамиз. Бу «илми-асрор» жодугарлик ёзувлари иероглифларнинг ажойиб таъсирчанлиги билан қўшилиб, шайтонларни қувлар, касалларни даволарди. Ёзувга сажда қилиш, уни билганларга ҳам таъсир кўрсата бошлади. Эски ҳурматли кишиларга, янги ҳурматли кишиларнинг кўпайиб бориши ёқмас эди, албатта. Чунки саводлиларнинг кўпайиб кетиши ёзувнинг сеҳрли кучини йўқотиб қўйиши мумкин эди. Сеҳргарликнинг кучи ҳам шундаки, уни сеҳргарнинг ўзидан бўлак ҳеч ким тушунмаслиги керак. Шунинг учун ҳам имтиёзликлар илмни ўз монополиялари қилиб олишга уринардилар. Европада Урта асрларда фан ва адабиёт монастырларда марказлаштирилган эди. Хорватияда XIX асрнинг охириларигача ёлғиз монахларгина саводхон эдилар, халқ тили шунчалик орқада қолган эдики, у фақат эски ҳаётга хизмат қиларди. Реформа ўтказилгандан кейин жуда кўп сўзларни бошқа халқлар тилидан олишга тўғри келди.

¹ «Ёзуви бор қоғозни ҳурмат қил» деган ёзувли саватлар. Хитойда бундай қоғозларни ташламай, уни тўплаб ёқиб юборардилар.

Езувни ўрганишдаги тўсиқлар ижтимоий чиқиш ва иқтисодий шароит билангина чекланмай, балки унинг ниҳоятда қийинлиги билан ҳам изоҳланади. Ун йилдан ортиқ китоб устида ўтирган кишигина уни эгаллаши мумкин-да. Бу қийинчиликни енга олган кишиларгина олим бўлиб етишадилар. Улар эса ўз навбатида езувни яна ҳам қийинлаштирадилар, чунки билимдонлик уларга оддий халқдан ажратиб турадиган, алоҳида бир ҳурмат, эътиқод бағишларди. Хонлар династияси даврида яшаган Ян Сюнда¹ шундай камчилик бор эди. У ғалати белгиларга ўч бўлганидан Лю Синь² унинг «диалектлар» қўл ёзмасидан фойдаланмоқчи бўлганда ўзини Хуанпуга отиб юборишига сал қолди. Худди шу сабабли Тан династияси даврида яшаган Фань Цзун-ши³ нинг мақолаларига ҳам тиниш белгилар қўйиб чиқишнинг иложи бўлмади. Ли Хо⁴нинг шеърларига ҳеч ким тушунмасди. Тушуниб бўлмайдиган қилиб ёзиш учун имконият жуда кўп эди. Жуда бўлмаганда Канси луғатидан эски шаклларни ахтариб топишар, агар имкони бўлса Цянь Дянга⁵ ўхшаб, Лю Си⁶нинг «Сўзларнинг маъноси» деган китобидан кўчириб олишарди. Дарвоқе, яқингинада жаноб Цянь Сюань-тун⁷ жаноб Тай-янга «Шовэньцзецзи» услубидаги «иероглифларни ўрганиш тўғрисидаги диалоглар»ни кўчириб берди. Биринчи қадамданок иероглифларнинг қийинлиги сезила бошлади. Бундан ташқари олимларимиз холис хизмат қилиб, кенг халқ оммаси езувни ўргана олмасин деб, уни атайи яна ҳам қийинлаштириб юбордилар. Кўрдингизми, олимларимиз қанақа! Езув ҳаммабоп, ҳамма ўрганадиган осон нарса бўлганда илм ҳам, сўнгра олимларимиз ҳам ўзларининг сирли кучларини йўқотиб қўйишарди. Ҳозирги замоннинг адабий тилини архаик тилдан паст кўрган адабиётчилар ва мингта иероглиф халқ учун етарли деб билган бошқа кишилар худди шундай нуқтаи назарга амал қилганлар.

VII. Саводсиз Езувчи

Узоқ ўтмишдаги қисқартирилган ва мураккаб иероглифлар билан баён қилинган нутқ бизда илгари оғзаки ва ёзма ижодиёт деб аталарди, ҳозирда эса «замонавийлашган» кишилар уни «адабиёт» деб атайдилар. Бу конфуцийнинг

¹ Ян Сюн — эр. ол. I аср — I аср бизнинг эра.

² Лю Синь — I аср.

³ Фань Цзун ши — IX асрда яшаган.

⁴ Ли Хо — шоир.

⁵ Цянь Дянь — XVIII асрда яшаган.

⁶ Лю Си — Хонлар династияси даврида яшаган.

⁷ Цянь Сюань-тун — XX аср 20-йилларининг адабиётчиси.

«Хикматли сўзлари»дан олинган: «Ёзувда Цзю билан Цзи-ся¹ ажралиб туради» деган цитата эмас. Бу инглиз тилидан япон тилига таржима қилинган « Literature » сўзидан олинган. Ҳозирги замон тилида бадний асар яратишни билган кишилар, ёзувчи деб аталади.

Ёзувчиликнинг биринчи шarti — ёзишни билиш. Бундай қараганда, саводсиз киши ёзувчи бўлолмайди, лекин ундай ёзувчилар бўлган. Кулмай турунлар, мен ҳали фикримни тугатганим йўқ. Ёзув келиб чиқмасдан олдин ҳам ижод қилинар эди, лекин, афсуски, улар ёзиб олинмаган. Бизнеснинг ота-боболаримиз, ибтидий одамлар, аввал ҳатто, гаплашишни ҳам билмаганлар, замонлар ўтиши билан секин-секин, кундалик меҳнат туфайли, ўз фикрларини ифода этувчи мўраққаб товушларни ўйлаб чиқардилар. Масалан, бир тўда кишилар дарахтни кўтараётиб улардан бири, иш зўр келганида тўсатдан «Хай-йю, хай-йю» деб юборган бўлиши мумкин. Шунинг ўзи ижод эди. Ҳаммининг бу сўзга эътибор бериб, уни амалда қўллаш бошлаши нашр этиш билан баробар. Агар бундай ижод белгилар билан ёзиб борилганда эди, у бадний асар бўлар, яратувчиси «Хай-йю, хай-йю группаси»нинг автори ёки ёзувчиси деб ҳисобланарди. Унинг асарини, албатта етук асар деб бўлмайди, лекин бундан кулманг. Ибтидий одам ҳозирги замон одамларидан ҳар тарафлама узоқ, лекин бу оддий мисоллардан бири. Ахир Чжоу замонасидаги «Қўшиқлар китоби»да босилган биринчи шеър:

Гуаньгуань, цзюйцзю²
Дарё ўртасидаги оролда
Бир гўзал қиз бор,
У муносиб бойваччага! —

бизда завқ ва ҳурмат ҳисси уйғотди. Агар у бундай қадим замонларда ижод қилинмаганида, уни бошқача кутиб олишган бўларди. Агар, бизнинг кунларимизда янги бир шоир чиқиб, ҳозирги замон тилида шу мазмунда шеър ёзса, тўқсон тўққиз пойиз аминманки, ҳар қандай газета редакцияси қўл ёзмани сўзсиз қоғоз ташланадиган саватга улоқтириб юборарди. «Бир гўзал қиз бор, у муносиб бойваччага», дегани нимаси?

Уша «Қўшиқлар китоби»нинг «Подшоҳларнинг хулқ-атворлари» деган бобидаги кўпчилик асарлар исми номаълум саводсиз авторлар томонидан ёзилган; улардан энг яхшиси оғиздан-оғизга ўтиб, сақланиб қолган. Қўшиқлар подшоҳ амалдорлари томонидан халқни бошқариш учун қўлланма

¹ Цзю, Цзи-ся — конфуцийнинг ўқувчилари.

² Гуаньгуань, цзюйцзю — балиқчи қушнинг овозига ўхшатиш,

сифатида танланиб, ёзиб олинган, лекин қанчадан-қанчаси йўқолиб кетган!

Грецияли Гомернинг буюк эпик поэмалари (ҳақиқатан ҳам яшаган бўлса керак, деб тахмин қиламиз) даставвал оғиздан-оғизга ўтиб юрган, аммо сақланиб қолган ёзуви бошқа кишининг номи билан аталади. «Ярим кеча» ёки «Дуцую гэ» каби IV—VI асрларда яратилган ва «Бамбук шохи» ёки «Тол шохи» каби VII—X асрларда яратилган халқ қўшиқларининг авторлари номаълум, лекин улар бизгача ёзиб олинган ва адабиётчилар томонидан таҳрир қилинган ҳолда етиб келган. Шу йўл билан улар сақланиб қолганлар ва афсуски ўзининг дастлабки вариантдаги ҳолатини йўқотганлар. Ҳозир ҳам хат-саводи бўлмаган шоир ва романчилар — балиқчилар, тоғликлар ва бошқа кишилар яратган, ҳамда оғиздан-оғизга кўчиб юрган кўплаб эртақ, ҳикоя ва қўшиқларни учратиш мумкин. Бу авторларнинг ҳаммаси ёзишни билмаган, шу туфайли уларнинг асарларини билганлар ҳам кам бўлган. Асарлар кенг кўламда ёйилмаган ва осонгина йўқолиб кетган. Лекин бундай асарлар адабиётчилар қўлига тасодифан тушиб қолганда, улар қувона-қувона ундан ўз асарлари учун материал олганлар. Тарихда, умрини яшаб, емирилишга юз тутган эски адабиётда халқ ижоди ёки чет эл адабиёти таъсири остида ўзгариш пайдо бўлиш ҳоллари учраб туради. Хат-саводсиз ёзувчилар гарчи адабиёт ишини профессионал ёзувчилардек билмасалар ҳам ўзлари билан янги, соғлом элементларни олиб кирадилар.

Халқ ижодиёти умум мулкимиз бўлиб қолиши учун биринчи галда, уни яратувчилар ёзишни билишлари, ўқувчилар эса саводли бўлишлари лозим. Хулласини айтганда, ёзув халқники бўлиши керак.

VIII. Умумий саводхонликка қандай эришиш мумкин?

Манъчжурлар ҳукмронлигининг охирларида халқни саводли қилишга интилиш сезила бошлади. Халқни ўқитиш, тўғрисидаги император фармонини куйловчи бир қўшиқ шундай деб бошланарди: «Бонг ва дўмбираларни гумбурлатманглар, қулоқ солинглар, мен тинчлик тўғрисида қўшиқ айтиб бераман...» Уша вақтларда ҳатто олимлар ҳам замонавий адабиёт тилида бир қанча газеталар ташкил қилишган эди, лекин улар бу ишни умумий саводхонликка эришиш учун эмас, балки эшитишга осон бўлган тилни жорий қилишга интилишган эди. «Мингта иероглифдан иборат халқ дарслиги» китоби фақат ёзувни ўрганиш доирасидагина саводхон қилар эди. Лекин, фикрни баён қилиш учун мингта иероглиф ҳам камлик қилади. Ахир турмадаям ухлаш, ўтириш, туриш ва

ҳаракат қилиш учун маълум жой бор, лекин темир панжарадан бу томонга ўтиб бўлмайди... Лао Найсюань билан Ван Чжао иероглифларни анча соддалаштиришди, энди сўзларни айтилишидаги товушга қараб ёзиш имконияти туғилди. Республика ташкил бўлганда уларнинг ҳар иккаласи ҳам Маориф министрлиги қошидаги алифавитни ишлаб чиқиш комитетига аъзо бўлиб киришди. Жаноб Лао комитетга ўз вакилини юборди; жаноб Ван эса шахсан ўзи қатнашди. Лекин «жу»¹ оҳангини сақлаб қолиш масаласида жаноб У Чжи-хуэй² билан мунозара шундай кучли бўлдики, у жуда озиб кетиб, ҳатто шими тушиб кетишига сал қолди. Ниҳоят, узоқ мунозаралардан кейин «чжу инь цзиму» деган бўғинли алифбе қабул қилинди ва иероглифларни шу билан алмаштириш умиди туғилди. Лекин, амалда бу алифбе яроқсиз бўлиб чиқди, чунки у япон алифбоси каби энг оддий иероглифлардан иборат эди. «Чжу инь цзиму» белгиларини мисралар орасига ёки иероглифлар ёнига қўшиб ёзиш мумкин эди; хуллас, у иккинчи даражали ишни бажаришга қодир, лекин етакчи бўлолмади. Улар хатни чалкаштириб юборар, ўқиганда кўзни қамаштирарди. Комитет аъзолари бу алифбени «товушни ифодаловчи асосий белгилар» деб аташган бўлса ҳам имконияти чекланганини эътироф этишди. Ахир японияда ҳам иероглифларни камайитириш, лотин алифавитини киритиш таклиф қилинди-ю, лекин ҳеч ким бўғинли алифбедан фойдаланишга уриниб кўрмади ҳам.

Лотин алифавити бир қадар дуруст эди. Лекин, уни яхши билувчи Чжао Юань-жэнь³ нинг таклифига мен унча тушуна олмай турибман. Ҳозир ҳатто Туркия ҳам шу кенг тарқалган алифавитга ўтди. Ҳар бир сўз қўшиб ёзилади, ўқиш учун равшан ва қулай. Бироқ мутахассис бўлмаган бизга ўхшаган кишиларга ҳарфларнинг қўшилиши жуда қийинга ўхшайди. Аниқлик мураккабликни талаб этади, ўқишнинг қийинлиги ҳам шундан келиб чиқади ва бу уларнинг кенг тарқалишига халақит беради. Бундан бошқа бирон соддароқ, лекин қўпол бўлмаган нарса топилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Яқинда биз «Хитой тилини лотинлаштириш»⁴ («Дунё» журнали иккинчи йил нашрининг 6—7 сонига қўшимча. «Дунё адабиёти янгиликлари»нинг «Тил тўғрисидаги илм») қисми брошюрасининг янги методлари билан танишиш имкониятига эга бўлдик. Китоб арзон ва истаган ҳаваскор бемалол олиб

¹ «Жу» оҳанги — хитой тилидаги алоҳида бўғинли оҳанг.

² У Чжи-хуэй (Цзинхэн) — гоминданчи реакционер.

³ Чжао Юань-жэнь — ҳозирги замон филологи.

⁴ «Хитой тилини лотинлаштириш» — Совет Иттифоқида Сюй Цю-бо ва бошқа хитой коммунистлари томонидан ишлаб чиқилган алифавит тўғрисидаги брошюра.

ўқиши мумкин. Алифбеда бўгин тузиш жуда осон бўлган жами 28 та ҳарф бор. «Одам»— ghen, «уй»— fanz, «мен мева еяпман»— wo ch goz, «у ишчи»— Ta sh gungrhen, бўлади.

Ҳозир бу алфавит билан Хитой эмигрантлари ўртасида тажриба ўтказиляпти. Лекин, ҳозирча фақат шимолий диалектлар бўйича тажриба олиб борилмоқда. Менимча, Хитойда, ҳаммадан кўпроқ пекин диалектида эмас, шимолий диалектда гаплашилади. Агар келажакда ягона умумий халқ тили пайдо бўлса, унда асосий ўринни шимолий диалект эгалласа керак. Ҳозирги шароитда бу алфавитни турли шевалардаги талабларга мослаштириш лозимки, ҳар қандай қишлоқда ҳам бу алфавитда бемалол ёза берсинлар.

Шундай қилиб, тилимизга йигирма саккиз ҳарфни олиб кирсак, уларни бўгинга бўлишни ўргатсак, дангаса ва телба одамларни мустасно қилганда ҳамма саводли бўлади.

Бу алфавитнинг яна бир афзаллиги ёзишнинг ўнғайлигидир. Америкаликлар «Вақт — пул» дейишади, мен: «Вақт — умр» дейман. Бировнинг вақтини бекордан-бекорга сарфлаш, талаб ўлдириш билан баробардир.

Бизнинг чидаб бўлмайдиган иссиқдаги ҳозиргидай сафсатамиз, бундан мустасно, албатта.

IX. Нима муҳимроқ — диалектларми ёки умумхалқ тилими?

Бу жуда мураккаб масала. Бир ернинг шеваси иккинчи ернинг шевасидан жиддий фарқ қилади. Бизда тахминан бешта диалект бор: Цзянсу вилоятларидаги шимолий, фуцзянь, гуандун диалектлари ва Чжецзян, Хунани, Хубэя, Сичуани ва Гуйчжоу диалектлари, Бу диалектларнинг ҳар бирида яна ўз шевалари бор. Алфавитни бу диалектлардан қайси бирига мослаштириш лозим? Умумхалқ тили тушунарли бўлмайди, бир ернинг лаҳжасини иккинчи ердагилар тушунмайди. Шунинг учун ҳам биринчи қарашда алфавитдан кўра иероглифлар афзалроққа ўхшайди: гўё у қабул қилинса мамлакатнинг бўлиниб кетишига сабаб бўлаётгандай кўринади. Менимча, бунга бошқача кўз билан қараш лозим. Ҳамма ерда маориф ишлари биринчи бошланган паллада ўқитишни шу ернинг ўз диалектида бошлаш зарур. Ахир алфавит қабул қилинганига қадар саводсизлар ёзувни билмасдилар, алфавит уларга фақат фойда келтириши мумкин, холос. Ҳаммадан муҳими шуки, атиги бир диалект районида бўлса ҳам халқ учун фикр олмашишга имконият туғилади. Албатта, халқ тилида фойдали китоблар ёзадиган кишилар керак. Гап шундаки, уни қандай ёзиш керак: област луғатига асосланиш керакми, ёки умумхалқ аҳамиятига эга бўлишига интилиш ке-

ракми? Диалектларда ва шеваларда биз «қайралган сўзлар» деб атайдиган образли ифодалар учрайди. Қонунлар китобидан олинган цитаталар китоб тилига тугаллик ва ширадорлик бағишлагани каби, бу иборалар ҳам тилимизга тугаллик ва жилва бағишлайди. Лекин, мослаштиришнинг ҳам ўзига яраша хавfli томонлари бор. Мен тил ҳақидаги илм билан таниш эмасман, лекин ҳайвонлар дунёсида мослаштириш кўпинча ҳалокатга олиб келади. Одамлар пайдо бўлмасидан илгари кўпчилик ҳайвонлар ва ўсимликлар фақат маълум бир муҳитга мослашганлар. Бошқа шароитга ўтиб қолганларида эса, тўғридан-тўғри ҳалокатга учраганлар. Лекин, бизнинг хавфсирайдиган еримиз йўқ: хайриятки, биз шароитга мослашиш қобилиятини йўқотмаган ҳайвонлармиз. Халқнинг ўз адабиёти бор, шу адабиёти туфайли ўзини қурбон қилиб ҳам ўтирмайди. Акс ҳолда иероглифлар деб хитой халқининг саксон процентини қурбон қилаётган тирик донишмандлар билан саводсизлар орасида фарқ бўлмас эди.

Шунинг учун ҳам, менинг назаримда, аввал бошда диалектлардан фойдаланавериш керагу, умумхалқ луғати ва грамматикасини кейинроқ, секин-секин киритиб бориш лозим. Илгариги област луғатини ва адабиётини асос қилиб олиб, уни янгиси билан тўлдира бориш билан умумхалқ тили ва адабиётини яратиш лозим.

Гарчи, турмушдан узоқлашган олимлар томонидан ишлаб чиқарилган проектларни тўлалигича татбиқ қилиш мумкин бўлмагани билан уни бутунлай ярамайди деб тасаввур этиш керак эмас. Ҳозирги вақтда пристанларда, олий ўқув юртларида, жамоатчилик ташкилотларида умумхалқ тилига ўхшаш тил пайдо бўла бошлаган. Бу давлат тили ҳам эмас, пекин диалекти ҳам эмас. Бу тилда ҳали қишлоқ тилининг таъсири бўлса ҳам, лекин у шева эмас. Гарчи, бу тил гапираётганга ҳам, эшитаётган одамга ҳам қийиндек туюлса-да, лекин улар, ҳар қалай бир-бирларининг айтмоқчи бўлган гапларини тушунадилар.

Агар шу тилнинг ривожланишига ёрдам бериб, у ер-бу ерини силлиқлаб турилса, у омма тилининг асосларидан бири бўлиб қолади, балки тўғридан-тўғри манбанинг ўзи бўлиб қолар. Диалектнинг янги асоси деб, худди ана шу тилни айтаётибман. Ана шу табиий процесснинг шаклланишига ёрдам бериш билан халқимиз адабий тилининг ягона бўлишига эришмоғимиз мумкин.

Лекин, бу соҳада ҳали катта ишлар қилиниши лозим. Йиллар ўтиши билан, ёзувимиз тилимизга яқинлашади, ажойиб образли ифодалар диалектлардаги «қайралган сўзлар» каби силлиқлашади, лекин улар қонунлар китобидан олинмаган цитаталарга қараганда анча жонлироқ бўлади. Шунда ада-

биётимиз янада ёрқинлашади. Аммо, бунга тезлик билан эришиб бўлмайди. Бизнинг миллий ғояларимиз ҳимоячиларнинг фикрича, дурдонамиз бўлмиш иероглификани такомиллаштириш ва шундай ажойиб натижаларга эришиш учун уч-тўрт минг йиллар керак бўлар эмиш.

Сўзсиз, бу ишни илғор олимларимиз бошлаб бериши керак. Баъзи бировлар: «Халқ ўз ишини ўзи қилсин» дейишади. Лекин, шундай гаплар кимларнинг оғзидан чиқишига бир эътибор беринг. Агар бу халқ овози бўлса, қулоқ солсангиз арзийди, ҳамма ишни халқнинг ўзи қилиши керак, лекин ёрдамчиларни четлатиш тўғри эмас. Борди-ю, бу овоз олим кишиларимизнинг овози бўлса, унда бу гап бошқача маъно беради: бу баландпарвоз гап уларнинг ёзувга ҳукмрон бўлиш ва жамиятда юқори ўринни эгаллаш йўлидаги курашларини яшириб қолиш учун хизмат қилади.

Х. Қўрқиб керак эмас!

Ҳали бу гапларнинг амалга ошишига қанча вақт бор-у, Лекин шу қуруқ гапларнинг ўзиданоқ, баъзи бировларнинг юрагига ваҳима тушиб қолди.

Саводхонлик душманларининг энг оддий усули, умумий тил ва адабиёт учун курашаётган ҳар бир кишини Сун Ян¹ каби сиёсий пропагандачи ва исёнкорликда айбладан иборат. Улар ўз тинчликларини йўқотиб қўймаслик учун саксон процент хитойларни саводсиз ҳолича қолдириб, яна бунинг устига кар ҳам қилиб қўйишлари лозим, зеро халқ оғзаки пропагандани эшитиб ҳам бузилмасин. Бироқ «адабиёт ҳақидаги сафсатага» кирмайдиган масалалар устида бош қотириб ўтиришнинг ҳожати ҳам йўқ.

Менинғ яъни бир қизиқувчи кишининг назарида рақобатлик хавфи адабиётда гўё кимда-ким ёзишни ва ўқишни ўрганиб олса ёзувчи бўлиб кетаверадигандай. Осмоннинг ерга узилиб тушишидан тентакларгина қўрқадилар!

Юқорида биз, саводсизлар орасида ҳам ҳамма вақт ёзувчилар бўлганлигини айтиб ўтган эдик. Мен кўпдан бери қишлоқда бўлган эмасман, лекин илгарилари, деҳқонларнинг озроқ бўлса ҳам бўш вақтлари бўлган тақдирда, куннинг иссиғига чидаш беролмай сояга ўтиб, бир-бирлари билан эртак айтишишарди. Улар кўпроқ гапга чечанликда машҳурроқ одамнинг гапига қулоқ солишарди. У кишининг ҳикоялари жуда қизиқарли, тушунарли, содда бўлар ва тингловчилар тарқалиб кетмай, завқ билан берилиб эшитишарди. Агар шундай кишиларнинг ҳикоялари ёзиб олинганида, ўзи ёзувчи,

¹ Сун Ян — ХКП Марказий комитетининг аъзоси Цюй Цю-бонинг тахаллуси. У 1935 йилда гоминданчилар томонидан ўлдирилган.

ҳикоялари бадинй асар бўлиб қоларди. Ахир бировларнинг диққатини ўзига жалб қила олмайдиган бемаъни ва сафсата-боз кишининг бекорчи гап сотишига ким қулоқ сола қоларди дейсиз. Бинобарин, ундай одамни майна қилиб, кулишарди. Ахир биз минг йиллардан бери китоб тили ва ўн йиллардан бери ҳозирги замон тили билан шуғулланиб келамиз. Лекин, орамиздан чиққан ҳар бир саводхон киши ёзувчи бўлиб кета-вермаган-ку! Борди-ю, ҳар бир саводхон киши ёзувчи бўлиб кетаверганида-чи, унда ҳам зарари йўқ эди, ахир ёзувчилар милитарист ва қароқчилар эмас-ку, бир-бирларининг асарларини ўқиб юришаверарди, вассалом.

Лекин бошқа душманлар ҳам йўқ эмас. Улар ўз санъатларининг обрўйи тушиб кетишидан қўрқиб, халқ қадимий асарлар асосида тарбияланаётгани йўқ, шунинг учун ҳам унинг адабиёти қўпол бўлиб чиқади деган гапни рўкоч қилишади.

Лекин эски иллатлар билан зарарланмаган меҳнаткаш омма адабиёти, аксинча, соғлом ва тозалигича қолади. Эски адабиёт ўз кучини «Ярим тун қўшиғи» каби автори номаълум бўлган китоблардан олади, деб айтиб ўтган эдим. Халқ қўшиқ ва эртакларини тўплаб, нашр этаётган кишилар ҳозир ҳам бор. Драмалар ҳам йўқ эмас, масалан, «Мулянь онасини қутқаради» деган драмадан парча менинг «Кечқурун эрталаб очиладиган гулларни тераман» деган тўпланимда ҳам босилган. Унда иблис Учан ўлаётган бир кишига раҳми келиб, унга яна ярим кун умр берганлиги, шу сабабли дўзах ҳокими Яньло уни жазолагани, ўшандан бери ҳеч кимга раҳм-шафқат қилмай қўйганлигини бўйнига олади.

«Сен минг мис девор орқасига яширинмагин, ҳатто императорга қариндош бўлмагин!..»

Адабиётчиларимиз ижодида ҳеч қачон шундай очиқ кўнгилли, ўз гуноҳини ўзи сезадиган, қоида-қонунларга шунчалик риоя қиладиган ва шу қадар журъатли қаҳрамонлар учраганми?

Бу драма — деҳқон ва ҳунармандлар дам олиш пайтларида ижро этиладиган ҳақиқий асардир. Мулянининг дўзахга қилган юришлари ҳақида ҳикоя қилинадиган мазмунга «Мулянь онасини қутқаради» ксилографидагидан тамоман бошқача мазмундаги кўпгина ҳикояларни қўшишган, ёлғиз «Монах қиз тоғдан тушади» ҳикоясигина ўз ўрнида қолган.

«У Сун йўлбарсни ўлдиради» парчасида икки киши ўйнайди. А — кучли ва Б — заиф. А У Сунни тасвирлаётганида Б ни қаттиқ калтаклайди, Б йиғлай бошлайди. А ўзини оқлаб: «Ахир сен йўлбарссан, агар сени калтаклаб ўлдирмасам мени ғажиб ташлайсан» дейди. Б ролларимизни алмаштирайлик, деб илтимос қилади ва шундан кейин ҳам А яна уни шаф-

қатсиз ғажий бошлайди. Б яна шикоят қилади. А яна ўзини оқлаб: «Ахир сен У Сунсан, мен сени тишламасам, унда сен мени ўлдириб қўясан» — дейди. Бундай эпизодлар грекларнинг Эзопи ва русларнинг Сологуби яратган масалларидан сира ҳам қолишмайди.

Бундай асарларни мамлакатимизда кўплаб топса бўлади. Албатта, камчилик томонлари ҳам йўқ эмас. Иероглифларнинг қийинлиги билан услубнинг оғирлиги деҳқонларни ҳозирги замон жамоатчилиги фикридан узоқда тутади. Шунинг учун ҳам кимда ким Хитой маданиятининг ривожланиши учун курашаман деса, у ҳолда у халқ тили, адабиёти, алфавитли ёзувни ташвиқот қилиши лозим.

XI. Омма олимлар тасаввур қилганича фаросатсиз эмас

Халқ адабиётини юзага келтириш масаласи қўйилди дегунча, турли жасур жанжалкашларга ютуғларимиз, ҳозирги адабий тилимиз, таржималаримиз, европалаштирилган грамматика ва янги терминологияларимизга ҳужум қилиш учун сабаб топилиб қолди. Ҳозирги замон тилимизда «омма учун тушунарсиз, шунинг учун ҳам жуда қийин» бўлган архаик сўзларнинг қолдиқлари сақланиб қолган, деган сабаб билан ўз байроқларига «омма» сўзини тиркаб олиб, ўз мақсадларини боболарига ўхшаб усталик билан амалга оширмақчи бўладилар, яъни, «Узоқ душман билан бирлашиб ўз яқинингни ур». Архаик адабиёт усталарининг баъзилари ишламаганликларидан дангаса бўлиб қолганлар. Улар халқ тили шаклланиб улгурмасданоқ, ҳозирги замон адабий тилини йўқ қилиб ташлаш ва кейин бўш майдонда сафсатабозлик билан шуғулланиш орзусида ёнадилар. Улар тўғрисида оғиз оғритиб гапириб ўтиришнинг ҳам фойдаси йўқ. Бошқа—ўзлари хайрихоҳу, лекин адашадиганлар ё оммага менсимай қараганлариданми, ё ўзларини менсимаганлариданми, ҳар қалай, ҳамон эски хатоларини давом этдириб келмоқдалар. Олимлар, бошқаларни назар-писанд қилмасдан, омма эмас, балки ёлғиз ўзларинигина янги мураккаб шаклларни тушунишга қодир деб ҳисоблайдилар. Шунинг учун ҳам халқ туфайли бутун эски шаклларни чиқариб ташлашни таклиф қиладилар. Қанча содда бўлса, шунча яхши, дейдилар. улар. Бу нуқтаи-назарга кўр-кўрона ёндашиш янги «миллий мерос»¹ туркумининг пайдо бўлишига сабаб бўлиши мумкин. Учинчи бир хиллари адабиётни оммага халқ тилида тақдим қилишга шошиладилар. Шунинг учун улар омманинг дидига қараб иш қилишни таклиф этадилар, гўё «оммага ёрдам бериб» уларнинг

¹ «Миллий мерос» туркуми — бутун, янги ва илғор нарсаларга қарши курашувчи реакционерлар.

ҳурматларини қозониш учун адабиётга ҳақоратли сўзларни ҳам киритишга қарши эмаслар. Бу бекорчи меҳнат, бу йўл билан фақат омма орасида хушомадгўйлар яратиш мумкин, холос.

«Омма» — кенг маъноли сўз. Омма деганда биз турли хил кишиларни назарда тутамиз. Лекин, битта ҳарфни ҳам билмайдиган саводсизларни назарда тутсак, у ҳолда бу халқ олимлар ўйлаганичалик аҳмоқ эмас. Бу одамлар ўқишни истайдилар, билим олишга интиладилар, ўзлаштиришга қобилиятлари ҳам дуруст. Янги терминлар, янги грамматика билан тўлдирилган нутққа тушунмасликлари мумкин, лекин энг муҳимларини ажратиб олиб, аста-секин тилга киргизилиб берилса, улар ҳаммасини ўзлаштира оладилар. Хурофотга берилган олим кишиларга қараганда уларнинг ўзлаштириш қобилиятлари дурустроқ. Ҳамма ҳам туғилишда саводсиз туғилади, лекин икки ёшга борганда кўп нарсани тушунадиган ва кўп нарсани айта оладиган бўлади. Янги туғилган бола учун ҳамма нарса янгилик. Терминлар ҳам, грамматика ҳам. Лекин у Ма¹ грамматикаси ва «Ци юань»² энциклопедиясини ўрганармиди? Янги туғилган бола профессорнинг тушунтириш, изоҳларисиз ҳам кун кўра олади. Бола бир сўзни бир неча марта эшитганидан кейин, уни солиштириш йўли билан ўрганиб олади. Аммо, ҳам янги луғат, ҳам янги грамматикани ўзлаштиришда шу усулни қўлланса бўлади. Бундай кўринишдан янги «миллий мерос» туркуми халқ учун ташвиш тортадигандек кўринса ҳам, аслида у ишни орқага чўзиб, ўз вазифасини адо этади, холос. Ҳамма ишни ўзбўларчиликка ташлаб қўйиш мумкин эмас. Баъзи соҳада онгли олимларникига қараганда омманинг тажрибаси оз, материал ўз вақтида танлаб ажратиб берилмаса, улар янглишиши, касал ва ҳатто зарарли нарсаларни қабул қилиб олиши мумкин. Шунинг учун ҳам оммага ёрдам бермоқчи бўлган лаганбардорларнинг турли янги кўринишлари ҳеч нарсага ярмайди.

Тарихдан бизга маълумки, ҳар бир ислоҳотни онгли зиёлилар бошлаб беради. Улар текшириш, фикр юритиш, қарорлар қабул қилиш ва уни тинмай ҳаётга татбиқ қилиб беришга қодирлар. Улар ўз мансабларидан мунофиқлик билан шароитга мослашиш, алдаш учун эмас, балки фойдали ишлар қилиш учун фойдаланадилар. Бундай одам хўжа кўрсинга ўзини ишчан кўрсатиб, бировларни худди малайларидек пастга урмайди, аксинча, ўзига ҳам, бошқаларга ҳам ҳурмат билан

¹ Ма — Хитой грамматикасининг автори.

² «Ц и ю а н ь» — изоҳли луғат.

қарайди. У — халқ орасидаги бир киши, ёлғиз шундай одамгина халқ ишини амалга ошириши мумкин.

Хулоса

Бу ерда жуда кўп гаплар айтилди-ю, лекин ёлғиз гапнинг ўзи кифоя эмас. Энг муҳими — иш. Лекин бунинг учун оммадан ҳам, илғор кишилардан ҳам, турли касбдаги кишилар: тарбиячилар, адабиётчилар, тилчилардан ҳам катта меҳнат талаб қилинади, лекин бу вазифа кечиктириб бўлмайдиган вазифа. Мабодо ҳозир кемани оқимга қарши олиб боришга тўғри келса ҳам, эшкакларни ишга солиш лозим. Албатта, оқим билан сузиш осонку-я, лекин шунда ҳам рулсиз бир иш чиқариб бўлмайди.

Арғамчини тортиш ва рулни бошқариш усуллари тўғрисида яна узоқ гапириш мумкин эди-ю, лекин бу гапларнинг ҳаммасини ҳам амалда синаб кўриш фойдалироқ бўлса керак; оқим ва шамолнинг кучини қанча ўлчамлагин, мақсад битта — олға!

Энди сизларнинг гапларингизни эшитгани менга ҳам имкон беринглар: ахир, ҳар бирингизнинг ҳам ўз фикр ва мулоҳазаларингиз бор.

ГУШТНИНГ ТАЪМИНИ БИЛОЛМАЙ ҚОЛГАНЛАР ВА СУВНИНГ ТАЪМИНИ УНУТГАНЛАР ТЎҒРИСИДА

Бу йил Конфуций шарафига бўладиган байрам¹ республика эълон қилингандан бери иккинчи катта тантана; унинг дабдабали ўтиши учун имконият борича тайёргарлик кўрилган. Шанхайнинг хитой қисми Ваҳшийлар² майдонига яқин бўлса ҳам, бир вақтлар Конфуций уч ой гушт емай тинглаган Шао³ куйини эшитишга муяссар бўлдилар.

«Шэнь бао» газетаси 30 августда: 27 куни Конфуцийнинг туғилган кунининг байрам қилиниши маросимида, Вэнь ибодатхонасида, партия, давлат ва жамоатчиликнинг бошқа табақаларидан мингдан ортиқ вакиллар қатнашди. Чжунхэ ва Шао гимнларини ижро этгани Датун оркестрининг сони таъсири бўлсин учун қадимий ва ҳозирги замон асбобларидан қирқтача олиб борилган, лекин куйнинг кўпи эскича, ўзгартирилмай қолдирилган эди. Дунёвий музикадан жуда ажралиб турадиган бу — илк династиялар даврига⁴ мансуб бўлган

¹ Бу йил Конфуций шарафига бўладиган байрам 1934 йил 27 август, туғилганига 2485 йил тўлган кун.

² Ваҳшийлар майдони — Чет элликлар яшайдиган ер.

³ Шао куйи — афсонавий император Шунники деган ривоятлар бор.

⁴ Илк династиялар даври — эрамизга қадар 2255 йил.

осойишта диний қасидаларга ўхшаш улуғвор ва жиддий музика садолари тингловчиларга тантанали кўтаринки руҳ бағишлар ва халқимизнинг тинчликка бўлган муҳаббатини изҳор қиларди.

Қадимий ва ҳозирги замон чолғу асбобларидан ташкил топган оркестр ўша давр музикасини ифода этиб бериши қийин эди-ку, лекин ўз куч ва қудрати билан Конфуцийнинг руҳини хотирлаш учун тўла жавоб берарди. «Конфуций — ҳамма даврларнинг донишманди», «донишманлардан энг улуғи». Ахир уч ой сидирға ақула сузгичлари ва қалдирғоч уяларини¹ истеъмол қилинмагандан кейин, бундай тантанани қирқ номдаги музика асбобларисиз ўтказиб бўлмайди-да. Конфуций даврида ҳам Хитой чет эл босқинчиларининг зулмидан азоб чекарди, лекин у вақтларда бизда Ваҳшийлар майдони йўқ эди. Бир давр иккинчи бир даврдан қанчалик фарқ қилишини қаранг-а!

Лекин қишлоқда бундай «кечгайтирилган оркестр»ни эшитишмаган. Худди ўша 27-кун «Чжунхуа» газетаси жуда ўринсиз хабар босиб чиқарди. Бу хабар «халқимизнинг тинчликка бўлган муҳаббатини ифода қиладиган диний қасида»нинг обрўига путур етказарди.

Нинбодан келган хабар.

«Ёзнинг бошларидаёқ Юйяо уездини қурғоқчилик қақшати, дарё қуриб қолди. Аҳоли ичгани сув тайёрлаш учун дарё ёқасида қудуқлар қазий бошлади. Лекин, қудуқлар олдида тез-тез уриш-жанжал бўлиб туради. Нега десангиз, ҳамма ҳам биринчи бўлиб сув ичиш тарафдори эди. Шу тариқа, 27-кун эрталаб қишлоқдан қирқ километрча наридаги Лансяга яқин Хоуфаньуда яшайдиган Ян Хо-кунь билан Яо Ши-лянь ўртасида қаттиқ жанжал чиқиб кетди. Яо Ши-лянь трубкаси билан Яннинг бошига бир туширди. Ян хушидан кетиб ерга йиқилди, лекин Яо уни калтак ва тошлар билан то жони чиққунча савалади. Уларнинг бақир-чақирини эшитиб қўни-қўшнилар югуриб чиқишди. Улар этиб келишганида Ян аллақачон жон берган, Яо Ши-лянь эса, боши балога қолишини билиб, ўзини олиб қочган эди...»

Бир дунёдаги одамлар Шунь музикасини тинглаб роҳат қиладилар, иккинчи дунё одамлари ташналикдан лаблари қовжираб жон берадилар. Бир дунё одамлар гўшт еявериб, унинг таъмини билмай қўядилар, иккинчи дунё одамлари ташналикдан жон бериш олдида, у бир томчи сув учун мушт-лашади. Бу икки дунё ўртасида «олижаноб» кишиларни «разил» кишилар ўртасида, ер билан осмонча тафовут бор. Ле-

¹ Қалдирғоч уялари — қимматли ва мазали таом.

кин «разил киши бўлмаган тақдирда, олижаноб кишини ким боқарди»¹.

Ахир одамлар ташналикдан ҳалок бўлишларига, уларнинг бир қултум сув учун бир-бирларини ўлдиришларига йўл қўйиши керак эмас-да, ахир.

Одамларнинг гапига қараганда, Арабистоннинг баъзи ерларида сув ниҳоятда қадрлилигидан қонга алмашишармиш. «Халқимизнинг тинчликка бўлган муҳҳабати» балки бунга йўл қўймас. Лекин Юйяо уездидаги ҳодиса шунчалик қўрқинчликки, гўшт емай қўйиб, унинг мазасини билолмай қолганлар эшитадиган «Шао музыкаси»дан ташқари, сувга ташналар эшитиб, ташналик нималигини унутиб юборадиган бошқа бир «Шао музыкаси» ҳам керак.

ХИТОЙ АДАБИЕТИНИНГ ЯНГИЧА РИВОЖИ УЧУН

Қадим замонларда ҳамма мамлакатларда ҳам ёзувдан камдан-кам кишиларгина фойдаланардилар. Ҳозирги замонда маърифат шунчали кенг тарқалганки, ҳатто маданиятли мамлакатларда истаган одам ёзувни ўрганиши мумкин. Лекин йигирма процентча одам ўқишигина билиб, ёзишни биладиганлар ундан ҳам кам бўлган Хитойда ёзув ҳамма учун ҳам бемалол деса бўладими?

Балки, шу йигирма процент саводли граждандар ўзларини Хитой маданиятининг махсус соқчилари, хитой халқининг вакиллари деб атарлар. Лекин, бу тўғри эмас. Ҳамма Хитойларнинг вакили бўлиш учун булар озлик қиладилар. Агар хитойликларнинг бир қисми акуланинг сузгичи билан қалдирғочнинг уясини истеъмол қилиб, наша, кўкнори ва ҳоказолар билан савдогарчилик қилиш орқасида комиссия дўконларда даромадларини оширсалар, бу ҳамма Хитойлар ҳам қалдирғочнинг уясини, акуланинг қанотини ейдилар, наша, кўкнори билан савдогарчилик қиладилар, комиссия дўконларда даромадларини оширадилар, деган сўз эмас, албатта. У ҳолда Чжун Сяо-сюй² нинг ёлғиз ўзи Манжоу-гога ўзи билан бирга ҳамма «маърифатли давлатлар бошқармаси»³ни ҳам олиб кетган бўлар эди.

Хитойнинг кўпчилигини ташкил этувчи аҳолининг манфаатидан келиб чиқиб шуни айтишимиз мумкинки, хитойда ёзув йўқ ҳисоб.

¹ Ярамас киши бўлмаганида олижаноб кишини ким боқарди.—«Мингизни» дан ўзгартириб олинган цитата.

² Чжун Сяо-сюй — сотқин, Хитой вақтинча японлар томонидан босиб олинган чоғларда бош министр бўлиб турган киши.

³ «Маърифатли давлатлар бошқармаси»—«Олтин аср» ҳақидаги конфуций афсонаси.

Ўз ёзувига эга бўлмаган давлат системаси борган сари инқирозга юз тутади. Бунга мисол келтириб ўтиришнинг ҳо-жати ҳам бўлмаса керак.

Ёзувнинг йўқлиги зиёлиларни аллақачонлар ташвишга солиб қўйган эди. XIX асрнинг охирларида замонавий адабий тилда газеталар ташкил қилишди; «4 май» ҳаракати даврида эса «адабий революция» қилишга чақиришди. Лекин, ўша вақтларда улар ёзувимизнинг мураккаблигидан дод солишгани билан ёзувимизнинг пулга тенглигини тушуниб етишмаган эди. Бу йилги архаик китоб тилини тиклашга уринишлар шундан келиб чиққан эди. Ҳозирги замон пулемётлари қанчалик даҳшатли қурол эканлигини ҳамма тушунади, лекин ҳатто даҳшатли хавф олдида ҳам танага сингиб кетган данга-салик жонлангани йўл бермайди. Яна қиличчилар катта отрядини олиб чиқиб кетишар, деб хаёл суришдан бўлак иложимиз йўқ.

Лекин, катта қиличчилар отрядининг мағлубиятга учраши ўз-ўзидан маълум. Орадан икки йилгина вақт ўтди холос, аммо солдатларга тўқсон тўққизта шамширни ҳадя сифатида қайраб бергани биронта ҳам талабгор киши топилмади. Архаик китоб тилининг қалъаси эса, ўзининг чириб, четга чиқиб бораётганлигини жуда суствлик билан ҳис қилмоқда, шунинг учун ҳам унинг емирилиши чўзилиб кетмоқда.

Адабиёт халқ тилида бўлсин, деган масаланинг ўртага қўйилишиёқ, бир қадам олға силжиш бўлади, чунки архаик тил юкни орқага тортиб турибди. Лекин, бу ўринда ҳам масаланинг муҳим бир томонини сезишмайди, у ҳам бўлса, Хитойда ёзув нуль билан тенг. Бу ўринда ёлғиз алфавитгина бу оғир масаланинг ҳал қилинишига йўл очиб беради.

Аммо, унга қарши чиқадиганлар ҳам кўп бўлади. Ахир имтиёзлиларнинг суйанган негизини тебратиб қўйиш яхши эмас-да. Галилей ўзининг ер айланади деган исботи, Дарвин эса эволюция назарияси билан дин ва ахлоқ асосларини ларзага келтирдилар. Уларнинг таъқиб остига олинганликлари ҳам ажабланарли эмас. Гарвей томонидан очилган қон айланишининг жамият тузумига ҳеч қандай алоқаси бўлмаса ҳам, бечора олимни умр бўйи чиқиштирамай келишди. Лекин, фактлар нимадан далолат беради? Фактлар қоннинг айланишини исбот қилади.

Агар хитойликлар бундан кейин ҳам яшашни истасалар, у ҳолда улар «ўн учта классиклар»нинг номларини ва яшил вино-ю «қизил фонус» параллелларидан шеър тўқишнинггина билладиган олим кишилардан юз ўгиришлари лозим. Аниқ илмларни билиш зарурлиги ҳаммага ҳам аён. Шундай қилиб, хитойликлар бундан кейин ҳам яшашни истасалар, у ҳолда биринчи галда билим тарқатиш йўлида учрайдиган асосий

тўсиқни йўқотишлари, яъни, тушунарли бўлмаган адабиёт ва иероглифларни йўқотмоқлари лозим. Бизга иккидан бирини танлашга тўғри келади: ё қадимий ёзувга қурбон бўлмоқ, ё йинки қадимги ёзувни қурбон қилмоғимиз лозим. Лекин, бу йўл ғанимларининг: хитой халқининг ҳаёти алфавит учун курашаётганларнинг ғалабасига боғлиқ, деган гаплари билан ҳал бўлмайди. Менимча, исботлар ўзларини узоқ кутдириб қўймасалар керак.

Лекин, менинг лотинлаштириш масаласига қарашим қандайлиги тўғрисида батафсил гапириб ўтирмасак ҳам бўлади, менинг бу соҳадаги қарашларим, асосан, «Очиқ суҳбат»нинг бир неча номерларида босилган Хуа Юйнинг¹ «Ёт кишининг адабиёт тўғрисидаги сафсаталари» деган мақоласида ифода этилган фикрга мос келади. Халқ тилини кулги ва кесатиқ-муқатиқ билан кутиб олишларига ақлим етиб турибди-ю, лекин шу қийинчиликларга қарамай, бу ишни охиригача етказиш зарур. У қанчалик қийин бўлса, шунчалик тезроқ битказиш зарур.

Ислоҳлар ҳеч қачон шамолга учган эмас, борди-ю, муваффақиятли чиқса у ҳолда ҳозир кулиб, кесатиқ-муқатиқ қилиб юрганлар, уни дарров мақташга тушадилар. Ишончсизлик кўзи билан қаровчиларга эса, замонавий адабий тил учун курашиш лозимлигини эслатиб қўйилса, бас.

1934 йил, 24 сентябрь.

ТАҚДИР ТЎҒРИСИДА

У ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтиргани «Уцияма» нашриётига тез-тез кириб турардим. Шу сабабли «адабиётчилар» ичидаги разил душманларим менга «хоин» деган лақаб ҳам қўйишди-ю, лекин ҳар галдагидек бу сафар ҳам ўз даъволарини исбот қилишолмади. Бу нашриётдан мен «бин-у» деган давра белгиси остида туғилган бечора япон аёллари бошига тушадиган мусибатни эшитиб қолдим. Улар бу йил йигирма тўққиз ёшга тўлишибди. Бундай аёл биринчи эрига бахтсизлик келтиришини, иккинчи, ҳатто бешинчи ва олтинчи эридан ҳам кейин ҳаёт қолишини, шунинг учун ҳам унинг турмушга чиқиши жуда мушкуллигини ҳамма ҳам эътироф этади. Бу, албатта, хурофий одатку-я, лекин япон жамоатчилигида бундай одат жуда кўп.

— Бундай қисматдан қутулишнинг иложи борми?— деб сўрадим мен.

— Иложи йўқ,— дейишди саволимга жавобан.

¹ Хуа Юй — Лу Синнинг тахаллусларидан бири.

Мен Хитой тўғрисида фикр юрита бошладим. Кўпчилик чет эл хитойшунослари хитойларни тақдирга тан берадиган фаталистлар деб биладилар. Ҳозирда, баъзи хитой публицистлари ҳам шу фикрда. Лекин, менинг назаримда, хитой қизларининг қисматида халос бўлишнинг иложи бўлмаган мусибат йўқ. Уларнинг қисмати оғир, лаънатланган, лекин ундан қутулишнинг иложи бор. Масалан, ўлимдан қўрқмайдиган, ва қийинчилик лаънатни ҳам енгиб кетадиган кишига турмушга чиқса бас. Лекин, ўзларининг сеҳргарликларини мақтайдиган даос динидагилар ҳам йўқ эмас. Бундай монах шафтоли дарахтидан ўйиб беш-олти эркак кишининг қиёфасини ясайди-да, уларнинг устига лаънат сўзларини ёзади, «никоҳ» ўқиб, кейин уни ёндириб юборади ёки ерга кўмади ва... хавф-хатар шу билан тугайди. Ана шундан кейин еттинчи эр бўладиган ҳақиқий қайлиқ пайдо бўлади.

Хитойлар тақдирга ишонадилар, лекин уни қандай ўзгартириш йўлини ҳам биладилар. Баъзан, бундан қутулиш йўлини ахтарган чоғимизда, «нима ҳам қила олардик» деган ибора бирдан-бир чорадай бўлиб туюлади. Агар инсон, тақдиримдан қочиб қутулолмайман деб қаттиқ ишонса, у ҳолда у ё бир боши берк кўчага кириб қолган, ё бўлмаса ҳалокатга йўлиқиш олдида турибди, деяверинг. Хитой то воқиа содир бўлганга қадар тақдир тўғрисида ўйламайди, унга тақдир бўлган воқиянинг сабабидек бўлиб туюлади, холос.


Хитойлар ҳам, турган гап, эскилик сарқитларидан холи эмаслар. Ўз эътиқодлари ҳам бор-у, лекин улар орасида мутаассиблари камроқдай туюлади. Илгарилари биз императорни ҳамма нарсадан ҳам юқори қўяр эдик, лекин уни алдашдан ҳам қайтмасдик; император хотинлари билан яхши кўрган аёлларимизга ихлосимиз жуда баланд эди, уларнинг кетидан эргашиб юрганимиз-юрган эди; тангриларнинг зийраклигидан қўрқардик, шундай бўлса ҳам гуноҳ қилардик-да, кейин қоғоз пуллар куйдириб, гуноҳимизни ювардик; қаҳрамонларга қойил қолар эдигу, лекин уларни деб жонимизни қурбон қилмасдик; машҳур конфуциан динидагиларни жуда ҳурмат қилардигу, лекин буддага ҳам сиғинардик; бугун бир нарсага ишонган солдат, эртага бошқа нарсага ишонар эди. Шимолий Вэйдан тортиб то Тан династиясининг охиригача бизда диний урушлар бўлган эмас, ҳукм суриб келган буддизм ва даосизмнинг учиб юриши, ҳамда емирилиши эса император саройидаги амалдорлар қилган тухматнинг натижаси эди, холос. Фол очишлар, қарғишлар, таъзимлар, дуолар буюк тақдир, лекин бир ҳовуч танга бериб, бир неча бор таъзим қилинса борми, ҳаммаси аксинча бўлиб кетади, Ана энди айтинг-чи, тақдири азал қаёқда қолди?


Қадимги вақтларда файласуфларимиздан баъзилари тақдирнинг белгилаб қўйилган йўли қанчалик ноаниқлигини тасвирлар ва «ҳақиқий» тақдир шундай чоралар кўрилгандан кейингина юзага чиқади, бу чораларнинг ўзи ҳам тақдир томонидан белгилаб қўйилган бўлади, дердилар. Лекин оддий кишилар, ҳар қалай, аксинча фикр юритардилар.

Балки ҳақиқатан ҳам мутаассибликдан ҳалок бўлиш, иккиланиш, нарсаларга шубҳа билан қараш яхши эмасдир. Ахир у тақдирда «қатъий фикрга эга бўлмаган» одам сифатида ном чиқармоқ мумкин. Бироқ, менинг назаримда, хитойларнинг тақдирига ва уни ўзгартириш мумкинлигига ишонишлари ҳақиқатан ҳам оптимистик кайфият. Бир бидъат иккинчиси билан алмашилиб турган вақтда, уларнинг ҳаммаси ҳам турличадек бўлиб кўринади, лекин унинг ўрнини илм, назария ва амалиёт эгалласа борми, у ҳолда тақдири азал, деган фикр хитойларнинг хаёлидан тамоман кўтарилиб кетади.

Шундай кунда манахлар, даослар, жодугар-табиблар, мунажжимлар, фолбинлар ва бошқалар ўз ўринларини олимларга бўшатиб беришга мажбур бўладилар. Шунда биз ҳам йил бўйи руҳ ва шайтонларга ўгирилиб қарайверишдан қутуламыз.

1934 йил, 23 октябрь





КОКИЛ ҚИССАСИ

48 бет. Хитойда Маньчжурия Цин династияси даврида (1644—1911) эркаклар маньчжурларга бўйсуниш белгиси тариқасида кокил қўйишга мажбур эдилар; чет эл династиясининг талабига бўйсунмаганлар қаттиқ жазога тортилганлар.

48 бет. Янчжоу ва Цзядин — Цзянсу провинциясидаги шаҳарлар. Цяп Тайпин қўзғолони вақтида (1850—1864) шу шаҳарларда маньчжур императори қўшинларининг ўн кун шафқатсиз қирғин қилганликлари устида боради.

1911 йил революцияси даврида революцияга қадар маньчжур империясига қарши бўлган баъзи революционерлар мавжуд тузумга қарши норозилик билдириш белгиси сифатида сочларини устара билан олдиради, кокилларини кесиб ташлар ёки турмаклар шляпалари остига беркитиб юради эдилар.

49 бет. Цзоу Жун (1855—1905) — хитой революционери, 1911 йил революциясидан олдин маньчжур монархиясига қарши республика ўрнатиш учун курашган. Айниқса, у Японияда ўқийдиган хитой ўқувчилари орасида катта революцион иш олиб борган. 1902 йилда Токиода унинг «Революцион армия» деган машҳур китоби чиққан, бу китобда маньчжур династиясига қарши революцион кураш принциплари баён этилади. У 1904 йилда Шанхайда қамоққа олинадиган ва бир йилдан кейин қамоқда вафот этади.

ЁЗ БАЙРАМИ

114 бет. Қамар йили календари бўйича «бешинчи ойнинг бешинчи куни» баҳорги (ёки ёзги) байрам — ёзги қуёш туриши куни байрам қилинади. Бу байрам халқ орасида «аждаҳо кема байрами» деб юритилади. Шу куни ватанпарвар шоир Цюй Юан (бизнинг эрагача 340—278 йиллар)ни хотирлаб кема пойгалари ўтказилади, дарёнинг жони ҳисобланган аждаҳонинг кўнглини овлаш учун ширин гуручани билуфлар баргига ўраб, дарёга ташланади.

117 бет. Кўхна Хитойда янги туғилган қизларга деярли исм қўйилмай унн одатда «биринчи қиз», «иккинчи қиз» ва ҳоказо деб тартиб сон билан аталган. Қиз мактаб ёшига етгач, уни «мактаб исми» ёки бирор лақаб билан аталган. Қиз турмушга чиққандан кейин яна «биринчи келин», «иккинчи келин»... деб аталган.

Қишлоқ томошаси

135 бет. Лу Синь «қишлоқ томошаси» ёки «хитой театри» дейиш билан «коммерция театрини» кўзда тутади. Бу театрларнинг хўжайинлари текин даромад пайндан бўлиб, асосан мўғул давридаги (1280—1368) хитой қаҳрамонлик драмаларини намоиш қилардилар.

Бу спектаклларда қадимий театрининг шартли усуллари, вақтнинг ўтаган қонунилар, кенг томошабинлар оmmasига тушунарсиз бўлган архаик тил сақланган эди. Хотин-қизлар родини эркаклар ижро этишарди.

Театр оркестрида дўмбира, бонг ва шунга ўхшаш уриб чалинадиган асбоблар бисёр эди. Бу коммерция театри кўп жиҳатдан одатдаги Кўхна Хитой театридан, хусусан отоқли актёр Мэй Лань-фаннинг «Пекин операси» деб аталган театридан фарқ қилар эди. Бу театрда халқ театрининг манбаи ҳисобланган пойтахт театрининг анъаналари бор эди. Қишлоқларда сақланиб қолган одатдаги кўхна театр «коммерция театрининг таъсирига бир қадар берилгани билан унда қадимий халқ театрининг хусусиятлари сақланиб қолган эди. Лу Синьнинг ватани Чжецзян вилоятининг қишлоқларида қадимий халқ театри ҳозирги кунларгача сақланиб қолган.

Ёввойи гиёҳлар

147 бет. «Ёввойи гиёҳлар» тўпламининг биринчи нашри 1927 йил июнь ойида Пекиндаги «Бэйсинь шуцзюй» нашриёти томонидан босиб чиқарилган. «Ёввойи гиёҳлар» тўпламининг тўлиқ тексти (сўз бошидан ташқари) Лу Синьнинг 20 томлик тўла танланган асарларининг биринчи томига киритилган. (1938.)

1931 йил 5 ноябрда «Ёввойи гиёҳлар» тўпламининг инглизча нашрига Лу Синь томонидан ёзилган сўз боши киши диққатини ўзига жалб этади. Бу сўз боши ёзувчининг «Исён» (1932) номли тўпламига киритилган.

«Жаноб Фэн VS ўз дўсти орқали менга, ўқиб, ўз мулоҳазаларини баён этиш учун «Ёввойи гиёҳлар» тўпламининг инглизча таржимасини бериб юборибди. Бахтга қарши мен инглиз тилини билмайман ва ўзимдан бир неча сўз айтиш шарафигагина муяссарман. Талабини ярим-ёрти адо этганим учун таржимон мендан хафа бўлмас, деган умиддаман.

Ҳар бир парчанинги охирида баён этилганидек, бу йигирмадан ортиқроқ кичик ҳажмдаги ҳикоячалар 1924—26 йиллар мобайнида Пекинда ёзилган ва вақт-вақти билан «Юйси» журнали саҳифаларида босилиб чиққан. Уша пайтларда фикрнинг очиқдан-очиқ айтилиши қийин бўлгани туфайли баъзида мавҳумроқ қилиб баён этишга тўғри келарди.

Бир неча мисоллар келтирмаман, Уша пайтларда оммавий тус олган муҳаббат ҳақидаги тушқунликка учраган шеърларни ҳажв қилиш мақсадида. «Йўқолган муҳаббатим» ёзилди; жамиятдаги бир тўда анқовлардан нафратланиб «Қасос» (биринчи парча)ни ижод этдим; ёшларнинг пассивлигидан ташвишланиб «Умид»ни ёздим; «Шундай жангчи» олимлар билан адабиётчиларнинг милитаристларга бераётган ёрдамлари таъсирида ёзилган. «Қуриб қолган япроқ» мен кимлар фикрида қимматли бўлсам, шу қисфамни сақлаб қолиш ниятида ёзилган. Дуань-цзжуй ҳукумати томонидан нажотсиз қатор кишилар отиб ташлангандан кейин «Ўз туси-

ни йўқотган қон доғлари орасида» ёзилди; шунда мен бошқа уйга кўчиб ўтган эдим. Милитаристларнинг фэнтян ва чжили тўдаси ўртасида бўлиб ўтган жанглардан кейин «Сарсонлик»ни ёздим, шундай кейин Пекинда яшаб туришни мумкин бўлмай қолди.

Шу туфайли умуман бунн — дўзах чеккасидаги рангсиз гул деса ҳам бўлади. Табиийки, бу гуллар чиройли бўлмайди. Бироқ дўзахнинг ҳалок бўлмоғи муқаррар. Бу ҳақда менга бир неча киши айтди ва қаттиқ баҳслашганлари билан ўша пайтда ўз мақсадларига эриша олмаган сўнги тadbир тарафдорларидан бир неча кишининг нутқидан англаб олдим. Шундан кейин «Рўқотилган дўзах»ни ёздим.

Кейинчалик бундай асарлар ёза олмадим. Кундан-кунга ўзгариб турган давр бунга ўхшаш нарсалар ижод этгани йўл қўймайдигина эмас, ҳатто бундай таассуротлар қолдиришга ҳам имкон бермайди. Балки бу ҳол яхшиликкадир, деган фикрдаман. Шу билан инглиз тили таржимасига ёзилган сўз бошини тугатсак ҳам бўлар.

Қ и с қ а с ў з б о ш и

149 бет. Қонтон, Байюньлоуда — 1927 йил, 26 апрелда Шанхайда Чан Кай-ши контрреволюцион ўзгариш ясагандан кейин икки ҳафта ўтгач, гоминдан ҳокимияти томонидан қаттиқ полиция террори таъқиб шаронтида ёзилган. «Сўз боши» реакционерларга қарши қаратилган бўлиб, унда ғалаба қозониши муқаррар бўлган революция (ўлик олов) ғояси ниқоби остида баён этилган.

Навбатдаги нашрларида (тўртинчисидан бошлаб, 1928 йил апрели) «Сўз боши» гоминдан цензураси томонидан чиқариб ташланган. Лу Синь 1936 йил 18 февралда Ся Чжуань-цзинга ёзган хатида шундай деган эди:

«Хатингизнинг қўлга текканини тасдиқлайман. «Арфага» ёзилган сўз боши ҳукумат цензураси томонидан олиб ташланган. «Еввойи гиёҳларга» ёзилган сўз бошининг қисмати ҳам худди шундай бўлса керак деган фикрдаман. Бу ҳақда китоб нашриёти билан бир неча бор гаплашдим-у, аммо ҳеч қандай наф бўлмапти».

К у з к е ч а с и

150 бет. Машҳур адабиётшунос Ван Яонинг айтишича, бу шеърда Пекиндаги 1924 йил май ойидан бошлаб Лу Синь яшаб, ижод этган Сианьцяо кўча 21 ҳовли ичидаги боғ манзараси тасвирланади. (Қаранг. Ван Яо, Лу Синь и китайская литература, Пинмин, чубаньше, 1953 год, стр. 146) Худди шу фактни Довул номли адабий жамият орқали Лу Синьни таниган Шан Юэ ҳам ўзининг «Ҳаётим ва ўқиш йилларимдан» деган хотирасида тасдиқлайди.

Қ ў л а н к а н и н г х а й р л а ш у в и

152 бет. Бу ер ва кейинги парчаларда Лу Синь курашувчилар қаторидан жой олишга қарор қилиб, ҳали вақтинча революцион кучлар билан бирлашиб кетмаган давридаги идеологиясининг ички қарама-қаршиликлари акс этдирилган. Унинг нэлапш дунёси, ўй-фикрлари очиб берилган. Машҳур Хитой танқидчиси Фли Сюэ-фин Лу Синьнинг ўша даврдаги тутган ўрнига баҳо бериб шундай дейди:

«У (Лу Синь) бир томондан баъзи эски ғоя ва кайфиятларни қувватлаб, иккинчи томондан ўзининг энд кайфиятларини ифода этарди. У ўз ўзини таҳлил қилар экан, баъзи эски ғояларни, айниқса асосини индивидуализм ташкил этган ғояларни инкор этгани яққол кўзга ташланади.

(Фин Сюэ-фин, Лу Синь ҳақида хотиралар, Жэньминьвэньсюэ чубаньше, Пекин, 1953, 20 бет.).

Лу Синнинг ўзи 1934 йил 9 октябрда Сяо Цяунга ёзган хатида шундай дейди:

«Ёввойи гиеҳлар» китобимни санъаткорлик жиҳатидан ярамас деб ҳисоблашга ўрин йўқ, бироқ ундаги кайфиятдан тушкунликнинг иси келиб туради. Нега деганда, бу нарсалар мен аллақанча қийинчиликларга учраганимдан сўнг ёзилган. Сиз худди мана шу тушкунлик кайфияти тўғрисида гапираётандирсиз деган умиддаман».

У м и д

157 бет. Шандор Петефи (1823—1849) венгер революциясининг буюк куйчиси, Лу Синнинг севган шоирларидан бири. Лу Синь ўз мақолаларида Петефи ижодига жуда кўп марта мурожаат этади. 1925 йил январьда «Юйси» журналида «Ёввойи гиеҳлар» билан бирга Петефининг олти-та шеъри Лу Синь таржимасида босиб чиқарилган эди.

Қ о р

158 бет. Цзяндан шимолроқда — яъни Жанубий Хитойда. Цзян-Ян-шэцзян дарёси кўзда тутилади.

Й ў қ о т и л г а н д ў з а х

169 бет. Тиг-дарахтлар = дўзахда гуноҳкорларни жазолайдиган қурол.

170 бет. А-пан — дўзахни қамраб олган жинлардан бири. Унинг боши ҳўкизнякига, қўли одамникига ўхшайди, оёғида тақаси бўлади. У шундай кучга эгаки, ҳатто тоғларни ҳам ўривдан қўзғата олади.

М у н о з а р а

174 бет. Халқ расм-русмига кўра бола бир ойлик бўлгандан кейин меҳмонларга кўрсатилади. Улар гўдакнинг келажagini олдиндан айтдилар.

Д о н о , а ҳ м о қ в а қ у л

179 бет. «Кумуш қулоқ» — қадимий ейиладиган қўзиқорин, эрмак ҳисобланади. Шунингдек дори сифатида ҳам қўлланади.

Қ у р и б қ о л г а н я п р о қ

180 бет. «Яньминьцзи» — проза ва шеърлар тўплами. Бу тўплам автори Юань даврида яшаб, хитой тилида ижод этган, асл зоти мўғуллардан бўлган Саъдулла (1308 йилда вафот этгандир). У Яньминьгуань (ҳозирги Шаньси вилояти)даги чегара заставаларидан бирида туғилиб, ўз тавланган асарларини шу ном билан атаган.

Ўз тусини йўқотган қон доғлари орасида

181 бет. 1926 йил 18 мартдаги Пекин воқналари таъсири остида ёзилган. Шу куни Япон ҳарбий кемаларини Дачжянькоуга кириши, Хитой суверен ҳуқуқларининг бузилши ва милитаристларнинг сотқин сиёсатига қарши оммавий ватанпарварлик намоёнлиги бўлиб ўтган. Дуань Ци-жуй ҳокимияти қуролсиз оломонга қарши ўт очган. Уч юзга яқин киши ҳалок бўлган, булар орасида жуда кўп студентлар, Лу Синьнинг шогирдлари ҳам бор эди. Лу Синь бу шеърин прозасидан ташқари 1926 йил, 18 март воқнасига бағишлаб бир неча мақолалар ҳам ёзди. («Муҳтарама Лю Хэ-чжень хотираси», «Очилмаган гул», «Ҳам қайғули, ҳам кулгили», «Улик илон» кабилар.) Лу Синь контрреволюцион зулмнинг қурбони бўлганларга ачиниб, милитаристларнинг сотқин сиёсатига лаянатлар ўқиди.

У й ф о н и ш

182 бет. 1926 йил апрель ойи, милитаристлар жанги давом этиб турган чоғда, Чжан Цзо-лин билан У Пэй-фунинг бирлашган кучлари японларни таянч қилиб Фин Юй-сян қўшинларини Пекиндан сиқиб чиқариши натижасида ёзилган.

183 *Пекин университети* — Хитойнинг энг кекса ўқув юртларидан бири (1898 йилда асос солинган) Янги хитой маданияти ҳаракатининг маркази. Бу университет тарихи хитой халқининг революцион кураши билан чамбарчас боғланган. 1920—1926 йиллар мобайнида Лу Синь Пекин университетида адабиёт фанидан лекция ўқиган. У студентларнинг прогрессив талабларини қаттиқ туриб ҳимоя қилган ва реакцион олимлар, ҳамда Чжан Ши-чжао типидagi адабиётчиларга қарши кескин кураш олиб борган. Лу Синь «Менинг Пекин университетига қарашларим» (1925 йил 13 декабрь) деган мақоласида шундай деб ёзган эди:

«Биринчидан Пекин университети ҳамма вақт тараққиёт учун бошланган ҳаракатнинг авангарди бўлиб келди, Хитойга яхшилиқ истовчиларни олға бошлаб борди. Унга анча-мунча ёвуз кучлар суқилиб кириб, ёлғон-яшиқ гаплар тарқатишлари, ҳар йили профессор ва студентларнинг ўзгариб туришларига қарамай, бу янгиликка интилиш руҳи ҳамма вақт ҳам яшаб келди...

Иккинчидан Пекин университети доим қора гуруҳларга қарши курашиб келди...»

183 бет. «*Жонсиз ўт*» (Цяньцаю цзикань) 1924 йилда Шанхайда нашр этилган журнал номи. Бу журналнинг худди шу ном билан аталган адабий группаси бўлиб, бунинг асосий қатнашчилари Чэнь Сян-хао, Чэнь Вэй-мо, Гао Ши-хуа, Хань Цзюнь-гэ, Фин Чжи сингарини ёзувчи ва шонрлар эди. Журналнинг асосий йўналиши «Санъат санъат учун» деган ғоя эди.

183 «*Чўккан қўнғироқ*» (Чэньчжун чжоукань) — 1925 йил октябрда Пекинда шу ном билан «Жонсиз ўт» журнали қайта нашр этила бошланди. Журналда асосан ўша илгариги йўналиш ва ўша қатнашчилар сақланиб қолган эди. Журнал қатнашчиларини ғарб ёзувчилари (Уайльд, Бодлер, Гиссинг) билан қизиқдилар. Лу Синь «Янги хитой адабиётининг анталогияси» номли прозаик асарлар тўпламига «Сўз боши»сида (1935 йил 2 март) бу журнал йўналишини характерлаб шундай деб ёзган эди:

«1924 йилда Шанхайда пайдо бўлган «Жонсиз ўт» жамияти ҳақиқатан ҳам «Санъат санъат учун» деган ғояни илгари сурувчи ёзувчилар группаси эди. Бироқ уч ойда бир мартаба чиқадиган бу журналнинг ҳар бир сониди уларнинг шу нарсага зўр бериб ҳаракат қилаётганлари намойиш бўларди: ташқи томондан — чет эл озини билан таъминланиш, ички томондан — ўз қалбини очиб ташлаш. Улар бу дунёни синчкклаб кўздан кечиргач, ғам-ғуссага тўлган кишиларга ҳақиқат ва гўзаллик ҳақида

кўшиқ айтиб бериш учун қалбнинг кўз ва овозини кўрсатмоқчи эдилар. Бир йил ўтгач, группанинг асосий мағзи Пекинга кўчиб ўтди, бир гуруҳ қатнашчилари тарқалиб кетди. Уч ойда бир марта чиқадиган «Жонсиз ўт» нинг ҳажми қисқариб, ҳафтада бир марта чиқадиган «Чўккан қўнғироқ»қа айланди...

Бироқ, ўша пайтларда уйғонган зинелилар билан ёшлар кўпроқ қизиқ-қон, аммо тушкунликка учраган эди. Улар бир озгина ёруғлиқ тонганларин билан, атрофларини ўраб олган поёнсиз қоронғилик эса, уларнинг кўзига яққол ташланиб турарди.

Бахт тилаб сиғиниш

187 бет. Кан Ю-вэй (1856—1927) Маньчжурия династияси охирларида яшаган синьсий арбоб, реформатор, конституцион монархия тарафдорин, 1898 йилда Лян Ци-чао, Тан Си-тун ва бошқалар билан биргаликда «ислоҳот ўтказиш ҳаракати»ни бошқарган.

МУНДАРИЖА

Хитой халқининг буюк ёзувчиси — И. Мангутова	5
--	---

НАЪРА

Жиннининг хотиралари. <i>Комил Пўлатов</i> таржимаси	13
Кун И-цзи. <i>Комил Пўлатов</i> таржимаси	24
Дори. <i>Комил Пўлатов</i> таржимаси	30
Эртага. <i>Комил Пўлатов</i> таржимаси	38
Кичкина воқиа. <i>Комил Пўлатов</i> таржимаси	44
Кокил қиссаси. <i>Комил Пўлатов</i> таржимаси	47
Ташвиш. <i>Комил Пўлатов</i> таржимаси	52
Қишлоғим. <i>Комил Пўлатов</i> таржимаси	61
А-Кьюнинг асл тарихи. <i>Комил Пўлатов</i> таржимаси	70
Ёз байрами. <i>Тоҳир Иброҳимов</i> таржимаси	114
Жило. <i>Тоҳир Иброҳимов</i> таржимаси	123
Қуёнлар ва мушук. <i>Холида Аҳророва</i> таржимаси	128
Ўрдак комедияси. <i>Тоҳир Иброҳимов</i> таржимаси	132
Қишлоқ томошаси. <i>Тоҳир Иброҳимов</i> таржимаси	135

ЁВВОЙИ ГИЁХЛАР

Қисқа сўз боши. <i>Анвар Исроилов</i> таржимаси	149
Куз кечаси. <i>Анвар Исроилов</i> таржимаси	150
Кўланканинг хайрлашувн. <i>Анвар Исроилов</i> таржимаси	152
Тиланчилар. <i>Анвар Исроилов</i> таржимаси	153
Йўқолган муҳаббатим. <i>Анвар Исроилов</i> таржимаси	154
Қасос (1) <i>Анвар Исроилов</i> таржимаси	155

Қасос (2) <i>Анвар Исроилов</i> таржимаси	156
Умид. <i>Анвар Исроилов</i> таржимаси	157
Қор. <i>Анвар Исроилов</i> таржимаси	158
Варрак. <i>Холида Аҳророва</i> таржимаси	160
Жаҳонгашта. <i>Фатҳулла Ғанихўжаев</i> таржимаси	162
Сўнган олов. <i>Фатҳулла Ғанихўжаев</i> таржимаси	166
Итнинг эътирози. <i>Фатҳулла Ғанихўжаев</i> таржимаси	168
Йўқолган дўзах. <i>Фатҳулла Ғанихўжаев</i> таржимаси	169
Қабр устидаги ёзув. <i>Фатҳулла Ғанихўжаев</i> таржимаси	170
Ўлим талвасаси. <i>Фатҳулла Ғанихўжаев</i> таржимаси	171
Мунозара. <i>Фатҳулла Ғанихўжаев</i> таржимаси	173
Ўлгандан сўнг. <i>Фатҳулла Ғанихўжаев</i> таржимаси	174
Жангчи шўндай бўлсин! <i>Фатҳулла Ғанихўжаев</i> таржимаси	177
Доно, аҳмоқ ва қул. <i>Фатҳулла Ғанихўжаев</i> таржимаси	178
Қуриб қолган япроқ. <i>Фатҳулла Ғанихўжаев</i> таржимаси	180
Ўз тусини йўқотган қон доғлари орасида. <i>Фатҳулла Ғанихўжаев</i> таржимаси	181
Уйғониш. <i>Фатҳулла Ғанихўжаев</i> таржимаси	182

САРСОНЛИК

Бахт тилаб сифиниш. <i>Маҳаматнодир Саидов</i> таржимаси	187
Қовоқхонада. <i>Комил Пўлатов</i> таржимаси	206
Бахтли онла. <i>Маҳаматнодир Саидов</i> таржимаси	216
Совун. <i>Маҳаматнодир Саидов</i> таржимаси	224
Қандил. <i>Комил Пўлатов</i> таржимаси	234
Сазойи. <i>Комил Пўлатов</i> таржимаси	243
Муҳтарам философ Гао. <i>Қодир Аҳмадий</i> таржимаси	248
Марҳуманинг таъзияси. <i>Фулом Аҳмедов</i> таржимаси	259
Ака-укалар. <i>Хайри Фуломова</i> таржимаси	279
Ажралиш. <i>Хайри Фуломова</i> таржимаси	290

ПУБЛИЦИСТИК АСАРЛАР

Таъсирланиб. <i>Лола Тожиева</i> таржимаси	303
Янгилик жаллодлари. <i>Лола Тожиева</i> таржимаси	304
Билимли бўлиш—жиноят. <i>Лола Тожиева</i> таржимаси	305
Буюк девор. <i>Лола Тожиева</i> таржимаси	308
Хитой революцион пролетар адабиёти ва авангардларининг қони. <i>Лола Тожиева</i> таржимаси	308
Линь Кэ-доннинг „Совет Иттифоқида кўрган ва эшитганларим хо- тираси“ китобига сўз боши. <i>Лола Тожиева</i> таржимаси	310
Энди бизни алдай олмайдилар. <i>Лола Тожиева</i> таржимаси	313
Хитой билан Россия ўртасидаги маданий алоқани табриклайман. <i>Лола Тожиева</i> таржимаси	319
Қай тарзда ёза бошлаганим ҳақида. <i>Лола Тожиева</i> таржимаси	319

Бева Цинь Ли-чжай ўз-ўзини ўлдиргани ҳақида. <i>Лола Тожиева</i> таржимаси	323
Даҳшат. <i>Лола Тожиева</i> таржимаси	324
Хитой турмаси тўғрисида. <i>Лола Тожиева</i> таржимаси	326
„Интернационал адабиёт“га жавоб. <i>Лола Тожиева</i> таржимаси	329
Адабиёт ҳақида ёт кишининг сафсатаси. <i>Лола Тожиева</i> таржимаси	330
Гўштнинг таъмини билолмай қолганлар ва сувнинг таъмини унутганлар. <i>Лола Тожиева</i> таржимаси	349
Хитой адабиётининг янгича ривож учун. <i>Лола Тожиева</i> таржимаси	351
Тақдир ҳақида. <i>Лола Тожиева</i> таржимаси	353
Изоҳлар	357

БИБЛИОТЕКА № 11
 К. А. 33609

На узбекском языке

ЛУСИНЬ
ИЗБРАННОЕ

Гослитиздат УзССР — 1959 — Ташкент

Редактор — *Мухсин Алиев*
Рассом *Т. Воронкин*
Рассом-редактори *Г. Бсдарев*
Техредактор *Т. Скиба*
Корректор *Н. Ахрарова*

* * *

Босмахонага берилди 9/VII 1959² й. Босишга
рухсат этилди 29/IX—1959 й. Формати 60×92^{1/16}.
Босма л. 11,5. Шартли босма л. 18,86.
Нашр. л. 23. Индекс *и. а.* Р00167. Тиражи 15000.
УзССР Давлат бадий адабиёт нашриёти.
Тошкент, Навоий кучаси, 50.
Шартнома № 22—58.

* * *

УзССР Маданият министрлиги Ўзглавиздати-
нинг 1-босмахонаси, Тошкент, Ҳамза куча-
си, 21, 1959 й. Заказ № 1053. Баҳоси 7 с. 80 т.

